

И.К. РУСТАМБЕКОВ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЖИНОЯТ
КОДЕКСИГА
ШАРҲЛАР

Маълум қисми

3

343(575.1)/(072)

P 92

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Юридик фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган юрист
М.Х. РУСТАМБАЕВ

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЖИНОЯТ
КОДЕКСИГА ШАРҲЛАР**

**МАХСУС ҚИСМ
(193–302-моддалар)**

**Тўлдирилган ва қайта ишланган
тўртинчи нашр**

**Тошкент
«Yuridik adabiyotlar publish»
2023**

УЎК: 343(575.1)(0.072)

КБК: 67.411(5Ў)

P-92

P-92

Рустамбаев М.Х.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм/М. Рустамбаев. – Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2023. – 752 б.

ISBN 978-9943-8523-7-2

УЎК: 343(575.1)(0.072)

КБК: 67.411(5Ў)

Тақризчилар: Қ.Р. АБДУРАСУЛОВА,

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва
криминология кафедраси,
ю.ф.д., профессор.

Д.М. МИРАЗОВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети
«Жиний ҳуқуқий фанлар» кафедраси
бошлиғи, ю.ф.д., профессор

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар амалдаги жиноят туғрисидаги қонунчилик воясида ёзилган. Унда Жиноят кодексига 2023 йил 1 мартгача киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ва суд амалиёти манбаларидан фойдаланилган.

Шарҳларда Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисми ҳар бир моддасига алоҳида-алоҳида шарҳ тайёрланган бўлиб, Жиноят кодекси нормалари диспозициясининг маънаси, ҳуқуқ нормасида белгиланган жиноятларнинг субъекти, субъектив томони, объекти, объектив томони белгиларининг асосий жиҳатлари очиқ берилган, ҳуқуқ нормаларида ўрнатилган санкцияларнинг мазмуни, уларни қўллаш тартиби кўрсатилган.

Жиноят кодексига шарҳлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, судьялар, адвокатлар, олий укув юртарларнинг ўқитувчилари, тадқиқотчилари, талабалари, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети курсантлари ва талабалари, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси тингловчилари шумингдек, жиноят ҳуқуқи ва қонунчилиги билан қизиқувчи кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.



Телефон камераси ёки махсус мобил иловадан фойдаланиб, китобдаги QR-кодлар орқали моддалар шарҳида берилган норматив ҳужжатлар матни билан танишишига мумкин.

© М.Х. Рустамбаев, 2023 й.

© Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети, 2023 й.

© «Yuridik adabiyotlar publish», 2023 й.

Abdulla Qodiriy nomidagi

viloyat AKM

INV № 2023 / 45 - 38

МУНДАРИЖА

МАХСУС ҚИСМ

Тўртинчи бўлим. ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР	14
XIV боб. АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИАТДАН ФЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР	14
193-модда. Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш.....	14
194-модда. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўррисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш	20
195-модда. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик	27
196-модда. Атроф табиий муҳитни ифлослантириш	29
197-модда. Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш	33
197 ¹ -модда. Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик	36
198-модда. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш	41
199-модда. Ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш	46
200-модда. Ветеринария, ветеринария-санитария қондалари ва нормаларини бузиш	49
201-модда. Зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қондаларини бузиш	52
202-модда. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш.....	56
202 ¹ -модда. Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш	66

203-модда.	Сув ёки сув хавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш	69
204-модда.	Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш.....	73
Бешинчи бўлим. ҲОКИМИЯТ, БОШҚАРУВ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР		78
XV боб. БОШҚАРУВ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР		78
205-модда.	Ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмом қилиш	81
206-модда.	Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш	92
206 ¹ -модда.	Чиқарилган	96
207-модда.	Мансабга совуққонлик билан қараш	96
208-модда.	Ҳокимият ҳаракатсизлиги	100
209-модда.	Мансаб сохтакорлиги.....	102
210-модда.	Пора олиш	107
211-модда.	Пора бериш	118
212-модда.	Пора олиш-беришда воситачилик қилиш.....	122
213-модда.	Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш	125
214-модда.	Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши.....	130
215-модда.	Давлат рамэларига ҳурматсизлик қилиш	134
216-модда.	Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга ҳилоф равишда тузиш	142
216 ¹ -модда.	Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш	148

216 ² -модда.	Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш	152
217-модда.	Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш	159
218-модда.	Тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш	164
219-модда.	Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш	168
220-модда.	Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар	174
221-модда.	Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик	180
222-модда.	Қамоқдан ёки қўриқлов остидаги саклаш жойидан қочиш	182
223-модда.	Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш	186
224-модда.	Чиқарилган	191
225-модда.	Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш	191
226-модда.	Маъмурий назорат қоидаларини бузиш	200
227-модда.	Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, автотототранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш	206
228-модда.	Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш	212
228 ¹ -модда.	Давлат проба тамғаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш	216
229-модда.	Ўзбошимчалик	218
229 ¹ -модда.	Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш	222

229 ² -модда.	Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш	227
229 ³ -модда.	Белгиланган тақиқларни (чекловларни) бузган ҳолда биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш	229
229 ⁴ -модда.	Ер бериш тартибини бузиш	233
229 ⁵ -модда.	Ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш	237
229 ⁶ -модда.	Сугориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш	243
XVI боб.	ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР	248
230-модда.	Айбсиз кишини жавобгарликка тортиш	248
230 ¹ -модда.	Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)	251
230 ² -модда.	Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш)	258
231-модда.	Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш	262
232-модда.	Суд ҳужжатини ижро этмаслик	266
232 ¹ -модда.	Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралаштириш	274
233-модда.	Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш	277
234-модда.	Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш	281
235-модда.	Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш	292
236-модда.	Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш	305
237-модда.	Ёлғон хабар бериш	310
238-модда.	Ёлғон гувоҳлик бериш	312

239-модда.	Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш.....	318
240-модда.	Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши	320
241-модда.	Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш.....	322
241 ¹ -модда.	Жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш	325
Олтинчи бўлим. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР		330
XVII боб. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР		330
242-модда.	Жиноий уюшма ташкил этиш	330
243-модда.	Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш.....	336
244-модда.	Оммавий тартибсизликлар.....	340
244 ¹ -модда.	Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоён этиш	347
244 ² -модда.	Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш.....	352
244 ³ -модда.	Диний мазмундаги материалларни қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш.....	354
244 ⁴ -модда.	Учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга ҳилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш.....	358
244 ⁵ -модда.	Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш.....	365
244 ⁶ -модда.	Ёлғон ахборот тарқатиш.....	368
245-модда.	Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш.....	371

246-модда.	Контрабанда	374
247-модда.	Ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш.....	379
248-модда.	Ўқотар қуролнинг, ўқ-дориларнинг, ўқотар қурол асосий қисмларининг, портловчи моддаларнинг, портлатиш воситаларининг ёки портлатиш қурилмаларининг қонунга ҳилоф муомаласи.....	386
248 ¹ -модда.	Учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш.....	391
249-модда.	Қуролни ва унинг ўқ-дориларини сақлаш, олиб юриш, ташиш қоидаларини бузиш.....	394
250-модда.	Портлаш хавфи бўлган моддалар ёки пиротехника буюмларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш	400
250 ¹ -модда.	Пиротехника буюмларининг қонунга ҳилоф муомаласи	405
251-модда.	Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш.....	412
251 ¹ -модда.	Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш.....	415
252-модда.	Радиоактив материалларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш	421
253-модда.	Радиоактив материаллардан фойдаланиш қоидаларини бузиш	425
254-модда.	Радиоактив материаллардан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш	429
255-модда.	Ядро қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш.....	431

255 ¹ -модда.	Бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялли қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш	433
255 ² -модда.	Нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш	437
256-модда.	Тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш	441
257-модда.	Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш	443
257 ¹ -модда.	Санитарияга оид қонунчиликни ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш	446
258-модда.	Тоғ-қон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш	460
259-модда.	Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш	462
259 ¹ -модда.	Ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг қуриқланишини таъминлашга доир мажбуриятларни бажармаслик	464
XVIII боб.	ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ВА УНДАН	
	ҲОИДАЛАНИШ ХАВҒСИЗЛИГИГА	
	ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР	466
260-модда.	Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан ҳоидаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш	466
260 ¹ -модда.	Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан қонунга хилоф равишда (руҳсатсиз) ҳоидаланиш	476
261-модда.	Маст ҳолдаги шахснинг транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиш	479
262-модда.	Транспортни таъмирлаш ёки уни ҳоидаланишга чиқариш қоидаларини бузиш	484

263-модда.	Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўлларини яроксиз ҳолатга келтириш.....	490
263 ¹ -модда.	Ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида лазер нурини йўналтириш орқали халакит бериш.....	493
264-модда.	Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш.....	495
265-модда.	Халқаро учиш қоидаларини бузиш.....	501
266-модда.	Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш.....	505
267-модда.	Транспорт воситасини олиб қочиш.....	514
268-модда.	Транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш.....	517
269-модда.	Автомобиль йўлларида фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузиш.....	521
XIХ боб.	ГИЁВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШДАН ИБОРАТ ЖИНОЯТЛАР.....	523
270-модда.	Тақиқланган экинларни етиштириш.....	523
271-модда.	Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш.....	534
272-модда.	Чиқарилган.....	539
273-модда.	Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш.....	539
274-модда.	Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш.....	550

275-модда.	Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш	556
276-модда.	Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар	559
XX боб.	ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР	561
277-модда.	Безорилик	561
278-модда.	Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш	573
XX¹ боб.	АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР	580
278 ¹ -модда.	Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш	580
278 ² -модда.	Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш	597
278 ³ -модда.	Компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш	609
278 ⁴ -модда.	Компьютер ахборотини модификациялаштириш	615
278 ⁵ -модда.	Компьютер саботажи	620
278 ⁶ -модда.	Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш	624
278 ⁷ -модда.	Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш	632
Еттинчи бўлим.	ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР	637

XXI боб.	БЎЙСУНИШ ВА ҲАРБИЙ ШАЪНГА РИОЯ ЭТИШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР	637
279-модда.	Бўйсунмаслик.....	642
280-модда.	Буйруқни бажармаслик.....	648
281-модда.	Бошлиққа қаршилиқ кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш.....	650
282-модда.	Бошлиқни қўрқитиш.....	655
283-модда.	Баданга шикаст етказиш.....	656
284-модда.	Бўйсунувчининг ўз бошлиғини ёки бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини ҳақорат қилиши.....	660
285-модда.	Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш.....	663
286-модда.	Мародёрлик.....	671
XXII боб.	ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР	672
287-модда.	Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалиқ билан ташлаб кетиш.....	672
288-модда.	Дезертирлик.....	679
289-модда.	Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ташлаб кетиш.....	682
290-модда.	Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш.....	685
291-модда.	Қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузиш.....	691
292-модда.	Ички хизматни ўташ ёки гарнизонда патруллик қилиш қоидаларини бузиш.....	699
293-модда.	Жанговар навбатчиликни ўташ қоидаларини бузиш.....	703
294-модда.	Чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиш.....	706

XXIII боб. ҲАРБИЙ МУЛКНИ САҚЛАШ ЁКИ УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР	709
295-модда. Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, йўқотиш ёки ишдан чиқариш	709
296-модда. Ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш	715
297-модда. Атрофдагилар учун катта хавф манбаи булган қурол-яроғ, шунингдек модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш	719
298-модда. Машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш	726
299-модда. Учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузиш	732
300-модда. Кемани бошқариш қоидаларини бузиш	736
XXIV боб. ҲАРБИЙ МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ	738
301-модда. Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги	738
302-модда. Хизматга совуққонлик билан қараш	745
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган қонунлар рўйхати	748

МАХСУС ҚИСМ

Тўртинчи бўлим. ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

XIV боб. АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИАТДАН ФЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

193-модда. Экология хавфсизлигига оид норма- лар ва талабларни бузиш

Саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан объектлари ёки бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланиш нормалари ва қоидаларининг мансабдор шахс томонидан бузилиши ёхуд давлат комиссиясининг аъзолари томонидан бу объектларни норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларни бузиб қабул қилиниши инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **асосий бевосита объекти** саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан объектлари ёки бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб

фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларни бажаришнинг технологик тартиби (режими)ни таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади, чунки санаб ўтилган ишлар атроф муҳит учун хавfli бўлиши мумкин. Мазкур турдаги ишларнинг экологик хавfliлиги атроф муҳитга назорат қилинмайдиган зарар етказилиши мумкинлиги билан боғлиқ. Бунда инсон ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар **қўшимча бевосита объект** бўлиши мумкин.

2. **Атроф табиий муҳит** – ўзаро алоқадорликда бўлган табиий объектлар (ҳаво, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва ҳ.к.) йиғиндиси.

3. **Объектив томондан** жиноят саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан объектлари ёки бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланиш нормалари ва қондаларининг бузилишида ёхуд давлат комиссияларининг аъзолари томонидан бу объектларнинг норматив ҳужжатларда белгиланган қондаларни бузиб қабул қилиниши инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлишида ифодаланади.

4. **Лойиҳалаш** деганда, тегишли жараён, яъни илмий-техник тараққиётнинг замонавий даражасига мос бўлган экологик талабларга риоя этилишининг зарурий техник-иктисодий асослантрилиши мавжуд бўлган ҳолда махсус қарор асосида бунга ваколати бўлган шахслар томонидан амалга ошириладиган ва муайян ҳуқуқий оқибатларни юзага келтирадиган тахмин қилинаётган объект (корхона, иншоот) нинг намунасини яратиш бўйича технологик ва конструкторлик ишларининг йиғиндиси тушунилади. Лойиҳада технологик цикл натижасида вужудга келадиган зарарли чиқиндиларнинг миқдори бўйича ҳисоб-китоблар акс эттирилиши лозим бўлиб, улар атроф табиий муҳитга таъсир этишининг йўл қўйиладиган охириги юқламалардан ошмаслиги зарур. Шунингдек, лойиҳага чиқиндиларни тозалаш, зарарсизлантириш ва утилизация

қилишнинг усуллари, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш буйича чора-тадбирлар киритилиши лозим. Ишлаб чиқилган лойиҳалар давлат экология экспертизасидан ўтказилиши лозим.

5. **Объектларни жойлаштириш** – лойиҳаланаётган ишоот, транспорт инфратузилмаси, аҳоли пунктлари, ишлаб чиқариш комплексларининг муайян майдонда жойлашувини белгилаш буйича фаолият.

6. **Қуриш** – янги объектларни қуриш, реконструкция қилиш, қайта жиҳозлаш ва бошқача барпо этиш ёки мавжуд объектларни қайта ташкил этиш. Қуриш давлат экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлган тасдиқлаш лойиҳалар буйича ҳамда амалдаги қурилиш, санитария, экология ва бошқа норма ва қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

7. **Ишга тушириш** – қурилган (реконструкция қилинган ва ҳ.к.) объектларнинг қатъий белгиланган юридик шаклда бажарувчи томонидан топширилиши ва махсус ваколатли шахслар томонидан қабул қилинишидан иборат бўлган ҳамда ўрнатилган тартибга қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириладиган жараёндир.

Объектлардан фойдаланиш деганда, объектлардан улар мўлжалланган аниқ мақсадга мувофиқ фойдаланиш тушунилади.

8. Атроф муҳит ҳолатига бирон-бир тарзда таъсир кўрсатувчи, саноат, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илмий ва бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга туширишда муайян экологик хавфсизлик нормалари ва талабларига риоя этилиши керак. Масалан, атроф муҳит ҳолатига бўладиган таъсирлар, албатта, ҳисобга олинishi шарт, атроф муҳитнинг ана шу корхоналарнинг чиқиндилари билан ифлосланишига йўл қўймаслик учун барча зарур чоралар кўрилмоғи керак; табиий ресурсларнинг қайта ишланиши ҳисобга олинishi зарур; объектларни барча лойиҳалаш ишлари ва кейинчалик уларни қуриш давлат экологик экспертизаси билан келишилган ҳолда ва уларнинг руҳсати олинганидан кейингина амалдаги норма ва қоидаларга

мувофиқ амалга оширилмоғи лозим. Барча объектлар лойиҳаларида назарда тутилган жами иқтисодий талаблар бажарилган тақдирдагина улар ишга тушиши мумкин.


Экологик хавфсизлик талаблари ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг махсус қоидалари тегишли қонунчилик билан белгиланган бўлиши лозим.

9. Объектни ишга тушириб фойдаланиш ўз ичига ҳужжатларни, объектнинг фактик ҳолатини текшириш жараёнини, уни ҳаракатга келтириш (технологик циклга тушириш), фойдаланиш ва қўллашни қамраб олади. Хусусан, зарарли чикиндиларни тозалаш, зарарсизлантириш ва рекултивация қилиш бўйича замонавий технология ва ускуналар билан, шунингдек атроф муҳит ифлосланиши устидан назорат қилиш воситалари билан таъминланмаган корхона, иншоот ва бошқа объектларни фойдаланишга тушириш тақиқланади. Ишга тушириш тартиби ҳам бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

10. Объектив томондан ЖКнинг 193-моддасида назарда тутилган жиноят фаол ҳаракат орқали, шунингдек, ҳаракатсизлик орқали ҳам содир этилиши мумкин.

Ҳаракатлар амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган экология хавфсизлиги норма ва талабларига риоя қилмасликда ифодаланиши мумкин (масалан, қоидаларда назарда тутилмаган ҳисоб-китоб методикасидан фойдаланиш, тегишли қоидалар билан тақиқланган технологик жараёнлардан фойдаланиш, рухсатнома ва лицензия шартларига тўғри келмайдиган ишларни бажариш ёки фаолият билан шуғулланиш, тозалаш иншоотларига йўл қўйилиши мумкин бўлган юкломани ошириш, зарур ҳулоса ёки бошқа ҳужжатларнинг йўқлиги, зарур бўлган лицензияни олишдан олдин ишлар бажарилишини амалда бошлаш, ёлғон маълумотларни ифода этиши аён бўлган лойиҳа ҳужжатларини тақдим этиш ва ҳ.к.).

Ҳаракатсизлик экологик хавфсизлик талаблари ва нормаларида тўғридан-тўғри кўрсатилган мажбуриятларни бажармасликдан иборат (масалан, тегишли ҳужжалик ва бошқа қарорлар қабул қилинаётганда уни ҳисобга олиш керак



буладиган маълумотларни қабул қилмаслик ёки менсимаслик, давлат экологик экспертиза хулосаларини бажармаслик, тегишли тозалаш иншоотлари қурилишини рад этиш, назорат ўлчовларининг йўқлиги, назорат ўлчовлари амалга оширилаётганда давлат стандартлари ва бошқа ҳужжатларда қурилиш ва лойиҳалаш учун ўрнатилган талабларни бажармаслик ва ҳ.к.).

11. Экологик хавфсизлик нормалари ва талабларини бузиш моддий таркибли жиноят ҳисобланади. Инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқиши тарикасидаги оқибатлар объектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Одамларнинг оммавий равишда касалланиши деганда, муайян ҳудудда қисқа вақт оралиғида қўплаб кишиларнинг касалликка чалиниши тушунилади.

Бошқача оғир оқибатлар деганда, атроф муҳит сифатининг ёки унинг объекти ҳолатининг экоцид, эпидемия таҳдидини юзага келтирадиган даражада ёмонлашуви, яқин вақтда бартараф этиб бўлмайдиган ёки катта моддий харажат билан бартараф этиладиган авариялар; алоҳида объектларнинг нобуд бўлиши; ер деградацияси ва атроф муҳитнинг бошқа салбий ўзгаришлари тушунилади.

Бошқача оғир оқибатлар турли хил бўлиши мумкинлиги сабабли уларнинг қатъий рўйхатини беришга имконият мавжуд эмас. Бирок, шундай ҳулоса қилиш мумкинки, атроф табиий муҳитга, шу жумладан, тирик организмларга, хусусан, одамга жиддий, қопланиши қийин бўлган зарар келтирадиган экологик мувозанатнинг ҳар қандай бузилишлари бошқача оғир оқибатлар сифатида эътироф этилиши мумкин.

12. Шарҳланаётган жиноят объектив томонининг зарурий белгиси ушбу модданинг диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлар билан курсатилган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлигидир.

13. Жиноят ушбу моддада назарда тутилган оқибатларнинг лоқал биттаси келиб чиққан вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

14. **Субъектив томондан** шарҳланаётган жиноят мазкур модда диспозициясида кўрсатилган фаолият турларини амалга оширишда экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузишга нисбатан қасддан (эгри қасд билан) ёки эҳтиётсизлик орқасида ҳамда юзага келган оқибатларга нисбатан эҳтиётсизлик орқасида содир этилади.

15. ЖКнинг 193-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** махсус ҳисобланади. Ун саккиз ёшга тулган, мазкур модда диспозициясида кўрсатилган ишларни бажаришда экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларга риоя этилишига масъул бўлган мансабдор шахслар, шунингдек объектларни фойдаланишга қабул қиладиган давлат комиссияларининг экспертлари мазкур жиноятнинг субъектлари бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган жиноятнинг субъектлари жумласига атроф муҳитга нисбатан табиатдан фойдаланувчи ёки табиий ресурслардан фойдаланувчи ёхуд табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан назорат қилиш функциясини бажарувчи мансабдор шахслар киради. Бунда ер участкаларини тақдим этиш, тозалаш ускуналарини ўрнатиш, улардан фойдаланиш учун жавобгар бўлган, чиқиндиларни транспортда ташиш ва йўқ қилиш мажбуриятлари зиммасига юклатилган ва ҳоказо мансабдор шахсларгина назарда тутилади.

Бундан ташқари, объектларни қабул қилиш бўйича давлат комиссияси таркибига кирувчи архитектура-лойиҳа бошқармаси, илм-фан, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, коммунал хизмат органлари ва маҳаллий ҳокимиятнинг мансабдор шахслари ҳам Жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

Асосий ўринни давлат, жамоат муассасалари, ташкилотлар ва корхоналар ишчиларининг хизмат ваколатлари кўрсатилган идоравий норматив ҳужжатлар: устав, йўриқнома ва буйруқлар эгаллайди. Субъектнинг жавобгарлиги ҳал қилинаётганда бу норматив ҳужжатлардан фойдаланиш керак.



194-модда. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш

Махсус ваколатга эга мансабдор шахслар томонидан зарарли экологик оқибатларни келтириб чиқарган ҳалокатлар ёки атроф табиий муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланганлиги ёхуд одам ҳаёти ёки соғлиғи, тирик табиат учун хавфли бўлган бошқача тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотларни қасддан яширилиши ёки бузиб тақдим этилиши аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки баликларнинг кирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш микдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача микдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Уша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёки уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Кимёвий, металлургия ва шу турдаги ишлаб чиқариш корхоналари бошқа ишлаб чиқариш корхоналарига қараганда атроф табиий муҳитни кўп даражада ифлослантиради. Мазкур корхоналарнинг мансабдор шахслари инсонлар ҳаёти ва соғлиғи ёки тирик табиат зарар етказиши мумкин бўлган радиациявий, кимёвий, бактериологик ва бошқа хавфлар ҳақида Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Вазирлар Маҳкамасига маълумотларни тақдим этиб борадилар¹.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, 38-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда.

Шархланаётган модданинг **мақсади** атроф муҳитнинг нормал ҳолатини сақлаш ва тегишли мансабдор шахслар томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида атроф табиий муҳитни доим назорат қилиш орқали инсон ҳаёти ҳамда соғлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, шунингдек, табиатнинг бошқа объектлари учун келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олишдан иборат.

2. ЖКнинг 194-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **асосий бевосита объекти** – ҳўжалик юритувчи комплексларнинг тегишли тармоқларида экологик хавфсизликни таъминлашдан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар, атроф муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидир. **Қўшимча бевосита объект** – инсон ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш бўйча ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. Шархланаётган жиноятнинг **объектив томони** махсус ваколатга эга мансабдор шахслар томонидан зарарли экологик оқибатларни келтириб чиқарган ҳалокатлар ёки атроф табиий муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланганлиги ёхуд одам ҳаёти ёки соғлиғи, тирик табиат учун хавфли бўлган бошқача тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотларни қасддан яширилиши ёки бузиб тақдим этилишида ифодаланади, бунда кўрсатилган қилмишлар аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга олиб келиши лозим.

Бундай қилмишлар ҳаракатда ҳам, ҳаракатсизликда ҳам ифодаланиши мумкин.

4. **Қасддан маълумотларни яшириш** деганда, тегишли маълумотларни, уларни қабул қилишга ҳуқуқи бор ёки уларни қабул қилишга муҳтож бўлган тегишли шахсларга етказмаслик тушунилиб, бунда мазкур маълумотларни етказиш ҳуқуқий нуқтаи назардан шарт бўлган ёхуд одамлар ҳаёти ва соғлиғи ёки атроф муҳит учун хавф туғдираётган ҳолатларга (мазкур ҳолда – ҳалокатларга) таъсир кўрсатиш учун зарур бўлган.

Зарарли экологик оқибатларни келтириб чиқарган ҳалокатлар ёхуд атроф муҳит, инсон (одамлар) ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган ёки зарар етказган атроф муҳитнинг бошқача тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги маълумотларнинг қасддан яширилиши айбдор шахс хулқ-атворининг пассив шакли (жиноий ҳаракатсизлиги) билан тавсифланади.

5. **Бузиб кўрсатилган маълумотлар** деганда, атроф муҳит инсон ҳаёти ёки соғлиғи ёхуд бошқа объектларга зарар ва шикаст етказган ёки етказиш хавфини туғдирадиган факт ва ҳолатларга тегишли бўлган тулиқ бўлмаган ёки ишончсиз, яъни ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тушуниш керак. Маълумотларни бузиб кўрсатиш актив ҳаракатда ифода этилиши мумкин.

6. Атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яширганлик деганда, айбдор шахс экологик вазиятнинг аҳволи тўғрисида умуман ёхуд ўз вақтида маълумот бермаганлик ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) тушунмоқ лозим. Бундай маълумотлар ҳақиқатга мувофиқ келмаса (атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги кўрсаткичларини камайтириб кўрсатиш ва хоказолар), улар бузилган ҳисобланади¹.

7. **Экологик оқибатларни келтириб чиқарган ҳалокат** деганда, ҳужалик ва бошқа фаолиятда юзага келган, атроф табиий муҳитдаги доимий салбий ўзгаришлар, инсонларнинг соғлиғига хавф соладиган, экологиянинг табиий тизимига, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондига бўлган таъсири тушуниш лозим.

8. **Атроф муҳитнинг ифлосланиши** деганда, ҳужалик ва бошқа фаолият, табиий кучнинг ҳалокатли таъсири, фалокат ёки офат оқибатида инсон соғлиғига, табиий экологик тизимга, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондлари ҳолатига таҳдид солувчи атроф табиий муҳитнинг доимий салбий ўзгариши содир бўладиган ҳудудни, шунингдек, сув ва

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақидаги»ги 36-сон қарори, 9-банд.

ҳаво бўшлиқларининг радиациявий, кимёвий, бактериологик ёки бошқача ифлосланиши тушунилади.

9. Атроф муҳитнинг ифлосланиш ҳудуди – ҳаво, сув, ҳудудий бўшлиқнинг муайян қисми, шунингдек, табиий мувозанатнинг бузилиши, табиий экологик тизимнинг ишдан чиқиши билан боғлиқ бўлган атроф муҳитнинг доимий ёки қайтариб бўлмайдиган ўзгариши содир бўлган ёки бўлаётган ер қаъри участкасидир.

10. Атроф муҳитнинг радиациявий ифлосланиши деганда, тупроқда, сувда, атмосфера ҳавосида, ўсимликларда радионуклеидларнинг табиий миқдорига нисбатан ёмонлашувида, аҳолининг нурланиш эквивалент дозасининг, атроф муҳитда радионуклеидлар концентрациясининг белгиланган нормадан ошишида ва ионлаштирувчи нурланишнинг кучида ифодаланувчи радиациявий фоннинг ўзгариши тушунилади.

11. Табиий радиациявий фон – космик нурланиш орқали ҳамда ерда, сувда, ҳавода, биосферанинг бошқа элементларида, озик-овқат маҳсулотларида ва инсон организмда табиий равишда тақсимланган табиий радионуклеидларнинг нурланиши орқали ҳосил бўладиган нурланиш дозаси.

12. Нурланишнинг самарали дозаси деганда, инсон организми ва унинг алоҳида органлари нурланишнинг узок оқибатлари уларнинг радиосезувчанлигини инobatга олган ҳолда юзага келиши хавфининг ўлчови сифатида фойдаланиладиган ионлаштирувчи нурланиш таъсирининг ўлчами тушунилади.

13. Техноген равишда ўзгарган радиациявий фон – инсон фаолияти натижасида ўзгарган табиий радиациявий фон. Агар радиациявий фоннинг ўзгариши атроф муҳитнинг ифлосланишига олиб келса, у ижтимоий хавфли деб топилади.

14. Атроф муҳитнинг кимёвий ифлосланиши – атроф табиий муҳитнинг инсон соғлиғига, табиий экологик тизимга, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондлари ҳолатига таҳдид солувчи кимёвий моддалар, чиқиндилар ва бошқа турдаги кимёвий ифлосланиши чиқариб ташлаш оқибатида келиб чиққан доимий салбий ўзгаришидир.

15. **Атроф муҳитнинг бактериологик ифлосланишида** табиий муҳитда, атмосферада, сув ёки тупроқда ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот оламида табиий экологик тизим, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондлари ҳамда инсонларнинг ҳолати ўзгаришига потенциал ёрдам берувчи бактериологик моддалар билан боғлиқ доимий салбий ўзгаришлар рўй берган ёки бериши мумкин бўлади.

16. **Атроф муҳитнинг инсон ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд табиатга хавfli бўлган бошқача ифлосланиши** деганда, радиациявий, кимёвий ёки бактериологик моддалар билан боғлиқ бўлмаган, токсик ва бошқа моддаларни ташлаш ёки чиқариш оқибатида атроф муҳит жиддий ўзгарадиган ифлосланиш тушунилади (масалан, нефть, газ, экинзор майдонларига назорат қилиб бўлмайдиган тарзда ўт кетиши ва ҳоказолар).

17. Таҳлил қилинаётган модда диспозициясига мувофиқ, аҳоли соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни яшириш ёки бузиб кўрсатиш ҳам жиноят ҳисобланади.

Бунда **аҳоли соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар** деганда, инсонларнинг эпидемиологик хусусиятга эга ва соғлом кишиларда касалликни келтириб чиқариши мумкин бўлган касалликлар тўғрисидаги маълумотлар тушунилиши даркор.

18. **Жиноятни тугалланган** деб топиш учун, маълумотларни яшириш ёки бузиб тақдим этиш натижасида шарҳланаётган модданинг диспозициясида кўрсатилган оқибатлар – аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар келиб чиққан бўлиши керак. Бошқа ҳолларда маъмурий жавобгарлик юзага келади.

Аҳолининг оммавий касалланиши деганда, икки ёки ундан ортиқ шахсда организмнинг биологик хусусиятларида патологик ўзгаришлар рўй бериши, соғлиқнинг жисмоний, руҳий ёки бошқача бузилиши тушунилади.

Ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг оммавий қирилиб кетиши деганда, бир вақтнинг ўзида ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг бир ёки бир неча

турлари, муайян ҳудудда, бир ёки бир неча объектларда кўп миқдорда нобуд бўлиши тушунилади. Бунда нобуд бўлишнинг оммавийлиги хайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг турлари, уларни қайта тиклаш даражасига қараб, ҳар бир муайян ҳодисадан келиб чиқиб аниқланади.

Бошқа оғир оқибатлар деганда, кўп ва жуда кўп миқдорда моддий зарар етказиш, аҳолини кўчириш, бино ва бошқа хўжалик объектларини бузиш зарурияти, улардан тўғри мақсадга мувофиқ фойдаланишнинг иложи йўқлиги, бирор-бир хайвон ёки ўсимлик турининг йўқ бўлиши тушунилади.

19. Келиб чиққан оқибат билан экологик оқибатли фалокат ёки атроф муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериологик ва инсонлар ҳаёти ёки соғлиги учун ёхуд тирик табиат учун хавfli бўлган бошқа ифлосланишга олиб келган аҳоли соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этиш мажбуриятини бузиш ўртасидаги сабабий боғланиш жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

20. **Субъектив томондан** жиноят тўғри ёки эгри қасддан содир этилади. Айбдор шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини англайди, унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етади ва уларнинг юз беришини истайди ва онгли равишда уларнинг юз беришига йўл қўяди.

Бундай маълумотларни эҳтиётсизликдан тақдим этмаслик ёки уларни бузиб тақдим этиш жиноят таркибини бермайди.

21. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** 18 ёшга тўлган, юкорида кўрсатилган маълумотларни тақдим этишга махсус ваколатли бўлган шахс бўлиши мумкин. Бундай шахсларга раҳбарлар, уларнинг ўринбосарлари, бош муҳандислар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспекторлари ҳамда атроф муҳитнинг эҳтимол тутилган ифлосланиши билан боғлиқ бўлган ишлар хавфсизлигига масъул бўлган, бундай маълумотларни мустақил равишда тақдим этиш ҳуқуқига эга корхона ходимлари киради. Тегишли маълумотларни тақдим этиш давлат, идора, жамоат муассасаси ҳамда

мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, ташкилот ва муассаса ишчиларининг у ёки бу хизмат ваколатларини белгилаб берувчи қонун, устав (таъсис ҳужжатлари ва ички низом), кўрсатма, буйруқларга кўра уларнинг мажбурияти ҳисобланади. Шарҳланаётган ҳаракатни содир қилганлик учун муайян шахснинг жавобгарлиги тўғрисидаги масала кўрилади ва экологик оқибатли фалокат ёки атроф муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериологик ва инсонлар ҳаёти ёки соғлиғи ёхуд тирик табиат учун хавфли бўлган бошқа ифлосланиш, аҳоли соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича мажбуриятни белгилаш мақсадида локал норматив ҳужжатлардан ҳам фойдаланиш зарур. *(Мансабдор шахс тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).*

Шарҳланаётган модда маъносида **махсус ваколатга эга мансабдор шахс** – бу фаолияти атроф табиий муҳит ҳолати ёмонлашишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган давлат органларининг ҳамда корхона, муассаса, ташкилотларнинг мансабдор шахслари.

Ўзбекистон Республикасида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасидаги давлат бошқаруви қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади¹.

Субъектнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда экологик оқибатлар ёки радиациявий, химиявий, бактериологик ёхуд инсон ҳаёти ёки соғлиғи, шунингдек, тирик табиат учун хавфли бўлган атроф-муҳитнинг ифлосланиши тўғрисидаги бошқа маълумотларни бериш бўйича мажбуриятларини аниқлаш мақсадида идоравий норматив ҳужжатлардан фойдаланиш лозим.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, 8-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда.

22. Агар ЖКнинг 194-моддаси 1-қисми диспозициясида кўрсатилган ҳаракатлар натижасида битта одам ўлса ҳам шарҳланаётган модданинг 2-қисми бўйича жавобгарлик юзага келади.

195-модда. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик

Мансабдор шахснинг экологияси ифлосланган жойларни дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини қуришдан бўйин товлаши ёки бундай ишларни етарли даражада бажармаслиги одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **ижтимоий хавфлилиги** шундан иборатки, унда атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик натижасида атмосфера, сув ресурслари, ўсимлик дунёси ифлосланади, ҳайвонот дунёси заҳарланади, рухсат этилган зарарли моддаларнинг санитария гигиена нормативига риоя қилинмайди, бу эса, ўз навбатида, инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солади.

Атроф табиий мухитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаганлик учун жиний жавобгарлик белгиланишидан мақсад қилиб қонунчилик республикада экологик вазият ҳолати устидан доимий тегишли назорат ўрнатиш вазифасини кўяди. Атроф табиий мухитнинг йўл қўйилган ифлосланиш фактлари ўз вақтида қайд қилинибгина қолмай, балки бундай ифлосланишнинг зарарли оқибатларини бартараф этишга масъул шахслар қонун билан уларга юклатилган вазифаларни ўз вақтида бажаришлари шарт.

2. Жинийнинг **бевосита асосий объекти** Ўзбекистон Республикасида экологик барқарорликни таъминлаш соҳасида юзага келадиган ва шаклландиган ижтимоий муносабатлардир. Фуқаролар соғлиғи ёки ҳаёти хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, давлатимизнинг иқтисодий манфаатлари **қўшимча бевосита объект** бўлиши мумкин.

3. Жинийнинг **объектив томони** одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлган экологияси ифлосланган жойларни дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлашда ёки бундай ишларни етарли даражада бажармасликда ифодаланади.

Шарҳланаётган жиний фаол ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир этилиши мумкин.

Ҳаракатсизлик – мансабдор шахс томонидан экологик ифлосланишга учраган ҳудудларни дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлашда ифодаланади.

Фаол ҳаракатлар эса, дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларининг тўла амалга оширилмаганлигида ёки қайта тиклаш чоралари кўриш зарурияти бўлмаган ҳудудларда қайта тиклаш чораларининг ўтказилишида ифодаланади.

Дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлаш ёхуд бундай ишларни етарли даражада бажармаслик жинийнинг оқибати одамларнинг

оммавий касалланиши ёки атроф табиий муҳитга бошқача оғир оқибатлар етказилиши билан боғлиқдир.

Ҳаракат билан келиб чиққан оқибат ўртасида бевосита сабабий боғланиш белгиланган бўлиши керак. Жиноят шарҳланаётган модданинг диспозициясида кўрсатилган оқибатлар (одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар) юзага келган пайтдан эътиборан **туғалланган** деб топилади.

4. **Субъектив томондан** жиноят қасддан ҳам, эҳтиётсизликдан ҳам содир этилиши мумкин (масалан, қасддан хизмат вазифасини бажаришдан бўйин товлаш, ўзининг мажбуриятига бепарво ёки ўзига ўзи ишонган ҳолда муносабатда бўлиш ёхуд ҳаракатга нисбатан қасддан, келиб чиққан оқибатга нисбатан эса эҳтиётсизликдан – айбнинг мураккаб шакли).

5. Жиноятнинг **субъекти** махсус бўлади. Бу ўн саккиз ёшга тулган, хизмат, профессионал ёки бошқа функцияларни бажариш муносабати билан экологияси ифлосланган жойларни дезактивация қилиш ёхуд бошқача тарзда тиклаш чораларини кўриш вазифаси юклатилган мансабдор шахс бўлиши мумкин. Бундай шахсларга хўжалик тармоқлари, корхона, муассаса раҳбарлари, бош муҳандислар, уларнинг ўринбосарлари ва ҳоказолар киради.

6. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида** одам ўлими каби оқибат келиб чиққанлиги учун жавобгарлик белгиланади.

196-модда. Атроф табиий муҳитни ифлослантириш

Ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян

хуқукдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса, –

муайян хуқукдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. **Атроф муҳитнинг ифлосланиши** деганда, ҳужалик ва бошқа фаолият, табиий кучнинг ҳалокатли таъсири, фалокат ёки офат оқибатида инсон соғлиғига, табиий экологик тизимга, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондлари ҳолатига таҳдид солувчи атроф табиий муҳитнинг доимий салбий ўзгариши содир бўладиган ҳудуд, шунингдек, сув ва ҳаво бўшлиқларининг радиациявий, кимёвий, бактериологик ёки бошқача ифлосланиши тушунилади.

Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши натижасида эпидемиялар, эпизоотиялар, табиий мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлувчи биологик заҳарли моддалар пайдо бўлади.

2. **Жинойятнинг асосий бевосита объекти** – ер, сув ва атмосфера ҳавосини ифлосланишдан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар. Жинойятнинг **қўшимча бевосита объекти** инсон ҳаёти ва соғлиғини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар.

3. **Шарҳланаётган модданинг предмети** ер, сув ва атмосфера ҳавоси бўлиши мумкин.

Ер деганда, мазкур ҳолатда ер участкаларининг ҳар қандай турлари, яъни ер устининг қисми (шу жумладан, тупроқнинг ҳосилдор қатлами) тушунилади.

Сув деганда, ер ости ёки ер усти сувлари, ичимлик суви таъминоти манбалари тушунилади.

Сувнинг устки қатлами бу доимий ёки вақтинчалик сувнинг устки қатламидаги объектлар бўлиб, унинг мазмунида рельеф шаклидаги қуруқликнинг устки қатламида чегара, ҳажм ва сув режимининг хусусиятларига эга сувнинг тўпланиши

тушунилади. Юза қисмидаги сув объектлари (дарё, канал, ҳовуз, сув омбори ва бошқ.) юзадаги сув, туб ва соҳилдан ташкил топган.

Ер ости сувларига сувлар, шунингдек, ер остида сув объектларида жойлашган минераллар киради. Ер ости сув объектлари – тоғлардаги маълум чегара, ҳажм ва сув режими хусусиятларига эга гидравлик боғлиқликдаги сувнинг тўпланишидир.

Ичимлик суви таъминотининг манбаи ифлосланмаган ва булганмаган, истеъмол қилиш учун мўлжалланган ер ости ва ер усти сув объектлари ҳисобланади. Ер ости ва ер усти сувларидан тоза ичимлик суви сифатида фойдаланиш давлат санитария-эпидемиологик назорати органлари томонидан белгиланади.

Атмосфера ҳавоси – атмосферанинг турар жой, ижтимоий ва ишлаб чиқариш биноси ҳамда ишлаб чиқариш ҳудудидан ташқарида бўлган, ернинг эволюцияси давомида шаклланган ерга яқин қавати газларининг табиий аралашмаси. Уларнинг ифлосланиши меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқаришдаги хавфсизлик қоидаларини бузиш каби жиноят таркибини келтириб чиқариши мумкин.

4. Объектив томондан шарҳланаётган – жиноят одамларнинг оммавий равишда касалланиши, хайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлган ерларни ифлослантириш ёки бузишда, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантиришда ифодаланади.

5. Ерларнинг ифлосланиши – бу антропоген фаолият натижасида ерлар, шу жумладан, тупроқнинг ҳосилдор қатламига эга бўлмаган ерлар (карьерлар, тошлоқ ерлар ва ҳ.к.) сифатининг ёмонлашиши, яъни мазкур ерларда олдин мавжуд бўлган кўрсаткичларга қараганда кимёвий моддалар ёки радиация даражасининг кўтарилишидир. Қишлоқ ва ўрмон ҳўжалигида ишлатиладиган ерларнинг химизация воситалари билан ифлосланиши тупроқда мазкур воситаларнинг йўл қўйиладиган концентрациялардан ошиши билан тавсифланади.

Ерларнинг заҳарланиши деганда, ерлардан мақсадли фойдаланиш имконияти истисно этиладиган даражада тупрокнинг кимёвий ва (ёки) радиоактив воситалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари ёки оқинди сувлар билан ифлосланиши, шунингдек ерларнинг бактериял-паразит зараркунандалари билан заҳарланиши тушунилади.

Ерларнинг бошқача тарзда бузилиши деганда, уларнинг ахлат босиб кетилиши ҳамда ерларнинг деградациясига ва улардан кейинчалик фойдаланиш имкониятининг истисно этилишига олиб келувчи бошқа ҳаракатлар тушунилади.

6. Сувларнинг ифлосланиши – бу зарарли моддаларнинг сув объектларига оқизилиши ёки бошқача келиб тушиши, шунингдек юзага келиши бўлиб, мазкур моддалар ер ости ва ер усти сувларининг сифатини пасайтиради, сув объектларининг таги ҳамда соҳилидан фойдаланишни чеклайди ҳамда уларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Сувларнинг камайиши деганда, ер ости ва ер усти сувлари захираларининг барқарор камайиши ҳамда уларнинг сифати ёмонланиши тушунилади.

Ер ости ва ер усти сувлари, ичимлик суви билан таъминлаш манбалари табий хоссаларининг ўзгача тарзда ўзгариши деганда, биологик, физик ёки кимёвий хоссаларнинг ҳар қандай жиддий ўзгариши тушунилади. Бу бевосита сув объектида ёки унинг яқинида турли (портлатиш, қурилиш ва бошқа) ишлар бажарилиши натижаси бўлиши мумкин.

Сувнинг ифлосланиши, одатда, саноат ишлаб чиқариши чиқиндилари сувга ташланиши, кимёвий, биологик моддалар, заҳарли химикатлар ва ҳоказоларни сақлаш қондаларининг бузилиши натижасида юз беради.

7. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши деганда, атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариб юбориш қондаларининг бузилиши, бунинг натижасида ҳавода заҳарли моддаларнинг йўл қўйиладиган энг юқори миқдори ошиб кетиши тушунилади. Масалан, корхона томонидан тозалаш филтратларини қўлламаслик.

Ифлосланиш даражасини белгилаётганда атмосфера хавосида зарарли моддалар йўл қўйиладиган концентрацияни ўрнатадиган нормативларга амал қилиш керак.

8. Жиноят модда диспозициясида кўрсатилган ҳар қандай ҳаракатни содир этиш ва бунинг натижасида одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар юзага келган вақтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

9. Жиноятнинг **субъектив томони** жинойий қилмишга нисбатан қасд ёки эҳтиётсизлик билан ва жинойий оқибатларга нисбатан эҳтиётсизлик билан тавсифланади.

10. Мазкур жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

11. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисми** инсон ўлими кўринишидаги ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини назарда тутаяди.

◆◆◆◆◆

197-модда. Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш

Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ер ва экология қонунчилигининг кўплаб умумий ва махсус норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади: Ўзбекистон

Республикасининг Ер кодекси, 2002 йил 13 декабрдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги 444–II-сонли Қонуни ва ушбу соҳада қабул қилинган бошқа ҳужжатлар.

2. Жиноятнинг **бевосита объекти** ер ва ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. Шарҳланаётган жиноятнинг **предмети** ер ва ер ости бойликлари ҳисобланади. (*«Ер» тушунчаси ЖКнинг 196-моддаси шарҳида батафсил таҳлил қилинган*).

Ер умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланилиши лозим ва у давлат томонидан муҳофаза этилади¹.

Ер қаъри – ер қобиғининг тупроқ қатлаmidан куйида жойлашган, тупроқ қатлами бўлмаганда эса ер юзасидан ёки сув объектлари тубидан куйида жойлашган, геологик жиҳатдан урганиш ва ўзлаштириш мумкин бўлган чуқурликкача ястанган қисми².

4. **Объектив томондан** жиноят ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш натижасида оғир оқибатлар келиб чиқишида намоён бўлади.

Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш ҳаракатлари ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишларида содир этилиши мумкин.

5. **Ер ва ер ости бойликларидан фойдаланиш шартлари ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузишдан** иборат ҳаракатлар тупроқнинг ифлосланиши, ахлат босиши, шўрланиши, захланиши, қақраб кетиши, қайта зангланишида, эрозияда, тупроқнинг унумдор қатлами бузилиши, яроксиз ҳолатга келишида, тупроқнинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 16-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5–6-сон, 82-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни, 2-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 5-модда.

бактериологик, паразитар ва юқумли касалликлар билан касалланишида, ер сифатини, унумдорлигини пасайтирувчи ернинг сув босиши, сувга тўлиши, ёнғинларда ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларини жойлаштириш, оқова сувларини чиқариб ташлашда, фойдали қазилмаларни кавлаб оладиган корхона ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини консервация ва йўқ қилиш тартибини бузишда, ичимлик ва саноат сувлари билан таъминлаш учун ер ости сувлари тўпланадиган жойларда саноат чиқиндилари тўпланишида ва бошқаларда ифодаланади.

Харакатсизлик ер ва ер остидан фойдали табиий хоссаларни, асосий ва улар билан чиқадиган фойдали қазилмалар ҳамда компонентлар захирасини тўла-тўқис чиқариб олишни таъминлаш бўйича чораларни кўрмасликда, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш лицензияси шартларига риоя этмасликда, ер қаърини тўла-тўқис ва етарли даражада ўрганишни ўтказмасликда ифодаланади.

6. Жиноят оғир оқибатлар келиб чиққан вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

7. Мазкур модда маъносида оғир оқибатларга одамларнинг касалланиши, ҳайвонот ва ўсимликларнинг кирилиб кетиши, қишлоқ хўжалик экинлари унумдорлиги пасайиши ҳамда хизмат соҳасининг емирилиши, ернинг устки қисмида бўшлиқлар ҳосил бўлиши, фойдали қазилмалар ўз қимматли хусусиятини йўқотганлиги учун уларни кавлаб олиш тўхтатилишига олиб келган атроф табиий муҳитга зарарли таъсирни киритиш мумкин.

8. **Субъектив томондан** жиноят эгри қасд билан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Шахс ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузишнинг ижтимоий хавфлилигини англайди, унинг ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келишига кузи етади ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўяди ёки бунга бепарво муносабатда бўлади (эгри қасд).

Айбнинг эҳтиётсизлик шакли – ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш

талабларини бузган шахс оғир оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда, бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилганликда ёки оғир оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлганлигида ифодаланеди.

9. Жиноятнинг **субъекти** – ун олти ёшга тўлган, ер, ер ости бойликларидан фойдаланишда технологик ва экологик хавфсизлик талабларига ёки мазкур табиий ресурсларни муҳофаза қилиш бўйича қоида ва нормаларга риоя этиш мажбурияти зиммасига юклатилган ақли расо жисмоний шахсдир.

◆

197¹-модда. Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик

Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч

йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини таъминласа ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф қилса, жавобгарликдан озод этилади.

Ш А Р Ҳ

1. Ерларни кўриқлаш ва улардан оқилона фойдаланиш ер ва экологияга оид бир қатор умумий ва махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқалар. (*ЖК 197-моддаси шарҳига қаранг*).

2. Ер умуммиллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади¹.

3. Мазкур жиноятнинг **бевосита объекти** бўлиб, суғориладиган ерларга эгалик қилиш, тасарруф этиш ва фойдаланиш билан боғлиқ тартибларни таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

4. **Предмети** суғориладиган ерлардир.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар **суғориладиган ерлар** жумласига киради.

Суғориладиган ерлардан фақат қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, шунингдек боғдорчилик, узумчилик ва кўп йиллик дов-дарахтлар етиштириш учун фойдаланилиши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 1-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 82-модда.

Сугориладиган ерларни кишлок хўжалигидан бошқа мақсадлар учун, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун, шунингдек унумдор тупроқ талаб этилмайдиган илғор технологияларнинг (гидропоника ва бошқалар) янги усуллари қўлланиладиган иссиқхоналар қурилиши учун ажратишга йўл қўйилмайди¹.

5. **Шархланаётган жиноят объектив томондан** сугориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилганликда ифодаланади.

7. **Ер эгаси** – бу ер участкаларидан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида эгалик қиладиган ва фойдаланадиган шахс.

8. **Ердан фойдаланувчи** – бу ер участкаларидан доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқи асосида эгалик қиладиган ва фойдаланадиган шахс.

9. **Ер участкасини ижрага олган шахс** – бу ер участкаларидан ижара шартномаси асосида эгалик қилувчи ва фойдаланувчи шахсдир.

10. **Ер участкаси** – ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир².

6. ЖК 197¹-моддасида назарда тутилган **чораларни кўрмаслик** деганда, сугориладиган ерлар эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан улар эгалигидаги ёки фойдаланишидаги бўлган ерларни белгиланган мақсадларда фойдаланиш бўйича ҳаракатсизлиги тушунилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 44-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 82-модда.

² Ўша манба, 10-модда.

11. Суғориладиган ерларни **ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш** деганда, ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга бўлмасдан ҳамда суғориладиган ерлар эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг ихтиёрига қарши равишда суғориладиган ерлардан турли максалларда фойдаланиши тушунилади. Масалан, суғориладиган ерларда иморат қуриш, омборхона мақсадида фойдаланиш ва ҳ.к.

12. Ер участкаси **ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича чоралар кўрмаслик** деганда, ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг ер участкаси **ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича ҳаракатсизлигини** тушуниш керак.

13. Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчи ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ерларни муҳофаза қилиш юзасидан, шу жумладан суғориладиган ерларни **ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик** юзасидан ушбу Кодексга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўришлари шарт¹.

14. Ер кодекси 79-моддасига кўра, ерларнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ерларни **ўзбошимчалик билан эгаллашга ва (ёки) ўзбошимчалик билан қилинган қурилишга йўл қўймаслик**, шунингдек **ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасидаги қонунга ҳилоф қурилишни тўхтатиб туриш бўйича чоралар кўриши белгиланган**².

15. Ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши устидан, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширмасликка, **ўзбошимчалик билан ер**

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 48-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 82-модда.

² Уша манба, 79-модда.

участкаларини эгаллаб олишга ёки уларнинг чегараларини ўзгартиришга, ерларнинг тоифасидан қатъи назар, барча турдаги бинолар ва иншоотларни ўзбошимчалик билан қуришга йўл қўймаслик устидан давлат назоратини амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмайди¹.

16. Шархланаётган жиноят суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаганлик пайтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

17. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этмаганлигини тушунади ва истайди.

Мотив ва мақсад квалификацияга таъсир этмайди.

18. Шархланаётган модданинг **субъекти** фақатгина 16 ёшга тулган ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи бўлиши мумкин.

19. **ЖК 197¹-модда 2-қисмида** худди шундай ҳаракатлар:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб (**ЖК 29-моддаси шарҳига қаранг**) содир этилганда жавобгарлик назарда тутилади.

20. **ЖК 197¹-модда 3-қисмида** рағбатлантирувчи норма назарда тутилган, яъни:

биринчи марта мазкур жиноятни содир этган шахс жавобгарликдан озод этилади, агарда у:

биринчидан, ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини таъминласа;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси, 83¹-модда // «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», 1998 йил, 5–6-сон, 82-модда.

иккинчидан, узбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф қилса (масалан, ноқонуний қурилган иншоотни бузиб ташлаш, суғориш тизимларини қайта тиклаш ва ҳ.к.).

198-модда. Экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш

Оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни қонунга ҳилоф равишда кесиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни қасдан шикастлантириш, пайхон қилиш, нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни уч карра микдориди копланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан махрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Ш А Р Х

1. **Жиноятнинг бевосита объекти** экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни сақлаш ва улардан туғри фойдаланиш манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир. Шарҳланаётган жиноят содир этилиши ҳамда модданинг диспозициясида кўрсатилган тегишли салбий оқибатлар юзага келиши натижасида нобуд бўлган мева, маҳсулотларга бўлган мулк ҳуқуқи **қўшимча объект** бўлиши мумкин.

2. **Жиноятнинг предмети** – экинзорлар, ўрмонлар, дарахтлар ёки бошқа ўсимликлардир.

Экин деганда, дарахт кўчатлари, бута ўсимлик ва бошқа ўсимликлар, сунъий ўтказилган дарахт кўчатлари ҳамда униб чиқмаган уруғлар тушунилади.

Ўрмон – ер, дарахт, бута ва бошқа ўсимликлар, хайвонлар, паррандалар, микроорганизмлар ва бошқа табиат унсурларининг жамидир.

Дарахт – (ниҳол, бута) тана қўйиб, шох ва новдалар чиқариб, томир отиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик¹.

Ўсимлик – ҳаво ва тупроқдаги органик ва анорганик моддалар билан озикланадиган, анорганик моддаларни органик моддаларга айлантириш хусусиятига эга бўлган, одатда, бирор жойга ўрнашган ҳолда ривожланадиган организм².

3. **Объектив томондан ЖКнинг 198-моддаси 1-қисмида** кўрсатилган жиноят олов билан эҳтиёткорона муносабатда бўлмаслик натижасида экинзор, ўрмон, дарахт ёки бошқа ўсимликларга шикаст етказиш ёхуд уларни нобуд қилиш кўп

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. – 559-б.

² Ўша манба, 173-б.

миқдорда зарар етказилиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлишида ифодаланади.

4. Экинзор, ўрмон, дарахт ёки бошқа ўсимликларга шикаст етказиш – бу экинзор, ўрмон, дарахт ёки бошқа ўсимликларга қисман зарар етказиш, яъни муайян сарф-харажатлар ва куч ишлатиб уларнинг дастлабки ҳолатини тиклаш имконияти бўлган ҳоллар.

Экинзор, ўрмон, дарахт ёки бошқа ўсимликларни нобуд қилиш деганда бу экинзор, ўрмон, дарахт ёки бошқа ўсимликларнинг батамом қирилиши тушунилиб, мазкур ҳолатда уларни тиклаш имконияти истисно этилади.

Олов билан эҳтиёткорона муносабатда бўлмаслик ўрмон ичида ёки ўрмон яқинида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ёки ўрмонда бўлиш, унда ҳужалик фаолияти ёки бошқа фаолият билан шуғулланиш қоидаларига риоя қилмасликдан иборат ҳаракатларда намоён бўлади.

5. ЖК 198-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят, агар олов билан эҳтиёткорона муносабатда бўлмаслик натижасида экинзор, ўрмон, дарахт ёки бошқа ўсимликларга кўп миқдордаги зарар етказилса ёки улар нобуд қилинса ёхуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиқса, **туғалланган** жиноят деб топилади.

Етказилган зарар миқдорини баҳолашда ўрмон ҳужалиги мутахассислари хизматига мурожаат этиш зарур, улар ёнғинга дучор бўлган майдонни, дарахтлар сони ва турини ҳамда ҳоказоларни ҳисобга олишлари керак.

6. (Кўп миқдордаги зарар тушунчаси тўғрисида Жиноят кодекси Махсус қисмининг VIII бўлимида таъриф берилган).

Ундан ташқари, масалан, сувни тартибга солувчи ва табиатни муҳофаза қилиш хусусиятига эга бўлган, сунъий ўстирилиши қийин бўлган тоғ арчали ўрмон массивига шикаст етиши ёки уларнинг нобуд бўлиши, ёхуд кўриқхоналарда ўсувчи, республикада мевачиликни ўрганиш ва ривожлантириш учун селекция-генетика фондиди ташкил этувчи субтропик ва бошқа қимматли ёввойи ўсимликларнинг нобуд бўлиши кўп миқдордаги зарар сифатида квалификация қилиниши керак

Ўрмонга шикаст етказиш ва уни нобуд қилиш билан етказилган зарар миқдори уларнинг ҳар хил турлари салбий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Зарар миқдорига дарахтларнинг амалдаги нархи бўйича ҳисобланган талафот баҳоси, нобуд бўлган ўрмон ўрнига янги ўрмон экини ва ёш ўрмонни ўстириш, ҳудудни тозалаш учун кетадиган харажатлар киради. Зарар суммасига ёнғинни ўчиришга кетган барча харажатларни ҳам киритиш мумкин.

7. Шарҳланаётган модда маъносига **оғир оқибатлар** деганда:

- экинзорнинг тиклаб бўлмайдиган даражада нобуд қилиниши;
- экинзор, ўрмон, дарахт ёки бошқа ўсимликларни ўзининг бош экологик функциясини бажара олмайдиган даражада шикастлантириш;
- экологик мувозанатнинг бузилиши;
- яшил дов-дарахтларнинг фойдаланишга яроқсизлиги;
- ва бошқалар тушунилади.

8. **Субъектив томондан таҳлил этилаётган модданинг 1-қисми** айбнинг эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади.

9. ЖКнинг **198-моддаси 2-қисмида** назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни қонунга хилоф равишда кесиш натижасида кўп миқдорда зарар келиб чиқишида ифодаланади.

Кесиш деганда, дарахт танасини илдизидан ажратиш ёхуд дарахтлар, буталарни қовлаб йўқ қилиш тушунилади.

10. **Қонунга хилоф равишда кесиш** деганда, дарахтлар, буталарни ўрмондан фойдаланишнинг ўрнатилган тартибини бузган ҳолда кесиш тушунилиши лозим. Хусусан, бу рухсатномасиз кесиш ёхуд кесишнинг амалдаги қоидаларини бузган ҳолда берилган рухсатнома бўйича кесиш, шунингдек рухсатномада кўрсатилганидан бошқа майдонда, миқдорда ёхуд бошқа навини кесиш бўлиши мумкин.

11. Экинзор, ўрмон, дарахт ёки бошқа ўсимликларни қонунга хилоф равишда кесиш билан сабабий боғланишда

булган кўп миқдордаги зарар етказилган вақтдан бошлаб ЖКнинг 198-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

12. ЖК 198-моддаси 2-қисмининг **субъектив томони** тўғри қасд билан тавсифланади, чунки шахс қонунга хилоф равишда ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни кесишни амалга ошира туриб, махсус рухсатномасиз ёки унда кўрсатилганидан бошқа майдонда, кўп миқдорда ёхуд дарахтнинг бошқа навини кесаётганини англаган, бундай ҳаракатлар натижасида кўп миқдордаги зарар келиб чиқишига кўзи етган ва буни хоҳлаган (тўғри қасд), бундай оқибатлар юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлади (эгри қасд).

13. ЖКнинг 198-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** экинзорларга, ўрмонларга, дарахтларга ёки бошқа ўсимликларга қасддан шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, нобуд қилиш натижасида кўп миқдорда зарар етказилишидан иборат.

14. **Пайҳон қилиш** деганда, экинзорни босиб ташлаш, ҳайдаш, сув ва бошқа суюқлик билан бостириш тушунилади. Экинзорни пайҳон қилишга кўп миқдорда зарар келтирадиган сигирларни ўтлатиш ва у ердан ҳайдаб ўтиш ҳам киради.

15. **Субъектив томондан** шарҳланаётган жиноят ҳам қасддан содир этилади.

16. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида кўрсатилган жиноят моддий таркибли бўлиб, диспозицияда назарда тутилган оқибат келиб чиққан вақтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади.

17. ЖКнинг 198-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Ўрмонни қонунга хилоф равишда кесиш учун ўз ваколатларидан фойдаланадиган мансабдор шахслар жиноятлар мажмуи бўйича, яъни мансаб жиноят ва ўрмонни қонунга хилоф равишда кесиш учун жавобгарликка тортиладилар.

18. **Шарҳланаётган модданинг 4-қисмига** мувофиқ, етказилган моддий зарар уч қарра миқдорида қопланган

тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

◆◆◆◆◆

199-модда. Ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш

Ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, – базавий ҳисоблаш микдорининг эллик бараваридан юз бараваригача микдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шархланаётган жиноятнинг **бевосита объекти** ўсимлик дунёсининг хавfli касалликлардан муҳофаза қилинишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек экологик хавфсизлик соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Мазкур жиноятнинг **предмети** маданий кўчатлар, табиий ўрмонлар ва бошқа ўсимликлар бўлиши мумкин.

3. **Объектив томондан** жиноят ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандаларига қарши кураш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлишида ифодаланади.

4. Мазкур модда диспозицияси бланкетлидир. Шу муносабат билан, шархланаётган жиноятни квалификация қилишда ҳар бир алоҳида ишда ўсимлик касалликлари ёки зараркунандаларига қарши курашнинг қайси талаби бузилганлигини аниқлаш зарур. Булар касалликлар, турли зараркунандалар тарқалишининг олдини олиш ва уларни

тугатишга қаратилган агротехник, кимёвий, механик тадбирларни ўтказиш бўйича талаблардир.

Ушбу масалалар Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зарарқунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида»ги 116–II-сонли, 2002 йил 29 августдаги «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги 395–II-сонли ва 2019 йил 16 февралдаги «Уруғчилик тўғрисида»ги ЎРҚ–521-сонли қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўсимликлар касалликлари ва зарарқунандалари билан курашиш талабларига рюя қилмаслик ўсимликшунослик, сабзавотшунослик, боғдорчилик каби қишлоқ хўжалиги соҳаларига, шунингдек ўрмон хўжалигига катта зарар етказиши мумкин.

5. Ўсимлик касалликлари ёки зарарқунандалари, қишлоқ хўжалигида бегона ўтларга қарши қўллаш учун кимёвий ва биологик воситаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг кимё комиссияси томонидан тасдиқланган ва ушбу рўйхатлар 2000 йил 31 августдаги «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зарарқунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида»ги 116–II-сонли Қонунга асосан ҳар беш йилда тасдиқланади. Мазкур рўйхатдан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳам фойдаланади. Шунингдек, унда қишлоқ хўжалигида пестицидларни (заҳарли кимёвий моддаларни) сақлаш, ташиш ва қўллашнинг санитар қоидалари мавжуд.

6. Ўсимликлар касалликлари ёки зарарқунандалари билан кураш талабларини бузиш тегишли қоидалар билан тўғридан-тўғри тақиқланган **ҳаракат орқали** (масалан, занг касали ёки буғдой қорақуяси билан касалланган уруғлик буғдой ёхуд фитофтороз билан касалланган картошка тўдаларининг республика ҳудудига олиб кирилиши, мансабдор шахс томонидан касалланган уруғларни экиш тўғрисида кўрсатма берилиши ва х.к.), шунингдек айбдор томонидан тегишли қоидалар билан талаб қилинадиган ҳаракатларни бажармаслик (масалан, зарур

агротехник чораларни кўрмайди, ўсимлик касалликларига қарши кураш чораларини ёки ўсимлик касалликларини кўзгатувчилар билан захарланган муайян участка жойлашуви бўйича, захарланган уруғликларни йўқ қилиш бўйича чораларни кўрмайди ва х.к.) йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Жиноий жавобгарлик ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандаларига қарши кураш талабларининг бузилиши оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолларда вужудга келади.

7. Шарҳланаётган модда маъносида **оғир оқибатлар** деганда, ўсимлик касалликларининг ёки зараркунандаларнинг катта майдонларда тарқалиши, элита уруғлик фондининг захарланиши, ҳосилнинг катта майдонларда барбод бўлиши ва ҳоказолар тушунилиши лозим. Бунда оқибатларнинг аҳамиятини қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тегишли мутахассислар аниқлаштириши лозим.

8. Оғир оқибатларнинг бошланиши вақтидан жиноят **туғалланган** ҳисобланади жиноятнинг қай даражада оғирлиги суд томонидан белгиланади.

9. **Субъектив томондан** ЖКнинг 199-моддасида назарда тутилган жиноят эҳтиётсизлик орқасида содир этилади ёхуд мазкур ҳолатда айбнинг мураккаб шакли мавжуд бўлади (содир этилаётган ижтимоий хавfli қилмишга нисбатан касд ва жиноий оқибатларга нисбатан эҳтиётсизлик).

10. Жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

11. Аксарият ҳолларда, агрономлар, бригадирлар ва шу каби мутахассислар шарҳланаётган жиноятнинг субъекти бўладилар. Ўсимлик касалликлари ёки зараркунандаларига қарши кураш талабларини ўз мансаб ваколатидан фойдаланган ҳолда бузган мансабдор шахслар мансабдорлик жинояти учун жиноий жавобгарликка тортилишлари керак.



200-модда. Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш

Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш ҳайвонларнинг ёки паррандаларнинг эпидемик касалликлари (эпизоотиялар) тарқалишига, уларнинг ялли қирилиб кетишига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** ҳайвонот дунёсининг хавфли касалликлардан муҳофаза қилинишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек экологик хавфсизлик соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Жиноятнинг **предмети** уй ва ёввойи ҳайвонлардир.

3. **Объектив томондан** ЖКнинг 200-моддасида назарда тутилган жиноят ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш натижасида ҳайвон ёки паррандалар эпидемияси (эпизоотия) тарқалиши, уларнинг ялли қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар келиб чиқишида ифодаланади.

Мазкур модда диспозицияси бланкетлидир. Қилмишни квалификация қилишда айбдор шахс томонидан ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини айнан қайси банди бузилганлиги аниқланиши зарур.

4. Ветеринария қоидалари ва талаблари 2015 йил 29 декабрдаги «Ветеринария тўғрисида»ги ЎРҚ–397-сонли Қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан, турли вазирликлар ва идораларнинг кўп сонли



идоравий йуриқномалари орқали, шунингдек, ҳайвонларни, уларнинг озукасини чорвачилик маҳсулотларини ва ҳоказоларни олиб кириш, олиб чиқиш ҳамда уларнинг транзит ташиш қондаларини белгиловчи халқаро келишувларда белгиланади.

Ҳайвонларни (чорва моллар, паррандалар, мўнаили ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар, асаларилар, ҳайвонот боғларидаги, тажрибахоналар ва бошқа шу қабилардаги жониворларни) касалликлардан ҳимоя қилиш, аҳолини одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон ҳудудини бошқа давлатлар ҳудудидан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари олиб кирилишидан муҳофаза қилиш билан боғлиқ зоотехника қондалари эса мавжуд эмас. Шу билан бирга, зоотехника қондалари ҳайвонларни касалликлардан ҳимоя қилиш ва даволашга оид давлат, жамоат, ҳужалик ва ижтимоий тадбирлар мажмуи бўлиб, ишлаб чиқариш ва аҳолини яхши сифатли чорва маҳсулотлари билан таъминлаш, одамларнинг ҳайвонлар оғрийдиган касалликка чалинишининг олдини олиш, шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза этишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал қилишни ўз ичига олади.

5. Ветеринария (шу жумладан, ветеринария-санитария) қонда ва нормалари ҳайвонларнинг (уй ҳайвонларининг ҳам, ёввойи ҳайвонлар муҳитидан белгиланган тартибда ажратилган ҳайвонларнинг ҳам) эпизотиялари, юқумли ва юқумли бўлмаган оммавий касалликларига қарши курашиш мақсадида белгиланган қондалар, шунингдек, даволаш, ветеринария-санитария, ветеринария-профилактика тадбирларини ўтказиш қондалари, карантин қондалари, касаллик ўчоқларини йўқ қилиш тартиби ҳисобланади.

Ветеринария соҳасидаги норматив-ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар ҳайвонлар ва паррандаларнинг юқумли эпизотик ва эпидемик касалликларга чалинишининг олдини олишни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини қўшни мамлакатлардан ташиб келтириладиган ҳайвон ва паррандаларнинг юқумли касалликларидан муҳофаза қилишни таъминлайдиган эпизоотияларга қарши, ветеринария-санитария ва даволаш тадбирларини ўтказишга оид курсатма ва талабларни назарда тутди.

6. **Ветеринария, ветеринария-санитария қондалари ва нормаларини бузиш** ҳаракат ва ҳаракатсизлик кўринишларида содир этилиши мумкин.

Биринчи ҳолатда субъект тақиқланган тартиб-таомиллар ва операцияларни амалга оширади, масалан, касалликга чалинган ҳайвонлар ва уларнинг маҳсулотларини сотади, хорижий мамлакатлардан республика ҳудудига касалликка чалинган ҳайвонларни олиб келади, уй ҳайвонларини умумий подага ҳайдаб чиқаради, биологик чиқиндиларни утилизация ёки йўқ қилиш тартибини бузади ва ҳ.к.

Ҳаракатсизлик профилактика мақсадидаги эмлашни амалга оширмаслик, карантин муддатларига риоя қилмаслик, жониворларнинг касалликка учрагани тўғрисида ветеринария назорати идораларига хабар бермаслик ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин. Қорамол сўйиш ҳам ветеринария қондаларига риоя қилмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин (қорамолни дастлабки назоратдан ўтказишдан бош тортиш ёки ундан бўйин товлаш, сўйишда санитария меъёрларига риоя қилмаслик ва ҳоказолар).

7. **Мазкур жиноятнинг оқибатлари сифатида ҳайвон ёки паррандалар эпидемияси (эпизоотия), уларнинг ялпи қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар кўрсатилмоқда.**

8. **Эпизоотия** тез тарқаладиган ва ҳайвонларнинг кенг қўламда қирилиб кетишига олиб келадиган, уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг оммавий юқумли касалланиши ҳисобланади (масалан, туман ҳудудида ҳайвон ва паррандаларнинг оқсим ёки ўлат касаллигига чалиниши).

9. **Ҳайвон ёки паррандаларнинг оммавий қирилиб кетиши** деганда, ҳайвонлар тўдаси, уюри, паррандалар тўла ёки қисман қирилиб кетиши назарда тутилади.

10. **Бошқа оғир оқибатлар** ҳайвон ёки паррандаларнинг айрим ҳолатларда қирилиб кетиши (кўплаб ҳайвонларнинг касалликка чалинмаган ёки эпизоотик ҳолати юз бермаган)да, одамлар ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликка ақалли бир кишининг чалинишида, ҳайвонлар ва паррандалар маҳсулдорлиги пасайишида, чорва маҳсулотлари ва хом ашёси таннархи ошишида,

касалликни тугатишга ва олдини олишга оид харажатлар ва хоказоларда ифодаланиши мумкин.

11. Жиноят шархланаётган модда диспозициясида кўрсатилган оқибатлардан бири келиб чиққан пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳисобланади.

12. **Субъектив томондан** жиноят эҳтиётсизлик ёки айбнинг мураккаб шакли (содир қилинаётган қилмишга нисбатан қасд ҳамда келиб чиққан жинойий оқибатга нисбатан эҳтиётсизлик) билан содир этилади. Жиноятнинг мотиви квалификацияга таъсир кўрсатмайди.

13. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлади.

Аксарият ҳолларда ҳайвонларнинг эгалари, карантин қоидаларини ёки Ўзбекистон чегараси орқали ҳайвонларни ташиш тартибини бузаётган транспорт воситалари ҳайдовчилари, чорвачилик фермалари, паррандачилик фабрикалари, гўшт комбинатлари ва бошқа корхоналарнинг, ветеринария назорати органларининг ходимлари ва мансабдор шахслари шархланаётган жиноятнинг субъектлари бўлади. Мансабдор шахслар ҳам – чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари, ветеринария-санитария назорати ходимлари, шунингдек, алоҳида фуқаролар ҳам (чорва ва парранда эгалари, карантин кордон ўрнатилган ҳудуддаги чекловларни бузиб ўтувчи транспорт воситалари ҳайдовчилари ва бошқалар) ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш субъекти бўлиши мумкин.

201-модда. Зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш

Хўжалик фаолиятида ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситалари, минерал ўрит, ўсиш биостимулятори ёки бошқа кимёвий дориларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш одамларнинг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар

ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Мазкур жиноятнинг **бевосита объекти** экологик хавфсизликни тартибга солувчи ҳамда инсон соғлигининг кимёвий моддалар зарарли таъсиридан ҳимоя қилинишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Хавф туғдириши эҳтимоли бўлган кимёвий ва биологик моддалар, минерал ўғитлар ва препаратлар жиноятнинг **предмети** бўлиши мумкин.

3. **Кимёвий моддаларга (шу жумладан ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, кимёвий дориларга)** атроф муҳит, инсон ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган, инсонларнинг турли фаолият соҳаларида ишлатиладиган ҳамда зарарли ва захарли хусусиятларга эга бўлган моддалар қиради.

4. **Минерал ўғитлар, ўсимликларнинг ўсиш биостимуляторлари** қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ёки ёрдамчи, ўсимликларни нотижорат мақсадларда етиштиришда қўлланадиган махсус моддалардан ташкил топади. Улар хавфли кимёвий ва биологик моддалар қаторига қиради. Ушбу моддада кўрсатиб ўтилмаган ва минерал ўғит, ўсимликларнинг ўсиш биостимуляторлари ҳисобланмайдиган бошқа кимёвий дорилардан фойдаланиш (уларни сақлаш ва ташиш) зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш

қоидалари бузилиши натижасида юзага келган оқибатларнинг хусусиятидан келиб чиқиб мазкур модда қўлланилишини истисно қилмайди.

5. Объектив томондан жиноят ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, минерал ўғит, ўсиш био-стимулятори ёки бошқа кимёвий дориларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш одамларнинг оммавий касалланиши, хайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишида ифодаланади.

Ушбу модда диспозицияси бланкетли бўлиб, қонуннинг ҳар бир алоҳида бузилган ҳолларида зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлишнинг қайси қондаси бузилганлигини аниқлаш зарур бўлади.

6. Кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш қоидаларини бузишга оид ҳаракатлар ушбу қоидаларнинг бузилиши, технология жараёни ёки технология жараёнлари мажмуи хавфсизлиги талабларига риоя қилмаслик ё профессионал равишда доимий ёки вақтинчалик асосда олдиндан белгиланган мақсадларда амалга ошириладиган ҳамда шарҳланаётган модданинг 1 ва 2-қисмларида кўрсатилган оқибатларга олиб келган ишлаб чиқариш тусидаги бошқа ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш қоидаларининг бузилиши технология жараёнининг номақбул тарзда ташкил этилиши, яъни ваколатли шахс(лар) томонидан уни бошлаш, технология танлаш, кимёвий моддалар ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлайдиган бошқа чора-тадбирларни амалга оширишга оид ноқонуний, бевақт ҳамда бошқа ноурин курсатмалар берилиши, шунингдек, бевосита технология амалиётлари тизимини амалга оширишнинг бузилиши ҳамда уни назорат қилиш бажарилмаслигидан иборат бўлиши мумкин.

7. Кимёвий моддалар билан ишлаш (сақлаш, ташиш, фойдаланиш) қоидаларининг бузилишига оид ҳаракатлар уларни белгиланган стандарт ва хавфсизлик қоидаларига мувофиқ талаб даражасида сақлаш, ташишни таъминлаш талабларига риоя қилмаслик, шунингдек,

кимёвий моддаларни бошқа мақсадда ёки уларни қўллаш шартларига риоя қилмаган ҳолда фойдаланиш кабилардан иборат бўлади.

8. **Сақлаш** деганда, ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситаларини, минерал ўғитларни, ўсиш биости-муляторлари ёки бошқа кимёвий дориларни муайян жойда асраш тушунилади.

Кўрсатилган дориларни сақлаш учун мўлжалланмаган жойларда, очик жойда, тўкилган ҳолда сақлаш юқорида айтилган қоидаларни бузиш ҳисобланади.

9. **Ташиш** деганда, кўрсатилган дориларни ҳар қандай усулда бир жойдан иккинчи жойга олиб юриш назарда тутилади.

Ташиш қоидаларини бузиш, масалан, кўрсатилган дориларни махсус мослаштирилмаган транспортда, махсус таралар мавжуд бўлмаган транспортда ташишда ва ҳоказоларда ифодаланади.

10. **Фойдаланиш** деганда, препаратларнинг мақсадга мувофиқ қўлланилиши тушунилади.

Фойдаланиш қоидаларини бузиш, масалан, дориларни тупроққа солишда одамлар соғлиғи, хавфсизлигини таъмин-ламаслик; ишлов берилмаётган ерда одамлар бўлгани ҳолда дориларни сочиш ва ҳоказо ҳаракатларда намоён бўлиши мумкин.

11. Зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузган шахснинг ҳаракатлари одамларнинг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган тақдирдагина мазкур жиноятнинг таркибини ташкил қилади. *(Одамларнинг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 193 ва 200-моддалари шарҳига қаранг).*

Мазкур модда маъносида **бошқа оғир оқибатлар** деганда, ўта катта миқдордаги зарар етказилиши, аҳолининг оммавий тарзда бошқа жойга кўчирилиши ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

12. Шарҳланаётган модданинг диспозициясида санаб ўтилган оқибатлардан лоақал биттаси рўй берган пайтдан эътиборан жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

13. Жиноят **субъектив томондан** эҳтиётсизлик ёки айбнинг мураккаб шакли (содир қилинаётган қилмишга нисбатан қасд ҳамда келиб чиққан жинойи оқибатга нисбатан эҳтиётсизлик) билан содир этилади.

14. Жиноятнинг **субъекти** ўз касб фаолияти туфайли кўрсатилган талабларга риоя қилишга мажбур бўлган ёхуд кимёвий моддалардан фойдаланадиган ва шу сабабли кўрсатилган талабларга ҳам риоя қилишга мажбур бўлган ўн олти ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

15. ЖК **201-моддасининг 2-қисми** одам ўлиши тарзидаги оғир оқибатни назарда тутуди, шу сабабли оғирроқ жавобгарликни келтириб чиқаради.



202-модда. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш

Ов қилиш ва балиқ овлаш ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини тутиш қисдаларини бузиш, камёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон турларини тутишнинг ёхуд ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг доривор, озуқавий ва манзарали (декоратив) турларини йиғиш ёки тайёрлашнинг белгиланган тартибини ёки шартларини, худди шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан тўрт юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) ерда, сувда ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан фойдаланиб;

г) тақиқланган қуролларни ёки воситаларни қўллаган ҳолда;

д) уюшган гуруҳ томонидан;

е) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

ж) Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ҳайвонот ёки ўсимлик дунёси турларини нобуд қилган ҳолда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни уч карра миқдорда, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёси турларига нисбатан етказилган зарарнинг ўрни эса беш карра миқдорда қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида: «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», – деб қайд этилган. Конституциянинг 55-моддасида: «Ер, ер ости бойликлари, сув,

ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», – деб таъкидланган.

Овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот ёхуд ўсимлик дунёсининг бошқа турларидан фойдаланиш қоидалари ҳамда нодир ҳайвонларни овлаш тартиби, шартлари ёки муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш қоидалари қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда баён этилган, булар: Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Қимматли ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ҳамда ҳайвонлар турларини муҳофаза этишни кучайтириш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги 937–XII-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги 290-сонли Қарори ҳамда бошқа қонун ва қонуности ҳужжатлардир.

2. Мазкур жиноятнинг **ижтимоий хавфлилиги** шундаки, ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларининг бузилиши ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа, шу жумладан ноёб турларини овлаш, шунингдек, улардан фойдаланиш ҳайвон, қуш ва балиқларнинг қирилиб кетиши, ҳайвонлар ноёб турларининг йўқ бўлиб кетишига ва табиатда экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлиб, шунинг учун шарҳланаётган модда мақсади ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини жиноят-ҳуқуқий воситалар ёрдамида асрашдан ва сув биоресурслари популяцияларининг (ҳайвон ва ўсимликларининг) сақланиб қолиш (омон қолиш) шарт-шароитларини қўшимча равишда таъминлаш, ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимлик турларининг Ерда ҳаётнинг биологик ранг-баранглигини сақлаб қолишга қўмақлашадиган ноёб тур сифатида ва атроф муҳитнинг асралаётган объекти сифатида ҳалок бўлишининг олдини олишдан иборат.

3. Жиноятнинг объекти Ўзбекистон ҳудудида тарқалган ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси муҳофазасини, улар яшай-

диган нормал экологик муҳитни таъминлаш ҳамда биоресурслар ва ўсимликлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича, шунингдек, атроф табиий муҳитнинг ажралмас қисми сифатида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ирсий фондини сақлаш шароитларини яратиш бўйича муносабатлар ҳисобланади.

4. Жиноятнинг предмети ёввойи, уй ҳайвонлари, паррандалар, ҳар қандай балиқлар ва бошқа турдаги ҳайвонлар, шунингдек, доривор, истеъмолбоп, манзарали ўсимликлар ёввойи турларининг ҳар қандай хиллари ҳисобланади.

5. Жиноят таркибининг **объектив томони**:

– ов қилиш ва балиқ овлаш ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини тутиш қоидаларини бузиш, камёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон турларини тутишнинг ёхуд ёввойи ҳолда усувчи ўсимликларнинг доривор, озуқавий ва манзарали (декоратив) турларини йиғиш ёки тайёрлашнинг белгиланган тартибини ёки шартларини, худди шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш ҳаракатларини;

– анча миқдордаги зарар кўринишидаги оқибатни;

– юқорида кўрсатилган ҳаракатлар билан келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни ўз ичига олади.

6. **Ов** – ёввойи ҳайвонларни қўлга киритиш мақсадида излаб топиш, таъкиб қилиш ва қўлга киритиш ҳисобланади. Ов қилиш жойларида милтик, ов итлари ва ов қуроллари билан бўлиш овга тенглаштирилади.

Ов қилиш, балиқ овлаш ва ҳайвонот турларини овлаш ҳуқуқидан Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган ўн саккиз ёшга тулган, ўқотар милтиғига эга бўлган, Овчи ва балиқчилар жамиятининг аъзоси бўлган, овчилик минимуми бўйича синовларни топширган ва давлат божини тулаб кўйган барча шахслар фойдаланадилар. Спорт, ишқибозлар учун ва саноат мақсадларида, илмий мақсадларда балиқ тутиш ҳам барча фуқароларга қуриқхоналар, балиқ боқиш жойлари, ҳовуз ҳамда бошқа балиқчилик хўжаликларидан ташқари, барча сув ҳавзаларида, бироқ балиқ тутиш ва сувдан фойдаланишга оид

белгиланган қоидаларига албатта риоя қилган ҳолда рухсат этилади.

7. **Ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини бузиш** деганда, овни тегишли рухсатномасиз ёхуд ёввойи қушлар ёки балиқларни рухсатномада кўрсатилган миқдордан ортик овлаш, шунингдек, овни тақиқланган вақтда ёки рухсат берилмаган жойларда ёхуд рухсат этилмаган қурол, восита ва усуллар билан амалга ошириш тушунилиши лозим¹.

8. **Қўлга киритиш** деганда, тутиш, жонсизлантириш, ҳайвон ҳамда ўсимликларни, ҳажмидан қатъи назар, ўлжага эга бўлиш билан яқунланадиган табиий муҳитдан бошқача йўл билан олиш тушунилади.

9. Ўлжани қўлга киритишнинг **ноқонунийлиги** уни тутишда шахс қўлга киритишга белгиланган тақиқни ҳар қанча миқдорда бузган ёки талаб этилган ҳолларда махсус рухсатнома (лицензия) олмаган ёхуд рухсатнома (лицензия) нинг мажбурий бўлган ва ўлжани овлаш ё тутиш ҳажми, жойи, вақти ва усулларини белгилайдиган шартларини бузганида рўй беради. Сув ҳайвонлари ва ўсимликларини тутиш ҳамда йиғиш учун рухсат ваколатли идоралар томонидан берилиб, рухсатнома олган шахсга турли ваколатлар ва ҳар қандай шароитда ҳаракат қилиш учун рухсат берилади.

10. **Табиий ўсимликлар жамоаларида доривор, озиқ-овқат ҳамда манзарали ўсимликларнинг ёввойи турларини тайёрлаш (йиғиш)** деганда, юқорида номи келтирилган ўсимликларни муҳитидан, тайёрлаш (йиғиш) предметидан, йиғилган ўлжа миқдоридан қатъи назар, амалда эга бўлиш билан яқунланадиган ажратиш ёки бошқача олиш жараёни тушунилади².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақидаги»ги 36-сон қарори. 8-банд 2-қисми.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ЎРҚ-409-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 440-модда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни 30-моддасига биноан, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш (йиғиш, тайёрлаш) умумий ёки махсус бўлиши мумкин.

Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун қонунчиликда белгиланган миқдорларда ва тартибда бепул амалга оширилади.

Ўсимлик дунёси объектлари махсус фойдаланишга ишлаб чиқариш фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун ҳақ эвазига юридик ва жисмоний шахсларга рухсатномалар асосида бериб қўйилади. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш учун объектни, турни, хажмини ва муайян ҳудуд доирасида фойдаланиш муддатини белгилайдиган рухсатнома ваколатли давлат органлари томонидан берилади. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тартиби ва шартлари қонунчиликда белгиланади.

Шундай қилиб, **қонунга хилоф йиғиш (тайёрлаш)** у тегишли рухсатномасиз ёки меъёردа белгиланганидан ташқари хажмда, шунингдек, йиғиш (тайёрлаш) тақиқланган ҳудудда амалга оширилганида юз беради, деб ҳисобланади.

11. Ернинг ва (ёки) сув кенглиklarининг (акваторияларнинг) устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик бўлган, хўжалик мақсадидаги доимий ёки вақтинча фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман чиқарилган участкалари **муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар** ҳисобланади. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар биологик, ландшафт ранг-баранглигини таъминлаш ва экологик мувозанатни сақлаб туриш учун мўлжалланган яхлит экологик тизимни ташкил этади.

12. **Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва объектларга** давлат қуриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қуриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор қўпайтириш ва тиклаш учун

мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, шунингдек, Халқаро Қизил китобга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвон ва ўсимликлар киради.

13. **Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш** деганда, уларда зарур рухсатсиз қурилиш ишларини олиб бориш; ўсимликларни тўплаш, паррандалар ва ҳайвонларни лицензиясиз тутиш ва отиш ва ҳоказолар тушунилади.

14. ЖКнинг 202-моддаси 1-қисмидаги жиноят анча миқдордаги зарар етказилган пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

15. Табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларни бузиш билан боғлиқ бўлган жиноят ишлари бўйича етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги даъволарни кўришда судлар қонун зарарни тўлик ҳажмда ундиришни кўзда тутишидан келиб чиқишлари шарт. Зарарни ундириш миқдорини камайтиришга фақат алоҳида ҳолларда суд томонидан аниқланган ҳуқуқбузарнинг мулкӣ аҳволига қараб, жиноят гараз ниятда содир этилмаган тақдирда, йўл қўйилади ва бу ҳолат қабул қилинган қарорда асослантирилган бўлиши шарт¹.

16. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш ҳақидаги жиноят ишлари бўйича судланувчига тегишли жиноят қуроллари, шу жумладан автомашина, мотоцикл ва қайиқлар, агар жиний ҳаракат улар ёрдамида амалга оширилса ёки содир этилиши осонлаштирилса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига мувофиқ мусодара қилиниши лозим².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақидаги»ги 36-сон қарори, 11-банд

² Ўшв манба, 14-банд 1-қисми.

17. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасддан ҳам, эгри қасддан ҳам содир этилади. Шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини ва оқибатларининг келиб чиқиши аниқлигини англайди ва шундай бўлишини хоҳлайди. Зарар етказилганда шахс бунинг келиб чиқишини хоҳламаган бўлиши мумкин, лекин бундай оқибатларга онгли равишда йўл қўяди ва уларга бефарқ муносабатда бўлади.

18. Жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тулган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

19. ЖКнинг 202-моддасига мувофиқ, табиатни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари ва мансабдор шахслари жавобгарликка тортиладилар. Агар мансабдор шахс браконьерлар билан жинойий битим тузса, жиноят содир этилишига ёрдам берса ёки ўзи ҳам шундай жиноятни содир этса, у табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги ва тегишли мансаб жинояти учун жавобгарликка тортилади.

20. ЖКнинг **202-моддаси 2-қисми** қуйидаги квалификация қилиш белгиларини мустаҳкамлаган:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган жиноят.

21. **Кўп миқдордаги зарар** Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига ва Халқаро Қизил китобга киритилган ёввойи ҳайвонлар турининг бирортасини овлаш, амалдаги нархлар бўйича аниқланадиган ҳайвонлар ёки паррандалар қиймати пулдаги баҳосининг ҳисобга олинган миқдоридан иборатдир. ЖКнинг Махсус қисми VIII бўлимидаги кўп миқдордаги зарарга берилган таърифдан ҳам фойдаланиш зарур.

22. **Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган** ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш қилмишини ягона жинойий мақсадга кўра бирлашган икки ёки бир неча кишининг илгаридан келишиб содир этиши сифатида баҳолаш зарур. Суд жазони ҳар бир иштирокчининг қилмишдаги ўрнига қараб тайинлаши керак.

23. Табиатни асрашга оид қонунчиликнинг бузилиши билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда судлар жинойий йўл

билан қўлга киритилганлиги маълум бўлган ўлжани (балик, ёввойи хайвонлар, қўшлар, ёғоч ва ҳоказоларни) сотиб олган ёки сотган шахсларни аниқлаш чораларини кўриши, шу билан бирга муайян шарт-шароитдан келиб чиқиб ЖКнинг 171-моддасида кўзда тутилган жиноят белгиларига қўра жиноий иш кўзратиш масаласини ҳал қилиши керак.

24. ЖКнинг 202-моддаси 3-қисми қуйидаги махсус квалификация қилиш белгиларини мустаҳкамлаган:

- а) хавфли рецедивист томонидан;
- б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб;
- в) ер, сув ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан фойдаланиб;
- г) тақиқланган қуролларни ёки воситаларни қўллаган ҳолда;
- д) уюшган гуруҳ томонидан;
- е) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- ж) Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган хайвонот ёки ўсимлик дунёси турларини нобуд қилган ҳолда содир этилган жиноят.

25. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш хавфли рецедивист томонидан содир этилганда қилмиш ЖКнинг 202-моддаси 3-қисми «а» банди билан квалификация қилинади. *(Хавфли рецедивист тушунчаси тўғрисида Жиноят кодексининг 34-моддаси шарҳига қаранг).*

26. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузишда **ўз хизмат мавқеидан фойдаланаётган шахслар**га мансабдор шахслар (корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари), шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти билан шуғулланувчилар (профессионал овчилар, ўрмон қоровуллари, табиатни муҳофаза қилиш идораларининг нозирлари, штатдан ташқари ходимлари) мансубдир.

Мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка ЖКнинг 202-моддаси 3-қисми «б» банди билан тортиладилар ва ЖКнинг 205-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди. Агар бунда жуда кўп миқдорда зарар етказилган

бўлса, мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 202-моддаси 3-қисми «б» ва «е» бандлари билан квалификация қилинади.

27. Ёввойи ҳайвонларни овлашда **ер устидаги, сувдаги ва ҳаводаги механизациялашган воситалардан фойдаланишга** ов қилишда вертолётлардан, автомобиллардан, мотоцикллардан, мопедлардан, қайиқлардан, моторли катерлардан, самолётлардан фойдаланиш киради.

28. **Тақиқланган қуролларни ёки воситаларни қўллагаш** деганда, милтик, камон, ўзи отар қуролларни, ов хандақларини, пастак жойларни тўғрилаб қўйиш, сиртмоқ, қармоқ, пичоқ, қопқонларни ўрнатиш, портловчи, кимёвий ва биологик моддалар, электр токи, тўрлар ва хоказоларни қўллашни тушуниш лозим.

29. **Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибининг бузилиши уюшган гуруҳ томонидан содир этилганда**, қилмиш ЖКнинг 202-моддаси 3-қисми «д» банди бўйича квалификация қилиниши зарур. (*Уюшган гуруҳ тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг*).

30. **Жуда кўп миқдордаги зарарга** ўрнини тўлдириб бўлмайдиган, йўқолиб бораётган ёввойи ҳайвонларни, баликларни, қушларни овлаш, шунингдек, ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш тааллуқлидир. Уларнинг миқдори овланган ҳайвонлар ва йиғилган ўсимликларнинг фактик нархи ҳамда ўрнатилган тарифлар бўйича аниқланади ҳамда ЖКнинг Махсус қисми VIII бўлими билан тартибга солинади.

31. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузганлик натижасида қўлга киритилган маҳсулотлар (ғушт, шохлар, балиқлар, терилар, тухумлар, мевалар) тартиб олинади ва реализация қилинади. Маҳсулотни реализация қилишдан тушган пул маблағи етказилган зарар ўрнини қоплашга ишлатилмайди. Етказилган зарар табиатни муҳофаза қилувчи органлар фойдасига ундирилади, улар эса олинган пул маблағларининг бир қисmini белгиланган тартибда давлат бюджетига ўтказилади.

32. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига ва Халқаро **Қизил китобга киритилган ноёб ёввойи ҳайвонлар ва**

Ўсимликларга ов қилиш, қўлга киритиш, йиғиш ва тайёрлаш ман қилинган ҳайвонлар ва ўсимликларнинг барча зотлари, популяцияси ва турлари (масалан: қор қоплони, Тяньшань қўнғир айиғи, оққуш, қоровой, бургут, фламинго, кулранг эчкиэмар, кобра, бурама шоҳли эчки, Орол сазан балиғи ҳамда бошқа ҳайвонлар ва ўсимликлар) киради.

33. Жиноят кодекси 202-моддаси 3-қисмининг «ж» банди бўйича жавобгарлик ҳам Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига, ҳам Халқаро Қизил китобга киритилгани ҳайвонлар, паррандалар, балиқлар, ҳайвонот дунёси ёки ўсимликларнинг бошқа турлари йўқ қилинган ҳолларда вужудга келади. Бунда етказилган зиённинг ҳажми аҳамиятга эга эмас¹.

34. ЖКнинг 202-моддаси 4-қисмига мувофиқ, етказилган моддий зарар уч қарра миқдорда қопланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёси турларига нисбатан етказилган зарарнинг ўрни эса беш қарра миқдорда қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

202¹-модда. Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, яъни гаразли ёки бошқа паст ниятларда уларни қийноққа солиш ёхуд уларга азоб бериш уларнинг ўлимига ёки майиб бўлишига олиб келса, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақидаги»ги 36-сон қарори, 8-банд 3-қисми.

соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача озодликни чеклаш ёки олти ойгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ушбу модданинг ижтимоий хавфлилиги ҳайвонларга нисбатан ғайриинсоний муносабатда бўлишда ифодаланади.

2. Жиноятнинг **объекти** – ҳайвонларни сақлаш соҳасини тартибга солувчи муносабатлар ҳамда ижтимоий ахлоқ нормалари ҳисобланади.

3. Жиноят **предмети** – уй ва ёввойи ҳайвонлардир.

Ҳайвонлар – бу ҳаракат қилиш ва сезиш қобилиятига эга бўлган ҳар бир тирик мавжудот; табиий муҳитда бўлган ёки одамлар қўлида сақланадиган умуртқалилар, сут эмизувчилар ва қушлар тушунилади. Балиқлар, амфибиялар, судралиб юрувчилар шарҳланаётган модда маъносида ҳайвон сифатида тушунилмаслиги лозим.

4. **Объектив томондан** жиноят ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, яъни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда уларни қийноққа солиш ёхуд уларга азоб бериш уларнинг ўлимига ёки майиб бўлишига олиб келса, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилишида ифодаланади.

5. **Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш** бу зарурий мудофаа ҳолатида бўлмаганда ғаразли ёки бошқа паст ниятларда, безорилик оқибатида, вояга етмаганлар ҳузурида уларни қийноққа солиш ёхуд уларга азоб бериш уларнинг ўлимига ёки майиб бўлишига олиб келиши тушунилади.

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш деганда:

- калтаклаш орқали уларга оғрик, жисмоний азоб бериш;
- қуёш остида ёки совуқ хонада узоқ вақт қолдириш;
- узоқ вақт мобайнида оч ва сувсиз қолдириш;

– улардан илмий ҳисобланмайдиган тажрибаларда фойдаланиш ёхуд илмий тажрибаларда асоссиз қийнаш усулларидан фойдаланиш;

– ўлдиришда оғриқли, қийнок усуллардан фойдаланиш;

– уларни бир-бирига қарши қўйиш орқали турли хил жанглarda фойдаланиш ва ҳ.к.

6. **Садистик усуллар** – бу ҳайвонларни жароҳатлаш, бўғиш, қийноққа солиш, чўктириш, тириклайин ёқиб юбориш ва бошқалар.

Бундай ҳаракатлар оқибатда олиб келиши лозим. Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик ҳамда уларнинг ўлими ёки майиб бўлиши ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлиги жиноятнинг зарурий шартидир.

7. Шарҳланаётган жиноят ҳаракат ва ҳаракатсизлик орқали содир этилади. **Ҳаракат** орқали содир этиладиган шафқатсиз муносабат бўлиш деганда, ҳайвонларни уриш, улар устида оғриқли тажриба ўтказиш, улардан турли хил ноқонуний жанглarda фойдаланиш, уларни қийнаб ўлдириш ва ҳ.к.ларни тушуниш лозим.

8. **Ҳаракатсизлик** орқали содир этиладиган шафқатсиз муносабат бўлиш деганда, сувдан ёки овқатдан маҳрум этиш, иссиқда ёки совуқда қолдириш билан тавсифланиши лозим.

Шахсни ҳаракатсизлиги туфайли жавобгар деб ҳисоблаш учун унинг айнан ҳайвонларга ғамхўрлик қилиш жавобгарлиги юклатилганлиги фактини аниқлаш зарур.

9. **Жиноят моддий таркибли ҳисобланади.** Жиноят ушбу оқибатлар (ҳайвонларнинг ўлими ёки майиб бўлиши) юзага келиши билан **туғалланган** ҳисобланади.

10. **Жиноят субъектив томондан** тўғри қасддан содир этилади. Айбдор ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда эканлигини англайди, уларнинг ўлими ёки майиб бўлишини истайди. Жиноятнинг ғаразли ёки бошқа паст ниятларда содир этилиши субъектив томоннинг мажбурий шартидир.

11. Шарҳланаётган модда маъносида **ғаразли ниятда** содир этилиши деганда, ҳайвонларга нисбатан қасддан содир этиладиган моддий манфаат олишга қаратилган ҳаракатларни тушуниш лозим.

12. Шарҳланаётган модда маъносида **бошқа паст ниятларда** содир этилиши деганда, ҳеч бир сабабсиз безорилик оқибатида, тантиқлик, мақтаниш, ғазаб, нафрат, қасос, тубанлик, бошқаларни мамнун этиш ва ҳ.к. мақсадида содир этилишини тушуниш лозим.

13. Жиноятнинг **субъекти** – 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс ҳисобланади.

203-модда. Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш

Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** сув объектларини муҳофаза қилишни тегишлича таъминлаш, нормал экологик муҳит, сув ресурслари ва бошқа ичимлик суви манбаларидан оқилона фойдаланиш бўйича нормал фаолиятни таъминлаш, шунингдек, сув ва сув омборларидан атроф табиий муҳитнинг табиий ва ажралмас қисми сифатида самарали ва тартибли фойдаланиш бўйича муносабатлар ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган модда вазифаси – сув иншоотлари қурилиши ва улардан фойдаланиш, корхоналар ва фуқароларнинг сув ресурсларидан фойдаланишлари соҳасида ҳуқуқ-тартиботни жиноят-ҳуқуқий воситалар билан мустаҳкамлаш, сув сифатини сақлаб қолиш, ер ости сувлари жойлашган қатламлар майдонини ифлосланиш ҳамда

ноконуний ишлатилишидан жиноят-хуқуқий муҳофаза қилиш, шунингдек, оғир оқибатларнинг олдини олишдан иборат.

Сувдан фойдаланиш тартибига бўлган юқори талаблар ва уларни жиноят-хуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш инсон ҳаётининг фаолиятида сувнинг умумий ва муҳим аҳамияти билан боғлиқ бўлиб, унинг ёмонлашуви атроф муҳитнинг бошқа томонларига, жумладан, ҳайвонот олами, ўрмонлар, тупроқ қатлами, ер остига ҳам таъсир кўрсатиши мумкинлиги, шунингдек, хавфли тажовузлар оқибатининг олдини олиш ёки уларни йўқотиш имкони йўқлиги ё мураккаблиги, қайта тиклаш ишлари қийматининг юқорилигидан келиб чиқади.

3. Ер усти ёки ер ости сувлари ва сув хавзалари, шунингдек, ичимлик суви манбалари жиноятнинг **предмети** ҳисобланади. (*«Ер усти сувлари», «ер ости сувлари» ва «ичимлик суви манбалари» тушунчалари ҳақида ЖКнинг 196-моддаси шарҳига қаранг*).

4. Жиноятнинг **объектив томони** сув ёки сув хавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳаракатларни содир қилишда ифодаланади.

Шарҳланаётган жиноят-хуқуқий норма бланкет хусусиятга эга. Ўзбекистон Республикасида сув ёки сув хавзаларидан фойдаланиш шарт-шароитларини мувофиқлаштирадиган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг яхлит тизими вужудга келди. Булар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 837–XII-сонли Қонуни; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 82-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 981-сонли қарори ҳамда вазифаси сув муносабатларини мувофиқлаштириш, аҳоли эҳтиёжлари учун сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, сувларни ифлосланиш,

ахлат тушиши ва қуриб қолишдан асраш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бунинг оқибатларини йўқотиш, сув объектлари ҳолатини яхшилаш, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер ва дехкон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг сув муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқларини химоя қилишдан иборат бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир.

5. **Ягона давлат сув фонди** жилғалар, сойлар, дарёлар, сув омборлари, кўллар, денгизлардан, каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари, булоқлар, ҳовузларнинг сувлари ва бошқа ер усти сувларидан, шунингдек ер ости сувлари, қор захиралари ва музликлардан иборатдир¹.

6. Хусусан, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинадиган **сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш қондалари** сув объектларидан оқилона фойдаланиш, сувни тежаб сарфлаш, сув сифатини тиклаш ва яхшилаш, сув сарфининг белгиланган лимитларига риоя қилиш, таркибида ифлослантирувчи моддалар бўлган оқова сувларнинг сув объектларига ташланишини тўхтатиш чораларини кўриш, сувдан бошқа фойдаланувчиларга берилган ҳуқуқларнинг бузилишига йўл қўймаслик, шунингдек, хўжалик ва табиат объектларига (ерлар, ўрмонлар, ҳайвонот олами, фойдали қазилмалар ва ҳоказоларга) зарар етказмасликдан иборат. Сув ресурсларидан фойдаланиш қондаларига, шу жумладан сувни асрайдиган ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари ва техник мосламаларни соз ҳолда сақлаш, уларнинг фойдаланиш жиҳатларини яхшилаш, шу билан бирга сув ресурсларидан фойдаланганлик тўловларини ўз вақтида тўлаш ҳам киради.

7. Шарҳланаётган жиноятнинг таркиби оғир оқибатлар келиб чиққан вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

Экология соҳасидаги **оғир оқибатлар** тушунчаси кўриб чиқилган аввалги моддалар, ўзаро ўхшашдир. Шу билан бирга, сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган айрим ўзига

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, 4-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 221-модда.

хос оқибатларни таъкидлаш лозим. Бу сув объектларининг ифлослантирилиши, тугаши ҳамда сув табиий хоссаларининг ўзгача тарзда ўзгариши бўлиши мумкин.

8. **Сувни ифлослантириш** деб, сув объектларига уларнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ва улардан фойдаланишни оғирлаштирадиган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан сув объектларига тўкилиши таъқиқланган ё тўкилишига алоҳида чеклашлар (микдори, сифат таркиби, вақти кабиларга) ўрнатилган буюмлар ёки эрмаган моддалар тўкилиши ва ташланиши билан боғлиқ ҳаракатларга айтилади.

9. Сувларининг сифатини бузадиган ёки сув объектларининг туби ва қирғоқлари ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган зарарли моддалар тўкиш ёхуд бошқа усул билан ташлашдан иборат бўлган ҳаракатларга ҳам **сув объектларини ифлослантириш** дейилади.

10. **Сув тугаши** деб, сув захираларининг барқарор камайиб бориши ҳамда ер усти ва ер ости сувлари сифатининг саноат, қишлоқ хўжалиги, коммунал ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун сув ишлатиш лимитини ошириш орқали улардан нормал фойдаланишга ҳалал берадиган ёмонлашуви, сув захирасини сақлашга қаратилган гидротехника тадбирларини бажармаслик каби табиий йўл билан тиклаб бўлмайдиган ҳамда улар сифати ёмонлашуви, ўзини ўзи тозалаш имконияти йўқолиб боришидан иборат ҳаракатларга айтилади.

11. **Сувлар табиий хоссаларининг ўзгача ўзгариши** деб, сувнинг биологик ранг-баранглиги, уларнинг физик хоссалари (шу жумладан, электромагнит, шифобахш, радиациявий хусусиятлари)нинг бевосита сув объектларида ёки улар яқинида портлатиш, қуриш ва бошқа ишларни амалга ошириш туфайли салбий ўзгаришидан иборат ҳаракатларга айтилади.

12. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ерлари суғорилишининг бузилиши, сув ҳавзасининг ахлатга тўлиб қолиши, сувдан ичиш учун фойдаланиб бўлмай қолиши, аҳолини сув билан таъминлашда узилишлар рўй бериши каби оғир оқибатлар келиб чиқиши жиноий жавобгарлик юзага келишининг зарурий шarti ҳисобланади.

13. Жиноятнинг **субъектив томони** эгри қасдда ифодаланиб, шахс сув ва сув хавзаларидан фойдаланишга оид тегишли қодаларни бузаётганлигини англайди, оғир оқибатлар келиб чиқишини олдиндан кўра олади ва уларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўяди. Ёхуд эҳтиётсизлик шаклида намоён бўлганда, шахс оғир оқибатларнинг келиб чиқишини олдиндан кўра олади ва онгли равишда эҳтиёт чораларини кўрмасдан, бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига ҳеч бир асоссиз ишонади (жиноий ўз-ўзига ишониш) ёки бундай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлган ҳолатда, уларни олдиндан кўра олмайди (жиноий бепарволик).

14. Жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин. Ушбу жиноят учун мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ишнинг аниқ ҳолатларига қараб жиноятлар мажмуи бўйича мансабга совуққонлик билан қараш (ЖКнинг 207-моддаси) ёхуд ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмом қилиш (ЖКнинг 205-моддаси) билан квалификация қилинади.

204-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ёки объектларни қасдан нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёхуд бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача

озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ўрнатилган режимини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Табиий мажмуалар ва табиатни қўриқлаш мақсадида илмий, маданий, эстетик, рекреацион ва соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлган, муҳофаза этиладиган, давлат ҳокимияти идоралари қарори билан хўжалик мақсадида фойдаланишдан бутунлай ёки қисман чиқариб олинган, умуммиллий бойлик объектлари ҳисобига киритилган табиий ҳудудлар, яъни ер участкалари, сув юзаси ва улар устидаги ҳаво бушлиғи жиноятнинг **предмети** ҳисобланади.

3. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ер тузиш режалари ва дастурларини, жадвалларни ишлаб чиқишда, ҳудудий режалаштиришда ва бошқа табиий захиралардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга оид режаларда инобатга олинади. Қонунда белгиланган тартибда мазкур ҳудудларга давлат қўриқхоналари, жумладан, биосфера, давлат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, давлатнинг қўриқланадиган қўриқхоналари мақоми берилади.

4. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат мулки бўлиб, давлат томонидан ҳимоя қилинади. Ботаника боғлари, дендрологик ва зоологик боғлар бошқа мулк шакллари асосида ҳам барпо этилиши мумкин.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар жумласига давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари, миллий боғлар, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар киради.

5. Шарҳланаётган модда мақсади – муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ва объектларнинг ҳимоясини таъминлаш, уларга, шу билан бирга у ерда яшайдиган ҳайвонот оламига ва шу ҳудудда ўсадиган ўрмон ҳамда ундан ташқари ўсимликларга зарар етказилишининг олдини олиш, биологик ранг-барангликни сақлаб қолишдан иборат.

6. **Қонунчилик томонидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сифатида:** сув муҳофазаси минтақалари (зоналари), рекреация ва санитария-соғломлаштириш минтақалари, юза ва ер ости сувлари пайдо бўладиган минтақалар (дарё водийлари, кутариш каналлари, тоғолди этаклари), нодир ва қимматбаҳо минерал конлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланадиган (буфер – олд) зоналари, балиқ ҳўжалиги минтақалари, тақиқланган ўрмон минтақалари, давлат табиат ёдгорликлари ва табиат боғлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор қўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар кўрсатилган. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг қарорлари билан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг бошқа тоифалари ҳам назарда тутилиши мумкин.

7. ЖКнинг **204-моддаси 1-қисмининг объектив томони** муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини катта зарар ёки бошқа оғир оқибатларни келтириб чиқарган бузиш билан ифодаланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини бузишга қуйидагилар киритилади:

– табиий-қўриқхона фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни барпо қилиш ва ташкиллаштириш лойиҳалари талабларига риоя қилмаслик;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланадиган чегараси ичида тақиқланган ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қуриқланадиган чегараси ичида олдиндан экология экспертизасини амалга оширмай туриб ёки унинг хулосаларини бузган ҳолда хўжалик фаолияти юритиш;

– фалокатларнинг экологик оқибатлари ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга бошқача зарарли таъсир кўрса-тишнинг олдини олиш ва уни бартараф қилиш чораларини кўрмаслик;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш талабларини бузиш;

– рухсат этилган кимёвий, физик, биологик ва бошқа таъсир меъёрини ошириб юбориш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш учун берилган рухсатнома талабларига риоя қилмаслик;

– муҳофаза этиладиган табиий объектлардаги ҳамда уларнинг таркибига киритиш учун захирага киритилган табиат мажмуаларига зарар етказиш, бузиш ва уларни йўқ қилиб юбориш;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар чегараларини бошқа мақсадлар учун ўзбошимчалик билан ўзгартириш, ажратиб олиш.

ЖКнинг 204-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган жиноят айбдор шахс томонидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини ҳар қандай тарзда бузиш кўп миқдорда зарар ёки бошқача оғир оқибатларни келтириб чиқарган вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

8. Содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарликнинг юзага келиши шарт кўп миқдордаги зарар кўринишидаги оғир оқибатларнинг келиб чиқиши бўлиб, булар ер тузилмавий таркибининг ўзгариши, ер шўрланиши, сув ифлосланиши, ўсимликларга зарар етиши, ҳайвонларнинг касалланиши ва ҳоказолар ҳисобланади.

9. Бошқа оғир оқибатлар қаторига муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан кўзланган мақсадда фойдалана олмаслик, давлат кўриқхонаси ёки мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналарнинг узоқ муддатга ёпилиши, қиммат тиклаш ишларини амалга ошириш, ўсимликларни қайта

кўчириб экиш, хайвон, қушларни тутиб, бошқа ҳудудларга кўчириш зарурати кабилар киради.

10. Зарар етказилиши ва ҳаракат (ҳаракатсизлик) ўрта-сидаги сабабий боғланишнинг мавжудлиги аниқланиши шарт.

11. Жиноят оқибатлар келиб чиқиши, яъни реал тарзда кўп миқдордаги зарар ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққанидан сўнг **тугалланган** деб ҳисобланади.

12. **Субъектив томондан** муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини бузиш тўғри ёки эгри қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли содир этилиши мумкин.

13. Жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

Улар жумласига хусусий ва мансабдор шахслар, шу жумладан ерларида мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари ва табиат ёдгорликлари жойлашган корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарлари, ушбу ҳудудларни муҳофаза қилиш ходимлари киради.

14. ЖКнинг **204-моддаси 2-қисмининг объектив томони** муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар объектларини қасддан нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдордаги зарар етказилиши ёхуд бошқа оғир оқибатларга олиб келишида ифодаланади. ЖКнинг 204-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган жиноят муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар объектларини қасддан нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш оқибатида кўп миқдордаги зарар ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан вақтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади. *(Нобуд қилиш ёки жиддий зарар етказиш тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 198-моддаси шарҳига қаранг).*



Бешинчи бўлим. ХОКИМИЯТ, БОШҚАРУВ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

XV боб. БОШҚАРУВ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

Ш А Р Х

1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида «хокимият» тушунчасига аниқ бир таъриф берилмаган. Айни вақтда «хокимият» ибораси баъзи қонунчилик ҳужжатларида ҳамда, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, авваламбор, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд хокимияти тармоғи органларига нисбатан қўлланилган¹. Шунингдек, айрим қонунчилик ҳужжатларидаги матн ва таърифдан келиб чиққан ҳолда хокимият тушунчасини белгилаб олиш мумкин².

Асосий Қонунимиз конституциявий тузум асосларини мустаҳкамлаган ҳолда Ўзбекистон Республикасида давлат хокимияти Президент, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан амалга оширилишини белгилаб берган.

2. **Хокимият** деганда, маълум бир воситалар – ирода, нуфуз, ҳуқуқ, мажбурлов, сиёсий ҳукронлик, давлат органлари тизими орқали инсонлар фаолиятига, хулқ-атвориغا таъсир этиш қобилияти ва имконияти тушунилади³.

Жиноят кодексининг шарҳланаётган боби моҳиятидан келиб чиқилса, хокимият деганда, нафақат давлат хокимияти, балки мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, V бўлим // «Халқ сузи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида»ги 913–XII-сонли Қонуни, 1-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда.

³ Қаранг: Большой энциклопедический словарь / Гл. ред. А. М. Прохоров. 2-е изд., переработанное и дополненное. М. 1998. С. 212.

ва ташкилотларда локал ҳужжат (устав, ички меҳнат тартиб-қоидалари ва ҳоказо)ларга мувофиқ тарзда белгиланган бўйсунуш тартиби, бошқарув ва раҳбарлик ҳам тушунилади.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши асосида амалга оширилади. Шунга мувофиқ қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари мавжуд. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятини маҳаллий вакиллик, яъни вилоят, туман ва бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмалардаги давлат ҳокимияти органлари ҳам амалга оширади.

Давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларларидан ташқари мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотларда ўз фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам жинийлаштирилади. Корхона, муассаса ва ташкилотлардаги мансабдор шахсларнинг фаолияти бошқарув функцияси бериб қўйилган ички органлар доирасида ҳам олиб борилади.

3. **Давлат органи** деганда, давлат ҳокимияти ваколатлари берилган, давлат томонидан ўз функцияларини амалга ошириш учун ваколат берилган ва давлат белгилаган тартибда фаолият юритувчи фуқаро ёки фуқаролар жамоасини тушуниш лозим.

Давлат органлари, энг аввало, давлат ҳокимияти органлари ҳисобланади. Жумладан, республика ва маҳаллий аҳамиятдаги давлат муассасаларининг мансабдор шахслари шундай ҳисобланиши мумкин.

Бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот **муассаса** ҳисобланади (ФКнинг 76-моддаси). Мазкур ҳолатда давлат ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тузилган муассасалар тўғрисида сўз бормокда. Улар жумласига бошқарув вазифасини амалга оширувчи республика ва маҳаллий аҳамиятдаги давлат муассасалари, таълим муассасалари, маданият, илм-фан, соғлиқни сақлаш,

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасалари қиради.

Бошқарув органи деганда, давлат бошқаруви органлари ёхуд нодавлат кўринишдаги корхона, ташкилот ёки муассасанинг ҳокимият, бошқарув ва тасарруф қилиш ваколатларига эга бўлган органи тушунилади.

4. **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши** фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланидиган мустақил фаолиятидир¹.

5. Давлат ҳокимиятига, давлат манфаатларига тажовуз қилиш, бошқача айтганда, ҳокимиятнинг нормал иш олиб бориши ва бошқарилишига қарши жиноятлар фуқароларга жисмоний ва маънавий зарар етказиш, мулккий зарар етказиш, фуқароларнинг Конституциявий ва бошқа ҳуқуқларини бузиш, жамият ва давлат манфаатларига бошқача зиён етказиш орқали ифодаланади. Бу эса, бошқарув тартибига қарши жиноятларнинг содир этилишидаги қўшимча ва факультатив объектларни ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Содир этилганлиги учун Жиноят кодексининг шарҳланаётган бобида жиний жавобгарликни назарда тутадиган жиноятларнинг яна бир фарқловчи томони шундан иборатки, уларнинг барчаси (бошқа шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган, пора бериш жиноятдан ташқари барча жиноятлар) махсус субъектлар (мансабдор шахслар), яъни умумий субъектдан маълум бир ўзига хослиги билан ажралиб турувчи шахслар томонидан содир этилади. Ушбу жиноятлар давлат ва маҳаллий органларнинг тизими ичида мазкур органлар, давлат муассасалари ходимларининг ўзлари томонидан ва бошқа турдаги мулкчиликка асосланган корхона,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ЎРК–350-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда.

муассаса, ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан содир этилади.

Шундай қилиб, ҳокимият ва бошқарув органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар – бу давлат ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органлари, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар органларининг нормал, қонун билан тартибга солинган фаолиятига таъсир кўрсатувчи, муайян ҳокимият ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари томонидан ўзларининг ваколатларидан фойдаланган ҳолда, шунингдек, махсус топширик (ваколат) бўйича бошқарув функциясини амалга оширувчи шахслар томонидан содир этилган хатти-ҳаракатдир.

205-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш

Ҳокимиятни ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий хисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқукдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **бевосита объекти** давлат ҳокимияти, бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг нормал фаолият курсатишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, фуқароларнинг ҳуқуклари ва қонуний манфаатлари ҳисобланади. **Қўшимча бевосита** объект сифатида фуқароларнинг қонуний ҳуқук ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар инобатга олинади.

Давлат ҳокимияти органларининг нормал фаолиятини бузиш орқали айбдор шахс давлат ҳокимиятига тажовуз қилган ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, яъни мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан турли ниятларда фойдаланиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуклари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишида ифодаланади.

3. **Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш** деганда, мансабдор шахснинг мансаб мавқеидан келиб чиққан ва бу шахс эгаллаган лавозими ваколатига берилган ҳуқук ва мажбуриятларни амалга ошириш билан борлик, бироқ ўз мазмуни бўйича тегишли органнинг фаолият олиб боришидан кўзланган мақсад ва вазифаларга зид келувчи ҳаракатларини тушуниш лозим.

Хизмат (мансаб) ваколатлари деганда, шахс эгаллаётган лавозими туфайли эга бўлган ҳуқук ва мажбуриятлар тушунилиши керак. Тегишинча хизмат ваколатларидан фойдаланиш сифатида мансабдор шахс томонидан унинг хизмат ваколатлари доирасида, у эгаллаб турган мансаб мавқеи туфайли унга тақдим этилган ҳуқуқлар ва унинг зиммасига

юклатилган мажбуриятлар чегараларида амалга оширилган ҳаракатларгина эътироф этилади. Мансабдор шахснинг хизмат ваколатларига кирмайдиган қилмишнинг содир этилиши мансаб ваколатини сунистеъмом қилиш сифатида қўрилиши мумкин эмас.

Ҳокимият ваколатини сунистеъмом қилиш деганда, ҳокимият вакили функцияларини амалга оширувчи мансабдор шахснинг ўз мансаб мавқеидан қасддан фойдаланишини тушуниш лозим.

Агар мансабдор шахс ҳокимият вакили бўлмаса ва ўз мансаб мавқеидан фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига қарши фойдаланса, мазкур шахс томонидан содир этилган қилмиш мансаб ваколатини сунистеъмом қилишни ташкил этади.

Шарҳланаётган модданинг тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида мансабдор шахс хизмат ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг доираси ва хусусиятини, уларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларни, содир этилган қилмишнинг мотиви, мақсади ва фактик ҳолатларини, мансабдор шахс ўз мажбуриятларини бузиши ҳамда келиб чиққан зарарли оқибатлар ўртасида сабабий боғланишни аниқлаштириш зарур.

4. Мансабдор шахс ваколати муайян мансабни доимий равишда ёки вақтинчалик ёхуд махсус ваколат билан ушбу мансаб бўйича вазифани бажарувчи шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинган тегишли қонунлар, низом ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган унинг компетенцияси билан белгиланади.

5. Мансаб ваколатини сунистеъмом қилиш шакллари турлича бўлиши мумкин, чунки мансабдор шахсларнинг фаолияти соҳалари ҳам турлича бўлади. Улар ҳаракат ва ҳаракатсизлик орқали (мансабдор шахснинг хизмат юзасидан мажбуриятларини қасддан бажармаслиги) амалга оширилиши мумкин. Бу бўйсунувчиларнинг меҳнатидан шахсий манфаатлар йўлида ғайриқонуний фойдаланиш (масалан, ишчиларнинг шахсий дала ҳовлилар қурилишида, уларни таъмир қилишда); қўл остидаги ходимларнинг меҳнатини

ўзлаштириб олиш; турар жой таксимотида сунистеъмол қилиш; корхоналарни хусусийлаштириш жараёнида мансаб мавқеидан фойдаланиб, хусусий мулк сифатида сотиб олиш мақсадида ёки амалдор томонидан акцияларнинг анча қисми эгаллаб олинишида мансабдор шахс ўзининг, унга яқин кишининг ёки бошқа хусусий шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб мансаб ваколатидан фойдаланиши; умумдавлат эҳтиёжларига мўлжалланган молия ва кредитни ғаразли ёки бошқа паст ниятда тижорат ташкилотларига ғайриқонуний бериб юбориш; бюджет маблағларини беҳуда сарфлаш, шу жумладан бу маблағларнинг тижорат банкларида айлантирилиши; кредит, ссуда, қимматбаҳо қозғоларни, кўчмас ва бошқа мулкни олишда ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилмаган имтиёزلардан фойдаланиш; шахсий ёки гуруҳ мақсадларида хизмат фаолияти учун тақдим этилган хоналар, транспорт ва алоқа, электрон-ҳисоблаш техникаси, пул маблағлари ва бошқа мулкдан фойдаланиш ва бошқалар.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмол қилиш ўз хусусиятларига кўра қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни фаол хулқ-атвор орқали амалга оширишга қаратилган ҳаракатда намоён бўлади. Ҳаракатсизлик орқали амалга ошириладиган ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмол қилиш ЖКнинг 208-моддасида (Ҳокимият ҳаракатсизлиги) назарда тутилган жиноятни ташкил этади.

6. Шарҳланаётган модда шахс тегишли давлат органида, давлат иштирокидаги ташкилот, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органида эгаллаётган мансаб мавқеини сунистеъмол қилиш учун эмас, балки ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмол қилиш учун жавобгарликни назарда тутмоқда. Бундан келиб чиқиб, мансабдор шахс томонидан ғайриқонуний ҳаракатларни содир этиш учун хизмат ваколатларидан эмас, балки унинг обрўси, у эгаллаётган лавозимнинг ёки ишлаётган хизматининг обрўси билан боғлиқ имкониятлардан, унга хизмат бўйича бўйсунмаган ва назорати устида бўлмаган мансабдор шахслар билан ўрнатган алоқалардан фойдаланилиши шарҳланаётган жиноят таркибини ташкил қилмайди.

Эгаллаётган мансаб билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатлардан фойдаланиш ҳам ҳокимият ёки мансаб

ваколатини суниестеъмол қилиш сифатида кўрилиши мумкин эмас.

7. Шархланаётган моддада назарда тутилган жиноят объектив томонининг зарурий белгиси ҳокимият ёки мансаб ваколатини суниестеъмол қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлигидир.

8. Шархланаётган модда бўйича квалификация қилишнинг зарурий белгиси ҳокимият ёки мансаб ваколатини суниестеъмол қилиш натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши каби оқибатларнинг юзага келиши ҳисобланади. Жиноят кўрсатилган оқибатлар юзага келган пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

9. Мазкур турдаги жиноятлар билан етказиладиган зарар турли тусга эга бўлади, унинг оғирлигини аниқлаш учун ягона мезонлар мавжуд эмас. Етказилган зарарни жиддий деб эътироф этиш тўғрисидаги масала ҳар бир муайян иш ҳолатлари бўйича тергов органлари ва суд томонидан ҳал қилинади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказиш моддий зарар тарзида ҳам, бой берилган фойда тарзида ҳам, шунингдек, турли хил манфаатларга бошқача зарар етказишда, ҳокимият органларининг обрўсига путур етказишда, оғир жиноятларни яширишда ва ҳоказода ифодаланиши мумкин¹.

Жиддий зиён сифатида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишини эътироф этиш лозим, чунки Конституцияга биноан улар қонунларнинг моҳияти, мазмуни ва қўлланилишини, қонунчилик ва ижро этувчи

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодийёт соҳасида жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сон қарори, 27-банд.



хокимиятнинг, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва одил судлов органларининг фаолиятини белгилайди ва шу сабабли фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши жамият ва давлат манфаатларининг бузилишига ҳам олиб келади.

Етказилган **мулкӣ зарарни** жиддий деб эътироф этишда ҳақиқий зарар ва бой берилган фойданинг қиймат кўрсаткичини, жабрланувчининг моддий ҳолатини, етказилган зарарнинг у учун аҳамиятлигини ҳисобга олиш лозим.

Жисмоний зиён, агар у саломатликка зарар етказишда ифодаланса, шахс ва фуқаро ҳуқуқларининг жиддий бузилиши деб топилади. Якка тадбиркор ёхуд ташкилотнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашув, тадбиркорлик эркинлигининг ва қонун билан тақиқланмаган бошқа фаолият тури билан шуғулланишнинг чекланиши, агар улар рақобатнинг чекланиши, монополистик фаолиятга эрк бериш ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Қонун билан муҳофаза қилинаётган давлат ва жамоат манфаатларининг бузилиши давлат органлари ишида жиддий хатоликларга, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари обрўсига путур етказишда, оғир жиноятларни яширишда намоён бўлиши мумкин.

Етказилган зиён жиддий бўлмаса, мансабдор шахснинг ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистемол қилганлик учун жинойий жавобгарлиги истисно қилиниб, унга нисбатан интизомий ёки амалдаги қонунчилик томонидан ўрнатилган бошқа жавобгарлик белгиланади.

Шундай қилиб, «жиддий зиён» тушунчаси баҳоланадиган тушунча ҳисобланади ҳамда ҳуқуқни қўллайдиган шахсга мустақил равишда юзага келган оқибатларни баҳолаш ва уларни мансаб жиноятларининг юқорида қайд этилган тоифаларидан бирига асослантирган ҳолда киритиш бўйича имконият ва мажбурият тақдим этилади. Шу билан бирга, юзага келган оқибатни жиддий ёки жиддий бўлмаган зиён сифатида баҳолаш мансабдорлик жиноятларини (ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистемол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансабга

совуққонлик билан қараш) интизомий ёки бошқа, жиноий бўлмаган жавобгарликни келтириб чиқарувчи мансабдорлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардан ажратишнинг асосий мезонларидан биридир.

10. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмол қилишнинг **субъектив томони** қасддан содир этилиши билан тавсифланади. Айбдор мансаб ваколатини сунистеъмол қилиб ҳаракат қилаётганлигини, қилмишининг ижтимоий хавфлилигини ва бунинг натижасида шарҳланаётган модда диспозициясида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини англайди ҳамда уларнинг келиб чиқишини истайди (тўғри қасд) ёки онгли равишда йўл кўяди (эгри қасд).

11. Жиноят **мотивлари** турлича бўлиши мумкин. Бирок, кўпинча бу ғаразли манфаатдорлик, шухратпарастлик, ўч олиш, ҳасад, оилапарварлик, ишнинг ҳақиқий ҳолатини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилиш ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Ғаразли манфаатдорлик Жиноятнинг субъектининг ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмол қилиш воситасида қандайдир фойдага эришишга интилишида намоён бўлади.

Бошқа турдаги яна бир шахсий манфаатдорлик мотиви субъектнинг ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмол қилишида ўз ҳаракатларидан номулкий фойда олишга интилиши бўлиши мумкин: раҳбарга ўзини яхши кўрсатиш, шухратпарастлик, ҳасад ва ҳоказолар.

Жиноят мотивлари қилмишнинг ҳуқуқий баҳоланишига ва жиноий жавобгарликка ўз таъсирини кўрсатмайди.

12. ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми бўйича ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмол қилиш жинояти **субъекти** умумий белгиларга эга бўлган субъектлардан ташқари қатор махсус белгиларга эга махсус субъект (мансабдор шахс)лар бўлиши мумкин.

Жиноят кодексининг Махсус қисми VIII бўлимига мувофиқ, **мансабдор шахс** – бу доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.

13. Ташкилий-бошқарув ваколатлари деганда, муайян фаолият участкасига, айрим ходимларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига раҳбарлик қилиш вазифалари тушунилади. Масалан, вазирликлар, идоралар, бошқармаларнинг раҳбарлари (директорлар, уларнинг ўринбосарлари, таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари ва ҳ.к.). Ушбу мансабдор шахсларнинг фаолияти кадрларни танлаш ва уларга раҳбарлик қилиш, уларни жой-жойига қўйиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилишдан иборат бўлиши мумкин.

Маъмурий-хўжалик ваколатлари деганда, мол-мулкни бошқариш ва тасарруф этиш, уни сақлаш шартлари ва тартибини белгилаш, мол-мулкнинг асралишини, сотилишини таъминлаш сингари вазифалар тушунилади. Масалан, маъмурий-хўжалик қисми, таъминот, сотув раҳбари, омбор, бухгалтерия мудирлари сингарилар шундай ваколатларга эга бўлган шахслар ҳисобланади.

Мансабдор шахс ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимга доимий ёки вақтинча сайланганлиги ёки тайинланганлигидан қатъи назар, у мансабдор шахс деб ҳисобланаверади.

Муайян бир ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш лаёқатига эга ҳаракатлар шахс томонидан бажарилиши **юридик аҳамиятли ҳаракатлар** бажарилиши деб эътироф этилиши лозим. Ушбу белгига кўра, мансабдор шахсларга корхона, муассаса ёки ташкилот номидан у ёки бу ҳуқуқни берувчи ёки мажбуриятлардан озод этувчи ёхуд муайян ҳуқуқий фактни тасдиқловчи расмий ҳужжатлар бериши мумкин бўлган шахсларни киритиш мумкин.

Ҳокимият вакиллари жумласига ўз ваколатлари доирасида номуайян доирадаги шахсларга ёхуд ҳар қандай таркибий бўлинмаларнинг (корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг) раҳбарларига, бундай фуқаролар ёхуд корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари, уларга хизмат юзасидан бўйсунувидан қатъи назар, улар бажариши учун мажбурий қонуний талаблар қўйиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар тоифаси киради.

Субъектни мазкур модда бўйича жавобгарликка тортишда мансабдор шахс деб топиш учун шахсда кўрсатилган вазифалардан бири бўлишининг ўзи кифоя. Бунда шахс тайинланишига ёки сайловга кўра тегишли ваколатларга эгалиги ёки эга эмаслиги, уларни ҳақ эвазига ёки текинга, доимий равишда, вақтинча ёки махсус ваколатга кўра амалга ошираётгани аҳамият касб этмайди.

Мансаб вазифалари вақтинча бажарилган ҳолларда ёки уларнинг махсус ваколатга кўра бажарилишида шахс кўрсатилган мажбуриятлар ёки ваколатлар унга ўрнатилган тартибда ва фақат юклатилган вақтинча ҳолларда ёки ўзига юклатилган мансаб вазифаларини бажариши муносабати билан шарҳланаётган жиноятнинг субъекти деб эътироф этилади.

Субъектлар томонидан бир марталик топшириқлар (масалан, текширувда иштирок этиш, у ёки бу комиссия ишида иштирок этиш ва ҳоказолар) бажарилиши ҳолатлари ҳам уларнинг шарҳланаётган жиноят бўйича мансабдор шахс сифатида жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши мумкин.

14. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб жиноят содир этиш ҳолатлари назарда тутилган.

15. Ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш натижасида етказилган **жуда кўп миқдордаги зарар** деганда, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдордаги зарарни тушуниш лозим. (*ЖКнинг Махсус қисми VIII бўлимига қаранг*).

16. Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб **ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш** ЖКнинг

205-моддаси 2-қисми «б» банди бўйича квалификация қилинади. Субъектив томоннинг умумий белгиларига кўра мазкур ҳолатда айбнинг қасд шакли интеллектуал элементи мансабдор шахснинг уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб жиноятни онгли равишда содир этиши билан тавсифланади.

17. Уюшган гуруҳ – жиноятдаги иштирокчиликнинг энг хавfli шаклларида биридир. Уюшган гуруҳнинг умумий тушунчаси, жиноят туридан қатъи назар, ЖКнинг 29-моддасида очиб берилган. Бунда қонунда белгиланишича, уюшган гуруҳ томонидан жиноят содир этилиши Жиноят кодексида кўзда тутилган асосларга кўра оғирроқ жавобгарликни келтириб чиқаради. (*ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг*).

Уюшган гуруҳларга нисбатан бир неча шахслар бирлашишининг қатъийлиги белгиси конституциявий ва белгилловчи хусусият сифатида кўпроқ гуруҳ жинoий фаолиятининг нисбатан давомийлигида, унинг жинoий ихтисослашувида, шунга ўхшаш гуруҳларнинг фаолият доирасини бўлиб олишда, ҳар бир иштирокчининг роллари ва вазифаларини аниқ тақсимлашда, лидер (ташкilotчи, бошлик) мавжуд бўлишида, жинoий фаолиятни муайян муддатга режалаштиришда ифода этилади.

Уюшган гуруҳ манфаатлари – уюшган гуруҳни у ёки бу ижтимоий хавfli ҳаракатлар содир этишга ундайдиган ёхуд уларни мувафакқиятли содир этишга шарoит яратувчи ҳолатлар. Бундай манфаатларга, чунончи, у ёки бу ташкilotлар фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш, уюшган гуруҳни фош қилувчи ахборотни йўқ қилиш, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб жиноят содир этиш, хусусан, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суинстеъмом қилиш жинoий мақсадини амалга оширишда ёрдам бериш ва хоказолар киради.

Қилмишни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб деб квалификация қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахс жиноятни уюшган гуруҳнинг манфаатларини кўзлаб содир этаётганига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

18. Шарҳланаётган моддада кўзда тутилган жиноятни квалификация қилишда ҳокимият ёки мансаб ваколатини

сунистеъмол қилиш айрим мансабдорлик жиноятларига нисбатан умумий норма ҳисобланади, масалан, мансаб сохтакорлиги (ЖКнинг 209-моддаси); пора олиш (ЖКнинг 210-моддаси). Бундай ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари махсус нормага кўра квалификация қилинади.

Масалан, якка тартибда иш олиб борувчи тадбиркор ёки ташкилотнинг раҳбари томонидан банкка ёки бошқа кредит ташкилотига тадбиркорнинг ёки ташкилотнинг ҳужалик ахволи ёки молиявий ҳолати тўғрисида била туриб ёлғон маълумотларни тақдим қилиш йўли билан кредит ёхуд кредит олиш учун имтиёзларнинг олинишини, кредит маблағларини узлаштириш ёки текинга олиш мақсади бўлмаган тақдирда, Жиноят кодексининг 205 ёки 170-моддалари билан квалификация қилиш керак.

19. Мансабдор шахснинг кредитни ўз вақтида қайтаришдан қасддан бош тортишини ҳам, талон-торож қилиш аломатлари бўлмаган тақдирда, ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмол қилиш деб, агар бу хил ҳаракатлар жисмоний шахслар томонидан содир этилса, Жиноят кодексининг 170-моддаси билан квалификация қилиш керак.

Талон-торож қилиш аломатлари бўлмай туриб ноқонуний пул-кредитлар бериш ҳам ЖКнинг 205-моддаси билан квалификация қилиниши зарур.

Иш бўйича қимматли қоғозлар чиқариш ва улар билан муомала қилишни тартибга солувчи амалдаги қонунларни бузганлик аниқланиб, ЖКнинг 205-моддаси диспозициясида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлганда, бундай ҳаракатлар ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмол қилиш бўйича квалификация қилиниши лозим.

Бундай қонун бузишлар жумласига, масалан, фуқароларга ва чет эллик инвесторларга эркин сотиш учун мўлжалланган акция пакетларини сотишга тўсқинлик қилиш киритилиши мумкин.



206-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

- а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **бевосита объекти** давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг нормал фаолият юритишини, уларнинг обрўсини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. **Қўшимча бевосита объект** сифатида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг бевосита объекти ҳокимият ёки мансаб ваколат-

ларини сунистеъмол қилиш объектидан фарқ қилмайди. Ўз ваколатларидан четга чиққан мансабдор шахснинг жиноий фаолияти характериға кўра жиноятнинг кўшимча объектлари инсон саломатлиги, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати, фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бошқа қадриятлар бўлиши мумкин.

2. **Объектив томондан** жиноят ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни мансабдор шахснинг қонунда белгиланган ваколатлари доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишиға сабаб бўлишида ифодаланеди.

3. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш айбдор хулқ-атворининг фаол шаклини кўзда тутеди. Бу, ўз навбатида, мансаб ваколатларидан четга чиқиш жинояти фақатгина ҳаракат орқали содир этилишини англатиб, бу жиноят, қонун мазмунидан кўриниб турибдики, ҳаракатсизликдан содир этилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми таъкидлаб ўтдики, мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг (ЖКнинг 206-моддаси) асосий кўринишлари деганда: мансабдор шахс томонидан бошқа шахснинг ваколати доирасига кирувчи ҳаракатларнинг содир этилиши; мансабдор шахс томонидан фақт қонунда ёки қонун ости ҳужжатида кўрсатилган алоҳида ҳолатлар мавжуд бўлгандагина содир этилиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг содир этилиши; коллегиял орган ваколатига кирувчи ҳаракатни мансабдор шахс томонидан яқка тартибда содир этилиши; ҳеч ким ва ҳеч қандай ҳолатда амалга оширишға ҳақи бўлмаган ҳаракатларнинг мансабдор шахс томонидан содир этилиши ва бошқалар ҳисобланмоғи лозим¹.

Мансабдор шахслар ҳуқуқлари ва ваколатлари доираси қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат, мансаб йўриқ-номалари, функционал мажбуриятлар, муассаса, ташкилот,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасида жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сон қарори, 28-банд.

корхона раҳбаларининг буйруқлари билан белгиланади. Шунинг учун мансабдор шахснинг ҳаракатларида мазкур жиноятнинг таркиби мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда қонун ва бошқа норматив ҳужжатларда (устав, низоми ва ҳоказоларда) мустаҳкамланган ҳамда айбдор доирасидан четга чиққан ваколатларни аниқлаш лозим.

5. Мансабдор шахснинг ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиши масаласини ҳал этаётиб, унинг ваколат доирасини, ушбу ваколатларни қайси норматив ҳужжатлар ёки йўриқномалар белгилаётганлигини аниқлаш ҳамда ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш нимада аниқ ифодаланганлигини белгилаш лозим.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш объектив томонининг зарурий белгиси фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши каби жинсий оқибатларнинг келиб чиқишидир.

6. *(Ижтимоий хавфли оқибатлар тўғрисида батафсилроқ ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг)*. Мансабдор шахснинг ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш орқали етказилган зарар масаласини ҳал этишда қилмишнинг аниқ ҳолатларидан, бузилган ижтимоий муносабатлар аҳамиятидан, етказилган зарар хусусияти ва миқдоридан келиб чиқиш лозим. Кўп ҳолларда ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб муайян шахсга зарар етказилади. Бунда у жисмоний зарар етказилишида, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларини бузиш ва шахсга мулкӣ зарар етказишда ифодаланади.

7. Агар ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жабрланувчига қасддан оғир тан жароҳати етказиш билан ўзаро боғлиқ бўлса, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 206 ва 104-моддаси билан квалификация қилиниши лозим. Қалтаклаш, баданга енгил ва ўртача оғир шикаст етказиш ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш қилмиши таркибига киритилиб, тегишли моддаларга кўра қўшимча квалификация қилиниши талаб қилинмайди.

8. Мазкур жиноят содир этилган ҳар бир ҳолатда ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш ҳамда вужудга келган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш лозим, фақатгина шу ҳолатда мансабдор шахс томонидан содир этилган қилмиш шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилиниши мумкин.

9. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг **субъектив томони** айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Айбдор ўз қилмишининг ўзига берилган ҳокимият ва мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англайди, натижада фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиши мумкинлигини олдиндан кўра билади ва истайди (туғри қасд) ёки онгли равишда унга йўл қўяди (эгри қасд).

Жиноят содир этишнинг мотивлари турлича бўлиши мумкин (иш манфаатларини нотўғри тушуниш, мансаб-парастлик, ҳасад, ўч олиш ва бошқа шахсий адоватлар), лекин улар жинойий жавобгарликка ва жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

10. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми **субъекти** мансабдор шахс бўлиши мумкин. (*ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг*).

11. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилса, ЖКнинг 206-моддаси 2-қисмининг тегишли банди бўйича квалификация қилинади. (*Жуда кўп зарар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг Махсус қисми VIII бўлимига; уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 29 ва 205-моддалари шарҳига; мансабдор шахс тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг*).



206¹-модда. *(Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги УРҚ-391-сонли Қонуни билан чиқарилган – УР ОМПА, 2015 йил, 8-сон, 312-модда)*

207-модда. Мансабга совуққонлик билан қараш

Мансабга совуққонлик билан қараш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланидиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) одам ўлишига;

б) гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддаларнинг кўп миқдорда Ўзбекистон Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга ҳилоф равишда олиб ўтилишига сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **бевосита объекти** давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг нормал фаолият юритишини таъминлаш доирасида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. **Қўшимча бевосита объект** – фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар.

2. Объектив томондан шарҳланаётган жиноят мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қуриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида ифодаланади.

3. **Бажармаслик** деганда, шахсда унга юклатилган ва унинг хизмат ваколатларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар мавжудлигида унинг ҳаракатсизлигидир. Бунда мансабдор шахснинг мазкур мажбуриятлари қонунлар, қонуности ҳужжатлар, буйруқлар, меҳнат келишувлари ва ҳоказолардан келиб чиқиши лозим.

4. **Лозим даражада бажармаслик** деганда, ўз вазифаларини ярим-ёрти, сифатсиз, кечиктириб бажариш, номигагина бажариш тушунилади.

Шундай қилиб, мансабга совуққонлик билан қараш ҳаракат (ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик) ёки ҳаракатсизлик (ўз вазифаларини бажармаслик) билан содир этилиши мумкин.

5. Шуни назарда тутиш керакки, мансабдор шахснинг ҳаракати у томонидан ўз вазифаларини лозим даражада бажариш учун реал имкониятга эга бўлган, аммо унга лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиш оқибатида бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳоллардагина мансабга совуққонлик билан қараш деб квалификация қилиниши мумкин.

Ўз вазифаларини лозим даражада бажариши учун мансабдор шахсда реал имконият бўлмаганлиги, унинг

ҳаракатларини мансабга совуққонлик билан қараш деб квалификация қилишни истисно этади.

Инобатга олиш лозимки, мансабдор шахс етарли малакага ёки тажрибага эга бўлмаганлиги ёхуд ўз мажбуриятларини ёмон билганлиги сабабли мазкур мажбуриятларни бажармаса ёки лозим даражада бажармаса, мансабга совуққонлик билан қараш таркиби истисно этилмайди.

6. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган жиноят объектив томонининг зарурий белгиси модда диспозициясида кўрсатилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши каби оқибатларнинг юзага келишидир.

Шарҳланаётган жиноятга нисбатан **кўп миқдорда зарар етказилиши** деб, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдордаги зарарни эътироф этиш лозим. (*Жиддий зиён тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг*).

7. Кўрсатилган оқибатлар мансабдор шахснинг ҳаракатлари билан сабабий боғланишда бўлиши керак ва жиноят мазкур оқибатлар юзага келган вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

8. Мансабдор шахснинг ўз мансаб вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳолларини касбий (профессионал) вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликдан фарқлаш зарур. Шунинг учун, масалан, соғлиқни сақлаш муассасаларининг хизматчилари (кардиолог, хирург, терапевт ва х.к.) мансабдор шахс (бўлим мудири, мудир ўринбосари) сифатида хизмат қилса-да, касалликни даволаш пайтида, операция жараёнида бепарволикка йўл қўйган тақдирда, бунинг оқибатида фақат тегишли ҳаёт ва соғлиққа қарши эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятлари учун (масалан, ЖКнинг 116-моддаси бўйича касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун) жавобгар бўлишлари мумкин.

9. **Субъектив томондан** мансабга совуққонлик билан қараш эҳтиётсизликнинг жинорий бепарволик ёки ўз-ўзига

ишониш шаклларида намоён бўлиши мумкин. Мансабга совуққонлик билан қараш – эҳтиётсизликдан содир этиладиган давлат ҳокимиятига қарши ягона жиноятдир. Ўз-ўзига ишонишда мансабдор шахс ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги туфайли ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишига кўзи ета туриб, бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилади. Бепарволикда мансабдор шахс ўз мажбуриятларини бажармаганида ёки лозим даражада бажармаганида ижтимоий хавфли оқибатларнинг юзага келиши мумкинлигига кўзи етмасада, лекин зарур диққат ва эҳтиёткорликда кўзи етиши лозим ва мумкин бўлади.

10. Мансабга совуққонлик билан қараш **субъекти** 18 ёшга тўлган мансабдор шахсгина бўлиши мумкин. *(Мансабдор шахс тушунчаси тўғрисида батафсил ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).*

11. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисми** қуйидаги квалификация қилиш белгиларини мустаҳкамлайди: баданга ўртача ёки оғир шикаст етказилиши.

Агар мансабдор шахс ўз мажбуриятларини бажармаса ёки тўлиқ бажармаса, унга нисбатан лоқайд ва виждонсизларча муносабатда бўлиб, бу ўрта ёки оғир тан жароҳати етказилишига олиб келса, қилмиш ЖКнинг 207-моддасининг 2-қисми билан квалификация қилинади. *(Ўрта ёки оғир тан жароҳати тушунчаси тўғрисида батафсил ЖКнинг 104, 105-моддалари шарҳига қаранг).*

12. ЖКнинг **207-моддаси 3-қисмида**:

а) одам ўлишига;

б) Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддаларнинг кўп миқдорда Ўзбекистон Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига сабаб бўлган мансабга совуққонлик билан қараш учун жавобгарлик назарда тутилган. *(Давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтиш тушунчаси ҳақида ЖКнинг 182-моддаси шарҳига қаранг).*

208-модда. Ҳокимият ҳаракатсизлиги

Ҳокимият ҳаракатсизлиги, яъни давлат органи мансабдор шахсининг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши лозим ёки мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, худди шунингдек бундай ҳаракатсизлик жиноятга йўл қўйган ҳолда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг нормал фаолият юритишини таъминлаш доирасида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. **Қўшимча бевосита объекти** фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлардир.

2. **Объектив томондан** жиноят мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифасига кўра бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни бажармаслиги натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида, шунингдек, бундай ҳаракатсизлик туфайли жиноятга йўл қўйилишида ифодаланади.

Ҳаракатсизликни мансабдор шахснинг жиноий жазога тортиладиган ҳулқ-атвори сифатида квалификация қилиш учун айнан қандай ҳаракатларнинг бажарилмаслиги мансабдор шахснинг айбига қўйилиши мумкинлигини, бажарилмаган ҳаракатларни содир этиш тегишли шахснинг ваколатига

кирганлигини ва мазкур шахс зиммасига уларни бажариш мажбурияти юклатилганлигини, шунингдек тегишли шахсдан ундан кутилаётган ҳаракатларни бажаришнинг реал имконияти мавжудлигини аниқлаштириш зарур. Мазкур шартларнинг йириндиси мавжудлигидагина мансабдор шахснинг хизмат ҳаракатсизлиги туғрисидаги масала қўйилиши мумкин.

3. **Йўл қўйиб бериш** деганда, мансабдор шахснинг жиноятнинг олдини олиши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда, жиноят содир этилишига қаршилик кўрсатмаслиги тушунилади.

Йўл қўйиб бериш мансабдор шахснинг тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш имкониятига эга бўла туриб ҳеч қандай чора кўрмаслиги шаклида намоён бўлади.

Мансабдор шахс жиноятга йўл қўйиб беришга олдиндан ваъда берган ҳолларда у нафақат ҳаракатсизлик орқали ўз мансаб ваколатини сунистеъмом қилади, балки мазкур жиноятнинг иштирокчиси, аниқроқ айтганда ёрдамчиси бўлади. Мазкур мансабдор шахснинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича жиноятга йўл қўйган ҳолда содир этилган ҳокимият ҳаракатсизлиги ҳамда мансаб мавқеи ёки хизмат ваколатларидан фойдаланиш тегишли жиноят таркибининг белгиси сифатида назарда тутилмаган бўлса, мазкур жиноят содир этишда иштирокчилик сифатида квалификация қилиниши зарур.

4. Ҳокимият ҳаракатсизлиги учун мансабдор шахсни жавобгарликка тортишда, мансабдор шахс ўз хизмат вазифасига кирувчи айнан қайси ҳаракатни содир этганлиги ёки ҳаракатсизликка йўл қўйганлиги ва мансабдор шахс шу ҳаракатни содир этишга имконияти бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш зарур.

Ҳаракатсизликнинг юқоридаги кўриниши мансабдор шахсни ЖКнинг 208-моддаси билан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Муайян ҳаракатни амалга ошириш бевосита қонунда ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатда (шартномадан келиб чиқадиган мажбурият бўйича; мансаб ҳолатидан ва бошқалар) белгиланиши мумкин.

5. Ҳокимият ҳаракатсизлиги моддий таркибли жиноятдир. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қуриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига қўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши тарзидаги оқибатларнинг рўй берганлиги мазкур жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Ҳокимият ҳаракатсизлиги кўрсатилган оқибатлар юзага келган пайтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади. (*Жиддий зиён тушунчаси ҳақида ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг*).

Ҳокимият ҳаракатсизлиги жиноятга йўл қўйиш билан алоқадор бўлган ҳолларда у жиноят содир этишга йўл қўйилган пайтдан эътиборан **туғалланган** жиноят деб топилади.

6. Мансабдор шахс ўз хизмат вазифасини қасддан бажармаслиги оқибатида келиб чиққан жиддий зиён билан фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қуриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига қўп миқдордаги зарар ўртасида сабабий боғланиш аниқланиши шарт. Сабабий боғланишнинг йўқлиги жавобгарликни истисно этади.

7. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган Жиноят **субъектив томондан** қасддан, тўғри ёки эгри қасд билан содир этилади.

8. Қилмишнинг **мотиви** ва **мақсади** жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

9. Шарҳланаётган модданинг **субъекти** махсус – 18 ёшга тулган мансабдор шахс (*ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг*) ҳисобланади.

209-модда. Мансаб сохтакорлиги

Мансаб сохтакорлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг фаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни қўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни

қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланидиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг нормал фаолият юртишини таъминлаш доирасида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. **Қўшимча бевосита объекти** фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлардир.

2. Жиноятнинг **предмети расмий ҳужжатлардир**.

Ҳужжат – юридик аҳамиятга эга бўлган факт, воқеа, ходисани, бирон-бир муайян ҳаракатларни гувоҳлантирувчи ёзма актдир.

Расмий ҳужжат қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

– фактик тарафдан у юридик аҳамиятга эга бўлган муайян фактлар ёки ходисаларни тасдиқлаши керак. Бу турли тақиқлар, руҳсатномалар ва бошқалар бўлиши мумкин;

– у муайян реквизитларга, яъни тегишли шаклга эга бўлиши лозим: бланк, штамп, муҳр, кириш ёки чиқиш рақами, сана, мансаб номи ва тегишли ваколатли мансабдор шахснинг имзоси. Бунда, таъкидлаш лозимки, фирма бланканинг ўзи йўқ бўлиши мумкин. Расмий ҳужжатда энг асосий элементлар ваколатли мансабдор шахснинг имзоси, шунингдек муҳр ёки штамп ҳисобланади.

3. Объектив томондан мансаб сохтакорлиги мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишида ифодаланади.

Мансаб сохтакорлиги ижро этилиш усулига кўра моддий ва интеллектуал кўринишларда содир этилиши мумкин.

Моддий сохталаштириш деганда, расмий ҳужжатга турли тузатишларни киритиш, ўчириш, бошқа сана билан белгилаш, асл мазмунини ўчириш ва бошқаси билан алмаштириш ва ҳоказолар тушунилади. **Интеллектуал сохталаштириш** воқеликка ёки ишнинг ҳақиқий аҳволига тўғри келмайдиган, ёлғон, қалбакилаштирилган ҳужжатни бошидан тайёрлашдан иборат бўлади.

Мансабдор шахс расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши асл расмий ҳужжатларга ёлғон ёзувларни киритиш билан таърифланади, асл ҳужжатларга ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар киритишда ҳужжатларнинг ўзи асл ҳужжатнинг барча белгилари ва реквизитларини сақлаб қолади.

Ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳужжатни тулик сохталаштиришдан ҳам, асл ҳужжатларга қисман нотўғри ўзгартиришлар киритишдан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Била туриб, сохта ҳужжатлар тузиш ва тақдим этиш деганда, шакли бўйича тўғри, бироқ мазмуни бўйича сохта бўлган ҳужжатни тузиш ва тақдим этиш тушунилади.

4. Мансаб сохтакорлигининг зарурий элементи фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган

манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилиши каби жинойи оқибатларнинг юзага келиши ҳисобланади.

Жиноят мазкур оқибатлар юзага келган пайтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади.

5. Мансаб сохтакорлиги бошқа жиноятларни содир этиш усули ҳисобланган ҳолларда қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим. Масалан, мансаб сохтакорлиги натижасида мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкани талон-торож қилишни ЖКнинг 209-моддаси ва 167-моддаси 2-қисми «г» банди мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим.

6. **Субъектив томондан** жиноят фақатгина турри қасд билан содир этилади. Бу шарҳланаётган модда диспозициясида кўрсатилган бўлиб, унда субъект ўз ҳаракатларини била туриб содир этиши назарда тутилмоқда.

Мазкур Жиноятнинг субъектив томонининг зарурий белгиси мотив ҳисобланиб, у сохтакорликни амалга оширувчи мансабдор шахснинг ғаразли ёки бошқа манфаатидан иборат бўлади.

Ғаразғўйлик шахснинг ноқонуний текин фойдани ёки мулкый тусдаги манфаатни шахсан ўзи учун ёки унинг яқин одамлари учун олишга ёхуд бирон-бир моддий ҳаражатлардан воз кечишга интилишини ўз ичига қамраб олади.

Бошқа манфаатларни кўзлаш деганда, амалпарастлик, ошна-оғайнигарчилик, ҳақиқий аҳволни бўяб кўрсатиш истаги, ишдаги камчиликларни яшириш ва ҳ.к. тушунилади. Бошқа манфаатларни кўзлаш турли ҳаракатларда ифодаланиши мумкин ва кўпинча баҳоланадиган тушунча тусига эга бўлади, шу туфайли айрим ҳолларда судлар уни батафсил исботлаши керак бўлади.

Қонунда мансаб сохтакорлигининг мақсади очиб берилмаган. Агар мансаб сохтакорлиги сохталаштирилган ҳужжатдан бошқа жиноят содир этиш учун фойдаланиш мақсадида содир этилган бўлса, айбдор мазкур жиноятга тайёргарлик кўрганлиги учун жавобгарликка тортилиши лозим.

7. Жиноятнинг **субъекти** ун саккиз ёшга тулган мансабдор шахс ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликка кўра тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг раҳбарлари ҳам мансабдор шахслар тоифасига кирадилар. Шунинг учун, мазкур мансабдор шахслар томонидан банкка ёки бошқа кредит муассасига хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик аҳволи тўғрисида била туриб ёлғон маълумотларни тақдим қилиш йўли билан кредит ёхуд кредит олиш учун имтиёзларнинг олинishi, кредит маблағларини ўзлаштириш ёки текинга олиш мақсади бўлмаган тақдирда, агар бу хатти-ҳаракатлар оқибатида давлат ёки жамият манфаатларига жиддий зиён етказилган бўлса, ЖКнинг 209-моддаси (мансаб сохтакорлиги) билан квалификация қилиши керак.

Мансабдор бўлмаган шахс томонидан расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар ёки ёзувлар киритилган ҳолларда мазкур шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 228-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

8. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб мансаб сохтакорлиги содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

9. Такрорийлик белгиси бўйича мансаб сохтакорлигини квалификация қилиш (ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми «а» банди) мазкур жиноят камида икки марта содир этилиши, шахс уларнинг бирортаси учун судланмаганлиги ва жиноий жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиб кетмаганлигини тақозо қилади (ЖКнинг 32-моддаси шарҳига қаранг). Акс ҳолда, такрорийлик мансаб сохтакорлиги жиноятини квалификация қилиш белгиси сифатида қабул қилинмайди.

10. (ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми «а» бандида назарда тутилган хавфли рецидивист томонидан содир этилган мансаб сохтакорлигининг квалификация қилиш белгиси тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг).

11. Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган мансаб сохтакорлиги ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми «б» банди буйича квалификация қилиниши лозим (ЖКнинг 29 ва 205-моддалари шарҳларига қаранг).

210-модда. Пора олиш

Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 211 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) тамағирлик йўли билан;

г) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. **Порахўрлик** – бошқарув органлари ва жамоат бирлашмалари фаолияти тартибига қарши қаратилган уч мустақил мансаб жиноятлари – пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишни ўз ичига оладиган атама. Кўрсатилган манфаатларга нисбатан санаб ўтилган ҳар бир тажовуз тугатилган қилмиш сифатида бошқа жиноят билан боғлиқ бўлмаган ҳолда содир этилиши мумкин эмас. Улар шу туфайли бир-бири билан шу даражада боғлиқ бўладики, пора олиш фактининг мавжуд эмаслиги пора бериш фактини ҳам истисно этади.

Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши бошқа барча жиноятлар каби порахўрлик давлат органлари ва мансабдор шахслардан иборат бўлган бошқарув оммавий аппаратининг нормал фаолият юритишига тажовуз қилади.

Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шу билан изоҳланадики, пора олиш мансабдор шахслар томонидан ўзларининг мансаб ваколатларини ижро этишнинг ўрнатилган тартибини кескин ўзгартиради ва бу билан давлат хизмати манфаатларини қўпол бузади. Пора коррумпция – ҳокимият ва бошқарув асосларини емирадиган, унинг аҳоли олдидаги обрўсига путур етказадиган, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига даҳл қиладиган хавфли жиноий ҳодисанинг нисбатан кўп тарқалган ва ўзига хос ҳодисаси ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг **бевосита объекти** ҳокимият ёки бошқарув органларининг обрўси, уларнинг нормал фаолият юритишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади (*ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг*).

3. Пора **предмети** ҳар қандай моддий қимматликлар (ашёлар, буюмлар), шунингдек турли мулкий наф ёхуд мулкий тусдаги хизматлар бўлиши мумкин.

Мазкур ҳолатда **моддий қимматликлар** деганда, моддий қимматга эга бўлган ҳар қандай қимматликлар (пул, қимматли

қоғозлар, бошқа мол-мулк, шу жумладан, хорижий валюта, қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар) тушунилади.

Мулкӣй наф деганда, пора олувчига текинга ва (ёки) паст нархларда амалга ошириладиган мулкӣй тусдаги турли хил хизматлар ва (ёки) наф тушунилиши лозим. Порани берувчи ва олувчи шахслар ўртасидаги муносабатларга қонуний битим хусусиятини бериш мақсадида улар томонидан пудрат, қарз ва хоказо шартномалар тузилиши ҳолатлари ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётида учрайди.

Мулкӣй тусдаги хизматлар санаторийга ёки туристик саёҳатга бориш путёвқаларини, транспортда юриш билетларини бериш, мансабдор шахс харажатлари ёки ўйин-кулгилари учун пул тўлаш, пора олувчи фойдасига таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ва бошқа ишларни бажаришдан иборат бўлади¹.

Мулкӣй тусга эга бўлмаган бирон-бир фойдалар пора предмети бўлиши мумкин эмас. Масалан, мансабдор шахс билан жинсий алоқага кириш, ижобий тавсифнома, тавсиянома бериш, матбуотда чоп этиш, телевидение орқали кўрсатиш ва ҳ.к.

4. Объектив томондан пора олиш мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини қўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣй наф қўришида ифодаланadi.

Пора олувчи томондан порани олиш усуллари турлича бўлиши мумкин: шахсан қўлдан-қўлга, воситачи орқали, почта билан ва ҳ.к.

Аксарият ҳолларда пора предмети пора олувчига очикдан-очик берилади, бироқ суд-тергов амалиётида пораҳўрликнинг «ниқобланган» усуллари ҳам учрайди, масалан пора олувчининг турилган кунни ёки унинг ҳаётидаги

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Пораҳўрлик ишлари бўйича суд амалиёти туғрисида»ги 19-сон қарори, 2-банд.



бошқа бирон-бир муҳим воқеа муносабати билан порани соғға қилиб бериш, карта уйинида олдиндан тил бириктирган ҳолда ютқизиб қўйиш ва ҳ.к.

5. Жиноятни квалификация қилиш вақтида айбдорнинг порани пора берувчининг манфаатлари учун муайян ҳаракатларни содир этиш ёки содир этмаганлиги учун олганлигини ва бунда ўз хизмат мавқеидан фойдаланганлигини инobatга олиш лозим. Масалан, қамокдан озод қилиш, лавозими, унвонини кўтариш ва бошқалар учун. Бунда мазкур ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) мансабдор шахснинг хизмат ваколатлари доирасига кириши лозим. Мансабдор шахснинг хизмат ваколатлари – бу мазкур шахс бажаришга ёки бажармасликка мажбур бўлган унинг қонуний ва қайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги).

Шундан келиб чиқиб, «илик муносабатлар» ўрнатиш ва келгусида ишончли муносабатларни йўлга қўйиш мақсадида моддий қийматликлар олиш билан боғлиқ қилмиш пора олиш деб квалификация қилинмаслиги лозим. Чунки, бундай ҳолларда, умуман олганда, мансабдор шахс томонидан бошқа шахс фойдасига муайян ҳаракатлар содир этилмаслиги сабабли жиноятнинг объекти мавжуд бўлмайди, яъни ҳеч қандай ижтимоий муносабатларга зарар етказилмайди. Бундай ҳолларда мансабдор шахснинг ҳаракатлари интизомий ҳуқуқбузарлик ёхуд муайян шартлар мавжудлигида мансаб ваколатини суистеъмол қилиш деб баҳоланиши мумкин.

6. Мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиши деганда, мансабдор шахснинг бошқа мансабдор шахсларга таъсир кўрсатиши ва уларнинг ваколатларидан фойдаланган ҳолда пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши ҳам тушунилади.

Бироқ, мазкур ҳолатда инobatга олиш лозимки, мансабдор шахснинг нафақат хизмат мавқеига кирувчи ҳаракатларни, балки бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатлари ўртасида пора олувчининг мансаб мавқеи билан боғлиқ бўлган ушбу шахслар томонидан муайян ҳаракатларнинг содир этилишига таъсир кўрсатиши ва уларнинг ваколатларидан фойдаланиши жиноятни мазкур модда бўйича квалификация қилишнинг зарурий шартидир.

Пора олиш – пора берувчининг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этганлик учун ғайриқонуний ҳақ олишдир.

7. **Пора берувчининг манфаатлари** деганда, нафақат унинг шахсий манфаатлари, балки учинчи шахслар, яқин қариндошлар, яқин шахслар ва бошқа шу қабиларнинг ҳам ҳар қандай манфаатлари тушунилади.

Мансабдор шахс қилмишини шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилиш учун пора предметини олиш вақти ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди¹.

8. Мансабдор шахс томонидан ўз бўйсунувидаги шахслардан уларнинг манфаатлари йўлида бирор ҳаракат қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликларнинг олиниши пора олиш сифатида баҳоланиши лозим². Бунда суд ҳукмида пора берувчи манфаатларида қайси ҳаракатни содир этиш ёки этмаслик учун пора олинганлиги кўрсатилиши лозим³.

Пора мансабдор шахс томонидан пора берувчи манфаатида муайян ҳаракатни содир этишгача бўлган вақтда (сотиб олиш пораси) ёки пора предмети мансабдор шахс томонидан пора берувчи манфаатида муайян ҳаракат содир этилгандан кейин олиниши мумкин (пора-мукофот). Бунда қилмишни квалификация қилиш чоғида поранинг олдиндан шартлашилганлиги аҳамиятга эга бўлмайди⁴.

Мансабдор шахснинг бирор-бир мулкий манфаатларни кўриш ёки моддий қийматликлар олиш мақсадида ўз хизмат ёки мансаб ваколатларига қирмайдиган ҳаракатларни содир этишга қаратилган ҳаракатларини фирибгарлик (ЖКнинг 168-моддаси) йўли билан ўзганинг мулкани олишга қаратилган ҳаракат сифатида тавсифлаш лозим.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сон қарори, 3-банд, 1-хатбоши.

² Ўша манба, 3-банд, 2-хатбоши.

³ Ўша манба, 3-банд, 1-хатбоши.

⁴ Ўша жойда.



9. Пора олиш моддий таркибли жиноят ҳисобланганлиги сабабли, пора олувчи томонидан пора предметининг ҳатто бир қисми олинган тақдирда ҳам, пора берувчи манфаатида бирор ҳаракат қилганликдан қатъи назар, **туғалланган** ҳисобланади.

Олдиндан келишилган пора олувчи иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра олинмай қолган ҳолларда (масалан, пора берилаётган вақтда жиноят кидирув бўлими ходимлари томонидан жиноятнинг тўхтатилиши) қилмиш ЖКнинг 25-моддаси 2-қисми ва 210-моддаси бўйича пора олишга суиқасд қилиш тарзида квалификация қилиниши лозим.

Шарҳланаётган жиноятни квалификация қилишда айбдор олиш ниятида бўлган пора миқдори эътиборга олинмиши лозим бўлиб, бундан келиб чиқиб мансабдор шахснинг ҳаракатлари квалификация қилиниши керак.

10. Агар пора предмети фуқаролик муомаласидан чиқарилган нарсалар, масалан гиёҳванд воситалари ёки психотроп моддалар, ўқотар қуроллар бўлса, бундай ҳаракатларни ЖКнинг 210-моддаси ва ЖКнинг 271-моддаси (Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш) ёхуд 247-моддалари (Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш) билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиш лозим.

Айрим ҳолларда мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда пора учун ўз-ўзидан жиноят бўлган қилмишни содир этади. Мазкур барча ҳаракатлар пора олиш таркиби доирасидан четда бўлганлиги туфайли мазкур ҳолатда жиноятларнинг реал мажмуи вужудга келади, бу эса квалификация қилишда инобатга олинмиши зарур. Масалан, айбдор пора учун талон-торож содир этилишига ёрдам беради, олдиндан била туриб, адолатсиз ҳукм чиқаради, сохта хужжатни беради ва ҳ.к.

11. Пора олиш **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор порани предмет (моддий қимматликлар ёхуд бошқача мулкый наф) сифатида олаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди. Гарчи, кўпгина ҳолларда пора

олиш ғаразли мақсадда содир этилса-да, бироқ жиноятнинг мақсади ва мотиви бу қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

12. Фақат махсус субъект – 18 ёшга тўлган давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси пора олишнинг субъекти ҳисобланади. Пора берувчи манфаатларида ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлмаса-да, ўзларининг мансаб мавқеидан келиб чиққан ҳолда мазкур ҳаракатларнинг бошқа мансабдор шахслар томонидан содир этилиши учун чоралар кўрган мансабдор шахслар ҳам мазкур жиноятнинг субъекти ҳисобланади¹.

Юридик адабиётлар ва суд-тергов амалиётида профессор-ўқитувчилар таркиби ва тиббиёт ходимларини шархланаётган модда бўйича жавобгарликка тортиш масаласи аниқ ҳал этилмаган.

Олий, ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқитувчилари, шунингдек мактаб ўқитувчилари айрим ҳолларда мансабдор шахслар сифатида эътироф этилади, айрим ҳолларда эса, эътироф этилмайди.

Фикримизча, ўқитувчи доимий равишда бирор-бир маъмурий лавозимни (ректор, проректор, декан, директор ва бошқа лавозимларни) эгаллаб турган вақтда ёки вақтинчалик ташкилий вазифаларни (қабул комиссиясининг аъзоси лавозимини) бажараётган вақтда мансабдор шахс деб топилиши мумкин.

Шифокор, агар у соғлиқни сақлаш тизимида маъмурий-хўжалик ёки ташкилий фаолият билан боғлиқ мансабда (бош шифокор, бош шифокор ўринбосари, бўлим бошлиғи ва ҳоказо мансабда) бўлсагина, мансабдор шахс ҳисобланади. Бошқа барча ҳолларда ўқитувчи ва шифокорлар ҳам ўзларининг касбий бурчларини бажарганликлари сабабли мансабдор шахс деб топилишлари мумкин эмас.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сон қарори. 1-банд, 2-хатбоши.

13. ЖКнинг 210-моддаси 2-қисмида:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 211 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) таъмагирлик йўли билан;

г) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

14. Такрорий жиноятларнинг умумий тушунчаси ЖКнинг 32-моддасида очиб берилади (кўрсатилган модда шарҳига қаранг).

Такрорийлик деганда, пора олишнинг ўзини икки маротабадан кам бўлмаган миқдорда содир этилишини тушуниш лозим, бироқ бунда улардан ҳеч бири учун шахснинг судланмаганлиги ҳамда жиний жавобгарликка тортишнинг муддати ўтиб кетмаганлиги талаб этилади¹.

Биринчи пора тугатилган жиноят бўлганлиги ёхуд олдин пора олишга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш содир этилганлигидан қатъи назар, пора олиш такрорий сифатида эътироф этилади.

Пора олишни ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми «а» банди бўйича квалификация қилишда шуни инобатга олиш лозимки, мансабдор шахснинг бир вақтнинг ўзида бир неча шахсдан пораларни олиши, башарти пора берувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида қилмиш содир этилса, такрорий пора олиш деб тавсифланиши лозим². Бироқ бир неча шахсдан уларнинг умумий манфаатларида аниқ бир ҳаракатни бажариш учун пора олиниши пора олишнинг такрорийлик белгисини ташкил эта олмайди.

Бир неча марта битта порани олиш ҳам такрорийлик белгисини вужудга келтирмайди (ЖКнинг 32-моддаси шарҳига қаранг).

15. **Хавфли рецидивист** томонидан пора олиниши ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми «а» банди бўйича квалификация қилиниши лозим (ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг).

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сон қарори, 8-банд, 1-хатбоши.

² Ўша манба, 8-банд, 2-хатбоши.

16. Шарҳланаётган модда 2-қисмининг «а» бандида хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 211 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан пора олиниши назарда тутилган (*батафсилроқ мазкур моддалар шарҳига қаранг*).

17. **Кўп миқдордаги пора** деганда, (ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми «б» банди) базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдордаги пора тушунилиши лозим. Жиноятни тавсифлаш пора миқдорига боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда, ҳар қандай пора предметининг қиймати товарларнинг нархи, хизматларнинг ҳақи ёки тарифи асосида, улар бўлмаганда экспертлар ҳулосаси асосида аниқланади¹.

Бунда мазкур миқдордаги пора нафақат бир вақтда, балки агар унинг берилиши ягона давом этувчи жиноятнинг эпизодларидан иборат бўлса, турли вақтларда алоҳида қисмларга бўлиб олиниши мумкин.

18. Мансабдор шахс томонидан **қонуний манфаатларининг бузилиши таҳдиди билан шахсдан пора талаб қилиши** ёхуд ўзининг қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш мақсадида пора беришга мажбур бўлган аҳволга солиб қўйилиши товламачилик йўли билан пора олиш жиноятининг таркибини (ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми «в» банди) ҳосил қилади.

Пора берувчининг манфаатларини кўзлаб унинг қонунга хилоф талабларини бажарганлик учун пора талаб қилиш товламачилик йўли билан пора олишнинг таркибини ҳосил қилмайди. Шунинг учун мансабдор шахс томонидан, масалан, камомадни кўрсатмаслик, ўқув юртларига тартиб-қоидаларни бузган ҳолда қабул қилиш, жиноят ишини ноқонуний тугатиш ва бошқа ҳолларда пора талаб қилиш ҳаракатларида товламачилик аломатлари мавжуд бўлмайди².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Пораяўриқ ишлари бўйича суд амалиёти турғирсида»ги 19-сон қарори, 10-банд, 1-хатбоши.

² Ўша манба, 11-банд.

19. Мансабдор шахс томонидан тамагирилик билан пора олишга қаратилган ҳаракатларнинг содир этилиши, пора предмети олинмаган ҳолларда, мазкур жиноятни содир этишга суиқасдни келтириб чиқаради.

20. Жиноятни содир этишда уни амалга ошириш ҳақида олдиндан келишиб олган икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахс иштирок этган бўлса, мансабдор шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми «г» банди бўйича квалификация қилинмоғи лозим. (ЖКнинг 27–31-моддалари шарҳига қаранг).

Жиноятни содир этишда аввалдан, яъни жиноят бошлангунча келишиб олган икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахс иштирок этган бўлса, пора олиш бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда содир этилган ҳисобланади. Жиноят мансабдор шахслардан лоақал бири пора олган пайтдан эътиборан **туғалланган** деб ҳисобланади. Бунда пора олувчи шахснинг пора олишда бир неча мансабдор шахслар иштирок этаётганлигини тан олган-олмаганлигининг аҳамияти йук¹.

21. Пора олган мансабдор шахс пора берувчининг манфаатларини тула қондира олмаслигини тушунган ҳолда поранинг бир қисмини олдиндан тил бириктирмаган бошқа мансабдор шахсга пора берувчининг манфаатларини тула қондириш учун берган ҳолларда, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича, яъни пора олиш ва бериш бўйича квалификация қилиниши лозим².

22. Бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан аввалдан тил бириктириб пора олинганда поранинг миқдори олинган бойликлар ёки мулкӣ манфаатнинг умумӣ қиймати билан белгиланади, асоссиз равишда олинган нарсаларни давлат фойдасига ундиришда эса, ҳар бир мансабдор шахс олган мулкӣ фойданинг пул миқдоридан келиб чиқиш керак³.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сон қарори, 9-банд, 1-хатбоши.

² Ўша манба, 9-банд, 3-хатбоши.

³ Ўша манба, 9-банд, 2-хатбоши.

23. ЖКнинг **210-моддаси 3-қисмида**:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб пора олиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

24. Жуда кўп миқдорда пора олиш ҳаракати ЖК 210-моддасининг 3-қисми бўйича квалификация қилинади. Базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари ва ундан ортик бўлган зарар миқдори жуда кўп миқдор деб ҳисобланади. Агарда кўп ёки жуда кўп миқдорда ноқонуний тақдирлаш бўлиб-бўлиб олинган бўлса ва бу ҳаракатлар ягона давомли жиноятнинг бир қисми бўлса, содир этилган ҳаракатлар тегишлича кўп ёки жуда кўп миқдорда пора олиш деб баҳоланиши лозим¹.

25. *(Жиноий гуруҳ манфаатларида пора олиш борасида ЖКнинг 29 ва 205-моддалари шарҳига қаранг).*

26. Пора олишни уюштирадиган, бунга қизиқтирадиган ёки воситачилик функциясини бажариш билан бир қаторда пора олишга ёрдам берадиган шахснинг ҳаракатлари пора олишда иштирокчилик сифатида квалификация қилиниши лозим. Бунда мазкур шахс қилмишини квалификация қилиш билан боғлиқ масала унинг мақсади, кимнинг манфаатларида, ким томонида – (пора олувчи ёки пора берувчи) ҳаракат қилганлиги каби ҳолатларни инobatга олган ҳолда ҳал этилиши лозим. Бундай ҳолларда ЖКнинг 212-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди².

27. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини билдирувчи (тамагирлик, поранинг кўп ёки жуда кўп миқдори, пора олувчининг мансабдорлик ҳолати) тавсифлаш белгилари жиноят иштирокчиларининг ҳам айбига, агарда бу ҳолатлар уларнинг қасди билан камраб олинган бўлса, қўйилиши лозим.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини билдирувчи (тамагирлик, поранинг кўп ёки жуда кўп миқдори) тавсифлаш

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сон қарори, 10-банд, 2-хатбоши.

² Ўша манба, 7-банд, 2-хатбоши.

белгилари жиноят иштирокчиларининг ҳам айбига, агарда бу ҳолатлар уларнинг қасди билан қамраб олинган бўлса, қўйилиши лозим¹.

211-модда. Пора бериш

Пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкый манфаатдор этиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора бериш:

а) такроран, хавfli рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора бериш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сон қарори, 14-банд.

Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** ва предмети пора олиш жинояти таркиби белгилари билан бир хил.

2. Шарҳланаётган жиноят **объектив томондан** мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этишда ифодаланади.

Пора бериш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат ваколатларига кирадиган ҳаракатларни пора берган шахснинг ёки у вакили бўлган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги ёхуд мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бошқа мансабдор шахс томонидан ҳаракатлар бажарилиши ёки бажарилмаслигига ёрдам бериши ёхуд пора берган шахсга ёки у вакили бўлган шахсларга хизмат бўйича ҳомийлик қилиш, шунингдек мансабдор шахснинг хизмат бўйича бошқа ноқонуний ҳаракатлар бажариши эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этишда намоён бўладиган ҳаракатларда кўринади.

3. Агар пора берувчи шахс мансабдор шахсни хизмат бўйича ноқонуний ҳаракатларни содир этишга жалб қилса, унинг ҳаракати нафақат пора бериш, балки мансабдор шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш билан ҳам квалификация қилинади.

4. Шарҳланаётган жиноят пора олувчига пора предметининг ҳеч бўлмаганда бир қисми берилган пайдан эътиборан, пора олувчи пора берувчининг манфаатларида бирон-бир ҳаракатлар бажарган-бажармаганлигидан қатъи назар, **туғалланган** ҳисобланади. Агар пора предметини олиш пора олувчи томонидан рад этилган бўлса, пора берувчи шахснинг ҳаракатлари пора беришга суиқасд сифатида ЖКнинг 25-моддаси 2-қисми ва 211-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим¹.

5. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан тавсифланади. Пора берувчи мансабдор шахсга пора предметини унинг манфаати йўлида бирон-бир ҳаракатни содир этиши ёки этмаслиги учун мукофот сифатида бераётганлигини англайди ва шунга хоҳлайди.

Пора беришнинг мотиви ва мақсади жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

6. Жиноятнинг **субъекти** 16 олти ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

7. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида:**

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда пора бериш учун жавобгарлик назарда тутилган.

8. Пора беришни **такрорийлик** белгиси (ЖКнинг 211-моддаси 2-қисми «а» банди) бўйича квалификация қилишда шунга инобатга олиш лозимки, пора предметининг бўлиб-бўлиб берилиши такрорийлик белгисини ташкил этмасдан ягона давомли жиноят ҳисобланади, бунда айбдорнинг ҳаракатлари унинг қасди йўналтирилганлигига қараб квалификация қилиниши зарур.

9. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисми:**

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб пора берганлик учун жавобгарликни белгилайди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сон қарори, 5-банд.

10. ЖКнинг 211-моддаси 4-қисмига мувофиқ, башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиний ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Демак, пора берувчини жиний жавобгарликдан озод қилишнинг биринчи шarti мансабдор шахснинг товламачилиги туфайли шахс пора беришга мажбур бўлганлиги, иккинчи шarti башарти пора берувчи жиноят содир этилганидан сўнг бу ҳақда ўз ихтиёри билан тегишли органларга маълум қилган бўлиши, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлиши, учинчи шarti эса, ўз ихтиёри билан арз қилиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ўттиз суткани ташкил этишидир. Мазкур шартлар бажарилган тақдирда, шахс ЖКнинг 211-моддаси бўйича жиний жавобгарликдан озод қилинади.

Пора берувчи ўз ихтиёри билан арз қилиб, жиноят тўғрисида исталган ҳокимият органи (ДХХ, прокуратура, суд, ички ишлар органлари, ҳокимиятга, маҳалла қўмитаси)га ҳар қандай кўринишда оғзаки (ёзма) мурожаат этиши мумкин. Пора бериш тўғрисида арз қилинганлигининг ихтиёрийлиги фактини аниқлаштиришда шуни инобатга олиш лозимки, мазкур ариза ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноят тўғрисида хабардор бўлишидан олдин берилиши керак. Ўз ихтиёри билан арз қилишнинг мотиви ва ундан кузатиш мақсад – фош бўлишдан қўрқиш, жазоланишдан қўрқиш, виждон даъвати ва ҳ.к. шахсни жавобгарликдан озод қилишда аҳамиятга эга эмас.

Аммо, пора берган шахснинг жавобгарликдан озод қилиниши унинг хатти-ҳаракатида жиноят таркибининг йўқлигини аниқламайди, шу сабабдан бундай шахслар жабрланувчи сифатида эътироф этилмайди, уларнинг пора олувчига берган пора предметлари қайтариб берилмайди.

Пора берувчи жиноят содир этилганидан сўнг исталган вақтда, аммо бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хабар топишидан олдин, пора берилгани тўғрисида ўз ихтиёри билан арз қилиши мумкин.

Пора берувчини жавобгарликдан озод этиш учун пора бергани ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилиш билан бир қаторда ўзининг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги ва ўз хатти-ҳаракати билан жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлиши лозим.

◆◆◆◆◆

212-модда. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 211-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;

в) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда содир этилган бўлса, –

беш йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш:

а) ҳақ эвазига;

б) жуда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

ун йилдан ун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жинойий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўттиз

сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

Ш А Р Ҳ

1. Пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг **объекти** ва **предмети** пора олиш жинояти таркибининг худди шундай белгилари билан бир хил.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг **объектив томони** пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолиятда, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита беришда ифодаланади.

3. Пора олиш-беришда воситачини пора берувчидан фарқлаш лозим. Ушбу ҳаракатлардан манфаатдор бўлган пора берувчидан фарқли равишда воситачи пора берувчининг топшириғини бажараётган воситачи мансабдор шахснинг у ёки бу ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслигидан бирор-бир моддий мукофот ёки моддий манфаатларни қўлга киритишни кўзламайди. Воситачи ўзганинг манфаатларини намоён қилиб, ўз номидан ҳаракат қилмайди. Пора бериш масаласини пора берувчи ўзи мустақил ҳал қилади, воситачи уни амалга оширади, холос.

4. **Пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият** деганда, айбдор томонидан содир этилган ёки содир этилиши пора берилишига ёки унинг мансабдор шахс томонидан олинишига хизмат қилувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатни тушуниш лозим. Масалан, воситачи пора берувчининг манфаатларини кўзлаб мансабдор шахс содир этиши лозим ёки мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни, пора миқдорини, пора бериладиган жойни ва ҳ.к.ларни келишади.

5. Пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг бошқа шакли манфаатдор шахс топшириғи билан **пора предметини бевосита беришда** ифодаланади.

6. Корхона, муассаса, ташкилот ёки уларнинг бўлимлари раҳбар кўрсатмаси билан била туриб унга хизмат жиҳатидан

бўйсунган шахснинг воситачилик қилиши ЖКнинг 212-моддаси билан квалификация қилиш учун асосдир.

7. Воситачилик пора предметининг ҳеч бўлмаганда бир қисми пора олувчи томонидан олинган пайтдан бошлаб **туғалланган** жиноят ҳисобланади. Пора олинмаса, воситачининг ҳаракатлари пора олиш-беришда воситачилик қилишга суикасд қилиш сифатида квалификация қилинади.

8. **Субъектив томондан** пора олиш-беришда воситачилик қилиш тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор унинг ҳаракатлари пора олиш-бериш ҳақидаги келишувга эришиш ҳамда пора олувчи ва берувчининг топшириғи билан пора беришга йўналтирилганлигини билади ҳамда бунни хоҳлайди. Агар айбдор пора предметини пора берувчидан олиб, пора олувчига бераётганини англамаса, унинг хатти-ҳаракати мазкур моддада назарда тутилган жавобгарликни вужудга келтирмайди.

9. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

10. ЖКнинг **212-моддаси 2-қисми** бўйича:

а) такроран, хавfli рецидивист томонидан ёки илгари ЖКнинг 210 ёки 211-моддаларида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;

в) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда пора олиш-беришда воситачилик қилиш квалификация қилинади.

Мазкур квалификация қилувчи белгилар ўз мазмуни бўйича пора олиш ва беришнинг худди шундай белгилари билан айнан бир хилдир (*батафсилроқ ЖКнинг 210, 211-моддалари шарҳига қаранг*).

11. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисми**да:

а) ҳақ эвазига;

б) жуда кўп миқдорда пора олиш ёки беришда;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб воситачилик қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

12. Айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 212-моддаси 3-қисми «а» банди бўйича квалификация қилишда пора

олиш-беришда воситачига ваъда қилинган ёки берилган ҳақ қандай тусга эга бўлганлиги, унинг миқдори, олинган вақти (воситачилик ҳаракатлари амалга оширилишидан олдин ёки кейин) аҳамиятга эга эмас.

13. ЖКнинг **212-моддаси 4-қисми**да пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсни жавобгарликдан озод этиш шартлари кўрсатилган.

Башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. Бу шарт пора бериш ҳақида ихтиёрий арз қилганлик учун жиноий жавобгарликдан озод этиш шарти билан бир хилдир.

213-модда. Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш

Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар анча миқдорда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз

олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210–212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти моддий қимматликлар берган ёки мулкий манфаатдор этган шахсга нисбатан моддий қимматликлар ёки мулкий манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиний ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Ш А Р Х

1. Мазкур жиноятнинг **объекти** бошқарув органлари, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг обрўси ва нормал иш фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳамда фуқароларнинг манфаатларидир.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг **предмети** порахўрлик жинояти предмети билан бир хил.

3. ЖКнинг **213-моддаси 1-қисми объектив томондан** давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин амалга оширилишида ифодаланади.

Мазмунан ЖКнинг 213-моддаси 1-қисмидаги ҳаракатлар ЖКнинг 212-моддаси (пора бериш)даги ҳаракатларга мос тушади, улар ўртасида ягона фарқ шундан иборатки, бу ерда ҳақ мансабдор шахсга эмас, балки хизматчига (уни ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатини кўзлаб) берилади.

4. **Моддий ҳақ бериш ёки мулкӣ манфаатдор этиш** деганда, хизматчига уни ўзига оғдираётган шахс манфаатини кўзлаб хизмат вазифасига кирадиган ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслиги учун унга мулкӣ характердаги қимматликлар ёки қонуний мулкӣ баҳода бериладиган фойдани бериш тушунилади.

Шахс манфаатини кўзлаб, хизматчини пора эвазига оғдириш ҳаракатлари:

– ушбу ҳаракатлар ҳақ эвазига оғдирувчи, шунингдек, унинг топшириғи билан бошқа шахсларга фойда, имтиёзлар келтирса, уларнинг эҳтиёжларини қондирса;

– ҳақ эвазига оғдириладиган шахс фаолият олиб бораётган хизмат манфаатларига зид келса, жиноят ҳисобланади.

Ушбу қилмишни жиноий жазоланадиган деб топишнинг мажбурий шарти маъмурий жазо қўлланилган бўлишидир.

5. **Қонунга хилоф эканлигини била туриб ҳақ бериш** деганда, ушбу ҳаракат (ҳаракатсизлик) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки таъсис ҳужжатлари билан тақиқланганлиги, шунингдек, қонунга мувофиқ хизматчининг фаолият хусусиятидан келиб чиқмаслиги тушунилади.

6. Хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик ҳуқуқий ва фактик имкониятлардан фойдаланишда ифодаланиб, хизматчи ваколати доирасига кирадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шунингдек, хизмат обрўи, информация олишга ушбу шахснинг ҳуқуқига асосланган, лекин ваколати доирасига кирмайдиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни ўз ичига олади. Ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик ўз хусусияти бўйича ғайриқонуний бўлиши ёки хизматчи ишлаётган корхона, ташкилот, муассаса ва органлар қонуний манфаатига зид бўлиши лозим.

Ҳақ эвазига оғдириш шакли ва усули аҳамиятга эга эмас. Хизматчи ғайриқонуний моддий ҳақни ёки мулкӣ манфаатдорликни шахсан ўзи ёки воситачи орқали олиши мумкин. Пора эвазига оғдириш очикдан-очик ёки ниқобланган шаклда, яъни совға, моддий қимматликни анча паст нарҳда сотиш, сохта меҳнат келишувларини тузиш ва ҳоказо кўринишда амалга оширилиши мумкин.

7. Қонун муайян ҳаракатларни бажаришдан олдин ҳақ эвазига оғдириш билан муайян ҳаракатларни бажаришдан кейин ҳақ эвазига оғдириш ўртасидаги фарқни белгиламаган, шунинг учун улар икки ҳолатда ҳам жиноий қилмиш ҳисобланади.

8. Хизматчи уни пора эвазига оғдираётган шахс манфаатини кўзлаб жиноий ҳаракатларни содир этса, унинг ҳаракатини жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади (масалан, хизматчи ҳақ эвазига ҳужжатларни сохталаштирса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тарикасида ЖКнинг 213-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси (Ҳужжат, муҳр, штамп, бланкаларни тайёрлаш, қалбакилаштириш, сотиш, фойдаланиш) бўйича квалификация қилинади.

9. Хизматчини пора эвазига оғдириш хизматчи ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб амалга оширганлиги эвазига мулкӣ манфаатнинг бир қисмини қўлга киритган пайтдан эътиборан **туғалланган** жиноят ҳисобланади.

10. ЖКнинг **213-моддаси 2-қисмида** назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони**, ўша ҳаракатлар анча миқдорда содир этилган тақдирда келиб чиқади.

11. **Субъектив томондан** ЖКнинг **213-моддасида** назарда тутилган жиноят туғри қасд билан содир этилади. Айбдор хизматчига хизмат бўйича у бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни айбдорнинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига моддий ҳақ бераётганлигини ёки уни мулкий манфаатдор этаётганлигини билади ва шуни хоҳлайди (ЖКнинг 213-моддаси 1-қисми).

Моддий бойлик ва бошқа мулкий манфаат бераётган шахснинг мотиви турлича (ғаразли ният, қонунни четлаб ўтиш, жавобгарликдан озод бўлиш, хизматчи кўрсатган хизмат учун ташаккур билдириш, айбдор манфаатларини қондириш ва ҳоказо) бўлиши мумкин. Ҳақ эвазига оғдириш айбдор шахс (ҳақ эвазига оғдирилаётган) меҳнат қилаётган корхона, ташкилот, муассаса манфаати йўлида ҳам амалга оширилиши мумкин.

12. ЖКнинг 213-моддаси 1-қисми бўйича жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

13. ЖКнинг **213-моддаси 3-қисмида**:

а) такроран, хавfli рецидивист ёки илгари ЖКнинг 210–212-моддаларида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, жавобгарлик назарда тутилган.

14. ЖКнинг **213-моддаси 4-қисмида**:

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, жавобгарлик назарда тутилган.

15. **213-модданинг 5-қисмига** асосан, башарти моддий қимматликлар берган ёки мулкий манфаатдор этган шахсга нисбатан моддий қимматликлар ёки мулкий манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиний ҳаракатлар

содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

◆

214-модда. Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) анча миқдорда;

б) тамагирик йўли билан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210–212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан шахсга нисбатан тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **объекти** давлат органлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органларининг обрўси ва нормал фаолияти ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларидир.

2. Ҳар қандай моддий қимматликлар ёки мулккий хусусиятга эга бўлган манфаат жиноятнинг предмети бўлиши мумкин.

3. **Объектив томондан** ЖК 214-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга ҳилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулккий манфаатдор бўлишидан иборат, башарти бу шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса.

4. Жиноят моддий кимматликлар ёки мулкый манфаатнинг ҳеч бўлмаса бир қисми хизматчи томонидан олинган пайдан бошлаб **туғалланган** деб ҳисобланади.

5. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

6. Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси жиноятнинг **субъекти** ҳисобланади.

7. ЖК 214-моддасининг 2-қисмида мазкур норма биринчи қисмининг диспозициясида кўрсатилган ҳаракатларни анча миқдорда ёки тамагирилик йўли билан содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

8. **Тамагирилик** деганда хизматчи ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш учун моддий кимматликлар ёки мулкый манфаат беришни талаб қилиш тушунилиши лозим. Ёки бўлмаса, хизматчи била туриб фуқарони шундай бир шароитга солиб қўядики, бунда у ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш учун моддий кимматликлар ёки мулкый манфаат беришга мажбур бўлади.

9. **Моддий ҳақ (мулкый манфаат) беришни талаб қилиш** хизматчи ўз хизмат вазифалари доирасига кирадиган муайян ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш учун ўзига моддий кимматлик, пул, неъмат, мулкый манфаат ва хоказоларни беришни очикдан-очик билдиришида ўз ифодасини топади.

10. **Фуқарони у ҳақ тўлашга мажбур бўладиган шароитга солиб қўйиш** деганда, хизматчи ўз хизмат вазифаларини бажаришдан асоссиз равишда бош тортиши, ишни бажариш (хизмат кўрсатиш)ни чўзиши, шунингдек хизматчи ўз хизмат вазифаларини бажариши лозим ва мумкин бўлган бир вазиятда унинг очикдан-очик ҳаракатсизлиги тушунилиши лозим.

ЖКнинг 214-моддасида назарда тутилган жиноят объектив томонининг мазкур шаклига ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда

ва лозим даражадаги сифат билан амалга оширишга тўсқинлик қилишга қаратилган ҳаракатлар ҳам киритилиши лозим. Ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш)ни асоссиз равишда рад этиш, чўзиш хизматчи вақт етишмаётганини, меҳнатталабликни ёки ишни қўшимча харажатларсиз бажаришнинг иложи йўқлигини, эҳтиёт қисмлар ёки механизмлар тақчиллигини рўкач қилиб кўрсатишида намоён бўлиши мумкин.

Тамагирлик йўли билан содир этилган давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлишини квалификация қилишда қилмишнинг субъектив томонини ҳисобга олиш ва хизматчининг мазкур пассив ҳуқ-атвори мақсадларига эътиборни қаратиш зарур. Акс ҳолда, хизматчининг бирон-бир мулкий манфаат куриш мақсадисиз содир этилган ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш)ни чўзишдан иборат ҳуқ-атвори ва бошқа ҳаракатлари ўз хизмат вазифаларини бажаришга инсофсизлик билан, непрофессионал ёндашиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

11. Хизматчи ўз хизмат вазифалари доирасига кирувчи муайян ишни бажаргани учун фуқаро унга ўз ихтиёрига кўра ҳақ берган ҳолларда мазкур ҳақни олган шахснинг ҳаракатлари жиноят қонунига мувофиқ жазога лойиқ қилмиш деб эътироф этилиши мумкин эмас (масалан, яхши хизмат кўрсатганлик учун официантга, операцияни яхши ўтказганлик учун шифокорга миннатдорчилик тарзида моддий ҳақ бериш ва ҳ.к.).

12. ЖКнинг 214-моддасида назарда тутилган жиноятни квалификация қилиш учун ғайриқонуний ҳақ олиш вақти аҳамиятга эга эмас, яъни бу қилмиш ғайриқонуний ҳақ беришни талаб қилаётган шахс муайян ҳаракатни бажаришидан олдин ёки у мазкур ҳаракатни бажарганидан кейин ҳам содир этилиши мумкин.

13. Моддий қимматликлар ёки мулкий манфаат беришни тамагирлик йўли билан талаб қилиш айбдор тамагирлик предметининг ҳеч бўлмаса бир қисмини олган пайтдан бошлаб

тамом бўлган жиноят деб эътироф этилади. Агар моддий қимматликлар ёки мулкий манфаатни олиш тамагирга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра амалга ошмай қолган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг 2-қисми ва 214-моддасининг 2-қисми бўйича шарҳланаётган жиноятни содир этишга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

14. Мазкур модда биринчи қисмининг диспозициясида кўрсатилган ҳаракатларни такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210–212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан, кўп миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан шахсга нисбатан тамагирлик йўли билан содир этиш ЖК 214-моддасининг 3-қисми бўйича квалификация қилинади.

15. Айбдорнинг ҳаракатлари, агар улар жуда кўп миқдорда ёки уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, ЖК 214-моддасининг 4-қисми бўйича квалификация қилинади.

215-модда. Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш

Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

ШАРҲ

1. Жиноятнинг **объекти** Ўзбекистон Республикаси расмий рамзларининг ҳурмат қилинишини белгиловчи ижтимоий

муносабатлар, шунингдек Ўзбекистон шаъни ва обрўи ҳисобланади.

2. **Жинойтнинг предмети** – Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг давлат рамзлари бўлган Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби, Давлат мадҳиясидир.

Давлат рамзларидан фойдаланиш тартибини белгиловчи масалалар, давлат рамзлари ва уларнинг намуналарининг мувофиқлигини назорат қилишни амалга ошириш масалалари ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги, 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги ва 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонунлари билан тартибга солинади.

Давлат байроғи, герби, мадҳияси республиканинг суверен, мустақил давлат эканлиги тимсоли ҳисобланади.

3. **Ўзбекистон Республикаси Давлат герби** Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзи бўлиб, унинг тасвири:

– доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, республика давлат бошқаруви органларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқаларнинг бинолари олд томонига;

– доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгашининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва унинг Кенгашининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, республика давлат бошқаруви органларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқаларнинг мажлислар залларига;



– доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, республика давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раисларининг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ва бошқаларнинг хизмат хоналарига жойлаштирилади;

– Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг бланкаларида;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг девонининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, унинг Кенгаши, қўмиталари ва девонининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, унинг Кенгаши, қўмиталари ва девонининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда қонунчилик билан муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвирини тушириш ҳуқуқи берилган бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотларнинг муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг расмий нашрларида;

– Ўзбекистон Республикасининг пул белгиларида;

– Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилган дипломатик паспортларда;

– Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараларида ўрнатиладиган сарҳад устунларида;

– Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси миллий операторининг почта вагонлари ва почта қутиларида;

– умумдавлат намунасидаги ҳужжатларда акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвиридан Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида предметларда, ўкув-тарбия жараёнида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг элементи сифатида фойдаланилиши мумкин¹.

4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи

Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи:

– доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, республика давлат бошқаруви органларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқаларнинг биноларида;

– доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, республика давлат бошқаруви органларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқаларнинг мажлислар залларида;

– доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг, Ўзбекистон Республикаси

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги 616–ХII-сонли Қонуни, 2, 4-моддалар // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 328-модда

Бош вазирининг, республика давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раисларининг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ва бошқаларнинг хизмат хоналарида;

– Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган байрам кунларида – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорлари билан белгиланган марказий кўчаларда, майдонларда, бошқа жамоат жойларида ва объектларда;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари сайлови ёки референдум кунларида – овоз бериш ўтказилаётган бинолар ва хоналарда;

– Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари биноларида ёки ҳудудларида ва транспорт воситаларида – халқаро ҳуқуқ нормаларига, дипломатик протокол қоидаларига ҳамда ваколатхоналар ва муассасалар жойлашган давлатнинг қонунчилигига мувофиқ;

– хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, бошқа расмий делегацияларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига, дипломатик протокол қоидаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасида бўлишининг тасдиқланган дастурига мувофиқ транспорт воситаларида, вокзалларда, аэропортларда, юриш йўналиши бўйича ва бошқа ташриф объектларида;

– расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикасининг бошқа расмий делегациялари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик

муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари бошлиқлари тушган чет элдаги денгиз ва дарё кемаларида, бошқа транспорт воситаларида;

– Ўзбекистон Республикаси кемалар қатнови инспекциясининг кемалар реестрида рўйхатга олинган денгиз ва дарё кемаларида;

– Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг ҳарбий бирлашмаларида, қўшилмаларида ва қисмларида, шунингдек бошқа ҳарбий тузилмаларида – Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг умумҳарбий уставларига мувофиқ;

– доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш пунктларида;

– спорт майдонларида – Ўзбекистон Республикаси чемпионатларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг Ўзбекистон Республикаси спорт терма командаларининг вакиллари бўлган ғолибларини мукофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида кўтарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи унга нисбатан лозим даражадаги ҳурмат таъминланган ҳолда умуммиллий байрамлар ва тантанали тадбирлар вақтида кўтарилиши мумкин¹.

5. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзи бўлиб, у:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا киришиш чоғида – у қасамёд қабул қилганидан сўнг;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сессияларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисларининг очилиши ҳамда ёпилиши чоғида;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги 407–XII-сонли Қонуни, 2, 3 ва 5-моддалар // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 27-модда.

– Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умуммиллий байрамларга бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши чоғида;

– давлат телевидение ва радиоэшиттириш компаниялари томонидан ҳар куни – кўрсатув ва эшиттиришлар бошланишидан аввал ва тугаганидан сўнг, кўрсатув ва эшиттиришлар кечаю кундуз олиб борилганида эса соат 6 да ва соат 24 да, янги йил кечасида – соат 24 да;

– республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат, ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган ҳайкаллар, шунингдек монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилиши чоғида;

– давлат органлари, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа тантанали тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини кўтариш чоғида;

– расмий сафар билан Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш чоғида – тегишли хорижий давлатнинг давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин;

– ҳарбий маросимларни ўтказиш вақтида – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий уставларига мувофиқ;

– умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида – янги ўқув йили бошланиши ва ўқув йили тугаши маросимлари чоғида;

– спорт майдонларида – Ўзбекистон Республикаси чемпионатларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг Ўзбекистон Республикаси спорт терма командаларининг вакиллари бўлган ролибларини мукофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси унга нисбатан лозим даражадаги ҳурмат таъминланган ҳолда

умуммиллий байрамлар ва тантанали тадбирлар вақтида ижро этилиши мумкин¹.

6. Шарҳланаётган жиноят **объектив томондан** Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига хурматсизлик қилишда ифодаланади.

Хурматсизлик қилиш Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясини нобуд қилишга ёки уларга шикаст етказишга ёхуд улардан номуносиб тарзда фойдаланишга (уларни узиш, босиб ташлаш, ёндириш, синдириш, уларга булғовчи белги, расмлар ёки ёзувлар киритиш ва ҳ.к.) қаратилган. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик, ватанпарварлик ёки ахлоқий туйғуларини ҳақорат қиладиган фаол ҳаракатларни содир этишдан иборат бўлади. Бундай ҳаракатлар ошқора ёки яширин тарзда содир этилиши мумкин.

7. Фуқароларга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки уни ишлатиш билан кўрқитиш йўли билан жамиятда юриштириш қондаларини бузиб, **оммавий жойларда** Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг **давлат рамзларига хурматсизлик қилиш** қўшимча равишда ЖКнинг 277-моддаси (Безорилик) бўйича квалификация қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг давлат рамзларига **қасддан шикаст етказиш** ёки **уларни нобуд қилиш** давлатга анча миқдордаги мулкий зарар етказиш билан боғлиқ бўлса, мазкур қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 215-моддаси ва 173-моддаси (Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш) билан квалификация қилиш зарур.

Давлатнинг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга қаратилган шаклда ифодаланган Давлат байроғи, Давлат герби ёки Давлат мадҳиясига нисбатан хурматсизлик

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги 768-ХII-сонли Қонуни. 2-4-моддалар // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 52-модда.

қилиш ҳаракатларини қўшимча равишда ЖКнинг 159-моддаси (Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш) билан квалификация қилиш талаб қилинади.

8. Давлатнинг рамзларига ҳурматсизлик қилишдан иборат бўлган ҳар қандай ҳаракат содир этилган вақтдан бошлаб шарҳланаётган жиноят **туғалланган** деб эътироф этилади.

9. **Субъектив томондан** жиноят туғри қасд билан содир этилади. Айбдор Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикаси Давлат герби, Давлат байроғи ёки Давлат мадҳияси устидан ҳурматсизлик қилаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди. Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилишнинг мотиви ва мақсади жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

10. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин. ЖКнинг 215-моддаси бўйича нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

14 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар фақатгина кўпчилик учун хавfli усулда ёки кўп миқдорда зарар етказиб, давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш билан боғлиқ ҳаракатлари учун ЖКнинг 173-моддаси 2-қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

216-модда. Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш

Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш, шунингдек бундай бирлашмалар ёки ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача

озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ШАРҲ

1. Шарҳланаётган модданинг **объекти** жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларни тузиш ва фаолиятини юритишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, жамиятнинг ахлоқий негизлари, жамият хавфсизлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», – дейлади.

Конституциянинг 34-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас», – деб таъкидланади.

3. Жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолияти ва уларни ташкил этиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари туғрисида»ги ва 2021 йил 5 июлдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар туғрисида»ги қонунлари билан тартибга солинади.

4. Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари



жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади», — дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасида.

Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўйбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма **жамоат бирлашмасидир**¹.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, қасаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, фондлар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари **жамоат бирлашмалари** деб эътироф этилади.

Жамоат бирлашмаларининг турлари, улар фаолиятининг тартиби ва шартлари, аъзолик, таъсис ҳамда фаолият ва ташкил этиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар, шунингдек, бошқа масалалар ечими ушбу қонун билан тартибга солинади.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасига мувофиқ, **диний ташкилот** — фуқароларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, биргаликда динга эътиқод қилиш, ибодат қилиш, диний расм-русумлар ва маросимларни бажариш мақсадида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган кўнгилли бирлашмаси (махаллий диний ташкилот, диний таълим муассасаси ва диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи)га айтилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни, 1-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 4-сон, 76-модда.

Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ун саккиз ёшга тулган ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган эллик нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади¹.

6. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида: «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг сориғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек харбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланиши, шунингдек, махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланиши белгиланган.

7. «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек, конституциявий тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан синфий, шунингдек, ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўйилмайди.

Ҳарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуролли тузилмалар, шунингдек, диний характерга эга бўлган партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа тузилмавий бўлинмалар ташкил этиш тақиқланади.

Аҳолининг саломатлиги ва ахлокига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қиладиган жамоат бирлашмаларини тузиш манъ этилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун, 17-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 03/21/699/0635-сон.

8. **Объектив томондан** шархланаётган жиноят ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклашда, шунингдек бундай бирлашмалар ёки ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашишда ифодаланади.

9. **Тақиқланган жамоат бирлашмасини ёки диний ташкилотни тузиш** деганда, мазкур бирлашмани ёки диний ташкилотни ташкил этиш мақсадида битта ёки бир неча шахслар томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар йиғиндисини тушуниш керак. Масалан, келгуси бирлашма ёки ташкилотнинг аъзоларини танлаб олиш, уларнинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, уларни ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, молиявий масалаларни ҳал қилиш, ташкилий йиғилишларни ўтказиш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Қилмишни шархланаётган модда бўйича квалификация қилиш учун жамоат бирлашмалари ва (ёки) диний ташкилотларни тузиш **ғайриқонуний**, яъни рўйхатга олиш тартибини бузиш, бутун фаолияти ҳуқуққа қарши, зид бўлган ҳаракатлар бўлиши зарур. Қонунчиликка мувофиқ, қуйидагилар талаб қилинади:

– биринчидан, жамоат бирлашмалари (диний ташкилотлар) ҳаракатлари ва тузиш мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив ҳужжатларига ва республика қўшилган халқаро конвенциялар ва келишувларга зид бўлмаслиги керак;

– иккинчидан, адлия муассасаларида рўйхатдан ўтиш каби талабларга оид ўрнатилган тартибга риоя қилиш зарур;

– учинчидан, бундай ташкилотларга аъзоликка доир бир қатор иш юритиш қоидаларига риоя қилиш, таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси, низом)га мувофиқ шакл ва мазмунда бўлиш, шунингдек, бошқа қоидалар, яъни жамоат бирлашмалари ва (ёки) диний ташкилотлар тузиш ва фаолиятини амалга оширишни белгилловчи қоидаларга риоя қилиши лозим.

Ушбу қонунчилик ҳолатларини бузиш муайян ҳолатларда ғайриқонуний ташкилот деб квалификация қилиш учун асос бўлади.

10. Тақиқланган жамоат бирлашмалари ва (ёки) диний ташкилотлар фаолиятини қайта тиклаш деганда, суд тартибида тақиқланган жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотлар фаолиятини давом эттириш ҳаракатларини содир этиш тушунилади. Бу ҳаракатлар бирлашма фаолиятини молиялашни давом эттириш, унинг аъзоларини йиғиш, шунингдек, бошқа ҳар қандай фаолият: унинг фаолиятини тарғиб, ташвиқ қилиш, маблағларни йиғиш ва янги дастурлар ишлаб чиқиш, тугатилган жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотлар номидан тақиқланган фаолиятларни давом эттиришга ташвиқ қилиш ва шу кабилар бўлиши мумкин.

Тақиқланган жамоат бирлашмаси ёки диний ташкилот фаолиятини қайта тиклаш фақатгина суднинг тугатилган ва тақиқланган фаолиятни тиклаш туғрисидаги қарори ва ушбу ҳужжатнинг қонуний кучга кириши асосида содир бўлади.

11. Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларнинг фаолиятида қатнашиш деганда, ташкилот (бирлашма) таркибида қандайдир фаолиятни бажариш тушунилади. Яъни, бирлашма (ташкилот) мақсадини тан олиш ҳамда шу мақсад йўлида турли хил ишларни бажариш, ғайриқонуний бирлашма (ташкилот) фаолиятини таъминлаш ва шу кабиларда ифодаланadi. Оддий қатнашувнинг ўзи қонуннинг моҳияти бўйича алоҳида жиноят ва жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди, балки фақат фаол қатнашувгина жавобгарликни келтириб чиқаради.

12. Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларнинг фаолиятида фаол қатнашиш деганда, ғайриқонуний ташкилотлар фаолиятида ҳар қандай хатти-ҳаракатлар билан қатнашиш, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тугатилганлиги ҳақидаги қарор бўлишига қарамай, унинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган, шунингдек, бошқа фаолият, бу ташкилотларнинг ноқонуний фаолиятларини амалга оширишга ёрдам берувчи хатти-ҳаракатлар тушунилади.

Фаол қатнашиш сифатида бундай бирлашма (ташкilot) ларнинг турли хил фаолиятларини бажарувчи, унинг мақсадидан келиб чиқувчи ва эришиш воситалари ўларок, турли ҳаракатларни бажариш: вазифаларни тақсимлаш, ички бошқарувни амалга ошириш ва бошқаларга раҳбарлик қилиш муҳим ўрин тутаети. Бундан ташқари, фуқароларни фуқаролик бурчларини бажармасликка чакирувчи, бундай ташкilotлар таркибида доимий вазифаларни бажарувчи ва шу каби бошқа ҳаракатларини амалга оширишини фаол иштирок этиш деб этироф этиш лозим.

13. Жиноят тақиқланган жамоат бирлашмаси ёки диний ташкilot тузиш ёки фаолиятини қайта тиклаш, уларнинг фаолиятида фаол қатнашиш бўйича ҳар қандай ҳаракатлар содир этилган вақтдан бошлаб **туғалланган** деб эътироф этилади.

14. **Субъектив томондан** жиноят туғри қасд билан содир этилади. Айбдор шахс ўзининг тақиқланган жамоат бирлашмаси (диний ташкilot) тузиш ёки фаолиятини қайта тиклаш каби қилмишининг ижтимоий хавфли эканлигини англайди ва ушбу фаолиятни амалга оширишни истайди. Тақиқланган жамоат бирлашмаси (диний ташкilot) фаолиятида фаол иштирок этувчи шахс ўзининг унга мансублигини, унинг таркибидаги амалий ҳаракатларнинг аҳамияти ва ўрнини ва шу кабиларни англаб етади ва унда иштирок этишни истайди.

Жиноятнинг мотив ва мақсади квалификация қилишга таъсир қилмайди.

15. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган тақиқланган жамоат бирлашмасининг фақат ташкilotчилари ёхуд фаол қатнашчилари бўла олди.

**216¹-модда. Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари
ва диний ташкilotлар фаолиятида
қатнашишга ундаш**

Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкilotлар, оқимлар, секталар

фаолиятида қатнашишга ундаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **объекти** жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларни тузиш ва фаолиятини юритишининг белгиланган тартиби, жамият хавфсизлиги ва тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Жиноят **объектив томондан** шундай ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг, Ўзбекистон Республикасида тақиқланган жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида иштирок этишга ундашда ифодаланади. (*Жамоат бирлашмаси, диний ташкилот тушунчалари ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 216-моддаси шарҳига қаранг*).

Диний оқим – бу диний конфессиянинг бир йўналиши, фуқароларнинг белгиланган оқимга диний белгилар орқали, лекин диний маросим ва удумларни амалга оширишда фарқ қиладиган бирлашмаси.

Диний секта – турли диний оқимларга мансуб кишиларнинг диний, конфессионал аломатларга кўра бирлашган гуруҳи, жамоаси.

3. Шарҳланаётган модда маъносида **ундаш** деганда, айбдор уларнинг ёрдамида шахснинг ғайриқонуний жамоат бирлашмаси ёки диний ташкилот фаолиятида иштирок этиши каби мақсадга эришадиган ҳар қандай усул ва услублар тушунилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш ҳар хил усуллар ва воситалар билан амалга оширилиши мумкин. Бу инсонни ёки унинг яқинларини бундай ташкилот фаолиятида қатнашиш учун жисмоний мажбурлаш бўлиши мумкин. Ундашни кишининг жамоат бирлашмасида, кўпроқ диний ташкилот фаолиятида қатнашгандан сўнг, унинг гуноҳлари ва бошқалар кечирилишини ваъда қилиб алдов йўли билан амалга ошириш мумкин. Кўп ҳолатларда жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш моддий рағбатлантириш (пул, нарса, мулк ва бошқа қимматбаҳо нарсалар) воситасида амалга оширилади. Ундан ташқари, ундаш тарғибот, ташвиқот йўли билан ва шу сингари ташкилотлар фаолиятида қатнашишга чақириш орқали амалга оширилади.

4. Ушбу турдаги ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш ташвиқот, тарғибот, чақирувлар шаклида амалга оширилиши мумкин.

Ташвиқот кўпинча тақиқланган ёки ғайриқонуний диний ташкилотлар ёхуд жамоат бирлашмаларининг асосий ғоялари ҳамда улар фаолиятида иштирок этишга чақирувчи оғзаки ва ёзма шаклда чоп этган ҳолда кенг қўламдаги аҳоли қатлами орасида олиб борилади.

Тарғибот – аҳоли ўртасида мазкур бирлашмаларнинг фаолиятига тааллуқли ғоя, фикр, таълимот ва билимларни тарқатиш ва тушунтириш, кенг оммага ғоявий таъсир кўрсатишдир.

Чақирувлар деганда, муайян доирадаги шахслар орасида маълум бир жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш мақсадида ташқи томондан инсонларда бу ҳақда илик туйғулар уйғотишга, уларнинг онги, иродасига таъсир ўтказиш, ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларнинг ўз олдларига қўйган мақсадларига эришиш, уларнинг фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, янги иштирокчилар жалб қилишга қаратилган ҳаракатлар тушунилади.

5. Ушбу шарҳланаётган моддани квалификация қилишда жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларнинг ғайри-

қонуний хатти-ҳаракатлари муҳим омил ҳисобланади. У ушбу жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотлар суд қарори билан тугатилган ёки улар ўрнатилган қонунларга риоя қилмаганлиги сабабли тегишли органлар томонидан рўйхатга олинмаган бўлади. *(Жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларнинг қонунийлиги ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 216-моддаси шарҳига қаранг).*

6. Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунида белгиланишича: «Жамоат бирлашмалари ўз аъзолари (қатнашчилари)нинг ихтиёрийлиги, тенгҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошқоралик асосида тузилади ва ҳаракат қилади» (4-модда 1-қисми). Ушбу принципга асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ихтиёрий равишда ҳар хил жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиши мумкин ва уларни жамоат бирлашмаларига мажбурлаш йўли билан киритишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Қонунчилик диний ташкилотларнинг ҳам фаолиятини шу тартибда қатъий белгилайди. Ўзбекистон Республикаси – дунёвий давлат. Давлат динни ва одамларнинг эътиқодини ҳурмат қилиб ва тушуниб, инсоннинг виждон эркинлигини тан олади, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка, диний удумларда, расм-русумларда қатнашиш-қатнашмаслик ҳуқуқини беради. Лекин, шу билан бирга, одамларнинг эътиқодни танлашда, диний ташкилотларда қатнашганда таъсир қиладиган ҳар қандай ноқонуний таъсирлардан ҳимоялайди. Шу сабабли, ҳар қандай ноқонуний диний ташкилотларга ундаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги инсоннинг бирлашиш ва виждон эркинлиги ҳуқуқларини тан олиб ҳамда бундай бирлашма бўлиши кераклигини ўрнатиб, жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларга қатнашишга ундашни тақиқлайди.

7. Ушбу шарҳланаётган моддада айбдор шахснинг қилмишини квалификация қилишда ушбу айбдор шахсга нисбатан бир йил давомида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 202¹-мод-

мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига кириштишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 61-моддасида: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди», деб белгиланган.

2. Жиноятнинг **объекти** диний ташкилотларни тузиш, рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини амалга оширишни тартибга солишга қаратилган, инсоннинг виждон эркинлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. **Объектив томондан ЖКнинг 216²-моддаси 1-қисми**да назарда тутилган жиноят худди шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин:

- нолегал диний фаолият билан шуғулланиш;
- диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши;
- руҳонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғарақлар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш каби қилмишларни содир этишда ифодаланади.

4. **Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш** деганда, қонун билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ва диний фаолиятни тегишли ружсат олмасдан амалга оши-

рувчи турли диний ташкилотларнинг ташкил этилиши ёхуд ташкилотнинг таъсис ҳужжатлари ёки диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликда кўрсатилмаган мақсад, вазифалар ва фаолият билан шуғулланишни тушуниш лозим.

5. Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш адлия органлари (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказувчи органлар деб юритилади) томонидан амалга оширилади. Марказий бошқарув органларини ва диний таълим муассасаларини рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, маҳаллий диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш эса тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади¹.

Диний ташкилотни ташкил этиш бўйича таъсис йиғилиши (конференцияси) ўтказилган кундан эътиборан олти ой ичида уни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаат рўйхатдан ўтказувчи органга юборилади.

Марказий бошқарув органини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаатга қуйидаги ҳужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

таъсис йиғилишининг (конференциясининг) марказий бошқарув органини ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва бошқарув органларини сайлаш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган қарорининг;

марказий бошқарув органининг давлат тилидаги уставининг;

жойлашган еридан диний ташкилотнинг почта манзили сифатида фойдаланилиши мўлжалланаётган кўчмас мулкка эгаллик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг;

марказий бошқарув органининг таъсисчилари ва унинг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги ҳужжатларнинг;

марказий бошқарув органининг раҳбариди диний профессионал маълумот мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун, 16-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 03/21/699/0635-сон.

бундан таълимоти диний профессионал таълим тизимини назарда тутмайдиган конфессиялар мустасно;

ваколатли орган хулосасининг.

Диний таълим муассасасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаатга қуйидаги ҳужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

марказий бошқарув органининг диний таълим муассасасини ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва раҳбар органларини сайлаш (тайинлаш) бўйича маълумотларни ўз ичига олган қарорининг;

диний таълим муассасасининг давлат тилидаги уставининг;

диний таълим муассасасининг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги ҳужжатларнинг;

ваколатли орган хулосасининг.

Маҳаллий диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаатга қуйидаги ҳужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

маҳаллий диний ташкилотни ўз ташаббусига кўра тузаётган, ўн саккиз ёшга тўлган, эллик нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари имзоларини ўз ичига олган ҳужжатнинг;

таъсис йиғилишининг маҳаллий диний ташкилотни ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва раҳбар органларини сайлаш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган қарорининг;

маҳаллий диний ташкилотнинг давлат тилидаги уставининг;

маҳаллий диний ташкилотни ташкил этиш ташаббускорлари тўғрисидаги ва унинг раҳбар органи аъзолари ҳақидаги ҳужжатларнинг;

маҳаллий диний ташкилотнинг раҳбариди диний профессионал маълумот мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг, бундан таълимоти диний профессионал таълим тизимини назарда тутмайдиган конфессиялар мустасно;

ваколатли орган хулосасининг;

маҳаллий диний ташкилотнинг почта манзили сифатида фойдаланилиши мўлжалланаётган кўчмас мулкнинг шаҳар-созлик нормалари талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосалар илова қилинган ҳолда маҳаллий ижроия ҳокимияти

органи (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари) ҳулосасининг¹.

6. Кўриб чиқилган шаклда диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш нолегал диний фаолият билан шуғулланилган пайтдан эътиборан **туғалланган** деб топилади.

7. **Диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши** деганда, кўрсатилган шахслар томонидан юқорида келтириб ўтилган қоидалар, ҳаракатлар, талаблар бажарилмаслиги, яъни диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар (устав, фуқаролар имзолаган ариза, таъсис йиғилиши баёни ва бошқалар) тақдим қилинмаслиги тушунилади.

Ушбу шаклда диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш диний ташкилот рўйхатдан ўтказилишидан бўйин товланган пайтдан эътиборан **туғалланган** деб эътироф этилади.

8. **Рухонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш** деганда, ана шундай йиғинлар учун зарур иш ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилиши, зарур адабиётлар танланиши ва х.к.ларни тушуниш лозим.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар таъмин этилади.

Шу сабабдан, рухонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан қандайдир тадбир, болалар ва ўсмирларнинг махсус

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун, 17-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 03/21/699/0635-сон.

йиғилишлари, таълим аҳамиятига эга бўлган тадбирларни тегишли халқ таълими органлари ва ота-оналар розилигисиз ташкил қилиш ва ўтказиш ман этилади. Бундан ташқари, вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди¹.

Маълум бир диний амални эгаллаган, шу лавозимга тайинланган ва муайян диний маълумотга эга бўлган шахс **руҳоний** деб эътироф этилади. **Диний ташкилотлар аъзолари** деганда, диний жамоа, йиғин, қавм, синагога ва ҳоказолар таркибига кирувчи ҳамда ушбу диний ташкилотларда муайян ишларни бажарувчи шахс тушунилади.

Ушбу шаклда диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек, диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўгараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш каби ҳаракатлар содир этилган вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

9. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми маъмурий преюдицияга эга.

10. ЖКнинг **216²-моддаси 2-қисми**да назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолиятини худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин амалга оширишда ифодаланади.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар тарғибот-ташвиқот қилиш, эътиқод қилувчини виждон эркинлигига қарши мажбуран бошқа конфессияга киритиш, ҳақ бериш, мулкий манфаатдор қилиш воситасида ва ҳоказоларда ифодаланади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун, 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 03/21/699/0635-сон.



Миссионерлик фаолияти деганда, аниқ мақсадга қаратилган мафкуравий таъсир ўтказиш орқали шахсни (бир гуруҳ шахсларни) ўз динига киритиш мақсадида унга (уларга) диний қарашларни мажбуран сингдиришга ва диний таълимотни тарқатишга доир фаолият тушунилади¹. **Прозелитизм** – миссионерлик фаолиятининг бир конфессияга эътикод қилувчиларни бошқа конфессияларга ўтказишга қаратилган шакли.

11. ЖКнинг 216²-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар содир этилган ёхуд миссионерлик фаолияти амалга оширилиши бошланган пайтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади.

ЖКнинг 216²-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ҳам маъмурий преюдицияга эга.

12. Шарҳланаётган Жиноят **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятнинг мотив ва мақсади квалификация қилишга таъсир қилмайди.

13. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** нолегал фаолият билан шуғулланаётган диний ташкилотлар раҳбари ёки ташкилотчиси ёхуд болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўгараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этган рухоний ёки диний ташкилотлар аъзоси бўлган (ЖКнинг 216²-моддаси 1-қисми) ёхуд бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритаётган ва бошқа миссионерлик фаолияти билан шуғулланаётган диний ташкилот манфаатида ҳаракат қиладиган (ЖКнинг 216²-моддаси 2-қисми) 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.



¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги «Виддон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўррисида»ги қонун, 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 06.07.2021 й.. 03/21/699/0635-сон.

217-модда. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартибини уларнинг ташкилотчиси томонидан бузиш шундай ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида: «Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга», – деб белгиланган.

2. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар ўтказишнинг қонун билан белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек жамият хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** ҳисобланади.

3. ЖКнинг 217-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят **объектив томондан** йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартибини уларнинг ташкилотчиси томонидан худди шундай ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бузишда ифодаланади.

4 **Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар уюштириш** деганда, мазкур тадбирларда иштирок этиш учун фуқароларни чақириш, мазкур турдаги акциялар ташкил этилаётганлиги туғрисида маълумотлар тарқатиш, йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар уюштириш учун моддий-техник воситаларни ажратиш ва хоказолар тушунилади. Мазкур турдаги тадбирларни ташкил этиш рухсат олмасдан ўтказиладиган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар ўтказиладиган жой, ўтказиш шакли, жойи ва вақтини, ҳаракатланиш йўналишини, иштирокчиларни жалб этиш тартибини, сўзга чиқувчиларни танлаш ва бошқаларни белгилаб олишга қаратилган рухсат олмасдан ўтказиладиган тадбир ташкилотчисининг қасддан содир этиладиган ҳаракатларидан иборат бўлади.

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишларини ғайриқонуний уюштириш бўйича ҳаракатлар турли қилмишларда, масалан, бундай тадбирларни ўтказишга давлат ҳокимият органининг розилиги талаб этилса, бу ҳақда уларни хабардор этмасдан ўтказиш, бундай тадбирларни ташкил этиш жараёнини бузиш ва хоказоларда ифодаланади.

5. **Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар ўтказиш** деганда, шундай тадбирларни ўтказиш мақсадида ташкилий масалаларни фактик жиҳатдан бажариш ва хоказолар тушунилади.

Рухсат берилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишларини уюштириш – бу фуқароларнинг бирлашиши ва муайян шахслар, ташкилотлар, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги воқеаларга нисбатан ўз муносабатларини оммавий намоёиш этишлари, кўча бўйлаб оммавий ташкил этилган

ҳаракатда фуқароларнинг ўз ижтимоий-сиёсий кайфиятини турли кўргазмали воситалар ёрдамида ифодалашини ўз ичига олувчи тегишли тадбир ташкилотчисининг ғайриқонуний ҳаракатлари.

Кўрсатилган акцияларни ноқонуний ўтказиш бўйича ҳаракатлар муайян ёпик биноларда ғайриқонуний йиғилишлар ва митинглар ўтказиш, бундай тадбирлар ўтказилиши ҳақида мурожаатномада белгиланган мақсадлар, унинг бошланиши ва тўхтатилиши вақтига рия этмаслик, ғайриқонуний тадбирни тўхтатиш тўғрисидаги ҳокимият органларининг қонуний талабларига бўйсунмаслик ҳамда бошқа тартибларга рия этмасликда намоён бўлади.

6. **Йиғилиш** деганда, фуқароларнинг олдиндан белгиланган вақт ва жойда (бино ёки очик ҳавода) биргаликда бевосита иштирок этиш ва бирор-бир муаммо юзасидан биргаликда қарор чиқариш шакли тушунилади¹.

7. **Митинг** деганда, фуқароларнинг жамият ҳаётидаги бирор нарса юзасидан ташкилот ёки мансабдор шахсларга нисбатан ўзларининг муносабатини оммавий равишда билдириш мақсадида кўпинча очик ҳавода ўтказиладиган оммавий йиғилиш тушунилади².

8. **Кўча юришлари** – бирор-бир муаммо юзасидан ҳокимият органлари ва жамоатчиликнинг эътиборини тортиш мақсадида шахсларнинг кўчада, даҳада ташкилий ёки оммавий ҳаракатланиши³.

9. **Намойиш** – бирор-бир муаммо юзасидан бир гуруҳ шахслар томонидан ўзларининг ижтимоий-сиёсий кайфиятлари ва муносабатларини плакатлар, транспарантлар ва кўргазмали материаллардан фойдаланган ҳолда оммавий ифода этиши.

10. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоийишлар ўтказиш тўғрисида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ва бошқарув органига ёзма равишда мурожаат этилади. Мазкур мурожаатда тадбирни ўтказиш мақсади,

¹ Қаранг: Большой юридический словарь / Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских. – М.: ИНФРА-М. 2000. – 565-б.

² Ўша манба. – 335-б.

³ Ўша манба. – 683-б.

шакли, жойи, бошланиш ва тугаш вақти, ҳаракатланиш йўналиши, назарда тутилаётган иштирокчилар сони, ташкилотлар ва жамоат тартибини сақлаш учун масъул бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар, ариза топшириш санаси кабилар кўрсатилади. Тадбирни ўтказиш жараёнида иштирокчилар ва ташкилотчилар жамоат тартибини сақлашга мажбурдирлар. Уларга транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланишига тўсқинлик қилиш, аҳоли пунктининг узлуксиз фаолият юритишига тажовуз қилиш, палаткалар қуриш, яшил майдонлар, бино ва иншоотларга зарар етказиш, қурол ёки инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш мақсадида қурол сифатида ишлатилиши мумкин бўлган махсус тайёрланган буюмларда бўлиш, фукаралар ва юридик шахсларга моддий зарар етказиш, тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақловчи давлат органлари вакиллари фаолиятига ҳар қандай шаклда аралашиб тақиқланади.

11. Қилмишни ЖКнинг 217-моддаси бўйича квалификация қилиш учун ташкилотчига нисбатан олдин айнан шундай қилмиши учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 201-моддасида назарда тутилган маъмурий жазо чоралари қўлланилганлиги факти аниқланиши лозим. Маъмурий жазо қўлланилган ва у тугатилмаган ҳолдагина шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

12. Шархланаётган жиноят белгиланган тартибни бузган ҳолда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар ўтказиш бўйича ҳаракатлар содир этилган вақтдан бошлаб **туғалланган** деб топилди.

13. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар ўтказишнинг белгиланган тартибини бузаётганлигини англайди, жамоат тартиби ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг нормал фаолият юритиши тартиби бузилиши имкониятини ёки албатта юз беришини тушунади ҳамда мазкур тадбирларни уюштириш ва ўтказишни хоҳлайди.

Жиноятни содир этиш мотивлари ва мақсадлари турли хил бўлиши мумкин ва улар қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга бўлмайди.

14. Жиноятнинг **субъекти** махсус субъект ҳисобланади. Қонун мазмуни бўйича йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишларнинг фақат 16 ёшга тўлган ташкилотчилари ЖКнинг **217-моддаси 1-қисми** бўйича жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Меҳнат ёки жамоат бирлашмаси жамоаси, узини ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг алоҳида гуруҳлари томонидан ваколат берилган ва ташкиллаштирилаётган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар ҳақида ҳокимият органларини хабардор қилган ҳолда улар номидан жамоатчиликка мурожаат қиладиган шахслар **ташкилотчилар** сифатида тан олиниши лозим.

Шунингдек, ҳокимият вакиллари билан расмий алоқага киришмаган ҳолда тадбирларни ўтказиш ва уларга тайёргарлик кўриш юзасидан ҳаракатлар қиладиган ёки моддий-техник воситалар ажратадиган шахслар ҳам ташкилотчилар деб тан олинади.

Ташкилотчи хабардор қилинмаган ҳолда алоҳида иштирокчилар томонидан йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар ўтказишнинг белгиланган тартиблари бузилган ҳолларда, у ЖКнинг 217-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилмайди.

15. ЖКнинг **217-моддаси 2-қисми**да назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний маросимларни ўтказиш учун барча келиши мумкин бўлган жойларни ташкил этиш ва уларни таъминлаш ҳуқуқига эга.

Ибодат, диний маросим ва тадбирлар диний ташкилотлар жойлашган жой ва уларга тегишли ҳудудларда, маданият ёки ибодат биноларида, ибодат қилиш масканларида, қабристонларда, одат юзасидан зарур бўлган ҳолларда,

фуқаролар розилигига кўра, уларнинг уйларида ўтказилиши мумкин.

Касалхона, госпиталь, қариялар ва ногиронлар уйлари, дастлабки тергов ва жазони ижро этиш жойларида ўтказиладиган ибодатлар ва диний маросимлар мазкур жойлардаги фуқароларнинг илтимосига кўра ўтказилиши мумкин.

Ибодат биноларидан ташқарида ўтказиладиган оммавий тарздаги ибодат ва диний маросимлар жойлардаги маҳаллий бошқарув ва ҳокимият органларининг рухсати билан амалга оширилади.

16. ЖКнинг 217-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидалари бузилган вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

17. ЖКнинг 217-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ҳам маъмурий преюдицияга эга.

18. **Субъектив томондан** мазкур жиноят тўғри қасддан содир этилади.

19. Мазкур жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.



218-модда. Тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш

Тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш, шунингдек, фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Фуқаролар ёки Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига реал хавф туғдирувчи, фавқулодда ҳолат жорий этмасдан олдини олиб бўлмайдиган муайян ҳолларда республиканинг бутун ҳудуди ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этилади.

Фавқулодда ҳолат фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кузлаб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий этилади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги Президент Фармони уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига киради¹.

Фавқулодда ҳолат жорий этишнинг икки шартини ажратиш мумкин:

– фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид бўлган, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга ҳаракат қилинган, оммавий тартибсизликлар ва миллатлараро туқнашувлар, алоҳида жойларни куршаб олиш, қўшни давлатлар ҳудудидан давлат чегарасини бузиб оммавий ўтиш хавфи бўлган ҳолларда;

– фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини химоя қилиш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган қутқарув ишларини талаб этадиган табиий офат ва оғир экологик ҳолатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва йирик ҳалокатлар юз берганда.

2. Жиноятнинг **объекти** иш ташлашни ташкил этиш ва ўтказишнинг белгиланган тартибини, фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотларнинг нормал фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

¹ Қараг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 78-модда 19-банди; 93-модда, 19-банди.

3. **Объектив томондан шарҳланаётган жиноят:**

- тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш;
- фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилишда ифодаланади.

4. **Тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш** иш ташлашни ташкил этиш билан боғлиқ ҳаракатларни, яъни иш ташлашнинг мақсадларини ишлаб чиқиш ва асослаш, иш ташлашда иштирок этиш учун шахсларни қидириш ва жалб этиш, мажбуриятларни тақсимлаш, вазифаларни топшириш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш, маслаҳат ва кўрсатмалар бериш йўли билан иш жараёнларини тўхтатиш, иш ташлаш муддатларини кўллаб-қувватлаш, иш ташловчиларнинг хатти-ҳаракатини ташкиллаштиришдир. Бошқача айтганда, бу – иш ташлаш жараёни ва иш ташловчиларни бошқаришга йўналтирилган ҳаракатдир.

Иш ташлаш – жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш мақсадида ходимларнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришдан (тўлиқ ёки қисман) вақтинчалик бош тортишлари¹. Иш ташлаш илгари сурилаётган ижтимоий, иқтисодий ёки сиёсий характердаги талабларни қондириш мақсадида оммавий равишда иш тўхтатиш ҳисобланади.

5. **Корхона, муассаса, ташкилот ишига тўсқинлик қилиш**, бу – нормал иш жараёнини олиб боришга имкон бермайдиган ҳамда бинога, иш жойларига кириш йўлини тўсиб қўйиш, зарур технологик, электр ва сув тармоқларини узиб қўйиш каби шаклларда намоён бўладиган фаолиятдир.

Тўсқинлик қилиш – тегишли тузилмалар томонидан уларга юклатилган функцияларни бажаришга ҳалақит берувчи ёки мазкур функцияларни бажариш жараёнини издан чиқарувчи ҳар қандай тўсиқларни яратишга йўналтирилган турли қилмишлардир.

Тўсқинлик қилиш деганда, корхона, муассаса ёхуд ташкилотларда бир меъёрдаги иш тартибини сақлаб турувчи шахсларни жисмоний ва (ёки) руҳий мажбурлаш тушунилади.

¹ Қаранг: Большой юридический словарь / Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских – М. ИНФРА-М. 2000. – 193-б.

Шарҳланаётган модда маъносида **руҳий мажбурлаш** деганда, фавқулодда ҳолат шароитида мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар томонидан корхона, муассаса ёки ташкилотнинг фаолиятини бузиш мақсадида уларга жисмоний жазо қўллаш, моддий зарар етказиш, бошқа ноқулай оқибатлар (ишдан бўшатиш, мансабини пасайтириш) билан таҳдид қилиш тушунилади. Агар айбдор ўлдириш ёки бошқа турдаги мажбурловни қўллаш билан корхона, муассаса ёки ташкилот фаолиятига тўсқинлик қилган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тарикасида (масалан, ЖКнинг 218-моддаси ва 112-моддаси (Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш) бўйича) квалификация қилиниши лозим.

Шарҳланаётган модда маъносида **жисмоний мажбурлаш** деганда, шахсни мажбурий равишда бирон-бир бинога қамаб қўйиш, унга турли оғирлик даражасидаги тан жароҳатлари етказиш, уни ҳаётдан маҳрум қилиш, ишга киришишига ва уни бажаришига жисмоний қаршилиқ кўрсатиш кабилар тушунилади. Шарҳланаётган жиноят содир этилаётган вақтда айбдор соғлиққа зарар етказган ёки шахсга қарши бошқа жиноят содир этган бўлса, у ҳолда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 218-моддаси ҳамда шахсга қарши тегишли жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

6. Шарҳланаётган жиноят **объектив томонининг** зарурий белгиси уни содир этиш шароити – фавқулодда ҳолат шароити ҳисобланади.

Фавқулодда ҳолат – махсус қонунларда белгиланган тартибда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, юридик шахсларнинг ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйиладиган, шунингдек, уларга қўшимча мажбуриятлар юклайдиган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг ўзига хос режими¹.

7. Оқибат келиб чиққан-чиқмаганлигидан қатъи назар, диспозицияда назарда тутилган қилмишлардан бирининг содир этилиши билан жиноят **туғалланган** ҳисобланади. Мазкур

¹ Каранг: Большой юридический словарь / Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских – М.: ИНФРА-М. 2000. – 680-б.

қилмишлар фавқулодда ҳолат шароитида тақикланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ҳамда мазкур шароитда корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилишдан иборат.

8. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор фавқулодда вазият ҳолатида тақикланган иш ташлашга раҳбарлик қилишнинг ижтимоий хавфлилигини англайди, бундай ҳолларда корхона, муассаса, ташкилот ишига тўсқинлик қилишнинг ҳуқуққа хилофлигини билади ва мазкур ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

9. 16 ёшга тўлган иш ташлашнинг раҳбарлари, шунингдек, фавқулодда ҳолат шароитларида корхона, муассаса, ташкилот ишига тўсқинлик қилган ҳар қандай акли расо шахслар жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

Оммавий равишда ишни тўхтатишга чақирувчи ва бундай тадбирларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўрувчи шахслар, ташкилотчилар ва фаол иштирокчилар **иш ташлашнинг раҳбарлари** деб топилдилар.



219-модда. Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш

Қаршилик кўрсатиш, яъни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларни қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга,

шунингдек қонунга ҳилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилиш –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** ҳокимият органларининг бир меъёردа фаолият юритишини, ҳокимият вакили ёки ўзининг фуқаровий бурчини бажараётган шахсларнинг шахсий дахлсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят қаршилик кўрсатишда, яъни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатишда ифодаланади.

Қаршилик кўрсатиш фақатгина фаол хулқ-атвор шаклида ифодаланиши мумкин. Қонун мазмунига кўра, қаршилик кўрсатишнинг фаол шакли жиний жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

3. **Фаол қаршилик кўрсатиш** деганда, айбдор томондан ҳокимият вакили ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахснинг ўз вазифаларини адо этишига тўсқинлик қилишга қаратилган ҳаракатлари, масалан, жиноятчини ушлашга, жиноят қуролларини тортиб олишига, тинтув ўтказилишига тўсқинлик қилиши, эркинликларни чеклаши ва ҳ.к. содир этилишини тушуниш зарур.

Фаол қаршилик кўрсатиш жисмоний зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрликни қўллаш билан таҳдид қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда жисмоний таъсир кўрсатишда ифодаланадиган зўрлик жисмоний оғриқни етказмаслиги ҳам мумкин. Хусусан, зўрлик ҳокимият вакилини ўз мансаб мажбуриятларини бажариш имкониятидан маҳрум қилиш мақсадида ушлаб туришда, бир жойдан иккинчи жойга кўчишига тўсқинлик қилишда ифодаланиши мумкин.

4. **Ҳокимият вакили** – давлатнинг бирон-бир ҳокимият органининг номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий

ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида қўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс. (*Ҳокимият вакили тушунчаси тўғрисида батафсилроқ ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг*).

ЖКнинг 219-моддаси мазмуни бўйича ҳокимият вакиллари қаторига ижро этилиши мажбурий бўлган қонуний курсатмалар бериш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар киритилади. Булар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи органлар ходимлари: прокурорлар, ички ишлар ходимлари, ДХХ, солиқ хизмати ходимлари ва хоказо. Шунингдек, қонунга асосан, ҳуқуқ-тартиботни қўриқлаш бўйича асосий ёки қўшимча вазифаларни амалга оширувчи шахслардан иборат. Бу сабабга кўра, ҳокимият вакили ҳисобланмайдиган мансабдор шахсга қаршилик кўрсатиш, агар у ўз фуқаровий бурчини бажараётган бўлса, шарҳланаётган жиноят таркибини ташкил этмайди.

Ҳокимият вакиллари функцияларини бажараётган жазони ижро этиш муассасалари ходимларига қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ қилмиш тегишли белгилар бўлган ҳолларда ЖКнинг 220-моддаси (Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар) ёки 221-моддаси (Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик) бўйича квалификация қилинади.

5. Фуқаровий бурчини бажараётган шахс деганда, давлат ҳокимияти ёки бошқарув органлари, жамиятга ёрдам бераётган, ўзининг конституциявий ёки бошқа қонуний мажбуриятларини бажараётган ҳар қандай шахс тушунилади. Бошқача айтганда, фуқаролик бурчини бажариш, бу – фуқаролар томонидан қонун ва жамият, давлат ва бошқа шахсларнинг манфаатлари доирасида ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш. Қўп ҳолларда ўзининг фуқаролик бурчини бажараётган шахслар жабрланувчи бўлиб қолади ва қонунга асосан шундай шахс деб тан олинади.

6. Ҳокимият вакили ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахснинг хизмат мажбуриятлари ҳуқуқий тартибот ва

ижтимоий хавфсизликни таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилганлиги сабабли, ҳокимият вакилининг кўрсатмаси ёки фуқаронинг ҳаракати қонун ва ҳуқуқ доирасида бўлиши лозим. Мазкур хизмат мажбуриятлари ҳокимият вакилларига тегишли қонунчиликнинг алоҳида тоифасидан келиб чиқади.

7. Шарҳланаётган жиноятни тўғри квалификация қилиш учун қуйидагиларни аниқлаш лозим:

– қаршилик кўрсатиш ҳокимият вакили ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахснинг қонуний, яъни қонунга зид бўлмаган ҳаракатларига қарши йўналтирилганлиги;

– қаршилик кўрсатиш шахс томонидан ўз хизмат вазифаси ёки фуқаровий бурчи ижро этилаётган вақтида содир этилганлиги.

Мазкур ҳолатлар аниқлангандан кейингина айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 219-моддаси бўйича квалификация қилинади. Ноқонуний, яъни қонунга хилоф фаолиятни амалга ошираётган ҳокимият вакилига ёки ноқонуний ҳаракатлар содир этаётган шахсга қаршилик кўрсатиш жиноят деб топилмайди. Ҳокимият вакиллариининг айнан қонуний фаолияти ва фуқароларнинг ўз фуқаровий бурчини бажариш бўйича айнан қонунга зид бўлмаган ҳулқ-атвори жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланади.

8. ЖКнинг 219-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш бошланган вақтдан бошлаб, оқибат келиб чиқишидан қатъи назар, **туғалланган** ҳисобланади. Бунда қаршилик кўрсатиш натижасида хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахс ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилган ёки бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиққан ҳолларда, айбдорнинг қилмиши жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилинади.

Агар қаршилик кўрсатиш жараёнида жабрланувчига уртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилган бўлса, айбдорнинг қилмиши жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 219-моддаси 1-қисми ва ЖКнинг 105-моддаси ёки 104-моддаси билан квалификация қилинади.

9. ЖКнинг **219-моддаси 1-қисми**да назарда тутилган жиноятнинг **субъектив томони** фақатгина тўғри қасд билан тавсифланади. Айбдор шахс хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатаётганлигини англайди ва буни хохлайди.

Хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатаётганлигини англамаган шахс томонидан бундай қаршилик кўрсатиш кўриб чиқиляётган жиноят таркибини ташкил қилмайди.

10. ЖКнинг **219-моддаси 2-қисми**да назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилини ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсни қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилишда ифодаланади.

Шарҳланаётган модда маъносида **мажбурлаш** – бу ҳокимият вакили ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахсга нисбатан уларни ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш ёки мажбурловчи шахс фойдасига ноқонуний ҳаракатлар содир этишга эришиш мақсадида жисмоний ёки руҳий таъсир этиш. Қаршилик кўрсатишда қўлланиладиган жисмоний мажбурлашдан фарқли равишда мажбурлаш вақтида қўлланиладиган куч ишлатиш бошқа мақсадни кўзлайди.

Мажбурлаш вақтида қўлланиладиган **жисмоний зўрлик ишлатиш** деганда, уриш, дўппослаш ва жисмоний азоб берадиган бошқа ҳаракатлар содир этиш, шунингдек, жабрланувчининг иродасига хилоф равишда унинг жисмоний эркинлигини чеклаш тушунилади.

Руҳий мажбурлаш деганда, жисмоний зўрлик ишлатиш, жисмоний азоб бериш ҳамда таҳдид қилишда ифодаланадиган бошқача маънавий зарар етказиш билан қўрқитиш ва ҳоказолар орқали ҳокимият вакили ёки фуқарога таъсир ўтказиш тушунилади.

Ҳокимият вакили ёки ўз фуқаровий бурчини бажараётган шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш билан

кўрқитиш – бу ўлдириш, соғлиққа зарар етказиш, дўппослаш, жабрланувчига жисмоний азоб бериши ёки иродасига хилоф равишда унинг жисмоний эркинлигини чеклаши мумкин бўлган бошқа зуравон ҳаракатларни содир этиш ниятининг айбдор томонидан сўзлар ёки турли ҳаракатлар орқали ифодаланишидир.

Агар ҳокимият вакили ёки ўзининг фуқаровий бурчини бажараётган шахсга нисбатан қаршилик кўрсатиш натижасида уларга оғир тан жароҳати етказилса, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи билан квалификацияланади (ЖКнинг 219 ва 104-моддалари). Зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш мажбурлаш тушунчаси доирасига кирганлиги сабабли айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 112-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилинмайди.

11. Мажбурлашнинг мақсади хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахслар томонидан мажбурловчи фойдасига ноқонуний ҳаракатлар содир этилишига эришиш мақсадида уларга таъсир ўтказиш ҳисобланади.

Хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсларнинг мажбурловчи фойдасига ноқонуний ҳаракатлар содир этишлари ва бевосита қонуний ваколати доирасига кирувчи мажбуриятларни бажармаслиги ҳокимият вакилининг хизмат вазифасини бажариш ёки шахснинг фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечиши ҳисобланади.

12. Ҳокимият вакили ва шахсга нисбатан куч ишлатиш билан мазкур шахслар томонидан ўзининг хизмат вазифаларини бажариш ўртасида сабабий борланишнинг мавжудлиги ЖКнинг **219-моддаси 2-қисмида** назарда тутилган қилмиш объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилини ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсни мажбур қилишга йўналтирилган мажбурлов ҳаракатлари содир этилган вақтдан бошлаб ЖКнинг **219-моддаси 2-қисмида** назарда тутилган жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

13. **Субъектив томондан ЖКнинг 219-моддаси 2-қисмида** назарда тутилган жиноят ҳам тўғри қасд билан тавсифланади. Бунда хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсларни қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек, қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилишга йўналтирилган махсус мақсаднинг мавжудлиги ушбу Жиноятнинг субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

14. 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс ЖКнинг **219-моддасида** назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

220-модда. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахснинг маҳкумларни террор қилиш ёки маъмурият вакилларига хужум қилишда, шунингдек, бундай мақсадларда жиноий гуруҳлар ташкил қилиш ёки шундай гуруҳлар фаолиятида фаол қатнашишда ифодаланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлари –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ўта хавfli рецидивист;

б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг бир меъёردа фаолият юритиши ва мазкур муассасаларда ўрнатилган режим билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар шарҳланаётган жиноятнинг **бевосита объекти** ҳисобланади. Мазкур муассасалар ходимлари ва унда жазони ўтаётган шахсларнинг шахсий хавфсизлиги **факультатив объект** бўлиши мумкин.

2. Мазкур ҳолатда **жабрланувчи** сифатида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасалари маъмуриятининг вакиллари ёки озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган маҳкумлар ва судланганлар тан олинади.

Маҳкум – айблов ҳукми чиқарилган айбланувчи.

Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасалари маъмуриятининг вакиллари қаторига раҳбарлик таркибидаги шахслар, қуриқлаш ва конвойлаш вазифаларини бажарувчи ички қўшинларнинг ҳарбий хизматчилари, шартнома асосида ишловчи шахслар, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларида умумий ва касбий-техник таълимни амалга оширувчи ва тиббий хизмат кўрсатувчи шахслар, маъмурий ва муҳандис-техник ходимлар киради.

3. **Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларига** жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, турмалар киради. Тергов ҳибсхоналари озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва ҳўжалик хизматига онд ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасалари вазифасини бажаради.

Жазони ижро этиш колониялари манзил-колонияларга, умумий, қаттиқ, махсус тартибли ҳамда вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган колонияларга бўлинади. Тарбия колониялари вояга етмаган маҳкумларни сақлаш

учун мулжалланган. Турмалар вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мулжалланган¹.

4. **Объектив томондан** шарҳланаётган жиноят:

- маҳкумларни террор қилиш;
- маъмурият вакилларига хужум қилиш;
- бундай мақсадларда жинойи гуруҳлар ташкил қилиш ёки шундай гуруҳлар фаолиятида фаол катнашишда ифодаланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар содир этишдан иборат.

Фаолиятнинг издан чиқарилиши деганда, муассасалар томонидан, амалдаги қонунчилик билан мустаҳкамланган жамиятдан ажратиш билан боғлиқ вазифа ва функцияларнинг бажаришга қодир бўлмай қолиши тушунилади.

5. **Маҳкумларни террор қилиш** уларга нисбатан ҳар қандай қуч ишлатиш (жисмоний зўрлик) ёки шундай қуч ишлатиш билан қўрқитиш (руҳий зўрлик), шахсиятига тегиш, уларни масхаралаш каби шаклларда бўлиши мумкин.

Жисмоний зўрлик деганда, маҳкумларни уриш, дўп-послаш, боғлаш ва уларни озодлигини бошқача усулда чеклаш билан боғлиқ ғайриқонуний ҳаракатлар тушунилади.

Террор қилиш вақтидаги **руҳий зўрлик** оғзаки дўк-пўписада, қурол-яроғ ёки унинг ўрнини босувчи предметларни намойиш этишда ифодаланиши мумкин. Аммо ҳар бир дўк-пўписа ҳақиқатга яқин бўлиши, жабрланувчида унинг амалга оширилишидан қўрқиш учун жиддий асослар бўлиши керак.

Шарҳланаётган модданинг мазмунига қўрқитиш деб тан олинадиган, маҳкумларга нисбатан амалга ошириладиган мажбурлов ҳаракатлари улар озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқаришга қаратилган ҳоллардагина мазкур модда билан квалификация қилинади. Айнан шундай мақсад қилмишни шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилишнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 45-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

Айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги шахсий муносабатлар (низо, ўч олиш) туфайли амалга оширилаётган куч ишлатиш шахсга қарши жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим. Шунинг учун қўрқитиш деб тан олинган қилмишни туғри квалификация қилиш учун айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатларни, айбдорнинг ўзини бундай тутишининг сабабларини аниқлаш лозим.

6. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этиш муассасаси маъмурияти вакилларига ҳужум қилиш маъмурият вакилларига нисбатан жисмоний ёки руҳий куч ишлатиш орқали содир этилиши мумкин.

Маъмурият вакилларига ҳужум қилиш маъмурият вакилларининг қонуний ҳаракатлари туфайли келиб чиққан бўлиши лозим. Агар ҳужум қилиш маъмурият вакилларининг қонуний ҳаракатлари туфайли келиб чиқмаган бўлса, айбдорнинг қилмиши шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилинмасдан, балки шахсга қарши жиноятлар бўйича квалификация қилинади, чунки бундай ҳолларда ЖКнинг 220-моддасида назарда тутилган тажовуз объекти мавжуд бўлмайди.

Озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқариш мақсадида содир этилган қўрқитиш натижасида маъмурият вакилларига оғир тан жароҳати етказилган ёки унинг ҳаётига суиқасд қилинган ҳолларда қилмиш жиноятлар мажмун бўйича квалификация қилинади.

7. Жиний гуруҳ ташкил қилиш деганда, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар содир этиш мақсадида ташкил этилган турли фаолият тушунилади. Ташкил этиш олдиндан тил бириктириш, мазкур ғайриқонуний ҳаракатларни содир этишга келишиб олиш, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўртасида вазифаларни тақсимлаш кабиларни ўз ичига олади.

Қуролланганлик жиний гуруҳнинг зарурий белгиси ҳисобланмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жазони ижро этиш муассасаларида турли мезонлар асосида тузилган маҳкумлар-

нинг жамоат бирлашмалари, шу жумладан маҳаллийчилик, ўзаро манфаатдорлик, жиний ихтисослашиш тамойиллари асосида тузилган салбий йўналтирилган гуруҳлар жиний гуруҳ сифатида баҳоланмаслиги керак, чунки улар ўз олдига озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар содир этиш мақсадини қўймайди.

8. Жиний гуруҳ иштирокчилари орасидан фақат ташкилотчи ва фаол иштирокчиларгина ЖКнинг 220-моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Ташкилотчи – бу жиний гуруҳни ташкил этиб, унга бошқа иштирокчиларни жалб этадиган, жиний фаолият режаларини ишлаб чиқадиغان, гуруҳга бевосита раҳбарлик қиладиган ва ишлаб чиқилган жиний режани амалга оширадиган шахс.

Фаол иштирокчилар – бу жиний гуруҳ фаолиятида фаол иштирок этадиган, унга бошқа иштирокчиларни жалб этадиган, жиний фаолият режаларини ишлаб чиқишда ва озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқариш мақсадида маҳкумларни террор қилиш ёки маъмурият вакилларига ҳужум қилиш бўйича муайян ҳаракатларни содир этишда ташкилотчига ёрдам берадиган шахслар.

9. Шарҳланаётган жиноят маҳкумларни террор қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар содир этилган ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг маъмурияти вакилларига ҳужум қилинган ёхуд маҳкумларни террор қилиш ёки маъмурият вакилларига ҳужум қилиш мақсадларида жиний гуруҳлар ташкил қилинган ёки шундай гуруҳлар фаолиятида фаол қатнашиш бўйича ҳаракатлар содир этилган вақтдан бошлаб, **туғалланган** ҳисобланади.

10. Шарҳланаётган Жиноят **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англайди ва уларни содир этишни хоҳлайди.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқариш мақсадида жиний гуруҳ

ташқил қилинган ҳолларда озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатувчи шарт-шароитлар юзага келади ва шу туфайли жазони ижро этиш муассасаларидаги бошқарув тартибига зарар етказилади. Мазкур ҳолатда жиноят мақсади бевосита озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқаришдан иборат бўлади.

11. Жиноятнинг субъекти – махсусдир. Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилганидек, бу 14 ёшга тўлган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахслар бўлади. Шунингдек, хўжалик ишларини бажариш учун тергов хибсхонасида қолдирилган маҳкумлар ҳам субъект бўлиши мумкин.

Эҳтиёт чораси сифатида тергов изолятори ёки вақтинчалик сақлаш изоляторида сақланаётган тергов остидагилар ва маҳкумлар, шунингдек, озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар мазкур жиноятнинг субъектлари бўла олмайдилар. Тегишли белгилар мавжуд бўлган тақдирда, санаб ўтилган шахсларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 219-моддасида (Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш) назарда тутилган жиноятни ёки шахсга қарши жиноятни келтириб чиқариши мумкин.

12. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми:

- а) ўта хавфли рецидивист;
- б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар содир этилиши учун юқорирок жавобгарлик чораларини назарда тутмоқда.

13. Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар қиради. **Ўта оғир** жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради.

14. Қилмиш бир гуруҳ маҳкум шахслар томонидан содир этилган ҳолларда, айбдор шахс ташкилотчи ёки фаол иштирокчи бўлганлигидан қатъи назар, айбдорнинг қилмишлари ЖКнинг 220-моддаси 2-қисми «в» банди бўйича квалификация қилинади.

◆

221-модда. Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик

Озодликдан маҳрум қилиш жойида жазони ўтаётган шахснинг жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслиги ёхуд маъмуриятнинг ўз фаолиятини амалга оширишига бошқача йўсинда тўсқинлик қилиши, башарти, маҳкумга нисбатан бир йил мобайнида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги учун жазони ижро этиш колониясининг қарцерига ўтказиш тариқасидаги жазо қўлланилганидан ёки турмага ўтказилганидан кейин содир этилса, –

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) ўта хавфли рецидивист;

б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс томонидан содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг нормал фаолият юритишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар жиноят **объекти** ҳисобланади.

2. Маҳкумга нисбатан бир йил мобайнида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги учун жазони ижро этиш колониясининг қарцери ёки турмага ўтказилганидан кейин.

озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасида жазони ўтаётган шахс томонидан маъмуриятнинг қонуний талабларига бўйсунмаслик ёхуд маъмуриятнинг ўз фаолиятини амалга оширишига бошқача йўсинда тўсқинлик қилиш шарҳланаётган жиноятнинг **объектив томони** ҳисобланади.

3. **Бўйсунмаслик** – бу озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасида жазони ўтаётган шахс томонидан маъмурият вакилининг қонуний фармойиши ёки талабини ошқора рад этиш (масалан, бўйсунмаслик тузум талабларига риоя этмаслик, меҳнат мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаш каби кўринишларда бўлиши мумкин).

4. **Маъмуриятнинг ўз фаолиятини амалга оширишига бошқача йўсинда тўсқинлик қилиш** деганда, маҳбусларнинг маъмурият қонуний талабларини бажармасликка йўналтирилган бевосита ҳаракати тушунилади (масалан, муайян мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш, тузум (режим)га риоя этмаслик, шунингдек, жазони ижро этиш бўйича муассасанинг қоидаларини менсимаслик).

5. Озодликдан маҳрум қилиш жойида жазони ўтаётган шахснинг ҳаракатлари, башарти, маҳкумга нисбатан бир йил мобайнида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги учун жазони ижро этиш колониясининг қарцерига (бир кишилик камера) ўтказиш тариқасидаги жазо қўлланилганидан ёки турмага ўтказилганидан кейин содир этилган бўлса, ЖКнинг 221-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади.

Жиноят-ижроия кодексининг 109-моддасига асосан, жазони ўташ тартибини ашаддий бузувчи маҳкумлар умумий, каттиқ ва маҳсус тартибли колонияларнинг қарцерларига олти ойгача, аёллар сақланадиган колонияларда эса – уч ойгача бўлган муддатга ўтказиб қўйилади.

6. Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик ёхуд маъмуриятнинг ўз фаолиятини амалга оширишига бошқача йўсинда тўсқинлик қилиш содир этилган вақтдан бошлаб жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

7. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ўз қилмишининг ҳуқуққа хилоф ва

ижтимоий хавфли эканлигини англайди ҳамда уни содир этишни хоҳлайди.

Жиноятни содир этиш мотивлари уни квалификация қилишда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

8. Жиноятнинг **субъекти** бир йил мобайнида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги учун жазони ижро этиш колониясининг қарцерига ўтказиш тариқасидаги жазо қўлланилган ёки турмага ўтказилган озодликдан маҳрум қилиш жойида жазони ўтаётган шахс ҳисобланади.

9. ЖКнинг **221-моддаси 2-қисмида**:

- а) ўта хавфли рецидивист;
- б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс томонидан шархланаётган жиноят содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

222-модда. Қамокдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш

Қамокда сақланаётган ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахснинг қамокдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиши –

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қочиш:

- а) баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказган ҳолда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, – беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг нормал фаолият юритишини ёхуд суриштирув, дастлабки тергов ёки суд органларининг

фаолиятини, шунингдек, қочишга қаршилиқ кўрсатувчи шахслар соғлиғининг хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят камоқда сақланаётган ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахснинг камоқдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочишида ифодаланади.

Қочиш деганда, жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган, камоқ тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар, шунингдек, айбдор деб топилган ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган шахслар томонидан шахсларни қўриқлашга мўлжалланган махсус, изоляция қилинган жойларни ўзбошимчалиқ билан ташлаб кетиш тушунилади. Қочиш турли усулларда амалга оширилиши мумкин: қўриқчиларга нисбатан куч ишлатиш; сохта ҳужжатлардан фойдаланиб қочиш; пора бериш, алдаш ва бошқалар.

3. Қамоқда сақланаётган шахснинг тергов ҳаракатлари амалга оширилганда, у суд мажлиси залига етказилиши чоғида конвойдан ўзбошимча кетиши, суд залидан, терговчи, прокурор, суриштирув олиб борадиган шахснинг хизмат хонасидан ўзбошимча кетиши, шунингдек, камоқда сақлаш жойига етказилиши чоғида конвойдан ўзбошимча кетиши **қамоқдан қочиш** сифатида квалификацияланади.

Жиноят-процессуал кодексига асосан камоқ тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс **қамоқда сақланаётган шахс** деб топилади.

Қамоққа олиш – бу фақат ушлаб турилган гумон қилинувчига ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан Жиноят-процессуал кодексига белгиланган тартибда қўлланилиши мумкин бўлган эҳтиёт чорасидир.

Эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олинган айбланувчилар тергов ҳибсхонасининг камераларида сақланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд бир жиноят иши бўйича ёки бир неча ўзаро боғлиқ жиноят ишлари бўйича

айбланувчиларни алоҳида-алоҳида сақлаш тўғрисида тергов ҳибсхонасининг маъмуриятига ёзма кўрсатма беришга ҳақли.

Агар қамоққа олинганлар ЖКнинг 15-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган бўлса, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига кўра тергов ҳибсхонасининг бир кишилиқ камерасида қамоқда сақлаб турилиши мумкин. Қамоққа олинганлар ҳам вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ўн суткагача сақланиши мумкин. Қамоққа олинганларни тергов ҳибсхонасига олиб боришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда, бундай шахслар вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ўттиз суткагача сақланиши мумкин.

4. **Қамоқдан қочиш** деганда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетишни, шунингдек, озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаси чегарасидан ташқарига чиқишга рухсат берилган шахснинг белгиланган муддатда қайтиб келмаганини тушуниш лозим.

Озодликдан маҳрум қилиш жойларига қайтиб келмаслик деганда, жазони ижро этиш муассасасига қайтишнинг белгиланган муддатини оддий бузиш эмас, балки маҳкум жазони ижро этиш муассасасига белгиланган муддатда қайтишдан бўйин товлаши билан боғлиқ бўлган қайтиб келмаслик тушунилади.

Белгиланган муддатда қайтиб келмаслик, агар у енгиб бўлмас куч (табиий офат, шахснинг касал бўлиши ва ш.к.) таъсири ва бошқа узрли сабаблар билан белгиланган бўлса, қамоқдан қочиш жиноят таркибини ташкил этмайди.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинлаш тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми чиқарилган шахс озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахс деб топилади.

Жиноят-ижроия кодексининг 45-моддасига асосан, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини жазони ижро этиш муассасалари амалга ошириб, мазкур муассасалар қаторига жазони ижро этиш колониялари (манзил-колониялар,

умумий, қаттиқ, махсус тартибли колониялар), тарбия колониялари ва турмалар киради.

5. Эҳтиёт чораси сифатида камоққа олиш танлангани эълон қилинганидан, озодликдан маҳрум қилиш ёки қамок жазосини тайинлаш ҳақидаги ҳукм уқиб эшиттирилганидан ва шахс амалда қуриқлов остига олинганидан кейингина айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 222-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин.

6. Жазони ижро этиш ёки қуриқлов остида сақлаш жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетган шахс ушланган ёки ўз айбини бўйнига олиб келган вақтдан бошлаб жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

7. **Субъектив томондан** жиноят туғри қасд билан содир этилади. Айбдор қамокда ёки қуриқлов остидаги сақлаш жойида бўлганлигини, мазкур жойни ноқонуний, ўзбошимча тарк этаётганлигини ёки конвойдан яширинаётганлигини англайди ва мазкур ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

8. 14 ёшга тулган, қамок тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган шахслар **Жиноятнинг субъекти** бўлиши мумкин.

9. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида:**

- а) баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказган ҳолда;
- б) ўта хавfli рецидивист томонидан;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган қочиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

10. Қочиш енгил ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказишга олиб келган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 105-моддаси ва 109-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилинмайди. Лекин, қочиш оғир тан жароҳати етказиш ёки ўлимга олиб келган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 222-моддаси ва ЖКнинг 97-моддаси ёки ЖКнинг 104-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.



223-модда. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш

Белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) чегарани ёриб ўтиш йўли билан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- г) чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахс томонидан;
- д) Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи белгиланган тартибда чекланган шахс томонидан содир этилган бўлса, – беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган сиёсий бошлана ҳуқуқидан фойдаланиш учун кириш ҳужжатларини тегишли даражада расмийлаштирмасдан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жавобгарликдан озод қилинадилар.

Ш А Р Х

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси ўз фаолиятини юритиши бўйича қонунчилик билан белгиланган тартибнинг чегарадан жисмоний шахсларнинг ўтишига оид қисмини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси – Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасини (қуруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизикдан ва бу чизик бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат. Давлат чегараси давлат суверенитети амал қиладиган ҳудуд доирасини белгилайди.

Чегара режими чегара ҳудудига кириш (ўтиш), унда бўлиш (яшаш), чегарада ёки унинг яқинида ҳаракатланиш ва ишларни бажариш тартибини белгиловчи қоидалар мажмуини ўз ичига қамраб олади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилади.

Чегара ҳудудларида чегара режимига риоя этиш устидан назорат чегара кўшинлари ва ўз ваколатлари доирасида ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасига кириш, чиқиш ва давлат чегараларидан ўтиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги 820–I-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги 408-сонли қарори билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасига кириш, чиқиш ва давлат чегараларидан ўтиш билан боғлиқ муносабатларни жиноят-ҳуқуқий кўриқлашдан мақсад фуқароларнинг кўчиб юриш эркинлиги билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишларини тартибга солиш ва етарли шароитлар яратишдан иборат. Шу билан бирга, қонун чиқарувчи давлат ва жамият суверенитети ҳамда хавфсизлигини таъминлаш учун республикадан чиқиш ва унга кириш, давлат чегараларидан ўтиш тартибини белгилаб берган. Шундан келиб чиқиб, давлат чегарасига тажовуз қилиш – бу, аввало, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг бир меъёрадаги тартибига тажовуз қилиш деб топилади.

2. Объектив томондан мазкур жиноят белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришда ёхуд чегарадан ўтишда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ва унга кириш деганда, транспорт воситаси (автомашина, кема, самолёт, велосипед, от ва бошқа механик ва транспортнинг бошқа турлари) ёрдамида давлат чегарасини кесиб ўтиш тушунилади. **Давлат чегарасидан ўтиш** деганда, уни пиёда кесиб ўтиш тушунилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар белгиланган тартибни бузган ҳолда содир этилган ҳоллардагина ЖКнинг 223-моддаси бўйича калификация қилинади.

3. **Давлат чегарасини белгиланган тартибни бузган ҳолда кесиб ўтиш** деганда, қуйидаги ҳаракатлардан бирини содир этиш орқали ўтиш тушунилади: тартибни бузиш орқали (масалан, рухсат берилган чегара пунктларни айланиб ўтиш) ёки тегишли рухсати бўлмағи туриб кесиб ўтиш (масалан, чегарадан ўтиш ҳуқуқини берувчи хақиқий ҳужжатлар бўлмаган ҳолларда чегарани кесиб ўтиш).

4. Давлат чегарасини рухсат пунктларини айланиб ўтиб ёки рухсат пунктларидан ёхуд чегара ташқарисига (Ўзбекистондан) ёки Ўзбекистонга кириб келаётган, туридан қатъи назар (яъни ҳаво, сув, ерда юрадиган транспорт ва ҳоказо), транспорт воситасида белгиланган қоидаларни бузиб кесиб ўтиш **давлат чегарасидан ўтиш тартибини бузиш** деб ҳисоблаш лозим¹.

5. Сохта, муддати ўтган, бошқа шахс номига расмийлаштирилган, нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда давлат чегарасини кесиб ўтиш **тегишли рухсатномасиз давлат чегарасини кесиб ўтиш** деб топилади². Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан унга чегарадан ўтишга рухсат берилганлиги ҳақида

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги 820–1-сонли Қонуни, 15-модда 2-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 217-модда.

² Давлат чегарасини кесиб ўтиш учун керакли ҳужжатлар қуйидаги норматив ҳужжатларда белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқароллиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим қора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5156-сонли Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча қора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4079-сонли қарори.

унинг паспортига тегишли ёзув киритилмаган ёки сохта ёзудан фойдаланган ҳолда чегарадан ўтиш шархланаётган модда бўйича квалификация қилиниши лозим. Бунда айбдорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиши ёки унга кираётганлиги аҳамиятга эга бўлмайди. Бошқача айтганда, агар Ўзбекистон Республикаси фуқароси белгиланган тартибни бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасидан чиққан бўлса, унинг Ўзбекистон Республикасига қайтиб кириши ҳам ғайриқонуний деб топилиши лозим.

Бунда шуни ҳам назарда тутиш лозимки, агар ноқонуний кириш ёки чиқиш, шунингдек, чегарани кесиб ўтиш сохта ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган бўлса, у ҳолда бу қилмиш жиноятлар мажмуи тарикасида ЖКнинг 223 ва 228-моддалари (Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) бўйича квалификация қилинади.

6. Шархланаётган жиноят Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси ҳар қандай йўналишда ва ҳар қандай усул билан ноқонуний кесиб ўтилган вақтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

Бунда қуйидагилар **давлат чегарасини кесиб ўтиш вақти** деб топилади:

– айбдор фактик жиҳатдан давлат чегарасини кесиб ўтиши ёки ўтмаслигидан қатъи назар, давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари назоратидан муваффақиятли ўтиш. Масалан, ҳаво кемаси учишига қадар шахс томонидан аэропорт чегара назоратидан ўтиш **тугалланган** жиноят деб топилади. Худди шундай ҳолатда шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра чегара назоратидан ўта олмаган ҳолларда, унинг ҳаракатлари Ўзбекистон ҳудудига ғайриқонуний кириш ёки ундан чиқишга суиқасд қилиш деб квалификация қилиниши лозим;

– давлат чегараси орқали ўтказишнинг белгиланган пунктларидан ташқарида давлат чегараси чизиги (тегишли юза)ни фактик жиҳатдан кесиб ўтиш.

7. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Шахс ўз ҳаракатларининг ноқонунийлигини билади.

яъни Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ҳужжатсиз, сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда ёхуд тегишли рухсатномасиз кесиб ўтаётганлигини англайди ва бунни хоҳлайди.

Жиноят содир этилишининг мотиви ва мақсади квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

Мазкур жиноят эҳтиётсизлик ораксида (масалан, мулжалли йўқотиш туфайли чегарани кесиб ўтиш) содир этилганда жинойи жавобгарлик келиб чиқмайди. Давлат чегараси мажбурий равишда кесиб утилган (масалан, табиий офат, ҳалокат ва бошқа) ҳолларда ҳам қилмишда шарҳланаётган жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

8. 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳам, фуқаролиги бўлмаган шахс ёки чет эл фуқароси ҳам мазкур жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

9. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида:**

а) чегарани ёриб ўтиш йўли билан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

г) чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахс томонидан;

д) Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи белгиланган тартибда чекланган шахс томонидан чет элга чиқиш ёки ғайриқонуний равишда Ўзбекистон Республикасига кириш учун жавобгарлик назарда тутилган. (*Чегарани ёриб ўтиш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 182-моддаси шарҳига қаранг*).

10. Чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахс томонидан ғайриқонуний четга чиқиш ҳаракати ЖКнинг **223-моддаси 2-қисми «в» банди** бўйича квалификация қилинади.

11. ЖКнинг **223-моддаси 3-қисмига** қура, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун кириш ҳужжатларини тегишли даражада расмийлаштирмасдан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жавобгарликдан озод қилинадилар.

Конституциянинг 93-моддаси 1-қисми 22-бандига асосан, сиёсий бошпана бериш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳал этилади.

Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана берилмайди: агар шахс Ўзбекистон Республикасида жиноят деб топилувчи қилмишни содир этгани учун хорижда қидирилаётган бўлса ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мақсад ва принципларига қарши ҳаракатлар содир этганликда айбдор бўлса; жиноят иши бўйича айбланувчи сифатида жалб этилган ёки унга нисбатан суднинг қонуний қучга кирган айблов ҳукми мавжуд бўлса; у таъқиб этилмайдиган учинчи давлатдан келган бўлса; била туриб ёлғон маълумотлар берган бўлса; у таъқиб этилмайдиган учинчи давлатнинг фуқаролигига эга бўлса.

224-модда. *(Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги ЎРҚ-579-сонли Қонуни билан чиқарилган – ЎР ҚХТ, 2019 йил, 45-сон, 844-модда)*

225-модда. **Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш**

Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизмат ёки муқобил хизматга қақирувдан, сафарбарлик қақирuvi резерви хизмати сафига олиниш ёхуд хизматни Ўзбекистон Республикаси Куролли Қучлари резервида ўташдан узрли сабабсиз бўйин товлaши, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

а) ўз баданига шикаст етказиш;

б) хужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларига сафарбарлик бўйича чакирувдан бўйин товлаши –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида: «Ўзбекистон Республикасини химоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар», – деб ёзилган.

2. Шархланаётган жиноятнинг **объекти** ҳарбий хизматни ўташга ярокли бўлган шахсларнинг мажбурий чакируви асосида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларини, бошқа қўшинлар ва ҳарбий тузилмаларни шакллантиришнинг белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек, муддатли ҳарбий хизмат ўташдан озод этилган шахслар томонидан мажбурий муқобил хизмат ўташнинг қонун билан белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. **Объектив томондан ЖКнинг 225-моддаси 1-қисми**да кўзда тутилган жиноят худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизмат ёки муқобил хизматга чакирувдан, сафарбарлик чакируви резерви хизмати сафига олиниш ёхуд хизматни Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервида ўташдан узрли сабабсиз бўйин товлашида ифодланади.

Чақирув ва ҳарбий хизматни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 436–II-сонли Қонуни билан белгиланган.

Ўзбекистоннинг суверенитетини ҳимоя қилиш бўйича конституциявий бурчининг бажарилиши тартибини белгилаш, ҳарбий хизматни ўташ, хизматдан озод этилиш ҳамда ҳарбий хизматга алоқадор бошқа масалалар юқорида келтирилган Қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майдаги «Мудофаа тўғрисида»ги 211–II-сонли Қонуни (янги таҳрири), Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги 119-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низомда ёритилади.

4. Ҳарбий хизмат – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоҳида туридир¹. Ҳарбий хизмат расмий давлат хизматлари турларидан бири бўлиб, умумий ҳарбий мажбуриятни адо этишга турлича ёндашув имкониятларини назарда тутади. Ушбу ҳолатдан келиб чикиб, қонун чиқарувчи ҳарбий хизмат турларини белгилаб, шуларга биноан умумий ҳарбий мажбуриятни ўташнинг (ёки бажаришнинг) алоҳида тартиби ҳамда Конституцияга биноан мамлакатни мудофаа этиш мажбуриятларини бажариши шарт бўлган шахсларнинг хизматни ўташ (бажариш) муддати ва бошқа ҳолатларни белгилаган.

Шарҳланаётган модда муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати ҳамда муқобил хизматдан бўйин товлаш учун жавобгарликни белгилайди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, 4-модда 1-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 217-модда.

5. **Муддатли ҳарбий хизмат** – чакирилиш ёшидаги фуқароларнинг оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида, шунингдек муқаддам ҳарбий хизматни ўтамаган офицерларнинг қонунчиликда белгиланган муддат мобайнида Қуролли Кучлар сафидаги мажбурий хизматидир.

Муддатли ҳарбий хизмат муддати календарь ҳисобида ўн икки ой этиб белгиланади¹.

6. **Муқобил хизмат** – фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришининг чакирув бўйича ҳарбий хизмат ўрнига иқтисодиёт, ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида кам малака талаб этиладиган (ёрдамчи) ишларни, шунингдек, фалокатлар, ҳалокатлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган алоҳида туридир.

Ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, ҳарбий рўйхатда турувчи ва хизматга чакирилиши лозим бўлган фуқаролар, агар улар диний таълимоти қурол-яроғдан фойдаланиш ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турсалар, муқобил хизмат ҳуқуқига эга.

Муқобил хизматнинг муддати йигирма тўрт ойни, олий маълумотли фуқаролар учун эса ўн саккиз ойни ташкил этади².

7. **Сафарбарлик чакируви резервидаги ҳарбий хизмат** деганда, ҳарбий хизматга яроқли, шу жумладан чекловлар билан яроқли бўлган ҳамда чакирилиш муддатини кечиктириш ва чакирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чакирилмаган шахслар сафарбарлик чакируви резерви сафига олиниши тушунилади.

Сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилади

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, 5-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 217-модда.

² Ўша манба, 37-модда.

ҳамда чақирилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисобварағига пул бадаллари киритилишини назарда тутати.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига шахслар йиғирма етти ёшга тулгунга қадар олинадилар ва ҳар йилги ҳарбий йиғинларга жалб этилишлари мумкин, фавқулодда вазиятлар ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда эса ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладилар.

Сафарбарлик чақируви резервида ойлик йиғинни ўтаган фуқаролар Қуролли Кучлар резервига ўтказиладилар¹.

8. Резервдаги хизматни ўташ ёки резервчилар хизмати – бу ҳақиқий ҳарбий хизматни, шунингдек, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар жумласидан бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар учун Қуролли Кучларнинг қўшилмалари, қисмлари ва бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тулдириш, шунингдек, уруш даври тақозо этадиган тузилмаларни кучайтириш мақсадида умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этиладиган ҳарбий хизмат туридир.

Резервчилар сифатида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматга мажбурлар тинчлик даврида, қоида тариқасида, қўшинларнинг жанговор тайёргарлигини сақлаб туриш, резервчиларнинг ҳарбий ҳисобдаги ихтисослик бўйича мажбуриятларни тинчлик ва уруш даврида бажарилиши учун зарур бўлган қўшиқмаларни сақлаб қолиш ва тақомиллаштириш мақсадида ҳарбий қисмлар базасида ҳудудий принцип асосида ташкил этиладиган ҳарбий тайёргарлик бўйича ҳарбий йиғинларни ўташга жалб этилишлари мумкин.

Резервчилардан уруш давридан ҳам, тинчлик даврида ҳам Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз таҳдиди ва мамлакат хавфсизлигига таҳдид туғилганида, табиий офатлар



¹ Қараг: Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, 6-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 217-модда.

хамда фавқуллода вазиятлар оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон Республикасининг Президенти фармонига биноан қўшилмалар ва қисмлар таркибида жанговор мақсадлар бўйича фойдаланилиши мумкин.

Қуролли Кучлар резервчиларининг хизматни ўташ аниқ тартиби ва муддатлари қонунчиликда белгиланади.

9. Чақирувдан бўйин товлаш Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ҳарбий комиссар чақирув қоғозида белгиланган муддатда чақирув комиссияси йиғилишига ҳамда ҳарбий хизмат ва ҳарбий қисмга жўнатиш учун ярокли эканлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтишга узрли сабабларсиз етиб келмаслигидан иборат бўлиши мумкин. Бўйин товлаш ҳарбий хизматга чақирилувчининг ҳарбий хизмат жойига жўнатилгунга қадар ҳарбий комиссариат биносида йўқ бўлишида ҳам ифодаланиши мумкин.

Сафарбарлик чақирув резерви сафига олинишдан бўйин товлаш ҳам турли хил усуллар орқали амалга оширилиши мумкин ва сафарбарлик чақирув резерви хизматига олинишдан қочишга мўлжалланган актив ёки пассив ҳаракатларда ўз ифодасини топади.

Резервда хизматни ўташдан бўйин товлаш Ўзбекистон Республикасининг нормал фаолиятига хавfli табиий офатлар ҳамда фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш учун мўлжалланган ҳарбий йиғинлардан бош тортишни назарда тутати¹.

10. Чақирилувчининг меҳнат лаёқатини йўқотиш билан боғлиқ касаллиги ёки майиблиги; чақирилувчининг яқин туғишганининг вафот этгани ёки оғир бетоблиги; табиий йўсиндаги тўсиқлар ёки чақирилувчининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган, унинг чақирув комиссиясига ёки сафга олиниш жойига, сафарбарлик ёки резерв хизматини ўташ учун етиб келишга тўсиқлик қилган шарт-шароитлар (ёнғин, сув тошқини, транспорт фалокати ва ҳокозолар) узрли сабаблар ҳисобланади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, 32-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 217-модда.

Касаллиги муносабати билан чақирув пунктига келиш имкониятининг бўлмаганлиги шифокор томонидан берилган ҳужжатлар билан, табиий шарт-шароитлар муносабати билан етиб келиш имкониятининг бўлмаганлиги тегишли органлар томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

11. Чақирилувчини ЖКнинг 225-моддаси 1-қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масала, фақатгина унга илгари йил давомида узрли сабабларсиз ҳарбий ёки муқобил хизматдан, сафарбарлик чақируви резерви сафига олинишдан ҳамда Қуролли Кучлар резервида хизматни ўташдан бўйин товлагани учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 237-моддаси ёки 238-моддаси асосида маъмурий жазо чоралари қўлланилган бўлса, қўзғатилади.

12. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан, сафарбарлик чақируви резерви сафига олинишдан, Қуролли Кучлар резерви хизматни ўташдан бўйин товлаш чақирув муддати тайинланган пайт тамом бўлгандан эътиборан **туғалланган** жиноят ҳисобланади.

13. ЖКнинг 225-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъектив томони** айбнинг тўғри қасд шаклида ифодаланишидир. Айбдор чақирув сафига олиниш ёки ҳарбий муқобил хизматни ўташ билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаётганини англайди, узрли сабабларсиз ва ғайриқонуний равишда чақирув пунктларига бормаслигини билади ва бундай ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

14. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товланин **субъекти** сифатида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, чақирув кунига қадар ўн саккиз ёшга тулган ҳарбий хизматга чақирувдан озод этилиш ёки уни кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган эркак жинсига мансуб шахс тан олиниши мумкин.

15. ЖКнинг 225-моддаси 2-қисмида ҳарбий резерв сафига олинишдан, Қуролли Кучлар резервида хизматни ўташдан бўйин товлаш:

а) ўз баданига шикаст етказиш;

б) ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан содир этилганда белгиланадиган жиноий жавобгарлик кўзда тутилади.

16. ЖКнинг 225-моддаси 2-қисми «а» бандида ўз баданига шикаст етказиш оғирлиги даражаси кўрсатилмаган. Фикримизча, бу ҳарбий ёки муқобил хизмат ўташ имкониятидан маҳрум қилувчи ҳар қандай тан жароҳати бўлиши мумкин.

Айбдор ўз баданига ўзи шикаст етказиши мумкин, бундай ҳолатда унинг ўз соғлиғига шикаст етказиши учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бироқ, шикаст бошқа шахс томонидан етказилган бўлса, мазкур шахс баданга тегишли даражада шикаст етказиш учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Мазкур шахс томонидан бошқа шахснинг баданига шикаст унга ҳарбий ёки муқобил хизмат ўташдан бўйин товлашда ёрдам бериш мақсадида етказётганлигини англаган ҳолатда эса, унинг ҳаракатлари шарҳланаётган жиноятни содир этишга ёрдам бериш сифатида ҳам квалификация қилинади.

Мазкур жиноят айбдор ўз баданига шикаст етказган пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳисобланади.

17. **Ҳужжатларни қалбакилаштириш** шахснинг соғлиғи ҳолати, ёши, оила таркиби ёхуд шахсни ҳақиқий ҳарбий ёки муқобил хизматга чақиришга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай бошқа ҳолатлар тўғрисида ёлғон маълумотларни ақс эттирувчи ҳужжатларни тақдим этишдан иборат бўлади.

Ҳарбий ёки муқобил хизматдан сафарбарлик чақируви резерви сафига олинишдан ёки резервда хизматни ўташдан ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали бўйин товлаш ЖКнинг 228-моддаси (Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

ЖКнинг 225-моддаси 2-қисми «б» банди маъносида **бошқача алдаш** деганда, айбдорга ҳарбий ёки муқобил хизматдан воз кечиш имкониятини берадиган мудофаа ишлари бўйича органни ҳар қандай усулда алдаш тушунилади. Масалан, комиссияга ўзининг ўрнига бошқа, олдиндан ҳарбий хизматга яроқсиз шахсни юбориш, чақирув комиссиясига ҳарбий хизматга чақириш масаласига таъсир этадиган ёлғон маълумотларни бериш ва хоказо.

ЖКнинг **225-моддаси 2-қисми «б» бандида** назарда тутилган жиноят ҳарбий ёки муқобил хизмат ўташдан озод бўлиш имконини берадиган қалбаки ҳужжат тақдим этилган ёки бошқача алдаш содир этилган пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

18. ЖКнинг **225-моддаси 3-қисмида** назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига сафарбарлик бўйича чақирилишдан бўйин товлашда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг 46-моддаси уруш вақтида сафарбарлик бўйича ҳарбий хизматга чақириш тартиби ва шартларини белгилайди.

Фуқароларнинг сафарбарлик бўйича ва уруш даврида ҳарбий хизматга чақирилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари асосида ўтказилади.

Сафарбарлик эълон қилинган тақдирда бу вақтда ҳарбий хизматда ва ҳарбий йиғинларда бўлган барча фуқаролар алоҳида фармойиш берилгунига қадар хизматни давом эттириб туради. Ҳарбий хизматга мажбурлар эса ҳарбий хизматга чақирилади. Ҳарбий хизматчиларнинг таътиллари бекор қилинади. Ҳарбий хизматга мажбурлар ўзлари қайд этилган жойдаги туман (шаҳар) муҳофаа ишлари органида, ҳарбий хизматчилар эса хизматни ўтаётган жойда ҳозир бўлиши шарт. Сафарбарлик эълон қилиниши билан ҳудудий комиссияларнинг чақирилиш ёшидаги фуқароларнинг чақирилиш муддатини кечиктириш ва уларни чақирилишдан озод этиш тўғрисидаги қарорлари бекор қилинади. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳамда чақирилишдан озод этиш бундан кейин фақат саломатлиги ҳолатига кўра ва махсус ҳисобда турганлигига қараб қўлланилиши мумкин.

Сафарбарлик эълон қилинганида ва уруш даврида ҳарбий хизматга ўн саккиз ёшдан бошлаб «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунда белгиланган резерв ва захирада бўлиш ёши чегарасига қадар ёшдаги ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳамда ҳарбий рўйхатда турмаган ўн саккиз ёшдан қирқ беш ёшгача бўлган

аёллар (ун олти ёшгача бўлган болалари бор аёллар бундан мустасно) чақирилишлари мумкин.

Сафарбарлик бўйича ва уруш даврида ҳарбий хизматга чақирилиш фақат мудофаа ишлари органлари томонидан амалга оширилади¹.

19. **Сафарбарлик бўйича чақирувдан бўйин товлаш** шахснинг узрли сабабларсиз сафарбарлик кўрсатмасида қайд этилган муддатда чақирилиш пунктига етиб келмаслиги ёхуд ғайриқонуний равишда сафарбарликдан озод бўлишда (қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб, ёлғондакам касал бўлиб ва ҳоказоларда) ифодаланади.

20. ЖКнинг **225-моддаси 3-қисмида** назарда тутилган жиноят сафарбарликдан бўйин товланган пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳисобланади.

21. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасддан содир этилади. Мотив ва мақсаднинг жиноятни квалификация қилиш учун аҳамияти йўқ.

22. Жиноятнинг **субъекти** Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафарбарлик чақируви бўйича чақирилган 18 ёшга тулган шахс ҳисобланади.

226-модда. Маъмурий назорат қоидаларини бузиш

Устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахснинг маъмурий назорат қоидаларини бузиши, мазкур шахсга шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, 46-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 217-модда.

Маъмурий назорат қоидаларини бузиш:

а) маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида ўз истиқомат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш;

б) маъмурий назорат озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилиш вақтида шахсга нисбатан ўрнатилган бўлиб, у ўзи танлаган яшаш жойига узрли сабабларсиз муайян муддатда етиб келмаслиги туфайли содир этилган бўлса, –

икки йилдан тўрт йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги УРҚ–532-сонли Қонунга кўра, маъмурий назоратнинг асосий вазифаси жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларга яқка тартибда профилактик таъсир кўрсатишдан иборатдир.

2. Жиноятнинг **объекти** маъмурий назоратни амалга оширишнинг белгиланган тартибини, маъмурий назоратни амалга ошириш бўйича ички ишлар органларининг нормал фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. ЖКнинг **226-моддаси 1-қисмида** назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахснинг маъмурий назорат қоидаларини бузишида ифодаланади.

4. Қуйидаги вояга етган шахсларга нисбатан суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилади:

суд томонидан ўта хавfli рецидивист деб топилган;

оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган;

ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига биноан оғир ёки ўта оғир жиноят ҳисобланадиган қилмишларни содир этганлик учун бошқа давлат ҳудудида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган.

Маъмурий назорат судланганлиги олиб ташланган ёки судланганлик ҳолати тугалланган шахсларга нисбатан ўрнатилиши мумкин эмас¹.

5. Назорат остидаги шахсларга нисбатан суднинг содир этилган қилмишнинг хусусияти ҳисобга олинган ҳолдаги қарори асосида қуйидаги маъмурий чекловлар белгиланиши мумкин:

яшаш жойидан сутканинг белгиланган вақтида ташқарида бўлишни тақиқлаш;

муайян жойларда бўлишни тақиқлаш;

суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан ички ишлар органларининг руҳсатисиз чиқишни тақиқлаш;

рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача ички ишлар органига (ички ишлар органининг таянч пунктига) келиш;

алкоголли ичимликларни истеъмол қилишни тақиқлаш.

Юқорида кўрсатилган маъмурий чекловлар назорат остидаги шахснинг турмуш тарзига, оилавий аҳволига, шунингдек унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларга қараб тўлиқ ҳажмда ёки алоҳида-алоҳида тарзда белгиланади.

Маъмурий чекловларнинг рўйхати узил-кесил бўлиб, унга қўшимчалар киритилиши ёки у кенгайтириб шарҳланиши мумкин эмас.

Қўлланиладиган маъмурий чекловлар суд томонидан ички ишлар органининг тақдимномасига ёки назорат остидаги шахснинг ёхуд унинг вакилининг аризасига, шунингдек меҳнат жамоасининг, жамоат бирлашмасининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг илтимосномасига биноан назорат

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги ЎРҚ-532-сон Қонуни, 6-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2019 й., 03/19/532/2873-сон.

остидаги шахснинг турмуш тарзи ва ҳулқ-атвори ҳақидаги маълумотлар инobatга олинган ҳолда қисман бекор қилиниши мумкин¹.



6. Назорат остидаги шахс қуйидаги маъмурий назорат қоидаларига риоя этиши шарт:

жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганидан кейин ўзи танлаган яшаш жойига суд томонидан белгиланган муддатда етиб бориш;

жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганидан кейин, шунингдек яшаш жойи ўзгарганидан сўнг ўзи танлаган яшаш жойига етиб келган кундан эътиборан уч кун ичида ҳисобга қўйилиш учун маъмурий назоратни амалга оширувчи ички ишлар органига келиш;

ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиш;

маъмурий назоратни амалга оширувчи ички ишлар органидан яшаш жойидан ташқарида бўлиш ва (ёки) суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан ташқарига қисқа муддатга чиқиш учун рухсатнома олинган тақдирда, қисқа муддатга чиқилаётган ҳудуднинг ички ишлар органини хабардор қилиш;

қисқа муддатга чиқиш жойидан қайтиб келганида доимий яшаш жойи бўйича ички ишлар органини хабардор қилиш;

маъмурий назоратни амалга оширувчи ички ишлар органини ишга жойлашганлиги, яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойи ўзгарганлиги ёхуд меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисида уч кун ичида хабардор қилиш;

яшаш жойидаги ички ишлар органига ушбу орган томонидан белгиланган муддатда чақирувга қўра бориш;

ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиш ва зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш².



¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги ЎРҚ–532-сон Қонуни, 7-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2019 й., 03/19/532/2873-сон.

² Ўша манба, 15-модда.

7. Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимнома олинган пайтдан эътиборан ун кундан кечиктирмай жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан суд мажлисида ички ишлар органи вакилининг мажбурий иштирокида ва ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимнома кўриб чиқиладиган шахс иштирокида яқка тартибда кўриб чиқилади.

Суднинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорида маъмурий назоратни ўрнатиш учун асос, унинг муддати ва назорат остидаги шахсга нисбатан ўрнатиладиган маъмурий чекловлар кўрсатилади. Агар маъмурий назорат жазони ижро этиш муассасасидан озод этиш чоғида белгиланган бўлса, суднинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорида назорат остидаги шахс танлаган яшаш жойига етиб келадиган муддат ҳам кўрсатилади.

Маъмурий назорат олти ойдан бир йилгача муддатга ўрнатилади. Маъмурий назорат муддати маъмурий назоратни ўрнатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқарилган пайтдан эътиборан, маъмурий назорат жазони ижро этиш муассасаларидан шахсни озод этиш чоғида ўрнатилган ҳолларда эса, назорат остидаги шахс танлаган яшаш жойига етиб келган пайтдан эътиборан ҳисобланади.

Назорат остидаги шахс маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган тақдирда, маъмурий назорат муддати ички ишлар органининг тақдимномаси бўйича суд томонидан олти ойгача бўлган муддатга, лекин судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

8. Маъмурий назорат қуйидаги ҳолларда тугатилади:

маъмурий назорат ўрнатилган муддат тугаганда;

судланганлик ҳолати тугалланган ёки судланганлик олиб ташланганда;

назорат остидаги шахс озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ва жазони ўташ жойига юборилганда;

назорат остидаги шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилганда;

назорат остидаги шахс бошқа давлатга доимий яшаш жойига чиқиб кетганда;

назорат остидаги шахс вафот этган ёки суднинг уни вафот этган деб топиш тўғрисидаги қарори қонуний кучга кирганда.

Агар нazorат остидаги шахс ҳуқуқбузарлик содир этмаётганлиги, ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга роя қилаётганлиги ҳамда зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажараётганлиги аниқланса, шунингдек яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойидан ижобий тавсифномалар мавжуд бўлса, маъмурий нazorат муддатининг камида ярми ўтгач ички ишлар органининг тақдимномаси ёхуд нazorат остидаги шахснинг ёки унинг вакилининг аризаси асосида, шунингдек меҳнат жамоасининг, жамоат бирлашмасининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг илтимосномасига кўра маъмурий нazorат суд томонидан муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Маъмурий нazorатни муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги тақдимнома, ариза ёки илтимоснома ўн кунлик муддатда кўриб чиқилиши лозим¹.

9. «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий нazorат тўғрисида»ги Қонуннинг бирон-бир банди бузилган пайтдан эътиборан жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

Башарти маъмурий нazorат қондалари худди шундай қилмиши учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс томонидан содир этилган бўлса, у ЖКнинг 226-моддаси 1-қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

10. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Уни квалификация қилишда жиноятни содир этиш мотиви ва кўзланган мақсад аҳамиятга эга эмас.

11. Жиноятнинг субъекти фақат нисбатан маъмурий нazorат қўлланилган 18 ёшга тулган шахс ҳисобланади.

12. ЖКнинг 226-моддаси 2-қисмида:

а) маъмурий нazorатдан бўйин товлаш мақсадида ўз истиқомат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш;

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий нazorат тўғрисида»ги ЎРҚ–532-сон Қонун, 13-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2019 й., 03/19/532/2873-сон.

б) маъмурий назорат озодликдан махрум қилиш жойларидан озод қилиш вақтида шахсга нисбатан ўрнатилган бўлиб, у ўзи танлаган яшаш жойига узрли сабабларсиз муайян муддатда етиб келмаганлиги туфайли маъмурий назорат қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

13. Истиқомат жойидан ўзбошимчалик билан кетиб қолиш деганда, устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахснинг маъмурий назоратни амалга ошираётган ички ишлар идораларининг расмий ижозатсиз истиқомат жойидан кетиб қолишини тушуниш лозим.

Айбдорнинг қилмишини ЖКнинг 226-моддаси 2-қисми бўйича квалификация қилиш учун унинг маъмурий назоратдан қандай мақсадни кўзлаб бўйин товлаганини аниқлаш зарур, акс ҳолда айбдорнинг хатти-ҳаракатини ЖКнинг 226-моддаси 2-қисми «а» банди бўйича квалификация қилиб бўлмайди.



227-модда. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, автомобилотранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг қатъий ҳисобидаги ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, шунингдек, автомобилотранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, худди шунингдек уларни нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш, уларни яшириш ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) паспорт ёки ёки идентификацияловчи ID-карта, ҳарбий билет ёки бошқа муҳим шахсий ҳужжатларга нисбатан ёхуд ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларга нисбатан содир этилган бўлса;

б) оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеklang ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **объекти** сифатида қонун билан ўрнатилган расмий ҳужжатлар айланиши ва уларни идентификация қилиш воситаларидан фойдаланиш тартибини, шунингдек, автомобилотransпорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)нинг давлат рақами белгиларини бериш ва алмаштириш тартибини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Қонунга кўра, шарҳланаётган жиноятнинг **предмети** корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларнинг қатъий ҳисобидаги ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар, шунингдек, автомобилотransпорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)нинг давлат рақами белгилари ҳисобланади.

2. *(Ҳужжат тушунчаси ҳақида ЖКнинг 209-моддаси шарҳига қаранг).*

3. **Штамп** – ҳужжатларни тайёрлашда нусха қолдириш учун хизмат қилувчи айрим матндан иборат бўлган ва қонда тарикасида, корхона, муассаса, ташкилотнинг тўлиқ номи, улар жойлашган манзили, ҳужжат юборилган санаси, унинг рақами, телефон, факс, манзил ва хоказолар ҳақидаги маълумотларни акс эттирган босма қолип (бўртма босма тасвир).

4. **Мухр** – корхона, муассаса, ташкилот ёки жисмоний шахснинг тўлиқ номини акс эттирган ва зарур ҳолларда расм билан тўлдириладиган матннинг бўртма, тесқари (рельефли ёки ўйма) тасвирдан иборат бўлган ва қоғозда, сақичда, пластилинда ёки бошқа материалларда нусха қолдириш учун хизмат қилувчи, қоида тарикасида, доира шаклига эга бўлган асбоб (босма қолип).

Штампнинг босмасидан фарқли ўларок, мухрнинг босмасига тузатиш ва қўшимчалар киритиш мумкин эмас. Мухрларнинг алоҳида турини марказига Ўзбекистон Республикаси Давлат герби туширилган доира шаклига эга бўлган гербли мухрлар ташкил этади.

5. **Бланка** – бу бурчак ёки марказида штамп босмаси туширилган ёки исталган усулда штамп матни босилган ёки бошқа матнли (матнли расм) бўлган ҳамда ҳужжатни тайёрлаш учун фойдаланиладиган қоғоз варағи (лицензия, паспорт, гувоҳнома, сўровнома, ариза ва бошқалар бланкаси) ёки айрим шаклдаги жузланган китобчалар (паспорт, ҳарбий билет ва бошқалар бланкаси).

Бланклар орасида қатъий ҳисобдаги бланкалар ажралиб туради, улар алоҳида тартиб рақами (серияси), махсус фойдаланиш режимига эга. Шарҳланаётган жиноятнинг предметиға фақат қатъий ҳисобдаги бланкалар қиради.

Қатъий ҳисобдаги бланка – қисман ёзилган матндан иборат бўлган ва қолган бўш қисмида тўлдирилиши ва мажбурий рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган, фойдаланиш махсус (ёки махфий) режимига (диплом, меҳнат дафтарчаси бланкалари) ҳамда фойдаланиш режимидан чиқаришнинг алоҳида шартларига (уларни йўқотиб қўйиш, талон-торож қилиш, уларға шикаст етказиш ва хоказо ҳолларда) эга бўлган қоғоз варағи.

6. **Автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)нинг давлат рақами белгилари** шарҳланаётган жиноятнинг алоҳида предмети ҳисобланади. Транспорт воситаларини қайд этиш ва давлат рақами белгиларини бериш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сон қарори билан тасдиқланган

Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомида белгиланган.

Хукуматнинг 2007 йил 27 июндаги «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 131-сон қарори билан автоматотранспорт воситаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг худудий кодлари тақсимоти, автоматотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг типлари ҳамда рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларида қўлланадиган рақамлар ва лотин алифбоси ҳарфларининг намуналари тасдиқланган.

7. ЖКнинг 227-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг қатъий ҳисобидаги ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, шунингдек автоматотранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, худди шунингдек уларни нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш, уларни яширишда ифодаланadi.

8. Шарҳланаётган модда нуқтаи назаридан, **эгаллаш** деганда, қатъий ҳисобдаги ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар, автоматотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)нинг давлат рақами белгиларини ўзининг ёки бошқа шахснинг фойдасига қонунга зид ва ҳақ тўламай қаратиб олишнинг барча шакллари тушунилади. Эгаллаш усули ҳар қандай бўлиши мумкин. Қоида тариқасида, у талон-торож қилиш орқали (ўғрилиқ, талончилик, босқинчилик, товламачилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата) амалга оширилади.

Эгаллаш пайтида зўрлик ишлатилмаган ҳолларда қилмиш мустақил тарзда квалификация қилинади, зўрлик ишлатилган ҳолларда эса мазкур қилмишни жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиш зарур.

Мазкур жиноят қатъий ҳисобдаги ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар, автоматотранспорт воситалари ва улар-

нинг тиркамалари (ярим тиркамалари)нинг давлат рақами белгилари ҳақиқатда ҳам айбдор ихтиёрига ўтган пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳисобланади.

9. Қатъий ҳисобдаги ҳужжат, штамп, муҳр, бланка, автомобилотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)нинг давлат рақами белгисини нобуд қилиш деганда, улардан хизмат мақсадида фойдаланиш имкониятини қолдирмайдиган, тикланмас **бузилиши** тушунилади.

Кўрсатиб ўтилган предметларга **шикаст етказиш** – уларни идентификация қилиш мумкин бўлган, аммо уларни қайта тикламай туриб, хизмат мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлмайдиган ҳолатга келтирган зарар етказишдир.

Қайд этилган предметларни нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш жинояти уларни шундай ҳолатга келтирган пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳисобланади.

10. Шарҳланаётган жиноятнинг предметларини **яшириш** деганда, ЖКнинг 227-моддаси диспозициясида кўрсатилган предметларни улардан хизмат мақсадларида фойдаланиш учун манфаатдор шахс ёки ташкилотларга тақдим этмаслик тушунилади.

Яшириш қайд этилган предметлар яшириб қўйилган пайтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

11. ЖКнинг **227-моддаси 2-қисми**да:

а) паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта, ҳарбий билет ёки бошқа муҳим шахсий ҳужжатларга нисбатан ёхуд ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларга нисбатан содир этилган;

б) оғир оқибатларга сабаб бўлган кўрсатилган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган.

12. **Муҳим ҳужжатлар** деб, уларнинг эгасининг шахсини, унинг субъектив ҳуқуқларини ёки у учун муҳим бўлган бошқа маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни эътироф этиш лозим (паспорт, меҳнат дафтарчаси, маълумот тўғрисидаги диплом ва ҳоказолар).

Паспорт – Ўзбекистон Республикасида ва қатор чет эл мамлакатларида шахсни ва фуқароликни тасдиқловчи умумий расмий ҳужжат.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картаси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудда эгасининг шахсини ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқлайдиган, ID-карта эгасининг шахсий биографик ва биометрик маълумотлари киритилган электрон ташувчи қурилма (чип)га эга бўлган ҳужжат¹.

Ҳарбий билет – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ҳарбий хизматга муносабатини, унинг шахсини ва ҳарбий унвонини тасдиқловчи ҳужжат.

Бошқа муҳим шахсий ҳужжатларга: алоҳида категорияли фуқаролар учун паспорт вазифасини бажарувчи ҳужжатлар (ҳарбий хизматчининг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома, туғилганлик туғрисида гувоҳнома, ҳарбий билет, пенсия гувоҳномаси ва ҳоказо); айрим хорижий мамлакатларда паспорт вазифасини бажарувчи ҳужжатлар (хайдовчи гувоҳномаси, суғурта карточкаси ва бошқалар); шаклланган ҳуқуқий татбиқ этиш амалиётига кўра муҳим шахсий ҳужжатлар сирасига кирадиган бошқа ҳужжатлар (олий ўқув юртини битирганлик туғрисидаги диплом, илмий даража ва илмий унвонларни тасдиқловчи диплом ва аттестатлар, хизмат гувоҳномаси, меҳнат дафтарчаси ва ҳоказолар).

Ўта муҳим ҳужжатлар деб, жумладан, давлат сир, ҳарбий сир, тадбиркорлик ёки банк сирларини ўз ичига олган ҳужжатларни, жиноят ишида мавжуд бўлган процессуал ҳужжатларни тан олиш керак. Ўта муҳим бланкаларга олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органининг бланкалари, масалан, хусусийлаштириш ордери, рухсатнома хусусиятига эга бўлган турли ҳужжатлар бланкалари киради.

13. Оғир оқибатларга давлат сирларининг ошкор этилиши, корхона, муассаса, ташкилотлар фаолиятидаги тўхташлар, уларга жуда кўп зарарлар келтириш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказишларни киритиш мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари туғрисида»ги ПФ-6065-сонли Фармони, 1-илова // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.09.2020 й., 06/20/6065/1316-сон.

14. **Субъектив томондан** ЖКнинг 227-моддасида назарда тутилган жиноят туғри қасд билан содир этилади. Мотив шарҳланаётган Жиноятнинг субъектив томонининг зарурий белгиси бўлиб, ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятлар (ўч олиш, ҳасад, шуҳратпарастлик, мулкый мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш ва бошқалар)дан иборат.

Ғайриқонуний эгаллаш шахсий мулкни талон-торож қилиш сифатида квалификация қилинади. Талон-торож қилинган буюмлар ичида шахсий ҳужжатлар ёки муҳим ҳужжатлар мавжуд бўлса-да, айбдорнинг шахсий ёки муҳим ҳужжатларни эгаллашга қасдининг мавжуд бўлмаслиги содир этилган қилмишни ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми «а» банди бўйича квалификация қилинишига олиб келмайди.

15. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

◆◆◆◆◆

228-модда. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш

Сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни ҳужжатлар билан тасдиқлашнинг қонун билан белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Содир этилиши учун ЖКнинг 228-моддасида жавобгарлик назарда тутилган жиноятнинг **предмети** муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар. (*Расмий ҳужжат, штамп, муҳр, бланка тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 205, 209, 227-моддалари шарҳига қаранг*).

3. ЖКнинг **228-моддаси 1-қисми**да назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотишда ифодаланади.

4. Шарҳланаётган модда маъносида **тайёрлаш** деганда, асл ҳужжатларнинг, корхона, муассаса, ташкилот асл штамплари, муҳрлари, бланкаларининг нусхаларини ғайриқонуний тайёрлаш ёки уларни аслида мавжуд бўлмаган юридик шахс ёки фуқаролар номидан норматив ҳужжатларда ўрнатилган

талабларни бузган ҳолда тайёрлаш, шунингдек, айтиб ўтилган предметларнинг шакли ва мазмунига уларнинг ҳуқуқий мақомини ўзгартирувчи тузатишлар, ўзгартиришлар, қўшимчалар ва ҳоказоларни киритиш.

5. Расмий ҳужжатни, корхона, муассаса, ташкилот штампи, муҳри, бланкасини **қалбакилаштириш** деганда, қўшиб ёзиш, ўчириш, асл ҳужжат, штамп, муҳр, бланканинг бир қисмига тузатишлар киритиш ёки уни йўқ қилиш ҳамда қўшимча маълумотларни киритиш орқали асл ҳужжат, штамп, муҳр, бланка мазмунининг бир қисмини ноқонуний ўзгартириш, бошқа шахс учун имзо қўйиш, қалбаки штамп ёки муҳрни босиш ёхуд бутунлай қалбаки (сохта) жиноятнинг предметини тайёрлаш (масалан, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бланкасини тайёрлаш) тушунилади.

6. Расмий ҳужжатни, корхона, муассаса, ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини сотиш – бу қайд этилган жиноят предметларини уларни тайёрлаш ёки қалбакилаштириш жиноятининг бажарувчиси ёхуд бошқа шахс томонидан олди-сотди, алмаштириш, ҳадя қилиш, бирон-бир хизматлар учун ҳақ тўлаш ёхуд уларни ҳар қандай бошқа усулда пулга ўтказиш орқали **реализация қилиш**дир.

Қалбаки ҳужжат, штамп, муҳр, бланкаларни сотаётган шахс уларнинг қалбакилаштирилганлиги тўғрисида хабардор бўлиши шарт, акс ҳолда у мазкур ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмайди.

7. Шарҳланаётган жиноят жиноятнинг предмети тайёрланган ёки қалбакилаштирилган ва бунда қалбакилаштирувчи ўзи ёки бошқа шахснинг улардан фойдаланиш мақсади аниқланган пайтдан бошлаб ёхуд мазкур предмет сотилган вақтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади.

8. **Субъектив томондан** шарҳланаётган жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор расмий ҳужжат, корхона, муассаса, ташкилот штампи, муҳри, бланкасини тайёрлаётгани, қалбакилаштираётгани ёки уларни сотаётганини англайди ва буни хоҳлайди.

Қилмишни квалификация қилишда жиноятнинг предметдан фойдаланиш мақсадларини аниқлаштириш катта аҳамиятга эга. Тайёрлаш ёки қалбакилаштиришнинг мақсади аниқланмаган тақдирда, ЖКнинг 228-моддаси бўйича жавобгарлик истисно этилади. Сотишга нисбатан мақсад йўқ бўлиши ҳам мумкин. Кўрсатилган предметларни сотиш учун жавобгарлик, айбдор сотиш натижасида эришмоқчи бўлган мақсадга эришган-эришмаганлигидан қатъи назар, келиб чиқади.

9. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

10. ЖКнинг **228-моддаси 2-қисмида**:

а) тақдоран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб кўрсатилган ҳаракатлар содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

11. Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш ЖКнинг **228-моддаси 3-қисмида** назарда тутилган жиноятни ташкил этади.

Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш – бу айбдорнинг ушбу ҳужжатдан келиб чиққан ҳуқуқларга эга бўлиш ёки мажбуриятлардан озод бўлиш учун қилган ҳаракатларидир. Фойдаланиш сирдан қалбаки ҳужжатни намойиш этиш (кўрсатиш) ёки уни ташкилот ва алоҳида шахсларга ҳақиқийдек тақдим этиш (узатиш, юбориш) орқали ифода этилиши мумкин.

Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан варазли мақсадларда фойдаланиш жинорий натижа юзага келишидан қатъи назар, иш ҳолатларига қараб фирибгарлик ёки фирибгарликка суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмида кўзда тутилган жиноят айбдор хохлаётган ҳуқуқларга эга ёки мажбуриятлардан озод бўлганлигига қараб қалбаки эканлиги аён бўлган ҳужжатдан фойдаланган пайтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади.

Кўриб чиқиладиган жиноят таркиби **субъектив томонининг** зарурий элементи шундан иборатки, айбдор қалбаки

хужжат билан бирон-бир ҳаракатлар содир этишидан олдин унинг қалбаки эканлиги туғрисида хабардор бўлиши шарт.

◆

228¹-модда. Давлат проба тамғаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш қондаларини бузиш

Фаразғўйлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кузлаб давлат проба тамғасини қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, утказиш ёки ундан фойдаланиш, шунингдек уни қалбакилаштириш – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. **Жиноятнинг объекти** – давлат проба тамғаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланишнинг ўрнатилган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар.

2. **Жиноятнинг предмети** – давлат проба тамғаси, яъни заргарлик буюмларида ва бошқа предметларда заргарлик буюмлари ишлаб чиқариладиган олтин, кумуш ва платинанинг миқдорини аниқловчи тамға ёки белги.

Давлат проба тамғалари қимматбаҳо металлнинг ҳар бир тури учун белгиланган шаклдаги тамғалар бўлиб. Асиллик даражасини белгилаш палатасининг тасдиқ белгиси ҳамда буюм тайёрланган қимматбаҳо металлнинг асиллик

даражасини кўрсатувчи рақамлардан иборат бўлади. Давлат асиллик даражаси тамгаларининг шакллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

3. **Объектив томондан** жиноят давлат проба тамғасини қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ўтказиш ёки ундан фойдаланиш, шунингдек, уни қалбакилаштиришда ифодаланади.

Шарҳланаётган модда диспозицияси бланкет характерга эга. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 октябрдаги 819-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларнинг асиллик даражасини текшириш ва тамғалаш учун асиллик даражаси тўловини тўлаш тартибини белгилайди.

4. Шарҳланаётган модда маъносида **тайёрлаш** деганда, проба тамғасини мустақил тайёрлаш ёки туғрилаш бўйича ҳаракатлар тушунилиши лозим.

5. Давлат проба тамгаларини **ўтказиш** деганда, уларнинг пулли ёки бепул реализация қилиниши, яъни бошқа шахснинг эгалигига ҳар қандай усул билан ўтказилиши, масалан, сотилиши, ҳадя қилиниши, алмаштирилиши ва ҳ.к. тушунилади.

6. **Давлат проба тамғасидан фойдаланиш** деганда, қимматбаҳо металллардан тайёрланган буюмларга тамға туширишни, яъни буюмларга қимматбаҳо металлларнинг сифатини тасдиқловчи тамғани туширишни тушуниш керак, бунда тамғаланиши амалга оширилган буюмдан кейинчалик фойдаланилиши аҳамиятга эга эмас.

7. Давлат проба тамғасини тайёрлаш, ўтказиш ёки ундан фойдаланиш бўйича ҳаракатлар қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган қоидаларни бузган ҳолда амалга оширилган бўлса, **қонунга хилоф** деб эътироф этилади.

8. **Давлат проба тамғасини қалбакилаштириш** деганда, қимматбаҳо металллардан тайёрланган буюмларга қонунга хилоф равишда тамға тушириш мақсадида давлат



проба тамғасини тайёрлаш ёки унинг фиксация белгиларини ўзгартириш тушунилади.

Қалбакилаштиришни давлат проба тамғасини қонунга хилоф равишда тайёрлашдан фарқлаш зарур. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган тартибга асосан, бироқ тегишли рухсатнома олмасдан, тамғани кейинчалик ҳисобга қўймасдан ва ҳоказо равишда давлат проба тамғасини тайёрлаш ҳам қонунга хилоф деб, эътироф этилади. Қалбакилаштириш эса, шарҳланаётган модда маъносида тамғани кустарчилик услубда тайёрлашдан иборат бўлади.

9. Жиноят унинг объектив томонини ташкил этувчи ҳар қандай ҳаракатлардан бири (тайёрлаш, ўтказиш, фойдаланиш, қалбакилаштириш) содир этилган пайдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади.

10. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

Ғаразли (мулкий тусдаги манфаатни қўлга киритишга интилиш) ёки бошқа шахсий манфаатдорликдан (шуҳрат-парастлик, протекционизм, ўзаро хизмат кўрсатиш ва х.к.) иборат бўлган мотив шарҳланаётган Жиноятнинг субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

11. 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

12. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида:**

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб давлат проба тамғасини қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ўтказиш ёки ундан фойдаланиш, уни қалбакилаштириш содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

229-модда. Ўзбошимчалик

Ўзбошимчалик, яъни ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига

ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шархланаётган жиноятнинг **асосий бевосита объекти** фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини қонунда белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. **Қўшимча бевосита объект** бошқа фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларини, шунингдек, уларга юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Жиноят **объектив томондан** фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлувчи ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга оширишда ифодаланади.

Ўзбошимчалик фақат фаол ҳаракатлар билан содир этилади, ҳаракатсизлик билан ўзбошимчаликни содир этиб бўлмайди. Шу муносабат билан, масалан, айбдорни муайян ҳаракатлар бажаришга мажбур қиладиган суд қарорини бажармаслик ўзбошимчалик, деб баҳоланиши мумкин эмас.

Ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш мазкур ҳуқуқни амалга оширишга қаратилган ҳаракатларнинг ушбу ҳаракатларни бажаришга ҳеч қандай ваколатларга эга бўлмаган шахслар томонидан, белгиланган тартибни бузган ҳолда амалга оширилишини кўзда тутати.

Айбдор тегишли ҳужжатлар билан белгиланган тартибга мувофиқ ҳаракат қилиши шарт бўлган ҳолатларда турли ҳуқуқларни қўлга киритиш ёки амалга оширишнинг қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланган

тартибини бузадиган бирон-бир ҳаракатларнинг айбдор томонидан содир этилиши белгиланган тартибни бузиш, деб эътироф этилиши лозим.

Бундай тартиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва ҳоказолар) орқали ўрнатилган бўлиши мумкин.

Айтиш жоизки, айрим ҳолларда ҳуқуққа эга бўлиш ёки ундан фойдаланишнинг ўрнатилган тартибини бузиш бошқа бир мустақил жиноятлар таркибини юзага келтириши мумкин: фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш (ЖКнинг 142-моддаси), фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш (ЖКнинг 144-моддаси), муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш (ЖКнинг 149-моддаси) ва ҳоказолар. Бу ҳолда айбдор шахсларнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича квалификация қилиш зарур.

3. Ўзбошимчалик объектив томонининг муҳим белгиси деганда, шахс томонидан айна ўзининг ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган ҳаракатларни бажариш тушунилади.

4. **Ҳақиқий ҳуқуқ** – шахсга қонун ёки бошқа норматив ҳужжатга асосан тегишли, лекин белгиланган тартибга риоя қилмаган ҳолда амалга оширилган ҳуқуқ. Масалан, жабрланувчининг қарзини қайтариб беришга мажбур этиш мақсадида бировнинг мулкни ўзбошимчалик билан тортиб олиш.

Айрим ҳолларда судлар айбдорнинг қонуний ҳуқуқи булган ва жабрланувчи томонидан раъриқонуний равишда ушлаб турилган мулкни зурлик ишлатиб тортиб олиш ҳолларини хато тарзда босқинчилик, талончилик ва товламачилик деб квалификация қилишади. Бундай ҳаракатлар ўзбошимчалик деб квалификация қилиниши зарур. Ўзбошимчалик содир этилганда жисмоний ёки руҳий куч ишлатишни эса, шахсга

қарши жиноят ва ўзбошимчалик жиноятлари мажмуи тариқасида квалификация қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси олий суди инстанциясининг раҳбарий кўрсатмаларига мувофиқ, «... қонунга биноан (ЖКнинг 165-моддаси) товламачилик ўзганинг мулкани ёки мулкый ҳуқуқни топширишни, мулкый манфаатлар беришни ёхуд мулкый йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни тақозо қилишини судлар эътиборга олишлари керак. Шу сабабли, қарздордан қарзни талаб қилиш Жиноят кодексининг 165-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас, лекин айрим ҳолларда ўзбошимчалик (ЖКнинг 229-моддаси) тариқасида баҳоланиши лозим. Қарздор ва қарз берувчи ўртасида фоизлар тўлаш бўйича олдиндан келишув бўлмаган бўлса, берилган қарз учун фоиз талаб қилиш товламачилик жинояти таркибини ташкил қилади»¹.

5. **Фараз қилинган ҳуқуқ** – бу шахс томонидан хато тарзда ўзига қонуний равишда тегишли деб ҳисобланадиган, лекин қонунга мувофиқ унга тегишли бўлмаган ҳуқуқ (масалан, бировнинг квартирасига кўчиб келиш ва ҳоказо).

6. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига қўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш ўзбошимчалик объектив томонининг зарурий белгисидир.

Ўзбошимчалик жинояти натижасида жабрланувчига етказилган жиддий зиён баҳоланадиган тушунча ҳисобланади. Қонда тариқасида, зиён миқдори суд томонидан аниқланади. Масалан, жиддий зиён деб фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг, жамоат тартибининг бузилиши ва ҳоказолар тан олиниши мумкин.

7. Агар ўзбошимчалик жинояти натижасида айбдор жабрланувчи шахсларнинг соғлиғига зарар етказган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификацияланади.

8. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасида жиний ишлар бўйича суд амалиётинда юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сон қарори, 5-банд 1-қисми.

манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилган пайтдан эътиборан ўзбошимчалик **туғалланган** деб тан олиншини билдиради.

9. Ўзбошимчаликнинг **субъектив томони** ўзбошимча ҳаракатларга нисбатан тўғри қасд ва фуқаролар, давлат ҳамда жамият ҳуқуқ ва манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён келтирган оқибатларга нисбатан қасд ёки эҳтиётсизлик билан тавсифланади. Жиноят содир этишнинг мотиви ва мақсади квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

10. Жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин. Агар айбдор ўзбошимчалик жиноятини ўз мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этган бўлса, унинг ҳаракатлари иш ҳолатларига қараб ЖКнинг 205 ёки 206-моддалари бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

229¹-модда. Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш

Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Биринчи марта жиноят содир этган шахсга нисбатан, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда таъминласа ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф этса, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди.

Ш А Р Ҳ

1. Шархланаётган жиноятнинг **объекти** ер участкаларини бошқариш ёки тақсимлашнинг белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин:

1) ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишда;

2) ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланишда ифодаланади.

3. **Ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш** деганда, тегишли ваколатга эга бўлган давлат бошқарув идораларининг рухсатисиз ернинг ўзлаштирилиши ёхуд унда иншоотлар қуришга қаратилган ҳаракатлар тушунилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 17-моддасига асосан, **юримдик шахслар** ушбу Кодексга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мулк, доимий фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлиши мумкин. **Жисмоний шахслар** ушбу Кодекс ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мулк ва ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлиши мумкин. **Чет эллик** фуқаролар ва юримдик шахслар, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ер участкаларига фақат ижара ҳуқуқи асосида эга бўлиши мумкин, бундан ушбу Кодекс 18-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Юридик ва жисмоний шахслар кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган, ўзига доимий фойдаланиш (эгалик қилиш) ёки мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда хусусийлаштиришга ҳақли¹.

5. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари хусусийлаштирилганда, қонунчиликда белгиланган тартибда юзага келади².

6. Ер участкалари вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимиянинг қарорига асосан давлат органларига, муассасаларига ва корхоналарига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга берилади. Шунингдек, кўп квартирали уй жойлашган ер участкаси, шунингдек кўп квартирали уйга туташ ер участкаси, агар у кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорларига бошқача тарзда тегишли бўлмаса, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан ушбу мулкдорларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида умумий фойдаланишга берилади³.

7. Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатдир.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик ва жисмоний шахсларга ер участкаси бериш (ажратиш) тўғрисидаги қарорига ёки ижара, олди-сотди шартномасига ҳамда ер участкасини ўзга шахсга ўтказишнинг бошқа турларига, ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордерига, мулкдорларнинг ёки улар ваколат берган шахсларнинг қарорига асосан берилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 17-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 82-модда.

² Ўша манба, 18-модда.

³ Ўша манба, 20-модда.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ ушбу ҳуқуқ белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинганидан кейин кучга кирилади¹.

8. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади².

9. Ерни ўзлаштиришга, унда иншоотлар қуришга, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар содир этилган пайтдан эътиборан жиноят **туғалланган** деб топилади.

10. Шуни назарда тутиш керакки, шарҳланаётган модда маъмурий преюдицияга эга, яъни ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, айбдор жиноий жавобгарликка тортилади.

11. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш бўйича ҳаракатлар содир этаётганини англайди ва содир этишни хоҳлайди.

Жиноятни квалификация қилишда уни содир этиш мотивлари ва ундан кўзланган мақсад аҳамиятга эга эмас.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 33-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 82-модда.

² Ўша манба, 91-модда.



12. Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Мансабдор шахс ўз мансабидан фойдаланиб, ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган бўлса, унинг қилмиши, иш ҳолатларидан келиб чиқиб, ЖКнинг 205-моддаси ёки ЖКнинг 206-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

13. Шарҳланаётган модданинг **2-қисми** бўйича жавобгарлик суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганда юзага келади.

14. Қонунчиликка биноан, ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасига, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкасида барпо этилган ҳар қандай бино ва иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқини ёки бошқа мулкый ҳуқуқларни белгилашга йўл қўйилмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, қурилиш учун ажратилмаган ер участкасида қонунга ҳилоф қурилиш объектини барпо этган шахслар инсофли мулкдор деб тан олинмайди.

Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларидаги қонунга ҳилоф қурилиш объектларини сув таъминоти, оқова сув, электр, иссиқлик энергияси ва газ тармоқларига улаш тақиқланади¹.

15. Шарҳланаётган модданинг **3-қисми** рағбатлантирувчи норма ҳисобланиб, қуйидаги шартлар мавжуд бўлганда шахсга озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди:

1) агар шахс биринчи марта жиноят содир этса;

2) агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда таъминласа;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 91¹-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 82-модда.

3) ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф этса.

229²-модда. Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш

Махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **объекти** диний таълимотлардан сабоқ беришнинг белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ беришда ифодаланади.

3. Мазкур модда маъмурий преюдицияга эга, яъни шахсни ЖКнинг 229²-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун айбдор махсус диний маълумоти бўлмай туриб, айти вақтда диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатини олмай, диний таълимотдан сабоқ берганлиги учун илгари маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши

шарт. Башарти шахс диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатини олган, ammo махсус диний маълумоти бўлмай туриб, диний таълимотлардан сабоқ бераётган бўлса, бундай холда уни жинойий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

4. Диний таълимотлардан сабоқ бериш хусусий тартибда олиб борилганда, яъни бундай фаолият айбдор шахс томонидан диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз амалга оширилганда ҳам ЖКнинг 229²-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқади.

5. Башарти, айбдор шахс диний таълимотлардан сабоқ бериш вақтида миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб ахоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурасасизлик ёки кадр-қимматни камситувчи, диний эътиқодига ёки эътиқод қилмаслигига қараб фуқароларнинг ҳистуйғуларини ифодаловчи ҳаракатларни содир этаётган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 229²-моддаси ва ЖКнинг 156-моддаси бўйича квалификацияланади.

6. Махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ берила бошланган пайтдан эътиборан жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

7. **Субъектив томондан** диний таълимотдан сабоқ бериш тартибининг бузилиши тўғри қасд билан содир этилади.

Жиноят мотиви ва ундан кузланган мақсад квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

8. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.



229³-модда. Белгиланган тақиқларни (чекловларни) бузган ҳолда биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга тақиқлар (чекловлар) белгиланган зоналарда ушбу ишларни бажариш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган теграларида, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, шу жумладан ўзининг тарихий-маданий қимматига қўра Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқланадиган теграларида моддий маданий мерос объектлари ҳисобланмаган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни белгиланган тартибда рухсатнома олмасдан қуриш ёки бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Мазкур жиноятнинг **объекти** биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш тартибни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга тақиқлар (чекловлар) белгиланган зоналарда ушбу ишларни бажаришда ифодалангани.

3. Мазкур модда маъмурий преюдицияга эга, яъни шахсни ЖКнинг 229³-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун айбдор шаҳарсозлик кодексига белгиланган ва бошқа шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга тақиқлар (чекловлар) белгиланган зоналарда ушбу ишларни бажарганлиги учун илгари тегишли тартибда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддаси билан жавобгарликка тортилган бўлиши шарт. Агарда шахс аввал маъмурий жавобгарликка тортилмаган бўлса, уни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

4. Ушбу жиноятнинг таркибини аниқлашда шаҳарсозлик билан боғлиқ қонунчиликдан келиб чиқиб қўйидаги тушунчаларга эътибор қаратиш муҳимдир:

бино – функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, ёпиқ ҳажми ташкил этувчи таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;

иншоот – ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналарни сақлашга, одамларнинг вақтинча бўлишига, одамлар, юклар ва бошқа нарсаларни олиб ўтишга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизик тарзидаги қурилиш тизими;

шаҳарсозлик – аҳоли пунктларини, аҳоли пунктлариаро ҳудудларни режалаштириш ҳамда қуришнинг ижтимоий-иқтисодий, қурилиш-техника, архитектура-бадий ва санитария-гигиенага оид ечимларининг йиғиндисини таъминловчи назарияси ва амалиёти¹.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2021 й., 03/21/676/0142-сон.

5. Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга тақиқлар (чекловлар) белгиланган зоналарда ушбу ишларни бажара бошланган пайдан эътиборан жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

6. **Субъектив томондан** ушбу жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

Жиноятнинг **мотиви** ва ундан кўзланган **мақсад** квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

7. ЖК 229³-моддаси 2-қисмида қуйидаги ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган, яъни:

а) Давлат муҳофазасига олинган моддий-маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган теграларида, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда моддий маданий мерос объектлари ҳисобланмаган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни белгиланган тартибда рухсатнома олмасдан қуриш ёки бузиш;

б) ўзининг тарихий-маданий қимматига кўра Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқланадиган теграларида моддий маданий мерос объектлари ҳисобланмаган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни белгиланган тартибда рухсатнома олмасдан қуриш ёки бузиш.

8. *Маданий мерос объектлари, моддий маданий мерос объектлари, номоддий маданий мерос объектлари, моддий маданий мерос объектлари турлари ҳақида ЖК 132-моддаси шарҳига қаранг.*

9. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги 269–II-сонли Қонун¹нинг 11-моддасига кўра, моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий



¹ Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги 269–II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9–10-сон, 180-модда.

қисми ҳисобланади ҳамда у моддий маданий мерос объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат бўлади.

10. Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритишга қуйидагилар киради:

– моддий маданий мерос объектларига доир мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

– моддий маданий мерос объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш;

– моддий маданий мерос объектларини сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш;

– кадастр ахборотини тизимга солиш, сақлаш ва янгилаб бориш;

– моддий маданий мерос объектларининг ҳолати ҳақида ҳисоботлар тузиш;

– Давлат кадастрлари ягона тизимига киритиш учун тегишли ахборот тақдим этиш;

– фойдаланувчиларни қонунчиликда белгиланган тартибда кадастр ахбороти билан таъминлаш.

11. Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхати номоддий маданий мерос объектлари тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар кўрсатилган ҳисобга олиш ҳужжатидан иборат бўлади.

– Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритишга қуйидагилар киради:

– номоддий маданий мерос объектини идентификация қилиш;

– тегишли номоддий маданий мерос объектларининг тармоқлари, йўналишлари, жанрлари ва услубларини таснифлаш;

– номоддий маданий мерос объектларини доимий равишда тикловчи шахсларни, гуруҳларни кўрсатиш;

– маълумотларни тизимга солиш, сақлаш ва янгилаб бориш;

– номоддий маданий мерос объектларининг сифат ҳолатини аниқлаш ва унинг натижалари бўйича ҳисоботлар тузиш.

– Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини ва Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

12. ЖК 229³-модда 2-қисми бўйича жавобгарликка тортишнинг асоси бўлиб маъмурий преюдиция ҳисобланади, яъни шахсни ЖК 229³-модда 2-қисми бўйича жавобгарликка тортиш учун шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 64-моддаси бўйича, яъни давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган теграларида, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, шу жумладан ўзининг тарихий-маданий қимматига кўра Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқланадиган теграларида моддий маданий мерос объектлари ҳисобланмаган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни белгиланган тартибда рухсатнома олмасдан қуриш ёки бузиш бўйича жавобгарликка тортилган бўлиши талаб этилади. Агар шахс ушбу модда бўйича маъмурий жавобгарликка тортилмаган бўлса, уни жинойий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

13. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

229⁴-модда. Ер бериш тартибини бузиш

Ер бериш тартибини бузиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран содир этилган бўлса;

б) суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шархланаётган модданинг **объекти** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган ер беришнинг ўрнатилган қондаларини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. **Объектив томондан** жиноят, ер бериш тартибини бузиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилганликда намоён бўлади.

3. Ер бериш тартибини бузиш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 543-сонли қарори билан тасдиқланган «Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламенти»да тартибга солинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги «Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги 543-сонли қарорининг исталган бандини биринчи марта бузганлик учун маъмурий жавобгарлик, уни такроран содир этиш эса, жинойий жавобгарлик учун асос бўлади.

4. Жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорига мувофиқ давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

Кўп квартиралли уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси, агар кўп квартиралли уйдаги жойларнинг мулкдорларига бошқа ҳуқуқ билан тегишли бўлмаса, уларга умумий фойдаланиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади. Ушбу қоида янги кўп квартиралли уй қуриладиган ер участкасининг майдонини қасддан камайтириб кўрсатиш учун асос сифатида талқин қилиниши мумкин эмас¹.

Регламентга мувофиқ, агар ажратилиши режалаштириладиган ер участкаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерлар тоифасига кирса, аввал ушбу ерларни Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида белгиланган тартибда бошқа ер тоифасига ўтказиш масаласи ҳал этилиши лозим.

5. Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга қуйидаги мақсадларда берилади:

– мудофаа ва давлат хавфсизлиги эҳтиёжлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни, махсус иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва уларнинг фаолият юритиши учун ер участкаларини бериш;

– Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

– фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб чиқариш;

– автомобиль йўллари ва темир йўллар, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари ва авиатехника марказлари, темир йўл транспорти объектлари, кўприклар, метрополитенлар, туннеллар, энергетика тизимлари объектлари ва электр узатиш тармоқлари, алоқа тармоқлари, космик фаолият объектлари, магистрал кувурлар, муҳандислик коммуникация тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш);

¹ Қаранг: Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламенти (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 543-сонли қарорига 1-илова), 1-банд // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/543/0830-сон

– аҳоли пунктлари бош режаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан объектлар қуриш бўйича амалга ошириш учун, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда бериш;

– давлат бошқаруви органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларининг маъмурий биноларини барпо этиш;

– юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бинолар ва иншоотлар, ҳудудларга олиб борувчи автомобиль йўллари ва пиёда йўлакларини қуриш;

– юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бинолар ва иншоотлар ҳамда ҳудудларда ўтказиладиган муҳандислик-коммуникацияларини қуриш;

– аҳолини, қишлоқ хўжалиги экинлари ва яшил ўсимликларни сув билан таъминлашга мўлжалланган ариқлар, каналлар, хавзалар ва бошқа сув артерияларини қуриш;

– давлат таълим ва даволаш муассасалари, интернатлар, меҳрибонлик уйларини, жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида қуриш;

– Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан молиялаштириладиган майдонлар, шунингдек, дам олиш боғлари, хиёбонлар, дам олиш зоналари, кўллар, сув хавзалари, қабристонлар ва бошқа рекреацион объектларни қуриш учун бериш¹.

5. **Жинойт** ер участкаларини бериш тартиби тўғрисидаги Қарорнинг исталган банди бузилиши пайтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади, бирор-бир оқибатнинг келиб чиқиши аҳамиятга эга эмас.

6. **Субъектив томондан** жиноят қасддан содир этилади. Жиноятни содир этишда мақсад ва мотив аҳамиятга эга эмас.

7. **Жиноят субъекти** ер участкаларини бериш тўғрисидаги Низом талабларини бузган 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс.

¹ Қаранг: Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламенти (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 543-сонли қарорига 1-илова). 3-банд // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/543/0830-сон.

8. ЖК 229⁴-модда 2-қисми бўйича жавобгарлик худди шундай ҳаракатлар:

а) такроран содир этилган бўлса;

б) суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқишига сабаб бўлганда юзага келади.

9. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерлар алоҳида кўриқлов остига олинади. Мазкур ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган мақсадларда ажратиш, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилишига ажратишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742-сонли Фармони асосида ажратилган ерлар бундан мустасно.



229⁵-модда. Ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш

Ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ер участкасининг ноқонуний олиб қўйилиши олиб қўйилаётган ер участкасидаги биноларни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни ёхуд уларнинг қисмларини, мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати, шунингдек унинг мулкдорига бундай олиб қўйиш муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда бузиб ташлашга сабаб бўлса, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш

соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Худди шундай ҳаракатлар куп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Худди шундай ҳаракатлар купчилик учун хавfli бўлган усулда ёки жуда куп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шарҳланаётган модданинг **объекти** ер участкаларини олиб қўйишнинг ўрнатилган қоидаларини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган модданинг предмети ер участкалари ҳисобланади. Ер участкаси деганда, жисмоний ва юридик шахсларга белгиланган тартибда тегишинча мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижара ҳуқуқи асосида берилган ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми, шу жумладан куп квартирالي уйлар жойлашган ер участкалари тушунилади¹.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 июндаги «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-тўғрисида»ги ЎРҚ–781-сонли Қонуни, 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.06.2022 й.. 03/22/781/0578-сон.

3. **Объектив томондан** жиноят, ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилганда намоён бўлади.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 июндаги «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги УРҚ–781-сонли Қонуни асосида ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тасдиқланган. Мазкур қонун жисмоний ва юридик шахсларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини ёки уларнинг қисмларини (бундан буён матнда ер участкаси деб юритилади) компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомилларини белгилайди.

Ер участкасининг ва унда жойлашган кўчмас мулк объектларининг ҳуқуқ эгаси деганда, ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларга асосан ер участкасига нисбатан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижара ҳуқуқига ҳамда мазкур ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс тушунилади.

Ер участкасини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ташаббускори республика давлат бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тушунилади.

Компенсация қилиш деганда, ер участкаси жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан ҳуқуқ эгасига зарарларнинг ўрнини ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда пул шаклида ёки бошқа шаклда қоплаш тушунилади.

Кўчмас мулк объекти – бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб тарзда

зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмаган объектлардир. Ушбу Қонун мақсадларида ер ости бойликлари, шу жумладан фойдали қазилмалар қони қўчмас мулк объектлари жумласига кирмайди¹.

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси 37-моддасига кўра, жисмоний ва юридик шахсларга тегишинча мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини ёки уларнинг қисмларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади .

Ер Кодекси 36-моддаси кўра:

– ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида;

– ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда;

– ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда;

– қонунчиликда белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда;

– қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун берилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида;

– мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер кимошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 июндаги «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги ЎРҚ–781-сонли Қонуни, 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.06.2022 й., 03/22/781/0578-сон.

мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи гаровда бўлган тақдирда эса – гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида, шунингдек ер тўғрисидаги қонунчилик бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирганидан кейин туман, шаҳар ҳокимига ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Туман, шаҳар ҳокими тақдимнома асосида бир ойлик муддатда уни олиб қўйиш ҳақида судга даъво аризаси киритади. Туман, шаҳар ҳокими, зарур ҳолларда, ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифатини қўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳақли¹.

Қуйидагилар компенсация қилинади:

олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати;

олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати (бундан кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқи мустасно);

олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўп йиллик дов-дарахтларнинг бозор қиймати;

кўчиш, шу жумладан бошқа кўчмас мулк объектини вақтинчалик ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар;

ер участкасидан ва унда жойлашган кўчмас мулк объектларидан фойдаланишдан олиниши мумкин бўлган бой берилган фойда (бунда ер участкаси ва унда жойлашган кўчмас мулк объектлари бўшатиб қўйилган пайтдан эътиборан аввалги фаолиятни тиклашга қадар бўлган, бироқ бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатдаги фойда ёки мавсумий ҳосилдан олиниши мумкин бўлган фойда ҳисобга олинади);

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 36-моддаси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

хуқук эгасининг қонунчиликда ёки келишувда назарда тутилган бошқа харажатлари ва зарарлари¹.

Қуйидагилар компенсация қилиб берилади:

пул маблағлари, шу жумладан турар жойларни ва яшаш учун мулжалланмаган жойларни вақтинчалик ижарага олиш учун пул маблағлари;

бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш;

келишувда назарда тутилган компенсациянинг бошқа турлари².

5. Жиноят ер участкаларини олиб қўйиш тартиби тўғрисидаги қарорнинг исталган банди бузилиши пайтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

6. **Субъектив томондан** жиноят қасддан содир этилади. Жиноятни содир этишда мақсад ва мотив аҳамиятга эга эмас.

7. Жиноят **субъекти** ер участкаларини олиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низом талабларини бузган 16 ёшга тулган ҳар қандай шахс. Ер участкалари олиб қўйилиши ва компенсация бериш ваколатига республика давлат бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари мансабдор шахслари.

8. ЖК 229^б-модда 2-қисми бўйича жавобгарлик:

ер участкасининг ноқонуний олиб қўйилиши олиб қўйилаётган ер участкасидаги биноларни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни ёхуд уларнинг қисмларини, мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати, шунингдек унинг мулкдорига бундай олиб қўйиш муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни олдиндан ва тулик қопланмаган ҳолда бузиб ташлашга сабаб бўлса, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилганда юзага келади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 июндаги «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги ЎРҚ-781-сонли Қонуни, 23-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.06.2022 й., 03/22/781/0578-сон.

² Ўша мабса, 24-модда.

9. ЖК 229⁵-модда 3-қисми бўйича жавобгарлик худди шундай ҳаракатлар кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилганда юзага келади.

10. Худди шундай ҳаракатлар кўпчилик учун хавfli бўлган усулда ёки жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса шахс ЖК 229⁵-модда 4-қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

◆◆◆◆◆

229⁶-модда. Суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш

Суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) ерларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса;
б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

г) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) ерларга жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса;

б) ўта хавfli рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, саккиз йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахсга нисбатан, агар у ер участкасининг қайтарилишини ҳамда ернинг қишлоқ хўжалиги оборотига киритилишини таъминласа, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Ш А Р Х

1. Шарҳланаётган модданинг **объекти** суғориладиган ерларни беришнинг ўрнатилган тартиби ва шартларини белгилаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар. (*Суғориладиган ерлар тушунчаси тўғрисида 1971-модда шарҳига қаранг*)

2. **Объектив томондан** жиноят суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга беришда ифодаланади.

3. Суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни **сотиш** деганда, уни бошқа шахсларга моддий манфаат ёки бошқа ҳақ эвазига ўтказишни тушуниш лозим.

Қонунга хилоф равишда бошқача тарзда **ўзга шахсга бериш** деганда, суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмини ҳуқуқи бўлмаган шахсга тўлиқ эгаллигига ёхуд вақтинча фойдаланишга топширишни тушуниш лозим.

4. Ер участкаларини мулк қилиб бериш (реализация қилиш), доимий фойдаланиш учун ва ижарага бериш ер ажратиш тариқасида амалга оширилади.

Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) куйидаги тартибда амалга оширилади:

1) мулк қилиб бериш (реализация қилиш) – қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, шу

жумладан якка тартибда уй-жой қуриш ҳамда уй-жойни ободонлаштириш, тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун электрон онлайн аукцион воситасида;

2) доимий фойдаланишга бериш – ушбу Кодекснинг 20-моддасида назарда тутилган ҳолларда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан;

3) ижарага бериш – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, шунингдек очик электрон танлов ва электрон онлайн-аукцион воситасида.

Ер участкаларини мулк қилиб бериш (реализация қилиш), улардан доимий фойдаланиш ва уларни ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади¹.

5. Деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа ер участкалари эгалари ўзига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, ижара ёки мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини ёки уларнинг бир қисмини кишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларга вақтинча фойдаланишга бериши мумкин. Ер участкасидан вақтинча фойдаланиш тартиби тарафларнинг келишуви асосида белгиланади. Бунда деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа ер участкалари эгаларининг ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқи сақланиб қолади².

6. Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан электрон кўчирма ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатдир.

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан электрон кўчирма ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ер участкасини доимий фойдаланишга бериш тўғрисидаги қарори, ижара шартномаси, ер участкаси берилган (ажратилган) пайтдаги қонунчиликка мувофиқ ер участкасини бериш (ажратиш) ваколатига эга бўлган ташкилотлар

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 23-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 82-модда.

² Ўша манба, 24²-модда.

ва мансабдор шахсларнинг ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси бўлинмаларининг ер участкасини бўлиш ҳақидаги ҳужжатлари, суд қарори, олди-сотди шартномаси, мулкдорларнинг ёки улар ваколат берган шахсларнинг қарори асосида берилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ ушбу ҳуқуқ белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинганидан кейин кучга киради¹.

7. Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасига, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкасида барпо этилган ҳар қандай бино ва иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқини ёки бошқа мулкӣ ҳуқуқларни белгилашга йўл қўйилмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно².

8. Суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга ҳилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга беришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат содир этилган пайтдан бошлаб жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

9. Жиноят **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга ҳилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш билан боғлиқ ҳаракатларни содир этаётганлигини англайди ва уларни содир этишни истайди.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади квалификация учун аҳамиятга эга эмас.

10. Шарҳланаётган модданинг субъекти 16 ёшга тўлган ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бўлиши мумкин.

11. ЖК 229⁶-модда 2-қисми бўйича жавобгарлик худди шундай ҳаракатлар:

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 33-модда. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 82-модда

² Ўша манба, 91¹-модда.

а) ерларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилганда юзага келади.

12. Ушбу моддада назарда тутилган жиноятнинг хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилиши деганда (ЖК 229^б-модда 2-қисми «г» банди), мансабдор шахс томонидан ўз мансаб ваколатларидан фойдаланиб ЖК 229^б-моддасида назарда тутилган ҳаракатларни содир этилишини осонлаштиришини тушуниш лозим. Шунинг назарда тутиш лозимки, бундай ҳаракатлар ЖКнинг 229^б-моддаси 2-қисми «г» бандида назарда тутилган жиноятлар таркибини тўлиқ камраб олади ва ЖКнинг 205-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

13. Ўша қилмиш:

а) ерларга жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса ЖК 229^б-модда 3-қисми бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

14. Шарҳланаётган модданинг 4-қисми рағбатлантирувчи норма бўлиб, қуйидаги шартлар мавжуд бўлганда шахсга нисбатан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тартиқасидаги жазо қўлланилмайди:

1) ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этса;

2) агар у ер участкасининг қайтарилишини ҳамда ернинг қишлоқ хўжалиги оборотига киритилишини таъминласа.



ХVI боб. ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

230-модда. Айбсиз кишини жавобгарликка тортиш

Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан айбсизлиги аён бўлган шахсни ижтимоий хавфли қилмишни содир этганликда айблаб жавобгарликка тортиш, —

икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат оғир ёки ўта оғир ижтимоий хавфли қилмиш содир этганликда айблаб содир этилса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига мувофиқ, «жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини химоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади».

2. Шархланаётган жиноятнинг **объекти** дастлабки тергов ва суд органларининг нормал фаолият юритишини ва обрўйини таъминловчи одил судлов соҳасидаги ижтимоий муносабатлар, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. **Объектив томондан** жиноят айбсизлиги аён бўлган шахсни ижтимоий хавфли қилмишни содир этганликда айблаб, жавобгарликка тортишда ифодаланади.

4. **Айбсизлиги аён бўлган шахсни жиний жавобгарликка тортиш** деганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан айбсизлиги аён бўлган шахсни айбланувчи сифатида жалб этиш тўғрисидаги қарор чиқарилишини тушуниш лозим.

Шахс қонунда белгиланган асослар ва тартибдагина жиний жавобгарликка тортилиши мумкин деб, Ўзбекистон

Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида қатъий белгиланган. Айбдор сифатида жалб қилиш учун процессуал асос, яъни муайян бир шахс томонидан жиноят содир этилишининг етарли асослари мавжуд бўлиши талаб қилинади.

5. **Айбсизлиги аён бўлган шахс** деганда, ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаган шахс ёки қилмишнинг жинойлигини истисно қиладиган ҳолатларда жиноят содир этган шахс ёхуд жиноят содир этишда айбини етарли даражада аниқ исбот этадиган ишончли далиллар тўпланмаган шахслар тушунилади.

6. Шахснинг жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши, жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлиги, унга нисбатан айблов эълон қилинишидан олдин эҳтиёт чорасини қўллаш ва ҳ.к. ижтимоий хавфли қилмишни содир этганликда айблаб жавобгарликка тортишнинг шакллари ҳисобланмайди. Мазкур процессуал ҳаракатлар шахсни, албатта, жиноят содир этишда айбдор сифатида эътироф этилишига олиб келмайди.

Айбсизлиги аён бўлган шахсни ижтимоий хавфли қилмишни содир этганликда айблаб жавобгарликка тортишдан олдин мазкур шахс қонунга хилоф равишда ушлаб турилган ёки ҳибсга олинган бўлса, қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 230-моддаси ва ЖКнинг 234-моддаси (Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш) билан квалификацияланади.

7. Аксарият ҳолларда айбсизлиги аён бўлган шахсни жинойий жавобгарликка тортиш айбловчи далилларни сунъий равишда яратиш, масалан, сўроқ қилишнинг баённомасини қалбакилаштириш, гувоҳнинг ёлғон кўрсатмаларидан фойдаланиш, фактларни бузиб кўрсатиш ва ҳоказолар орқали амалга оширилади.

8. Шарҳланаётган жиноят айбсизлиги олдиндан аён бўлган шахсга нисбатан жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган пайтдан бошлаб, мазкур қарор шахсга тақдим этилганлиги ва унга айбловнинг моҳияти тушунтирилганлигидан қатъи назар, **туғалланган** ҳисобланади (ЖПКнинг 361-моддаси).

Шахснинг жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши ҳақидаги қарорнинг чиқарилиши мустақил юридик аҳамиятга эга бўлади ва шахсни жиноят содир этишда айбдор сифатида эътироф этилишини англатади. Энди унга унинг жойлашган ери аниқ бўлмаган тақдирда ҳам эҳтиёт чораси, шу жумладан қамоққа олиш каби чора тайинланиши мумкин. Курсатилган ҳолатда унинг кидируви эълон қилинади.

9. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор айбсизлиги аён бўлган шахсни ижтимоий хавfli қилмишни содир этганликда айблаб жавобгарликка тортаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди.

Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди, бироқ улар жазони тайинлашда инobatга олиниши зарур.

Хато қилган ёки ўз ишига совуққонлик билан қараган, иш бўйича тупланган далилларни нотўғри баҳолаган ва жабрланувчини айбдор деб виждонан ҳисоблаган шахсни шарҳлаётган модда бўйича жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

10. Жиноятнинг **субъекти** махсус ҳисобланади, бу суриштирув ва тергов олиб боришга, олиб борилаётган терговга раҳбарлик қилишга ёки прокурор назоратини амалга оширишга ваколатли бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахси бўлиши мумкин: жиноят ишини ўз юртишига қабул қилган терговчи; терговчига шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида, жиноятни квалификация қилиш ва айблов ҳажми ҳақида курсатмалар беришга, дастлабки терговни олиб боришда иштирок этишга, уни шахсан олиб боришга ва ҳоказоларга ҳақли бўлган тергов бўлими бошлиғи; суриштирув ва дастлабки тергов органлари қонунларни ижро этиши устидан назоратни амалга оширадиган ва бунда кенг ваколатларга, шу жумладан, жиноятни квалификация қилиш ва айблов ҳажми ҳақида терговчига курсатмалар бериш, ҳар қандай иш бўйича терговни тўлиқ шахсан амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган прокурор.

ЖКнинг 230-моддасида назарда тутилган жиноят тўғрисидаги иш бўйича дастлабки терговни олиб боришда юқорида санаб ўтилганлар қаторидан шарҳланаётган жиноятни содир этишда айбдор бўлган барча мансабдор шахслар аниқлаштирилиши ва жинойий жавобгарликка тортилиши лозим.

11. ЖКнинг **230-моддаси 2-қисми**да айбсизлиги аён бўлган шахсни оғир ёки ўта оғир ижтимоий хавфли қилмиш содир этганликда айблаб жавобгарликка тортишда ифодаланади. (*ЖКнинг 15-моддаси шарҳига қаранг*).

Мазкур жиноятнинг хавфи юқорироқ эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди, чунки у жабрланувчига қамоққа олиниш, узоқроқ вақтга озодликдан маҳрум қилиниш, қаттиқроқ режимли колонияга юборилиш каби нисбатан оғирроқ оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

230¹-модда. Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)

Исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан далилларнинг терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш чоғида ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотларни киритишда ва ўзга бузиб кўрсатишларда намоён бўладиган сохталаштирилиши (қалбакилаштирилиши), –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;

б) шахсни ушлаб туришга, қамоққа олишга, жинойий жавобгарликка тортишга ёки жинойий жавобгарликдан озод этишга, ҳукм қилишга ёхуд оқлашга сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Оғир ёки ўта оғир жиноят тўғрисидаги жиноят иши бўйича далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), худди шунингдек далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **жамият учун хавф-лилиги** шундаки, сохта (сунъий) далиллар мавжудлигида суд томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини асоссиз поймол қилиниши билан боғлиқ нотўғри ҳукм чиқаришига олиб келиши билан ифодаланади.

2. Суднинг нормал фаолияти, одил судловнинг манфаатлари, прокуратура, дастлабки тергов ва суриштирув органларининг нормал фаолиятини таъминлаш бўйича муносабатлар кўриб чиқилаётган жиноятнинг **бевосита асосий объекти** ҳисобланади. Жиноятнинг бевосита факультатив объекти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларидир.

3. **Объектив томондан** Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 230¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят, терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, уларни текшириш ва баҳолашда ғаразли ёки бошқа паст ниятларда, ҳужжатлар ёки предметларга била туриб ёлғон маълумотлар ёки тузатишлар киритишда ифодаланган, исботлашни амалга оширувчи ёки исботлашда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) дан иборат.

4. **Сохталаштириш (қалбакилаштириш)** ашёвий ёки ёзма далиллар ҳисобланган ҳақиқий маълумотларнинг бузилишини англатади.

Сохталаштириш (қалбакилаштириш)ни содир этиш усуллари:

бу далилни йўқ қилиш; ҳужжатга аввалдан била туриб ёлғон маълумотларни киритиш; тулик қалбакилаштирилган далилни тузиш; ўтказилмаган сўрок баённомасини тузиш; эксперт хулосасини қалбакилаштириш; мазмунига кўра ёлғон ёзма далилларни тузиш; баённомалар ёки бошқа ҳужжатларга ёлғон маълумотларни киритиш; уларни қалбакилаштириш, тузатиш киритиш, бошқа сана билан белгилаш; ёлғон далилларни ясаш (айбланувчининг хонадонига, машинасига, кийимига ва бошқаларга гиёҳвандлик моддаларини, патронларни ташлаб қўйиш ва бошқа кўплаб усуллар).

5. Ўзбекистон Республикаси Жинойий-процессуал кодексининг 81-моддаси далилларнинг қуйидаги турларини белгилайди: жиноят иши бўйича ҳақиқий маълумотлар далиллар ҳисобланади, уларнинг асосида суриштирув, тергов ва суд органи конун билан белгиланган тартибда жамият учун хавfli қилмишнинг мавжудлигини, бу қилмишни содир этган шахснинг айблилигини, ва иш бўйича тўғри қарор қабул қилиш учун аҳамиятли бошқа ҳолатларни аниқлайди.

Бу маълумотлар гувоҳ, жабрланувчи, гумонланувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатмалари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли, видеоёзув ва кино-фототасвирлар материаллари, тергов ва суд ҳаракатлари баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади.

6. Исботлаш ишнинг қонуний, асосланган ва адолатли ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳолатлари ҳақидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат (ЖПК 85-м).

Исботлашни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд амалга оширади.

Гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари исботлашда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ҳолислар, шунингдек мазкур Кодексда назарда тутилган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга оширувчи ва мажбуриятларни бажарувчи

бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар ишботлашда иштирок этишга жалб қилинадилар (ЖПК 86-м).

7. *Хужжатларга била туриб ёлгон маълумотлар киритиш ва бошқа бузилишлар (ЖКнинг 209-моддасининг шарҳига қаранг).*

8. Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ходиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва хужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланади. (ЖПК 87-м).

9. **Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш** жиноят жараёни илмида ишботлаш жараёнининг босқичлари ҳисобланади.

Далилларни тўплаш ваколатли шахслар томонидан қонун билан ўрнатилган тартибда далилларни аниқлаш, талаб қилиб олиш, олиб қўйиш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларини амалга оширишида ифодаланadi. Қонунчиликдаги янгиликларга асосан, ишботлашни амалга оширувчи шахслардан ташқари, ҳимоя томонининг иштирокчиси сифатида адвокатга ҳам далилларни тўплаш ҳуқуқи берилганлигини таъкидлаш жоиз. Шундай қилиб, далилларни тўплаш содир бўлган ходисанинг мавжуд изларини объектив қабул қилиниши ва уларнинг процессуал қайд қилинишига йўналтирилган ҳаракатлар тизимидан иборат.

Терговга қадар текширув хужжатлари – жиноят ҳақида келиб тушган ариза ёки хабар бўйича жиноят аломатлари мавжудлигини текшириш юзасидан ҳаракатларни амалга ошириш давомида тўпланадиган хужжатлар бўлиб, уларга текширилаётган ходисага алоқадор шахсларнинг

тушунтириш хатлари, шахсни ушлаш баённомаси, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, воқеа жойини кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш қарори ва эксперт хулосаси, тафтиш тайинлаш қарори ва унинг хулосаси, хизмат текшируви ҳужжатлари, шунингдек бошқа қўшимча ҳужжатлар киради.

10. Фақатгина синчковлик билан, тўлик, ҳар томонлама ва ҳолисона текширилган далилларгина иш бўйича қарор асосига қўйилиши мумкин.

Далилларни текшириш жиноятлар ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини ва манбанинг яхши сифатлилигини тергов ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш орқали олишдан, шунингдек олинган далиллар ва янги ҳолатларни таққослашдан иборат бўлган исботлаш жараёнининг мустақил босқичи ҳисобланади. У процесснинг барча босқичларидаги исботлаш давомида амалга оширилиши мумкин.

Текширув тадқиқ қилинаётган далиллар тасдиқланиши ёки инкор этилиши мумкин бўлган қўшимча далилларнинг тўпланишидан иборат (ЖПК 94-м).

Далилларни баҳолаш бу исботлашнинг мазмуни ва шаклини таҳлил қилиш ва умумлаштиришдан, ҳамда ҳар бир далилнинг тегишлилиги, мақбуллиги, ҳаққонийлиги ва процессуал қарор қабул қилиш учун далиллар мажмуасининг етарлилиги ҳақидаги яқуний хулосадан иборат бўлган тафаккурга онд фаолият. Исботлашни амалга оширувчи мансабдор шахслар далилларни қонун ва ҳуқуқий онга таянган ҳолда, ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлик ва объектив тадқиқ қилишга асосланган ички эътиқодга кўра баҳолайдилар.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларни қонун ва ҳуқуқий онга таянган ҳолда, ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлик ва объектив тадқиқ қилишга асосланган ички эътиқодга кўра баҳолайдилар.

11. Сохталаштириш (қалбакилаштириш) тегишли «далиллар» иш ҳужжатларига қўшиш учун тақдим қилинганида **туғалланган** жиноят деб эътироф этилади. Бу «далил»нинг натижада номақбул эканлигининг эътироф этилиши содир

этилган қилмишнинг тугалланган жиноят каби малакаланишига таъсир кўрсатмайди.

Яъни, терговчи, прокурор ёки суриштирувчи амалга ошираётган шахс томонидан далилларнинг қалбакилаштирилиши вақтидан жиноят тугалланган ҳисобланади.

12. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Айбдор у ёки бу усулда далилларни бузаётганини англайди ва бу далилларни қўллашни истайди.

Мақсад ва ният ғаразли ёки бошқа паст ниятларда бўлиши мумкин (ишнинг боришидан шахсий манфаатдорлик, ҳасад, хизмат манфаатларининг ёлғон тушунчаси, қасос, яқинлари, қариндошларга ёрдам бериш истаги, айбсизни ҳукм қилиш, айбдорни жавобгарликдан озод қилиш ва ҳоказолар).

13. Жиноят субъекти суриштирувчи амалга оширувчи ёки исботлашга жалб қилинган шахслар бўлишлари мумкин (ЖПК 86-м.).

Исботлашни амалга оширувчи шахслар – исботлашнинг исботлаш вазифасига иштирокчиларнинг, яъни тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказиш йўли билан исботлашни амалга оширувчи шахсларнинг доираси. Суд, прокурор, терговчи, суриштирувчи ва терговга қадар текширувчи амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикасининг жинойий-процессуал қонунчилиги бўйича исботлашни амалга оширувчи шахслар ҳисобланади.

Исботлашда иштирок этувчи шахслар – ишнинг ҳал этилишидан шахсий манфаатдор ва шахсий манфаатдор бўлмаган ва далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда қўшимча вазифаларни амалга оширувчи, шунингдек ўзларининг лавозим, касбий вазифалари ёки фуқаролик бурчларини виждонан бажаришга масъул шахслардан иборат иштирокчилар доираси. Гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, химоячи, жамоат айбловчиси, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг жинойий-процессуал қонунчилиги бўйича исботлашни амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқига эга, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ҳолислар, шунингдек мазкур

Кодексида назарда тутилган тартибда далилларни тушлаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга оширувчи ва мажбуриятларни бажарувчи бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар эса исботлашда иштирок этишга жалб қилинувчи шахслар ҳисобланадилар.

14. **ЖК 230¹-модда 2-қисми** бўйича жавобгарлик худди шундай ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;

б) шахсни ушлаб туришга, қамоққа олишга, жиноий жавобгарликка тортишга ёки жиноий жавобгарликдан озод этишга, ҳукм қилишга ёхуд оқлашга сабаб бўлганда юзага келади.

15. **Бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб** дейилганда суриштирувни амалга ошираётган ёки исботлашда иштирок этишга жалб қилинган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг сохталаштириш (қалбакилаштириш) да иштирок этиши тушунилади.

Гуруҳ иштирокчиларининг фақат бири ЖКнинг 230¹-моддасидаги субъект тушунчасига тушиб, бошқаси (бошқалари) тушмаган ҳолатларда сохталаштириш (қалбакилаштириш) да иштирокчилик юзага келади.

16. **Ушлаш** жиноят содир этганликда гумонланувчи (айбланувчи) шахснинг жиноий фаолиятини олдини олиш, қочиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилишига йўл қўймаслик мақсадида, жамиятдан қисқа муддатли изоляция қилинишидан иборат процессуал мажбурулов чораси. Бу чора терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки терговни амалга ошираётган органлар, шунингдек жиноий-процессуал қонунчиликда назарда тутилган ишга лаёқатли ҳар қандай шахс томонидан қўлланилиши мумкин. Ушлаш жиноят иши қўзғатилгунга қадар ва жиноят иши қўзғатилганидан сўнг, яъни суриштирув, дастлабки тергов ва иш бўйича суд муҳокамаси даврида ҳам ўтказилиши мумкин (ЖПК 226-моддасига қаранг).

17. **Қамоққа олиш** жиноят иши бўйича ушланган гумонланувчи ёки айбланувчига нисбатан қўлланиладиган, унинг жиноят иши судда қўрилгунига ва суд ҳукм қилгунига

қадар вақтинча изоляция қилинишида ифодаланган эҳтиёт чораси. Қамоққа олиш эҳтиёт чораси сифатида суд томонидан суриштирувчи ёки терговчининг (прокурор билан келишган ҳолда) ёки судга қадар босқичда прокурорнинг илтимосномасига кўра тайинланади, ишнинг суд босқичларида мазмунан кўриб чиқилишида суд (судья) қамоққа олиш эҳтиёт чорасининг қўлланилиши ҳақидаги масалани мустақил ҳал этади (ЖПК 245-моддасига қаранг).

18. ЖК 230¹-модда 3-қисми бўйича жавобгарлик оғир ёки ўта оғир жиноят тўғрисидаги жиноят иши бўйича далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), худди шунингдек далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) оғир оқибатларга олиб келганда юзага келади.

19. *Оғир ва ўта оғир жиноятлар тушунчаси (ЖКнинг 15-моддаси ва унга изоҳларга қаранг).*

20. Далилларнинг оғир оқибатларга олиб келган сохталаштирилиши (қалбакилаштирилиши) деганда, қамоқда ноқонуний сақлаш, узоқ муддат қамоқда сақлаш, шахснинг асоссиз оқланиши, ноқонуний судланган шахснинг ўз жонига қасд қилиши, айбдор бўлсада, ҳақиқий далилларнинг баҳоланишида енгилроқ жазога ҳукм қилиниши лозим бўлиб, жуда қаттиқ жазо чорасининг қўлланилиши ва бошқаларни тушуниш лозим.

230²-модда. Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш)

Жиноятни содир этишга алоқаси йўқлиги олдиндан аён бўлган шахсни жиноий таъқиб қилиш мақсадида ёхуд шахснинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига зарар етказиш мақсадида тезкор-қидирув фаолияти натижаларини тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга ваколатли шахслар томонидан сохталаштириш (қалбакилаштириш), –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан

махрум этиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади.

Уша қилмишлар ахборотни ношкора олиш учун мулжалланган махсус техника воситаларидан фойдаланган холда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш микдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача микдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан махрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. *Сохталаштириш (қалбакилаштириш) тушунчаси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 230¹-моддасининг шарҳига қаранг.*

2. **Тезкор-қидирув фаолият** Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги УРҚ—344-сонли Қонуни билан белгиланган махсус ваколатли давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган фаолият тури ҳисобланади.

3. Дастлабки тергов ва суриштирув органларининг нормал фаолияти, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича муносабатлар **кўриб чиқиладиган жиноятнинг объекти** ҳисобланади.

4. **Объектив томондан** жиноят тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишига ваколатли шахслар томонидан, шахснинг жиноятни содир этишга алоқадор эмаслигини била туриб, уни жиноий таъқиб қилиш мақсадида ёхуд шахснинг ор-номуси, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига зарар етказиш мақсадида тезкор-қидирув фаолият натижаларининг сохталаштирилиши (қалбакилаштирилиши)дан иборат.

5. «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонундан келиб чиққан холда, тезкор-қидирув фаолияти ёрдамида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, жисмоний ва юридик шахслар мулкчилиги ҳимоясининг, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигининг таъминланиши;



жиноятларни олдини олиш, аниқлаш, жиноятларни очиш, шунингдек жиноятларга тайёргарлик куриш ва содир этишга алоқадор шахсларни аниқлаш амалга оширилади;

жиной жазодан буйин товлаш мақсадида суриштирув, тергов ва суддан яшириб юрган шахсларнинг кидирувини амалга оширилади¹.

6. Тезкор-кидирув фаолияти турлари куйидагилар: суров, маълумотлар туплаш; қиёсий текширув учун намуналар йиғиш; текшириш учун харид қилиш; назорат остида олиш; предметларни ва хужжатларни текшириш; тезкор кузатув; шахснинг айнанлигини аниқлаш; турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш; почта, курьерлик жунатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш; абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш; тезкор киритиш; назорат остида етказиб бериш; ниқобланган операция; тезкор эксперимент.

7. Тезкор-кидирув фаолият натижаларининг сохталаштирилиши (калбакилаштирилиши) билан **жиноят тугалланади**. Сохталаштириш учун далиллар эътироф этилганлиги, уларнинг иш якунига таъсири ёки бошқа холатлари аҳамиятга эга эмас.

8. Субъектив томондан жиноят тўғри фарз ниятда содир этилади, мақсад:

1) жиноят содир этишга алоқадор эмаслиги маълум бўлган шахсни жинной таъқиб қилиш;

2) шахснинг ор-номуси, кадр-қиммати ва ишчанлик обрусига зарар етказиш.

Ор-номус, кадр-қиммат ва ишчанлик обрусини қонун билан химояланган ижтимоий фаровонлик бўлиб, унинг бузилиши ноқулай таассуротни юзага келтириш орқали

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида»ги ўРК-344-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 585-модда.

ҳаракат эркинлиги ва жамиятдаги ўрнига жиддий рухий зарар етказишдан иборат.

Ор-номус жамият фикри томонидан шахсга нисбатан ижтимоий аҳамиятга молик ижобий баҳо.

Кадр-қиммат бу шахс томонидан ахлоқий, профессионал ва бошқа жиҳатларнинг баҳоланиши. Шундай қилиб, ор-номус фуқаронинг кадр-қиммати уни ўлчами каби ҳисобланади.

Ишчанлик обрўси жамоат онгида шахснинг ишчанлик жиҳатларини ифодалаш билан кузатиладиган баҳо. Ишчанлик жиҳатлари бу шу фуқаро томонидан жамоат эҳтиёжларини, ёки бу фаолиятда самарали иштирокини қаноатлантиришга йўналтирилган фаолиятни таъминлайди.

9. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга ваколатли шахслар, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти **жиноят субъекти** ҳисобланади.

Бошқа давлат органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар томонидан тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширилиши тақиқланади.

10. ЖК 230²-модда 2-қисми бўйича жавобгарлик худди шундай ҳаракатлар ахборотни ноошкора олиш учун мўлжалланган махсус техника воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этилганда юзага келади.

11. Маълумотларни хуфёна олиш учун мўлжалланган **махсус техник воситалар** деганда, видео, аудио техникалар, кино, фото аппаратуралар ва бошқа техник воситаларни тушуниш зарур (барча турдаги телефонлар, эшитиш учун қурилмалар ва б.).



231-модда. Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш

Олдиндан била туриб, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш –

икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. **Жиноятнинг объекти** одил судлов органларининг нормал фаолият юритишини, суд ҳокимияти нуфузини, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Жиноят объектив томондан** адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқаришда ифодаланади.

3. **Ҳукм** – судланувчининг айбдор ёки айбдор эмаслиги масаласи бўйича ва унга жиноий жазони қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисидаги суд томонидан чиқарилган ҳужжатдир.

Ҳукм Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади ва у қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт (ЖПКнинг 454 ва 455-моддаларига қаранг). Суд оқлов (судланувчининг айбсизлигини белгиловчи) ёки айблов (судланувчининг айбдорлигини белгиловчи) ҳукм чиқариши мумкин.

4. **Ҳал қилув қарори** – биринчи инстанция фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судларнинг фуқаролик, маъмурий ёки иқтисодий ишини бевосита ҳал қиладиган ҳужжатидир.

Ҳал қилув қарори ҳам Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилиб, қонуний ва асосланган бўлиши керак¹.

5. **Ажрим** деганда, суди томонидан ҳукм ёки ҳал қилув қароридан ташқари чиқарилган исталган суд акти тушунилади. Масалан, эҳтиёт чорасини қўллаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги ажрим, ишни тугатиш тўғрисидаги ажрим, ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисидаги ажрим, ишни кўриб чиқиш учун бошқа судга юбориш тўғрисидаги ажрим, ишни қўшимча терговга юбориш тўғрисидаги ажрим, хусусий ажрим ва хоказолар.

Ажримларга, шунингдек, иккинчи инстанция судларининг барча қарорлари ҳамда юқори поғона (судлар раёсатидан ташқари) судлар томонидан қонуний кучга кирмаган (апелляция инстанциясида иш кўришда) ёхуд қонуний кучга кирган (кассация, назорат ёки янгидан очилган ҳолатлар муносабати билан айтиб ўтилган суд ҳужжатларини қайта кўриш) ҳукм, ажрим ва қарорларни қайта кўриш пайтида қабул қилинган қарорлар киради.

6. **Қарор** – бу қонуний кучга кирган суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини қайта кўриб чиқиш натижасида суд раёсатининг қабул қилган қарори ҳамда суд ҳукмидан ташқари судьянинг яққа тартибда қабул қилган ҳар қандай қарори (масалан, иш юритишни тўхтатиш тўғрисидаги қарор). Бундан ташқари, маъмурий ҳуқуқбузарлик масаласи юзасидан қабул қилинган суд қарори ҳам қарорлар тоифасига киради.

7. Жиноят **объектив томонининг** зарурий белгиси – ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорнинг (суд ҳужжатининг) адолатсизлиги.

Ҳукм ёки бошқа суд ҳужжатлари у қонунда белгиланган тартиб ва шартларга асосланиб қабул қилинганда ҳамда

¹ Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси, 5-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., 02/18/ИПК/0623-сон; Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, 6-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон; Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, 7-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон.

унинг барча қисмлари қонуннинг барча талабларига жавоб берганда **адолатли** ёки **қонуний** деб топилади. Суд ҳулосаси – бу содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини, айбдорнинг шахси, жиноятнинг тавсифи ва адолатли жазо тайинлашни белгилаб берувчи жиноят ишида мавжуд бўлган далилларга судья томонидан берилган субъектив баҳолар натижасидир. Шунинг учун, суд ҳужжатлари қонунийлик ва асосланганлик белгиларини талаб қилади. Ҳукм, қарор ёки бошқа суд ҳужжатлари қонунийлик, адолат ва асосланганлик талабларига жавоб берса, адолатли ҳисобланади. Ушбу белгилардан лоақал биттасига мос келмайдиган суд ҳужжати адолатсиз деб топилади.

Адолатсиз деб, ишнинг аниқланган ҳолатларига зид равишда ёки моддий ёхуд процессуал қонунни жиддий бузган ҳолда қабул қилинган суд ҳужжати тушунилади. Ишни мазмунан ҳал қилишга таъсир кўрсатмайдиган ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ, қонуний манфаатларини ва жамоат манфаатларини бузмайдиган формал (жиддий бўлмаган) бузилишлар адолатсиз деб, тан олинishi мумкин эмас.

8. Айбловнинг исбот этилмаганлиги (айбсиз шахснинг судланганлиги), айбдорнинг айби исбот этилганда унинг оқлаб чиқарилиши, жиноятнинг оғирлаштириш ёки енгиллаштириш тарафига олдиндан нотўғри квалификация қилиниши, жиноятни нотўғри квалификация қилиш оқибатида ёки мустақил тарзда асоссиз жуда оғир ёки жуда енгил жазо тайинланиши, судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқининг бузилиши (ҳимоячи билан таъминламаслиги, охириги сўз берилмаслиги) ва ҳоказолар натижасида ҳукм адолатсиз деб, топилиши мумкин.

9. Фуқаролик ёки иқтисодий иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори даъво асоссиз қаноатлантирганда, фуқаролик ёхуд иқтисодий иши бошқача тарзда нотўғри ҳал этилганда, шунингдек, фуқаролик-процессуал ёки иқтисодий-процессуал қонунчилик жиддий равишда бузилганда (масалан, томонларнинг тенг ҳуқуқлилик принципи бузилганда) **адолатсиз** деб топилади.

10. Иш кўриш жараёнида юзага келувчи турли хил масалалар бўйича биринчи инстанция судининг ажрими ҳам адолатсиз бўлиши мумкин, масалан, эҳтиёт чорасини ўзгартириш, ишни тўхтатиш, квалификацияни ўзгартириш, далилларни таъминлаш чораларини ўзгартириш ҳақида ва ҳоказо.

Апелляция ва кассация инстанцияси судларининг ажрими ва қарорлари, масалан, улар томонидан қонуний ҳукм ва қарорлар асоссиз бекор қилинса ёки ўзгартирилса ёхуд, аксинча, ноқонуний суд ҳужжатлари кучида қолдирилса, адолатсиздир. Маъмурий ишлар бўйича суд қарори, масалан, суд ваколатлари доирасидан ташқари йўсинда чиқарилса ёки судда иш юритиш тили ҳақидаги қоидалар бузилган тақдирда, адолатсиз деб топилади.

11. Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш кўрсатилган суд ҳужжатлари судья (судьялар) томонидан имзоланган пайтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади. Суд ҳужжати имзолангунга қадар фақат мазкур жиноятни содир этишга суиқасд қилиш ҳақида гапириш мумкин.

12. **Субъектив томондан** шарҳланаётган жиноят туғри қасд билан содир этилади. Айбдор олдиндан била туриб, адолатсиз ҳукм чиқараётганини англайди ва буни хоҳлайди.

Шу муносабат билан адолатсиз суд ҳужжатининг суд хатоси оқибатида қабул қилиниши шарҳланаётган модда бўйича жавобгарликни истисно этади, лекин тегишли ҳолатлар мавжудлигида қилмиш ЖКнинг 207-моддаси бўйича мансабга совуққонлик билан қараш деб квалификация қилиниши мумкин.

13. Жиноятни содир этиш мотивлари (ғаразли, шахсий адоват ёки дўстона муносабатлар, нотўғри тушунилган хизмат манфаатлари, шуҳратпарастлик ва ҳоказолар) жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин жазони тайинлашда ҳисобга олиниши шарт.

Олинган ҳақ учун адолатсиз ҳукм чиқариш жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 210-моддаси ва ЖКнинг 231-моддаси билан квалификация қилиниши керак.

14. Жиноятнинг **субъектлари** барча даражадаги судлар таркибига кирадиган ва профессионал асосда одил судлов

функциясини бажарадиган судьялар, шунингдек, судьяларнинг ягона хайъати таркибида фуқаролик, жиноят ва иқтисодий ишлар бўйича суд қарорларини чиқарадиган халқ маслаҳатчилари бўлиши мумкин.

15. Олдиндан била туриб, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорнинг чиқарилиши одам ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган ҳоллар билан боғлиқ ҳаракатлар ЖКнинг **231-моддаси 2-қисми** билан квалификация қилинади.

Шархланаётган модда нуқтаи назаридан, **бошқа оғир оқибатлар** деганда, айбисиз шахсни озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиш, жабрланувчининг рухий ҳолатининг бузилиши, озодликдан маҳрум қилиш жазосига бир неча шахсларни ёки вояга етмаганни ҳукм қилиш, хавфли жиноятчини озод этиш ва ҳоказолар тушунилиши лозим.

232-модда. Суд ҳужжатини ижро этмаслик

Муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлашни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноят **объекти** суднинг ва суд ҳужжатларини ижро этиш билан шуғулланадиган давлат органларининг нормал фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** шарҳланаётган жиноят муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юқловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлашни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттиришда ифодаланади.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунига биноан, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари зиммасига юклатилган¹.

4. Пул маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатларининг ва бошқа органлар ҳужжатларининг талабларини ижро этиш қонунда назарда тутилган ҳолларда қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

- солиқ органлари;
- банклар;
- бошқа кредит ташкилотлари².

5. Қонуннинг 5-моддасига кўра белгиланган қондаларга биноан қуйидагилар ижро этилиши лозим:

1) фуқаролик ишлари ва иқтисодий низолар бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари;

2) жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258-II-сон Қонуни, 3-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9–10-сон, 169-модда.

² Ушв жойда.



шунингдек жарима тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкӣ ундиришга оид қисми;

4) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;

5) нотариусларнинг ижро хатлари;

6) меҳнат низолари комиссияларининг қарорлари;

7) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;

8) ҳакамлик судининг қарорлари;

9) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ёки халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет эл судлари ва арбитражларининг қарорлари;

10) ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;

11) давлат ижрочиларининг ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллардаги қарорлари;

12) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари¹.

6. Давлат ижрочиси ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорда ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иши юритиш қўзғатилган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кун муддат белгилайди ва қарздорни мазкур муддат тугганидан кейин ижро ҳужжатидаги талаблар ундан ижро йиғими, давлат ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималар, шунингдек ижро харажатлари ундирилган ҳолда мажбурий ижро этилиши тўғрисида хабардор қилади. Суднинг жарима тариқасида жазо тайинлаш тўғрисидаги ҳукми асосида берилган ижро варақаси

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258–II-сон Қонуни, 5-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9–10-сон, 169-модда.

бўйича ижро иши юритиш кўзғатилганда уни ихтиёрий равишда ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 19-моддасида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга, шунингдек ҳужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа органга юборилади¹.

7. Қуйидагилар ижро ҳужжатлари ҳисобланади:

1) судлар ўзлари қабул қиладиган суд ҳужжатлари асосида берадиган ижро варақалари;

2) ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш юзасидан судлар берадиган ижро варақалари;

3) чет эл судлари ва арбитражлари қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси судлари берадиган ижро варақалари;

4) суд буйруқлари;

5) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;

6) нотариусларнинг ижро хатлари;

7) меҳнат низолари комиссиялари ўз қарорлари асосида берадиган гувоҳномалар;

8) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;

9) ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кучириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;

10) давлат ижрочиларининг қарорлари;

11) қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари².

8. Ижро ҳаракатлари ва ижро ҳужжатининг талаблари

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258-II-сон Қонуни, 23-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9–10-сон, 169-модда.

² Ҷша манба, 7-модда.

ижро ҳужжатининг ихтиёрий ижро этилиши учун ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддат тугаган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида давлат ижрочиси томонидан амалга оширилиши ва ижро этилиши керак.

Ижро ҳужжатларининг қуйидаги талаблари дарҳол ижро этилиши керак:

– алиментлар ҳамда уч ойдан ошмаган иш ҳақини ундириш тўғрисидаги талаблар;

– қонунга хилоф равишда меҳнат шартномаси бекор қилинган ёки қонунга хилоф равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги, меҳнат шартномасини бекор қилиш асосининг таърифини ўзгартириш тўғрисидаги талаблар;

– ижро ҳужжатида баён этилган талаблар дарҳол ижро этилиши ҳужжатда кўрсатилган ёки дарҳол ижро этилиши қонунда назарда тутилган ҳоллардаги бошқа ишларга доир талаблар¹.

9. Ижро ҳужжатлари қуйидаги муддатларда ижрога топширилиши мумкин:

1) умумий юрисдикция судларининг суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари уч йил мобайнида, иқтисодий судларнинг суд ҳужжатлари эса – олти ой мобайнида;

2) ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш тўғрисидаги суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари – олти ой мобайнида;

3) нотариусларнинг ижро хатлари – уч йил мобайнида;

4) меҳнат низолари комиссияларининг гувоҳномалари – уч ой мобайнида;

5) ишларни маъмурий тартибда кўриш ваколатига эга органларнинг (мансабдор шахсларнинг) қарорлари – уч ой мобайнида.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258-II-сон Қонуни, 30-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Адабортномаси, 2001 й., 9–10-сон, 169-модда.

Ижро ҳаракатлари ва ижро ҳужжатининг талаблари ижро ҳужжатининг ихтиёрий ижро этилиши учун ижро иши юриштишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддат тугаган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида давлат ижрочиси томонидан амалга оширилиши ва ижро этилиши керак.

10. Давлат ижрочиси жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этишни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича ижро иши юриштишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқариш билан бир вақтда ҳукм қилинган шахснинг ёки қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш ҳақидаги қарор қабул қилиши шарт.

Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, давлат ижрочиси жарима тариқасидаги жазони жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисидаги тақдимнома билан судга ўн кунлик муддат ичида мурожаат қилади.

11. Суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш деганда, ижро учун келиб тушган суд ҳужжатини амалга ошириш бевосита функцияларига кирадиган шахснинг ҳаракатсизлиги, тегишли суд ҳужжатларида ифода этилган кўрсатма, талаб ёки қондаларга риоя этмаслик тушунилади. Хусусан, қонуннинг тўғридан-тўғри кўрсатмасига мувофиқ, суд ҳужжати ижрочини муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклаши мумкин.

Мазкур жиноят объектив томонининг белгиларини аниқлаш суд ҳужжатининг процессуал шакли (ҳукм, хал қилув қарори, ажрим, қарор) ва мазмунига, унинг предметига, ижро муддати ва бошқаларига боғлиқ бўлади.

Хусусан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони тайинлаш тўғрисидаги суд ҳукмига нисбатан суд

ҳукми билан мазкур шахс томонидан амалга оширилиши ёки эгалланиши тақиқланган фаолиятни амалга ошириш ёки мансабни эгаллаш билан боғлиқ ишга шахсни қабул қилиш бўйича ҳаракатлар ёхуд бундай ҳукм чиқарилган шахсни ишдан бушатмаслик мазкур жиноятнинг объектив томонини ташкил этади.

Ёки, масалан, фуқаролик ишлари бўйича суднинг қарорини ижро этмасликда бухгалтер ижро варақасини олганида жавобгарнинг иш ҳақидан тегишли ажратмаларни, чегирмаларни амалга оширмайди.

12. Қилмишни ЖКнинг 232-моддасига кўра квалификация қилишда суд ҳужжатини қонунийлик, асосланганлик ва адолатлилик тамойилларига жавоб бериши, мазмуни аниқ, тушунарли бўлиши ва тайинланиш мақсадига алоҳида эътибор бериш керак. Мазкур талабларга жавоб бермайдиган суд қарорини суд томонидан такроран талаб қилинган тақдирда ҳам бажармаслик билан боғлиқ ҳаракатларни қасддан суд ҳужжатини бажармаслик деб топиб бўлмайди.

Муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юқловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш шахсга маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттирилган тақдирдагина шарҳланаётган модда бўйича жавобгарликни вужудга келтиради.

13. Қонунчиликка кўра, суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда, давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли, бундан жарима тариқасидаги жиноий жазо бўйича ижро ишини юрйтиш ҳоллари мустасно¹.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258-II-сон Қонуни, 42¹-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2001 й., 9–10-сон, 169-модда.

14. ЖКнинг 232-моддасида назарда тутилган жиноят суднинг тегишли ҳужжатини бажариш учун қонунда кўрсатилган муддат тугаган пайтдан эътиборан **туғалланган** деб ҳисобланади.

15. ЖКнинг 232-моддасида кўрсатилган Жиноят **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаётганини англайди ва бу ҳаракатларни амалга оширишни хоҳлайди.

Жиноят содир этиш мотивлари турли бўлиши мумкин (ғаразли ният, шахсий манфаатдорлик, биродарлик туйғуси ва ҳоказолар), бироқ улар қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

16. ЖКнинг 232-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** суд ҳужжатини ижро этиш зиммасига юклатилган ҳаракатларни амалга оширувчи 18 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар бўлади. Бунда мазкур шахслар мансабдор шахс белгиларига эга бўлмаслиги лозим.

17. ЖКнинг **232-моддаси 2-қисмида** мансабдор шахс томонидан суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш учун жавобгарлик белгиланган.

Мазкур жиноят таркибининг субъекти фақатгина мансабдор шахслар, яъни келиб тушадиган суд ҳужжатларини ижро этиш ваколати доирасига кирадиган ташкилот, корхона, муассасаларнинг раҳбарлари бўлиши мумкин.

Банд солинган мулк билан боғлиқ бўлган суд ҳужжатини мансабдор шахс томонидан қасдан бажарилмаслиги ёки бажарилишига тўсқинлик қилиш ҳаракатлари ЖКнинг 233-моддаси (Банд солинган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этиш) билан қамраб олинади ва бу ҳаракатларни қўшимча равишда ЖКнинг 232-моддаси билан тавсифлаш талаб қилинмайди.

232¹-модда. Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралashiш

Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралashiш, яъни ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилишни ёки давлат ижрочисига турли шаклда қонунга ҳилоф равишда таъсир ўтказишни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом этириш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 апрелдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги УРҚ–762-сонли Қонунига кўра ЖКда суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралашганлик учун жавобгарлик белгиланди.

2. Мазкур жиноятнинг **объекти** бўлиб, суднинг ва суд ҳужжатларини ижро этиш билан шуғулланадиган давлат органларининг нормал фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** шарҳланаётган жиноят суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралashiш, яъни ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилишни ёки давлат ижрочисига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказишни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттиришда ифодалангани (Суд ҳужжатлари, суд ҳужжатларини ижро этиш билан шугулланганидан давлат органлари тушунчаларига ЖК 232-моддаси шарҳига қаранг).

3. **Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралashiш** – ҳаракатда (маслаҳат, илтимос, талаб, ашёвий далилларни яшириш, гувоҳнинг суроққа келишига тўсқинлик қилиш) ва ҳаракатсизликда (ҳужжатларни тақдим қилмаслик) ҳам намоён бўлиши мумкин.

4. Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралashiш икки турда бўлиши мумкин:

- ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш;
- давлат ижрочисига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш.

5. **Суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш** айбдор томонидан тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга қарши ҳаракат қилишини, суд ҳужжатини ижро қилишга тўсиқлар яратишини, суд ҳужжатининг ижро этилишини истисно қиладиган ҳаракатларни бажаришини (ҳужжатларни нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш, уларни бузиш, алмаштириш) англатади. Суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товладан фарқли уларок, унинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш ҳулқ-атворнинг фаол шаклини назарда тутди.

Агар суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш бўйича ҳаракатлар тегишли суд ҳужжатини ижро этувчи шахсларга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки уларни кўрқитиш билан боғлиқ бўлса, қилмиш шарҳланаётган ва бошқа жиноят таркибларининг мажмуини ташкил этади.

6. Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш, яъни ноқонуний таъсир қилиш деганда, жисмоний шахслар томонидан Мажбурий ижро бюроси, солиқ органлари, банклар ҳамда бошқа кредит ташкилотларининг фаолиятига таъсир этиш тушунилади.

Аралашишнинг бундай тури оғзаки, ёзма, бошқа шахслар орқали етказиш ва ҳ.к. шаклида амалга оширилиши мумкин

Таъсир кўрсатиш Мажбурий ижро бюроси, солиқ органлари, банклар ҳамда бошқа кредит ташкилотлари ходимларига ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш шаклида содир этилган тақдирда, қилмишни ЖК 112 ва 236-моддалари мажмуи билан квалификация қилиш лозим.

7. Агар Мажбурий ижро бюроси, солиқ органлари, банклар ҳамда бошқа кредит ташкилотлари ходимларига таъсир кўрсатиш моддий қимматликлар бериш таклифи билан амалга оширилган бўлса, оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаганда, қилмишни ЖК 211 ва 236-моддалар мажмуи билан квалификация қилиш керак.

8. Шарҳланаётган жиноят, юқорида кўрсатилган шахсларга таъсир қилишнинг ҳар қандай ҳаракатини содир этиш вақтидан бошлаб, ушбу таъсирнинг натижасидан қатъи назар, яъни айбдор ўз мақсадига эришган-эришмаганлигидан қатъи назар **тамом бўлган** деб ҳисобланади.

9. ЖКнинг 232¹-моддасида кўрсатилган Жиноят **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилаётганлигини ёки давлат ижрочисига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказаетганлигини англайди ва бу ҳаракатларни амалга оширишни хоҳлайди.

Жиноят содир этиш мотивлари турли бўлиши мумкин (ғаразли ният, шахсий манфаатдорлик, биродарлик туйғуси ва ҳоказолар), бироқ улар қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

10. ЖКнинг 232¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралашиш ҳаракатларни амалга оширувчи 16 ёшга тулган, ақли расо жисмоний шахслар бўлади.

11. Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралashiш, яъни ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўскинлик қилишни ёки давлат ижрочисига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш **мансабдор шахс томонидан** ўз ваколатларидан фойдаланиб содир этилганда ЖК 232¹-моддаси **2-қисми** билан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади (*ЖК 232-моддаси шарҳига қаранг*).

233-модда. Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш

Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш, яъни банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, худди шунингдек банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарар уч карра миқдорда қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди.

Ш А Р Ҳ

1. Бегона мол-мулкка нисбатан жиноят содир этилганда ёки мулкий зарар етказилганда, шунингдек, жазони ижро этишни ёки фуқаровий даъвои таъминлаш тартибида жарима кўринишидаги жазони модданинг санкцияси ўз ичига олган барча ҳолларда жинойий йўл билан топилган мулкни давлат

даромадига ўтказиш мақсадида, ЖПКнинг 290-моддасига мувофиқ, ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг ёхуд жиноий йўл билан топилган мулки бўлган шахсларнинг мол-мулкни хатлаш керак.

ФПКнинг 105 ва 106-моддаларига (ИПКнинг 93, 94-моддаларига) мувофиқ, Суд (судья) даъвони таъминлаш чораларини ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси ёки ўз ташаббуси бўйича жавобгарга тегишли бўлган ва унинг ўзида ёки бошқа шахсда турган мол-мулкни ёхуд пул маблағларини хатлаш, жавобгар муайян ҳаракатларни амалга оширишини тақиқлаш, бошқа шахсларнинг жавобгарга мол-мулк беришини ёки унга нисбатан бошқа мажбуриятларни бажаришини тақиқлаш, мол-мулкни хатлашдан чиқариш тўғрисида даъво арз қилинган тақдирда, уни реализация қилишни тўхтатиш, қарздор ижро ҳужжати юзасидан суд тартибида низолашаётган бўлса ва агар бундай низолашишга қонунчиликда йўл қўйилса, бу ҳужжат бўйича ундирувчи тўхтатиш, низоли мол-мулк бузилиши, ҳолати ёмонлашишининг олдини олиш мақсадида жавобгарга муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклатиш, низоли мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсга (сақловчига) топшириш ва бошқа чораларни кўриши мумкин.

Банд солинган мол-мулк процессуал қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда хатланади. Бунда, хатланган мол-мулк жиноят иши юзасидан ваколатли шахс кўрсатмасига мувофиқ, сақлаш учун ўзини ўзи бошқариш органлари ёки бошқа органга ёхуд шу мол-мулкнинг эгасига ёки оила аъзоларидан вояга етган шахсга топширилади. Ушбу мол-мулкнинг сақланиши учун қонунда назарда тутилган жавобгарлик тушунтирилади ва тилхат олинади. Пул қўйилмаларини хатлаш тўғрисида қарор банкнинг тегишли бўлимига юборилади, қарор олингандан сўнг бу қўйилма бўйича банк операциялари тўхтатилади. Даъвони таъминлаш тартибидаги фуқаролик иши билан боғлиқ мулкни хатлаш ёки рўйхатга олишда шунга ўхшаш оқибатлар келиб чиқади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгар оиласининг нормал турмушини таъминлаш учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмлар **хатланмайди**.

2. Агар шахс томонидан камоққа олиш кўринишидаги эҳтиёт чорасини қўллаш мумкин бўлмаган жиноят содир этилса, тергов органи унга нисбатан енгилроқ чора қўллаши мумкин, улардан бири гаров ҳисобланади.

Гаров гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қариндошлари, бошқа фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан суриштирув, дастлабки тергов органининг ёхуд суднинг депозит ҳисобварағига топшириладиган пул маблағидан ёки қимматбаҳо буюмлардан иборатдир. Гаров тариқасида кўчмас мулк ҳам қабул қилиниши мумкин¹. Шахс томонидан берилган мажбуриятлар бажарилмаган ҳолда, гаров суд ажрими билан давлат мулкига айлантирилади.

3. Жиноятнинг **объекти** суднинг одил судловни амалга ошириш, суд қарорларини ижро этиш бўйича нормал фаолиятини, суд ҳокимиятининг нуфузини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

4. Шарҳланаётган жиноятнинг **предмети** банд солинган ва гаровга қолдирилган мол-мулкдир.

Банд солинган мол-мулк – тасарруф қилиниши амалдаги процессуал қонунчиликка мувофиқ тақиқлаб қўйилган мол-мулк.

Банд солиш мулкдорга ёки мол-мулкнинг эгасига мол-мулкни тасарруф қилиш, зарур ҳолларда эса ундан фойдаланиш ман этилганлигини эълон қилишдан ёхуд мол-мулкни тортиб олишдан ва уни сақлаб туриш учун бошқа шахсларга топширишдан иборат.

Гаровга қўйилган мол-мулк – бу тергов ва суриштирув органларига айбланувчи ёки судланувчи томонидан ўзига қўйилган мажбуриятларни бажаришнинг моддий кафолати сифатида бериладиган мол-мулк. Фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларни бажариш усули сифатидаги гаров

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 249-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

шарҳланаётган модда маъносида гаровга қўйилган мол-мулкка киритилмайди.

5. **Объектив томондан** банд солинган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этиш банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан анча миқдорда зарар етказган ҳолда қонунга ҳилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилишда ёки унга шикаст етказишда, ҳудди шунингдек банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга оширишда ифодаланади.

6. **Ўзлаштириш** деганда, банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ўз фойдасига (мулкига) ёки учинчи шахслар фойдасига ўзлаштирилишини тушуниш лозим.

7. Шарҳланаётган модда мазмунида **растрата қилиш** деганда, банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкнинг у ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан ёки мулк ўтказилиши натижасида унга эгалик қилувчи бошқа шахслар томонидан бегоналаштирилишининг ҳар қандай шакллари тушунилади.

8. **Яшириш** деганда, банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мол-мулкни у олиб қўйилмаслиги мақсадида жазони ижро этувчи органлардан яшириш билан боғлиқ ҳаракатларнинг бажарилиши тушунилади.

9. **Нобуд қилиш** деганда, мулкнинг тўлиқ яроқсиз, ундан асл мақсадда фойдаланиш имконини бермайдиган, шунингдек, уни таъмирлаш ёрдамида ҳам олдинги ҳолатига келтиришнинг иложи бўлмаган ҳолга келтирилишини тушуниш лозим.

10. **Мол-мулкка шикаст етказиш** деганда, мол-мулкни қисман яроқсиз ҳолга келтириш тушунилади.

11. **Анча миқдордаги зарар етказилиши** ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки шикаст етказиш шаклида банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этишнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

12. **Банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш** деганда, пул маблағлари (омонатлари) билан турли банк операцияларини

амалга оширишни, масалан, ҳисобварақда мавжуд бўлган пул маблағларини ўтказиш, уларни нақдлаштириш, омонатни қайтариш ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

13. Банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулк анча миқдорда зарар етказган ҳолда ўзлаштирилган, растрата қилинган, яширилган, нобуд қилинган ёки унга шикаст етказилган ёхуд банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан ҳар қандай банк операцияси амалга оширилган пайтдан эътиборан шарҳланаётган жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

14. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор мол-мулкни ўзлаштириш, сарф қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг ноқонунийлигини англайди ва уларни амалга оширишни хоҳлайди. Мол-мулк эҳтиётсизлик оқибатида нобуд қилинган ҳолатда, айбдорни ЖКнинг 172-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш масаласини қўйиш мумкин.

Бу жиноятнинг мотиви ғаразғўйлик, шахсий ёки бошқа манфаатдорлик ва бошқа бўлиши мумкин, аммо бу қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди.

15. Жиноятнинг **субъекти** мол-мулк сақлашга топширилган ун олти ёшга тўлган ақли расо шахс, шунингдек, унинг мулкдори, эгаси ёки оила аъзолари ва бошқалар бўлиши мумкин.

16. ЖКнинг **233-моддаси 2-қисми** айбдор етказилган моддий зарарни уч барабар миқдорда қоплаган ҳолда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллашни ман қилувчи рағбатлантирувчи нормани белгилаб беради.

234-модда. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш

Била туриб, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, яъни терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қонуний асосга эга бўлмаган ҳолда шахс эркинлигининг қисқа мудатга чекланиши –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Конституциянинг 25-моддасига мувофиқ, «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмас». Шунинг учун ҳибсга олиш фақат қонунда белгиланган асосларга мувофиқ амалга оширилиб, қолган вазиятларда бу қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш деб топилади. Шарҳланаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги уни содир этишда инсоннинг шахсий эркинлиги ва дахлсизлик ҳуқуқлари бузилиб, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг адолатлилиги ва қонунийлигига ишончи йўқолишига олиб келади.

2. Жиноятнинг **объекти** суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг нормал фаолияти ва обрўйи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳисобланади.

3. ЖК 234-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** қонунга хилоф равишда ушлаб туришда, яъни шахс эркинлигини қисқа муддатга чеклашда ифодаланади.

Шарҳланаётган модда мазмунидаги **ушлаб туриш** жиноят-процессуал мажбурлов чорасидир.

Ушлаб туриш бу, гумон қилинувчи шахснинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қўлланиладиган қисқа муддатли жиноят-процессуал мажбурлов чораси ҳисобланади.

Маъмурий тартибда ушлаб туриш, конунга хилоф равишда ушлаб туриш деб квалификация қилиниши мумкин эмас. Чунки, бундай ушлаб туриш терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва прокурордан бошқа шахслар томонидан амалга оширилади¹.

4. ЖПКнинг **221-моддасига** мувофиқ, конунда белгиланган асослардагина, хусусан:

– шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;

– жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида туғридан-туғри кўрсатсалар;

– унинг ўзидан ёки кийимидан, ёнидан ёки уйдан содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

– шахсни жиноят содир этишда гўмон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса, ушлаб туришга йўл қўйилади.

5. Ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам, иш қўзғатилгандан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин бўлиб, ўз навбатида, охириги ҳолатда ушлаб туриш фақат терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор қарорига ва суднинг ажримига мувофиқ амалга оширилади².

6. Ушлаб турилган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг навбатчиси ёки бошқа ходими ушлаб туриш баённомасини бошлиқнинг кўрсатмасига биноан дарҳол тузиши, унда қуйидагиларни кўрсатиши керак:

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 287-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 220-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

- 1) баённома тузилган жой ва вақтни;
- 2) ушбу шахснинг кимлиги, ким томонидан, қачон, қандай ҳолатларда, қонунда кўрсатилган қандай асосларга кўра ушланганлигини;
- 3) ушланган шахс қандай жиноятни содир этганликда гумон қилинаётганлигини;
- 4) ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга қайси вақтда олиб келинганлигини;
- 5) шахсий тинтув қилиш ва олиб қўйиш натижаларини (улар ўтказилган бўлса);
- 6) ушлашнинг видеоёзув орқали қайд этилганлиги (у ўтказилган бўлса), ушланган шахснинг видеоёзув материаллари билан танишганлиги, шунингдек шахсни ушлаш вақтида фойдаланилган воситаларнинг техник хусусиятларини. Баённомани ушлаб туришнинг асослилигини текшириш вазифаси топширилган ички ишлар органи ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими, ушлаб келтирган ваколатли шахс ёки фуқаро, ушланган шахс ва ҳолислар имзо чекиб, тасдиқлайди¹.

7. Ушлаб туриш муддати шахс амалда ушланган пайтдан (эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқларнинг ҳақиқий чекланган пайти) эътиборан кўпи билан қирқ саккиз соатни ташкил этади. Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан қўшимча равишда қирқ саккиз соатга узайтирилиши мумкин.

Ушлаб туриш муддати тугагунга қадар ва асослар мавжуд бўлганда шахс айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши, унга айб эълон қилиниши, ушбу Кодекснинг 109 – 112-моддаларидаги қоидалар бўйича сўроқ қилиниши ва ушбу Кодекснинг 236 – 240-моддалари қоидаларига амал қилган ҳолда эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги масала ҳал қилиниши зарур.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 225-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

Алоҳида ҳолларда, ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамоққа олиш, уй қамоғи ёки гаров тарзидаги эҳтиёт чоралари қўлланилиши мумкин. Бунда гумон қилинувчига у ушланган кундан эътиборан ўн кун ичида айблов эълон қилиниши керак.

8. Ушлаб турилган шахс қуйидаги ҳолларда озод қилиниши мумкин, агар:

– жиноят содир этилганлиги ҳақидаги гумон тасдиқланмаса;

– ушлаб турилган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш зарурати бўлмаса;

– ушлаб туришнинг белгиланган муддати ўтганда ва ушлаб турилган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланилмаган бўлса ёхуд ЖПК 243-моддасининг 10-қисми 3-бандига мувофиқ ушлаб туриш муддати узайтирилмаган бўлса.

Ушлаб турилган шахсни озод қилиш суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ва суднинг ажримига асосан ушлаб турилганлар сақланаётган жойнинг бошлиғи томонидан амалга оширилади. Озод қилиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ушлаб турилганлар сақланадиган жойга келиб тушиши билан дарҳол ижро этилади.

9. **Қонунга хилоф равишда** ушлаб туриш деганда, ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган қонуний асослар мавжуд бўлмаган ва қонун шартларини бузган ҳолда қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилишни тушуниш лозим.

Қонуний асослар мавжуд бўлмаганлиги нафақат ушлаб туриш учун асосларнинг мавжуд бўлмаслиги, балки уни давом эттириш билан боғлиқ асослар йўқлиги билан ҳам изоҳланади, масалан, жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги гумон ўз тасдиғини топмаганда. Қўзғатилган жиноят иши доирасида тегишли қарор чиқармасдан ушлаб туришни амалга ошириш ҳам қонуний асосларсиз ушлаб туриш деб баҳоланади.

Бундан ташқари, ЖПК муайян доирага дахлдор шахсларни ушлаб туришга нисбатан иммунитет белгилайди, хусусан, депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, судьялар ва прокурорлар жиноят устида ёки уни содир қилиб бўлган захоти қўлга олинганларида ушлаб турилишлари мумкин¹. Мазкур шахсларнинг бошқа асосларга қўра ушлаб турилишини ҳам қонуний асосларсиз ушлаб туриш сифатида баҳолаш лозим. Шунингдек, дипломатик иммунитетдан фойдаланаётган шахсларни ҳам ушлаб туриш ноқонуний ушлаб туриш сифатида баҳолашни лозим. Бунда депутат, судья ёки прокурорнинг иммунитетидан фарқли уларок, дипломатик иммунитетга эга шахс ҳар қандай асос мавжуд бўлган тақдирда ҳам ушлаб турилиши мумкин эмас².

10. Шарҳланаётган жиноят ушлаб туриш ҳақидаги баённома тузилган ва бу ҳақда ушлаб турилган шахсга эълон қилинган пайтдан эътиборан, ушлаб туриш ҳақидаги баённома тузишга доир қонун талаблари бузилган ҳолда эса – шахс ҳақиқатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилган пайтдан эътиборан жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

Агар жиноят қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш тарзида давом этиб, келгусида юқорида келтирилган процессуал мажбурлов чораси қўллаш учун асослар мавжуд бўлмаса, жиноят тегишли асослар мавжуд бўлмаган ҳолат аниқланган вақтда **туғалланган**, деб ҳисобланиши лозим. Бу тергов ҳаракатлари, тезкор қидирув фаолияти ва бошқалар акс этган иш материалларида баён этилади ёки аниқланади.

11. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилиб, айбдор ўзи амалга ошираётган ушлаб туриш ноқонуний эканлигини англайди, бироқ шунга қарамасдан ёки бошқа мотивлар билан ушлаб туришни амалга оширишни хоҳлайди ёхуд ушлаб турилган

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 223-модда, 1-қисм // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

² Қаранг: 1961 йилдаги Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси, 29-модда (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1994 йил 6 майда қўшилган).

шахсни белгиланган жойда тегишли муддатдан ортиқ муддатга ушлаб туради. Агар ноқонуний ушлаб туриш эҳтиётсизлик орқасида амалга оширилган бўлса (масалан, айбдор шахсига нисбатан хатоликка йўл қўйилганда), унда айбдор шахсни мансабга совуққонлик билан қараганлик учун жиноий жавобгарликка (ЖК 207-моддаси) ёки англашилмовчиликка йўл қўйганлик учун интизомий жавобгарликка тортиш масаласини қўйиш мумкин.

Жиноятнинг мотиви шахсий манфаатдорлик, уч олиш, ғаразли мақсадлар ва бошқалар бўлиши мумкин, улар қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди, бироқ жазо тайинлашда улар ҳисобга олиниши мумкин.

12. Жиноятнинг **субъекти** фақат махсус шахслар, яъни, 18 ёшга тулган суриштирувчи, терговчи ёки прокурор бўлиши мумкин. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш мазкур ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлмаган мансабдор шахслар томонидан содир этилганда, уларнинг ҳаракати ЖКнинг 206-моддаси билан ҳокимият ёки мансаб ваколатидан четга чиқиш деб квалификацияланади.

Бундан ташқари, ушлаб туриш мансабдор шахс бўлмаган фуқаро томонидан амалга оширилган бўлиб, тегишли белгилар мавжуд бўлган тақдирда, шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 229-моддаси бўйича ўзбошимчалик ёки ЖКнинг 138-моддаси бўйича зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш сифатида квалификация қилиниши мумкин.

13. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш учун жавобгарлик белгиланган.

14. ЖКнинг 234-моддаси 2-қисмининг **объектив томони** айбланувчи ёки гумонланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қонунга хилоф равишда танлашда ифодаланади, шунингдек, қонунда белгиланган муддатлардан ортиқ муддат ушлаб туриш учун тегишли асослар бўлмагани ҳолда шахсни қонунга хилоф равишда ҳибсда муддатидан ортиқ ушлаб туришда ифодаланади.

15. Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексида қасдан содир этилиб, уч йилдан

ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган ҳамда эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб, Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзида жазо назарда тутилган жиноятлар учун эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш назарда тутилган. Алоҳида ҳолларда мазкур эҳтиёт чораси қасддан содир этилган жиноятларда уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган, шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда, ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамокқа олиш, уй қамоғи ёки гаров тарзидаги эҳтиёт чоралари қўлланилиши мумкин. Бунда гумон қилинувчига у ушланган кундан эътиборан ўн кун ичида айблов эълон қилиниши керак. Акс ҳолда эҳтиёт чораси бекор қилинади ва шахс қамокдан ёки уй қамоғидан озод этилади, гаров эса гаровга кўювчига қайтарилади¹.

16. Эҳтиёт чораси сифатида қамокқа (хибса) олиш ЖПКнинг 243-моддасида батафсил тартибга солинган. Қонунда назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ва дастлабки тергов давомида қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланганида прокурор, прокурорнинг розилиги билан терговчи қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради. Судья гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

– қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида;

– қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш тўғрисида;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 226-модда, 3-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

– қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш ва уй қамоғи ёки гаров тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида;

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш ва гаров тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида;

– тарафлар қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг асосланганлиги ёки асосланмаганлигига доир қўшимча далилларни тақдим этишлари учун ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш тўғрисида.

Алоҳида ҳолларда, ишни судга қадар юритиш босқичида ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамокқа олиш, уй қамоғи ёки гаров тарзидаги эҳтиёт чоралари қўлланилиши мумкин.

Қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси:

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли палатаси ёки унинг Кенгаши розилиги билан;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга) нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилиги билан;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан;

– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатига, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашининг депутатига нисбатан – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари Кенгаши розилиги билан;

– Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяларига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилиги билан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий суд-

ларининг, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судларининг, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларининг, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судларининг, туманлараро маъмурий судларининг ва Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судларининг судьяларига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ҳулосаси мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг розилиги билан;

– Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг аъзосига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг розилиги билан;

– прокурор ва прокуратура терговчисига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан қўлланилиши мумкин.

Жиноятлар тергов қилинаётганда қамоқда сақлаб туриш ёки уй қамоғи муддати кўпи билан уч ойни ташкил этади, ЖПКнинг 245-моддаси 2-қисмига мувофиқ тегишли прокурорнинг илтимосномасига кўра, мазкур муддатни узайтириш ҳоллари бундан мустасно.

17. Агар айбланувчи ёки гумон қилинувчи шахсга нисбатан қонунда кўрсатилган асослар, шунингдек, алоҳида шахсларга нисбатан қўшимча шартларга амал қилмаган ҳолда ва қонунда белгиланган процессуал шаклга риоя этмаган тарзда танланса, **қонунга хилоф** равишда ҳибсга олиш деб топилади.

18. Қонунда белгиланган асослар бўлмаган ҳолда ёки қонуний муддатлари бузилган тарзда қўлланган ҳибсга олиш шаклидаги эҳтиёт чораси **қонунга хилоф** равишда ҳибсда сақлаш ҳисобланади.

Жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган алоҳида ҳоллардан ташқари ҳибсда сақлаш учун белгиланмаган жойларда ҳибсда сақлаш ҳам қонунга хилоф равишда ҳибсда сақлаш деб ҳисобланади. Бундан ташқари, дипломатик иммунитетга эга бўлган шахсларни қамоққа олиш ёки ҳибсда ушлаб туриш ҳар қандай ҳолатда ҳам ноқонуний ҳибсда сақлаш ҳисобланади.

19. Шахс қонунга хилоф равишда қамоққа жойлаштирилгандан ёки бу эҳтиёт чорасини унинг қонуний

муддатлари ўтиб кетгандан кейин ҳам айбдорга айб эълон қилмасдан ёки тегишли муддатлар узайтирилмасдан ўз кучида қолдирган вақтдан бошлаб ЖКнинг 234-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят **туғалланган** деб ҳисобланади.

20. **Субъектив томондан** жиноят ҳисбага олишнинг ёки ҳибсда сақлашнинг ноқонунийлигини олдиндан билган ҳолда тўғри қасд билан содир этилади. Агар қонунга ҳилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлса (масалан, ҳибсга олинган шахснинг сақланаётган муддати «унутилган» бўлса), бундай ҳолда бу масала мансабга совуққонлик билан қараганлик (ЖК 207-моддаси) учун жавобгарлик ёки мазкур хизматчини тегишли равишда интизомий жавобгарликка тортиш масаласи қўйилиши мумкин. Жиноятнинг мотиви шахсий ёки бошқача хусусиятга эга манфаат бўлиши мумкин.

21. Била туриб, қонунга ҳилоф равишда ҳибсга олиш жиноятининг **субъекти** фақат прокурор, терговчи ёки терговга қадар текширувчи амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи бўлиши мумкин.

ЖПКнинг 315-моддасига мувофиқ, била туриб, қонунга ҳилоф равишда ҳибсда сақлаш жиноятининг субъекти, агар бундай сақлаш ЖПКнинг тегишли тартиби билан узайтирилмаган бўлса, белгиланган эҳтиёт чораси муддати тугаши билан ҳибсда турган шахсларни дарҳол озод қилиш бўйича ўзига юклатилган мажбуриятни у ёки бу мотивларга биноан бажармаган ҳибсда ушлаб турилган жой бошлиғи ҳам бўлиши мумкин.

22. Қонунга ҳилоф равишда ҳибсга олиш шаклидаги эҳтиёт чораси судьянинг қарори билан қўлланилган тақдирда, мазкур шахс ЖКнинг 231-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши лозим¹.

23. Агар қонунга ҳилоф равишда ҳибсга олиш ёки қонунга ҳилоф равишда ҳибсда сақлаш мазкур ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига кирмаган мансабдор шахс ёки ҳокимият

¹ Масалан, судья ишни кўриш учун тайинлашга қадар судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаши мумкин. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 397-модда, 5-банд // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.



вакили томонидан амалга оширилса, бу ҳолатда мазкур шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 206-моддаси бўйича ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

◆

235-модда. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайрининсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайрининсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни маъмурий қамоққа олинган шахсга, шунингдек гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига улардан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш мақсадида, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан кўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш йўли билан ёки қонунга ҳилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга ҳилоф руҳий, психологик, жисмоний босим ўтказиш ёки бошқача тарзда босим ўтказиш, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрликни қўллаган ҳолда ёхуд шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан;

б) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан;

г) такроран;

д) кекса шахсга ёки ночор аҳволдаги шахсга, вояга етмаган шахсга ёхуд ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

е) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

ж) ҳаётга ва соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган ашёлар қўлланилиб;

з) далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) мақсадида содир этилган бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: «Ҳеч ким қийноққа солиниши, зуравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас»¹, — деб мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг ушбу моддаси 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 5-моддасига мос келади.

Конституция қийноққа солиш, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи ҳисобланган муомала ҳамда жазо турларини қўллашни тақиқлашни талаб қилувчи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида амалга оширилишига замин яратади. Қийноққа солиш, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турлари халқаро ҳамжамият томонидан ғайриинсоний ва йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат сифатида

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 26-модда.

тан олинади. Амалда қийноққа солиш, масалан, 1949 йил 12 августдаги Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисидаги Конвенция¹, 1966 йил 16 декабрдаги Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт², 1995 йил 26 майдаги Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги МДХ Конвенцияси³, 1984 йил 10 декабрдаги «Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига қарши» Конвенция ва бошқа қатор ҳужжатларда тақиқланган. Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларини қўллашни ҳеч бир мансабдор шахснинг буйруғи, ҳеч қандай фавқулодда ҳолат, уруш ҳолати ёки уруш хавфи, давлат хавфсизлигига таҳдиди, ички сиёсий беқарорлик ёки бошқа ҳар қандай тасодиф билан оқлаб бўлмайди⁴.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларини қўллаш жиноий жавобгарликни келтириб чиқарувчи ҳаракат ҳисобланади. Қийноққа солиш фактининг ўзи халқаро ҳамжамият томонидан халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ва нормаларини бузувчи оғир ҳуқуқбузарлик, инсонга қарши жиноят сифатида тан олинади⁵.

¹ Қаранг: 1949 йил 12 августдаги «Ҳарбий асирлар билан муомала тўғрисида»ги Женева Конвенцияси, 3-моддаси 1-қисми 1-бандининг «а» банди, 17-моддаси 4-қисми (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1993 йил 3 сентябрда кўшилган).

² Қаранг: 1966 йил 16 декабрдаги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пакт, 7-модда (Ўзбекистон Республикаси мазкур Пактга 1995 йил 31 августда кўшилган).

³ Қаранг: 1995 йил 26 майдаги «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида»ги МДХ Конвенцияси, 3-модда.

⁴ Қаранг: 1979 йил 17 декабрдаги Ҳуқуқ-тартиботни сақлашга оид мансабдор шахсларнинг ҳаракати Кодекси (Ўзбекистон Республикаси мазкур Кодексга 1997 йил 30 августда кўшилган); 1984 йил 10 декабрдаги Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенция (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1995 йил 31 август куни кўшилган).

⁵ Қаранг: 1998 йил 17 июлдаги Халқаро жиноят судининг Рим Статути, 7-модда, 1-қисм, «а» банди.

Мустақил Ўзбекистоннинг Жиноят кодекси қийноқ сифатида тан олинган ҳаракатни амалга оширгани учун жавобгарликни аввалбошданок халқаро ҳуқуқ талабларига асосан белгилаган. Лекин, халқаро ҳуқуқнинг амалда қийноқни тақиқлаш ва айбдор шахсни жинойий жавобгарликка тортишни талаб қилувчи нормаларининг имплементацияси тарқоқ ва тизимга солинмаган эди. Хусусан, «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадрқимматни камситадиган турлари» тушунчаси бўлмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 535-II-сонли Қонуни¹ жиноят қонунчилигидаги мазкур камчиликни бартараф этди ҳамда унга изчиллик ва тизимлилик бахш этди.

2. Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** шахснинг кадрқиммати, ҳар бир шахснинг, унга нисбатан инсонпарварлик муносабатида бўлиши, шунингдек суриштирув ва дастлабки терговнинг қонун билан ўрнатилган ягона тартиби ҳисобланади. Қийноқ қўлланилаётган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғини **қўшимча бевосита объект** сифатида қабул қилиш керак.

3. Мазкур жиноятни содир этилишида: маъмурий қамоққа олинган шахс, гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, жабрланувчи, маҳкум, жинойий процесснинг бошқа иштирокчиси, ёхуд уларнинг яқин қариндошлари **жабрланувчи** бўлишлари мумкин.

Маъмурий қамоққа олинган шахс тушунчаси (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 29-моддасига қаранг).

ЖПКга мувофиқ:

Гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. (ЖПК 47-м.);

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, X модда, 4-банд // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 149-модда.



айбланувчи – ЖПКда белгиланган тартибда айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсдир. Айбланувчи судда судланувчи деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса, маҳкум ёки оқланган деб аталади (ЖПК 45-м.);

гувоҳ – жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс (ЖПК 65-м.). Гувоҳ тарикасида сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар гувоҳ деб топилмайди (ЖПК 115-м.). Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тарикасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкин;

жабрланувчи – жиноят, худди шунингдек, ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади. (ЖПК 54-м.);

жиноят процессининг бошқача иштирокчилари – ЖПК 6-бобида кўрсатилган ҳар қандай шахс: эксперт, мутахассис, таржимон, холис. Бошқа шахслар, уларнинг жиноят ишига алоқадорлигидан қатъи назар, жиноят процессининг бошқа иштирокчилари, деб тан олинмайди;

маҳкум – суд тергови натижасида чиқарилган ҳукмга мувофиқ, жазо тайинланган шахсдир. Ҳукм ижрога қаратилган вақтдан бошлаб, шахс жазони ўтаётган, деб ҳисобланади. Бу ҳақда ҳукм чиқарган суднинг тегишли фармойиши тузилади.

(Яқин қариндошлар тўғрисида ЖКнинг VIII бўлимига қаранг).

4. Объектив томондан шарҳланаётган жиноят кийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, райринсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазонинг қўлланилишида, яъни маъмурий қамоққа олинган шахсга, гумонланувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи ёки жиноий процесснинг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкум ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан таҳдид қилиш, зарба

бериш, уриш-тепиш, кийнокқа солиш, азоб бериш ёки бошқа ноқонуний ҳаракатларни содир этиш орқали ноқонуний рухий, психологик ёки жисмоний таъсир утказишда ифодаланади.

5. Шарҳланаётган модда матнидаги **қийнок** сифатида жабрланувчи шахсга нисбатан қасддан етказилган кучли оғриқ, жисмоний ёки маънавий азоб бериш тарзидаги ҳар қандай ҳаракат тушунилади¹. Бунда шуни инобатга олиш керакки, «шафқатсиз, инсонийликка зид муомала ва жазо»дан фарқли ўлароқ, қийнок анчагина кучли ва шафқатсиз азоб бериш билан тавсифланади². «Қийнок» тушунчаси билан «инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи муомала» тушунчаси уртасидаги фарқ азоб бериш интенсивлиги ҳар хиллигида ифодаланади³. Қийнок шафқатсиз муомаланинг нисбатан оғир тури ҳисобланади. Бундан ташқари, қийнок ҳар доим кадр-қимматни камситувчи муомала бўлган⁴.

Систематик тарзда инсонийликка зид ёки шафқатсиз муомаланинг қўлланилиши, у оддий қийнокдагига хос бўлган жиддий оқибатларни келтириб чиқармаса ҳам, қийнок сифатида тан олинishi керак.

6. **Ғайринсоний муомала ёки жазо** деганда, интенсивлик нуқтаи назаридан қийнок пайтида етказилган азобга нисбатан заиф бўлган кучли жисмоний ёхуд рухий азоб беришни тушуниш керак⁵. Шафқатсиз ёки ғайринсоний муомала турлари жабрланувчининг узлуксиз вақт мобайнида ёмон санитария шароитида бўлиши ва унга тиббий ёрдам

¹ Қаранг: 1984 йил 10 декабрдаги «Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига қарши» Конвенция, 1-модда, 1-қисм. (Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга 1995 йил 31 декабрда қўшилган).

² Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг 1978 йил 18 январдаги *Irland gegen Vereinigtes Konigreich* иши бўйича Қарори. // Berger V. Op. cit. S. 84–85.

³ Ўша жойда.

⁴ Қаранг: Frowein J., Peukert W. *Kommentar zur EMRK*. 2. A. Kehl, Strassburg, Arlington, 1996. S. 41.

⁵ Қаранг: Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг 1978 йил 18 январдаги *Irland gegen Vereinigtes Konigreich* иши бўйича Қарори. // Berger V. Op. cit. S. 84–85.

зарур бўлган шароитда тиббий ёрдамсиз қолиши, узоқ вақт мобайнида озиқ-овқат, сув ва бошқалардан маҳрум этиш орқали жиддий маънавий азоб беришдан иборат бўлиши мумкин.

Қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо – бу жабрланувчини ҳақоратлаш, камситиш ёки жисмоний ва маънавий қаршилигини синдириш учун кўркув, тушкунлик ва номукамаллик ҳиссини уйғотишга қаратилган муомала. Қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларига мисол тариқасида жабрланувчининг қонуний ҳаракатини таъминлаш учун зарур ҳисобланмаган жисмоний куч ёки руҳий таъсир ўтказишни кўрсатиш мумкин.

7. Муомала ва жазолашнинг қийноқ ҳамда инсонийликка зид, шафқатсиз ёхуд қадр-қимматни камситувчи турлари ҳам жисмоний, руҳий таъсир, психологик босим ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Мазкур ҳолатда босим ўтказиш деганда, жабрланувчига унинг хоҳишига қарши амалга ошириладиган ва унга аниқ жисмоний ёхуд руҳий азоб берадиган, яъни зўравонлик ҳисобланадиган таъсир этишни тушуниш керак.

Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддаси диспозициясида жисмоний, руҳий зўрлик ёхуд психологик босим ўтказиш усуллари кўрсатилган: кўркитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ва бошқалар. Мазкур рўйхат тўлиқ ҳисобланмайди ва бошқа ҳаракатлар ҳам жисмоний, руҳий ёхуд психологик босим таъсирлар тушунчасига мос тушиши мумкин, уларнинг ноқонуний характерда эканлиги белгиларидан аниқланади. Масалан, шарҳланаётган моддага асосан, таъкиб қилинадиган хатти-ҳаракат деб, озиқ-овқат ва сувдан маҳрум қилиш, шовқин орқали таъсир ўтказиш, уйқудан маҳрум қилиш, девор олдида туришдан тортиб ва тергов ҳаракатини олиб бориш тартиби ҳамда шартларини бузиш ва бошқалар ҳисобланади.

(Жисмоний ёхуд руҳий зўрлик ҳамда муомала ҳақида батафсилроқ ЖК 164-моддаси шарҳига қаранг).

Шуни назарда тутиш лозимки, жабрланувчига фақат қонуний санкция орқали юзага келувчи, ушбу санкциялардан

ажратиб бўлмайдиган ёки улар орқали тасодифан етказилган оғрик ва азоблар қийноқ, ғайрининсоний, шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо ҳисобланмайди¹.

Психологик босим – бу бошқа инсоннинг танасига эмас, балки бошқа одамларнинг рухий ҳолатига, ҳиссиётларига, ҳаёлига таъсир кўрсатишдир.

Қийноққа солиш, шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолар жабрланувчига фақат қонуний санкциялар натижасида, бу санкциялардан ажралмаган ҳолда ёки улар томонидан қўққисдан юзага келадиган оғрик ва азоб етказиш ҳисобланмаслигини инобатга олиш лозим².

8. Шахснинг қилмишини қийноқ, шунингдек, ғайрининсоний, шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо сифатида тан олиш учун, жисмоний, рухий ва психологик босимнинг йўналтирилишини аниқлаш зарур. Қонунда тўғри кўрсатилганидек, жисмоний, рухий ва психологик босим ўтказишни шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилинадиган жиноят сифатида квалификация қилиш учун у муайян доирадаги шахсларга, яъни, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, жабрланувчи ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчиси ёхуд жазони ўтаётган маҳкум ёки уларнинг яқин қариндошларига қарши қаратилган бўлиши лозим. Мазкур шахсларнинг рўйхати қатъий ҳисобланиб, кенгайтирилган тарзда шарҳланиши мумкин эмас. Мазкур шахслар барча жиноят процесси фаолиятининг субъекти ҳисобланади ва уларнинг қонуний мақоми амалдаги қонунчилик орқали тартибга солинган.

9. Кўрсатилган шахсларга нисбатан жисмоний, рухий, психологик босим ўтказиш ҳам бевосита, ҳам унга яқин кишиларга нисбатан босим амалга оширилиши мумкин. Мисол учун, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг жабрланувчи,

¹ Қаранг: 1984 йил 10 декабрдаги «Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайрининсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига қарши» Конвенция, 1-модда, 1-қисм. (Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга 1995 йил 31 декабрда қўшилган).

² Ўша жойда.

маъмурий қамокқа олинган шахсга, гумон қилинувчи ёхуд айбланувчининг қонуний вакилларига, ҳимоячига ёки бошқа шахсларга жисмоний ва психологик босим ўтказиши қийноқ сифатида тан олинади. Бунда таъсирни жабрланувчига нисбатан қийноқ сифатида, таъсирнинг бевосита объекти ҳисобланган бошқа шахсга нисбатан эса, шахсга нисбатан тегишли жиноят сифатида квалификация қилиш керак. Масалан, айбланувчини ўзига қарши кўрсатув беришга мажбур қилиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими томонидан унинг ҳомийси соғлиғига зарар етказилган, натижада айбланувчи ўзига қарши кўрсатув беришга мажбур бўлган. Ходимнинг ҳаракати амалдаги ЖК 235-моддаси бўйича айбланувчига нисбатан қийноқ ва ҳомийнинг соғлиғига қарши жиноят сифатида Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича квалификация қилиниши керак.

Таҳдид (ЖКнинг 112-моддаси шарҳига қаранг), уриш-тепиш, азоб бериш (ЖКнинг 110-моддаси шарҳига қаранг) тушунчаси.

10. Субъектив томондан шарҳланаётган жиноят тўғри қасднинг ва таркибнинг субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланган махсус мақсаднинг мавжудлиги билан тавсифланади. Бунда шуни назарда тутиш керакки, қонун томонидан жиноятни содир этиш мақсади муқобил тартибда аниқланади, яъни ҳаракатни ЖКнинг 235-моддаси бўйича жиноят деб тан олиш учун субъект қуйидаги мақсадларга эришишга ҳаракат қилиши лозим:

- бирор-бир ахборот олиш;
- жиноят содир этганликка иқрор бўлиш;
- содир қилинган жиноят учун ўзбошимчалик билан жазолаш;
- жабрланувчини муайян ҳаракатларни содир этишга мажбурлаш.

Мақсаднинг аниқ йўналтирилганлиги жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин суд томонидан жазони индивидуаллаштириш пайтида инobatга олиниши мумкин. Қилмишнинг мотиви ҳам жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин жазони индивидуаллаштиришда инobatга олиниши мумкин. Қонда тарикасида, фаразгўйлик,

моддий манфаатдорлик, мансабпарастлик, нотўғри тушунилган адолат ҳисси, ўзини намоён қилишга интилиш ва бошқалар мотив бўлиши мумкин.

11. Жиноят **субъекти** 18 ёшга тўлган, терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахси; суриштирувчи; терговчи; прокурор ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг бошқа ходими, жазони ижро этиш муассасаси ёки бошқа давлат органи ходими.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахси – суриштирув органининг бошлиғи ёки шундай органларнинг мансабдор шахсига суриштирув органи бошлиғининг топшириғига биноан: жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик; далилларни тўплаш ва сақлаш; жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш; жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритувчи шахс. Суриштирув органларининг рўйхати ЖПКнинг 39¹-моддасида кўрсатилган ва бу рўйхат тўлиқ ҳисобланади.

Суриштирувчи – жиноят иши бўйича вазифаси дастлабки терговни олиб бориш бўлган, қонунда белгиланган тартибда ички ишлар органларининг; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг; Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг; Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг суриштирувчилари томонидан амалга оширилади (ЖПК 38-модда).

Терговчи – жиноят иши бўйича вазифаси дастлабки терговни олиб бориш бўлган, қонунда белгиланган тартибда прокуратура, ички ишлар органларининг ва давлат хавфсизлик хизматининг ходимлари (ЖПК 35-модда).



Прокурор – бу прокуратура органларининг суриштирув ва дастлабки тергов боскичларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс (ЖПК 33-модда).

12. Шуни назарда тутиш керакки, шархланаётган модданинг матнидаги шахсни терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор сифатида, фақат иш бўйича шахсларга нисбатан жиноят субъекти томонидан жисмоний, рухий, психолгик босим акт ҳисобланган қийноқ ёки шафқатсиз, инсонийликка зид, унинг қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар содир этилаётган жиноят иши бўйича масъул бўлсаларгина, тан олинishi мумкин. Акс ҳолда, шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатида тан олинishi керак.

Масалан, қийноққа солиш:

– терговчи томонидан содир этилган деб – агар айбдор мансабдор шахс бўлиб, дастлабки тергов юритилаётгани маълум бир аниқ иш бўйича масъул бўлсагина;

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа шахслари томонидан содир этилган деб – гарчи, у штат жадвалида терговчи лавозимида туриб, жиноят ишларини тергов қилаётган бўлса-да, муайян бир иш бўйича дастлабки терговни юритишда масъул ҳисобланмаса, топилади.

13. **Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бошқа ходимлари** деб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг штат ходими ҳисобланган, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи, лекин юритилаётган жиний иш учун масъул бўлмаган шахслар тушунилиши мумкин. Бундай ходимлар жумласига оддий ички ишлар органлари ходимлари, солиқ хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати ва техник функцияларни амалга оширувчи бошқа: гумон қилинувчи ёки айбланувчини қўриқлаш, назорат қилиш ва бошқа ишларни бажарувчи шахслар қиради.

Жазони ижро этиш муассасасининг ходими деб, мансаб ваколатидан қатъи назар, мазкур муассасанинг штат жадвали бўйича ходим ҳисобланган мансабдор шахсларни, агар улар қийноқдан жабрланганга борлиқ бўлган жиний иш

бўйича суриштирувчи бўлмасалар, ҳисоблаш лозим. Акс ҳолда, мазкур шахс суриштирувчи ҳисобланиши керак. Масалан, жазони озодликдан маҳрум этиш тарзида уташ колонияси раҳбари жазони ижро этиш муассасаси ходими сифатида тан олиниши лозим, лекин колонияда жиноят содир этилса, у бу иш билан боғлиқ бўлган шахсга (жабрланувчи, гумонланувчи, гувоҳга) нисбатан суриштирувчи мақомига эга бўлади.

Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига биноан қуйидагилар жазони ижро этиш бўйича муассасалардир:

- суд (ижрочилари) – жарима тарзидаги жазога нисбатан;
- ички ишлар органлари – муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари, озодликдан маҳрум қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш каби жазоларни ижро этиш бўйича. Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тарзидаги ҳукм талаблари судлангanning иш жойи маъмурияти томонидан, шунингдек, муайян иш фаолияти билан шуғулланишга руҳсат бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан бажарилади;

- ҳарбий қисм бошлиқлари – хизмат бўйича чеклаш тарзидаги жазони ижро этиш бўйича ҳарбий хизматчиларга нисбатан;

- махсус ташкил этилган ҳарбий қисмлар – интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазога нисбатан;

- унвон берган орган – ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш кўринишидаги жазога нисбатан, муассасалар ҳисобланади.

14. Шарҳланаётган жиноят формал таркибли қилмиш сифатида шаклланган, яъни уни тугалланган жиноят сифатида тан олиш учун қонунга хилоф бирор-бир оқибат келиб чиқиши талаб этилмайди.

Жиноят жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатилган пайтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

15. Мазкур тоифадаги жиноят ишларни кўришда, судлар инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди томонидан шакллантирилган принципга асосланишлари лозим. «Бирор шахс, полицияда ҳибсда бўла туриб, тан жароҳатлари олганлиги аниқланиши биланок, бу жароҳатлар полиция ҳаракатлари ёки унинг бефарқлиги натижасида келиб чиқмаганлигини

исботлаш мажбуриятлари полиция ёки давлатга юклатилади»¹. Бошқача қилиб айтганда, камоқда сақланаётган вақтда ҳибсга олинган шахснинг баданига шикаст етказилса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар етказилган шикастларга уларнинг алоқаси йўқлигини исботлаши шарт. Бу исботланмагунга қадар етказилган шикаст учун ушлаб туриш ва ҳибсда сақлаш учун масъул бўлган орган жавобгар ҳисобланади.

16. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми шарҳланаётган жиноятнинг оғирлаштирувчи турларини содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутаяди.

Оғирлаштирувчи белгилар сифатида қуйидагилар намоён бўлади:

– ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрликни қўллаган ҳолда ёки шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан;

– миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;

– бир гуруҳ шахслар томонидан;

– такроран;

– қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга, вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан содир этилганда. (*Мазкур белгилар ҳақида ЖКнинг 56, 104, 141, 164-моддалари шарҳига қаранг*).

– икки ёки ундан ортиқ шахсларга нисбатан;

– кишининг ҳаёти ва соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган предметларни қўллаб;

– далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) мақсадида.

17. Қариялар деганда пенсия ёшидаги шахслар тушунилади (60 ёшга тўлган эркаклар, 55 ёшга тўлган аёллар).

18. Предмет деганда – айбланувчи томонидан ЖК 235-моддасида кўрсатилган жинойий ҳаракатларни содир этиши натижасида кишининг ҳаёти ва соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган ҳар қандай предметларни тушуниш лозим.

19. Сохталаштириш (қалбакилаштириш) тушунчаси (ЖКнинг 230¹ –моддасининг шарҳига қаранг).

¹ Қаранг: Решение от 22 сентября 1993 г., № 269, Е.Н.Р.Р.

20. ЖКнинг 235-моддаси 3-қисмига кўра, ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолларда жавобгарлик белгиланган.

Баданга оғир тан жароҳатлари етказилиши ҳолатларида айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 104-моддаси зиммасига қўйилмаган ҳолда, ЖКнинг 235-моддаси 3-қисмига кўра малакаланади.

Бошқа оғир оқибатлар деганда сўрок қилинаётган шахсларнинг кўрсатмаларни ноқонуний йўл билан олишга норозилик белгиси сифатида ўзини ўлдиришини тушуниш зарур.

236-модда. Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш

Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Конституциянинг 106-моддасига кўра, «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро

этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасига мувофиқ, «Судьялар мустақилдирлар, фақат конунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш конунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади». Шунга кўра, суднинг адолатни қарор топтиришдаги фаолиятига ҳеч ким, ҳеч қандай шаклда аралашишга ҳақли эмас.

2. Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашишнинг **объекти** одил судловни амалга оширишда суд фаолиятининг мустақиллиги (белгиланган процессуал тартиб), шунингдек ишни тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона тергов қилиш бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор фаолиятининг мустақиллигини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

3. **Тергов** – бу жиноят процессининг бир босқичи бўлиб, прокурор назорати остида жиноят ходисаси юз берган-бермаганлиги, жиноят содир этишда айбдор шахсларни, жиноятда уларнинг айб даражаси, жиноят оқибатида келиб чиққан зарарнинг хусусияти ва микдори, жиноятнинг сабаблари ҳамда иш учун аҳамиятга эга бошқа ҳолатларни аниқлаш учун суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат фаолият. Тергов жиноят ишини бекор қилиш ёки ишни судга юбориш билан тамомланади (тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юборишни ҳам ўз ичига олади).

Жиноятнинг **объекти** суд органларининг мустақиллиги ва обрўи, суриштирув, тергов, прокуратура органларининг жиной ишларни тергов қилиш ва (ёки) судларнинг жиной и, фуқаролик, хўжалик ёки маъмурий ишларни ҳал қилиш каби нормал фаолияти ҳисобланади.

4. **Суд ишларини ҳал этиш** – бу махсус ваколатли давлат органи – суд томонидан суд мажлисида тўпланган ёки тарафлар тақдим этган далиллар асосида ўтказиладиган текшириш жараёни. Суд ишларини ҳал этиш махсус ҳужжат:

ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор қабул қилиш билан тамомланади.

Суд ишлари деганда, нафақат биринчи инстанция судида кўриладиган ишлар, балки апелляция ва кассация тартибида иш юритиш шунингдек, янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритиш ҳам тушунилиши керак.

5. **Объектив томондан жиноят фаол ҳаракат** – тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашишда ифодаланади.

6. **Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш** – ҳаракатда (маслаҳат, илтимос, талаб, ашёвий далилларни яшириш, гувоҳнинг сўроққа келишига тўсқинлик қилиш) ва ҳаракатсизликда (ҳужжатларни тақдим қилмаслик, терговчи томонидан тайинланган тафтиш ёки аудиторлик текширувларини ўтказмаслик) ҳам намоён бўлиши мумкин.

7. **Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш, яъни ноқонуний таъсир қилиш** деганда, жисмоний шахслар томонидан суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья (шунингдек, судьялар хайъати ёки халқ маслаҳатчиси)нинг фаолиятига таъсир этиш.

Суд ишига **аралашиш** жиноят ишлари ёки фуқаролик ишлари бўйича иш юритувининг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин. Масалан, судда кўриб чиқиш учун тайёргарлик кўриш босқичида жиноят, ишни қўшимча терговга қайтаришни, иш юритувини тўхтатиш ёки ишни тугатишни талаб қилишда ифодаланиши мумкин.

Аралашишнинг бундай тури оғзаки, ёзма, бошқа шахслар орқали етказиш ва ҳ.к. шаклида амалга оширилиши мумкин.

Таъсир кўрсатиш суриштирувчи, терговчи, прокурор, судьяга ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш шаклида содир этилган тақдирда, қилмишни ЖК 112 ва 236-моддалари мажмуи билан квалификация қилиш лозим.

Аралашиш турли шаклда бўлиши мумкин: терговни бошқа йўналишда олиб бориш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурордан илтимос ёки талаб қилиш; судья ёки халқ маслаҳатчисидан ваъда берилган фойда ёхуд манфаат эвазига ишни муайян йўналишда олиб боришни талаб қилиш; таҳдид қилиш билан кўрқитиш; ўзи яхши танийдиган суриштирувчи,

терговчи, прокурор, судья ёки халқ маслаҳатчиси орқали тергов ёки суд ишини ўзининг фойдасига ҳал этишга уриниш; маслаҳат бериш ёки давлат ҳокимияти мансабдор шахси орқали йўл-йўриқ бериш ва бошқалар.

8. Агар суриштирувчи, терговчи, прокурор, судьяга таъсир кўрсатиш моддий қимматликлар бериш таклифи билан амалга оширилган бўлса, оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаганда, қилмишни ЖК 211 ва 236-моддалар мажмуи билан квалификация қилиш керак.

9. Ишнинг муайян ҳолатини инobatга олиш, жумладан, айбланувчининг, жабрланувчининг, даъвогарнинг, жавобгарнинг шахсини инobatга олиш билан, муайян ишни кўриб чиқаётган судга мурожаат қилиш, суднинг процессуал фаолиятига ноқонуний аралashiш деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Муайян турдаги жиноятлар бўйича ёки умуман жинoий жавобгарликни оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга қаратилган таъсир кўрсатиш, яъни муайян ишни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаган таъсир ҳам, кўриб чиқиладиган жиноятнинг таркибини бермайди.

Айбдорнинг ҳаракатини квалификация қилишда аралashiшнинг аниқ шакли – ишни тугатишни илтимос қилиш, оқлаш, айбни енгиллаштириш ёки, аксинча, оғирлаштириш, бошқа шахсларни жавобгарликка жалб қилиш, ишни даъвогар ёки жавобгар фойдасига ҳал этиш ва хоказолар аҳамиятга эга эмас. Аралashiш ёки таъсир кўрсатиш дастлабки терговнинг барча босқичига, тўпланган ёки жинoят, фуқаролик, маъмурий ёхуд хўжалик ишига кўшилган далилларга тегишли бўлиши мумкин.

Фуқаролар ёки корхона, муассаса ва ташкилотлар бошлиқларининг тергов ёхуд суд органларига меҳнат жамоаси аъзосига нисбатан бошқа эҳтиёт чорасини қўллаш, шартли ҳукм қилиш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони қўллаш ёки, уларнинг фикрича, ишга дахлдор бошқа ҳужжатларни тақдим этиш билан боғлиқ мурожаатномалари ёхуд илтимосномалари тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралashiш деб топилмайди.

Бундан ташқари, тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят тўғрисида хабар бериш, ишга дахлдор янги далилларни келтириш, мансабдор шахслар устидан шикоят бериш тергов, прокурор, суд органларининг фаолиятига аралашиш деб топилмайди. Илтимос қилиш, маслаҳат ёки таклиф қилиш умумий кўринишга эга бўлса (мисол учун, бирон-бир суднинг жинойий сиёсат соҳасидаги ишларини нашр қилиш ёки мажлисда танқидий фикр билдириш), тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш деб ҳисобланмайди.

10. Шарҳланаётган жиноят, юқорида кўрсатилган шахсларга таъсир қилишнинг ҳар қандай ҳаракатини содир этиш вақтидан бошлаб, ушбу таъсирнинг натижасидан қатъи назар, яъни айбдор ўз мақсадига эришган-эришмаганлигидан қатъи назар **тамом бўлган** деб ҳисобланади.

11. **Субъектив томондан** тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш фақат тўғри қасддан содир этилади, яъни шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини билади, қонунга зид ва адолатсиз қарор чиқарилишини хоҳлайди. Ушбу жиноятнинг мотиви шахсий манфаатдорлик, ғаразли ният ва бошқалар бўлиши мумкин.

Субъектив томоннинг зарурий белгиси аралашиш қандай мақсадда содир этилганлиги ҳисобланади. Агар аралашиш жиноят ишини тергов қилишда амалга оширилса, мақсад терговнинг тўлиқ ва ҳар томонлама олиб борилишига тўсқинлик қилиш ҳисобланади. Суд ишларини ҳал этишга аралашишнинг мақсади адолат қарор топишига тўсқинлик қилиш: иш бўйича судьялар (ёки судья) томонидан қонуний ва адолатли қарор қабул қилиш (ҳукм, ажрим, қарор ва ҳал қилув қарори) қабул қилиш ҳисобланади.

12. ЖК 236-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят **субъекти** – ўн олти ёшга тулган ҳар қандай ақли расо шахс.

13. ЖК 236-моддасининг 2-қисмида тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш мансабдор шахс томонидан содир этилса, оғирроқ жавобгарликни келтириб чиқариши кўрсатилган.

14. **Мансабдор шахс** деганда, ишни тергов қилиш ёки хал этишга аралашिशга бевосита ваколати бўлган шахсни тушуниш лозим. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья ҳам қоида бўйича мансабдор шахс ҳисобланади. Энг аввало, давлат мансабини эгаллаган шахслар мансабдор шахслардир. Бундан ташқари, судья мансаб ваколати билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, у билан алоқадор шахслар, масалан, судья, прокурор ёки терговчининг фарзандлари таълим олаётган мактаб директори, судья ёки унинг қариндоши яшаётган уйнинг, маҳалланинг оқсоқоли ва бошқалар ҳам мансабдор шахс деб топилади.

15. Прокурорнинг терговчи, суриштирувчига топшириқлари, шунингдек, юқори турувчи прокурорнинг қўйи турувчи прокурорга тергов қилинаётган иш бўйича кўрсатмалари жиноят-процессуал қонуни бўйича ишни тергов қилишга аралашिश деб топилмайди. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 37-моддаси доирасида тергов бўлими бошлиғининг кўрсатмалари ушбу жиноят таркибини ташкил қилмайди.

237-модда. Ёлғон хабар бериш

Ёлғон хабар бериш, яъни жиноят тўғрисида била туриб ёлғон хабар бериш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтирган ҳолда;

б) ғаразгўйлик ниятларида;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

г) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракат оғир оқибатларга сабаб бўлса, – саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** одил судлов органларининг нормал фаолияти, фуқароларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатлари ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** била туриб, жиноят содир этилгани ҳақида ёлғон хабар беришда ифодаланади.

Ёлғон хабар бериш деганда, ёзма ёки оғзаки равишда бевосита айбдор ёки бошқа шахс томонидан содир этилган, тамом бўлган жиноят ҳақидаги ёки жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги ёхуд тажовуз ҳақидаги ҳақиқатга тўғри келмайдиган хабар беришни тушуниш зарур. Одатда, бундай хабарлар жинойи иш қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган идораларга келиб тушади. Прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, солиқ органлари, давлат ҳокимияти органлари ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Ёлғон хабарда айбдор томонидан жиноятни содир этган шахс кўрсатилиши ёхуд жиноят содир этилганлиги ҳақидаги факт маълум қилиниши мумкин.

3. Била туриб ёлғон хабар бериш, оқибатларидан қатъи назар, тегишли органларга хабар қилинган пайтдан **туғалланган** ҳисобланади.

4. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Ёлғон хабар берган шахс ўзи маълум қилган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини яхши билиши лозим. Айбдор хабар қилинган ахборотни баҳолашда ҳақиқатан ҳам адашган бўлса, уни шарҳланаётган модда бўйича жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Ёлғон хабар берилишининг мотивлари ҳар хил: бир-бирини кўра олмаслик, ўч олиш, ҳасад, паразгўйлик бўлиши мумкин.

Била туриб ёлғон хабар беришдан кўзланган мақсад, аксарият ҳолларда, жиноятни содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатиш хоҳишидир.

5. Жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлади.

6. Шунингдек, ЖКнинг **237-моддаси 2-қисмида** қуйидаги ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик назарда тутилган:

- а) айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтирган ҳолда;
- б) ғаразғўйлик ниятларида;
- в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;
- г) оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этилган бўлса.

7. **Айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтириш** деганда, жиноятга алоқаси бўлган далилларнинг сохталаштирилишини (сохта гувоҳлар келтирилиши, қандайдир хужжатлар, ёзувлар, фотосуратларни сохталаштириш ва хоказоларни) тушуниш керак.

8. Агар хабар берувчи томонидан гувоҳ ёки бошқа шахснинг пора эвазига ўзига оғдириш, уни шантаж, жисмоний куч ишлатишни қўллаш таҳдиди, мулкни йўқ қилиш ва хоказолар орқали кўрсатма беришга мажбурлаш аниқланган тақдирда, у ЖКнинг 237-моддаси ва 238-моддаси 2-қисми (ёлғон гувоҳлик бериш)да назарда тутилган жиноятлар йиғиндиси бўйича жавобгарликка тортилади.

9. *(Оғир, ўта оғир жиноятлар тушунчаси ҳақида ЖКнинг 15-моддаси изоҳига қаранг).*

10. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида** оғир оқибатларга олиб келган ёлғон хабар учун жавобгарлик назарда тутилган.

Оғир оқибатлар деганда, ёлғон хабар содир этилган шахснинг рухий ҳолатининг бузилиши, ўзини ўзи ўлдириши тушунилади.

238-модда. Ёлғон гувоҳлик бериш

Ёлғон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов чориди ёки судда гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши

ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бериши, худди шунингдек таржимоннинг бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиши –

уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёхуд ишни судда кўриш чоғида ёлғон кўрсатувлар бериш учун гувоҳни ёки жабрланувчини ёки ёлғон хулоса бериш учун экспертни ёхуд нотўғри таржима қилиш учун таржимонни пора эвазига оғдириб олиш, худди шунингдек уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига рухий, психологик, жисмоний таъсир кўрсатиш ёки бошқача тарзда таъсир кўрсатиш орқали ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилиш –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

б) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг **объекти** суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг нормал фаолияти, шунингдек, фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатлари ҳисобланади.

2. ЖК 238-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув бериши, жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши, экспертнинг била туриб нотўғри хулоса бериши, таржимоннинг бир тилдан иккинчи тилга била туриб

нотўғри таржима қилиши ҳаракатларидан бири бажарилишида ифодаланади. Ушбу ҳаракатларнинг барчаси судда ёхуд суриштирув ёки дастлабки тергов даврида бажарилиши мумкин.

3. **Кўрсатув бериш** – жиноят ёхуд фуқаролик иши учун аҳамиятли бўлган ҳоллар, аниқланиши керак бўлган ҳолатлар ҳақида ахборот бериш. ЖК 238-моддасида иш юзасидан аҳамиятсиз бўлган ҳоллар (масалан, гувоҳнинг жиноят жойида пайдо бўлиши сабабларини ўзгартириши) инobatга олинмайди.

Суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида гувоҳ ёки жабрланувчи томонидан исботлаш аҳамиятига эга бўлган ҳолатларни атайин бузиб кўрсатиш **ёлғон кўрсатув бериш** ҳисобланади. Ишнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёки бузилган фактларни хабар қилиш ёхуд бўлган фактларни инкор этиш ёки ушбу фактлар ҳақида кўрсатув бермаслик ҳам ёлғон кўрсатув беришдир. (*«Гувоҳ» ва «жабрланувчи» тушунчалари ҳақида ЖКнинг 235-моддаси шарҳига қаранг*).

4. Гувоҳ ёки жабрланувчи томонидан суд мажлисида, дастлабки тергов жараёнида берган ўз кўрсатмаларини такрорлаши янги жиноят сифатида баҳоланиши мумкин эмас. **Мазкур ҳолатда содир этилган қилмиш аввалги жиноятнинг давоми** ҳисобланади.

5. Гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон хабар бериши гувоҳ ёки жабрланувчини судда, суриштирув ёки дастлабки терговда сўроқ қилиш тугаган вақтдан бошлаб (яъни, сўроқ протоколи имзоланган вақтдан бошлаб) **тамом бўлган** ҳисобланади.

6. **Эксперт** – жинoий, маъмурий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича вужудга келадиган фан, техника ва бошқа махсус масалалар бўйича хулоса бериш учун зарур билимга эга бўлган ҳар қандай шахс. У махсус билимларини ишлатган ҳолда объектив ва ҳар томонлама текширув асосида ўз номидан хулоса тузади ва тақдим этган хулосасига жавобгардир (ЖПКнинг 67-моддаси).

7. **Эксперт хулосаси** – ваколатга эга бўлган шахс томонидан текширувга тақдим этилган ҳолатнинг бирон-бир томони ҳақида махсус билимлар асосида тақдим этилган

хулоса. Хулосани фақат ваколатга эга бўлган шахс тақдим қилиши мумкин¹.

8. **Экспертнинг нотўғри хулосаси** – экспертнинг иш материалларига (ҳужжатлар, далилий ашёларга) нотўғри баҳо бериши. Шунингдек, экспертиза даврида аниқланган ҳолатлар бўйича фактларни бузиб кўрсатиш, ушбу фактларни хулосада кўрсатмаслик, нотўғри тушунтириш бериш ҳам нотўғри хулоса деб топилади.

9. **Эксперт нотўғри хулоса бериши билан жиноят тамом бўлган** ҳисобланади.

10. **Таржима** – бир тилдаги бирон-бир маълумотлар, ахборотларни бошқа тилда баён этишга қаратилган фаолият. Тил деганда, нафақат сўзлашув («товушли») тили, балки махсус билимларни талаб қилмайдиган кенг тарқалган ва қўлланадиган белгилар тили (мисол учун, карсоқовлар тили) ҳам тушунилиши мумкин (жумладан, қадимги Миср тили, қандайдир шифр).

Таржима бир тилдан бошқасига ёзма ва оғзаки, битта ёки бир неча таржимонлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Шунини таъкидлаш зарурки, била туриб нотўғри таржима қилганлик учун фақат муайян ишда таржимонлар сифатида жалб қилинган шахсларни жавобгарликка тортиш мумкин.

11. **Нотўғри таржима қилиш** ёзма ёки оғзаки нутқнинг мазмунини бир тилдан иккинчи тилга бузиб, нотўғри таржима қилишда ифодаланади. Нотўғри таржимага иш ҳолатлари бўйича маълум бир ҳолатлар бўйича сукут сақлаш ҳам киритилади.

12. Таржимон ёзма таржимани имзолаб топширган ёки оғзаки таржима бўлган тақдирда, таржима тугаганидан сўнг жиноят **тамом бўлган** ҳисобланади.

13. Жиноятнинг **субъектив томони** тўғри қасдда ифодаланади. Санаб ўтилган шахслар ўзлари бераётган кўрсатма, хулоса ёки таржима ҳақиқатга мос келмаслигини

¹ Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКга кўра, эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин (ЖПКнинг 174-моддаси 1-қисми)

англайди ва уларни нотўғри маълумот сифатида суд ёхуд одил судловни амалга оширувчи бошқа органларга беришга ҳаракат қилади.

Олдиндан билиш белгиси шарҳланаётган жазога лойиқ хулқ-атворни жазо белгиланмайдиган эҳтиётсиз қилмишдан ажратади. Бу, масалан, жабрланувчи ёки гувоҳнинг эсдан чиққани, чалғигани туфайли ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатма бериши ёхуд билимсиз эксперт ёки таржимоннинг нотўғри хулоса ёхуд таржимаси бўлиши мумкин. Жиноятнинг мотиви (ғаразли, ўч олиш, шахсий салбий муносабатлар) қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

14. Жиноятнинг **субъекти** махсус бўлиб, конун бўйича ишда гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ёки таржимон сифатида қатнашиши мумкин бўлган шахс ҳисобланади.

15. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисми** қуйидаги қилмишларни содир этганлик учун жавобгарликни белгилайди:

а) ёлғон гувоҳлик бериш учун пора эвазига оғдириб олиш;

б) гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ёки таржимонга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш орқали ёлғон кўрсатма беришга мажбур қилиш.

16. **Пора эвазига оғдириб олиш** – бу ёлғон гувоҳлик бериш эвазига айбдорларнинг шахсан ўзига ёки воситачилари орқали кўрсатилган шахсларга пул, қимматли қороз, бошқа мулк бериш ёки мулкий характерда бўлган хизматларни, ишни дастлабки терговда ёки суд мажлисида кўриш вақтида ёлғон гувоҳлик бериш учун бажаришда ифодаланади.

Жинсий алоқага киришишга таклиф қилиш поранинг предмети бўла олмайди. Мулкий характерда бўлмаган манфаат ва фойдали хизматларни бажариш (ишга жойлаштириш ва бошқалар) мазкур жиноят таркибини ташкил қилмайди.

17. Айбдорларнинг шахсан ўзига ёки воситачилари орқали кўрсатилган шахсларга пул, қимматли қороз, бошқа мулк бериш ёки мулкий характерда бўлган хизматларнинг берилиши билан жиноят **тамом бўлган** ҳисобланади.

18. **ЖКнинг 238-моддаси 2-қисми** билан ёлғон гувоҳлик беришга руҳий, жисмоний, психологик зўрлик ишлатиш билан кўрқитган шахс жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин.

19. **Рухий тазйиқ ва психологик таъсир ўтказиш** айбдор томонидан шарҳланаётган жиноятнинг содир этилишини соғлиқ ёки мулкка зарар етказиш билан қўрқитиш орқали талаб қилишда ифодаланади.

Рухий тазйиқ ўтказиб ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қилиш, айбдор томонидан белгиланган оқибатдан қатъи назар, зўрлик ишлатиш намоён қилинган пайтдан **туғалланган** ҳисобланади.

20. **Жисмоний тазйиқ ўтказиш** жабрланувчини уриш орқали унга енгил тан жароҳат етказишда ифодаланади. Жабрланувчига ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилганда айбдорнинг қилмиши соғлиқка зарар етказганлик учун жинойий жавобгарлик белгиланган моддаларга асосан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак (ЖКнинг 104, 105-моддалари). Ўлдириш билан қўрқитиш ёлғон гувоҳлик бериш билан бирга жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак (ЖКнинг 112 ва 238-моддалари).

21. **Субъектив томондан** жиноят айбнинг тўғри қасд шаклида намоён бўлади. Уни амалга ошириш мотиви турли хил бўлиши мумкин, лекин улар жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

22. ЖКнинг 238-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тулган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

23. Шарҳланаётган **модданинг 3-қисми**да уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда (*уюшган гуруҳ манфаатлари тушунчаси ҳақида ЖКнинг 164-моддасининг шарҳига қаранг*) ёхуд оғир ва ўта оғир жиноятни содир этишда айблашда (*оғир ва ўта оғир жиноятлар тушунчаси ҳақида ЖКнинг 15-моддасининг шарҳига қаранг*) ёлғон гувоҳлик бериш учун жавобгарлик назарда тутилган.



239-модда. Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш

Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шархланаётган модданинг **объектини** ишни тулик, ҳар томонлама ва ҳолисона тергов қилишга, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга қаратилган дастлабки тергов ва суриштирув органларининг нормал фаолият юритишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек тергов маълумотлари ошкор қилинганда дастлабки терговда иштирок этаётган шахсларнинг бузилиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

2. **Объектив томондан** дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш кўриляётган иш шарт-шароитларини жабрланувчи, гувоҳ, химоячи ёки бошқа терговчи, суриштирувчи ёки прокурор томонидан бундай маълумотни унинг рухсатисиз ошкор қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида огохлантирилган бошқа шахс томонидан учинчи шахсларга оғзаки ёки ёзма равишда узатилишида ифодаланади.

3. **Ошкор қилиш** деганда, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор розилигисиз дастлабки тергов маълумотларини, уларни ошкор қилмаслиги лозим бўлган шахслар томонидан бошқа шахсларга (шу жумладан, ишда иштирок этувчи шахсларга) етказиш орқали ошкор қилиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ (ЖПК 353-моддаси), терговчи жиноят иши-

даги барча маълумотларни ёки унинг муайян қисмидаги маълумотларни ошкор қилинмайдиган маълумотлар сифтида эътироф этишга ҳақли. Ана шу асосда у тергов ҳаракатларида иштирок этаётган ёки тергов ҳаракатларини бажаришда ҳозир бўлган ёхуд тергов материаллари билан танишаётган шахслардан уларнинг зиммасига ишда мавжуд бўлган маълумотларни унинг рухсатисиз ошкор қилмаслик туғрисида мажбурият юклатилгани ҳақида тилхат олиши мумкин.

4. Ишдаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти гумон қилинувчи ва айбланувчи зиммасига юкланиши мумкин эмас.

Ҳимоячининг ишдаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти унинг гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан бўладиган суҳбатига тааллуқли эмас.

Суриштирув ва дастлабки тергов маълумотлари айблов ҳулосаси судда эълон қилиниши, яъни суд очик бўлган тақдирда, суд тергови бошлангунга қадар ошкор қилиниши мумкин эмас. Ёпиқ суд иш юритуви олиб борилган ҳолларда мазкур маълумотлар ҳукм эълон қилингунга қадар ошкор қилиниши мумкин.

5. Шарҳланаётган жиноят тегишли ахборотни учинчи шахсга терговчи, прокурор ёки суриштирувчи рухсатисиз берилгандан тугалланган ҳисобланади.

6. **Субъектив томондан** жиноят туғри қасддан ёки эгри қасддан содир этилиши мумкин. Бу жиноят асоси – ўзининг хабардорлиги билан мақтаниш, ғаразли ёки бошқа шахсий манфаатлар бўлиши мумкин, улар квалификация қилишга таъсир этмайди.

7. Жиноятнинг **субъекти** – ун олти ёшга тўлган ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантирилган шахс.



240-модда. Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши

Терговга қадар текширув, суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов вақтида ёки судда гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатув беришни ёхуд экспертнинг хулоса беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтиш соатгача мажбурий жамоат ишлари билан жазоланади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари гувоҳлик кўрсатуви беришни рад этганлиги ёки бундан бўйин товланганлиги учун, шунингдек гувоҳ ўзига қарши кўрсатув беришни рад этганда жавобгарликка тортилмайдилар.

Ш А Р Х

1. Суриштирув, дастлабки тергов ва суд идораларининг нормал фаолияти, шу билан бирга фуқаролар манфаати жиноятнинг **объекти** ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят гувоҳ ёки жабрланувчининг терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ёки судда гувоҳлик беришдан ё бўлмаса экспертнинг хулоса беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлашидан иборат бўлади.

3. ЖПКнинг 117-моддасига мувофиқ, гувоҳ ёки жабрланувчининг шахси аниқланганидан сўнг унга процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиб, кўрсатув беришдан бош тортиш ёки ёлғон кўрсатув бериш учун жиноий жавобгарлик туғрисида огохлантирилади.

Кўрсатив беришдан бош тортиш ишни дастлабки ҳал қилишда аҳамиятга эга бўлган маълумотлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи томонидан хабар бермасликда ифодаланади. «Суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан аниқланаётган ҳолатлар ўзида давлат сирини ёки касб сирини ёхуд гумон

қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёхуд бошқа шахслар ҳаётининг сир тутиладиган томонларини ақс эттирганлигини баҳона қилиб, гувоҳ ва жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортишга ҳақли эмас» (ЖПКнинг 118-моддаси).

Жиноят процессининг тегишли иштирокчиси томонидан кўрсатув бериш ёки хулоса беришдан бош тортиш оғзаки ёки ёзма равишда судда ёки дастлабки тергов давомида берилиши мумкин.

Гувоҳ ёки жабрланувчининг аввал берган кўрсатувларидан суд мажлисида бош тортиши ЖКнинг 240-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин эмас.

Гувоҳ, жабрланувчининг кўрсатма беришдан бўйин товлаши деганда, кўрсатма беришдан бош тортиш мақсадида бирон-бир узрсиз сабабларни излаб топиш тушунилади (ўзини касал қилиб кўрсатиш, оғир онлавий аҳволини важ қилиш ва ҳоказо).

Экспертнинг хулоса беришдан бўйин товлаши деганда, ўз малакаси пастлиги, ўзини ёмон сезаётганлиги, ачиниш ҳиссини келтириб чиқариш истаги кабилар тушунилади.

4. Шарҳланаётган жиноят рад этиш ҳақида ариза ёки кўрсатув беришдан сабабсиз бўйин товлаш пайтидан **тугалланган** ҳисобланади.

5. Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органи ёки судга гувоҳ, жабрланувчи ёки эксперт сифатида чақирилган ун олти ёшга тулган шахслар жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

6. **Жиноят кодекси 240-моддасининг 2-қисмига** мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари гувоҳлик кўрсатуви беришни рад этганлиги ёки бундан бўйин товлаганлиги учун, шунингдек гувоҳ ўзига қарши кўрсатув беришни рад этганда жавобгарликка тортилмайдилар.



241-модда. **Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш**

Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаслик –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яшириш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг **объекти** – мазмуни одил судловни амалга оширадиган суд, прокуратура, дастлабки тергов ёки суриштирув идораларининг бир меъёردаги фаолиятдан иборат бўлган ижтимоий муносабатлар.

2. ЖКнинг 241-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** ҳаракатсизлик шаклига эга. Ҳаракатсизлик тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноятлар тўғрисида хабар бермасликдир.

3. **Хабар бермаслик** – ҳуқуни муҳофаза қилувчи органларга тегишли шахслар томонидан оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этишга тайёргарлик кўрилаётганлиги ёки тамом бўлган жиноят ҳақида бирор ҳолатларга кўра унга аниқ маълум бўлган шахс томонидан маълумот бермасликдир.

4. **Тайёрланаётган жиноят** – бу ижтимоий хавфли бўлган қилмишни содир этишни тайёрлашга қаратилган ҳаракатлар. Жиноятга тайёргарлик кўриш зарур қурол,

портловчи моддалар, вазиятни ўрганиш, иштирокчиларни қидириш ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин. (*Жиноятга тайёргарлик кўриш ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 25-моддаси шарҳига қаранг*).

5. **Содир этилган жиноят** – жиноятнинг тугалланган таркибини ташкил қилувчи ҳаракатлар. Содир этилган жиноят каби, жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам шарҳланаётган модда доирасида кўриб чиқилиши керак. (*Жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 25-моддаси шарҳига қаранг*).

6. Тайёрланаётгани аниқ маълум бўлган ёки содир этилган жиноят ҳақида айбланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва судга хабар бермаган ҳолдагина хабар бермасликни тан олиш мумкин. Бундай органларга хабар бериш ёзма ёки оғзаки; шахсан ёки воситачи орқали; аноним ёки очик тарзда амалга оширилиши мумкин, хабар беришнинг шакли ва тури аҳамиятга эга эмас.

7. Мазкур модда бўйича жавобгарлик юзага келишининг муҳим шарти – маълумотлар айбдорга аниқ маълум бўлиши лозимлиги.

Аниқ маълумотлар деб, шахсда уларнинг ҳақиқийлигига ишонч туғдирадиган характерли манбалардан олинган маълумотлар ҳисобланади.

8. Қонунда шахс унга маълум бўлган, тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида маълумот бериши муддати кўрсатилмаган. Бундай муддат деб шахсга жиноят ҳақида маълум бўлганидан кейинги энг қисқа муддат тан олинади. Шу муддат мобайнида шахс тегишли органларга бу ҳақда маълумот бериш имкониятига эга бўлиши лозим.

9. Хабар бермаслик факти, вужудга келган оқибатларга қарамасдан, **тугалланган** жиноятни ташкил қилади.

10. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор унга қонун томонидан юклатилган бурчини – аниқ маълум бўлган, тайёрланаётган, содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида хабар беришни – бажармаётганлигини билади ва шуни хоҳлайди. Ушбу жиноятнинг

содир этилиш сабаблари турли бўлиши мумкин: бошқаларнинг ишига «аралашини» хоҳламаслик; тахмин қилинган тажовуздан қўрқиш, ғаразгўйлик ва ҳоказо. Аммо улар қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди, бироқ суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олинishi мумкин.

11. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин. Ўз хизмат вазифаларига кўра ўзларига маълум бўлган, тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятлар ҳақида хабар беришга мажбур бўлган ва улар ҳақида хабар бермаётган мансабдор шахслар мансаб совуққонлиги ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги учун жавобгарликка тортилади.

12. **ЖКнинг 241-моддаси 2-қисми** оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яшириш учун жавобгарликни назарда тутди.

Яшириш **объектив томондан** айбланувчи жиноятчини, унинг жинояти изларини, оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этишдаги восита ва қурол-яроғини ёхуд оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этиш натижасида олинган буюм ва қимматбаҳо нарсаларни беркитишда ифодаланиши мумкин.

Жиноятчини яшириш – бу унга бошпана, транспорт воситалари бериш, қалбаки ҳужжатлар билан таъминлаш, ташқи киёфасини ўзгартиришда ёрдам бериш.

Жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини яшириш – жиноят содир этилган қурол ва бошқа нарсаларни яшириш, беркитиш ёки уларни йўқ қилиш ёки ўзгартириш.

Жиноят изларини ёки жиноят йўли билан олинган нарсаларни яшириш уларни беркитиш, бошқа жойга олиб бориш, йўқ қилиш ташқи кўринишини ўзгартириш, завод тамғаси, детал номерини қалбакилаштириш йўли билан амалга оширилади.

13. **ЖКнинг 241-моддаси 2-қисмида** олдиндан ваъда бермасдан жиноятларни яшириш учун жавобгарлик назарда тутилган. Агар бу ҳаракатлар бажарувчига олдиндан ёки жиноят содир этиш вақтида ваъда бериши ёхуд бошқа сабабларга кўра (масалан, уларни мунтазам равишда бажарилиши натижасида) бажарувчи унга ишонч

ҳосил қилишига асос берадиган бўлса, жиноятни яшириш иштирокчилик деб топилади.

14. **ЖКнинг 241-моддаси 2-қисмида** назарда тутилган жиноят оғир ёки ўта оғир жиноятни яширишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни содир этган вақтдан бошлаб **туғалланган** деб топилади.

15. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан тавсифланади. Шахс оғир ёки ўта оғир жиноятни яшираётганини билади ва буни хоҳлайди.

Жиноятнинг мотиви турлича (ғаразғўйлик, жиноятчидан кўркиш, одил судлов органларидан ўч олиш, яширилаётган шахс билан қариндошлик, яқин дўстлик муносабатлари ва ҳоказолар) бўлиши мумкин.

Яшириш мақсади ва мотиви жиноят таркиби чегарасидан ташқарида бўлади ва суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

16. Ўн олти ёшга тулган ҳар қандай ақли расо шахс яшириш субъекти бўлиши мумкин.

17. ЖКнинг 31-моддаси таъсири остида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари шарҳланаётган жиноят таркибининг субъектлари бўлмайдилар.

(Яқин қариндошлар тушунчаси ҳақида Жиноят кодекси Махсус қисми VIII бўлимига қаранг).

241¹-модда. Жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириши, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) такроран содир этилган бўлса;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса;

в) оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Аризалар, хабарлар ва жиноят ҳақидаги бошқа маълумотлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, уларда мавжуд бўлган маълумотларни текшириш бўйича фаолиятни ва жиноят ишини кўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилишнинг асосини ташкил қилади. Жиноятни ҳисобга олишдан яшириш эса, уни очишга тўсқинлик қилади, фуқароларни одил судловга бўлган ҳуқуқини чеклайди, унга бўлган ишончсизликни келтириб чиқаради ва айбдорларнинг жавобгарликдан қочишига шароит яратади.

2. Жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш **жиноятининг объекти** – одил судловни амалга оширадиган суд, прокуратура, дастлабки тергов ёки суриштирув идораларининг аризалар, хабарлар ва жиноят содир этилганлиги ҳақидаги бошқа маълумотларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг жиноят-процессуал қонунчилиги билан белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек ижтимоий қадриятларни жинойи тажовузлардан ҳимоя қилиш бўйича фуқароларнинг манфаатларини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир.

3. Аризалар (шахсларнинг аризалари ва айбни бўйнига олиш тўғрисидаги аризалар), хабарлар (корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари) ва жиноят ишини кўзғатиши мумкин бўлган орган ёки мансабдор шахс томонидан бевосита аниқланган бошқа маълумотлар **жиноят предмети** ҳисобланади.

Жиноят ҳақидаги аризалар оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин, ёзма ариза аризачи томонидан имзоланган бўлиши шарт. Оғзаки ариза протоколда мустаҳкамланади.

Корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг жиноят ҳақидаги хабарлари хизмат хати ёки тасдиқланган телефонограмма шаклида бўлиши керак. Бунда ҳужжатни жунатувчи шахсда мавжуд бўлган, жиноят содир этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари хабарлари – бу нашриёт, радио ва телевидениеда, ҳужжатли фильмларда, шунингдек оммавий ахборот воситаларига йуналтирилган нашр қилинмаган корреспонденциялардаги аниқ жиноятлар ҳақидаги хабарлар.

4. ЖПКнинг 328-моддасига мувофиқ, жиноят ҳақидаги маълумотларни бевосита олиш қуйидаги ҳолларда:

– маъмурий функцияларини бажариш вақтида ёки бошқа жиноят бўйича суриштирувни амалга ошириш вақтида жиноят ҳақидаги маълумотга эга бўлганда;

– терговчи бошқа жиноят бўйича дастлабки терговни амалга ошириш вақтида жиноят ҳақида маълумотга эга бўлганда;

– прокурор қонунлар ижроси бўйича фаолиятини амалга ошираётган ёки бошқа жиноят бўйича дастлабки терговни амалга ошириш вақтида жиноят ҳақида маълумотга эга бўлганда;

– судья маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритиш вақтида жиноят ҳақида маълумот олганда;

– суд фуқаролик иши ёки бошқа жиноят бўйича иш юритиш давомида жиноят ҳақида маълумот олганда жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўлиши мумкин.

5. **Шарҳланаётган жиноятнинг объектив томони** аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифасига кирадиган мансабдор шахс томонидан жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яширишидан иборат.

ЖПКнинг 329-моддаси 1-қисмига мувофиқ жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар зудлик билан ҳисобга олинishi ва ҳал қилинishi лозим, лозим бўлган вақтларда эса, бевосита ёки суриштирув органлари ёрдамида ўн кундан кўп бўлмаган муддат ичида жиноят ишини қўзғатиш учун асосларнинг етарлилиги ва қонунийлигини текширишлари шарт. Бу муддат жиноят ҳақидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни олган вақтдан бошлаб жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёхуд терговолди текшируви материалларини ЖПКнинг 587-моддасига мувофиқ прокурорга юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинганга қадар ҳисобланади.

Алоҳида ҳолларда ЖПКнинг 329-моддаси 3-қисмига кўра терговолди текшируви муддати, суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарори асосида қуйидаги ҳолларда:

- узоқ муддатни талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, ҳужжатлар тафтиши ёки бошқача текширув тайинланганда;

- узоқ жойлардаги ёки чақирув бўйича келишдан бўйин товлайётган шахслардан тушунтириш хати олиш лозим бўлганда;

- қўшимча текширув ўтказилиши лозим бўлган янги ҳолатлар аниқланиб, уларни текширмасдан қарор қабул қилиш мумкин бўлмаганда;

- етказилган моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш ва (ёки) жиноят оқибатларини бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган муддат ўтмаганда прокурор томонидан бир ойгача муддатга узайтирилиши мумкин.

6. Шарҳланаётган жиноят айбдор томонидан жиноят тўғрисидаги аризани (хабарни) олишдан бош тортгандан ёки жиноят ҳақидаги (бевосита аниқланган) маълумотларни эътиборсиз қолдирган вақтдан ёхуд кўрсатилган ҳужжатларни (маълумотларни) ҳисобга олишнинг қонунда белгиланган муддатлари ўтиб кетган вақтдан бошлаб **тамом бўлган** ҳисобланади.

7. **Субъектив томондан** жиноят қасд билан содир этилади. Айбдор ўз қилмишининг жинойийлигини олдиндан билади ва жиноятни ҳисобга олишдан яширишни

истайди. Бунда субъект яъраъз ниятлар, бирор шахсдан ўч олиш, айбдор шахсни жавобгар қилмаслик, манфаатдор шахсларнинг топшириғини тўғридан-тўғри ёки яширин равишда бажариш ва ҳ.к. манфаатларни кўзлаши мумкин. Қандай бўлмасин, мотив ва мақсад, мазкур модданинг зарурий белгиси ҳисобланмайди.

Жиноятни ҳисобга олиш эҳтиётсизлик натижасида юзага келса, бунда айбдор бўлган мансабдор шахс, ишнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда, ЖКнинг 207-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

8. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахсдир.

Ўшбу модда ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суниестемол қилишнинг (ЖКнинг 205-моддаси) бир шакли ҳисобланади. Бу жиноятларнинг таркиби умумий ва махсус нормалар сифатида алоқадор, шунинг учун жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш қўшимча равишда ЖКнинг 205-моддаси билан квалификация қилишни талаб қилмайди. Жиноятни ҳисобга олишдан яшириш вақтида унинг хизмат ваколатидан келиб чиқадиган бошқа жиноят содир этгандагина жиноятлар мажмуи бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса ёки оғир оқибатларга олиб келган тақдирда жавобгарлик назарда тутилган.

Такроран жиноятни содир этишнинг тушунчасини ЖК 32-моддаси (Такроран жиноятни содир этиш) шарҳига қаранг.

Бир гуруҳ шахслар деганда жиноят содир этилишида кўриб чиқилаётган модданинг субъектлари бўлмиш икки ва ундан ортиқ шахсларнинг иштирокини тушуниш лозим.

Ҳисобга олишдан қасддан яширишнинг **оғир оқибатлари** деб жиной қилмишлари яширинган шахс томонидан қайта жиноят содир этилишини тушуниш лозим.



Олтинчи бўлим. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

ХVII боб. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

242-модда. Жиноий уюшма ташкил этиш

Жиноий уюшма ташкил этиш, яъни жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият –

ун беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уюшган қуролли гуруҳ тузиш, шунингдек унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш –

ун йилдан ун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** – жамоат хавфсизлиги, тартиби, ҳокимият органларининг бир меъёردа фаолият кўрсатиши.

Жамоат хавфсизлиги – бу жамият ҳаётининг хавфсиз шароитларидир, яъни фуқароларнинг дахлсизлиги, ҳаёти ва соғлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатлари, ҳар қандай давлат ва жамоат тузилмаларининг нормал фаолияти ва ҳ.к.ларни таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

2. **ЖКнинг 242-моддаси 1-қисмида** назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** жиноий уюшма ташкил қилиш, яъни жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолиятда намоён бўлади.

3. ЖК 29-моддасининг 5-қисмига мувофиқ, икки ёки undan ортиқ уюшган гуруҳнинг жинойи фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши **жинойи уюшма** деб топилади.

Жинойи уюшманинг белгилари қуйидагилар ҳисобланади:

- унинг аъзоларининг турғунлиги ва ҳамжихатлиги;
- умумий жинойи қасд асосида бирлашганлиги;
- иерархик тузилма (раҳбарлар, оддий ижрочилар мавжудлиги, аъзолар ўртасида мажбурият ва вазифалар тақсимланганлиги);

- икки ёки undan ортиқ шахс жинойи фаолиятни амалга ошириш учун бирлашган уюшган гуруҳдан фарқли ўларок, жинойи уюшмада бир нечта уюшган гуруҳлар бирлашади. Уюшган жинойи гуруҳ жинойи уюшманинг таркибий бўлиמידир. (*Жинойи уюшма белгилари ҳақида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг*).

Уюшган жиноятчилик – бу иерархик ташкилий тузилиши, аниқ жиноят асосида (бандитлик, конституцияга қарши, контрабанда-валюта, миллий ва ҳоказо) жипслашганлиги, конспирация ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ҳимояланишнинг йўлга қўйилган тизими, коррупциялашганлик, жинойи фаолият миқёсининг кенглиги, шу жумладан хорижга чиқа олиш ва халқаро жинойи уюшмалар билан алоқаси орқали ажралиб турувчи турғун жинойи уюшмаларнинг фаолияти.

4. **Объектив томондан ЖК 242-моддасининг 1-қисмида** жавобгарликни назарда тутувчи жинойи уюшма ташкил этиш жинояти қуйидагиларда ифодаланеди:

- жиноятлар содир этиш учун жинойи уюшмани ташкил этиш;

- шундай уюшма ёки унинг таркибига кирадиган тузилмаларга раҳбарлик қилиш;

- жинойи уюшма мавжуд бўлиши ва иш олиб боришини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга ошириш.

5. **Жинойи уюшма ташкил этиш** унга аъзоларни жалб қилиш, жинойи мақсадларни аниқлаш, алоҳида вазиятларда уюшмада аъзоликни формал равишда содиқликка қасам ичиш йўли билан тасдиқлашни назарда тутеди.

6. **Жиноий уюшма ёки унинг таркибий бўлим-ларига раҳбарлик қилиш** жиноий фаолиятнинг умумий режаларини ёки алоҳида жиноят режаларини тузишдан, уюшма тузилмалари ўртасида мажбуриятларни тақсимлашдан, жиноий тажовуз объектларини аниқлашдан, оддий аъзоларга кўрсатма ва вазифалар беришдан иборат.

7. **Жиноий уюшманинг мавжуд бўлиши ва вазифаларининг бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга ошириш** жиноий уюшма аъзоларини моддий таъминлашда, жиноий уюшмага ҳар қандай ёрдам кўрсатишда, масалан, транспорт воситаларини беришда, қалбаки ҳужжатлар, техник воситалар билан таъминлашда, жиноий фаолият натижасида олган молиявий маблағларни легаллаштиришда ва умуман, жиноий уюшма ёки унинг тузилмаларининг турғун мавжуд бўлиши, вазифаларини хавфсиз ва доимий бажариши учун шарт-шароит яратишда ифода этилиши мумкин.

8. **Жиноий уюшмани ёки унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга ошириш, уюшма ўз жиноий фаолиятини амалга оширганлиги ёки оширмаганлигига қарамасдан тугалланган жиноят ҳисобланади.**

9. ЖК 242-моддасининг 1-қисмида жавобгарликни назарда тутувчи жиноят **субъектив томондан турғи қасд шаклидаги айб билан тавсифланади.** Айбдор жиноий уюшмани ташкил қилаётганлиги ёки унга раҳбарлик қилаётганлигини биледи ва бундай фаолиятни жиноий уюшма мавжуд бўлиши ва иш олиб боришини таъминлаш мақсадида амалга оширишни давом эттиришни хоҳлайди.

Жиноий уюшма ташкил этишдан мақсад жиноятларни амалга оширишдир.

Жиноий уюшма ёки унинг бўлинмаларига раҳбарлик қилиш мақсади мазкур ташкилотнинг қовушганлиги ва турғунлигини таъминлаш, аъзолар ўртасида мажбуриятларни аниқ тақсимлаш ва ҳоказолар ҳисобланади.

Жиноий уюшманинг мавжуд бўлиши ва иш олиб боришини таъминлашдан мақсад шундай ташкилотга

ёрдам бериш ва унинг жинойий фаолиятида иштирок этиш ҳисобланади.

Жиноятнинг мотивлари турлича бўлиши мумкин, аксарият ҳолларда бу моддий даромад ва фойда олишга интилишдир.

Жиноятни квалификация қилиш учун мотив ва мақсад аҳамиятга эга эмас.

10. Жиноят кодекси 242-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъектлари** ун олти ёшга тулган ақли расо шахслар бўлиши мумкин. Улар жинойий уюшма ташкилотчилари, жинойий уюшма таркибидаги бўлинмалар раҳбарлари ёки уюшманинг мавжуд бўлиши ва иш олиб боришини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга ошираётган бошқа шахслар ҳисобланади.

Жинойий уюшма ташкилотчиси мазкур уюшманинг бошқа аъзолари содир этган жиноятлар учун жавобгардирлар, эксцесс бажарувчилик бундан мустасно. Жинойий уюшманинг оддий иштирокчилари улар айбдор деб топилган аниқ жиноятлар учун жавобгардирлар.

Агар жинойий уюшмани ташкил этиш ёки унга раҳбарлик қилиш ёхуд унинг мавжуд бўлиши ва иш олиб боришини таъминлашга қаратилган фаолиятда иштирок этиш учун 14 дан 16 ёшгача бўлган шахслар жалб этилган бўлса, уларнинг ҳаракатларини жиноятнинг аниқ таркиби белгилари мавжуд бўлганда, Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосланиб квалификация қилиш лозим.

11. **ЖК 242-моддасининг 2-қисмида** назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** уюшган қуролли гуруҳ тузиш, шунингдек, унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш ҳисобланади.

Уюшган қуролли гуруҳ икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жинойий фаолият олиб бориш учун олдиндан қуролга эга бўлган гуруҳга бирлашишини назарда тутлади. (*Уюшган гуруҳ тушунчаси ва белгилари ҳақида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг*).

ЖК 29-моддасининг 4-қисмига мувофиқ, икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жинойий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.

12. Уюшган гурухни фарқловчи белгиларидан бири сифатида бундай гурухнинг турғунлиги тан олинади.

Гурух турғунлиги деганда, гурух аъзолари ўртасида доимий алоқалар мавжудлиги, гурух аъзоларининг аниқ вазибаларга эгалиги, улар ўртасида ролларнинг аниқ тақсимланиши тушунилади.

Гурухнинг турғунлиги хақида қуйидаги белгилар гувоҳлик беради: таркибининг доимийлиги, аъзолар ўртасидаги узвий, ўзаро боғлиқлик, уларнинг ҳаракати мувофиқлаштирилганлиги, жинойий фаолият шакл ва услубларининг доимийлиги, унинг узоқ муддат мавжудлиги, содир этилган жиноятлар сони.

Жинойий гурухнинг турғунлиги бутун жинойий фаолиятни режалаштиришда, қаттиқ интизом, иерархик тузилмага мувофиқ, сўзсиз бўйсунушда намоён бўладиган юқори даражада уюшганлигини назарда тутаяди.

Жинойий фаолият гурух томонидан бир қатор ноаниқ жинойий қилмишларни амалга оширишни назарда тутаяди.

13. **Қуролланган гурух** деганда, гуруҳда қурол мавжудлигини тушуниш лозим.

Қурол ўқотар ёки совуқ қурол бўлиши мумкин. *(Ўқотар ва совуқ қурол тушунчаси ҳақида ЖКнинг 164, 247-моддалари шарҳига қаранг).*

Гурух жанговар қурол ёки портловчи моддалардан фойдаланганда ҳам уни **қуролланган** деб тан олиш лозим.

Қуролланганлик белгисини аниқлаш учун гурух аъзоларидан ҳеч бўлмаганда биттасида бир дона бўлса-да ишлатишга яроқли қурол мавжудлигини (бунда гурухнинг бошқа аъзоларига бу ҳақда маълум бўлиши керак) аниқлаш лозим.

Ишлатишга яроқсиз қуролни, масалан, тепкиси арралаб ташланган пистолетни ёки қуролга ўхшаш буюмларнинг (автомат ёки пистолетнинг ёрочдан ясалган модели) мавжудлиги қуролланиш деб тан олинмайди. Бундай ҳолатларда жинойий гурух ЖКнинг 242-моддаси 2-қисми бўйича эмас, балки яроқсиз қурол ёки уларнинг имитацияси ишлатилган босқинчилик ёки бошқа жиноят учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

14. Уюшган қуролли гуруҳ тузиш ва унга раҳбарлик қилиш тушунчалари жинойий уюшма тузиш ва унга раҳбарлик қилиш тушунчаларига мос келади.

15. Уюшган қуролли гуруҳ фаолиятида иштирок этиш нафақат қуролланган гуруҳ амалга ошираётган ҳужумларда бевосита қатнашишда, балки уюшган қуролланган гуруҳ манфаатлари йўлида бошқа ҳаракатларни бажаришда: молиялаштириш, қурол билан таъминлаш, ҳужум учун объектларни топиш (мўлжалга олиш), транспорт билан таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа органларнинг порахўр ходимлари билан алоқа ўрнатишда ҳам ифодаланади.

Уюшган қуролли гуруҳ амалга ошираётган ҳужумларда иштирок этган деб, гуруҳнинг «доимий» аъзоси бўлмаган ва гуруҳ содир этаётган жиноятда иштирок этаётганлигини англаган шахснинг қуролланган гуруҳнинг ҳеч бўлмаса битта ҳужумида бевосита иштироки тушунилади.

Уюшган қуролли гуруҳ тузиш ёки раҳбарлик гуруҳ томонидан қандайдир жиноятлар содир этилганлигига қарамасдан ёки уюшган қуролли гуруҳга аъзо бўлишга розилик бериш вақтидан **туғалланган** жиноят ҳисобланади.

16. Уюшган қуролли гуруҳ таркибига кирмаган ва ушбу гуруҳ содир этган ҳужумларда иштирок этмаган, ammo гуруҳга ёки унинг алоҳида аъзоларига жинойий фаолиятда кўмаклашган шахслар ҳаракати тегишли жиноятлардаги иштирокчилик деб топилади. Масалан, уюшган қуролли гуруҳга кўмаклашиш қурол сотиш, транспорт билан таъминлаш, ҳужум объектини курсатишда ифодаланиши мумкин.

Уюшган гуруҳ таркибида қуролланган ҳужумни амалга оширишга даъват қилиш уюшган гуруҳ аъзоларини аниқ муассаса ёки аниқ шахсларга ҳужум қилишга тортишда ифодаланиши мумкин.

17. ЖКнинг 242-моддаси 2-қисмида жавобгарлик кўзда тутилган жиноятнинг **субъектив томони** тўғри қасд билан тавсифланади. Субъект уюшган қуролли гуруҳни ташкил этганини ёки бундай гуруҳ таркибига раҳбар ёки иштирокчи сифатида кирганини тушунади ва буни хоҳлайди.

18. Шархланаётган жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тулган акли расо шахс бўлиши мумкин. Уюшган қуролли гуруҳ таркибига кирган ёки гуруҳ амалга оширган хужумларда иштирок этган 13 ёшдан 16 ёшгача бўлган баловатга етмаганлар Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаларида кўрсатилган аниқ содир этилган жиноятлари учун жавобгарликка тортиладилар (масалан, бу қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, босқинчилик ва ҳоказо бўлиши мумкин).

Уюшган қуролли гуруҳ тузишда айбдор ва бошқа аниқ жиноятларни содир этган шахсларнинг ҳаракатлари мазкур модда билан қамраб олинади ва Жиноят кодексининг бошқа моддалари бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

243-модда. **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш, —

беш йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шархланаётган жиноятнинг **объекти** республика иқтисодий фаолияти, жамоат ҳавфсизлиги ҳисобланади.

Жиноятнинг предмети айбдорнинг жинойий фаолияти натижасида олинган пул маблағлари ёки бошқа мулк ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят жинойий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштиришда, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) келиб чиқишига турли восита ва услублар билан қонуний тус беришда¹ ифодаланади. Шарҳланаётган модда қондаларига мувофиқ, ошкорлаштириш қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

- жинойий фаолият натижасида олинган мулкни ўтказиш;
- мулкка айлантириш;
- алмаштириш;
- жинойий фаолият натижасида олинган мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, ташилиш усулини, мулкка нисбатан ҳақиқий эгалик ҳуқуқининг ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёки сир сақлаш.

3. **Жинойий фаолиятдан олинган даромад** деганда, шахс жиноят содир этиш натижасида, масалан: контрабанда, наркотик моддалар, қурол билан савдо қилиш, райриқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб олган даромад тушунилади.

4. **Ўтказиш** деганда, жинойий фаолиятдан олинган пул маблағлари билан банкларда қандайдир молиявий операцияларни амалга ошириш тушунилади.

5. **Айлантириш** деганда, ҳар қандай фуқаро ҳуқуқий битим: олди-сотди битимини, алмашиш, ҳадя ва ҳоказо битимларни тузиш ёки жинойий фаолият натижасида олинган даромадларни қонуний тадбиркорлик ёки бошқа ишлаб чиқариш тузилмасини ташкил қилиш ёки иш олиб боришига сарфлаш тушунилади.

6. **Алмаштириш** деганда, сўмнинг ҳар қандай хорижий валютага конвертацияси тушунилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги 660–Ў-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда.

Жиноят шарҳланаётган модданинг диспозициясида қайд этилган ҳар қандай ҳаракат амалга оширилган вақтдан **туғалланган** ҳисобланади.

7. Шарҳланаётган модда молиявий операциялар ўтказиш орқали содир этилган даромадларни легаллаштириш шахс жиноий йўл билан топилган пул маблағларидан товарлар учун ҳисоб-китоб қилишда ёки майдалашда фойдаланган ёхуд пул маблағларини ўтказиш ва ҳ.к. ҳақида банкка фармойиш тақдим этган (берган) вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

Даромадларни легаллаштириш битим тузиш орқали амалга оширилган ҳолларда, жиноят айбдор шахс томонидан битим натижасида вужудга келган мажбуриятларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисми бажарилган ёки ҳуқуқларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмидан фойдаланган пайтдан (масалан, айбдор томонидан шартнома бўйича бошқа тарафга легаллаштирилаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни, битим бўйича мажбуриятни бошқа тараф бажарганлигидан қатъий назар, топширилган пайтдан) бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

Агар жиноий йўл билан топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишига қонуний тус бериш мақсадида, мулк билан фақат номигагина битим тузилган бўлиб, амалда у бўйича мулкни ўтказиш ёки хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) назарда тутилмаган бўлса, ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноят айбдор ва бошқа шахс ўртасида шартнома расмийлаштирилган пайтдан (масалан, пул маблағлари жиноий йўл билан топилганлигини яшириш учун тузилган хизматларга ҳақ тўлаш тўғрисидаги шартнома имзоланган пайтдан) бошлаб **туғалланган** ҳисобланади¹.

8. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан амалга оширилади. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

¹ Қаранг.: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2011 йил 11 февралдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 3.1-банд.

9. Жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тўлган ва жинойӣ фаолият натижасида олинган даромадларни легаллаштиришда иштирок этган ақли расо шахс ҳисобланади.

10. Олий суд Пленуми кўрсатмасига мувофиқ, судлар даромадларни легаллаштиришни жинойӣ йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятидан фарқлашлари лозим. Хусусан, жиноят натижасида олинган мулкни (масалан, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш) бошқа шахслар томонидан олиш ёки ўтказиш, бундай мулкни эгаллашга қонуний тус берилган бўлмаса (масалан, ўғирланган автомобилни сотиш учун ишончнома, техник гувоҳномани қалбакилаштириш), даромадларни легаллаштириш таркибини (ЖКнинг 243-моддаси) ташкил қилмайди.

Ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб (хусусан, талон-торож қилинган мулк юзасидан келишув), кўрсатилган ҳаракатлар ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятида иштирокчилик (ёрдамчилик шаклида) ёки жинойӣ йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш (ЖКнинг 171-моддаси) деб, асослар мавжуд бўлган ҳолларда – ҳужжатларни қалбакилаштириш деб ҳам квалификация қилинмоғи лозим¹.

11. Жинойӣ фаолият натижасида олинган мулкни легаллаштириш мақсадида шахс олди-сотди шартномасини тузса ва харидор, сотувчининг мақсади мазкур мулкка қонуний тус бериш эканлигини била туриб, харид қилса, харидорнинг ҳаракатлари даромадларни легаллаштиришда ёрдамчи деб баҳо-ланиши лозим.

Ўз навбатида, нотариус томонидан пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштиришга қаратилганлигини олдиндан била туриб, келишувни тасдиқлаш учун ўз ваколатларидан фойдаланиши ҳам жиноят содир этишда ёрдамчи деб квалификация қилиниши лозим.

¹ Қаранг.: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2011 йил 11 февралдаги «Жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид тўғрисидаги ишлар буйича суд амалиётининг айрим масалвлари тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 5 банд.

244-модда. Оммавий тартибсизликлар

Оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) оммавий ахборот воситаларидан, телекоммуникациялар тармоқларидан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан, шунингдек матнни кўпайтиришнинг босма ёки бошқа усулларида фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан кўрkitиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вақилига қаршилик кўрсатиш орқали содир этилган оммавий тартибсизликлар ташкил қилиш, шунингдек, оммавий тартибсизликларда фаол қатнашиш –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Оммавий тартибсизликлар **объекти** жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби, ўзганинг ҳаёти, соғлири, мулки ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилишда намоён бўлади.

3. **Оммавий тартибсизликлар** – ўрнатилган жамоат тартиби ва хавфсизлигини оммавий жойларда бузишда

ифодаланган кўплаб инсонларнинг бошқарилмайдиган ҳаракатлари.

4. **Оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш** деганда, ушбу даъватни ёзма (варақалар, плакатлар, графитлар ва х.к) ёки оғзаки равишда (радио, телекоммуникация тармоқлари ёки Бутунжаҳон Интернет тармоқларида) тарқатиш тушунилади.

5. ЖК 244-модда 1-қисми оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш бошланган пайтдан **туғалланган** ҳисобланади.

6. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд орқали содир этилади. Шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англайди ва уларни амалга оширишни хоҳлайди.

Мақсад – яъни оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш – жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

7. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин.

8. ЖК 244-моддаси 2-қисми бўйича қуйидаги ҳолларда жавобгарлик келиб чиқади:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб (*Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириш тушунчаси ҳақида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг*);

б) оммавий ахборот воситаларидан, телекоммуникация тармоқларидан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан, шунингдек матни кўпайтиришнинг босма ёки бошқа усулларидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса.

9. Шарҳланаётган моддада оммавий ахборот воситаларидан, телекоммуникация тармоқларидан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан, шунингдек матни кўпайтиришнинг босма ёки бошқа усулларидан фойдаланган ҳолда содир этилиши деганда, китобларда, журналларда, варақаларда, радиода, телевиденияда, теллекоммуникация тармоқларида, Бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғида оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш тушунилиши лозим.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560–II-сонли Қонунининг 12¹-моддасига кўра веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан:

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш;

оммавий тартибсизликларга, фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга, шунингдек белгиланган тартибни бузган ҳолда ўтказиладиган йиғилишлар, митингларда, куча юришларида ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, шунингдек мазкур ноқонуний ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборот тарқатиш;

уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш;

давлат сирларини ёки қонун билан кўриқланиладиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш;

миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралashiшга йўл қўйувчи ахборотни тарқатиш;

жамиятга, давлатга, давлат рамзларига ҳурматсизликни намоён этувчи, шу жумладан беодоблик билан ифодаланган ахборотни тарқатиш;

ғиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

порнографияни, зўравонликни ва шафқатсизликни тарғиб қилиш, шунингдек ўз жонига қасд қилишга даъват этиш;

фуқароларни, шу жумладан вояга етмаган шахсларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг

ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундашга ёки бошқа тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни тарқатиш;

қонунга мувофиқ жинойий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт.

Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер:

ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтга ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ёхуд бошқа ахборот ресурсига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштирилгунига қадар унинг тўғрилигини текшириши, шунингдек жойлаштирилган ахборотнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда, уни дарҳол ўчириб ташлаши;

ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайти ва (ёки) веб-сайт саҳифалари ёхуд бошқа ахборот ресурсининг, шу жумладан тезкор хабарлар алмашиш тизимларининг мониторингини ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборот ва материалларни аниқлаш мақсадида амалга ошириши;

ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборот аниқланган тақдирда, дарҳол мазкур ахборотни ўчириб ташлаш чораларини кўриши шарт.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган мажбуриятлар веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер томонидан бажарилмаган тақдирда, мазкур веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда махсус ваколатли орган томонидан чекланиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган талабларни бузганлик қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган талаблар веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер томонидан бажарилмаганлиги натижасида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган шахслар ўз ҳуқуқларини, шаъни, кадр-қимматини ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш учун, шу жумладан зарарнинг ўрнини қоплаш, маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги даъволар билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

11. Босма усулдан фойдаланган ҳолда кўпайтириш деганда, типографик усул билан нашр этилган маълумотларнинг босма табоқларини тушуниш лозим. Ҳужжатларни олиш нусхасига кўра ахборотларнинг босма табоғи учун махсус техник воситалар қўлланилади, масалан, принтерлар, нусха кўчириш воситалари (электрографик, фотографик, термографик), кўпайтириш воситалари (гектографлар, рота-ротлар, ротапринтерлар).

12. Матнни кўпайтиришнинг босма ёки бошқа усулларидан фойдаланган ҳолда оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш, ушбу маълумотлар ҳеч бўлмаганда бир шахсга маълум бўлган пайтдан **туғалланган** ҳисобланади.

13. ЖК 244-моддаси 3-қисми **объектив томондан** жиноят қуйидагиларда ифодаланади:

– қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан кўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, киргин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш билан оммавий тартибсизликларни ташкил қилиш;

– оммавий тартибсизликларда фаол иштирок этиш.

14. **Оммавий тартибсизликларни ташкил қилиш** деганда, оммавий тартибсизликни тайёрлашга йўналтирилган, масалан, ташвиқот ўтказиш, фаолларни танлаш, оммавий тартибсизлик раҳбарияти негизини яратиш, режани тайёрлаш, уларни ўтказиш жойи, вақтини танлаш, плакат, шиор ва варақаларни тайёрлаш каби шахснинг ҳар қандай ҳаракатларини тушуниш лозим.

Шарҳланаётган модда диспозициясига мувофиқ, оммавий тартибсизликлар шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган буюмларни қўллаб ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатишда ифодаланadi.

15. **Шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш** деганда, жабрланувчи шахсларга ҳам руҳий, ҳам жисмоний тазйиқ ўтказиш тушунилади.

16. **Руҳий зўрлик ўлдириш билан таҳдид қилиш**, соғлиққа шикаст етказиш, мулкка шикаст етказиш ёки нобуд қилиш таҳдиди турларида ўз ифодасини топади. Оммавий тартибсизликларни амалга ошираётганда руҳий таъсир ўтказишда айбдор шахслар ҳаракати фақат шарҳланаётган модда бўйича тавсифланади, ўлдириш таҳдиди ёки зўравонликни қўллаш бўйича жавобгарликни назарда тутган моддалар бўйича қўшимча квалификация талаб қилинмайди.

17. **Жисмоний зўрлик** деганда, енгил ёки оғир жисмоний зиён етказиш, уриш ёки жабрланувчининг эркинлигини чекловчи ва қонуний ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни тушуниш лозим¹.

Оммавий тартибсизликларни амалга оширишда одам ўлдирилса, баданга оғир шикаст етказилса, номусга тегиш содир этилса, тегишли жиноятлар мажмуи бўйича ва ЖКнинг 244-моддасига асосан квалификация қилиш лозим.

19. **Мулкка шикаст етказиш** деганда, моддий қадриятларни (транспорт, уй, бино ва ҳоказоларни) бузиш тушунилади.

20. **Ўт қўйиш** – бу аниқ мулк, бино, транспорт ва ҳоказонинг ёнишига йўналтирилган қасддан ҳаракат.

21. **Мулкка зиён етказиш** – бу мулкни қисман яроқсиз ҳолатга келтириш, яъни муайян харажат билан уни қайта тиклаш имконияти мавжудлиги.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан борлиқ айрим масалалар тўғрисида»ги 38-сонли қарори, 1-банд «в» банди.



22. **Мулкни нобуд қилиш** деганда, уни тўлиқ яроқсиз ҳолатга, яъни уни кейинчалик ишлатиш мумкин бўлмайдиган ҳолга келтириш тушунилади.

23. (Ҳокимият вакили тушунчаси ҳақида ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг; ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш тушунчаси ҳақида ЖКнинг 219-моддаси шарҳига қаранг).

24. **Қуролни қўллаш** деганда, қуролни бевосита унинг вазифаси бўйича ишлатишни тушуниш лозим (тирик нишонга ўқ отиш, қурилма, уй, транспортларни бузиш).

Қурол ўқотар ёки совуқ бўлиши мумкин¹.

25. Қурол сифатида ишлатиладиган **бошқа буюмлар** деганда, шахсга ўз жисмоний хусусиятлари бўйича зиён келтириши мумкин бўлган буюмлар тушунилади (масалан, «...металл занжирлар, қирқилган труба, арматура ва ҳоказолар»²). (Бундай буюмлар ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).

26. **Оммавий тартибсизликларда фаол иштирок** деб, айбдор шахсларни шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган бошқа буюмларни ишлатиб қаршилик кўрсатишда бевосита иштирок этишга айтилади³.

27. ЖКнинг 244-моддаси 3-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар амалга оширилишидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

28. **Субъектив томондан** жиноят қасддан амалга оширилади. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди. Мотивлар миллатчилик, ҳокимиятга интилиш, ғаразгўйлик, безорилик ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуминининг 1996 йил 20 декабрдаги «Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан борлик айрим масалалар тўғрисида»ги 38-сонли қарори, 1-банд «г» банди.

² Ўша жойда.

³ Ўша манба, 1-банд «д» банди.

29. Жиноятнинг субъекти фақат ун олти ёшга тулган оммавий тартибсизлик ташкилотчилари ва фаол иштирокчилари ҳисобланади. Оммавий тартибсизликнинг бошқа иштирокчилари фақат оммавий тартибсизлик жараёнида содир этган аниқ жиноятлари учун жавобгардирлар.

Агар оммавий тартибсизлик ташкилотчилари ёки фаол иштирокчилари 16 ёшга тулмаган бўлса, улар оммавий тартибсизлик пайтидаги аниқ содир этган жиноятлари учун, масалан, одам ўлдирганлик, ўзганинг мулкини нобуд қилганлик, номусга текканлиги учун жавоб берадилар.

244¹-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган ҳулқ-атвор қондаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши

қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоёиш этиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб;

г) оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **объекти** жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

2. Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материаллар жиноят **предмети** ҳисобланади.

Материаллар деганда, варақа, плакат, дискетлар, CD, DVD дисклари ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

1) **Диний экстремизм** – энг кескин қарашларга, борлиққа ишонч ҳисси (одатда, сиёсатда). «Ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлигига, ҳақиқатни фақат ўзи билишига ишонч ҳисси сўнги чораларга – зўравонлик ҳаракатларига мойил-

лиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади. Бунда муайян шахс ҳам, бошқа динга мансуб ижтимоий гуруҳ ҳам ёки шу диннинг ўз вакиллари томонидан рад этилаётган мазҳабга мансуб вакиллар ҳам таъсир кўрсатиш объекти сифатида танлаб олиниши мумкин*.

2) **Сепаратизм** – бўлинишга, ажралишга интилиш; давлатнинг бир қисмини алоҳида қилишга ҳаракат ва янги давлатни тузиш ёки мамлакатнинг бир қисмига автономия берилишига ҳаракат.

Диний фундаментализм мавжуд динлар яратилган даврдаги шароитларни қайтаришда ифодаланади.

3. ЖКнинг 244¹-моддасида назарда тутилган жиноят **объектив томондан** диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғирилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш билан содир этилади.

Аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материаллар деганда, одамларнинг қурбон бўлишига, одамларнинг соғлиғига ва табиий муҳитга зарар этказилишига, катта моддий йўқотишларга ва аҳолининг турмуш шароитларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, экологик фавқулодда вазиятлар, шу жумладан эпидемиялар, эпизоотиялар ва бахтсиз ҳодисалар, табиий офатлар, фалокатлар, табиий ва бошқа офатлар натижасида юзага келган бошқа ҳолатлар деб тан олиниши мумкин.

4. **Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш** деганда, бундай маълумотларни ҳар қандай турда ва ҳар қандай усул билан тайёрлаш тушунилади.

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига хавф соладиган материалларни тайёрлаш ёки сақлаш, бундай материалдан ҳеч бўлмаганда биттаси тайёрланган ёки сақланган вақтдан

бошлаб, тарқатилган-тарқатилмаганлигидан қатъи назар, тугалланган ҳисобланади.

5. Шарҳланаётган модда мазмунида **сақлаш** деганда, кўрсатилган материалларни амалда айбдорнинг эгалигида (ёнида, бинода ва бошқа жойларда) бўлиши тушунилади.

Диний мазмундаги материалларни сақлаш ягона давомли жиноят ҳисобланади ва жиноят тўхтатилган ёки айбдор айбига иқроор бўлиб арз қилган вақтдан, шунингдек унда тарқатиш мақсади мавжудлиги аниқланганда **тугалланган** ҳисобланади. Айбдор диний мазмундаги материалларни учинчи шахсга ўтказса, сақлаш шарҳланаётган модданинг бошқа шакли – тарқатишга ўтади.

6. Атрибутлар ва рамзий белгиларни тайёрлаш деганда, диний экстремистлар, террорчилик ташкилотлари ғоялари, тушунчаларини муайян белги ва рамзлар ёрдамида намоён қилиш тушунилади.

7. Шарҳланаётган модда 2-қисмининг **объектив томони** диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғирилган маълумотлар ҳамда материалларни ҳар қандай шаклда тарқатишда, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга ёхуд аҳоли орасида ваҳима чикаришга қаратилган даъватларда, динни фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш мақсадида диндан фойдаланишда, жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамият хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этишда, диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоёйиш этишда намоён бўлади.

8. Кўрсатилган материалларни тарқатиш деганда, уларни осиб қўйиш, оммавий ахборот воситаларида нашр этиш, аудитория олдига, телевидение, радиода чиқиш, варақаларни ёпиштириш, уйларга ташлаш, яъни кўрсатилган маълумотларни ҳеч бўлмаса битта шахсга орьзаки ёки ёзма шаклда эълон қилиш тушунилади.

9. Тухматона уйдирмалар деганда, ҳақиқатга мувофиқ бўлмаган, аввалдан ёлгон бўлган маълумотларни тарқатиш тушунилади.

10. Вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар деганда, жамоат тартиби бузилишига, корхона, муассаса, ташкилотлар иши вақтинчалик тўхташига олиб келувчи, қўрқув, ишончсизлик хиссини туғдиришга олиб келиши мумкин бўлган ахборотни, ёлғон далилларни тушуниш лозим.

11. **ЖК 244¹-моддасининг 2-қисмида** назарда тутилган жиноят кўрсатилган маълумотлар ёки материаллар, оқибатларидан қатъи назар, тарқатилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

12. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасддан содир этилади. Мақсад диний экстремизм, сепаратизм ва ақида-парастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кучириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек, фуқаролик тотувлигини бузиш – жиноятнинг зарурий белгисидир.

13. Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс **субъект** бўлиши мумкин.

14. **ЖК 244¹-моддасининг 3-қисмида** қуйидаги оғирлаштирувчи ҳолатлар назарда тутилган: жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш ёхуд намойиш этиш, агарда улар:

а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) диний ташкилотлардан, шунингдек, чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб;

г) оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса.

15. Диний ташкилотлар, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлар ва фуқароларидан молиявий ёки бошқача мулкый ёрдам олиш усуллари (нақд пул, пул ўтказмалари, банк ҳисоблари бўйича пул ўтказмалари нашриёт ёки бошқа ускуналарини олиш) **ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми**

«в» банди билан квалификация қилишга таъсир қилмайди. Бундай молиялаштириш муайян жинойи максадларда амалга оширилганлигини аниқлашнинг узи етарли.

◆◆◆◆◆

244²-модда. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш

Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш –

беш йилдан ун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса;
б) вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда содир этилган бўлса, –

ун беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилган ва жиноятни очишга ёрдам берган бўлса, у ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят учун жавобгарликдан озод қилинади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **объекти** жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби.

2. **Объектив томондан** жиноят:

- диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузишда;
- уларга раҳбарлик қилишда;
- уларда иштирок этишда ифодаланди.

3. **Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш** деганда, ушбу ташкилот аъзоларини танлаш ва жойлаштириш, унинг тузилмасини, фаолият режасини аниқлаш тушунилади.

4. **Бундай ташкилотга раҳбарлик қилиш** деганда, мазкур ташкилотларнинг иш олиб боришини таъминлашга йўналтирилган ҳар қандай ҳаракат (бундай ташкилотлар аъзолари ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш, уларга тавсиялар, курсатмалар бериш, ҳисобот талаб қилиш ва хоказолар) тушунилади.

5. **Иштирок этиш** деганда, мазкур ташкилотларнинг мавжудлиги ноқонунийлигини англаган ҳолда тан олиш ва ҳар қандай (ёзма ёки оғзаки) шаклда мазкур ташкилот доирасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида розилик бериш тушунилиши лозим.

6. **Жиноят диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш ёхуд унда иштирок этиш пайтидан бошлаб тугалланган** ҳисобланади.

7. **Субъектив томондан** жиноят қасддан содир этилади. Жиноятнинг мотив ва мақсадлари квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

8. Ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

9. **ЖКнинг 244²-моддаси 2-қисмида** оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса ёки вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда содир этилган бўлса, жавобгарлик келиб чиқиши назарда тутилган.

Бундай оқибатларга инсонлар қурбон бўлишини, қуп сонли инсонларга оғир тан жароҳатлари етказилишини киритиш мумкин.

10. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида** мазкур жиноятнинг содир этилиши учун жавобгарликдан озод қилиш шартлари назарда тутилган. Бундай шартлар иккита:

– айбдор шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилганлиги;

– жиноятни очишга ёрдам берганлиги.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг мажбурий шарти айбдор шахс мазкур модданинг 3-қисмида назарда тутилган икки шартни бир пайтда бажаришидир.

244³-модда. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш

Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

ШАРҲ

Шарҳланаётган жиноятнинг **объектини** айнан ҳар қандай шахсларнинг эркин эътиқод қилиш ҳуқуқлари ташкил этади ва диний мазмундаги нарсаларни қонунга хилоф тарзда тайёрлаш, тарқатиш ёки республика ҳудудига олиб кириш жамоат хавфсизлигига ҳам таҳдид солади. Бу қилмишнинг ижтимоий хавфлилигидан далолат беради.

2. **Диний мазмундаги материаллар** деганда, диний таълимотнинг ақидавий асосларини, тарихини, диний таълимот мафқурасини ва шарҳларни, турли диний таълимотларнинг маросимлар ўтказиш амалиётини, шунингдек, алоҳида шахсларнинг, тарихий фактлар ва ходисаларнинг диний нуқтаи назардан баҳосини акс эттирувчи китоблар, рисоалар, журналлар, газеталар, варақалар, бошқа босма нашрлар, белгилар, предметлар, рамзлар, аудиовизуал асарлар (теле, кино ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг

ёзувлари, мультфильмлар ва бошқалар), электрон ахборот ташувчилар (дискетлар, CD, DVD дисклари, ўрнатилган ва ечиб олинган хотира карталари, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган материаллар ва бошқалар) тушунилиши лозим¹.

Диний адабиётлар диний мазмундаги китоблар, журналлар, брошюралар ва бошқача босма материаллардир.

Диний мазмундаги бошқача маълумотлар деганда варақалар, плакатлар, махсус календарлар, диний нашрлар ксерокопияси, кино-, фото-, аудиомахсулотлар, диний мазмундаги Интернет сайтларни тушуниш керак.

3. Таъкидлаш жоизки, ЖКнинг 244³-моддасида назарда тутилган жиноятнинг предмети диний экстремизм, сепаратизм ва диний фундаментализм ғоялари билан йўғрилмаган бўлиши лозим, акс ҳолда қилмишни мазкур модда билан квалификация қилиб бўлмайди.

Диний экстремизм, сепаратизм, диний фундаментализм мазмунидаги материалларни тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, айбдорда кейинчалик бундай материалларни тарқатиш мақсади мавжудлигидан, шунингдек уларни тарқатишидан қатъи назар, ишнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб, ЖКнинг 244¹ ёки 246-моддалари билан квалификация қилинади.

4. Диний мазмундаги материалларни қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш каби ҳаракатлар шарҳланаётган жиноятнинг объектив томонини ташкил этади. Бундай ҳаракатларнинг интернет тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши ҳам ушбу жиноятнинг **объектив томонини** ташкил этади.

5. Диний мазмундаги материалларни қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш деганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи, ахборот-

¹ Қаранг: Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги 180-сонли қарорига 1-илова), 2-банд // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 14.04.2022 й., 09/22/180/0307-сон.

ни узатиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари орқали материалларни нашр этиш, қайта нашр этиш ва нусха кўчириш тушунилади¹.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш жамиятда конфессиялараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик бузилишига олиб келадиган, диний зўравонлик ва бошбошдоқликка чорлайдиган ғоялар ҳамда қарашлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида диншунослик экспертизасининг ижобий хулосаси олинганидан кейин амалга оширилади.

Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

6. Ушбу материалларни ноқонуний **сақлаш** деганда, диний мазмундаги китоблар, рисоалар, журналлар, газеталар, варақалар, бошқа босма нашрлар, аудиовизуал асарларни электрон ахборот ташувчиларда (дискетлар, CD, DVD дисклари, ўрнатилган ва ечиб олинadиган хотира карталари) тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда шахснинг ўз ёнида, турар жойида, ва х.к. жойларда сақлаши тушунилади. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда сақлашни бундай ҳаракатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тарқатиш мақсадларида сақланаётганлигининг фош этилиши ёки шахснинг шундай мақсадларда диний мазмундаги материалларни сақлаётганлигини тан олиб, айбини бўйнига олиб келиши билан тугалланган деб ҳисоблаш мумкин.

7. Юқоридаги материалларни Ўзбекистон Республикасига ноқонуний **олиб кириш** хорижда тайёрланган материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига етказиб

¹ Қаранг: Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги 180-сонли қарорига 1-илова), 2-банд// Қоиунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.04.2022 й., 09/22/180/0307-сон.

беришнинг ҳар қандай шакли¹ тушунилади. Масалан, божхона назоратини четлаб, божхона назоратидан яширин ҳолда, ҳужжатлар ёки божхона идентификация қилиш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланган ҳолда республика ҳудудига олиб кириш назарда тутилади. Диний мазмундаги материаллар қонунга хилоф равишда божхона назоратини четлаб ёки яширинча олиб ўтилганидан бошлаб **туғалланган** деб топилади. Божхона назоратидан ўтиш жараёнида ёки қалбакилаштирилган (номини ўзгартириб, сонини камайтириб ва ҳ.к.) ҳужжатларни тақдим қилиш жараёнида ушланган ёки тўхтатилган бўлса, жиноятга **сунқасд** ҳисобланади.

8. Диний мазмундаги материалларни **тарқатиш** деганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи, ахборотни узатиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари орқали материалларни сотиш, етказиб бериш, тарқатиш, юбориш ва уларга обуна бўлиш тушунилади². Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда **тарқатилган** деб ҳисоблаш учун бундай материаллардан биттаси тарқатилганлигининг ўзи кифоя қилади. Ушбу материалларни оммавий ёки бир нечта шахсга тарқатганлик жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди, бироқ кўпчиликка тарқатишнинг ижтимоий хавфлилиги юқори эканлиги жазо тайинлаш жараёнида суд томонидан инобатга олиниши лозим.

9. **Субъектив томондан** диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш фақат **қасддан** содир этилади. Ушбу ҳаракатлардан бири учун илгари айбдорга маъмурий жавобгарлик қўлланилганидан кейин яна шундай қилмишнинг амалга оширилганлиги унинг қасддан содир этилганлигидан далолат беради. Бу жиноятнинг мотиви фарз, диний

¹ Қаранг: Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги 180-сонли қарорига 1-илова), 2-банд// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.04.2022 й., 09/22/180/0307-сон.

² Уша жойда.

можаролар келтириб чиқариш, жамиятда беқарорликни вужудга келтириш, конституциявий тузумни қонунга хилоф равишда ағдарш, кўпинча вояга етмаганлар, ёшлар ахлоқига салбий таъсир кўрсатиш ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб киришнинг **мақсади** уларни аҳоли ўртасида тарқатишдан иборат. Қилмишни квалификация қилишда **жиноятнинг мақсади** зарурий белги ҳисобланади, бундай мақсаднинг йўқлиги жиноят таркиби мавжуд эмас, деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

Шахсда юқоридаги материалларни тарқатиш мақсадининг мавжудлигини тайёрланган материалларнинг кўп миқдордалигидан ёки шундай миқдорда тайёрлашга ҳаракат қилинганлигидан, тайёрланган материалларнинг ҳеч бўлмаганда биттасининг тарқатилганлигидан, тайёрлаш асбобларининг айнан диний материаллар ишлаб чиқариш учун мослаштирилганлигидан аниқлаш мумкин.

10. Ушбу жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган, ақли расо, илгари (бир йил ичида) шундай ҳаракатлари учун маъмурий жазога тортилган Ўзбекистон Республикаси ёки чет эл фуқаролари ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин.

◆

244⁴-модда. Учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш

Учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш, – уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;

г) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

саккиз йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни содир этган шахс, агар у учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ўз ихтиёри билан топширса, жавобгарликдан озод қилинади.

Ш А Р Ҳ

1. Ушбу жиноятнинг бевосита **объекти** қонунчиликда белгиланган тартибда учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга ҳилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, шунингдек жамоат хавфсизлиги, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи.

2. Жиноятнинг **предмети** эса, учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари.

3. **Объектив томондан** жиноят, учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга ҳилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланишда ифодаланади.

4. **Учувчисиз учадиган аппарат** деганда – учувчисиз парвозни амалга оширадиган ёки тўлиқ бошқа жойдан масофадан туриб бошқариладиган ёхуд дастурлаштирилган ва

парвозда тулик автоном булган хаво кемаси (хаво кемалари моделлари ва уйинчоқ хаво кемалари моделлари бундан мустасно) тушунилади. Учувчисиз учадиган аппарат ўзида одатда яхлит тизим сифатида фойдаланиладиган учувчисиз ва масофадан бошқариладиган хаво кемаларини бирлаштиради.

Учувчисиз учадиган аппаратлар учун бутловчи қисмлар ва эҳтиёт қисмлари деганда – 8802200001, 8802200002, 8802200008, 8803100000, 8803200000 ТН ВЭД кодига тушадиган қисмлар тушунилади¹.

5. Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг стандартлари ва тавсиялари асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси соҳасида парвозлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган миллий қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 658-сонли қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларининг белгиланган тартибда мажбурий декларация қилинадиган транзитидан ташқари (8802200001, 8802200002, 8802200008, 8803100000, 8803200000 ТН ВЭД кодлари) уларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, сотиш, сотиб олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг «Геоинновация маркази» давлат унитар корхонаси, «Чорвоқ» эркин туристик зонаси дирекцияси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси томонидан учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрдаги 658-сонли қарорига 1-илова), 2-банд // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.11.2022 й., 09/22/658/1019-сон.

олиб кириш, сотиш, сотиб олиш, сақлаш ва фойдаланиш ҳолатлари бундан мустасно¹.

Учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича илтимоснома киритувчи органга мурожаат қилиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрдаги 658-сонли қарорига 2-иловаси «Учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида улардан фойдаланиш учун илтимоснома бериш тартиби тўғрисида низом» билан тартибга солинади.

6. Шарҳланадиган модда диспозициясида кўрсатилган ҳаракатлар белгиланган қоидаларга риоя қилмаган ҳолда ёхуд ушбу қоидаларни бузиб ёки давлат органлари томонидан тегишли тартибда рухсатсиз фойдаланилганда **ноқонуний** ҳисобланади.

7. Учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларининг ноқонуний **олиб кирилиши** деганда, ушбу турдаги материалларни қонунчиликда белгиланган тартибни бузган ҳолда чет элдан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши тушунилади.

Қонунчиликка кўра, Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари билан тегишли вазирликлар, идоралар ва хўжалик субъектларига учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини олиб кириш, сотиш, сотиб олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш учун рухсатномалар берилиши мумкин.

Республиканинг туризм салоҳияти тўғрисида фото ва видеоматериаллар тайёрлаш учун хорижий ижодий гуруҳларга учувчисиз учадиган аппаратларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш учун рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг илтимосномасига

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 658-сонли қарори, 2-банд // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.11.2022 й., 09/22/658/1019-сон.

асосан Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги томонидан берилади¹.

Учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ноқонуний олиб кириш ушбу аппаратлар Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб ўтилган пайдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

8. Учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини **ўтказиш** деганда, уларни тарқатиш бўйича ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш тушунилади, бунда ушбу аппаратлар бошқа шахслар тасарруфига ўтади (сотиш, ҳадя қилиш, алмаштириш, қарзини узиш ва ҳ.к.).

Учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини сотиш камида битта шахсга ўтган тақдирда **туғалланган** жиноят деб топилади.

9. **Олиш** – оқибатда учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларининг ҳақиқий эгаси бўлишига сабаб бўлувчи шахснинг ҳар қандай ҳаракатлари. Буларга сотиб олиш, айрибошлаш, қарзга олиш, совға сифатида олиш, қарзи эвазига олиш, топилма сифатида олиш ва ҳоказолар мисол бўлиши мумкин.

Учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ўғрилик (ноқонуний ўзлаштириш) йўли билан эгаллаш ЖКнинг 251-моддасига биноан квалификация қилинади.

Бу ҳолда жиноят предмет эгаллаб олинган ва шахсда уни тасарруф этиш учун реал имконият пайдо бўлган пайдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

10. Шарҳланаётган моддага биноан **сақлаш** деганда, юқорида тилга олинган предметларни эгалик қилиш билан боғлиқ ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилади, бу ҳолда ҳаракатларнинг давомийлиги аҳамиятга эга эмас (учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 658-сонли қарори, 3-банд // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.11.2022 й., 09/22/658/1019-сон.

эҳтиёт қисмларини айбдор шахсда эмас, балки унга маълум бўлган бошқа жойда, масалан хонадонда, уйнинг ховлисида, омборхонада ёки бошқа жойда сақланиши).

Учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ уларни олиб кириш, сотиш, сотиб олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органи, корхона, муассаса, ташкилотнинг масъул мансабдор шахси томонидан ташкил этилади ва таъминланади.

Қуйидагилар фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратларини сақлашга қўйиладиган умумий талаблар ҳисобланади:

а) учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш учун бегоналар кириши ман этилган ва сигнализация воситалари (зарурат бўлганда, видео кузатув воситалари) билан жиҳозланган, ҳарорат режими, тўғри тушадиган қуёш нурларининг, иссиқлик ва бошқа турдаги нурланишнинг ёруғлик таъсири, шунингдек, ёнғинга қарши хавфсизлик бўйича ишлаб чиқарувчи талабларига мос келадиган ихтисослаштирилган бино ажратиш;

б) учувчисиз учадиган аппаратларни уларнинг турига мос келадиган махсус контейнерларда сақлаш;

в) учувчисиз учадиган аппаратни қисман ёки демонтаж қилинган ҳолда, унинг дарҳол учишини истисно қиладиган шароитда сақлаш;

г) учувчисиз учадиган аппаратларни дала (ишлаб чиқариш) шароитида уларнинг турига қараб махсус жойлаш контейнерларида аккумулятордан алоҳида ажратилган ҳолда сақлаш. Бунда жойлаш контейнери муҳрланган бўлиши ва сақлаш учун масъул бўлган мансабдор шахс назорати остида бўлиши керак;

д) сақлаш учун масъул бўлган мансабдор шахсга учувчисиз учадиган аппаратни ташлаб кетиш ёки бошқа шахсларга бериш тақиқланади¹.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш тартибн тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрдаги 658-сонли қарорига 1-қлова). 52-банд // Қонунчилик маълумотлари миллий бвзаси, 16.11.2022 й., 09/22/658/1019-сон.



Учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини сақлаш давомли жиноят ҳисобланиб, уларни сақлашга қаратилган ҳаракатлар бошланган пайдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

11. Учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларидан **фойдаланиш** деганда, ушбу предметлардан белгиланган мақсадига кўра қонуний ёки ноқонуний қўлланилиши тушунилади.

12. **Субъектив томондан** жиноят қасддан содир этилади.

13. Жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

14. **ЖКнинг 244⁴-моддаси 2-қисмида:**

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;
- г) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса жавобгарлик назарда тутилган.

15. Ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса **ЖКнинг 244⁴-моддаси 3-қисми** бўйича жавобгарликка тортилади.

16. Ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

- а) одамлар ўлимига; (**ЖК 260-моддаси шарҳига қаранг**)
- б) ҳалокатга;
- в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса **ЖКнинг 244⁴-моддаси 4-қисми** бўйича жавобгарликка тортилади.

17. **ЖК 244⁴-моддаси 5-қисми** рағбатлантирувчи хусусиятга эга бўлиб, шбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни содир этган шахс, агар у учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ўз ихтиёри билан топширса, жавобгарликдан озод қилиниши мустаҳкамланган.



244^б-модда. Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш

Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотларни нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёки оммавий ахборот воситалари, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноят **объекти** карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатишнинг қонун билан ўрнатилган тартибига риоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, шунингдек, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар. Қўшимча объект эса, инсон соғлиғи, факультатив объекти инсон ҳаёти ҳисобланади.

2. Жиноятнинг **объектив томони** карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон

учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатишда ифодаланади.

3. **Карантин** [итал. quarantena – қирқ кун], карантинлаш – ута хавfli юқумли касалликлар тарқалишини чеклашга қаратилган эпидемияга қарши маъмурий ва санитария тадбирлари мажмуи. Карантин маълум ҳудудни касаллик тарқатувчи манбадан муҳофаза қилиш ва уни йўқотишга ҳамда касалликнинг бир жойдан бошқа ҳудудларга тарқалиб кетишига йўл кўймасликка қаратилган профилактик тадбир ҳисобланади. Шу мақсадда карантин эълон қилинган жойда аҳоли орасида ҳамма турдаги алоқа, борди-келди кескин чекланади.

Карантин жорий этилишининг мақсади юқумли касалликларнинг тарқалишининг олдини олиш ва йўқ қилинишига эришишдир. Карантин тадбирларининг ажралмас қисмларидан бири бу беморларни изоляция қилиш ҳамда бемор билан охирги мулоқотда бўлгандан ёхуд эпидемия марказидан чиқиб кетгандан сўнг бемор билан сўнгги мулоқотда бўлган вақтдан бошлаб бир максимал инкубация даври давомида кузатишдан иборат.

Шунингдек, карантин чоралари қаторига давлат ҳудудига ташқаридан юқумли касалликларни кириб келинишини олдини олиш тадбирлари ҳам киради.

4. Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни **тарқатиш** деганда – бундай уйдирмаларнинг камида битта одамга етказишини тушуниш керак. Уйдирмаларни тарқатиш усуллари турлича бўлиши мумкин (телефон ёрдамида, Интернет тармоғи орқали, суҳбат давомида, ёзма равишда, тасвирлар кўринишида ва х.к.).

5. **Жиноят**, айбдор шахс карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни камида битта одамга етказган пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

6. **Субъектив томондан** жиноят қасддан содир этилади.

7. Жиноят **субъекти** 16 ёшга тулган шахс.

8. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар:

а) нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда;

б) оммавий ахборот воситалари, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатилса шахс **ЖК 244^б-моддаси 2-қисми** билан жавобгарликка тортилиши мумкин.

9. Шарҳланаётган моддада **нашр қилиш ёки оммавий ахборот воситалари ёрдамида тарқатиш** деганда, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотларни китобларда, газеталарда, журналларда, варақаларда, шунингдек бундай маълумотларни радио, телевидение, видео-таъсирлар ва бошқа кўринишларда етказилишини тушуниш лозим.

Нашр қилиш усулида кўпайтириш деганда, типографик усулда чоп этилган маълумотларнинг кўпайтирилишини тушуниш керак.

10. Жиноят, нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтириш усули орқали тарқатилган маълумотлар камида битта шахсга маълум бўлганидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

11. ЖК 244^б-моддаси 2-қисми **объектив томондан** ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар телекоммуникация тармоқлари, шу жумладан, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатиш орқали содир этилади.

12. **Телекоммуникациялар тармоғи** – узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи¹.

13. **Интернет** (*Internet – Interconnected Computer Networks* сўзларидан олинган бўлиб, *ўзаро боғланган*

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги 822–1-сонли Қонуни, 2-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 219-модда.



компьютер тармоқлари деган маънони англатади) – бу бир-бири билан алоқа каналлари (мавжуд бўлган телефон каналлари ва кабелли алоқа каналлари) бўйича мулоқот қиладиган турли хил компьютер тармоқларининг бутун жаҳон уюшмасидир.

Интернет – бу кўплаб глобал, регионал ва локал тармоқларни бирлаштирувчи бутун жаҳон глобал компьютер тармоғидир.

244^б-модда. Ёлғон ахборот тарқатиш

Шахснинг кадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёлғон ахборотни тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборотни тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, ушбу Кодекснинг 244^а-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) оммавий тадбирлар жараёнида ёки фавқулодда вазият ҳолатида;

б) жуда кўп миқдорда зарар етказилган ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолда;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **объекти** шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилинишини кафолатлайдиган жамоат хавфсизлиги, жамоат тартибни таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. ЖК 244^б-моддаси 1-қисми **объектив томони** маъмурий жазо қўлланилгандан кейин шахснинг кадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёлғон ахборотни тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатишда намоён бўлади.

3. Шахснинг кадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёлғон ахборотни **тарқатиш** деганда, бундай уйдирмаларни ҳеч бўлмаганда бир кишига етказилишини тушуниш лозим. Тарқатиш усуллари турли хил бўлиши мумкин (ўзаро суҳбатда, ёзма шаклда, расм шаклда, оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Бутунжаҳон Интернет ахборот тармоқларида ва бошқалар).

4. **Камситиш** деганда, кадр-қимматини пастга тушириш; паст, арзимас, айбли қилиб кўрсатиш, ерга уриш; ҳуқуқини

чеклаш, тенг ҳуқуқлиликдан маҳрум қилишни тушуниш лозим¹.

Шаън ва қадр-қимматни камситиш – бу ўзи ва атрофидагилар кўз ўнгида инсонни обрўсизлантириш, обрўсига путур етказишга қаратилган умумлашган шаклда салбий баҳо берилишидир.

5. Жиноят айбдор томонидан шахснинг қадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёлғон ахборотни тарқатиш пайтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

6. Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади.

7. Жиноят **субъекти** 16 ёшга тулган шахс.

8. ЖК 224^б-модда 2-қисми объектив томондан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборотни тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш (ушбу Кодекснинг 244¹-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда) орқали содир этилади.

Жамоат тартиби – деганда жамиятда инсонлар ўртасида амалдаги қонунчилик нормалари, урф-одатлар ва анъаналар ҳамда ахлоқ нормалари билан тартибга солинган, ўзаро ҳулқ-атвор қоидалари тизимини тушуниш лозим.

9. Қўйидаги ҳаракатлар содир этилганда **ЖК 244^б-модда 3-қисми** билан жавобгарликка тортилади:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан (*Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан тушунчалари ҳақида ЖК 32, 34-моддалари шарҳига қаранг*);

б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса (*Кўп миқдор тушунчаси ҳақида ЖК Махсус қисми VIII бўлимида келтирилган*).

10. Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. – 310-б.

а) оммавий тадбирлар жараёнида ёки фавқулодда вазият ҳолатида (*Оммавий тадбирлар жараёнида ёки фавқулодда вазият ҳолатида тушунчалари ҳақида ЖК 277-моддаси шарҳига қаранг*);

б) жуда кўп миқдорда зарар етказилган ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолда (*Жуда кўп миқдор тушунчаси ҳақида ЖК Махсус қисми VIII бўлимида келтирилган*);

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса **ЖК 244^б-модда 4-қисми** билан жавобгарликка тортилади (*Уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб тушунчалари ҳақида ЖК 29, 30-моддалари шарҳига қаранг*).



245-модда. Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш

Гаров сифатида тутқунликка олинган шахсни озод қилиш шарти билан давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсдан бирон-бир ҳаракат содир этиш ёки бирон-бир ҳаракат содир этишдан ўзини тийиб туришни талаб қилиш мақсадида шахсни гаров тариқасида тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туриш, ушбу Кодекснинг 155, 165-моддаларида назарда тутилган аломатлар бўлмаса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) вояга етмаган шахсга нисбатан;

б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

в) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шархланаётган модданинг **объекти** жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби, фуқароларнинг ҳаракатланиш эркинлиги, уларнинг ҳаёти ёки соғлиги ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят икки шаклда содир этилади:

– гаров сифатида тутқунликка олинган шахсни озод қилиш шарти билан давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсдан бирон-бир ҳаракат содир этиш ёки бирон-бир ҳаракат содир этишдан ўзини тийиб туришни талаб қилиш мақсадида шахсни гаров тариқасида тутқунликка олиш;

– тутқунликда ушлаб туриш.

3. **Гаровга олинган шахс** – бу ўзининг иродасига қарши эркин ҳаракатланиш имкониятидан маҳрум этилган шахс.

4. **Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш** деганда, шахсни эркин ҳаракатланиш имкониятидан ҳуқуққа хилоф зўрлик ишлатиб маҳрум этишни тушуниш лозим. Шахсни гаровга олиш очик ёки махфий равишда амалга оширилиши мумкин.

5. **Шахсни тутқунликда ушлаб туриш** деганда, шахсни ўзи турган жойдан кетиш имкониятидан ҳуқуққа хилоф равишда маҳрум этишни тушуниш лозим.

Шахсни гаровга олишда айбдор шахслар аксарият ҳолларда жисмоний ёки руҳий зўравонлик қўллашади.

6. **Рухий зўрлик** деганда, ўлдириш, соғлиққа зарар етказиш, мулкни нобуд қилиш каби таҳдидни тушуниш лозим.

7. **Жисмоний зўрлик** деганда, гаровга олинган шахсни уриш, калтаклаш, баданига шикаст етказишни тушуниш лозим. Гаровга олинган шахсни тутқунликка олишда унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш ЖКнинг 245-моддаси 1-қисми билан қамраб олинади ва қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

8. **Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш** – бу жиноятчиларда асосий мақсадга: давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни қандайдир ҳаракатни қилишга ёки қилмасликка мажбурлашга эришиш-

даги оралиқ босқичдир. Гаровга олинганларни озод қилиш шартлари турлича бўлиши мумкин. Жаҳон суд-тергов амалиёти кўрсатаётганидек, шахсни гаровга олган шахсларнинг талаблари қуйидагича бўлиши мумкин: давлатни тарқ этиш имкониятини яратиб бериш, ҳукумат қарорининг бекор қилинишига, маҳкумларнинг озод этилишига эришиш, пул, қурол, наркотиклар берилишини талаб қилиш ва ҳоказо. Талаблар жиноятчи фуқароси бўлган давлатга ёки ҳар қандай давлатга билдирилиши мумкин.

9. Жиноят шахс гаровга олингандан сўнг, уни озод қилиш шартлари ва тутқунликда ушлаб туриш вақтидан қатъи назар, **туғалланган** ҳисобланади.

10. **Субъектив томондан** жиноят қасддан содир этилади. Мотивлар турлича бўлиши мумкин: шахсларни гаровга олиш мақсади давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсни қандайдир ҳаракатни қилиш ёки қилмасликка мажбур этиш.

11. Жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин. Жиноятчилар ун олти ёшга тўлмаган, аммо шахсни гаровга олган ҳолатларда уларнинг ҳаракатини бошқа моддалар бўйича квалификация қилиш лозим. Масалан, жиноятни содир этиш ҳолатларига қараб, соғлиққа шикаст етказиш, инсонни олиб қочиш ва бошқалар.

12. ЖКнинг 245-моддасининг 2-қисмида қуйидаги оғир-лаштирувчи ҳолатлар назарда тутилган:

а) вояга етмаган шахсни тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туриш;

б) икки ёки ундан ортиқ шахсни тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туриш;

в) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туриш.

13. Шахсни тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туришнинг оғир оқибатлари унинг баданига оғир тан жароҳати етказиш, гаровга олинган шахснинг ўзини ўзи ўлдириши, қийноққа солиниши, кўп сонли гаровга олинганларга азоб берилиши ва бошқа оқибатлар ҳисобланади.

Гаровга олинган шахсни ўлдириш жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 97-моддаси ва ЖКнинг 245-моддаси билан квалификация қилинади.

246-модда. Контрабанда

Контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи, заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қуролни, ўқ-дориларни ёки ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, шунингдек гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролнинг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, радиоактив материалларни, шунингдек гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда контрабанда қилиш –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Мазкур жиноятнинг **объекти** жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли саломатлигидир.

2. Контрабанда **предмети** кучли таъсир қилувчи, заҳарли, заҳарловчи, радиоактив материаллар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол, ўқ-дорилар ёки ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ёки диний экстермизм, сепаратизм ва акидапарастликни тарғиб қилувчи материаллар, ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини яратишда фойдаланилиши мумкин бўлган материаллар ҳамда мосламалар бўлиши мумкин.

3. **Объектив томондан** ЖКнинг 246-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан турли шаклларда:

- божхона назоратини четлаган ҳолда;
- божхона назоратидан яширинган ҳолда;
- ҳужжатлар ёки божхона идентификация қилиш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланган ҳолда;

- кучли таъсир қилувчи, заҳарли, заҳарловчи, радиоактив материаллар, потловчи моддалар, портлаш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар ёки ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёхуд психотроп моддалар ё диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализмни тарғиб қилувчи материалларни декларациясиз ёки ўз номи бўйича декларация қилмаган ҳолда олиб ўтишда ифодалангани.

4. Божхона кодексининг 3-моддасига биноан, **божхона чегараси** Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудининг чегаралари ҳисобланади.

Божхона ҳудуди республиканинг қуруқлик ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво бўшлиғидан иборатдир.

Республика ҳудудида, конунчиликда бошқа ҳол кўзда тутилмаган бўлса, ҳудудлари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида деб ҳисобланадиган эркин божхона ҳудудлари ва эркин омборхоналар жойлашиши мумкин.

Божхона худудининг сарҳадлари, шунингдек, эркин божхона худудлари ҳамда эркин омборхоналар айланаси **Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси** деб ҳисобланади.

5. Божхона кодексининг 7-моддасига биноан, божхона чегарасидан олиб ўтиш товарлар ёки транспорт воситаларини ҳар қандай усулда, шу жумладан, халқаро почта жўнатмаларини юбориш, қувур транспортидан ҳамда электр узатиш линияларидан фойдаланиш йўли билан божхона худудига олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳаракатларини амалга оширишдир.

Шундай ҳаракатлар жумласига қуйидагилар киради:

– товарлар ёки транспорт воситалари божхона худудига олиб кирилганда, шу жумладан эркин божхона зоналари ва эркин омборлар худудидан олиб кирилганда – божхона чегарасидан амалда ўтиш;

– товарлар ёки транспорт воситалари божхона худудидан олиб чиқилганда, шу жумладан эркин божхона зоналари ва эркин омборлар худудига олиб чиқилганда – божхона декларациясини тақдим этиш ёки товар ёхуд транспорт воситаларини олиб чиқиш мақсадини амалга оширишга бевосита қаратилган бошқа ҳаракатни бажариш.

6. **Божхона назорати** деганда, қонунчилик ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Контрабанда буюмларини божхона назоратини четлаган ҳолда ўтказиш деганда, контрабанда буюмларининг уларни ўтказиш учун зарур бўлган тегишли ҳужжатларнинг божхона органи ходимлари текширувисиз ёки божхона идоралари белгилаган жойлардан ўзга жойдан ё бўлмаса, божхона назоратини амалга ошириш вақтидан бошқа вақтда ўтказилиши тушунилади.

7. **Божхона назоратидан яшириш** деганда, контрабанда буюмларини хуфя жойлардан ва топишни қийинлаштирадиган усуллардан фойдаланиб ёки бир тусдаги ашёга иккинчисининг кўринишини бериб ўтказишни тушуниш лозим.

Махсус сақлаш жойлари деб, хуфя жойларни, шунингдек, контрабанда мақсадларида транспорт воситаларига олдиндан қайта ишланиб, йиғилиб ва шунга ўхшаш йўллар билан жиҳозланган ва мослаштирилган конструктив сифимли идишларни ва бошқа ашёларни ҳисоблаш керак.

8. **Ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш** деганда, ашёларни, товар ва бошқа қимматликларни божхона чегарасидан ўтказиш учун асос тариқасида қалбаки ҳужжатларни, қонунга хилоф йўллар билан олинган ҳужжатларни ёхуд ёлғон маълумотлар ёзилган ҳужжатларни божхона назоратига тақдим этишни тушуниш лозим.

9. **Божхона идентификация воситаларидан алдаш йўли билан фойдаланиш** деганда, шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ёки ўзга давлатлар божхона органлари томонидан татбиқ этилган идентификация воситаларини ўзгартириши, йўқ қилиши, бузиши ёхуд йўқотиши билан боғлиқ ҳаракатлари тушунилиши лозим.

Божхона идентификация воситалари деганда, сўрғичлаш, муҳрлаш, рақамли, ҳарфли ва бошқача тамғалар, идентификация белгиларини қўйиш, штамплаш, намуна ва нусхалар олиш, товарларни, бошқа қимматликларни хатлаш, чизмалар тузиш, миқёсни тасвирлаш, фотосуратлар, расмлар тайёрлаш товарлар билан бирга юбориладиган ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш ва ҳоказолар тушунилади.

10. **Контрабанда предметларини декларацияга киритмаслик ёки ўзгача ном билан декларацияга киритиш** деганда, шахсларнинг чегарадан ўтказилиши лозим бўлган контрабанда ашёларини ёхуд товар ёки бошқа қимматликларни декларация қилиш тартибини бузиши билан боғлиқ ҳаракатлари, яъни божхона қонунлари томонидан ўрнатилган декларация қилиш формаси ва жойи тўғрисидаги, уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, декларация ва бошқа қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги талабларга риоя этмаслик, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ёки унинг ҳудудидан олиб чиқиладиган контрабанда ашёлари, товар ёки бошқа

қимматликларнинг тури, сони хусусида декларацияга сохта маълумотлар киритиш тушунилади.

11. Контрабанда буюмлари Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини амалда кесиб ўтган вақтдан бошлаб контрабанда **туғалланган** жиноят деб эътироф этилади.

12. **Субъектив томондан** жиноят қасддан содир этилади. Жиноятни квалификация қилиш учун мотив ва мақсаднинг ахамияти йўқ.

13. Ўн олти ёшга тулган ҳар қандай ақли расо шахс жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

Била туриб қалбаки ҳужжат тузган ёки ҳужжатга ёхуд била туриб олган қалбаки ҳужжатига сохта маълумотлар киритган ва уни божхона органларига ҳақиқий ҳужжат сифатида тақдим этган шахс жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 209 ёки 228-моддалари билан жинойи жавобгарликка тортилади.

14. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида** ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланишилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, шунингдек, куп миқдорларда контрабанда қилганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган.

15. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг куп миқдордалиги ҳар бир алоҳида ҳолда, тегишли давлат органининг ҳулосаси орқали аниқланади.

16. Шарҳланаётган жиноятнинг содир этилиши жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 182-моддаси билан квалификация қилишни талаб этмайди.



247-модда. Ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш

Ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини ўррилик ёки фирибгарлик йўли билан эгаллаш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини сунистеъмом қилиш йўли билан;

г) талончилик;

д) тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) босқинчилик йўли билан;

б) ўта хавfli рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** жамоат хавфсизлиги ҳисобланади.

2. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари жиноятнинг **предмети** ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги «Қурол тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ **ўқотар қурол деганда**, порох ёки бошқа модда қуввати ҳисобига йўналтирилган ҳолда ҳаракатга келувчи аслаҳа билан нишонни масофадан туриб механик уриш учун мўлжалланган қурол¹ тушунилиши лозим.

Порох ёки бошқа портловчи моддаларнинг ёниши орқали отиш амалга ошириладиган бир қатор турли мосламалар мавжуд. Масалан, сигнал ракетаицалар, старт, қурилиш пистолетлари ва бошқалар. Улар ўқотар қуролга кирмайди. Қайд этилган предметлар хўжалик-маиший ёки ишлаб чиқариш вазифалари учун мўлжалланган.

4. Тирик нишонни шикастлаш ёки ўқ узиб, нишонни мўлжалга олиш билан боғлиқ спорт тадбирларини ўтказишга мўлжалланганлик ўқотар қуролнинг асосий белгиси ҳисобланади. Бунда снарядни улоқтириш учун порох ёки бошқа портловчи модданинг энергияси ишлатилади.

Баданга шикаст етказиш, ҳатто, ҳаётдан маҳрум қилиши мумкин бўлган предметлар, агар улар жароҳатлаш элементига эга бўлмаса (снаряд, ўқ, сочма ўқ ва х.к.) ва уларни тайёрлашда нишонга шикаст етказиш назарда тутилган бўлмаса, ҳатто, уларни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида порох газларидан фойдаланилган бўлса ҳам, ўқотар қурол деб эътироф этилиши мумкин эмас. Бундай предметлар қаторига сигнал, старт, қурилиш-монтаж ва бошқа шу каби воситалар қиради.

Қурсатиб ўтилган предметлар маиший-хўжалик ёхуд ишлаб чиқаришда фойдаланилади ва бу ҳол уларни қурол деб ҳисоблашни истисно қилади. Пневматик милтиқ, сигнал, старт, газ пистолетлари ёки газ баллонлари, ракетаицалар ва бошқа имитация-пиротехник ва ёритгич воситалари қурол жумласига кирмайди².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги «Қурол тўғрисида»ги ЎРҚ–550-сонли Қонуни, 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга килоф равишда қуролга эгаллик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти хақида» 3-сонли қарори, 2-банд.

Предмет ўқотар қурол деб тан олинishi учун уни тайёрлаш услуги (завод ёки уйда) ахамиятга эга эмас. Ўқотар қурол ўз фойдаланиш мақсади, хусусиятлари, тузилиши, калибри ва бошқа белгиларига кўра турличадир. Ўқотар қуролнинг белгилари ўқотар қурол мажбурий белги ёки айбни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида бўлган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутган ҳамма жиноий-ҳуқуқий меъёрлар учун бир хилдир.

5. **Ўқ-дорилар** деганда, қурол учун лозим бўлган ўқлар, артиллерия снарядлари, бомбалар, миналар, гранаталар, ракеталарнинг жанговор қисмлари, шунингдек, ўқотар қуролдан отиш учун мўлжалланган ашёлар тушунилади. Умуман олганда, ўқ-дорилар ўқотар қуроллар учун хос бўлган белгиларга эга. Булар, биринчидан, уларнинг тирик нишонга отиш учун мўлжалланганлиги, бузғунчилиги ва ҳоказо, иккинчидан, уларга рухсат тизими қоидаларининг татбиқ этилиши.

Ўқ-дориларнинг турли хиллари мавжуд: артиллерия ва отиш қуролларига ўқ-дорилар (снаряд, патрон), кичик калибрли, кесма, ов, ясама қуролга патронлар. Ўқ-дори сифатида ўқув гранаталари, миналар, холостой (пахтавон) патронлар тан олинмайди, чунки улар портловчи моддага эга эмас, факатгина ўқув мақсадлари учун мўлжалланган ва уларга эгалик қилиш жамоат хавфсизлиги учун таҳдидни юзага келтирмайди.

Ўқ-дорининг бўлаги (масалан, гранатанинг запали), агар унинг ўзи ўқ-дорининг барча хусусиятларига эга бўлса, муस्ताқил равишда ўқ-дори деб тан олинishi мумкин¹.

6. **Ўқотар қуролнинг асосий қисмлари** деганда, ствол, затвор, ўқдон (барабан), рамка, ствол кутиси тушунилади².

7. **Портловчи моддалар деганда** порох, динамит, тротил, нитроглицерин ва кислородли хаво етишмаган

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» 3-сонли қарори, 5-банд.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги «Қурол тўғрисида»ги ЎРҚ-550-сонли Қонуни, 3-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.07.2019 й., 03/19/550/3484-сон.

вазиятда портлаш хусусиятига эга бўлган кимёвий моддалар ва аралашмалар тушунилмоғи лозим¹.

Ёкиш, зарба, детонация, қиздириш, ҳаво билан бирлашиш натижасида портлашга яроқли табиий ёки сунъий моддалар (масалан, порох, динамит, тротил, нитроглицерин, аммонал, аммонит, гегсаген ва ҳоказолар) портловчи моддалар деб тан олинади.

Кимёвий саноатнинг жадал суратлар билан ривожланиши натижасида портловчи моддалар турлари сони ҳам ортиб бормоқда. Уларнинг қаторига порох, тротил, пироксилин, натрогликоль, нитроглицерин, динамит, аммоналар, аммонитлар, пластитлар, эластитлар, ракета қаттиқ ёкилғиси ва бошқалар киради.

Ушбу моддалар ута хавфли хоссаларга эга бўлганлиги сабабли қонун чиқарувчи уларни рухсат бериш тизимига киритиб қўйган ва уларни олиш, сақлаш, фойдаланиш, ташишнинг махсус тартибини ўрнатган.

8. Портлатиш қурилмалари деганда портловчи моддалар билан тўлдирилган ва портлашни амалга ошириш учун мўлжалланган йиғилган ҳолдаги қурилмалар тушунилмоғи лозим. Портловчи қурилмалар портловчи модда ва портлашни амалга ошириш учун мўлжалланган конструктив махсус қурилмадан (запал, детонатор ва ҳоказодан) ташкил топган².

9. Эгаллаш вақтида қурол, ўқ-дорилар, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари функционал вазифасига кўра ишлатилиши мумкин бўлганлиги, шарҳланаётган модда бўйича жавобгарликка тортишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Судлар Жиноят кодекси 247, 248-моддалари бўйича жавобгарлик ишлатишга яроқли бўлган ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни ёки портлатиш қурилмаларини ёхуд айбдор

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга ҳилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» 3-сонли қарори, 2-банд.

² Уша жойда.

яроқли ҳолатга келтириш учун аниқ имкониятларга эга бўлса, бузуқ қуролни ёки ўқув қуролини қонунга ҳилоф равишда эгаллаганда, олганда, олиб юрганда, сақлаганда ёки ўтказганда юзага келишини эътиборга олишлари шарт¹.

10. Агар шахс функционал мақсадда фойдаланишга яроқсиз бўлган қурол, ўқ-дори, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, портловчи модда, портлатиш қурилмаларини, уларнинг сифатига ва яроқлилигига нисбатан хато қилган ҳолда қонунга ҳилоф равишда эгалласа, қилмишни ЖКнинг 247-моддасини содир этишга суиқасд, деб квалификация қилиш керак.

Бошқа ҳолларда, функционал мақсадларда ишлатишга яроқсиз қурол ёки унинг қисмларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш (уларни яроқли ҳолатга келтириш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолда), ишнинг ҳолатларига қараб, ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жинояти учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар билан квалификация қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорига мувофиқ: «Агар айбдор ишлатишга яроқсиз бўлган ўқотар қурол, ўқ-дорилар, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаган ва бунда уларнинг сифатига нисбатан янглишиб яроқли деб ҳисоблаган бўлса, содир этилган қилмиш жиноятга суиқасд тариқасида квалификация қилинмоғи лозим. Ўқотар қуролнинг таркибий бўлаклари ва қисмлари ишлатишга яроқли бўлган қуролни йиғиш учун бут бўлган ҳолларда, содир этилган қилмиш Жиноят кодексининг 247 ёки 248-моддаси билан квалификация қилинмоғи керак.

Ўқотар қуролнинг таркибий бўлаклари ва айрим қисмларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш кейинчалик отишга яроқли бўлган қуролни йиғиш учун зарур бўлган етишмайдиган қисмларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган тақдирда, ўзганинг мулкани талон-торож этиш ва ўқотар

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга ҳилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» 3-сонли қарори, 5-банд.

курол тайёрлаш мажмуи билан квалификация қилиниши лозим»¹.

11. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят **объектив томондан** ўқотар куролни, ўқ-дориларни, ўқотар куролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни ёки портлатиш қурилмаларини ўғирлаб ёки фирибгарлик йўли билан эгаллашдан иборатдир.

12. Ўқотар курол, ўқ-дорилар, ўқотар куролнинг асосий қисмлари, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини эгаллаганлик учун жавобгарлик улар қонунга хилоф равишда корхона, ташкилот, муассасалардан, шунингдек, қонуний ёки қонунсиз тарзда эгаллаб турган фуқаролардан олинган ҳолларда ҳам юзага келади.

13. ЖКнинг 247-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъектив томони** тўғри қасда ифодаланади. Айбдор бошқа шахснинг эгалигидаги ўқотар курол, ўқ-дорилар, ўқотар куролнинг асосий қисмлари, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаётганлигини англайди ва талон-торож қилинганларни ўзлаштиришни ёки бошқа шахс фойдасига беришни истайди.

14. Ҳар қандай ақли расо, 14 ёшга тўлган жисмоний шахс жиноятнинг **субъекти** бўлади.

15. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида** қуйидагилар учун жавобгарлик назарда тутилган:

а) жиноятни такроран содир этиш;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб жиноят содир этиш;

в) ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини сунистеъмол қилиш йўли билан жиноят содир этиш;

г) талончилик йўли билан кўрсатилган буюмларни эгаллаш;

д) тамагирлик йўли билан кўрсатилган буюмларга эгалик қилиш.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф равишда куролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» 3-сонли қарори, 5-банд.

16. Айбдор ўқотар қурол, ўқ-дорилар, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини турли вақтларда, ягона қасд билан қамраб олинмаган ҳолда, қонунга хилоф равишда эгаллаган тақдирда, жиноят ЖКнинг 247-моддаси 2-қисми «а» банди билан квалификация қилинади, бунда у аввалги жинояти учун жавобгарликка тортилмаган бўлиши лозим. Одатда, тақроранликда жиноятлар бирмунча вақт оралиғидаги узилиш билан содир этилади.

17. Шарҳланаётган жиноятни содир этишда икки ёки ундан ортик шахс олдиндан тил бириктириб иштирок этганда ва уларнинг ҳар бири жиноятни тўлиқ ёки қисман бажарганда, қилмиш ЖКнинг 247-моддаси 2-қисми «б» банди бўйича квалификация қилинади. Ролларни тақсимлаш билан иштирокчилик мавжуд бўлганда, бажарувчининг (бажарувчиларнинг) қилмиши ЖКнинг 247-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши керак, қолган иштирокчиларнинг ҳаракатлари эса, ЖК 28-моддасининг тегишли қисми орқали бажарувчи жавобгарликка тортилган қисми билан квалификация қилиниши керак.

18. **ЖК 247-моддасининг 3-қисмида** бу буюмларга қуйидаги йўллар билан эгалик қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган:

- а) босқинчилик йўли билан;
- б) ўта хавfli рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса.

19. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, талончилик, товламачилик, босқинчилик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш Жиноят кодексининг 247-моддаси ва тегишли моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан, фақат бу моддалар (модда қисмлари) санкцияси Жиноят кодексининг 247-моддасидан оғирроқ жазони кўзда тутган ҳоллардагина квалификация қилиниши лозим (масалан, Жиноят кодекси 247-мод-

даси 3-қисмининг «в» банди ва 164-моддаси 4-қисмининг «в» банди билан)¹.

20. Айбдор шарҳланаётган жиноятни содир этгунга қадар суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича ўта хавфли рецидивист деб топилган тақдирда, унинг қилмиши **ЖК 247-моддасининг 3-қисми «б» банди билан квалификация қилинади.**

20. Жинойи фаолият билан шуғулланиш мақсадида олдиндан бирлашган бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганда, жиноят **уюшган гуруҳ** томонида, содир этилган деб топилади (ЖКнинг 29-моддаси 2-қисми).

Қилмишни ЖК 247-моддасининг 3-қисми «в» бандидаги **уюшган гуруҳ манфаатини кўзлаб** содир этилганлик билан квалификация қилиш учун содир этилган жиноят натижасида уюшган гуруҳ аъзолари ўзларининг бирор манфаатларини ҳал қила олиши мумкин бўлиши, бажарувчи эса уюшган гуруҳ аъзоси бўлмаслиги мумкин. Унда, уюшган гуруҳ манфаатини кўзлаб, жиноят содир этишга қасди мавжуд бўлганлигини аниқлаш лозим.

◆

248-модда. Ўқотар қуролнинг, ўқ-дориларнинг, ўқотар қурол асосий қисмларининг, портловчи моддаларнинг, портлатиш воситаларининг ёки портлатиш қурилмаларининг қонунга ҳилоф муомаласи

Тегишли лицензияларсиз ёки рухсатномаларсиз ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш, олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш –

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга ҳилоф равишда қуролга эгаллик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» 3-сонли қарори, 7-банд.

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни ёки портлаш қурилмаларини ўтказиш, —

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган буюмларни ўз ихтиёри билан топширган шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Ш А Р Ҳ

1. Мазкур жиноятнинг **бевосита объекти** жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ўқотар қурол, ўқ-дорилар, ўқотар қурол асосий қисмлари, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари билан муомала қилиш бўйича ижтимоий муносабатлардир. (*ЖКнинг 247-моддаси шарҳига қаранг*).

2. Шарҳланаётган жиноятнинг **объектив томони** тегишли лицензияларсиз ёки рухсатномаларсиз ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш, олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ташиш, улардан фойдаланишда ифодаланади.

3. Жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини ишлаб чиқариш деганда, уларни яшаш ёки шикаст етказиш хусусиятларини тиклаш, шунингдек, қандайдир ашё (масалан, ракета, старт ва қурилиш пистолетлари)ни қайта ишлаш натижасида уларни ўқотар қурол хусусиятига

келтириш тушунилиши лозим. Ашёга шикаст етказиш хусусиятларини беришга қаратилган ҳаракатлар айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охиригача етказилмаган бўлса, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда тайёрлашга суиқасд қилиш тарикасида квалификация қилинмоғи лозим¹.

4. Қуролнинг бевосита вазифасига кўра фойдаланиш имконини берадиган даражада тайёрланганлиги тавсифланган тақдирда, жиноят **туғалланган** деб топилади.

5. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини олиш деб, мазкур предметларни ЖКнинг 247-моддасида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ҳар қандай ҳолда ўз эгаллигига олишни тушуниш лозим.

Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини олиш: сотиб олиш, бошқа нарсаларга алмаштириб олиш, қарзга ёки ҳадяга, қарз эвазига олиш орқали амалга оширилиши мумкин. Мазкур ҳолатда жиноят эгалик қилиш пайтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

6. Юқоридаги предметларни **олиб юриш** деганда, айбдорнинг қайд этилган ашёларнинг соҳиби эканлиги ва бу ашёларнинг унинг ёнида бўлиши тушунилиши лозим. Бунда ушбу ашёларнинг бевосита унинг ёнида ёки қандайдир нарсада (чемоданида, автомашинасида ва ҳоказоларда), яширинча ёки уларни яшириш чораларини кўрмасдан, яъни мазкур предметлар айбдорнинг «қўли остида» бўлишининг аҳамияти йўқ.

7. Юқоридаги предметларни **сақлаш** деганда, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини тегишли лицензияларсиз ёки рухсатномаларсиз айбдорнинг эгаллигида: ёнида, бинода, хуфя жойларда, транспорт воситаларида ва бошқа ерларда бўлиши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилиши лозим. Суд амалиёти шундан келиб чиқадики,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти хақида» 3-сонли қарори, 8-банд.

қилмиш юқоридаги предметлар айбдор уйида ёки бошқа жойда сақланишидан, яширин ёки очиқ ва ҳатто хўжалик-маиший предмет сифатида қўлланишидан қатъи назар, қонунга ҳилоф сақлаш деб квалификация қилинади.

Субъект уларни ўз танишлариникида сақланаётганида ҳам сақлаш учун жавобгарлик истисно қилинмайди. Айбдор бундай ҳолатларда фақатгина сақлаш жойи, услубини танлайди. Бироқ қурол унга маълум, у танлаган жойда сақланади ва унинг тасарруфида қолади.

Қайд қилинган ашёлар шахс томонидан тегишли рухсатнома бўлган ҳолда, аммо бу рухсатноманинг муддати ўтган ёки ўқотар қуролни ҳисобга қўйиш қоидалари бузилган вазиятда сақланаётган бўлса, айбдор маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши керак.

8. **Олиб ўтиш** деганда, маконда ташиш воситасидан қатъи назар, қайд этилган ашёлар айбдорнинг бевосита ёнида бўлмаганда олиб ўтилишини тушуниш лозим.

9. **Жўнатиш** деганда, қайд этилган ашёларни контейнер, посылка ва бошқа мослаштирилган нарсаларда жўнатишни тушуниш керак.

Қайд этилган ашёларни олиб ўтиш ва жўнатиш мазкур ҳаракатларни содир этиш пайтидан бошлаб **туғалланган** жиноят ҳисобланади.

10. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасддан содир этилади. Бунда айбдор ўқотар қурол, ўқ-дорилар, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини тайёрлаётгани, олаётгани, олиб юргани, сақлаётгани, олиб ўтаётгани, жўнатаётгани, ўтказаетганини англайди ва у мазкур ҳаракатларни тегишли лицензияларсиз ёки рухсатномаларсиз содир этади. Айбдорнинг қасди билан тегишли ашёлар яроқли ҳолатдалиги, ишлатишга яроқлилиги ёки ишлатиш учун яроқли ҳолатга тез келтирилиши мумкинлиги ҳам қамраб олинishi лозим.

11. Жиноят содир этилиши пайтида ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахслар Жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

12. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида** ўқотар қурол, шунингдек ўқ-дорилар, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари

ишлаб чиқариш, таъмирлаш, олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, жунатиш, улардан фойдаланиш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган. *(Такрорийлик ва хавфли рецидивист тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 32 ва 34-моддалари шарҳига қаранг).*

13. ЖКнинг 248-моддаси 3-қисмида ўқотар қурол, шунингдек, ўк-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини ўтказиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ўқотар қурол, ўк-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини ўтказиш деганда, уларни ҳар хил усулларда тарқатиш (сотиш, ўзгага бериш, ҳадя қилиш, қарздорлиги эвазига бериш, қарзга бериш ва хоказолар)ни тушуниш лозим. Қайд этилган ашёларни ўтказиш, олувчи ўз эгалигига тегишли ашёларни ўтказиш вақтидан қатъи назар, уларга эгалик қилган вақтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

14. ЖК 248-моддасининг 4-қисмида «ушбу моддада назарда тутилган буюмларни ўз ихтиёри билан топширган шахс жавобгарликдан озод қилинади», – деб таъкидланади.

Шахс жиноий жавобгарликдан қуйидаги зарурий шартлар мавжудлигида озод этилади:

– биринчидан, қуролни топширгунга қадар, ундан жиноят учун фойдаланмаган бўлиши керак;

– иккинчидан, шахсда сақланаётган ўқотар қурол, ўк-дори, портловчи модда, портлатиш қурилмаларининг барчаси топширилиши лозим;

– учинчидан, қонунга хилоф равишда сақланаётган буюмлар, ўз ихтиёрига кўра, сақланувчи томонидан ҳуқуқ органлари томонидан ҳеч қандай талабсиз топширилиши лозим. Шахс Жиноят кодексининг 248-моддасида қайд этилган ашёларни эркин тарзда ўз ихтиёри билан топшириш тўғрисида қарорга келса ва унинг ўзи бу ашёларни топшириш ҳақида тегишли органларга ёзма ёки оғзаки равишда мурожаат қилса, у ашёларни ўз ихтиёри билан топширган ҳисобланади. Шахс тинтув жараёнида ёки унда қурол борлиги ҳақида далиллар келтирилиши натижасида қуролни топшириш тўғрисидаги

хулосага келса, у қуролни ўз ихтиёри билан топширган ҳисобланмайди.

248¹-модда. Учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш

Учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш, улардан фойдаланиш ёки уларни бошқа шахсларга бериш тартибини бузиш, шунингдек улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, —

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) мансаб мавқеини суистеъмом қилиш йўли билан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;

г) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган модданинг бевосита **объекти** учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш, улардан фойдаланиш ёки

уларни бошқа шахсларга беришнинг қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибига риоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, шунингдек, жамоат ҳавфсизлиги, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳисобланади.

2. Жиноят **предмети** учувчисиз учадиган аппаратлар ҳисобланади. *(Учувчисиз учадиган аппаратлар тушунчаси тўғрисида ЖК 244¹-моддаси шарҳига қаранг)*

3. Жиноят **объектив томондан** учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш, улардан фойдаланиш ёки уларни бошқа шахсларга бериш тартибини бузиш, шунингдек улардан бошқа мақсадларда фойдаланишда ифодаланади.

(Учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш, улардан фойдаланиш тушунчалари тўғрисида ЖК 244¹-моддаси шарҳига қаранг)

4. **Фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:**

а) саноат усулида ишлаб чиқарилган;

б) ишлаб чиқарувчи заводнинг паспортига ёки унга тенглаштирилган ҳужжатга (сифат сертификати, мувофиқлик сертификати) эга бўлиши;

в) парвоз вақтида максимал оғирлиги 25 кг дан ошмаслиги, қишлоқ хўжалигида агротехник тадбирларни амалга ошириш учун мўлжалланган учувчисиз учиш аппаратлари бундан мустасно, бунда уларнинг максимал учиш оғирлиги 100 кг дан ошмаслиги керак ва тур сертификати мавжуд бўлиши лозим¹.

Фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратларидан фойдаланишга ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги томонидан рухсат берилади.

Давлат авиациясининг манфаатларини кўзлаб экспериментал учувчисиз учадиган аппаратлар ва учувчисиз авиация тизимларининг парвозларини синовдан ўтказиш вақтида ҳаво

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрдаги 658-сонли қарорига 1-илова), 7-банд // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.11.2022 й., 09/22/658/1019-сон.

худудидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади¹.

Шарҳланаётган жиноят-хуқуқий норма бланкет хусусиятга эга. Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш шарт-шароитларини мувофиқлаштирадиган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг яхлит тизими вужудга келди. Булар, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 658-сонли қарори ва мазкур қарор билан тасдиқланган қуйидаги Низомлар ҳисобланади:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш ва уларни сақлаш тартиби тўғрисидаги низом;

2. Учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида улардан фойдаланиш учун илтимоснома бериш тартиби тўғрисидаги низом;

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аэросуратга олиш ишларини ҳаво кемаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тўғрисидаги низом².

5. Ҳаво кемасининг ўйинчоқ моделларидан ҳаво бўшлиғидан фойдаланишда руҳсат талаб этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрдаги 658-сонли қарорига биноан, ҳаво кемасининг ўйинчоқ моделлари деганда, фуқароларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун ишлатиладиган, оғирлиги 250 граммдан ошмайдиган, 8802200001 ТН ВЭД кодига тушмайдиган, парвозни автоном бошқариш функциясига ва навигацияга эга бўлмаган, фото ва

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрдаги 658-сонли қарорига 1-илова), 41-банд // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.11.2022 й., 09/22/658/1019-сон.

² Уша манба.

видео ускуналар билан жиҳозланмаган учадиган аппарат тушунилади¹.

6. **Субъектив томондан** жиноят қасддан содир этилади.

7. Жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

8. **ЖКнинг 248¹-моддаси 2-қисмида:**

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) мансаб мавқеини сунистеъмом қилиш йўли билан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;

г) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса жавобгарлик назарда тутилган.

9. Ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса **ЖКнинг 248¹-моддаси 3-қисми** бўйича жавобгарликка тортилади.

10. Ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса **ЖКнинг 248¹-моддаси 4-қисми** бўйича жавобгарликка тортилади.

249-модда. Қуролни ва унинг ўқ-дориларини сақлаш, олиб юриш, ташиш қоидаларини бузиш

Ўқотар қуролни ва унинг ўқ-дориларини, шунингдек пневматик қуролни, тигли совуқ қуролни (ов пичоқларини, ов ханжарчалари ва ханжарларни, рапиралар, шпагалар ва қиличларни), улоқтириш қуролини (камонлар, арбалетлар ва найзаларни), сигнал берувчи қуролни сақлаш, олиб юриш, ташиш қоидаларини бузиш одамнинг ўлимига ёхуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, –

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрдаги 658-сонли қарорига 1-илова). 2-банд // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.11.2022 й., 09/22/658/1019-сон.

базавий ҳисоблаш миқдорининг элик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** бошқа шахслар томонидан ўқотар қурол ва унинг ўқ-дорилардан фойдаланишни истисно қиладиган ўқотар қурол, ўқ-дориларни сақлаш тартибини белгиловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек, шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи, мулкий муносабатлар ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг **объектив томони** ўқотар қуролни ва унинг ўқ-дориларини, шунингдек пневматик қуролни, тўғли совуқ қуролни (ов пичоқларини, ов ханжарчалари ва ханжарларни, рапиралар, шпагалар ва қиличларни), улоқтириш қуролини (камонлар, арбалетлар ва найзаларни), сигнал берувчи қуролни сақлаш, олиб юриш, ташиш қоидаларини бузиш одамнинг ўлимига ёхуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлишида ифодаланади.

Ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларига, шунингдек пневматик қурол, тўғли совуқ қурол (ов пичоқлари, ов ханжарчалари ва ханжарлар, рапиралар, шпагалар ва қиличлар)га, улоқтириш қуроли (камонлар, арбалетлар ва найзалар)га, сигнал берувчи қуролларга қонуний эгалик қилиш ҳуқуқи шахсни ЖКнинг 249-моддаси бўйича жавобгарликка тортишнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Қайд этилган ашёлар қонунга хилоф равишда айбдор ихтиёрида бўлиши ва уларни сақлаш қоидаларининг бузилиши натижасида одам ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан ҳолларда, айбдорнинг қилмиши жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 247-моддаси ёки 248-моддаси ва ЖКнинг 249-моддаси билан квалификацияланади.

3. Шарҳланаётган модда бланкет норма бўлиб, қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи «Қурол тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 9-моддасига

кўра, фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари муомаласига белгиланадиган бир қатор чекловлар мавжуд. Жумладан:

- сойли стволли спорт ўқотар қуролини ёки оғиз қисмидаги қувват 3 жоулдан юқори ва калибри 4,5 миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик спорт қуролини, шунингдек тигли совуқ спорт қуролини ҳамда улоқтириш қуролини спорт объектларидан ташқарида сақлаш ва улардан фойдаланиш, бундан ҳайвонот дунёси объектларини ҳаракатсизлантириш ва эмлаш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ҳамда профилактика ишларини амалга ошириш учун камонлар ва арбалетлардан фойдаланиш мустасно;

- фуқаровий ва хизмат қуролига товушсиз ўқ узиш мосламаларини ва тунда қуриш мўлжаллагичларини ўрнатиш, бундан ов қилиш учун мўлжаллагичлар мустасно;

- қуролни ва унинг ўқ-дориларини жўнатиш;

- фуқаровий қуролни (бундан ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроли мустасно), совуқ қуролни ҳамда совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ўзини ўзи ҳимоя қилиш мақсадида олиб юриш;

- митинглар, кўча юришлари, намоёнлар ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказилганда, кўнгилочар ва ҳордиқ чиқариш учун мўлжалланган, алкогольли маҳсулотлар реализация қилинадиган жойларда, таълим, тиббиёт муассасаларида ҳамда қурол олиб юриш тақиқланган бошқа жамоат жойларида бўлган вақтда, шунингдек алкогольли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда фуқаровий қуролни олиб юриш;

- қуролни ва совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни жамоат жойларида, шу жумладан шаҳар транспортда, шаҳар атрофига қатновчи, шаҳарлараро ва халқаро транспортда очиқ (рилофсиз) ҳолда олиб юриш;

- совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни улардан касбий фаолиятда, спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда, жамоат жойларида олиб юриш;

- фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш бўйича фаолиятни амалга ошираётган

юридик шахсларнинг ихтисослаштирилган дўконларидан ташқарида фуқаровий ҳамда хизмат қуролини ва унинг ўқ-дориларини реализация қилиш;

– фуқаровий қуролга қонуний асосда эгаллик қилмайдиган шахсларга бундай қуролнинг патронларини реализация қилиш, бундан спорт ташкилотларида ўқотар қуролдан фойдаланиш билан боғлиқ спорт турлари билан шуғулланувчи ёки таълим муассасаларида ўқ отиш бўйича тайёргарликдан ўтаётган шахсларга патронлар бериш мустасно¹ ва х.к.

4. Юқоридаги ашёларни сақлаш қоидаларини бузиш деганда бегона шахсларга қайд этилган ашёларни ҳеч қандай тўсиқсиз қўлга киритиш имконини берадиган сақлаш шароитларининг яратилишини тушуниш зарур. Масалан, ўқланган қуролни бошқа шахслар учун очиқ бўлган умумий фойдаланиш жойларида сақлаш ва ҳоказо.

Юқоридаги ашёларни сақлаш қоидаларини бузиш кўпинча ана шу ашёлар бутлигини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўрмаган айбдорларнинг жиной ҳаракатсизлигида ифодаланadi. Аммо баъзан бундай қилмиш фаол ҳаракат қилиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкин. Айбдорлар ана шу ашёларни сақлаш учун зарур шартларни таъминлаш мақсадида маълум чора-тадбирларни кўрган, аммо бу чора-тадбирлар етарли бўлмаганлиги сабабли қурол ёки ўқ-дориларни бегона шахслар эгаллаб олган ва бу одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган ҳоллар шулар жумласидандир.

5. Қонуннинг 10-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига қуйидагилар эга:

- махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар;
- махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар;
- қуролни ва унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи юридик шахслар;
- қуролни ва унинг ўқ-дориларини реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик шахслар;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги «Қурол турғунлигидаги ўқ-дориларнинг қонунини, 9-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.07.2019 й., 03/19/550/3484-сон.



- овчилик ва отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар;
- қуролни коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;
- чет эл фуқаролари;
- Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Юқорида кўрсатилган (10-моддасининг учинчи – ўнинчи хатбошиларида) субъектлар ички ишлар органларининг амал қилиш муддати уч ойлик бўлган рухсатномалари асосида фуқаровий ва хизмат қуролини олиш ҳуқуқига эга.

6. Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ташиш тартиби Қонуннинг 24-моддасида белгилаб берилган. Унга кўра, юридик шахслар ўзларига тегишли фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ички ишлар органларининг фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ташиш учун амал қилиш муддати уч ой бўлган рухсатномалари асосида ташиш ҳуқуқига эга.

7. Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ташиш учун юридик шахсларга бир катор мажбуриятлар юкланган:

- ташиш учун тузилиши юкни бегона шахсларнинг кўриши ва унга кириши имкониятини истисно этадиган техник жихатдан соз транспорт воситаларини ажратиши;
- қуролни ва унинг ўқ-дориларини завод ўровида ёхуд сўргичланган ёки пломбаланган махсус идишда ташиши;
- ўн донадан кўп миқдордаги ўқотар қурол ёки унинг беш юз донадан ортиқ миқдордаги ўқ-дорилари туркуми олиб борилаётган йўлда ички ишлар органларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг ёки идоровий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш органларининг қуролини кўриқчилари томонидан кузатиб борилишини таъминлаш шарт.

8. Фуқаровий ва хизмат қуроли ташиш чоғида ўқ-дорилардан алоҳида, ўқи чиқариб олинган ҳолатда бўлиши керак.

Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ташиётган транспорт воситасининг очилганлиги, идишнинг

шикастланганлиги, муҳрларнинг излари ёки пломбалар бузилганлиги аломатлари аниқланган тақдирда, қуроли қўриқчилар бошлиғи бу ҳақда дарҳол ички ишлар органларига хабар қилиши, далолатнома тузиши, содир бўлган ҳолатнинг сабабларини аниқлаш юзасидан зарур чоралар кўриши ҳамда ҳодиса жойи қўриқланишини таъминлаши шарт.

Жисмоний шахсларга тегишли фуқаровий ва хизмат қуролини ташиш жилдларда, кинларда ёки махсус ғилофларда амалга оширилади¹.

9. Қонунда кўзда тутилган ижтимоий хавfli оқибатлар: одам ўлиши ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан пайтдан эътиборан жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

10. Айбдорнинг эғалигида бўлган ўқотар қуроли ва унинг ўқ-дориларини, шунингдек пневматик қуроли, тигли совуқ қуроли (ов пичоқларини, ов ханжарчалари ва ханжарларни, рапиралар, шпагалар ва қиличларни), улоқтириш қуролини (камонлар, арбалетлар ва найзаларни), сигнал берувчи қуролини сақлаш, олиб юриш, ташиш қондаларини бузиш одам ўлишига ёхуд бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, ЖКнинг 249-моддаси аломатлари камраб олади ва ЖКнинг бошқа моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

«Бошқа оғир оқибатлар» аломати ҳар бир муайян ҳолатда ишнинг тафсилотлари мажмуидан (иморатнинг портлаши, катта миқдордаги зарарли моддаларнинг атмосферага тарқалиши ва шу кабилар) келиб чиққан ҳолда тергов ва суд томонидан ҳал қилинади»².

11. **Субъектив томондан** жиноят мураккаб айбли жиноят ҳисобланади, яъни ўқотар қуроли ва унинг ўқ-дориларини, шунингдек пневматик қуроли, тигли совуқ қуроли (ов пичоқларини, ов ханжарчалари ва ханжарларни, рапиралар, шпагалар ва қиличларни), улоқтириш қуролини (камонлар,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги «Қурол тўғрисида»ги ўРҚ-550-сонли Қонуни, 24-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.07.2019 й., 03/19/550/3484-сон.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга ҳилоф равишда қуролга эғалик қилнш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» 3-сонли қарори, 11-банд.

арбалетлар ва найзаларни), сигнал берувчи қуролни сақлаш, олиб юриш, ташиш қоидаларини бузаётганлигига нисбатан тўғри қасд, бироқ оқибатига нисбатан эҳтиётсизлик шаклида намоён бўлади.

12. Жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тўлган ва моддада кўрсатилган ашёларга қонуний асосларда эгалик қилувчи шахс ҳисобланади.

250-модда. Портлаш хавфи бўлган моддалар ёки пиротехника буюмларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Портловчи, тез алангаланувчи, уювчи моддаларни ёхуд пиротехника буюмларини сақлаш, ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш, жўнатиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Мазкур жиноятнинг **объекти** жамоат хавфсизлиги, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиги ҳисобланади.

2. Портловчи, тез алангаланувчи, уювчи моддалар, пиротехника буюмлари жиноятнинг **предмети** ҳисобланади.

3. **Портловчи моддалар** деганда, кислород, ҳаво етишмаган вазиятда портлаш хусусиятига эга бўлган ҳамда

рухсатнома тизими таъсир доирасига кирадиган табиий ва сунъий моддалар, кимёвий бирикмалар ва аралашмалар, масалан, порох, динамит, тротил, нитроглицерин, водород ва кислород аралашмаси, пироксилин ва ҳоказолар тушунилиши лозим.

Қонун чиқарувчи портловчи моддаларнинг хавfli хусусиятларини инобатга олиб, қўлга киритиш, сақлаш, фойдаланиш, ташиш ва ҳоказоларнинг махсус тартибини жорий этган, улар рухсатнома тизими доирасига киради.

4. **Ўювчи моддалар** деганда, емирувчи таъсир кўрсатадиган кимёвий моддаларни тушуниш лозим. Масалан, карбол, олтингургурт, азот, сирка кислоталари, нашатир спирти, формалин, ишқорлар, ўювчи натрий ва ҳоказолар.

5. **Тез алангаланувчи моддалар** – ўз таркибига ёнувчи ёки тез алангаланувчи моддаларни олган жонли нишонни отиш, муайян объектга шикаст етказиш ёки вайрон қилиш мақсадларига эришиш учун қурол сифатида ишлатишга мўлжалланган ёки мослаштирилган табиий ёки сунъий, синтез қилинган, қаттиқ, суюқ, газсимон материаллар ва ёнувчи аралашмалар. Масалан, нефть битуми, нефть гудрони, алюмин қириндиси ва чанги, органик пероксидлар шулар жумласидандир.

Шуни назарда тутиш керакки, тергов ёки суд муҳокамаси вақтида у ёки бу модданинг тез алангаланувчи моддалар сирасига киришига шубҳа турилса, суд иш бўйича ёнгин-техника экспертизасини тайинлаши зарур.

6. **Пиротехника буюмлари** деганда, ҳарбий ва тинч мақсадлар учун мўлжалланган, таркибида портловчи ва тез ёнувчи моддалар бўлган ёритиш, тутун чиқариш, аланга олдириш воситаларини тушуниш зарур. Масалан, сигнал мосламалари, мушаклар, турли иллюминациялар ва ҳоказо.

7. Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, транспортда ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 майдаги «Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб

кириш, транспортда ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 213-сонли қарори, 2005 йил 8 июлдаги «Портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, транспортда ташиш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тўғрисида»ги йуриқнома, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида портловчи материалларни автомобиль транспортида ташиш» қоидалари ва «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида портловчи материалларни темир йўл транспортида ташиш» қоидаларига кўра белгиланади.

8. **Объектив томондан** жиноят портловчи, тез алангаланувчи, ўювчи моддаларни ёхуд пиротехника буюмларини:

- сақлаш;
- ҳисобга олиш;
- фойдаланиш;
- ташиш;
- жўнатиш қоидаларини бузиш натижасида баданга уртача оғир ёки оғир шикаст етказилишидан иборатдир.

9. Портловчи моддаларни ҳисобга олиш, сақлаш, транспортда ташиш ва улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя қилиниши устидан назорат «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси билан биргаликда Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади¹.

10. **Сақлаш** деганда, айбдор шахснинг портловчи моддаларни махсус жойларга (тайёр маҳсулот омбори ва бошқалар) жойлаштиришга қаратилган, қасддан содир этилган ҳар қандай ҳаракатлари тушунилиши лозим.

Портловчи моддаларнинг ер усти омбори – бу белгиланган қоидаларга мувофиқ портловчи моддаларни сақлаш учун мўлжалланган, умумий ўралган ва қуриқланидиган ҳудудда жойлашган ер устида жойлашган бино ва иншоотлар мажмуидир.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 майдаги 213-сонли «Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, транспортда ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2-банднинг еттинчи хатбошиси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 19-сон, 219-модда.

Портловчи моддаларнинг ер ости омбори – бу портловчи моддаларни сақлаш учун мўлжалланган камералар ва омборга олиб борувчи ёрдамчи камералар¹.

Узоқ вақт сақланадиган портловчи материаллар омборлари Ички ишлар вазирлигининг бўлинмалари томонидан қуриқланади, қисқа муддатли, кўчма сарфлаш ва ер ости омборлари Ички ишлар вазирлиги бўлинмалари ёки идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қуриқлаш хизмати томонидан қуриқланиши мумкин².

11. Портловчи моддаларни сақлаш жойлари қуйидаги турларга ажратилади:

1. Хизмат муддатига кўра:

а) 90 кунгача бўлган муддатга портловчи моддаларни сақлашга мўлжалланган платформа, майдонда;

б) узоқ муддатга портловчи моддаларни сақлашга мўлжалланган омборлар:

– қисқа муддатга – 1 йилгача;

– вақтинчалик муддатга – 3 йилгача;

– доимий (узоқ муддатга) – 3 йилдан ортиқ.

2. Мақсадига кўра:

а) базавий омборлар – портловчи моддаларни бошқа омборга бериш учун мўлжалланган;

б) сарфлаш омборлари – портлатишни амалга ошириш учун портловчи моддаларни бериш учун мўлжалланган.

3. Жойлашувига кўра:

а) кўчма омборлар – автомашина ёки тиркамаларда ташиш учун мўлжалланган;

б) стационар.

¹ Қаранг: «Портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, транспортда ташиш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами: 1491, 08.07.2005 й.), 1-банд 15-16-хатбоши // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2005 й., 27-сон, 199-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 майдаги 213-сонли «Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, транспортда ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2-банднинг олтинчи хатбошиси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 19-сон, 219-модда.

12. Портловчи моддаларни **ҳисобга олиш** деганда, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан белгиланган норма ва қондаларга мувофиқ портловчи моддаларни сақлаш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш жойларидаги ҳаракатларни ҳужжатлаштириши тушуниш лозим¹.

13. **Ташиш** деганда, портловчи моддаларни ер усти ва ер ости йўллари орқали сақлаш жойларидан (омборлар, платформалар, тарқатиш камералари) портлатиш ишлари олиб бориладиган жойларга транспортировка қилинишини тушуниш лозим. Портловчи материалларни ташиш махсус жихозланган автотранспорт воситалари ва темир йўл вагонларида, Ўзбекистон Республикаси ИИБ тузилмаларининг қуролланган соқчилари ёрдамида амалга оширилади.

Портловчи моддаларни Ўзбекистон Республикаси ҳаво кенглигида фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари билан ташиш қатъиян тақиқланади. Истисно ҳолларда бундай ташиш фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари билан хавфсизликнинг зарур чора-тадбирларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори бўйича амалга оширилиши мумкин².

14. **Жўнатиш** деганда, портловчи моддаларни контейнер, посылка ва бошқа мослаштирилган воситаларда қўчиришни тушуниш керак.

15. **Портловчи моддалардан фойдаланиш** – мазкур буюмларни бевосита қўллашдир, яъни саноат ишлаб чиқаришда улардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ фаолият тури.

Портловчи моддалардан корхона, муассаса ва ташкилотлар, шу жумладан, илмий-тадқиқот институтлари, лабораториялар ва ўқув муассасалар портлатиш ишларида ягона хавфсизлик қондаларига ҳамда портловчи моддалардан фойда-

¹ Қаранг: «Портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, транспортда ташиш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами: 1491, 08.07.2005 й.), 1-банд 17-хатбоши // Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 27-сон, 199-модда.

² Ҷша манба, 2-банд тўртинчи ва бешинчи хатбошилар.

ланиш ва ишлаб чиқариш тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ фойдаланишлари лозим¹.

16. ЖКнинг 250-моддасида назарда тутилган жиноят баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган пайтдан бошлаб **туғаллаган** деб топилади.

17. **Субъектив томондан** жиноят қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилади. Жиноятни квалификация қилишда уни содир этиш мотиви ва мақсади аҳамият касб этмайди.

Шахсни ЖКнинг 250-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш учун портловчи моддалар ёки пиротехника буюмлари билан муомала қилиш қоидаларининг қайси банди бузилганлигини аниқлаш зарур.

18. Жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс ҳисобланади.

19. Шарҳланаётган модданинг **2-қисмида** портловчи моддалар ёки пиротехника буюмлари билан муомала қилиш қоидаларининг бузилиши одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

20. **Бошқа оғир оқибатлар** деганда, икки ёки undan ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишини, экологик ҳалокат рўй бериши ва ҳоказоларни тушуниш зарур.

250¹-модда. Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон

¹ Қаранг: «Портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, транспортда ташиш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тўғрисида» ги йўриқнома (рўйхат рақами: 1491, 08.07.2005 й.), 51-банд // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 27-сон, 199-модда.

Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пиротехника буюмларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

г) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса;

д) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пиротехника буюмларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;

в) одам улишига сабаб бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жунатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, –

саккиз йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Мазкур жиноятнинг **объекти** пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жунатиш, улардан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказишнинг белгиланган тартиби, шунингдек фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлигини, ўзгалар мулкининг хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Пиротехника буюмлари жиноятнинг **предмети** ҳисобланади.

Қонунчиликда «пиротехника буюмлари» тушунчасига берилган кўплаб таърифлар мавжуд. Улардан бирига мувофиқ, **пиротехника воситалари** деганда, ташқи эффект (олов, овоз, газ ёки тутун, ёхуд уларни биргаликда) келтириб чиқаришга мўлжалланган, таркибида пиротехник воситалари мавжуд бўлган буюмларни тушуниш лозим¹.

¹ Қаранг.: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида портловчи материалларни автомобиль транспортда ташиниш қондалари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 июлда 1492-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган), 2-банд // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 27-сон, 200-модда.



Хавфлилик даражасига кўра пиротехник буюмлари куйидаги тоифаларга ажратилади:

– ёппасига портлаши мумкин бўлган пиротехник буюмлари;

– ёппасига портламайдиган, аммо портлаганда ёйилиб, атрофдаги буюмларга шикаст етказиш хавфига эга бўлган пиротехник буюмлар;

– ёнганда катта миқдорда иссиқлик чиқариши ёки жиддий бўлмаган портлаш, ёйилиш эффекти билан биринкетин ёнадиган пиротехник буюмлар;

– ташиш вақтида фақат ёниш ёки ёқиш ҳолларида жиддий бўлмаган портлаш хавфи бўлган пиротехник буюмлар. Портлаш доираси кути доираси билан чегараланади¹.

3. Объектив томондан жиноят пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш; тайёрлаш; сақлаш; ташиш; жунатиш; фойдаланиш; Ўзбекистон Республикасига олиб кириш; Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни анча миқдорда амалга ошириш ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этишдан иборатдир.

Пиротехника буюмларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида тартибга солинган.

4. Ишлаб чиқариш – ўз ичига пиротехник буюмларини кейинчалик истеъмол учун чиқариш мақсадида уларни тўлиқ технологик жараён ёки унинг алоҳида босқичлари бўйича ишлаб чиқаришни олади. Пиротехник буюмларни (ҳарбий мақсадда фойдаланиладиган маҳсулот бундан мустасно) ишлаб чиқариш, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги ЎРҚ–701-сонли «Лицензиялаш, рухсат

¹ Қаранг.: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида портловчи материалларни автомобиль транспортида ташиш қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 июлда 1492-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган), 4-банд // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 27-сон, 200-модда.

бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган амалга оширилиши учун лицензияларни олиш талаб қилинадиган фаолият турларига киради¹. Шу муносабат билан, пиротехника буюмларини турли ташкилотлар томонидан, мазкур фаолият тури билан шуғулланишга рухсат берувчи лицензияга эга бўлмаган ҳолда ишлаб чиқариш ҳоллари, пиротехника буюмларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш, деб баҳоланиши лозим.

5. Шарҳланаётган модда мазмунида **тайёрлаш** деганда, айбдор шахснинг, пиротехник моддалар ва турли ёрдамчи воситалардан пиротехника буюмларини тайёрлашга қаратилган ҳаракатларини тушуниш лозим. Тегишли тартибда рўйхатдан ўтмаган ихтисослашмаган корхоналар томонидан (маиший шароитда ёки кичик цехларда) пиротехника буюмларини тайёрлаш пиротехника буюмларини қонунга ҳилоф равишда тайёрлашга мисол бўлиши мумкин.

6. «Сақлаш», «ташиш», «жўнатиш» тушунчалари тўғрисида ЖК 250-моддаси шарҳига қаранг.

7. **Пиротехника буюмларидан фойдаланиш** – мазкур буюмларни бевосита қўллашдир. Таъкидлаш жоизки, ЖКнинг 250-моддасида назарда тутилган жиноятдан фарқли ўларок, ушбу ҳолатда пиротехника буюмлари айнан қонунга ҳилоф равишда фойдаланилади. Аксарият ҳолларда, мазкур буюмлар оммавий тадбирлар ўтказишда, турли саноат ишларини олиб боришда ишлатилади.

8. **Ўзбекистон Республикасига ноқонуний олиб кириш** қонунда белгиланган тартибни бузган ҳолда пиротехника буюмларини чет элдан Ўзбекистонга етказишни назарда тутати. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 майдаги 213-сонли «Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, транспортда ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги УРҚ–701-сонли Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.07.2021 й., 03/21/701/0674-сон.

тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, саноат максадидаги портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш портловчи моддалар айланмаси соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан бериладиган рухсатномалар асосида амалга оширилади¹.

Портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига жисмоний шахслар томонидан олиб кириш, шу жумладан кузатилмайдиган бағажда олиб кириш тақиқланади.

Портловчи материалларни божхонада текшириш фақат махсус жиҳозланган жойларда (портловчи материалларни сақлаш омборларида) амалга оширилади.

Зарядни масофадан туриб (контактсиз) портлатиш қурилмаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва улардан портлатиш ишларини бажаришда фойдаланиш тақиқланади².

9. Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш деганда, мазкур буюмларни белгиланган тартибни бузган ҳолда Ўзбекистондан чет давлатларга олиб чиқишни тушуниш лозим. Пиротехника буюмлари Ўзбекистон Республикаси орқали транзит қилиниши Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 21 февралдаги 62-сонли қарори билан тасдиқланган махсус рухсатнома асосидагина амалга оширилиши мумкин бўлган хавфли юклар Рўйхатига киритилганлигини назарда тутиш керак. Кўрсатилган қарор асосида Давлат божхона қўмитаси махсус юк деб тан олинган пиротехника буюмларини амалда олиб чиқиш ва божхона расмийлаштирилиши устидан назорат олиб боради.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 майдаги 213-сонли «Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, транспортда ташини, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2-банд биринчи хатбоши // Ўзбекистон Республикаси қонуи ҳужжатлари тўплами. 2004 й., 19-сон, 219-модда.

² Ўша манба, 3-банд.

10. Пиротехника буюмларини **ўтказиш** уларни товар бозорига чиқариш ёки истеъмолчига бевосита сотиш орқали амалга оширилади. Пиротехника буюмларини **ўтказиш** фақат мазкур буюмларни реализация қилиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Акс ҳолда ушбу фаолият ноқонуний деб топилиши керак.

11. **ЖК 250¹-моддасининг 1-қисми**да назарда тутилган жиноят, келиб чиққан ижтимоий хавfli оқибатлардан қатъи назар, мазкур модданинг 1-қисмида назарда тутилган ҳаракатлардан бирини содир этган вақтдан бошлаб **тамом бўлган** ҳисобланади.

12. Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилишича юқорида кўрсатилган ҳаракатлар анча миқдорда ёки маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин содир этилган бўлса, шахс жиний жавобгарликка тортилиши мумкин.

13. **Субъектив томондан** жиноят қасдан содир этилади. Жиноятни квалификация қилишда уни содир этиш мотиви ва мақсади аҳамият касб этмайди. Шахсни ЖКнинг 250¹-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш учун пиротехника буюмлари билан муомала қилиш қондаларининг қайси банди бузилганлигини аниқлаш зарур.

14. Жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс ҳисобланади.

15. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисми**да пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

г) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса;

д) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса жиний жавобгарликни келтириб чиқаради.

16. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисми**га кўра, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи қуйидагилардан иборат бўлса, жавобгарлик юзага келади:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кузлаб содир этилган бўлса;

в) одам ўлишига сабаб бўлса.

17. **Шарҳланаётган модданинг 4-қисмига кўра,** пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи қуйидаги оқибатларга олиб келса, жиноий жавобгарлик юзага келади:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса.



251-модда. Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш

Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш —

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўзлаштириш, растрата қилиш ёки мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан;

г) талончилик йўли билан;

д) тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) босқинчилик йўли билан;

б) кўп микдорда;

в) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кузлаб содир этилган бўлса, —

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шархланаётган жиноятнинг **объекти** кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалардан ишлаб чиқариш, ўтказиш, олиш, сақлаш, фойдаланишнинг белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғининг хавфсизлигини таъминловчи муносабатлардир.

2. Жиноятнинг **предмети** – Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар ҳисобланадиган моддалар: 1) кучли таъсир этувчи ёки 2) заҳарли моддалардир.

3. **Кучли таъсир этувчи моддалар** – куп миқдорда истеъмол қилганда ёки уларни тиббий фойдаланиш қоидаларига риоя қилмасдан истеъмол қилганда инсон ҳаёти ва соғлиғига хавfli таъсир кўрсатадиган моддалар. Юридик нуқтаи назардан улар Гиёҳвандлик воситаси, уларнинг аналоглари ёки психотроп модда ҳисобланмайди ва Ўзбекистон Республикасида назорат қилиниши лозим бўлган Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатига киритилмаган. (*ЖКнинг 270-моддаси шарҳига қаранг*).

4. Одам организмга токсик (заҳарловчи) таъсир ўтказадиган моддалар **заҳарли моддалар** ҳисобланади. Ушбу моддаларни кам миқдорда истеъмол қилганда ҳам инсон оғир заҳарланиши ёки ўлими келиб чиқиши мумкин.

5. Модданинг кучли таъсир этувчи ёки заҳарли эканлигини аниқлаш учун эксперт хулосаси талаб қилинади.

6. **Объектив томондан** жиноят айбдор шахс томонидан кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан иборатдир.

7. Бу усул билан моддаларга ғайриқонуний эгалик қилиш ва айбдор ҳақиқий тасарруф этиш имконига чинакам эга бўлиши вақтидан бошлаб мазкур жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

8. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд шаклидаги айб билан тавсифланади: айбдор шахс кучли таъсир қилувчи

ёки захарли моддаларга ноқонуний эгалик қилаётганини англайди (айбдор шахс махсус ҳисобга олиш, рўйхатга олиш, сақлаш тартибига эга бўлиш бу моддаларга хослигини англайди, улар хавфлилигини ҳам тахмин қилади) ва қонунга хилоф равишда эгалик қилишни истайди.

Мотив ва мақсад ушбу модда билан квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

9. Шарҳланаётган модданинг **субъекти** 16 ёшга тулган, ақли расо ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

10. **ЖКнинг 251-моддаси 2-қисмида:**

а) такроран ёки хавфли рещедивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўзлаштириш, растрата ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш йўли билан;

г) талончилик йўли билан;

д) товламачилик йўли билан содир этганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

11. Жиноят содир этилиши **тугалланган** деб топиладиган вақт табақалаштириб белгиланади. Мазкур жиноят ЖК 251-моддаси 2-қисмининг «а», «б», «г» бандлари белгилари билан содир этилганда, ғайриқонуний эгаллаш ва айбдорнинг улардан фойдаланиши ёки уларни тасарруф этиши учун чинакам имкониятга эга бўлган ҳолатларидан бошлаб жиноят тугалланган деб топилади.

Растрата ёки мансаб мавқеини суистеъмол қилишда шарҳланаётган жиноятнинг тугалланган деб топиладиган вақти моддаларга ғайриқонуний эгалик қилишдан бошлаб тамомланган деб ҳисобланиши мумкин эмас, чунки ушбу моддалар, одатда, айбдор шахс эгалигида туради.

Ушбу ҳолда, ғайриқонуний равишда эгаллаш растрата, мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан чинакам ҳаракатлар содир этилгандан бошлаб мазкур жиноят тамомланган деб топилади.

Тайинланган ҳаракатларни қилиш билан қўрқитиб кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни топширишни талаб қилишдан бошлаб мазкур жиноят тамомланган ҳисобланади.

12. **ЖКнинг 251-моддаси 3-қисмида:**

а) босқинчилик йўли билан;

б) кўп миқдорда;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатини кўзлаб содир этилганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

13. Мазкур ҳолатда **кўп миқдор** ишнинг муайян ҳолатидан келиб чиққан ҳолда кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларнинг миқдори, уларнинг инсон организмга таъсири ва х.к. лардан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Муайян ҳолатларда наркотиклар устидан назорат қилиш Қўмитасига тавсиялар берилади.

14. **ЖК 251-моддаси 3-қисмининг «а» бандида** назарда тутилган жиноят кўрсатилган моддаларни эгаллаш мақсадида ҳужум қилиш вақтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

15. Таъкидлаш жоизки, қолган ҳолларда кўрсатилган барча оғирлаштирувчи ва ўта оғирлаштирувчи белгилар ЖКнинг 247-моддаси таҳлилида кўриб чиқилган белгиларга ўхшаш.



251¹-модда. Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд захарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд

бир йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар такроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан ёки кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш, агар бу эҳтиётсизлик орқасида уларнинг ўғирланишига ёки бошқа тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шарҳланаётган модданинг **объекти** кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар билан муомала қилишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган тартибдир.

2. Жиноятнинг **предмети** куйидагилардан иборат: 1) кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар; 2) кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш ускуналари.

(Кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 251-моддаси шарҳига қаранг).

Кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни **тайёрлаш ва қайта ишлаш учун фойдаланиладиган ускуналар** деганда, мазкур моддаларни тайёрлаш ва қайта ишлаш мақсадида фойдаланиладиган ҳар қандай асбоблар, ускуналар, механизмларни тушуниш керак.

3. **Объектив томондан** шарҳланаётган жиноят айбдор жиноят предметини ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаши, қайта ишлаши, олиши, сақлаши, ташиши ёхуд жунатиши, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жунатиш ёки ўтказиши каби қилмишлардан бири ёки биргаликда содир этилишида ифодаланади. Бунда айбдор шахсни жиний жавобгарликка тортиш учун мажмуа тариқасида кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар, шу жумладан, уларни ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш ускуналарини ишлаб чиқариш деб эътироф этиладиган муқобил қилмишлардан бири содир этилишининг ўзи кифоя бўлади.

Ўрнатилган қондаларни бузиб ёки уларга риоя қилмаган ҳолда, шунингдек фақат давлат органлари томонидан илмий ёки тиббий мақсадларда бериладиган тегишли рухсатсиз шарҳланаётган моддадаги қилмишларни содир этиш **ноқонуний** ҳисобланади.

4. Шарҳланаётган модда мазмунидаги **тайёрлаш** айбдор шахснинг кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг ҳар хил шакл ва турларини табиий хомашё ва оддий, зарарли бўлмаган моддаларни, уларнинг қисмларини керакли ҳажмда бирлаштириш йўли билан яратиши (ишлаб чиқариши), ишлаб чиқишида ёки кўрсатилган моддаларни тайёрлаши ва қайта ишлаш учун жиҳозларни яратишида ифодаланади.

Тайёрлаш жойи (хонадон, фабрика, кимёвий лаборатория), шунингдек айбдор шахснинг малакаси (тажриба, билими) қилмишни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас, бироқ жазо тайинлашда инобатга олинаши мумкин.

Мазкур жиноят концентрацияси, миқдори ва хосслари жиҳатидан одамлар ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин бўлган кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни яратган вақтдан бошлаб ёки уларни тайёрлаш ва қайта ишлаш учун мулжалланган жиҳозларни яратган вақтдан бошлаб **тамом бўлган** ҳисобланади. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни олишга бевосита қаратилган ҳаракатлар

(тайёрлаш жараёнининг ўзи) тайёр препарат олинмаган пайтда мазкур жиноятга суиқасд деб баҳоланади.

5. **Қайта ишлаш** – кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларнинг бирламчи хоссаларини ўзгартириш, шунингдек уларнинг концентрациясини ошириш мақсадида бошқа аралашмалардан тозалашдир.

Қайта ишлаш тегишли препаратлар кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддалар хоссаларига эга бўлган вақтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

6. **Олиш** – кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддалар ёхуд уларни тайёрлаш ёки қайта ишлашга мўлжалланган жиҳозларни қўлга киритишни ташкил қиладиган ҳар қандай ҳаракатлардир. Сотиб олиш, айирбошлаш, қарз эвазига олиш, совға сифатида олиш, топилган ашёни ўзлаштириш ва х.к.лар шулар жумласига кириши мумкин.

Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни талон-торож қилиш йўли билан олиш (қонунга ҳилоф равишда эгаллаш) ЖКнинг 251-моддаси билан квалификация қилинади.

Мазкур жинойат қилмиш жиноят предметини қўлга киритиш ва уни ўз хоҳишига кўра тасарруф этишнинг реал имконияти пайдо бўлган вақтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларнинг алоҳида компонентларини ёхуд уларни тайёрлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган жиҳозларнинг алоҳида қисмларини қўлга киритиш шарҳланаётган жиноятга тайёргарлик кўриш, деб баҳоланиши лозим.

7. Шарҳланаётган модда мазмунидаги **сақлаш** кўрсатилган предметларга эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳаракатларни, уларнинг давомийлигидан қатъи назар, қасддан содир этишни англатади.

Кўрсатилган предметларни сақлаш давомли жиноят ҳисобланади ва кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларнинг ёхуд уларни тайёрлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган жиҳозларни сақлашга қаратилган ҳаракатларни бошлаган вақтдан тугалланган ҳисобланади.

8. Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни **ташиш**, транспортировка қилиш усули ва сақлаш жойидан

қатъи назар, ҳар қандай қасддан содир этилган кўчириш ҳаракатларини назарда тутати. Ташиш воситалари ва транспорт квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

Ташиш моддалар эгаси томонидан ҳам, бундай ҳаракатларни илтимос, келишув ва х.к.лар бўйича амалга ошираётган бошқа шахслар томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Агар шахс (ташувчи) ташилаётган ашё тўғрисида маълумотга эга бўлмаган бўлса, у жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Мазкур жиноят ташиш бошланган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

9. **Жўнатиш** – кўрсатилган моддаларнинг ташилиши ва жойига етказилиши жўнатувчи иштирокисиз амалга оширилишидир. Булар почта, багаж жўнатмалари ёки бошқача усулда кўчирилиш бўлиши мумкин.

Жўнатиш учун посылка, бандероль, багаж ёки контейнер топширилган вақт жиноят тамом бўлган вақт ҳисобланади.

10. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни **ўтказиш** уларни тарқатишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатни қамраб олади, бунда ушбу моддалар бошқа шахс эгалигига ўтади. Кейинчалик ўтказишга бўлган нияти тўғрисида истеъмолчилар (сотиб олувчилар) билан келишув, моддаларнинг анча миқдорда эканлиги, хомашё мавжудлиги далолат бериши мумкин.

Ўтказиш жиноят предметини ҳеч бўлмаганда битта шахсга берган вақтдан бошлаб **тамом бўлган** ҳисобланади.

11. ЖКнинг 251¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъектив томони** тўғрисида қасдда ифодаланади. Айбдор кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар билан ноқонуний муомала қилаётганлигини англайди ва шуни истайди.

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар билан ноқонуний муомалада бўлиш, ўтказиш мақсадини кўзлаб амалга оширилаётганлиги зарурий белги ҳисобланади. Кўрсатилган ҳаракатлар шахсий истеъмол мақсадида амалга оширилган тақдирда, шарҳланаётган модданинг таркиби мавжуд бўлмайди.

Килмишнинг мотиви жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

12. Жиноятнинг **субъекти** ақли расо, 16 ёшга тулган жисмоний шахс ҳисобланади.

13. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисми** кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, қонунга хилоф равишда муомалага киритиш учун жиноий жавобгарликни белгилайди.

(Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириш тушунчаси ҳақида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

14. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисми:**

а) уюшган гуруҳ томонидан *(Уюшган гуруҳ тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг);*

б) кўп миқдорда кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутати.

15. **Шарҳланаётган модданинг 4-қисми** кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қондаларини бузиш бу эҳтиётсизлик орқасида уларнинг ўғирланишига ёки бошқача тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келганлиги учун жавобгарликни назарда тутати.

Шарҳланаётган модда 4-қисмининг **объектив томони** турли норматив ҳужжатларда кўзда тутилган қондалар, хусусан, Республика дорихона муассасаларида доридормонлар ва тиббий буюмлар сотиш қондаларининг бузилишидан иборат.

Ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қондаларини бузиш, ишлаб чиқаришдаги технология шартлари бузилиши, сақлаш, ҳисобга олиш ва бериш, олиш меъёрлари ва тартиб-қондалари, жиноят буюмларини ташиш ва жўнатишга оид техник талабларнинг бузилишида ифодаланади.

16. Ушбу қоида бузилиши оқибатида ўғрилик содир этилган ёки бошқа жиддий зарар етказилган бўлса, жиноий жазоланадиган қилмиш деб эътироф этилади.

17. Одамларнинг оммавий касалланиши, атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг, мулкнинг бошқа объектлари, усқуналар ва х.к.ларнинг нобуд бўлиши **жиддий зарар** деб баҳоланиши мумкин.

Ҳар бир муайян ҳолда суд жиддий зарар каби оқибат келиб чиққанлигини аниқлаши шарт. Бунда суд жиддий зарар етказилиши кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни эҳтиётсизлик билан ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш оқибати бўлган бўлмаганлигини аниқлаши керак.

18. **ЖКнинг 251'-моддаси 4-қисмида** назарда тутилган жиноят шарҳланаётган модданинг 4-қисмида назарда тутилган оқибатлар келиб чиққан вақтдан бошлаб **тамом бўлган** ҳисобланади.

19. **Субъектив томондан** шарҳланаётган модданинг 4-қисми айбнинг мураккаб шакли билан содир этилади. Мазкур модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноят қасддан, келиб чиққан оқибатлар эса эҳтиётсизлик орқасида содир этилади ва ушбу модданинг 4-қисмида назарда тутилган жиноят қасддан содир этилган деб топилади.

20. **ЖКнинг 251'-моддаси 4-қисмида** назарда тутилган жиноятнинг субъекти махсус. Курсатилган ҳаракатларни амалга оширишни белгиловчи қоидаларни бузганлик учун мансабдор шахслар ва берилган топшириқ сабабли уларга рия қилиши шарт бўлган бошқа шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

252-модда. Радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш

Радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, шу жумладан талончилик, ўғрилик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан ёхуд алдаш ёки ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан эгаллаш, худди шунингдек радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш

учун молиялаштириш, бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни бериш ёхуд йиғиш, бошқа хизматлар кўрсатиш –

икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган

бўлса, –

беш йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) тамағирлик йўли билан;

г) босқинчилик йўли билан;

д) ушбу Кодекснинг 155 ва 161-моддаларида назарда тутилган жиноятларни амалга ошириш мақсадида содир этилган бўлса, –

ун йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **объекти**, биринчи навбатда, бугунги ва келажак авлод инсонлар ҳаёти ёки соғлиғининг ионлантирувчи нурланишнинг зарarli таъсиридан муҳофазаланганлик ҳолатини англатадиган **радиациявий хавфсизликни** таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

Радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонунчилик Ўзбекистон Республикасининг «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги ва «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

2. **Радиоактив материаллар**, яъни радиоактив парчаланмишда, ядровий эврилишларда, моддадаги зарядланган зарралар ҳаракатининг секинлашувида ҳосил бўладиган

хамда муҳит билан ўзаро таъсир этиш чоғида ҳар хил кутбли ионларни ҳосил қиладиган радиоактив моддалар, ион нурлари тарқатувчи манбалар, ядро материаллари, радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар **жиноят предмети** ҳисобланади. Бундай жараён ионлаштирувчи нурланиш деб аталади ва ҳар қандай шунга ўхшаш нурланишни чиқарувчи материал, модда ёки қурилма радиоактив модда ҳисобланади.

Қонунда «радиоактив материаллар» тушунчаси берилган бўлмасада, «Радиациявий хавфсизлик» тўғрисидаги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, ўз мазмунига кўра радиациявий материаллар ионлаштирувчи нурланиш манбаи тушунчаси билан бир хилдир.

Ионлаштирувчи нурланиш манбаи – ўзидан ионлаштирувчи нурланиш чиқарувчи ёки чиқаришга қодир бўлган қурилма ва радиоактив модда.

Тузилма сифатида ионлаштирувчи нурланиш манбаи ўзида ядро қурилмалари билан боғлиқ бўлмаган, таркиби радиоактив моддалар ёки ионлаштирувчи нурланиш генерациясидан иборат бўлган мажмуалар, қурилмалар, аппаратлар, жиҳозлар ва маҳсулотларда ифодаланади.

Ионлаштирувчи нурланиш манбаи сифатида (радиоактив моддалар) ядровий материаллар жумласига кирмайдиган, ўзидан ионлаштирувчи нурланиш чиқарувчи моддалар (радий, уран, плутоний, кобальт 60, стронций) ҳисобланади.

Ядровий материаллар – таркибида парчаланадиган ядровий моддалар (масалан, йод 131, цезий 137, нурланишга учраган ускуналар ва бошқалар) бўлган ёки уларни чиқаришга қодир бўлган материаллар.

Ядровий материаллардан ва радиоактив моддалардан олинган кейинчалик фойдаланиш кўзда тутилмаган **радиоактив чиқиндилар** ҳам жиноят предмети ҳисобланиши мумкин.

3. **Объектив томондан** ЖКнинг 252-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, шу жумладан талончилик, ўғрилик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан ёхуд алдаш ёки

ишончни сунистеъмол қилиш йўли билан эгаллаш, худди шунингдек радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш учун молиялаштириш, бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни бериш ёхуд йиғиш, бошқа хизматлар кўрсатиш билан тафсифланади.

Қонунга хилоф равишда эгаллаш деганда, радиоактив материалларни қўлга киритишнинг мазкур модда диспозициясида кўрсатилган ҳар қандай усулини тушуниш зарур.

Радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш учун молиялаштириш бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни бериш ёхуд йиғиш, бошқа хизматлар кўрсатиш бошланган пайдан эътиборан тамом бўлган жиноят деб эътироф этилади (*ЖКнинг 155³-моддасига берилган шарҳга қаранг*).

Радиоактив материаллар мустақил жиноятларни (босқинчилик, товламачилик) содир этиш орқали эгалланган ҳолларда айбдор шахснинг ҳаракатлари оғирроқ жазо назарда тутилган модда бўйича квалификация қилиниши лозим.

4. Жиноят радиоактив материаллар амалда қандай йўл билан эгалланганидан катъи назар, уларга эгалик қилиш вақтидан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

5. Жиноятнинг **субъектив томони** айбнинг тўғри касб шакли билан тавсифланади. Айбдор радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаши ижтимоий хавфлилигини англайди ва уларни содир этишни хоҳлайди.

Жиноят содир этиш мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилишда аҳамият касб этмайди.

6. Ўн тўрт ёшга тўлган ақли расо шахс жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

7. **ЖК 252-моддасининг 2-қисмида:**

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда радиоактив моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш учун жавобгарлик назарда тутилган.

8. ЖКнинг 252-моддаси 2-қисми «в» банди мазмунидаги **мансаб ваколатидан фойдаланган ҳолда** деганда, радиоактив материалларни эгаллашда ҳокимият ёки бошқа ваколатлардан фойдаланишни тушуниш лозим. Мазкур норманинг мазмуни ва конструкциясидан келиб чиққан ҳолда, бу жиноятни фақат мансабдор шахс содир этиши мумкин деган хулоса келиб чиқади. Айбдорнинг қилмишини ЖКнинг 205 ёки 206-моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди.

9. **ЖК 252-моддасининг 3-қисмида:**

- а) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;
- б) ўта хавfli рецидивист томонидан;
- в) тамагирлик йўли билан;
- г) боскинчилик йўли билан;
- д) ушбу Кодекснинг 155 ва 161-моддаларида назарда тутилган жиноятларни амалга ошириш мақсадида содир этилиши назарда тутилган.

253-модда. Радиоактив материаллардан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Радиоактив материалларни сақлаш, ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш, жунатиш ва улар билан муомалада бўлишнинг бошқа қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

- а) одам ўлишига;
- б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –
муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** радиоактив материаллар билан муомалада бўлиш тартибига риоя қилиниши орқали таъминланадиган жамоат хавфсизлиги, шунингдек, ўзгалар мулки, экологик хавфсизлик, одамлар хаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Жиноятнинг **предмети** радиоактив материаллар ҳисобланади. (*Жиноят предмети тўғрисида ЖКнинг 252-моддаси шарҳига қаранг*)

3. **Объектив томондан** жиноят радиоактив материалларни сақлаш, ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш, жўнатиш ва улар билан муомалада бўлишнинг бошқа қондаларини бузиш натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишида ифодаланади.

4. Ушбу модда диспозицияси бланкетли бўлиб, радиоактив материаллар билан муомалада бўлиш қондаларини тартибга соладиган қонунчиликка ҳавола қилади.

Ҳар бир алоҳида ҳолатда радиоактив материаллар билан муомалада бўлиш қондаларини тартибга соладиган ва айбдор шахс бевосита бузган қонунчиликни аниқлаш зарур. Радиоактив материаллардан фойдаланишнинг умумий қондалари Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги 120–II-сонли Қонунида белгиланган ва радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш давлат органларининг ички норматив фармойишлари билан белгилаб қўйилган. Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш қуйидагилардан иборат: назорат қилиш ва текшириш; ионлаштирувчи нурланиш манбаларини ишлатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш; барча турдаги қурилиш учун ер участкалари ажратилиши келишиб олинаётганда радиациявий ифлосланишни аниқлаш¹.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги 120–II-сонли Қонуни, 2-бўлим // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 7-8-сон, 212-модда.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш тўғрисида»ги 62-сонли Қарорида радиоактив материалларни ташиш (жўнатиш)нинг махсус тартиби белгиланган. Бунда ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майдаги «Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»ги 213–II-сонли Қонунига ҳавола қилади. Қўрсатилган қонунчилик ҳужжатларида радиоактив материалларни махсус юклар сифатида жўнатиш тартиб-қоидаси аниқланган.

5. Радиоактив материаллар ва моддаларни сақлаш деганда, сақланишини таъминлаш ва кейинчалик чиқариб олиб фойдаланиш, қайта ишлаш, кўмиш мақсадида махсус жиҳозланган жойларга жойлаштириш тушунилади.

6. Радиоактив моддаларни ҳисобга олиш деганда, радиоактив материалларнинг миқдор ва сифат таркибининг ҳисоб-китоби олиб борилишини, рўйхатга олинишини тушуниш лозим.

Радиоактив моддаларни ҳисобга олишнинг бузилиши радиоактив материаллар транзити билан боғлиқ маълумотлар ўз вақтида берилмаганлиги, муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларни яшириш ёки бузиб қўриқтиришдан иборат.

7. Радиоактив материаллардан фойдаланиш деганда, юридик ва жисмоний шахсларнинг бевосита ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини лойиҳалаштириш, барпо этиш, қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, ташиш ва кўмиб ташлашни белгиланган тартибда амалга ошириш учун берилган лицензиялар асосидаги фаолияти тушунилади.

8. Радиоактив материалларни ташиш деганда, уларнинг ҳар қандай транспорт воситасида бир жойдан иккинчи жойга ўтказилиши тушунилади. Бу ҳолда ҳар қандай транспорт воситаси жиноят қуроли ҳисобланади. Радиоак-

тив материалларни ташиш қондаларининг бузилиши – ушбу материалларни транзит қилиш пайтида аварияни юзага келтирмаслиги, транспорт ҳалокатлари, қонунчиликда назарда тутилган хавфсизликни таъминлаш талаблари ва транзит тартибининг бузилиши, маркировка ва ўраш бўйича белгиланган талабларнинг бузилиши ҳисобланади.

9. **Жўнатиш** деганда, алоқа муассасалари хизмати ёрдамида радиоактив материалларнинг бир жойдан иккинчи жойга ўтказилишини тушуниш керак (посилкалар, бандероллар ва ҳоказолар).

10. Радиоактив моддалар билан муомалада бўлишнинг **бошқа қондалари** каторига ушбу материалларни **топшириш** ёки вайрон қилиш қондаларини киритиш мумкин. Масалан, радиоактив материалларни топшириш мулкчилик ҳуқуқи асосида тегишли бўлган шахс томонидан уларни бериш ёки мулкчилик ҳуқуқисиз бошқа шахс эгалигига ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин (совға, вақтинчалик фойдаланишга бериш ва ҳ.к.).

Радиоактив материалларни **вайрон қилиш** рухсат берилмаган ҳолда жисмоний таъсир кўрсатилиши натижасида уларни ўзгартириш, шикастлаш, ёки нобуд қилишни англатади.

11. Жиноят баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган пайдан эътиборан **туғалланган** деб эътироф этилади.

12. Субъектив томондан ЖҚнинг 253-моддадасида кўрсатилган жиноят эҳтиётсизлик ёки эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Агар айбдор шахс қилмишнинг оқибатига кўзи етиб, уларга бефарқ муносабатда бўлса – эгри қасд, ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик натижасида оқибатлар келиб чиқса, эҳтиётсизликдан содир этилган ҳисобланади.

13. Ўн олти ёшга тулган ақли расо шахс жиноятнинг **субъекти** бўлади. Мансабдор шахс, радиоактив материаллардан фойдаланиш ваколатига эга бошқа шахслар ҳам жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

14. Радиоактив материаллардан фойдаланиш қондаларини бузиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, **шарҳланаётган жиноятнинг 2-қисми** бўйича квалификация қилинади.

15. Икки ёки ундан ортиқ шахс баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш, атроф муҳитга зарар етказиш, экологик ҳалокатнинг юзага келиши ва ҳоказоларни **бошқа оғир оқибатлар** деб тушуниш керак.

254-модда. Радиоактив материаллардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш

Радиоактив материалларга қонунга хилоф равишда эга бўлиш, уларни сақлаш, улардан фойдаланиш, уларни бировга ўтказиш, кўринишини ўзгартириш, сочиб юбориш ёки бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **объекти** жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғидир.

2. Жиноятнинг **предмети** радиоактив материаллар – ионлаштирувчи нурланиш чиқарувчи манбалар, радиоактив моддалар, ядро материаллари ҳисобланади. (*Ушбу предметлар тўғрисида ЖКнинг 252-моддаси шарҳига қаранг*).

3. **Жиноятнинг объектив томони** радиоактив материалларга қонунга хилоф равишда эга бўлиш, уларни сақлаш, улардан фойдаланиш, уларни бировга ўтказиш, кўринишини ўзгартириш, сочиб юбориш ёки бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлишида ифодаланadi.

4. **Эга бўлиш** деганда, эгаллаш учун қўлланилган ҳар қандай усулни тушуниш зарур, бу сотиб олиш, алмашиш, қарз эвазига ҳисоб-китоб қилиш, тортиқ қилиниши, сақлаш, улардан фойдаланиш, уларни бировга ўтказиш, кўринишини ўзгартириш, сочиб юбориш ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

5. **Ўтказиш** деганда, радиоактив материалларнинг бошқа шахсга сотилишини, ҳадя қилинишини ва ҳоказо ўтказишни тушуниш зарур.

6. **Радиоактив материалларни бузиш** деганда, уларнинг нобуд қилиниши (таркибида радиоактив материаллар бўлган дастгоҳларга, асбоб-ускуналарга, мосламаларга шикаст етказиш)ни тушуниш зарур.

7. Радиоактив материаллар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлишнинг бошқа кўринишлари (қонунга хилоф равишда сақлаш, фойдаланиш) радиоактив материаллар билан муомала қилиш қоидалари бузилишлари ЖКнинг 252-моддаси таҳлилида кўриб чиқилган эди.

8. **Радиоактив материалларнинг кўринишини ўзгартириш** деганда радиоактив материалларни бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтказиш тушунилиши лозим.

9. **Радиоактив материалларни сочиб юбориш** деганда уларни майда улушларга бўлиб кўп жойларда атмосферага газларни чиқариш йўли билан тақсимлаш, суюқлик кўринишида сув объектларига қуйиш, кукун кўринишида юза устида пуркаш ва ҳоказолар тушунилиши лозим.

10. Шарҳланаётган жиноят моддий таркибли бўлиб, баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш тарзидаги оқибатлар келиб чиққан пайтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади.

11. **Субъектив томондан** жиноят қасддан содир этилади. Жиноят содир этишнинг мотиви ва мақсади қилмишни

квалификация қилишда аҳамият касб этмайди.

12. Жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тулган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

13. Мазкур модданинг 2-қисмида радиоактив моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга олиб келганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

14. Бошқа оғир оқибатлар деганда, икки ёки ундан ортик шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш, атроф-муҳитга зарар етказиш, экологик фалокат ва ҳоказолар гушунилиши лозим.

Алоҳида олинган ҳар бир ҳолатда суд содир этилган жиноятдаги иш ҳолатларини инобатга олиб, баданга етказилган бошқа оғир шикастларга тушунча беради.

255-модда. Ядро қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Ядро энергияси билан борлиқ объектлардан фойдаланиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **объекти** жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғидир.

2. Ядро энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ объектларга ядро реактори жойлашган иншоотлар ва мажмуалар, шу жумладан атом станциялари, атом кемалари, космик кемалар ва учувчи аппаратлар ҳамда ядровий материаллар ва радиоактив моддалар сақланадиган пунктлар, омборлар ва ҳоказолар киради.

3. **Объектив томондан** жиноят ядро энергияси билан боғлиқ объектлардан фойдаланиш қоидалари бузилиши натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишида ифодаланади.

Ушбу модданинг диспозицияси ҳам бланкетли бўлиб, ҳар бир алоҳида ҳолатда ядро энергияси билан боғлиқ объектлардан фойдаланиш қоидаларининг айнан қайси банди бузилганлигини аниқлаш зарур.

Баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши кўринишидаги оқибат келиб чиққанлиги мазкур жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

4. **Субъектив томондан** жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилади. Жиноят содир этишнинг мотиви ва мақсадлари қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

5. Жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тулган ақли расо шахс бўлади.

6. ЖК 255-моддасининг 2-қисмида ядро қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш:

– одам ўлишига;

– бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

255¹-модда. **Бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялли қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тақиқланган бактериологик (биологик), кимёвий ва бошқа хил ялли қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. **Жиноятнинг объекти** жамоат хавфсизлиги ва инсоният хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, экологик хавфсизликни таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

2. **Ялли қирғин қуроллари жиноятнинг предмети** ҳисобланади.

Ялли қирғин қуроллари – портлаш ёки радиоактив материаллар ёрдамида таъсир қиладиган, бактериологик, кимёвий ва атом бомбаси ёки бошқа шу каби қурол хоссаларига эга бўлган, мавжуд ёки келажакда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган ҳар қандай қуролдир.

3. **Бактериологик (биологик) оммавий қирғин қуроли** деганда, ҳарбий мақсадларда яратилган, одамлар,

хайвонлар ва ўсимликларда касалликлар қўзғатувчи, сунъий қўпайтирилган микроорганизмлар, ҳашаротлардан иборат оммавий қирғин воситаси тушунилади. Бактериологик қурол микроблари авиабомба, ракета, снаряд ва бошқа қуроллар орқали тарқатилади. Бактериологик (биологик) қурол асосан касаллик тарқатувчи микроорганизмлар (бактерия, вирус, замбуруғ ва бошқалар) юктирилган пашша, чивин, кемирувчи хайвонлардан ёки суспензия ва кукунлардан иборат бўлади.

Микробиологик ёки бошқа биологик агентлар ёхуд токсинлар, уларнинг келиб чиқишидан ёки ишлаб чиқариш усулидан, тури ва миқдоридан қатъи назар, профилактика, химояланиш ёки бошқа тинч йўлларда фойдаланишга мўлжалланган бўлса, шарҳланаётган жиноятнинг предмети бўла олмайди.

4. Кимёвий оммавий қирғин қурол – бу захарли химикатлар ва уларнинг прекурсорлари; ўқ-дорилар ёки қурилмаларни қўллаш натижасида чиқариладиган химикатларнинг захарловчи хоссалари ҳисобига ўлим етказиш ёки бошқача зарар етказишга махсус мўлжалланган ўқ-дори ва қурилмалар; кўрсатилган ўқ-дорилар ва қурилмаларни қўллашга махсус мўлжалланган ҳар қандай ускуна.

Ҳаёт жараёнига кимёвий таъсир қилиш ҳисобига ўлим келтириб чиқариши, вақтинчалик вайрон қилувчи таъсир кўрсатиши ёхуд инсон ёки хайвонга сурункали зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай химикат **захарли** деб топилади. Буларга зарин, зоман, табун, тиофосфонат ва бошқалар киради. *(1993 йилдаги Кимёвий қуролни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва қўллашни таъқиқлаш ва уни йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенциянинг химикатлар бўйича илованинг 1-рўйхатиغا қаранг).*

Прекурсор деб, ҳар қандай усулда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган захарловчи химикатларни ҳар қандай усулда ишлаб чиқаришнинг исталган босқичида ишлатилиши мумкин бўлган кимёвий реагентдир. Якуний маҳсулотнинг захарловчи хоссаларини белгилашда энг муҳим роль ўйнайдиган ҳар қандай асосий компонентлар улар қаторига киради.

Масалан, хлорзарин, хлорзоман, метилфосфонит, учхлорли маргумуш ва химикатлар бўйича рўйхатда мавжуд бўлган бошқа реагентлар прекурсорлар ҳисобланади. Бу рўйхатларга киритилмаган ҳар қандай химикат таъсири тўхтаганидан сўнг қиска муддат ичида йўқоладиган, жисмоний хасталик ёки сезги органларининг зарарланишини тез келтириб чиқариши мумкин бўлсада, мазкур жиноят таркибининг предметини ташкил қилмайди.

5. **Бошқа ялпи қирғин** қуролларига ядровий ва кўп сонли одамлар ва саноат объектларини танламай йўқ қиладиган қуроллارнинг бошқа турлари (масалан, нурлантирувчи, инфратовуш, генетик, психотроп ва бошқа қуроллари) киради.

Оммавий қирғин қуроллари тушунчасини талқин қилишда БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган қонда белгилловчи аҳамият касб этиши лозим. Унга қўра, оммавий қирғин қуроллари атом портлаши орқали ўлим келтирувчи, кимёвий ва биологик қуроллари ҳамда йўқ қилиш кучи бўйича атом ва юқорида келтирилган бошқа қуроллари таққосланиши мумкин бўлган, келажакда ишлаб чиқараладиган қуроллари ўз ичига олади.

6. Шарҳланаётган жиноятнинг **объектив томони** бактериологик, кимёвий ва бошқа ялпи қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этишдан иборатдир.

7. **Ишлаб чиқиш** деганда, ялпи қирғин қуроллари яратишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг содир этилишини тушуниш лозим.

8. **Ишлаб чиқариш** деганда, ялпи қирғин қуроллари ясаилиши ёки ишлаб чиқарилиши тушунилади.

9. **Тўплаш** – маълум бир ҳудудда ҳар қандай ялпи қирғин қуроллари жамланишини англатади.

10. Ялпи қирғин қуролини **олиш** деганда, уларнинг сотиб олиниши, алмашиш йўли билан қўлга киритилиши ва бошқа хатти-ҳаракатлар тушунилади.

11. **Бировга ўтказиш** деганда, ялпи қирғин қуролини бошқа шахс ихтиёрига ўтказиш тушунилади.

12. **Ялпи қирғин қуролларини сақлаш** – ялпи қирғин қуролларининг махсус хоналарда, хилват жойларда ҳамда уларнинг бутлигини таъминловчи бошқа жойларда сақланишидан иборатдир.

13. **Қонунга хилоф равишда эгаллаш** ўғирлаш, ўзлаштириш, мансаб мавқеини суистеъмом қилиш каби йўллар билан ялпи қирғин қуролини эгаллашнинг ҳар қандай усулини англатади. Қонунга хилоф равишда қўлга киритишда жиноят талон-торож усуларидан бирини қўллаб содир этилганлиги қилмишни таҳлил этилаётган модда билан квалификация қилиш учун етарлидир.

14. Оммавий қирғин қуролини қўллашга ҳарбий тайёргарлик ёки уларни қўллаш шарҳланаётган модда таркибини ташкил қилмайди. Бундай ҳаракатлар босқинчилик урушига тайёргарлик кўриш (ЖКнинг 151-моддаси 1-қисми) ёки уруш олиб боришнинг халқаро ҳуқуқ билан тақиқланган воситаларини қўллаш (ЖКнинг 152-моддаси) деб квалификация қилиниши мумкин.

15. Мазкур модда диспозициясида назарда тутилган ҳар қандай ҳаракат содир этилган пайтдан этиборан жиноят **туғалланган** ҳисобланади. Қуролни ишлаб чиқариш – ишлаб чиқариш жараёни бошланган вақтдан эътиборан, олиш ёки бировга ўтказиш – келишувни юридик жиҳатдан расмийлаштирган вақтдан бошлаб, ёки кўрсатилган қуролни бошқа шахсга амалда ўтган вақтидан бошлаб қонунга хилоф равишда эгаллаш – қуролни амалда эгаллаган вақтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади.

16. **Субъектив томондан** жиноят қасдан содир этилади. Квалификация қилишда жиноят содир этиш мотивлари ва ундан кўзланган мақсад аҳамиятга эга эмас.

17. Жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс бўлади.

18. **Мазкур модданинг 2-қисмида** шу модданинг биринчи қисмида айтиб ўтилган хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган оғирлаштирувчи ҳолатлар учун жавобгарлик назарда тутилган.

19. **Бошқа оғир оқибатлар** деганда, кўпчиликнинг нобуд бўлиши, бир қанча шахсларга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказилиши, жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилиши, экологик ҳалокат ва бошқалар тушунилиши мумкин.

20. **ЖКнинг 255¹-моддаси 2-қисмида** назарда тутилган жиноятнинг **субъектив томони** айбнинг мураккаб шаклида ифодаланади, яъни биринчи қисмда назарда тутилган жиноятга нисбатан қасд, иккинчи қисмда назарда тутилган келиб чиққан оқибатларга нисбатан эҳтиётсизликда ифодаланиб, қасддан содир этилган деб топилади.



255²-модда. Нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш

Нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини, шунингдек технологик жиҳатдан улар билан боғлиқ бўлган объектларни, иншоотларни, алоқа, автоматика, сигнализация воситаларини қасддан бузиш, уларга шикаст етказиш ёки бошқа усул билан уларни фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш, агар ушбу ҳаракатлар уларнинг нормал ишлаши бузилишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такоран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) магистраль қувурларга нисбатан содир этилган бўлса;

г) кўп миқдорда зарар етказилишига;

д) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) одам ўлишига;

б) жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, – беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, – саккиз йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шархланаётган жиноятнинг **бевосита объекти** нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини, шунингдек технологик жиҳатдан улар билан боғлиқ бўлган объектларни, иншоотларни, алоқа, автоматика, сигнализация воситаларининг бир меъёردа ишлашини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини, шунингдек технологик жиҳатдан улар билан боғлиқ бўлган объектларни, иншоотларни, алоқа, автоматика, сигнализация воситаларини бузиш, уларга шикаст етказиш ёки бошқа усул билан уларни фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтиришда намоён бўлади.

Нефть қувурлари – Магистрал нефть қувурлари ва нефть маҳсулотларини оқизма ҳолда етказиб берадиган қувурлар.

Газ қувурлари дейилганда – кириш газ қувури, кирувчи газ қувури, қишлоқлараро газ қувури, майдонча ичидаги газ қувури,

майдонча ташқарисидан ўтказилган газ қувири, тақсимловчи газ қувири, шунингдек, ташки газ қувурлари тушунилади.

Кириш газ қувири – тақсимловчи газ тармоғига уланиш жойидаги кирувчи газ қувиридан ўчирувчи мосламагача ёки бинонинг кириш жойидаги ер остидан ўтказилган филофгача бўлган газ қувири.

Кирувчи газ қувири – бинонинг кириш жойидаги ўчириш мосламасининг ташқарисида, шу жумладан, ички газ қувиригача, бино девори орқали ташқаридан филофда ўрнатиладиган газ қувири бўлаги.

Қишлоқлараро газ қувири – газ тармоқларининг аҳоли яшаш жойларидан ташқарида ўтказилган газ қувири.

Майдонча ичидаги газ қувири – корхонанинг ишлаб чиқариш ҳудуди ичкарасидаги саноат истеъмолчисига газ таъминоти манбаидан газ узатишни таъминлайдиган тақсимловчи газ қувири бўлаги (кириш қисми).

Майдонча ташқарисидан ўтказилган газ қувири – корхонанинг ишлаб чиқариш ҳудудидан ташқаридаги саноат истеъмолчисига газ таъминоти манбаидан газ узатишни таъминлайдиган тақсимловчи газ қувири.

Тақсимловчи газ қувири – газ тақсимлаш тармоғидаги газ манбаидан кирувчи газ қувиригача газ истеъмолчиларига газ етказиб берувчи газ қувири.

Ташки газ қувири – кирувчи газ қувиридан олдинда ўрнатилган ўчирувчи мосламагача бўлган ер ости ва ер устидан ёки бинонинг кириш жойидаги филофгача бўлган ер остидан ўтказилган газ қувири¹.

Нефть ва газ маҳсулотлари қувурлари – магистрал нефть қувурлари ва газ қувурлари, нефть маҳсулотларини оқизма ҳолда етказиб берадиган қувурлар.

3. Ушбу жиноят моддий таркибли бўлиб, юқорида кўрсатилган ҳаракатлар натижасида нефть қувурлари, газ

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, сановатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлярининг 2011 йил 10 августдаги 181-сон буйруғига илова. [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда техник ҳужжат деб топилган. 2011 йил 16 август, 6-24/13-8885/6-сон].

кувурлари, нефть ва газ маҳсулотлари қувурлари, шунингдек технологик жиҳатдан улар билан боғлиқ бўлган объектлар, иншоотлар, алоқа, автоматика, сигнализация воситаларининг ишлаши, уларга шикаст етказиш ёки бошқа усул билан уларни фойдаланиш учун яроксиз ҳолатга келтириш уларнинг нормал ишлаши бузилишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларда ЖКнинг 255²-моддаси 1-қисми бўйича жавобгарлик келиб чиқади.

4. ЖКнинг 255²-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят айбдор томонидан мазкур норма диспозициясида қамраб олинган ҳаракатларнинг лоақал биттасининг содир этилиши ва унинг натижасида моддада кўрсатилган оқибатлар келиб чиқиши билан **туғалланган** ҳисобланади.

5. **Субъектив томондан** жиноят қасддан содир этилади. Айбдор ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англайди ҳамда бу ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди. Мазкур ҳолатда жиноятнинг мақсад ва мотиви турли бўлиши мумкин, лекин у жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

6. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

7. ЖКнинг 255¹-моддаси 2-қисми бўйича жавобгарлик мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, магистраль қувурларга нисбатан содир этилган бўлса, кўп миқдорда зарар етказилишига, баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, келиб чиқади.

8. ЖКнинг 255²-моддаси 1-қисмидаги ҳаракатлар одам ўлишига ёки жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, жавобгарлик ЖКнинг 255²-моддаси 3-қисми бўйича келиб чиқади.

9. ЖКнинг 255²-моддаси 1-қисмидаги ҳаракатлар одамлар ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, жавобгарлик ЖКнинг 255²-моддаси 4-қисми бўйича келиб чиқади.



256-модда. Тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қондаларини бузиш

Илмий тадқиқот ёки синов тажриба фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қондаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) хавфсизлик қондаларига риоя қилиниши учун масъул шахс томонидан содир этилган бўлса;

б) кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, – икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, – уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ушбу жиноятнинг **объекти** хавфсизлик талабига жавоб берадиган шароитда тадқиқот ишлари олиб боришни тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек одамларнинг ҳаёти ёки соғлиғини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

2. Жиноятнинг **объектив томони** илмий-тадқиқот ёки синов-тажриба фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қондалари бузилиши натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишида ифодаланади.

3. Модда диспозицияси бланкетдир. Шахсни жиноий жавобгарликка тортишда ушбу турдаги фаолият соҳасидаги техника хавфсизлиги қондаларидан келиб чиқиш зарур. Одатда, мазкур қондалар ижроия ҳокимияти органлари,

махаллий хокимият органлари, шунингдек вазирликлар ва идоралар, турли корхоналар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари томонидан қабул қилинадиган, тадқиқот фаолияти соҳасидаги техника хавфсизлиги қоидаларини муайян шахсларга юклаш туғрисидаги индивидуал хусусиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида бўлади. Локал ҳужжатларда юқори даражада хавфсизлик чораларини талаб қиладиган тадқиқот фаолиятининг муайян соҳасида ёки илмий-тадқиқот ёхуд тажриба фаолиятининг муайян турини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш учун шахсан масъул бўлган шахслар рўйхати белгилаб берилади.

Шарҳланаётган модданинг объектив томони ҳаракат билан ҳам, ҳаракатсизлик билан ҳам содир этилиши мумкин, яъни хавфсизлик қоидаларини онгли равишда бузиш ёки субъект томонидан мазкур қоидаларга риоя қилмаслик ёхуд уларга риоя қилиш учун чора кўрмасликда ифодаланади.

4. Шарҳланаётган жиноят моддий таркибли бўлиб, баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш тарзидаги оқибат юз берган пайтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади.

Хавфсизлик қоидаларини бузиш билан келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги **сабабий боғланишни** аниқлаш, жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Суд ҳукмида бузилиши конунда кўрсатилган оқибатларни келтириб чиқарган илмий-тадқиқот ёки синов тажриба фаолиятини амалдаги қоидаларининг аниқ бандларини кўрсатиб ўтиши лозим.

5. **Субъектив томонидан** жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилади.

6. Ўн олти ёшга тулган ҳар қандай ақли расо шахс жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

7. **ЖКнинг 256-модаси 2-қисмида** илмий-тадқиқот ёки синов-тажриба фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларининг:

– хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши учун масъул шахс томонидан;

– кўп миқдорда зарар етишига сабаб бўлган бузилиши учун жавобгарлик кўзда тутилган.

8. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида белгиланган жиноятнинг **субъекти** илмий-тадқиқот ёки синов-тажриба фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш мажбурияти юклатилган шахс бўлиши мумкин.

9. **ЖКнинг 256-моддаси 3-қисмида** илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларининг бузилиши:

– одам ўлишига;

– баданга бошқа оғир шикаст етишига олиб келганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

257-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш

Техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини шу қоидаларга риоя этилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, – муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган

тартибда ишсизликдан химояланиш ҳуқуқига эга», – деб мустаҳкамлаб қўйилган.

2. Ушбу жиноятнинг **объекти**, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ишлаётган шахсларнинг меҳнат шароитларини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Корхоналар, муассасалар, ташкилотларда нафақат доимий ишлаётган шахслар, балки вақтинча ишлаётган шахслар ҳам жабрланувчи бўлишлари мумкин.

3. ЖКнинг 257-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят **объектив томондан** ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлган:

- техника хавфсизлиги қоидалари;
- саноат санитарияси қоидалари;
- меҳнатни муҳофаза қилувчи бошқа қоидаларнинг бузилишидан иборатдир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш деганда, меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими тушунилмоғи лозим¹.

Ушбу модда диспозицияси бланкетли бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун айбдор шахс томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг қайси банди бузилганлигини аниқлаш зарур. Содир этилган қилмишнинг оқибати сифатида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

4. **Субъектив томондан** жиноят айбнинг қасд ёки эҳтиётсизлик шакллари орқали содир этилади. Жиноятни содир этиш мотиви ва ундан кўзланган мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди.

5. Жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тулган ва зиммасига хизмат мавқеига кўра техника хавфсизлиги, саноат

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги УРҚ–410-сонли Қонуни, 4-модда// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши бўйича ёхуд махсус фармойиш билан иш участкасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши ёки шу қоидаларнинг ижроси бўйича масъулият юкланган ақли расо шахс бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунини кура, меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунчиликка мувофиқ айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат ва ҳужалик бошқаруви органлари, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида бир қатор ваколатларга эгадир.

Ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш максатида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкилотнинг мустақил таркибий

булинмалари бўлиб, улар бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати мутахассислари меҳнатни муҳофаза қилиш қондалари ва нормаларига барча ходимлар томонидан риоя этилишини назорат қилиш, таркибий бўлинмаларнинг раҳбарларига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузаётган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ташкилот раҳбарига тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эга¹.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қондалари мазкур Жиноятнинг субъекти бўлмаган шахс томонидан бузилган ва ушбу модда диспозициясида кўрсатиб ўтилган оқибатлар келиб чиққан ҳолларда айбдорнинг қилмиши соғлиққа зарар етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан квалификация қилиниши лозим.

6. ЖКнинг **257-моддаси 2-қисмида** меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларининг бузилиши:

- одам ўлишига;
- бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган оғирлаштирувчи ҳолатларда жавобгарлик назарда тутилади.

◆◆◆◆◆

257¹-модда. Санитарияга оид қонунчиликни ёки эпидемияга қарши кураш қондаларини бузиш

Санитарияга оид қонунчиликни ёки эпидемияга қарши кураш қондаларини бузиш, шу жумладан карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ўРҚ-410-сонли Қонуни, 12-модда// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида давлат санитария нazorати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарқ этмаслик, касаллик юқиш хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошқор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик одамларнинг оммавий касалланиши ёки захарланиши реал хавфини келтириб чиқарса ёхуд одамларнинг оммавий касалланишига ёки захарланишига олиб келса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одамнинг ўлимига сабаб бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одамларнинг ўлимига сабаб бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги ЎРҚ–393-сонли Қонуни қабул қилинган. Мазкур қонунга кўра:

«Чекловчи тадбирлар (карантин) – юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишининг чекланишини назарда тутадиган

маъмурий, тиббий-санитария чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар»¹ дейилади.

«Санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативлари – давлат органлари ҳамда бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан риюя этилиши шарт бўлган аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги талабларни белгилайдиган ҳужжатлардир.

2. Санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативлари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари томонидан тасдиқланади.

Санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ҳамда ижобий ҳулоса олинганидан кейин ҳисобга қўйилади.

Санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативлари, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади»².

3. Шунингдек, қонуннинг 8-моддасига кўра қуйидагилар давлат санитария назоратини амалга ошириши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари, туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг тегишли таркибий бўлинмалари³.

Фуқаролар:

қулай яшаш муҳити;

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги ЎРҚ–393-сонли Қонуни, 3-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда.

² Ўша манба, 5-модда.

³ Ўша манба, 3-модда.

давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлардан санитария-эпидемиологик вазият ва инсоннинг яшаш муҳити ҳолати тўғрисида ахборот олиш;

юридик шахслардан ва яқка тартибдаги тadbиркорлардан маҳсулотнинг, шунингдек бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг хавфсизлиги ҳамда сифати тўғрисида ахборот олиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонунчилик бузилишлари оқибатида ўз соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга.

Фуқаролар аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши ҳамда бошқа фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва қулай яшаш муҳитига бўлган ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлувчи ҳаракатларга йўл қўймаслиги шарт¹.

Норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқаётган юридик ва жисмоний шахслар аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

4. Норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқаётган юридик ва жисмоний шахслар янги кимёвий моддалар ва биологик воситаларни, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини ҳамда таркибида шу манбалар мавжуд бўлган приборларни, материалларни, технологик жараёнларни, ускуналарни, атирупа ва пардоз маҳсулотларини ҳамда бошқа халқ истеъмоли товарларини жорий этишдан олдин аҳолининг санитария-эпидемик хавфсизлигини таъминлашга доир нормативлар бўйича асослантирилган таклифларни, ушбу нормативларга риоя этилиши устидан назорат қилиш услубларини, зарарли маҳсулот ва чиқиндиларни зарарсизлантириш, утилизация

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги ўРҚ–393-сонли Қонуни, 17-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда.

килиш усулларини ишлаб чиқиб, уларни келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачига такдим этиши шарт.

Юридик ва жисмоний шахслар худудларнинг, иншоотларнинг, даволаш-профилактика, таълим, маданият, спорт муассасалари ҳамда бошқа муассасалар биналарининг сақланишини, шунингдек ускуналардан, транспорт воситаларидан фойдаланилишини санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ таъминлаши шарт¹.

5. Санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикаси худудининг санитария муҳофазаси;

юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларида ўтказилган чора-тадбирлар;

профилактик эмлашлар ўтказиш;

дезинфекция тадбирлари;

мажбурий тиббий куриклар;

фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш.

Санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси худудининг санитария муҳофазаси – бу аҳоли учун хавф туғдирувчи юқумли ва паразитар касалликларнинг кириб келиши ҳамда тарқалишининг олдини олишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудига инсон учун хавф туғдирувчи товарлар, кимёвий, биологик ва радиоактив моддалар ҳамда юқлар олиб кирилишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуидир.

Ўзбекистон Республикаси худудининг санитария муҳофазаси санитария-карантин назоратини амалга ошириш ва чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиш йўли билан таъминланади.

Санитария-карантин назорати давлат санитария назоратини амалга оширувчи тегишли органлар томонидан белги-

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги УРҚ–393-сонли Қонуни, 20-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда.

ланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтиш пунктларида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг санитария муҳофазаси қонунчилиққа мувофиқ бошқа чора-тадбирлар билан ҳам таъминланиши мумкин.

7. Юқумли ва паразитар касалликлар учоқларида даволаш-профилактика ҳамда санитария-эпидемиология хизмати муассасалари томонидан қуйидагиларга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган тартибда ўтказилади:

юқумли ва паразитар касал деб гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш, ажратиб қўйиш ва касалхонага ётқизишга, шунингдек улар билан мулоқотда бўлган шахсларни лаборатория текширувидан ўтказишга ва уларнинг тиббий кузатувини олиб боришга;

юқумли ва паразитар касалликларнинг юқиш йўллари ва омилларини аниқлаш ҳамда уларнинг инсонга таъсир кўрсатишининг олдини олишга¹.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади².

(Қаранг: *Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 53-55, 85-89, 95, 96, 159, 161-моддалари, 178-моддасининг еттинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 257, 257¹-моддалари*)

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 89-сонли қарорига кўра санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария тусидаги сабаблар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан, хорижий давлат олдиндан хабардор қилган ҳолда, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк, чорва моллари, уруғлик, экиш материаллари

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги УРҚ-393-сонли Қонуни, 32-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда.

² Уша манба, 39-модда.

хамда хайвонлар ва ўсимликларнинг бошқа маҳсулотларини ўтказишнинг вақтинча тўхтатиб турилиши мумкин.

9. Жиноятнинг объекти бўлиб, санитарияга оид қонунчиликни ёки эпидемияга қарши кураш қондаларига риоя қилишни таъминлаш орқали мухофаза қилинадиган жамоат хавфсизлиги, шунингдек одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлардан иборатдир.

10. Объектив томондан жиноят санитарияга оид қонунчиликни ёки эпидемияга қарши кураш қондаларига риоя қилиш билан боғлиқ қонунчиликни бузишда ифодаланади, жумладан:

а) карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юкумли касалликлар пайдо бўлиши хамда тарқалиши шароитида давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш;

б) карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарк этмаслик;

в) касаллик юқиш хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик билан боғлиқ ҳаракатлари одамларнинг оммавий касалланиши ёки захарланиши реал хавфини келтириб чиқарса ёхуд одамларнинг оммавий касалланишига ёки захарланишига олиб келса.

11. Мазкур модда диспозицияси бланкет диспозиция бўлиб, бу ҳолда айбдор томонидан санитарияга оид қонунчиликнинг ёки эпидемияга қарши кураш қондаларининг айнан қайси банди бузилганлигини аниқлаш муҳимдир.

Тиббий кўрик – бу касалликлар ва уларнинг ривожланиш хавфи омилларини, уларнинг патологик ҳолатини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тиббий аралашувлар мажмуидир.

12. Инфекция [лот. *infectio* – юқтирмоқ, бузмақ, захарламоқ] – патоген микроб(ёки вирус)нинг одам ёки хайвон организмга кириши, кўпайиши ва, айни вақтда, микроб билан организм ўртасида узаро мураккаб муносабат вужудга келиши. «Инфекция» атамаси баъзан бошқа

маънода – касаллик юққан пайтни, инфекцион касалликни, унинг микробини ифодалаш учун ишлатилади.

Инфекцион касалликлар – патоген Микроорганизмлар(бактериялар, вируслар ва ҳ. к.)нинг киши, ҳайвон ва ўсимлик организмига кириб кўпайиб, зарарли таъсир кўрсатиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар. Инфекцион касалликлардан баъзилари (масалан, қизамиқ) беморга яқин юрилганда юқади, уларга «юқумли касалликлар» атамаси жуда мос келади. Инфекцион касалликлардан баъзилари (масалан, безгак) беморга яқин юрилганда («контакт» йўли билан) юкмади, демак, уларга «юқумли касалликлар» атамаси унчалик тўғри келмайди¹.

13. Эпидемик ўчоқ – инфекция манбаи деганда унинг теварак атрофдаги ҳудудлар чегарасида кўзга тувчи инфекция манбаидан улар билан мулоқотда бўладиган кишиларга ўта оладиган жой тушунилади.

Ўчоқларда эпидемиологик текшириш ўтказишда эпидемиолог фойдаланадиган усуллар:

– бемордан ва у билан бирга бўлган шахслардан сўраб-суриштириш;

– тиббий ва бошқа (ветеринария, сув таъминоти, овқатланиш, турар жой-коммунал ободонлаштиришни ташкил қилиш бўйича ва ҳ.к.) ҳужжатларни ўрганиб чиқиш;

– ўчоқни санитария жиҳатдан текшириш;

– беморни, мулоқотда бўлган шахсларни ва юқтириш омилларига шубҳа қилинганларни лаборатория усули билан текшириш;

– максимал яширин давр мобайнида ўчоқни эпидемиологик кузатиш.

Инфекцион касалликларнинг янада тарқалишига йўл қўймаслик учун шундай касалликлар билан оғриган беморлар ёки шундай касаллик бор деб гумон қилинган кишилар касалхонада ёки уйда ажратиб қўйилади.

14. Инкубацион давр [лат. *incubatum* – тинч ётмоқ], яширин давр, инкубация – инфекцион касаллик юққан пайтдан тортиб дастлабки белгилари пайдо бўлгунча ўтадиган

¹ <https://medlife.uz/encyclopedia/i/infeksion-kasalliklar>

вақт. Инкубацион даврда микроблар ва уларнинг токсинлари организмда кўпаяди ва тўпланади. Турли касалликларда бу даврнинг давомийлиги турлича. У одам организмнинг аҳоли, инфекцияга қаршилиқ кўрсатиши, иммунитет бор-йўқлиги, шунингдек, организмга кирган касаллик микробларнинг миқдори, вирулентлигига, организмга кирган жойи ва бошқа(лар) сабабларга боғлиқ. Муайян касалликдан сақлаш мақсадида инкубацион даврни узайтириш мумкин. Аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг тарқалиш тезлиги инкубацион давр узунлигига боғлиқ. Бу даври қисқароқ бўлган инфекцион касалликлар (масалан, грипп) инкубацион даври узун касалликларга нисбатан тезроқ тарқалади¹.

15. Эпидемия /эли... ва юн. *demos* – халқ/ – инфекцион касалликларнинг маълум ҳудудда, одатдагидан кўп тарқалиши. Эндемия эпидемияси ва пандемия эпидемияси фарқланади.

Инфекция манбаи (касаллик қўзғатувчиси билан зарарланган одам ёки ҳайвон), қўзғатувчининг юқиш сабаблари, шунингдек, организмнинг мазкур касалликка берилувчанлиги узоқ вақт сақланганда эпидемия вужудга келади ва давом этади. Бунда тез касаллик ўчоғини топиб, атрофидаги аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш, касаллик қўзғатувчи микроорганизмларнинг беморлардан соғлом одамларга ўтиш йўлларини бартараф этиш (масалан, беморларни ажратиб қўйиш) ва касалликка берилувчан кишиларни эмлаш чоралари курилади².

16. Пандемия (юн. *pan-demos* – ёппасига, халқаро) – эпидемик касалликнинг бир мамлакат, бир неча мамлакат, қитъа ёки континентда ёппасига тарқалиши. Пандемик тарқалиш хаво-томчи йўли билан юқиб, инкубацион даври қисқа юқумли касалликларга хос. Грипп касаллиги бунга мисол бўла олади.

– **Қора чечак** номини олган пандемия 1870-1873 йилларда Бельгия, Бавария, Нидерландия, Англия, Австрия мамлакатларида тарқалиб, 300-500 миллион одамларнинг ёстиғини қуритган. Чума пандемияси XIV асрда дахшатли

¹ <https://medlife.uz/encyclopedia/i/inkubatsion-davr/>

² <https://medlife.uz/encyclopedia/e/epidemiya>

тус олиб 30 миллион, 1894-1904 йилларда Хитой ва Индонезияда 6 миллиондан ортиқ одамларнинг ҳаётдан кўз юмишига сабабчи бўлганди.

– **Гриппга оид** пандемия ҳам даҳшатли тус олганлигининг далили шуки, 1918–1958 йиллар оралиғида Испанияда 100 миллион, Гонконгда 1 миллион, Осиёда эса 70 минг одам ҳаёт билан хайрлашдилар.

– Энг даҳшатли **ўлат-пандемия** вабо касаллиги тарқалиши ҳисобланади. Шу пайтгача бу касаллик пандемияси Ер юзиде 7 марта содир бўлиб (1816–1923), барчасида 140 миллиондан ортиқ одам нобуд бўлган¹.

– Тарихдан маълумки, инсоният «ўлат» аломатларига ўхшаш бир неча йирик эпидемия тарқалишини бошидан кечирган. Византия ва Ўрта ер денгизида 6 асрда тарқалган Юстиниан вабоси шундай эпидемияларнинг биринчиларидан ҳисобланади. Ушанда 100 миллиондан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмган.

– 14 асрда Европа аҳолисининг 1/3 қисмининг умрига зомин бўлган «қора ажал» яна бир йирик тиббий фожиалардандир. 18 ва 19-асрларда Осиёда тарқалган ўлат касаллиги ҳам кўплаб қурбонларга сабаб бўлгани билан тарих саҳифаларида қайд этилган².

– Европада биринчи грипп эпидемияси 1556–1560 йиллар оралиғида кузатилган, ушанда ўлим ҳолати 20 фоизни ташкил этган.

– 1918 йилда кузатилган грипп пандемияси (ёки испания гриппи) дунё бўйича 25-50 миллион инсон ўлимига олиб келган (аҳолининг тахминан 2 фоизи)³.

– Коронавирус эпидемиясини юктириш ҳолати дунё бўйича 247,549,612 кишини ташкил этиб, шундан ўлим ҳолати 5,016,924 тани ташкил қилган (2021 йил 1 ноябрь ҳолатига)⁴.

¹ <https://uza.uz/oz/society/dunye-z-tarikhiga-anday-khavfli-kasalliklarni-muflagan-07-04-2020>

² <https://kun.uz/99962850>

³ «Influenza of 1918 (Spanish Flu) and the US Navy»

⁴ <https://aniq.uz/statistika/coronavirus>.

17. Юқумли ва паразит касалликларнинг пайдо бўлиши ёки тарқалиши хавфи туғилганда, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларнинг бош давлат санитария врачларининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари белгиланган тартибда тегишли ҳудудларда ёки объектларда чеклов чораларини (карантин) жорий этишлари мумкин.

18. Карантин (*фр. quarantaine, итал. quarantena* – «қирқ кун»), карантинлаш – 1) тиббиётда – ўта хавфли юқумли касалликлар тарқалишини чеклашга қаратилган маъмурий ва санитария тадбирлари мажмуи. Карантин маълум ҳудудни касаллик тарқатувчи манбадан муҳофаза қилиш ва уни йўқотишга ҳамда касалликнинг бир жойдан бошқа ҳудудларга тарқалиб кетишига йўл қўймасликка қаратилган профилактик тадбир ҳисобланади. Шунингдек карантин эълон қилинган жойда аҳоли орасида ҳамма турдаги алоқа, борди-келди кескин чекланади. Карантин эпидемияга қарши курашиш фақуллда комиссия томонидан эълон қилинади ва «Халқаро тиббий-санитария қондалари» (конвенция) асосида амалга оширилади.

Республика махсус комиссияси томонидан карантин чоралари жорий этилиши қонуний асосда амалга оширилади. Унинг қарорлари идоравий мансублигидан ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, барча ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек фуқаролар учун мажбурийдир. Ҳуқуқбузарларга нисбатан жазо чораларининг қўлланилиши учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодекси нормалари асос бўлиб хизмат қилади.

Ўз-ўзини яқкалаш – юқумли ва паразит касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган чеклов чораларидан биридир. Режим бошқа одамлар билан алоқани чеклашни, минималлаштиришни – ташқарига чиқмаслик ва мажбурий ҳолатларда, ижтимоий масофани сақлаш, ниқоб кийишни назарда тутати. Бундай пайтда уйда ёки иш пайтида.

ҳамкасблар ва оила аъзолари билан алоқада бўлишни чеклаш тавсия этилади.

19. Фавқулодда ҳолат – давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг алоҳида иш режими. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқларига махсус қонун билан белгиланган чеклашларга йўл қўйилади, шунингдек, уларга қўшимча мажбуриятлар юкланиши мумкин. Фавқулодда ҳолат одатда, вақтинчалик тадбир бўлиб, реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, ички қуролли можаролар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 19-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентга Президентнинг бутун ёки унинг айрим жойларида жорий этади ва қабул қилган қарорини 3 кун ичида Олий Мажлиснинг палаталари тасдиғига киритади¹.

Фавқулодда ҳолат Президент томонидан мамлакатнинг бутун ҳудудига ёки алоҳида жойларда жорий этилиши мумкин. Бунда Президент қарори уч кун ичида Парламент палаталарига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Қонда тарикасида, мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилиши билан транспорт воситаларининг ҳаракатланишида катъий чекловлар ўрнатилади, уларни текшириш кучайтирилади, зарур озик-овқат маҳсулотлар савдоси, уларни сотиб олиш ва тақсимлашнинг, шунингдек, жамоат тартибини таъминлашнинг махсус тартиби жорий этилади².

20. Обсервация (лот. *observatio* – кузатиш, назорат) – карантинга олинган юқумли касалликларга (ўлат, вабо, чинчечак) чалинган беморлар билан мулоқотда бўлганлиги сабабли вақтинча алоҳидалаб қўйилган кишилар устидан тиббий кузатув. Зарурат бўлганда обсервация бошқа юқумли касалликларга ҳам белгиланиши мумкин. Обсервацияни санитария-эпидемиология хизмати амалга оширади. Обсер-

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. – 3-б.

² https://www.norma.uz/nashi_obzori/vse_chto_nujno_znat_o_karantine

вация муддати обсервация қилиш буюрилган касаллик яширин даврининг энг узоқ муддатига боғлиқ. Обсервация қилинадиган кишилар доим врач назоратида бўлади. Ҳар куни уларнинг хол-аҳволи сураб чиқилади, кўздан кечирилади, зарур бўлса, тегишли текширувлар ўтказилади, шошилинч махсус профилактика қилинади, эҳтиётдан эмланади ва ҳ.к. Тиббий кузатувдаги кишиларга меҳнатга қобилиятсизлик варақаси берилади. Обсервацияда транспорт воситалари ва юкларга ишлов бериш (дезинфекция, дезинсекция, дератизация) ҳам кўзда тутилади¹.

Обсервация қуйидагиларни назарда тутати: тиббий назоратни кучайтириш, одамларнинг ҳаракати ва жойлашувини чеклаш (хизмат сафарлари, таътиллар ва ҳ.к. бекор қилиш), оммавий тадбирларни вақтинчалик бекор қилиш ва бошқалар.

21. Дезинфекция² (дез... ва инфекция), юкумсизлантириш – юкумли касалликларни кўзғатувчи микроорганизмлар (бактериялар, вируслар ва б.)ни йўқ қилиш. Кенг маънодаги дезинфекцияга одам билан ҳайвонлар учун зарарли ҳашаротларни йўқ қилиш – дезинсекция ва зарарли кемирувчиларни йўқ қилиш – дератизация ҳам кириди. Профилактик, кундалик, якунловчи дезинфекция бўлади. *Профилактик дезинфекция* юкумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида уй анжомлари, идиш-товокларни, жамоат тўпланадиган жойлар (бозор, дукон, болалар муассасаси, ҳаммом, ошхона, транспорт ва б.)ни, ташландиларни мунтазам равишда юкумсизлантиришдир. Бемор ётган уйда узлуксиз *кундалик дезинфекция* ўтказилади. *Якунловчи (охирги) дезинфекция* бемор касалхонага ётқизилганидан, сорайиб кетганидан ёки вафот этганидан кейин амалга оширилади. Дезинфекцияда механик, физик ва кимёвий воситалар қўлланилади. Бино ва ундаги буюмларни хўл латта билан тозалаш, кийим-кечак ва кўрпа-ёстиқни қоқиш, чангютгич билан тозалаш, бинони оқлаш, бўяш ва бошқа механик воситалар кириди. Кийим-кечак ва бинолар шу йўл билан 50–75 фоиз микроблардан

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. – 11-б.

² Ўша манба, 158 б.

халос бўлади. Қуритиш, қуёш нури, ультрабинафша нурлар (симоб-кварц лампалари), ташландиларни ёқиб юбориш, идиш ва бошқа буюмларни қатронлаш, сувга совун ва ишқор солиб қайнатиш, қайноқ сув, дезинфекция камераларида ва махсус аппарат (автоклав)да сув буғи ва иссик хаводан фойдаланиш физик воситалар ҳисобланади. Кимёвий воситаларга кислоталар, ишқорлар, хлорли оҳак, хлорамин, фенол, крезоллар (лизол, нафтализол), формалин, сулема ва бошқа моддалар қиради.

22. Дезинфекция воситалари – ташқи муҳитдаги юқумли касаллик кўзғатувчиларини (одам, ҳайвон ва ўсимликларда) йўқотиш учун ишлатиладиган физик ва кимёвий воситалар. Қайнатиш, юқори босим билан буғлантириш, ультрабинафша нурлар, қуёш нурлари ва бошқа физик дезинфекция воситалари ҳисобланади.

23. Дератизация¹ (франц. deratisation – кемирувчиларни қириш) – юқумли касалликларни тарқатадиган ҳамда халқ хўжалигига иқтисодий зарар келтирадиган кемирувчиларни қириш. Профилактик ва қириб йўқотиш тадбирларини ўз ичига олади. Профилактик тадбирлар зараркунанда кемирувчиларнинг уя қуриши, овқатланиши ҳамда кўпайишига имкон берадиган шароитларни йўқотишга, турар жой, хўжалик биноларини, гўшт корхоналари, гўшт асраладиган музхоналар, аралаш ем корхоналари, элеватор, тегирмон, омборхоналарни улар киришидан ҳимоя қилишга қаратилган бўлади.

24. Оммавий касалланиш деганда, маълум бир ҳудуддаги кўп сонли кишиларнинг бир вақтнинг ўзида ёхуд оралиғи унча катта бўлмаган вақт орасида касалланишини тушуниш зарур.

Ўрнатилган меъёрларга ёки амалда шифокор томонидан бир иш кунни давомида қабул қилиниши лозим бўлган меъёрларга мувофиқ касалланганлар сони беморлар сонидан ошса касаллик **оммавий** деб ҳисобланиши керак.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. А. Мадвалнев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти – 204-б.

25. Диспозицияда кўрсатилган оқибатлар келиб чиққан вақтдан бошлаб, жиноят **тамомланган** ҳисобланади (ЖК 257¹-моддаси, 1-қисми).

26. Субъектив томондан жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилади.

Айбдор одамларнинг оммавий касалланишига ёки захарланишига олиб келувчи ҳаракатлар давлат идоралари фаолиятини ёки ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш ёхуд Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини издан чиқариш мақсадида содир этилган ҳолларда, у ЖКнинг 161-моддаси (кўпурувчилик) бўйича жавобгарликка тортилади.

27. Жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ақли расо, санитарияга оид қонунчилик ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларига риоя қилиши шарт бўлган жисмоний шахс ҳисобланади. Жиноятни мансабдор шахс содир этган тақдирда, ишнинг ҳолатларига қараб, қилмиш ЖКнинг бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан жавобгарликка тортилиши шарт.

28. Санитарияга оид қонунчилик ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларининг бузилиши одам ўлишига сабаб бўлган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари **шарҳланаётган модданинг 2-қисми** бўйича квалификация қилинади.

29. Худди шундай қилмишлар одамларнинг ўлишига сабаб бўлса, айбдор ЖКнинг **257¹-моддаси 3-қисми** бўйича жиноний жавобгарликка тортилади.

258-модда. Тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш

Тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни

чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, — муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **объекти** жамоат хавфсизлиги, тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари олиб борилаётган вақтда одамларнинг ҳаёти ва соғлиги, ўзганинг мулкидир.

2. **Объектив** томонидан жиноят тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишларини олиб боришда ўртача оғир ёки оғир тан жароҳатини келтириб чиқарган хавфсизлик қоидаларининг бузилиши билан тавсифланади.

Ушбу модданинг диспозицияси бланкетли бўлиб, шахсни жиной жавобгарликка тортиш учун тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари олиб бориш қоидаларининг қайси банди бузилганлигини аниқлаш зарур.

3. **Тоғ-кон ишлари** деганда, кон қазиш саноатида олиб бориладиган ишлар тушунилади. Тоғ-кон ишлари — бу бурғулайдиган қурилмалар, шахталар ёки фойдали қазилмаларни ишлашга, жумладан, очик усулда ишлашга оид, шунингдек, фойдали қазилмаларни қазиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иморатларини (метрополитен, тоннеллар ва хоказоларни) қуриш, қайта қуриш, ишлатиш ва таъмирлаш бўйича бажариладиган ишларни тушуниш керак.

4. **Қурилиш ишлари** деганда, саноат корхоналари, маъмурий, турар жой ва бошқа биноларни бунёд этиш ёхуд таъмирлаш юзасидан амалга ошириладиган ишларни тушуниш зарур. Масалан, қурилиш майдончасида амалга оширилаётган ер ости, бетон, монтаж, пардозлаш ишлари ва бошқалар.

5. **Портлатиш ишлари** деганда, портлатиш жараёнида ёнувчи газ ёки буғларнинг хаво ёхуд кислород билан ёхуд

бошқа моддалар билан аралашмаларининг ҳосил бўлишини тушуниш зарур. Махсус қоидаларнинг бузилиши уларга рия қилмасликни билдиради ва ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланади.

Баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши тарзидаги оқибатларнинг келиб чиқиши мазкур жиноят **объектив томонининг** зарурий белгиси ҳисобланади.

6. Баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган пайтдан жиноят **туғаллаган** ҳисобланади.

7. Жиноят **субъектив томондан** қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилади. Жиноят содир этиш мотиви ва мақсади квалификация қилишга таъсир этмайди.

8. Жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тулган ақли расо шахсдир.

9. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши:

– одам ўлишига;

– бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳоллар учун жавобгарлик назарда тутилган.



259-модда. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг шу қоидалар бажарилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солиш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, — муайян ҳуқукдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **объекти** ёнғин хавфсизлиги, яъни одамларнинг, жамоат ва давлат мулкининг ёнғиндан муҳофаза қилинганлик ҳолати ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг шу қоидалар бажарилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келишида ифодаланади.

Ёнғин хавфсизлиги қоидалари — ёнғиннинг олдини олишга қаратилган талаблар, меъёрлар ва стандартларга риоя қилиш тартибини белгиловчи муайян қоидалар мажмуидир.

3. Шарҳланаётган модда диспозицияси бланкет бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг қайси банди бузилганлигини, бунинг натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилганлигини аниқлаш зарур.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш, тегишли норматив ҳужжатда мавжуд бўлган талаблардан бирини бажармасликни англатади. Бунда ёнғин хавфи мавжуд бўлган моддалар ёнишининг олдини олишга қаратилган, шунингдек келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғиннинг зарарли оқибатларини камайтиришга қаратилган нормалар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига киради.

4. Мазкур жиноят ҳаракат (қоидаларда содир этилиши тақиқланган ҳаракатларни бажариш) ёки ҳаракатсизлик билан (хавфсизлик чораларини қурмаслик) содир этилиши мумкин.

5. Тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишларини олиб боришда ёхуд портловчи, тез ёнувчи моддалар, пиротехника буюмлари ва ҳ.к.лар билан ишлаш қоидаларини бузиш натижасида атом энергетикаси, портлаш хавфи мавжуд

шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Уюшган жиноятчиликнинг тобора ортиб бориши, замонавий дунёда кўплаб террористик ҳуружларнинг содир этилиши, халқаро муносабатлар кескинлашиб бориши, шак-шубҳасиз, Ўзбекистон давлат хавфсизлигига маълум таҳдидларни вужудга келтиради. Ўзбекистон ҳудудида кучайтирилган тартибда қўриқланиши лозим бўлган 300 та ўта муҳим ва тоифаланган объектлар мавжуд. Ҳозирга келиб шаклланган шароитларда ўта муҳим ва тоифаланган объектларга нисбатан тажовузлар давлат хавфсизлигига таҳдид қилиши мумкин, диверсия ва террористик ҳуружлар хавфи ортиб бормокда.

Ҳозирги вақтда ўта муҳим ва тоифаланган объектлар қўриқланиши ДХХ, ИИБ ва ВОХР бўлинмалари кучлари томонидан замонавий назорат-қиритиш, муҳандислик техника воситалари ва усқуналаридан фойдаланган ҳолда таъминланади.

2. Жиноятнинг **объекти** — корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг қўриқланишини таъминлаш учун масъул бўлган мансабдор шахслари томонидан ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

3. **Объектив томондан** жиноят ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг ишончли қўриқланишини таъминлашга доир мажбуриятларни корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг уларни бажаришга масъул бўлган мансабдор шахслари томонидан бажарилмаслиги орқали содир этилади.

4. Мажбуриятларни бажаришга масъул бўлган мансабдор шахс томонидан уларнинг бажарилмаслиги деганда, объектларни ишончли муҳандислик техника қуриқлаш воситалари билан жихозлаш, режим чора-тадбирлари (кириш-чиқиш тизими)ни таъминлаш бўйича ўз вақтида тегишли чоралар кўрмаслик ва шу кабиларни тушуниш лозим.

5. Жиноят формал таркибга эга бўлиб, мансабдор шахс томонидан ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг қуриқланиши юзасидан ўз мажбуриятларини бажармаган вақтдан бошлаб **тамомланган** деб тан олинади. Қонун жиноятни тамомланган деб топиш учун бирор оқибат вужудга келишини талаб қилмайди.

6. Мансабдор шахсни ЖКнинг 259¹-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш учун мансабдор шахсга нисбатан аввал худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилган бўлиши зарур.

7. **Субъектив томондан** жиноят қасддан содир этилиши мумкин.

8. Жиноятнинг **субъекти** корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг тегишли мажбуриятларни бажаришга масъул бўлган мансабдор шахси ҳисобланади.

Ҳар бир ҳолатда мансабдор шахс ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг ишончли қуриқланишини таъминлашга масъул бўлгани ёки бўлмаганлигини аниқлаш шарт.

XVIII бoб. ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ВА УНДАН Фойдаланиш хавфсизлигига ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

260-модда. Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш

Транспорт воситасининг ҳаракат ёки ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво

транспортини бошқарувчи шахс томонидан бузилиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, –

саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ва фойдаланиш хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар шарҳланаётган жиноятнинг **бевосита асосий объекти** ҳисобланади. **Қўшимча бевосита объект** – инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, ўзгалар мулкининг хавфсизлиги.

2. Жиноятнинг **предмети** сифатида қонунда кўрсатилган транспорт воситалари иштирок этади.

3. **Темир йўл транспорти** деганда, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ихтиёридаги рельсли транспорт, шунингдек, саноат ҳамда бошқа корхоналарга олиб келадиган темир йўллар, махсус мақсаддаги темир йўллар, метрополитен тушунилади.

Фақат ишлаб чиқариш вазифаларини бажарадиган шахта, цех ичи (электровозлар, вагонеткалар) транспорт воситалари технология жараёни билан боғлиқ бўлиб, ушбу транспорт турига оид деб ҳисобланиши мумкин эмас. Улар билан боғлиқ ҳодисаларга ҳаракат ҳамда фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, муайян ишларни амалга ошириш,

хавфсизлик ёки бошқа меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаслик сабаб бўлади. Айбдорларнинг ҳаракатлари бундай ҳолларда – ЖКнинг 257-моддасига биноан, тегишли вазиятларда эса – фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши, ўзгалар мулкини нобуд қилганлик ёки унга зарар етказиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутган моддалар бўйича квалификация қилиниши шарт.

4. Ҳаво транспорти – бу барча фуқаролик авиацияси ва фуқаролик ҳавода учиб воситалари: самолётлар, вертолётлар, планёрлар, дирижабллар, аэростатлар ва ҳоказолар. Ҳаво кемасининг қайси идорага тегишлилиги аҳамиятга эга эмас. Авиация техникаси соҳасидаги тажриба-конструкторлик, синов ва илмий-тадқиқот ишлари учун мўлжалланган ҳаво кемалари – синов ҳаво кемалари шарҳланаётган ижтимоий хавфли қилмиш предмети бўла олмайди. Бундай кемалардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари бузилган ҳолларда жавобгарлик ЖКнинг 256-моддасига биноан келиб чиқади.

5. Денгиз ва дарё транспорти кема инспекциялари рўйхатидан ўтиши керак бўлган барча ўзиюрар кемалар ҳисобланади. Идоравий меъёрий ҳужжатларда сув транспорти ҳисобига киритилган ўзи юрмайдиган транспорт воситалари шарҳланаётган жиноятнинг предмети бўла олмайди. Ушбу сузиш воситалари (аксарият ҳолларда бу – баржа, плашкоутлар) мустақил транспорт аҳамиятига эга эмас ва фақат ўзиюрар транспорт воситаси ёрдамидагина ҳаракатланади. Ўзи юрмайдиган сузиш воситасидан фойдаланишнинг зарарли оқибатлари ўзиюрар кемадан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасидагина келиб чиқиши мумкин.

6. Механик бўлмаган транспорт воситаси шарҳланаётган модда доирасида транспорт воситаси ҳисобланмайди. Хусусан, бундай воситалар қаторига автодрезиналар ва автомотрис(а) лар, от-улов қиради. Бундан ташқари, ҳаво ёки денгиз кемаси ёхуд темир йўл транспорти сифатларига эга бўлиш билан ўз таърифига кўра юк ёки йўловчи ташиш мақсадида фойдаланиб бўлмайдиган воситалар, масалан, ҳаво зонди, автоматлаштирилган батискаф ва шу кабиларни ҳам транспорт санаб бўлмайди. Тегишли белгилари мавжуд бўлганида бундай

буюмлардан фойдаланганлик учун жавобгарлик ЖКнинг 256-моддаси бўйича келиб чиқиши мумкин.

7. Жиноятнинг **объектив томони** ўз ичига:

– темир йўл, хаво, денгиз ёки дарё транспортдан ҳаракат ёки фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш;

– инсон соғлиғига оғир ёки ўртача оғирликда шикаст етказиш;

– қилмиш ҳамда оқибатлар келиб чиқиши ўртасидаги сабабий боғланишни олади.

8. Шарҳланаётган модданинг транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланишга оид махсус хавфсизлик қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кўзда тутган диспозицияси бланкетли ҳисобланади. Ана шу қоидаларнинг ўзи эса транспортнинг кўрсатиб ўтилган турлари фаолиятини тартибга соладиган норматив ҳужжатларда мавжуддир.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳаракат қоидалари транспорт ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига нисбатан анча кенг тушунча. Иккинчиси бузилмаган экан, демак, жиноят таркиби мавжуд эмас.

9. Бузилиши туфайли шарҳланаётган жиноят таркибини юзага келтирадиган норматив ҳужжатлар ҳисобига транспорт ҳаракати ҳамда ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари (йўриқномалари) деб номланган меъёрларгина кирмайди. Норматив ҳужжат номи расмий (формал) белги, холос.

Идоравий меъёрий ҳужжатларда транспорт ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари турлича ифодаланган. Улардан баъзилари қатъий кўрсатмалардан иборат бўлса, бошқалари қатъий тақиқлашдан иборат. Уларнинг бузилиши шарҳланаётган модда бўйича жиноий жавобгарлик келтириб чиқариши мумкин. Баъзи норматив ҳужжатларда кўрсатма ҳамда тақиқлаш билан бирга тавсиялар ҳам учраб туради. Улар мажбурий эмас, шу билан бирга уларни умум қабул қилинган маънода қоида сифатида эътироф этиб ҳам бўлмайди, шунинг учун бу тавсияларнинг бузилиши мазкур жиноят таркибини ташкил эта олмайди.

Қилмиш ҳуқуқий меъёрларда белгиланган қоидаларнинг бузилишида ифодаланган ҳолдагина жиноят таркибини ҳосил

қилиши мумкин. Умум қабул қилинган эҳтиёт чораларини бундайлар ҳисобига киритиб бўлмаслиги туфайли уларнинг бузилиши мазкур модда бўйича жавобгарликни келтириб чиқармайди. Ҳаракат ёки транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши факти бўйича шахс эҳтиёт чораларини кўрмаганлиги ва ҳоказолар билан жиноят мавжудлиги асосланолмайди. Ҳар бир иш юзасидан: а) қайси қоида бузилганлиги; б) қоидабузарлик айнан нимада ифодаланганлиги аниқ белгилаб олиниши шарт.

10. Ҳаракат ёки транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари орасида баъзилари нисбатан умумий, яна бирлари эса бирмунча муайян кўринишга эга. Дастлабки тергов идоралари ва судлар ҳам униси, ҳам бунисига ҳавола қилишлари лозим.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳаракат ҳамда транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари доимий ривожланиш ва ўзгариш жараёнини бошидан кечирмоқда. Шу боис хавфсизлик қоидаларининг бузилганлиги фактини аниқлаш учун айбдор бузганликда айбланаётган хавфсизлик қоидалари амалда эканлиги ёки ўз кучини йўқотганлиги текширилади.

11. Ҳаракат хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши – бу транспорт воситасини бошқаришнинг белги-ланган тартибидан турлича четга чиқишдир.

Ҳаракат хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши қуйида-гиларда ифодаланиши мумкин:

– **темир йўл транспортда** – йўл бўш ё бўш эмаслигини кузатмаслик, тезликни ошириб юбориш, семафорнинг тақиқловчи белгисида ўтиб кетиш ва ҳоказо;

– **ҳаво транспортда** – парвозлар схемасини бажармаслик, парвоз ҳамда экипаж ишига қўйиладиган талабларни менсимаслик, бошқариш техникасига, ҳаво кемасини бошқариш қоидаларига риоя қилмаслик ва ҳоказо;

– **сув транспортда** – кузатувни қониқарсиз амалга ошириш ва шу билан боғлиқ тарзда кема ёки бошқа тўсикни кечикиб аниқлаш (илғаш); катта тезликда ҳаракатланиш ва номақбул шароитда ошиб ўтишга йўл қўйиш; кема

бошқарувчисининг асосланмаган тахминлари ва вазиятни нотўғри баҳолаши; хавфли яқинлашувнинг олдини олиш чораларини кўришга кечикиш, портга яқинлашганда кеманинг йўл кўйиладиган тезлигини ошириб юбориш ва ҳоказолар.

12. Қонунда кўрсатилган қоидабузарликлар ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизлик шаклида ифодаланиши мумкин. Шахс ҳаракатсизлиги учун фақат муайян ҳаракатларни амалга ошириш масъулияти унинг зиммасига юклатилган ҳолдагина жавобгарликка тортилиши мумкин. Ушбу мажбурият қонуности меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган.

13. **Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортидан** фойдаланиш қоидаларининг бузилиши транспорт воситаларидан уларнинг вазифасига кўра фойдаланмаслигини кўзда тутати. Фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек, темир йўл, ҳаво ҳамда сув транспортининг ҳалокатсиз фаолият кўрсатишини таъминлайдиган тизим ва агрегатларнинг бошқа мақсадларда ишлатилишини ҳам ўз ичига олади. Мазкур қилмиш ҳалокатсиз фаолият кўрсатишини таъминлайдиган эҳтиёт қисм ва механизмларга техник хизмат кўрсатиш талабларидан четга чиқиш, йўловчиларни чиқариш ва туширишда, юкларни ортиш ва туширишда ҳамда транспорт воситаларидан фойдаланишнинг хавфсиз шароитларини таъминлайдиган тартибни бошқача бузишларда ифодаланади.

14. **Транспортдан фойдаланиш** – унинг ҳаракатига нисбатан анча кенг тушунча. Ҳаракат жараёнини фойдаланишдан ажратиб бўлмайди, фойдаланиш эса – ҳам ҳаракат доирасида, ҳам ундан ташқарида амалга оширилиши мумкин (масалан, кема рейдда тўхтаган пайтида, портда, кемани парвоздан аввалги тайёрлаш даврида ва ҳоказоларда). Транспортнинг фалокатсиз иши билан боғлиқ бўлмаган фойдаланиш қоидаларининг бузилиши шарҳланаётган жиноятни келтириб чиқармайди.

15. **Объектив томоннинг** зарурий белгиси баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш каби жиноий оқибатлардир. *(Баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 104 ва 105-моддалари шарҳига қаранг).*

16. Шарҳланаётган қилмиш ва келиб чиққан оқибатлар орасида сабабий боғланиш мавжудлиги аниқланиши шарт. Бунда бу каби алоқа ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқалигина белгиланмай, балки айнан бевосита ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқарган хавфсизликка оид тегишли қоидаларнинг бузилиши билан аниқланиши шарт.

Сабабий боғланиш оқибат фақат ҳаракат ё ҳаракатсизлик билан эмас, балки ҳар бири алоҳида ҳолда ҳам, ё бошқалари билан биргаликда оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган бир неча қилмиш билан шартлашилган ҳолда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Шундай ҳоллар бўладики, бир шахс ҳаракатлари билан хавфли шароит юзага келади, иккинчиси эса вазиятга нотўғри баҳо бериб, ўзи транспорт хавфсизлигига тажовуз қиладиган қилмишга йўл қўяди. Бундай вазиятда келиб чиққан зарарли оқибатлар ҳар иккала транспорт ходими томонидан йўл қўйилган қоидабузарликларнинг қонуний натижаси ҳисобланади.

17. **Субъектив томондан** жиноят ҳаракат ёки транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилишига нисбатан қасд кўринишидаги ҳамда жинойий ўзига ўзи ишониш ёки келиб чиққан оқибатларга нисбатан жинойий бепарволик каби айбнинг мураккаб шакли билан таърифланади. Айбдор ҳаракат хавфсизлиги ёки транспортдан фойдаланиш хавфсизлигига оид муайян қоидалар бузилиши натижасида бирон-бир ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини кўра билади, ammo етарлича асоссиз равишда енгилтаклик билан уларнинг олдини олишига ишонади ёхуд талаб даражасидаги эътибор ва кўра билиш орқали аниқлай олиши керак бўлган ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини кўра билмайди. Ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати айбдор томонидан жабрланувчига бевосита ёки билвосита қасддан етказилган бўлса, у ҳолда сўз ЖКнинг 104 ёки 105-моддаси бўйича жавобгарлик тўғрисида бориши мумкин.

Жиноят баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган вақтдан бошлаб **туғалланган** деб эътироф этилади.

18. Ўн олти ёшга тулган, фаолияти транспортнинг хавфсиз ҳаракатланишини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган

шахслар (масалан, ҳаракат хизмати, ҳавода ҳаракатланишни бошқариш маркази, диспетчерлик хизмати, катта штурман, ҳаво транспорти ташкилотида парвозлар раҳбари), шунингдек, бевосита транспорт воситасини бошқарадиган шахслар (ҳаво кемаси командири, штурмани, машинист, унинг ёрдамчиси ва бошқалар) жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин. Бунда шахс белгиланган тартибда берилган транспортни бошқариш ҳуқуқини берадиган рухсатномага эга ёки эга эмаслиги, ё рухсатсиз бошқараётганлиги (масалан, олиб қочиш оқибатида) аҳамиятга эга эмас. Шунингдек, айбдор шахс ҳаракатларини мазкур модда бўйича квалификация қилишга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган гувоҳноманинг бирор сабабга кўра бор ёки йўқлиги ҳам таъсир кўрсатмайди.

Агар айбдор транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига бошқа жиноят содир этиш орқали (масалан, ҳаво кемасини олиб қочиш) эга бўлган бўлса, бундай қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

19. Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти ҳаракати ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши одам ўлимига сабаб бўлиши **ЖК 260-моддасининг 2-қисми** бўйича квалификация қилинади.

20. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисми** хавфсизлик қоидаларининг бузилиши қуйидаги оқибатлардан бирини:

а) одамлар ўлимини;

б) ҳалокатни;

в) бошқа оғир оқибатларни келтириб чиқарган бўлса, алоҳида квалификация қилинган таркибни вужудга келтиради.

21. **Одамлар ўлими** деганда, транспорт ходисаси натижасида икки ёки ундан ортиқ кишининг ҳалок бўлиши назарда тутилади.

22. Шарҳланаётган жиноят маъносида **ҳалоқат** деганда, ўхшаш шарт-шароитда кўп сонли одамлар ҳалок бўлиши, атроф-муҳитга етказилган жиддий зарар, ўта йирик ҳажмдан ҳам ортиқ ҳажмдаги мол-мулкнинг нобуд қилиниши ёки унга зарар етказилиши билан таърифланадиган йирик кўламли ҳалокат ва бошқалар тушунилади. Ҳалокатлар ҳам табиат кучлари туфайли келиб чиқиши (масалан, зилзила), ҳам

техноген тусга эга бўлиши, яъни инсон фаолияти оқибатида келиб чиқиши мумкин.

Ҳалокат деганда, темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, жамоат транспортидаги (автобус, троллейбус, трамвай, йўналишли такси ва шу кабилар) ўнлаб одамлар нобуд бўлиши билан бир қаторда атроф-муҳитга ҳамда одамлар соғлиғи ёки ҳаёти учун тузатиб бўлмас даражада зиён етказган ходиса тушунилиши лозим¹.

Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қондаларининг бузилиши турли кўринишдаги ҳалокатларга олиб келиши мумкин бўлиб, уларнинг ҳар бири кўрсатиб ўтилган умумий белгилари билан бирга алоҳида хусусиятларга ҳам эга. Масалан:

– **авиаҳалокатлар** экипаж аъзолари ҳамда йўловчилар ҳалок бўлиши, ҳаво кемаларининг буткул вайрон бўлиши ёки оғир зарарланиши билан ажралиб туради ва қидирув ҳамда ҳалокат-қутқарув ишлари ўтказилишини талаб этади;

– **темир йўлдаги ҳалокатлар** ёнғинлар, портлашлар, ҳаракат таркибининг вайрон бўлиши ва темир йўл ходимлари, йўловчилар ҳамда ҳалокат жойига яқин темир йўл платформаси, вокзал ва шаҳар биноларидаги одамларнинг ҳалок бўлиши, шунингдек, ҳалокат жойи ва чор атрофнинг ташилаётган, кучли таъсир кўрсатадиган заҳарли моддалар билан зарарланиши билан ажралиб туради;

– **денгиз ва дарё транспортдан фойдаланиш билан боғлиқ ҳалокатлар** экипаж аъзолари ҳамда йўловчиларнинг ҳалок бўлиши, кеманинг йўқ қилиниши, шунингдек, чор атрофдаги сув сатҳининг ташилаётган, кучли таъсир кўрсатадиган заҳарли моддалар билан зарарланиши билан ажралиб туради.

23. **Бошқа оғир оқибатлар** деганда, одамлар ўлими билан бир қаторда поездлар, кемалар ёки самолётлар қатнови узоқ муддатга издан чиқиши, теварак-атрофдаги уйлар ва

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 10-сонли қарори, 11-банд.

бошқа иншоотлар вайрон қилиниши (портлаши, ёниб кетиши, кулаб тушиши) ва х.к.лар тушунилиши лозим. Шунинг назарда тутиш лозимки, ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари бузилиши натижасида икки ёки ундан ортиқ одамга ўртача оғир ва/ёки оғир шикаст етказилганлиги фактининг ўзи қилмишни «бошқа оғир оқибатлар» белгиси бўйича квалификация қилиш учун асос бўлмайди¹.

24. Ҳодиса оқибаотида ҳаёти хавф остида қолган ҳамда ўзини ўзи асраш чораларини кўриш имкониятидан маҳрум этилган жабрланувчига ёрдам кўрсатмаган айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 117 ва 260-моддалари бўйича квалификация қилиниши зарур.

Жабрланувчига ҳодиса оқибаотида унинг ҳаёти учун хавfli бўлмаган баданига енгил шикаст етказилганлиги ёки унинг ўлими бевосита йўл-транспорт ҳодисаси вақтида юз берганлиги ёки айбдор жабрланувчига ёрдам бериши шарт бўлган, аммо унинг ўзининг ҳаёти ёхуд соғлиғига муқаррар хавф туғилган, яъни у ёрдам бериш имконига эга бўлмаган ҳолларда ЖКнинг 117-моддасида кўрсатилган жавобгарлик юзага келмайди².

25. Йўл ҳаракати ёки транспорт фоситасидан фойдаланиш қоидалари бузилиши натижасида ЖКнинг 260-моддаси турли қисмларида назарда тутилган оқибатлар келиб чиқса, шахс барча келиб чиққан оқибатлар бўйича айбдор деб топилади, қилмиш эса оғирроқ оқибатлар назарда тутилган қисми бўйича квалификация қилинади.

Жиноятлар турли вақтларда содир этилган бўлиб, оқибатлар эса ўзаро боғлиқ бўлмаган бир неча қилмиш натижаси бўлган тақдирда қилмишлар жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 10-сонли қарори, 11-банд.

² Ўша манба, 18-банд.

260¹-модда. Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш

Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш (бундан самовий ҳудудда учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш ҳоллари мустасно), шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, худди шунингдек баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракат одам ўлишига сабаб бўлса, —

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 1-моддасига мувофиқ Республиканинг қуруқликдаги ерлари ва сув ҳавзалари устидаги самовий ҳудудига Ўзбекистон Республикаси тўла ва танҳо эгалик қилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг **самовий ҳудудидан фойдаланиш** билан боғлиқ фаолиятга ҳаво кемаларининг ва бошқа учувчи аппаратларнинг парвози, барча отишма турлари ва ракета учиришлар, портлатиш ишлари

ва моддий объектларнинг самовий ҳудуддаги ҳаракати билан боғлиқ бошқа фаолият киради¹.

Ўзбекистон Республикасининг ҳамда ўзга давлатларнинг Ҳаво Кодекснинг 6-моддасида назарда тутилган фаолиятни амалга оширувчи, Ўзбекистон Республикаси давлат органларида расмий рўйхатдан ўтган корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан **фойдаланувчилар** ҳисобланади².

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 11-моддасига мувофиқ зарур хавфсизлик қоидаларига риоя қилинган ҳолда ва фақат ушбу Кодекснинг 4-моддасида кўрсатилган органлардан Самовий ҳудуддан фойдаланиш бошқармаси органлари орқали рухсат олинганидан кейингина самовий ҳудуддан фойдаланишга ижозат берилади. Самовий ҳудуддан фойдаланиш бошқармаси органларининг кўрсатмалари самовий ҳудуддан фойдаланувчиларнинг барчаси учун мажбурийдир.

4. Ҳозирги вақтда жаҳонда учувчисиз учиш аппаратлари билан самовий ҳудудидан рухсат этилмаган ҳолда фойдаланиш ҳоллари тез-тез учрамоқда. Кўпинча мазкур аппаратларнинг одамлар тўпланадиган жойларда қулаб тушиши ҳоллари, учиш аппаратларидан аэропортлар ҳудудида фойдаланиш ҳоллари учрамоқда, бу эса шубҳасиз ҳаво кемалари билан тўқнашиш хавфини келтириб чиқаради ва одамларнинг қурбон бўлишига олиб келади.

Учувчисиз учиш аппаратлари давлат хавфсизлигига таҳдид солади, чунки улар кўриқланадиган, тоифаланган объектларни реал вақт режимида видеокузатиши, суратга олиши мумкин, ушбу аппаратлар хавфли, тақиқланган юкларни ташишга, уларни керакли вақтда ташлашга қодир, учиш аппаратлари фуқароларнинг шахсий ҳаётига бўлган конституцион ҳуқуқларини бузилишига олиб келиши мумкин.

5. Жамоат хавфсизлиги, одамлар соғлиғи, ҳаёти жиноят объектидир.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, 6-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 247-модда.

² Ўша манба, 7-модда.

Объектив жиҳатдан олиб қаралганда жиноят Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан ноқонуний (рухсатсиз) фойдаланиш, шу жумладан учувчисиз учиш аппаратлари билан фойдаланиш кўринишида содир этилади ҳамда шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, худди шунингдек баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса жинойий жавобгарликни келтириб чиқаради.

6. Ушбу Кодексга ва унинг асосида ишлаб чиқилган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга зид равишда Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тартибини бузиш, яъни ноқонуний (рухсатсиз) фойдаланиш деб эътироф этилади¹.

7. **Учувчисиз учиш аппаратлари** тушунчаси тўғрисида Жқнинг 244⁴-модда шарҳига қаранг.

8. Айбдор шахсни Жиноят кодексининг 260¹-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш учун у Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан ноқонуний (рухсатсиз) фойдаланганлиги ёхуд Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан ноқонуний (рухсатсиз) фойдаланиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши зарур.

9. Жиноят кодексининг 260¹-моддасида назарда тутилган жиноят агар шахс томонидан шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, ёхуд Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, шу жумладан учувчисиз учадиган аппаратлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланилган, шу жумладан учувчисиз учадиган аппаратлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланилган пайтдан эътиборан **туғалланган** деб эътироф этилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси. 14-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993 й., 6-сон. 247-модда.

10. **Субъектив томондан** жиноят қасддан содир этилади.

11. 16 ёшга тулган шахс жиноят субъектидир.

12. Агар Жиноят кодексининг **260¹-моддасининг биринчи қисмида** кўрсатилган ҳаракатлар одамлар ўлимига сабаб бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 260¹-моддасининг 2-қисми бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

13. Агар Жиноят кодексининг **260¹-моддасининг биринчи қисмида** кўрсатилган ҳаракатлар

а) одамлар ўлимига; (*ЖК 260-моддасининг шарҳига қаранг*)

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса.

Жиноят кодексининг 260¹-моддасининг 3-қисми бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.



261-модда. Маст ҳолдаги шахснинг транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиш

Транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахснинг маст ҳолатдаги ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган шахсни темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобиль транспорти ёки бошқа транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиши баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд одам ўлишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво ёки автомобиль транспортининг ҳаракати ва фойдаланиш хавфсизлигини, шунингдек одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар шархланаётган жиноятнинг **объекти** ҳисобланади.

2. Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво ёки автомобиль транспорти жиноятнинг **предмети** ҳисобланади (*темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 260-моддаси шарҳига қаранг*).

Автомобиль транспорти деганда, ҳар қандай авомобиль воситалари (юк ташувчи, енгил, йўловчи ташувчи, спорт ва х.к.), мотоцикллар, трамвайлар, троллейбуслар, тракторлар тушунилади.

Бошқа транспорт воситалари деганда, бошқа ўзиюрар машиналар ва бошқа механик воситалар тушунилади. «Механик транспорт воситаси» иборасининг мазмуни «ўзиюрар машина» ибораси мазмунидан кенгрок.

Йўл ҳаракати қондаларига мувофиқ, **механик транспорт воситаси** – бу двигатель билан ҳаракатга келтирилладиган транспорт воситаси (мопеддан ташқари). Бу атама барча трактор ва ўзиюрар мосламаларга ҳам тааллуқлидир. Бошқа транспорт воситалари тоифасига фақат йўлда ҳаракатлангандагина транспорт воситаси деб қараладиган экскаваторлар, грейдерлар, бульдозерлар, автокранлар, скреперлар, комбайнлар ва х.к.лар киради.

Транспорт воситалари – бу одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма¹.

Иш ҳажми 50 см³ гача, юқори тезлиги соатига 50 километрдан ошмайдиган двигатель билан ҳаракатга келтирилладиган икки ёки уч гилдиракли транспорт воситаси. Осма двигателли велосипедлар ва юқоридаги таърифга эга бўлган

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 13 апрелдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги ЎРҚ–348-сонли Қонуни (Янги таҳрирда). 3-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.. 15-сон, 197-модда



бошқа транспорт воситалари ЖКнинг 261, 262, 263, 266, 267-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг предмети бўлмайди. Мазкур жиноятлар предметига двигателъ ўрнатилмаган транспорт воситалари ҳам кирмайди.

3. Объектив томондан жиноят транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахснинг маст ҳолатдаги ёки Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган шахсни темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобиль транспорти ёки бошқа транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиши натижасида баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд одам ўлишига сабаб бўлишида ифодаланади.

ЖКнинг 261-моддасига биноан, айбдор шахснинг жиноий жавобгарлиги келиб чиқиши учун қуйидаги шарт-шароитлар йиғиндисини аниқлаш зарур:

– маст ҳолатдаги ёки Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари психотроп моддалар ёхуд шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатадиган бошқа моддалар таъсири остида бўлган шахсни транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйилганлиги;

– баданга оғир шикаст етказилганлиги ёки ўлим юз берганлиги;

– транспорт воситасини бошқаришга йўл қўйиш ҳамда баданга оғир шикаст етказиш ўртасида сабабли боғланишнинг мавжудлигини аниқлаш.

Йўл қўйиш деганда, маст ҳолатдаги ёки Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатадиган бошқа моддалар таъсири остидаги шахсни темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобиль транспорти ёки бошқа транспорт воситасини бошқаришига амалда рухсат беришни тушуниш зарур.

Йўл қўйиш ҳайдовчига транспорт воситасини бошқариш билан боғлиқ модда диспозициясида кўрсатилган (одамларни манзилига етказиб бориш, юк ташиш ва ҳоказолар) бирон-бир ҳаракатни бажариш ҳақида кўрсатма бериш, шу билан бирга ҳайдовчи вазифасини бажаришга тўсқинлик қилмаслик

(масалан, йўналишга чиқишига монелик қилмаслик ва бошқалар)дан иборат бўлиши мумкин.

4. Шарҳланаётган жиноятни квалификация қилишда Олий суд Пленумининг тушунтиришига кўра, шунга эътибор қаратиш керакки, «темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобиль транспорти ёки бошқа транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахслар, агар улар томонидан маст ҳолатдаги ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд одамнинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остидаги шахсларга мазкур транспорт воситаларини бошқаришга рухсат берилган тақдирда, ЖК 261-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундай жавобгарлик фақат қуйидаги ҳолларда келиб чиқади, агар:

транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахс ҳайдовчи транспорт воситасини бошқаришга рухсат берилган пайтда маст ҳолатда ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд одамнинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида эканлигини аниқ билган бўлса;

ҳайдовчи томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилиши жабрланувчига оғир шикаст етказилиши ёки унинг ўлимига сабаб бўлса»¹.

Алкоголь мастлик ҳолати ва наркотик воситалар, психотроп ёки инсоннинг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлиши деганда оддий физиологик мастлик назарда тутилади. Бунда шахснинг бўлаётган ҳодисаларни англаш ва ўз ҳаракатларини назорат қилиш қобилияти йўқолмасда, бироқ тораяди.

(«Наркотик воситалар» ва «психотроп моддалар» тўғрисида ЖКнинг 270-моддаси шарҳига қаранг).

Ақл-идрок фаолиятига таъсир қилувчи бошқа моддаларга қарахт қиладиган турли-туман моддалар киради. Булар клофелин, хлороформ, эфир, димелрол ва алкоголь

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 10-сонли қарори, 21-банд.

аралашмаси, усимликларнинг спиртли экстрактлари, нафас олганда шахсни карахт қиладиган маиший кимё воситалари ва ҳ.к.лар бўлиши мумкин.

(«Ақл-идрок фаолиятига таъсир қилувчи бошқа моддалар» тушунчаси тўғрисида батафсилроқ ЖКнинг 274-моддаси шарҳига қаранг).

4. Баданга оғир шикаст етказилиши ёки ўлим келиб чиқиши билан жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

5. Жиноят моддий таркибли бўлиб, баданга оғир шикаст етказилиши ёки одам ўлиши кўринишидаги оқибатлар келиб чиққан вақтдан бошлаб **туғалланган** деб эътироф этилади.

6. **Субъектив томондан** жиноят эҳтиётсизлик орқасида содир этилади.

Шарҳланаётган модда бўйича жиноятни квалификация қилишнинг зарурий шarti – айбдорнинг ҳайдовчи маст ҳолатдалиги ёки Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва одамнинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсирида эканлигини билганлиги ҳисобланади.

7. ЖКнинг 261-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** ташкилот, корхона, муассаса раҳбарининг буйруғи билан транспорт воситасини бошқаришга рухсат бериш мажбурияти юклатилган шахс, шунингдек, шахсий транспорт эгаси ҳисобланади¹. Корхона, муассаса, ташкилотларнинг уз хизмат вазифасига биноан ушбу мажбурият юклатилган мансабдор шахслари транспорт воситаларининг техник ҳолати учун масъул шахс ҳисобланадилар. Масалан, бош механиклар, автоколонналар механиклари, йўлга техник жиҳатдан соз транспорт воситалари чиқиши учун масъул навбатчи механиклар, фойдаланиш бўлими бошлиғи, фойдаланиш бўйича муҳандис, навбатчи диспетчер ва ҳоказолар.



¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан борлик ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 10-сонли қарори. 21-банд.

262-модда. Транспортни таъмирлаш ёки уни фойдаланишга чиқариш қоидаларини бузиш

Таъмирлаш ишларини бажараётган ёки транспорт воситасининг техник ҳолати ва ундан фойдаланилиши учун масъул бўлган шахснинг темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобиль ёки бошқа транспорт воситасини, алоқа йўллари, сигнализация, алоқа воситалари ёки бошқа транспорт ускуналарини сифатсиз таъмирлаши, шунингдек транспорт воситасининг техника ҳолати жиҳатидан бузуқлигини била туриб, уни фойдаланишга чиқаришга руҳсат бериши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, –

икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** сифатида транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги соҳасидаги ижтимоий муносабатлар эътироф этилади. Қўшимча объект сифатида жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиги, ўзгалар мулки иштирок этиши мумкин.

2. Жиноятнинг **предмети** – темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобиль ёки бошқа транспорт воситалари, алоқа йўллари, сигнализация воситалари ва бошқа транспорт ускуналари.

(Транспорт воситаси тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 260 ва 261-моддалари шарҳига қаранг).

Алоқа йўллари: темир йўл транспортида – бу темир йўл полотноси рельслари, шпаллари ҳамда тош тўлдирилган қатлами билан бирга; ҳаво транспортида – учиш-қўниш йўлқалари, олиб чиқувчи йўлқалар, хавфсизлик чизиқлари ва ҳоказолар; сув транспортида – кеманинг бир географик пунктдан (портдан) иккинчисига океан ёки денгизнинг очик жойлари орқали ўтган ўтиш йўллари, шунингдек, табиий ёки сунъий тор ерлар (буғозлар, каналлар, дарёлар, кўллар).

Сигнализация воситалари шартли маълумот: буйруқлар, хабар, таништирув, бошқарув кабиларни узатиш воситалари ҳисобланади. Сигнализация товуш, ёруғлик ёрдамида узатиладиган бўлиши мумкин. Бундай воситалар сирасига семафорлар, маёқлар, бакенлар, йўл ва маркаловчи белгилар кирази.

Алоқа воситалари деб, турли кўринишдаги хабарларни узатиш ва қабул қилишни таъминлайдиган техник мосламаларга айтилади. Алоқанинг телефон, телеграф, телекод, факсимил, телевизион турлари мавжуд. Сигнал тарқатиш воситалари ва муҳит бўйича симли алоқа, радиоалоқа, радиореле, симплекс, фазовий, оптик ва лазер алоқага бўлинади. Амал қилиш масофасига кўра узоқ ва яқин масофага мўлжалланган алоқаларга ажралади.

Бошқа транспорт ускуналари деганда, темир йўллар, авиация, денгиз ва дарё флотининг хавфсиз хизмат қилиши учун зарур механизмлар, ускуна ва мосламалар йиғиндиси тушунилади. Бошқа транспорт ускуналари жумласига, масалан, темир йўл ва трамвай йўллари бошини беркитувчи мосламалар, дарё фарватерини англатувчи мосламалар кирази.

3. Мазкур транспорт иншоотлари, воситалари, мосламалари, механизмлари ва ускуналари тузилишига кўра фарқланиб, фақат ўзига хос бўлган техник вазифаларни бажаради, бироқ улар умумий белгиларга ҳам эгадир:

– **транспортга онд мазкур мослама ва элементларни махсус (мақсадли) вазифаси** – темир йўллар, авиация, денгиз ва дарё флоти, автомобиль транспорти ва бошқа транспортнинг хавфсиз фаолиятини таъминлашдан

иборат. Ана шундай хусусиятга эга бўлмаган мослама ва элементлар шархланаётган жиноятнинг предмети (масалан, ҳаво орқали боғланиш агентликлари ва кассалари орасидаги алоқани таъминлайдиган воситаларни, аэропорт ичидаги йўлларни издан чиқариш) сифатида келиши мумкин эмас.

– **фойдаланиш, нормал фаолият кўрсатиш учун**, яъни бевосита асосий мақсади йўлида ишлатиш учун **яроқлилиги (бузилмаганлиги)**. Шунинг учун яроқсиз, ишлатилмаётган (консервацияланган, захирадаги) мосламалар ЖКнинг 262-моддаси бўйича жиноятнинг предмети бўла олмайди:

– мазкур жиноятнинг предмети **юқори хавф манбалари** жумласига киради ёки **ана шундай манбаларнинг нормал ишлашини таъминлайдиган тизимга** киради;

– **қонунда кўрсатилган буюмларнинг алоҳида ҳуқуқий мақоми**: уларнинг ишлаб туриши транспорт соҳасида амал қиладиган меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Барча ушбу белгилар бирликда бўлиб, улардан бирор-тасининг мавжуд бўлмаслиги транспорт мосламаси, элементининг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 263-моддасига биноан, қайд этилган жиноят предмети сифатида эътироф этилишини истисно қилади.

4. Жиноятнинг **объектив томони** ўз ичига қуйидаги зарур элементларни олади:

– темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобиль ёки бошқа транспорт воситасини, алоқа йўллари, сигнализация, алоқа воситалари ёки бошқа транспорт ускуналарини сифатсиз таъмирлаши;

– темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобиль ёки бошқа транспорт воситасини, алоқа йўллари, сигнализация, алоқа воситалари ёки бошқа транспорт ускуналарини сифатсиз таъмирланганлиги, шунингдек, транспорт воситасининг техника ҳолати жихатидан бузуқлиги аён бўла туриб, уни фойдаланишга чиқариш.

5. **Таъмирлаш** бузилган транспорт воситаларининг ҳамда уларга тегишли ускуналарнинг функционал имконият-

ларини белгиланган сифат нормативларига биноан тиклаш ишлари амалга оширилишини кўзда тутати.

Сифатсиз таъмирлаш ана шундай ишларни белгиланган нормативларга риоя қилмай бажарилганлигини англатади. Шу билан бирга, сифатсиз таъмирлаш бундай ишларни амалга ошириш вақтида яроқсиз деталь ёки материаллардан фойдаланиш, технологиянинг бузилиши, транспорт ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги учун хавф туғдирган мавжуд ва янги нуқсонларни бартараф этмасликда ифодаланиши мумкин. Шарҳланаётган жиноят белгилари, шунингдек, транспорт воситалари, йўллар, сигнализация ҳамда алоқа воситаларига янги сифатсиз ускуналар, приборлар ва механизмларни ўрнатишда ҳам мавжуд бўлади.

6. **Фойдаланишга чиқаришга рухсат бериш** деганда, ваколатли шахс томонидан техник носоз транспорт воситасини асосий мақсадига кўра ишлатилишига рухсат этилиши тушунилади.

Техника ҳолати жиҳатидан бузук транспорт воситаси деганда, асосий мақсадига кўра ишлатилиши ҳаракат хавфсизлиги ёки ундан фойдаланиш хавфсизлиги учун муқаррар хавф туғдирадиган воситани тушуниш лозим.

Бошқа шахсларнинг техника ҳолати жиҳатидан бузук транспорт воситасидан фойдаланишининг олдини олиш чораларини кўрмаганликда ифодаланган айбдорнинг ҳаракатларини ҳам фойдаланишга чиқаришга рухсат бериш деб баҳолаш зарур.

Рухсат оғзаки ёки ёзма равишда (хайдовчига йўл варақаси, учувчига парвоз вазифаси топшириш ва ҳоказолар) транспорт воситасини корхонадан чиқариб юбориш вақтида, шунингдек, ундан фойдаланиш жараёнида берилиши мумкин.

7. Транспортнинг бошқа тизимлари ва агрегатларидан (масалан, транспорт коммуникациялари, транспорт ускуналари, сигнализация, алоқа воситалари ва ҳоказолардан) фойдаланишга рухсат этиш мазкур модда билан тартибга солинмаган. Ушбу қилмиш муайян шароитда мансаб билан боғлиқ жиноятни ҳосил қилиши мумкин.

8. ЖК 262-моддасининг 1-қисмида кўзда тутилган жиноят қонунда кўрсатилган оқибатлар: баданга ўртача оғир ёки

оғир шикаст етказилиши келиб чиққан вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

9. Сифатсиз таъмирлаш ёки транспорт воситасининг техника ҳолати жиҳатидан бузуқлигини била туриб, уни фойдаланишга чиқаришга рухсат бериш ва келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш объектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланади. Унинг ўзига хослиги шундаки, жинойий оқибатлар мазкур жиноят субъекти томонидан эмас, балки техника ҳолати жиҳатидан бузуқ транспорт воситасидан ёки транспортнинг сифатсиз таъмирланган техник тизимидан фойдаланишга рухсат берилган шахс томонидан келтириб чиқарилади. Сабабий боғланиш мавжуд бўлмаган ҳолларда жинойий жавобгарлик келиб чиқмайди.

10. **Субъектив томондан шархланаётган жиноят айбнинг эҳтиётсизлик шакли билан тавсифланади.** Бу моддада кўрсатилган жиноят предметларни сифатсиз таъмирлаш ёки техник ҳолати жиҳатидан бузуқ транспорт воситасини фойдаланишга чиқаришга рухсат бериш ўзига ўзи ишониш ёки бепарволик туфайли содир этилиши мумкин. Биринчи ҳолатда таъмирлаш ҳамда фойдаланишга чиқаришга рухсат беришнинг техник қоидаларига онгли равишда риоя қилмаслик рўй берган бўлиб, субъект енгилтаклик билан зарарли оқибатлар келиб чиқмаслигига ишонади¹. Иккинчи ҳолатда эса у бунга англаши мумкин ва лозим бўлганлигига карамай, техник талаблар бузилганлиги ҳодисасини англаб етмайди (масалан, касб малакаси пастлиги туфайли).

Агар субъект қасддан сифатсиз таъмирласа ёки техника ҳолати жиҳатидан бузуқ транспорт воситасини фойдаланишга чиқаришга рухсат берса, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга тўғри ёки эгри қасд билан муносабатда бўлса, у ҳолда айбдорнинг ҳаракатлари, шарт-шароитга боғлиқ

¹ Бунда техника воситалари, алоқа йўллари, сигнализация, алоқа воситалари ёки бошқа транспорт ускуналари учун масъул шахс ушбу техник носозликни аниқ билган бўлиши шарт. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 10-сонли қарори.

равишда, қўпоровчилик, терроризм, қасддан одам ўлдириш ёки баданга шикаст етказиш, қасддан мол-мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш бўйича квалификация қилиниши мумкин.

11. Сифатсиз таъмирлаш ва техника ҳолати жиҳатидан бузуқ транспорт воситасидан фойдаланишга рухсат беришнинг мотивлари турлича бўлиб, улар қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди, аммо жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинади.

12. Жиноятнинг **субъекти** таъмирлаш ишларини бажараётган шахс ёки транспорт воситасининг техник ҳолати ҳамда ундан фойдаланилиши учун масъул ва ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин.

13. Жиноят кодекси 262-моддаси бўйича жавобгарлик, таъмирлаш ишларини бажараётган шахс ёки транспорт воситасининг техник ҳолати ва ундан фойдаланилиши учун масъул шахс томонидан темир йўл, денгиз, дарё, хаво, автомобиль транспорти ёки бошқа транспорт воситаси, алоқа йўллари, сигнализация, алоқа воситалари ёхуд бошқа транспорт ускуналари сифатсиз таъмирланган, шунингдек техник жиҳатдан носоз транспорт воситасини фойдаланишга чиқаришга рухсат берилган ҳолларда келиб чиқади. Бунда, транспорт воситалари, алоқа йўллари, сигнализация, алоқа воситалари ёки бошқа транспорт ускуналарининг техник ҳолати учун масъул шахс, техник носозликдан хабардор бўлиши шарт¹.

14. Сифатсиз таъмирлаш, шунингдек техника ҳолати жиҳатидан бузуқ транспорт воситасини фойдаланишга чиқариш учун шахсни жавобгарликка тортиш масаласи, мазкур транспорт воситасини бошқарган ёки ундан фойдаланган шахни жавобгарликка тортиш масаласига боғлиқ бўлмайди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 10-сонли қарори. 23-банд.



Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти ҳаракати ва улардан фойдаланиш соҳасидаги жамоат хавфсизлигини таъминлайдиган, шунингдек одамлар ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини, ўзгалар мулкининг сақланишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

2. Жиноятнинг **предмети** ЖКнинг 260 ва 262-моддалари шарҳида кўрсатилган ва таҳлил қилинган предметлар билан бир хил.

Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси фаолиятининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлиги, кўрсатилган барча предметларнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Ушбу белгига эга бўлмаган ускуна мазкур жиноятнинг предмети бўла олмайди.

Мазкур предметларнинг фойдаланишга яроқлилиги бошқа зарурий белги ҳисобланади. Фойдаланишга яроқсиз бўлган предметлар ҳам ушбу жиноятнинг предмети бўла олмайди.

3. **Жиноятнинг объектив томони қуйидагилардан ташкил топади:**

– жиноят предметларини бузиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни бошқа усулда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш;

– инсон соғлиғига оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш кўринишидаги жиноий оқибатлар;

– улар ўртасидаги сабабий боғланиш.

4. **Бузиш** – тизимнинг буткул издан чиқиши бўлиб, бунинг натижасида у ўз мақсадига мувофиқ фаолият юрита олмайди. Бузилганда жиноят предметини тиклашга оид техник имконият ё йўқотилади, ё бу иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга номувофиқ бўлиб қолади.

5. **Шикаст етказиш** – техник тизим тузилиши ва шаклида қисман ўзгаришлар келтириб чиқариб, натижада бу тизим ўз функционал имкониятларини тўлиқ ёки қисман йўқотади, лекин бунда у тикланиши мумкин.

Бузиш ва шикаст етказишнинг усуллари жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

6. **Бошқача усулда яроқсиз ҳолатга келтириш** деганда, бузилиш ёки шикастланиш келиб чиқмасада, лекин кўрсатилган предметлардан мақсадли фойдаланиш имкони бўлмай қолади (масалан, алоқа йўлларида тўсиқлар ўрнатиш, сигнализация воситаларини ўзгартириш, сигнал белгисини бошқа жойга кўчириш, двигателни совутиш тизимига совутишга мўлжалланмаган суюқлик солиш ва х.к.).

7. **ЖК 263-моддасининг 1-қисмида** назарда тутилган жиноят қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли бўлган оқибатлар келиб чиққан вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

8. Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари ёки алоқа йўллари, улардаги иншоотлар, сигнализация қурилмалари, алоқа ёки бошқа транспорт ускуналарини бузиш, уларга шикаст етказиш ёхуд уларни бошқа усулда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказмаса, айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 173-моддаси (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш) бўйича квалификация қилиш лозим.

Шарҳланаётган жиноят оқибатлари моҳиятига кўра ЖКнинг 260-моддасида кўзда тутилган оқибатлар билан мос тушади.

9. **Субъектив томон** айбнинг аралаш шакли билан ифодаланади. ЖКнинг 263-моддаси диспозициясидан кўриниб турибдики, айбдор ижтимоий хавфли қилмишга тўғри қасд билан, унинг оқибатларига эса – ўзига ўзи ишониш ёки жинойий бепарволик билан муносабатда бўлади.

10. Ўн тўрт ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин. Бунда у транспорт ходими ёки ходими эмаслигининг аҳамияти йўқ.

11. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисми** бўйича жавобгарлик ўша ҳаракатлар одам ўлимига сабаб бўлса, келиб чиқади.

Шарҳланаётган модданинг 3-қисми бўйича темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш:

- а) одамлар ўлимига;
- б) халокатга;
- в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, келиб чиқади.

Кўрсатилган оғирлаштирувчи белгилар, ЖКнинг 260-моддаси шарҳида кўриб чиқилган белгилар билан айнан ўхшаш.

12. Шарҳланаётган қилмиш ЖКнинг 173-моддасида кўзда тутилган жиноятдан тажовуз предметига кўра ажралиб туради. Транспортга оид бўлишига қарамай, унинг хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминламайдиган бу каби иншоот ва воситаларни зарарлаш транспортга оид жиноят сифатида эмас, балки бировнинг мулкига тажовуз сифатида кўриб чиқилиши керак. Транспортнинг ишдан чиқарилган техник тизимининг унинг авариясиз ишлашига таъсирини ҳар бир алоҳида ҳолда аниқлаш зарур, акс ҳолда қилмишни квалификация қилишда хатоликларга йўл қўйилади.

Шарҳланаётган жиноят предметини яроқсиз ҳолга келтириш бирон-бир қисм ё деталини ўғирлаш орқали амалга оширилган бўлса, у ҳолда қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича Жиноят кодексининг тегишли моддасига кўра талон-торож қилиш сифатида ва ЖКнинг 263-моддасида назарда тутилган жиноят билан квалификация қилиш зарур.

◆

**263¹-модда. Ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида
лазер нурини йўналтириш орқали
халақит бериш**

Ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида ҳаво кемасига лазер нурини йўналтириш орқали халақит бериш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, шунингдек баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат одам ўлишига сабаб бўлса, –
 уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш
 йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан
 маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан
 жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **объекти** ҳаво кемаларидан фойда-
 ланишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини таъмин-
 лайдиган ижтимоий муносабатлар, жамоат хавфсизлиги.
 шунингдек одамлар ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъмин-
 лайдиган ижтимоий муносабатлардир.

2. **Объектив томондан** жиноят: 1) ҳаво кемасидан
 фойдаланиш вақтида ҳаво кемасига лазер нурини йўналтириш
 орқали ҳалақит беришдан иборат. башарти бу шундай ҳаракат
 учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган
 бўлса; 2) башарти, кўрсатилган ҳаракатлар баданга ўртача
 оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса.

Ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида ҳаво кемасига ҳалақит
 бериш деганда, ҳаво кемасига лазер нурини йўналтириш
 тушунилиши лозим, бунда лазер нури қандай кучга эга бўлгани,
 қайси вақтда у ҳаво кемасига йўналтирилгани аҳамиятга эга
 эмас, аммо лазер нури ҳаво кемасини бошқаришга ҳалақит
 бергани, шу тариқа ундан фойдаланиш хавфсизлигига таҳдид
 солгани муҳим.

Ҳаво кемаси деганда, типи ва туридан қатъи назар, ҳар
 қандай учиш аппарати тушунилиши лозим (масалан, ноҳарбий
 ёки давлат ҳаво кемаси).

Шарҳланаётган модда маъносида ҳаво кемасидан
 фойдаланиш деганда, ҳаво кемаси ҳаракатлана бошлаган
 пайтдан эътиборан унинг учиш, парвоз қилиш, қўниш, ҳаво

кемасини тўлик тўхтатиш ва унинг экипажи аъзолари ҳаво кемасини тарк этиши даври тушунилиши лозим.

Жиноят ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида ҳаво кемасига ҳалақит бериш амалга оширилган пайтдан бошлаб, оқибатлар юз беришидан қатъи назар, **тугалланган** деб эътироф этилади, башарти бу шундай ҳаракат учун айбдорга маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса.

Агар кўрсатилган ҳаракатлар баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, жиноят шундай ҳаракат учун айбдорга илгари маъмурий жазо қўлланилган бўлмаса ҳам, **тугалланган** деб эътироф этилади.

3. **Субъектив томондан** жиноят қасддан содир этилади. Жиноятнинг мотиви ва мақсадлари қилмишни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

4. Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс жиноятнинг **субъекти** ҳисобланади.

5. Ўша ҳаракат одам ўлишига сабаб бўлса, ЖК 263¹-моддасининг 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

6. Агар ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида ҳаво кемасига лазер нуруни йўналтириш орқали ҳалақит бериш одамлар ўлимига, ҳалокатга ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 263¹-моддасининг 3-қисми бўйича квалификация қилинади.

264-модда. Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш

Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш –

беш йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрkitиb содир этилган бўлса, –

ун йилдан ун беш йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. **Жинойтнинг объекти** – парвозлар, кемалар қатнови, темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибининг хавфсизлиги, йўловчилар, ҳаво ёки денгиз кемалари экипажлари, поезд бригадалари аъзоларининг соғлиғи ҳисобланади.

Қўшимча объект сифатида жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар, инсонлар ҳаёти, мол-мулк бутлиги иштирок этиши мумкин.

2. **Транспорт воситаларининг чекланган доираси** жиноят предмети бўла олади: темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркиби, ҳаво, денгиз ёки дарё кемаси.

Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркиби бу локомотивлар, алоҳида вагонлар, платформа ва ҳоказолар (баъзан таъмирлаш ва ёрдамчи ишларда қўлланадиган дрезина ҳамда мотрисалар мазкур жиноят предметиға кирмайди).

Ҳаво кемаси – йўловчилар, юкларни двигателъ, енгил газлар, ҳаво оқимлари ёрдамида ташишға мўлжалланган учар аппаратлар (вертолётлар, планерлар, дирижабллар).

Денгиз ёки дарё кемаси – сувда юк ёки йўловчи ташишға қаратилган, саноат, ҳарбий, илмий-тадқиқот ва бошқа мақсадларға мўлжалланган қурилмадир. У ўзиюрар ва ўзи юрмайдиган, бевосита сувда, сув устида (ҳаво ёстиғида) ва сув остида ҳаракатланувчи бўлиши мумкин.

Кичик флот, масалан, мотор қайиқлари, байдаркалар, кичик сув ҳажмидағи яхталар шарҳланаётган модда предмети бўла олмайдилар. Мазкур турдағи кемаларни олиб қочиш транспорт воситасини олиб қочиш деб квалификация қилинади (ЖКнинг 267-моддаси).

3. **Объектив томондан шарҳланаётган жиноят** куйндағи ҳаракатлардан бирини амалға ошириш билан транспорт устидан руҳсат этилмаган назорат ўрнатишда ифодаланади:

кўрсатилган транспорт воситаларидан бирини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш. Бунда назорат деганда, транспорт воситасини назорат қилаётган шахс ундан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш имкониятига эга бўлиши тушунилади.

4. **Олиб қочиш** – темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини ушбу транспорт турининг асосий ташиш воситалари ёрдамида қонунга ҳилоф равишда, жиноятчи танлаган йўналиш бўйича бошқа географик нуқтага кўчиришдан иборат. Транспортни кўчириш амалда нафақат айбдорнинг ўзи ва унинг ҳамтовоқлари томонидан, балки бошқа, олиб қочишга алоқадор бўлмаган шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин – бу ҳолда, кўрсатилган шахс транспортни айбдор томонидан берухсат ўзгартирилган йўналиш бўйича йўналтиради.

Ҳаракатда бўлмаган темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш улар жиноятчилар назорати остида ҳаракатга келтирилган вақтдан бошлаб **тугалланган** жиноят деб ҳисобланади. Номини зикр этилган транспорт воситалари ҳаракатда бўлса, жиноятчилар ҳаракати билан боғлиқ равишда уларнинг йўналишининг ўзгариши юз берган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

Ерда турган ҳаво кемасини олиб қочиш, бундан аввал кема эгаллаб олинган ёки олинмаганлигидан қатъи назар, ердан кўтарилган вақтдан бошлаб **тугалланган** жиноят деб ҳисобланади.

Парвоздаги ҳаво кемаси жиноятчилар ихтиёрига кўра йўналишини ўзгартирган вақтдан бошлаб олиб қочилган деб ҳисобланади.

Транспорт воситасини олиб қочганлик учун жавобгарлик уни ким бошқараётганлиги: олиб қочган шахслар ёки экипаж аъзолари эканлигига боғлиқ эмас, кўп ҳолларда кемани жиноятчилар назорати остидаги экипаж бошқариб боради.

5. **Эгаллаб олиш** – кема ёки таркибни тўхтаб турган ёки йўналиш бўйлаб ҳаракатланаётган вақтда зўрлик ишлатиб ёки ишлатмай эгаллашдан иборат. Эгаллаб олиш кўп ҳолларда олиб қочишдан аввал юз беради, агар кейинчалик транспорт воситасини олиб қочиш мақсади мавжуд бўлганда,

жиноятнинг объектив томонининг муस्ताқил белгиси сифатида ҳам иштирок этиши мумкин.

Транспорт воситасини эгаллаб олиш айбдор темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемаси ёхуд уларнинг экипажи устидан назорат ўрнатиб, ушбу воситалар билан ўз ихтиёрига кўра иш юритиш имкониятига эга бўлганидан сўнг **туғалланган** жиноят деб ҳисобланади.

6. Олиб қочиш ёки эгаллаб олишда **эгаллашнинг ноқонунийлиги** мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлмаган, хизмат бўйича айбдорга бириктирилмаган кўрсатилган транспорт воситаларидан бирини эгаллашда ифодаланади. У мазкур предметларни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги лозим, акс ҳолда олиб қочиш таркиби мавжуд бўлмайди.

7. Транспорт воситасини олиб қочиш ёки эгаллаб олишда жиноятнинг **субъектив томони** тўғри қасддан содир этилиши билан ажралиб туради. Айбдор темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркиби, ҳаво, денгиз, дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олишдан иборат бўлган қонунга ҳилоф ҳаракатларни амалга ошираётганлигини англайди ва шуни хоҳлайди.

Мотив ва мақсад турлича бўлиши мумкин. Агар айбдор жиноят предметини ҳуқуққа ҳилоф равишда, қайтиб бермаслик мақсадида амалга ошираётган бўлса, у ҳолда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича талон-торож қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

8. Ўн олти ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо шахс, жумладан ҳаво ёки сув кемаси экипажи ёки темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркиби аъзолари жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

9. **ЖК 264-моддасининг 2-қисми**, агар ушбу қилмишлар қуйидагича амалга оширилган бўлса, темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркиби, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёхуд эгаллаб олишнинг квалификация қилинган турларини белгилаб беради:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса.

(Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

10. Транспортни зўрлик ишлатган ҳолда ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб олиб қочиш ёхуд эгаллаб олиш транспорт воситасини бошқараётган ёки транспорт воситасида бўлган йўловчиларга нисбатан транспорт воситасини олиб қочиш ёки эгаллаб олишга қарши реал ҳамда юз бериши мумкин бўлган қаршилиқни синдириш мақсадидаги турлича жисмоний ёки руҳий таъсир ўтказишнинг ҳар хил турларини қамраб олади. Зўрлик азоб етказиши ва оқибатлар келтириб чиқармаслиги, аммо зўрлик ишлатиш натижасида баданга оғир, ўртача оғир ёки енгил шикаст етказилиши мумкин. Айбдорнинг ҳаракатлари туфайли ана шундай оқибатлар келиб чиқса, унинг ҳаракатлари ЖК 264-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан қамраб олинади.

Агар зўрлик ишлатиш оқибатида ўлим ҳодисаси юз берса, у ҳолда қилмиш жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиниши лозим.

11. Зўрлик ишлатиш олиб қочиш воситаси бўлиб хизмат қилганидагина айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 264-моддаси 2-қисмининг «б» банди бўйича квалификация қилинади. Жиноятчилар томонидан зўрлик ишлатилмаган ҳолда самолётни эгаллаб олиш ҳамда олиб қочиш ҳоллари юз бериши, сўнгра улар йўловчиларни ўлдириши ёки уларнинг соғлиғига шикаст етказиши ёхуд уларга қарши бошқа жинойий ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Бундай ҳаракатлар ЖКнинг 264-моддаси 1-қисмидаги ҳаво кемасини олиб қочиш ва шахсга қарши тегишли жиноятни ташкил этади.

12. **Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш** олиб қочишга қарши чиққан шахсларга руҳий таъсир ўтказиш, уларни зўрлик ишлатиш, самолётни йўқ қилиб юбориш билан, қурол ёки бошқа зарар етказувчи мосламалар билан қўрқитишни кўзда тутати. Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш нафақат олиб қочиш ёки эгаллаб олишга тўсқинлик қилаётганлар, балки

бошқа шахслар, масалан, йўловчиларга ҳам тегишли бўлиши мумкин.

Қўрқитиш жиноятчи талабларини қондиришдан бош тортилганида уни шу заҳоти амалга ошириш билан боғлиқ бўлиши керак. Келажакда «ҳисоб-китоб қилиш» билан қўрқитиш ЖКнинг 264-моддаси 2-қисми «б» бандида кўзда тутилган жиноят сифатида эътироф этилиши мумкин эмас. Агар айбдор ўлдириш билан қўрқитса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 112-моддаси ва 264-моддаси 2-қисмига биноан квалификация қилиниши лозим, чунки ЖК 264-моддасининг 2-қисмида ўлдириш билан қўрқитиш кўзда тутилмаган.

Масалан, жиноятчининг гаровга олинганларни ўлдириш билан қўрқитиб транспорт воситаси беришга оид талаби транспорт воситасини эгаллаб олиш усули бўлиб келиши мумкин. Ана шундай йўл билан олинган транспорт воситаси зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб эгаллаб олинган деб эътироф этилади ва ушбу ҳаракатлар ЖКнинг 264-моддаси 2-қисми бўйича квалификация қилинади. Кейинчалик уни олиб қочиш мақсадида транспорт воситаси беришларини талаб этиб, одамларни гаровга олиш ЖКнинг 25-моддаси 1-қисми, 264-моддаси ва 245-моддасида кўзда тутилган жиноятларга тайёргарлик қўришни ташкил этади.

13. Зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш транспорт воситасини олиб қочиш ёхуд уни эгаллаб олиш билан яқунланиши шарт, акс ҳолда қилмиш шарҳланаётган ижтимоий хавfli қилмишга тайёргарлик қўриш сифатида квалификация қилинади.

Таркиб ёки кемани олиб қочиш мақсади билан боғлиқ бўлмаган зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, тегишли белгилари мавжуд бўлганида, ЖКнинг 112-моддаси ёки 277-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин.



265-модда. Халқаро учиш қондаларини бузиш

Рухсатномада кўрсатилган учиш йўналишига, кўниш жойларига, ҳаво дарвозаларига, учиш баландлигига риоя қилмаслик ёки халқаро учиш қондаларини бошқача тарзда бузиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **объекти** – ҳаво ҳаракати, хусусан халқаро учиш хавфсизлиги соҳасидаги ижтимоий муносабатлар.

Халқаро парвоз – ҳаво кемасининг Ўзбекистон Республикасини бошқа давлатдан ажратиб турадиган давлат чегарасини кесиб ўтиш йўли билан учиш. Халқаро учиш: 1) мунтазам (жадвал бўйича), кўшимча; 2) махсус; 3) чартер (талаб бўйича); 4) ҳар замонда бўлиши мумкин.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг **объектив томони** рухсатномада кўрсатилган учиш йўналишига риоя қилмаслик; рухсатномада кўрсатилган кўниш жойларига риоя қилмаслик; рухсатномада кўрсатилган ҳаво дарвозаларига риоя қилмаслик; рухсатномада кўрсатилган учиш баландлигига риоя қилмаслик; халқаро учиш қондаларини бошқача тарзда бузишда ифодаланиши мумкин.

3. **Халқаро учиш қондалари** – давлат ҳудудидан фойдаланиш қондаларидир. Улар халқаро ҳуқуқ ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади ва ҳаво транспорти ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Жиноят қонунини халқаро учиш қондаларини бузишнинг типик усулларининг тахминий рўйхатини келтиради.

4. **Учиш йўналиши** – давлатлар ўртасида келишилган ва тегишли идора томонидан белгиланган ҳаво кемаси ҳаракати траекторияси бўлиб, унинг учун кема ҳаракати траекториясига хос бўлган силжиш йўналиши, кема тезлиги ва бошқа элементлар ҳосдир.

5. **Қўниш жойи** – бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг (бунга Ўзбекистоннинг ҳаво бўшлиғидан ташқари барча ҳудуди киритилади) муайян белгиланган қисми бўлиб, унда Ўзбекистоннинг амалдаги қонунларига мувофиқ ҳаво кемалари қўнишига рухсат этилади. Миллий ва хорижий ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ҳавога кўтарилиши, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига учиб киргандан кейинги қўниши халқаро парвозлар учун очиқ аэродромларда амалга оширилади¹.

6. **Ҳаво дарвозаси** деганда, ваколатли органлар томонидан, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан ҳаво кемаси кўтарилиши ҳамда келиб қўниши рухсат этиладиган муайян давр тушунилади.

7. **Халқаро учиш қоидаларини бузиш** муддати ўтиб кетган рухсатнома билан учиш, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини Ўзбекистон томонга ёки Ўзбекистон томонидан ноқонуний кесиб ўтишда, учиш коридорларига риоя қилмасликда, узоқ масофа алоқасини ўчириб қўйишда, таниб олиш сигналларини ёқмасликда, халқаро учишга мўлжалланмаган аэропортларга қўнишда ёки бундай аэропортлардан учиб кетишда ифодаланиши мумкин.

Ҳуқуқбузарнинг ҳаракатида ЖКнинг 265-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби мавжудлигини аниқлашда халқаро учиш қоидаларини ўрнатувчи ҳужжатларга ҳавола қилиш лозим.

8. **Халқаро парвозларни амалга ошириш қоидалари** қуйидаги ҳужжатларда белгилаб берилган:

- Ҳаво кодексига мувофиқ ҳаво кемаларидан фойдаланиш ҳамда парвозларни амалга оширишни мувофиқлаштирувчи умумий қоидалар;
- самовий ҳудуддан фойдаланиш тўғрисидаги Низом;
- парвозни амалга оширишга оид махсус рухсатнома ёки халқаро шартнома.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси, 76-модда, 2-қисм // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 247-модда.

Халқаро парвозларни амалга ошириш қоидалари Халқаро фуқаролик авиацияси ташкилоти (ИКАО) томонидан тасдиқланган бундай парвозларни амалга оширишнинг халқаро стандартларида белгилаб берилади¹.

9. Қайд этилган қоидалар ҳаво орқали алоқа хавфсизлиги ва давлат чегараларининг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган. Уларнинг бузилиши халқаро учиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш белгиси бўйича муайян шарт-шароитда шарҳланаётган жиноят таркибини ҳосил қилиши мумкин.

Халқаро учиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: масалан, муддати ўтиб кетган рухсатнома билан Ўзбекистон ҳудудидан учиб кетиш ёки Ўзбекистон ҳудудига кириб келиш; ерга юк ва парашютчиларни ташлаш; Ўзбекистон ҳудудида халқаро шартнома ва махсус рухсатномада белгиланмаган йўловчилар, юк, багаж ва почтани қабул қилиш; давлат чегарасини радиоалоқасиз кесиб ўтиш ва ҳоказолар.

Бошқа қоидаларга риоя қилмаслик, масалан, йўловчиларни халқаро ташиш тарифлари, чипта сотиш қоидалари, юк хатлари топшириш ва ҳоказоларга риоя қилмаслик шарҳланаётган жиноят белгиларига тўғри келмайди. Муайян шароитда улар маъмурий жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

10. Юқорида номи зикр этилган ҳужжатлардан келиб чиқадиган халқаро парвозларни амалга ошириш қоидалари ва шартларини парвозни амалга ошираётган шахслар билишлари шарт. Ушбу қоида ва шартларнинг бузилиши хусусида тергов ва судга ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотлар топширилиши шарт бўлиб, зарур бўлган ҳолда экспертиза ўтказилади.

11. Ҳаво транспорт воситасининг тури мазкур жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди, улар самолёт, вертолёт, дирижабль ва бошқа учиш аппаратлари бўлиши мумкин.

¹ Қаранг: 1944 йил 7 декабрдаги Халқаро фуқаролик авиацияси тўғрисидаги Конвенцияга 2-илова (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1992 йил 3 июлда қўшилган).

12. Жиноят халқаро учиш қоидалари бузилган вақтдан бошлаб **туғалланган** деб эътироф этилади.

13. Халқаро учиш қоидаларини мажбуран, масалан, мўлжалдан адашиш, техник носозлик, яхши кўра олмаслик, турли тўсиқлар таъсири, ярадорлар ва касалларни етказиш оқибатида бузилган бўлса, шарҳланаётган жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

14. **Субъектив томондан** жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли содир этилиши мумкин.

Қилмишни квалификация қилиш учун унинг мотиви ва мақсади аҳамиятга эга эмас.

15. Ўн олти ёшга тўлган, ҳаво кемаси экипажи аъзоси бўлган ва халқаро парвозлар қоидаларига риоя қилиниши учун масъул Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс ёки хорижий фуқаро шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** бўла олади. Бироқ, мазкур субъект мажбуран ҳаракат қилганида (масалан, кема олиб қочилиши ёки эгаллаб олинishi оқибатида) у жавобгарликка тортилмайди.

16. Халқаро учиш қоидаларини бузган ҳаво кемаси бортидаги йўловчилар мазкур жиноят учун жавобгарликка тортилмайдилар. Муайян шароитларда уларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 223-моддаси (Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш қоидаларини бузиш) билан квалификация қилиниши мумкин.

17. Халқаро учиш қоидалари бузилган ва Ўзбекистон Республикасига қонунга хилоф равишда кириб келинган ҳолатда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификацияланади.

Агар халқаро парвоз қоидаларининг бузилиши ҳаво кемасини олиб қочиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 264 ҳамда 265-моддалари бўйича квалификация қилинади.



266-модда. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш

Транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, – муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **объекти** транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги, одамлар ҳаёти ва соғлиғи ҳисобланади.

Йўл ҳаракати деганда, муайян қоидаларга бўйсунувчи пиёдалар, ҳайдовчилар, йўловчилар, транспорт воситалари ҳаракатини қамраб олувчи ижтимоий-техник тизимни тушуниш лозим. Ҳаракат, асосан, йўллар бўйича, айрим вақтларда йўл бўлмаган шароитда (қурилиш майдончалари, кўчада, темир йўлдан ўтиш жойларида, ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ҳудудларида, далаларда ва х.к.) амалга оширилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг

окибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати¹ тушунилади.

Фойдаланиш хавфсизлиги – бу, тегишли равишда, транспорт воситаларидан йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг окибатларидан муҳофазаланганлигини таъминлайдиган тарзда фойдаланиш.

2. Жиноятнинг **предмети** ҳар қандай транспорт воситалари – ҳар қандай автомобиллар (юк, йўловчи ташийдиган, енгил автомобиллар, спорт автомобиллари ва ҳоказолар), трамвайлар, троллейбуслар, тракторлар ва бошқа механик транспорт воситалари бўлиши мумкин. (*Мазкур предмет тўғрисида батафсилроқ ЖКнинг 261-моддаси шарҳига қаранг*).

3. Механик транспорт воситалари ўзи юрар бўлиши, яъни мустақил двигателига эга бўлиши шарт. Агар машина двигатели ишдан чиққан ҳолда ва у қўл ёрдамида силжитилса, у ҳолда шарҳланаётган жиноятнинг предмети мавжуд эмас, амалда содир этилган қилмиш муайян шарт-шароитда транспортнинг хавфсиз ишлаши қоидаларининг бузилиши деб баҳоланиши мумкин (ЖКнинг 268-моддаси). Бирок, ана шундай машина бошқа транспорт воситаси томонидан тортиб кетилаётган бўлса, тортиб кетилаётган транспорт воситаси ҳайдовчисининг белгиланган қоидаларни бузиши ЖКнинг 266-моддасида кўзда тутилган жиноят таркиби белгиларига мос тушади.

Айбдорнинг ҳаракатларини квалификация қилиш учун транспорт воситаси фойдаланишдаги ёки ўқув машинаси эканлиги аҳамиятга эга эмас, чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам у юқори хавф манбаи бўлиб қолаверади.

Механик транспорт воситаси – двигатель ёрдамида ҳаракатга келтириладиган транспорт воситасидир. Ушбу атама тракторлар ҳамда ўзиюрар машиналарга ҳам тааллуқлидир.

ЖКнинг 260–269-моддаларида кўзда тутилган транспорт воситалари деганда, енгил ва юк автомаши-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги УРК–348-сон Қонуни (янги таҳрири), 3-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда.

наларнинг барча тури, автобуслар, махсус машиналар, тракторлар, троллейбуслар, трамвайлар, двигателининг иш ҳажми 50 см³дан кам бўлмаган мотоцикл ва мотороллерлар, йўл қурилиши, кишлок хўжалиги учун мўлжалланган ўзиюар машиналар (экскаватор, бульдозер, автокран ва бошқалар) тушунилади¹.

4. Объектив томонидан ЖК 266-моддасида назарда тутилган жиноят транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиши натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишида ифодаланади.

Олий суд Пленуми қорорларидаги тушунтиришга мувофиқ, «Судлар йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни техника хавфсизлиги ёки транспортда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятлардан фарқлай олишлари шарт.

Йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЖК 266-моддаси) деганда, бундай ҳаракатларнинг транспорт воситаси йўлларда ҳаракатланиши жараёнида содир этилиши тушунилади. Агар транспорт воситасидан фойдаланиш жараёнида, жумладан транспортга юк ортиш-тушириш, транспорт воситасини таъмирлаш, қурилиш, кишлок хўжалиги ишлари ва бошқа турдаги ишларни бажаришда техника хавфсизлиги ёки меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган, одам ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан бўлса, мазкур қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахснинг ҳаракатлари ЖК 257-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим².

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт воситаларини олиб кочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 37-сонли қарори, 2-банд.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 10-сонли қарори, 24-банд.

5. Йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари бузилишини ҳарбий машинани бошқариш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузишдан фарқлаш лозим. Ҳарбий хизматчи томонидан жанговор, махсус ёки транспорт машиналарини бошқариш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилган тақдирда, қилмиш ЖК 298-моддаси билан квалификация қилинади. Агар йўл-транспорт ҳодисаси ҳарбийлаштирилмаган машинани бошқарган ҳарбий хизматчининг айби билан ёки ҳарбий машинани бошқарган ҳарбий бўлмаган шахснинг айби билан содир этилса, қилмиш ЖК 266-моддаси билан квалификация қилиниши лозим¹.

6. **Фойдаланиш қоидаларининг бузилиши**, масалан, қўпол юкларни ташиш, автомашинани номақбул жойда ташлаб кетиш, бошқаришни номувофиқ шахсга ишониб топшириш, машинани заиф тросда тортиб юриш, мослаштирилмаган транспорт машинасида одам ташиш кабиларда ифодаланиши мумкин.

Умумий эҳтиёт чораларининг бузилиши натижасида юзага келган, зарарли оқибатлар келтириб чиқарган ҳайдовчининг нотўғри ҳаракатлари фойдаланиш қоидаларининг бузилиши деб эътироф этилмайди. Бу ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари муайян ишларни амалга ошириш, хавфсизлик техникаси, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилиши сифатида ёки ҳаёт ва соғлиққа қарши қаратилган жиноят деб квалификация қилинади. Масалан, машинага бензин куйишда ҳайдовчи эҳтиётсизлиги туфайли бензин двигатель устига тукилди ва бошқарув вақтида электр ўт олдириш тизими бузуқлиги натижасида учқундан автомашина аланга ичида қолди ва йўловчи ҳалок бўлди. Бу ҳолда қилмиш эҳтиётсизлик оқибатида ўлимга олиб келган деб ЖК 102-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин.

Агар шахс ихтисослашган транспорт воситасида (автокран, экскаватор, скрепер ва ҳоказоларда) ишлай туриб, машинадан ўзга, транспортга хос бўлмаган мақсадда фойдаланганида

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айричи масалалари тўғрисида»ги 10-сонли қарори, 20-банд.

зарар етказган, масалан, автокранда электр линияси остида юк тушириш ишларини белгиланганидан яқинроқ масофада амалга ошириб, натижада ишчилардан бири электр токидан халок бўлган ҳолда ҳам жиноят таркиби мавжуд эмас.

Бу каби хавфсизлик техникасига роя қилмаслик ҳоллари машина юриб кетаётганида ҳам рўй бериши мумкин, масалан, автокран ҳайдовчиси илгакка илинган юкни жойдан жойга кўчиришда уни силкитиб юборади ва ишчи баданига оғир шикаст етказди. Мазкур ҳолатларда ҳаракат хавфсизлиги ва фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари бузилмаганлиги сабабли ЖК 266-моддаси бўйича жавобгарлик истисно этилади.

7. Транспорт воситаларини бошқариш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилган бўлмасада, лекин қонунда кўрсатилган оқибатлар келиб чиқса, буни бахтсиз ходиса натижасида айбсиз ҳолда зарар етказиш деб топиш керак.

8. **ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми**да назарда тутилган жиноят қонунда баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши сифатида кўрсатилган оқибатлар келиб чиққан пайтдан **туғалланган** ҳисобланади.

9. Ҳаракат хавфсизлиги ва транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузган шахс етказилган зарарли оқибатлар учун қоидабузарлик билан оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлган ҳолдагина жавоб беради. Қоида бузилмаган ҳолда бундай алоқа истисно этилади (масалан, пиёда ўз эҳтиётсизлиги туфайли машина орқа филдираги остига тушиб қолади ёки ўз жонига қасд қилиб ўзини машина остига отади). Ҳаракатланаётган транспорт ҳамда жабрланган шахс ўртасида жисмоний боғлиқлик мавжудлиги ҳали сабабий боғланиш мавжудлигидан далолат бермайди, чунки бундай тоифага оид жиноятларда у норматив хусусиятга эга.

Нормативлик туфайли сабабий боғланиш жисмоний боғлиқлик умуман рўй бермаган ҳолларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Ҳайдовчи ўз нотўғри ҳаракатлари билан тўғри ҳаракатланишга ҳалақит бериши натижасида ҳаракатнинг бошқа иштирокчилари учинчи шахсларга зарар етказишга

мажбур бўлган ҳолатларда ҳам, етказилган зарар учун ҳам жавобгар бўлади. Масалан, қарама-қарши йўналиш қаторига чиқиб олган ҳайдовчи рўпарадан келаётган транспорт ҳайдовчиси учун тўсик пайдо қилади, у тўкнашишнинг олдини олиш ёки тўхташ имконига эга бўлмай, тротуардаги пиёдани уриб юборади. Бунда биринчи ҳайдовчи оқибатлар учун жавоб бериши лозим. Бу ҳолатда иккинчи ҳайдовчи ҳаракатлари охириги зарурат қоидаларига кўра ёки айбисиз ҳолда зарар етказиш сифатида квалификация қилинади.

10. Ҳайдовчининг зарарли оқибатлар билан бевосита боғлиқ ҳаракатлари, ҳаракатнинг бошқа иштирокчиларининг қоидабузарлиги туфайли шартланган бўлишига қарамай, ушбу оқибатларнинг сабаби сифатида иштирок этади. Йўл ҳаракати қоидаларида, хусусан, қоидабузарликларнинг олдини оладиган талаблар мавжуд. Масалан, уларда ҳайдовчи бошқа шахслар томонидан йўл қўйилган ўзга қоидабузарликларга нисбатан қандай иш тутиши кераклиги кўрсатилган. Бу қоидалар бузилган экан, демак, айбдор етказилган зарар учун жавоб бериши шарт. Хусусан, қарама-қарши транспорт воситаси чироғидан кўзи қамашган ҳайдовчи машинани тўхтатмасдан, шу ҳолат билан боғлиқ тарзда пиёдани уриб юборса, ЖКнинг 266-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади.

11. Сабабий боғланиш масаласини ҳал этишда ҳайдовчида зарарли оқибатнинг олдини олишнинг техник имкони мавжудлиги ҳисобга олинади. Бундай имконият бўлмай, ҳавфли вазият у эмас, ҳаракатнинг бошқа иштирокчилари томонидан келтириб чиқарилганлиги маълум бўлса, у ҳолда ЖКнинг 266-моддаси бўйича жавобгарлик истисно этилади. Ҳайдовчи кўзи кўрмасдан пиёдани уриб юборган ҳолда унинг ҳаракатлари, агар у машинани тўхтатиш ёки четга буриб юбориш имконига эга бўлмаган бўлса, келиб чиққан оқибатларнинг сабаби эмас. Ҳавфли ҳолатни унинг ўзи келтириб чиқарган бўлса, зарарли оқибатларнинг олдини олишга техник имкон йўқлиги юридик аҳамиятга эга эмас.

12. Жиноятнинг **субъектив томони** келиб чиққан оқибатларга нисбатан эҳтиётсиз муносабат билан

тавсифланади. Шахс ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини буза туриб, бу инсон соғлиғига оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиши мумкинлигини англайди, бироқ асоссиз равишда уларнинг олдини олишига ишонади ёки транспорт воситасини бошқараётган шахс ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, зарарли оқибатлар келиб чиқишини кўра билмайди.

Қасддан зарар етказиш (ўч олиш мақсадида пиёдани уриб юбориш) шахсга қарши жиноятни ташкил этади. Айбдор транспорт воситаси ёрдамида жамоатчилик тартибини бузар экан, қилмиш қўшимча равишда безорилик сифатида квалификация қилиниши мумкин.

13. Транспорт воситасини бошқараётган ва ўн олти ёшга тулган ақли расо шахс жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин. Бунда у транспорт воситасини ўзбошимчалик билан ёки бировнинг рухсати билан бошқарганлиги, унда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома бор-йўқлиги аҳамиятга эга эмас¹. Бироқ, бу ҳолда транспортни бошқаришни бошқа шахсларга беришга йўл қўйган автомашина эгалари жавобгарликка тортилиши керак.

Жиноятнинг субъекти деб, шунингдек, ҳарбий хизматчилар ҳам тан олинishi керак, ammo бунда улар ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини ёки ҳарбий бўлмаган транспорт воситасидан фойдаланиш қоидасини бузган бўлишлари шарт, акс ҳолда уларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 298-моддаси бўйича квалификация қилинади.

14. Суд-тергов амалиётида ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг ҳайдовчи-инструктор ҳамда шогирд томонидан йўл қўйилгани ва зарарли оқибатларни келтириб чиқарган бузишни квалификация қилишда муайян муаммолар пайдо бўлади. Умумий қоидага биноан, шогирд томонидан икки

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан борлик ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари туғрисида»ги 10-сонли қарори, 6-банд.

томонлама бошқариладиган амалиёт вақтида йўл қўйилган авария учун инструктор жавоб беради. Аммо, қондабузарлик шогирд томонидан инструктор кўрсатмаларини онгли тарзда бажармаслик ва махсус қондаларни қўпол бузиш оқибати эканлиги аниқланса, ЖКнинг 266-моддаси бўйича шогирд жавобгарликка тортилади.

15. Жабранувчига йўл-транспорт ходисаси оқибатида ҳаёти учун хавfli бўлмаган енгил тан жароҳати етказилганлиги ёки у бевосита йўл-транспорт ходисаси вақтида ҳалок бўлганлиги аниқланса ёки айбдор унга ёрдам бериши шарт бўлгани ҳолда, унинг ўзининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғилганида, ЖКнинг 117-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқмайди.

16. Ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қондаларининг одам ўлимига олиб келган бузилиши мазкур модданинг 2-қисмига биноан жавобгарликни келтириб чиқаради.

17. Қуйидаги кўринишдаги оқибатлар:

а) одамлар ўлими;

б) ҳалокат;

в) бошқа оғир оқибатлар келиб чиққанида айбдорнинг ҳаракатлари шарҳланаётган модданинг 3-қисми бўйича квалификация қилинади.

18. **ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми «а» банди** мазмунидаги **одамлар ўлими** деганда икки ёки ундан ортик шахсларнинг ўлими назарда тутилиши лозим.

19. **Ҳалокат** тушунчаси остида атроф муҳит, одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган, одамлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган жамоатчилик транспорти (автобус, троллейбус) аварияси тушунилади.

20. **Бошқа оғир оқибатлар** деганда, одамлар ўлими билан бир қаторда поездлар, кемалар ёки самолётлар қатнови узок муддатга издан чиқиши, теварак-атрофдаги уйлар ва бошқа иншоотлар вайрон қилиниши (портлаши, ёниб кетиши, қулаб тушиши) ва ҳ.к.лар тушунилиши лозим. Шунинг назарда тутиш лозимки, ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қондалари бузилиши натижасида икки ёки ундан ортик одамга ўртача оғир ва/ёки оғир шикаст етказилганлиги

фактининг ўзи қилмишни «бошқа оғир оқибатлар» белгиси бўйича квалификация қилиш учун асос бўлмайди¹.

21. ЖК 266-моддаси турли қисмларида кўзда тутилган, ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасида содир этилган жиноят белгилари мавжуд бўлган ҳолда, айбдор томонидан содир этилган қилмиш ЖК 33-моддаси талабларига мувофиқ, нисбатан оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

Ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларини бузган ва ҳаёти хавф остида қолган жабрланувчига ёрдам кўрсатмаган шахснинг ҳаракатлари жиноятлар жами бўйича ЖК 117 ва 266-моддаларининг тегишли қисмларига биноан квалификация қилинади.

22. Шахс ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларини бузмаган, аммо ўз ҳайдовчилик бурчини адо этмай, ҳодиса жойидан жабрланувчига ёрдам кўрсатмай кетиб қолган тақдирда, ушбу шарт-шароит унинг ЖК 117-моддасида кўзда тутилган жавобгарликдан озод этилиши учун асос бўла олмайди.

23. Йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари бузилишини ҳарбий машинани бошқариш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузишдан фарқлаш лозим. Ҳарбий хизматчи томонидан жанговор, махсус ёки транспорт машиналарини бошқариш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилган тақдирда, қилмиш ЖК 298-моддаси билан квалификация қилинади. Агар йўл-транспорт ҳодисаси ҳарбийлаштирилмаган машинани бошқарган ҳарбий хизматчининг айби билан ёки ҳарбий машинани бошқарган ҳарбий бўлмаган шахснинг айби билан содир этилса, қилмиш ЖК 266-моддаси билан квалификация қилиниши лозим².



¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 10-сонли қарори, 11-банд.

² Уша манба, 20-банд.

267-модда. Транспорт воситасини олиб қочиш

Транспорт воситасини олиб қочиш – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб;

г) транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида ўғрилик ёки талончилик йўли билан содир этилган бўлса, – ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан;

в) транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида боққинчилик йўли билан содир этилган бўлса, –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **объекти** йўл ҳаракати соҳасидаги механик транспорт воситалари ҳаракатининг хавфсизлиги, шунингдек, ўзгалар мулки ҳисобланади.

2. ЖК 264-моддасида кўзда тутилган транспорт воситаларидан ташқари барча транспорт воситалари жиноятнинг **предмети** ҳисобланади.

3. Жиноятнинг **объектив томони** транспорт воситаларини олиб қочишдан иборат.

Олиб қочиш транспорт воситаларини қонунга ҳилоф равишда, эгаларига билдирмай эгаллаб олиш ва бошқа жойга етказишдан иборат бўлади. Олиб қочиш субъект ҳаракатларининг ўзбошимчалиги, қонунга ҳилофлигини назарда тутати.

Олиб қочиш деганда, ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини ўзлаштириш мақсадисиз уни турган жойидан бошқа жойга олиб қочишни тушуниш керак¹.

Қонунга хилофлик шахснинг транспорт воситасидан фойдаланиш, унга эгаллик қилиш ва тасарруф этишга оид ҳеч қандай ваколоти йўқлигидан далолат беради. Олиб қочишга транспорт воситасига қонунга хилоф равишда эга бўлиб олиш хос ҳисобланиб, бунда ундан масъул бўлмаган субъектларнинг фойдаланиши имконияти туғилади.

Эгаллаб олиш ҳам яширин, ҳам очикдан-очик бўлиши мумкин. Жиноятни квалификация қилишда эгаллаб олиш усули аҳамиятга эга эмас.

Олиб қочиш тушунчаси нафақат транспортни эгаллаб олиш, балки унда, уни жилдириш таърифи ҳамда энергетик манбаидан қатъи назар, уни жойдан жойга кўчиришни ҳам камраб олади.

4. Транспорт воситаларини олиб қочиш транспорт воситасининг жойи ўзгара бошлаган вақтдан, бундай ўзгартириш усулидан қатъи назар, **туғалланган** жиноят деб ҳисобланади. Бунда жилдириш учун сарфланган вақт ҳамда айбдор транспорт воситасини кўчириб улгурган масофа аҳамиятга эга бўлмайди.

5. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан, талон-торож қилиш мақсадисиз амалга оширилади.

Транспорт воситаларини олиб қочиш билан боғлиқ қилмишларни тўғри квалификация қилиш учун жиноятнинг мотивлари ва мақсадларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Судлар ана шундай жиноятларни кўра туриб, ҳар бир алоҳида ҳолда олиб қочиш нима мақсадда амалга оширилганлигини аниқлашлари шарт.

Агар транспорт воситасини ўғирлаш мақсади борлиги исботланса, айбдор шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 267-моддасининг тегишли қисмларига кўра квалификация қилинади. Бундай ҳолатларда қилмиш ЖКнинг 164, 166, 169-моддалари мажмуи бўйича квалификация қилиш талаб этилмайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 37-сонли қарори, 1-банд.

6. Транспорт воситасини олиб қочишда ундан фойдаланиш имконияти бўла туриб, транспорт воситасини ташлаб кетиш ҳамда бошқа ҳолатлар уни талон-торож қилиш мақсади бўлмаганлигидан далолат бериши мумкин.

Транспорт воситасини ўғирлаш мақсади мавжудлигидан қуйидаги ҳолатлар дарак бериши мумкин: транспорт воситасининг ташки кўринишини ўзгартириш (устидан бўяш, рақамини ўзгартириш, қайтадан кузов қилдириш ва бошқа ўзгартиришлар): фойдаланишга оид қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш; транспорт воситасини сотиб юбориш; баъзи қисмларини сотиш; узоқ вақт фойдаланиш ва ҳоказолар.

7. Транспорт воситасига нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ваколатларига эга бўлмаган, ўн тўрт ёшга тўлган ақли расо шахс транспорт воситасини олиб қочиш жиноятининг **субъекти** бўлиши мумкин.

8. **ЖКнинг 267-моддаси 2-қисмида** транспорт воситасини олиб қочганлик учун жавобгарлик назарда тутилган:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб;
- г) транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида ўғрилик ёки талончилик йўли билан содир этилган бўлса.

9. **ЖКнинг 267-моддаси 3-қисмида** транспорт воситасини олиб қочганлик учун жавобгарлик назарда тутилган:

- а) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ томонидан;
- в) транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик йўли билан содир этилган бўлса.

10. **Уюшган гуруҳ** деганда, транспорт воситаларини олиб қочиш ёхуд бошқа жиноятларни содир этиш мақсадида икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг барқарор бирлашмаси тушунилади.

Жумладан, жиний фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жиний мақсадни амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини таъминлаш, гуруҳда

урнатилган интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсунуш жинойи гуруҳнинг уюшганлигидан далолат беради.

Айблаш фикрида ва суд ҳукмида айнан қандай асосларга кўра жинойи гуруҳ уюшган деб топилганлиги кўрсатилган бўлиши шарт.

Уюшган гуруҳ таркибида транспорт воситасини олиб қочишда қатнашган шахсларнинг ҳаракатлари, уларнинг ҳар бирининг ролидан қатъи назар, иштирокчилик деб топилиши лозим¹.

11. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми «в»-бандида назарда тутилган зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчига ҳар қандай оғирлик даражасидаги тан жароҳати етказилишини тушуниш лозим.

Жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатилган ҳолларда айбдор шахснинг ҳаракатлари инсон соғлиғига зарар етказилганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноятлар бўйича қўшимча квалификация қилишга муҳтож эмас. Мазкур ҳаракатлар ушбу модданинг учинчи қисми билан камраб олинади.

Зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш деганда, жабрланувчига ҳар қандай оғирлик даражасидаги тан жароҳати етказиш билан кўрқитиш тушунилади.

Транспорт воситасини олиб қочиш чоғида ўлдириш билан кўрқитиш жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 112 ҳамда 267-моддалари бўйича квалификация қилиниши керак.

268-модда. Транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қондаларни бузиш

Йўловчи, пиёда, велосипед, от-улов транспортининг ҳайдовчиси ёки йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчилари томонидан,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти хақида»ги 37-сонли қарори, 5-банд.

ушбу Кодекснинг 261–263, 265 ёки 266-моддаларида назарда тутилган шахслардан ташқари, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини ёки барча турдаги транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат одам ўлишига сабаб бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **асосий бевосита объекти** транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш соҳасида жамоат хавфсизлигини таъминлашдан иборат ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. **Қўшимча объект** жабрланувчиларнинг ҳаёти ва соғлири, ўзганинг мулки ҳисобланади.

2. Жиноят **объектив томондан** ЖКнинг 261–263, 265 ва 266-моддаларида белгиланган шахслардан ташқари йўловчилар, пиёдалар, велосипед ҳайдовчилари, от-улов транспорти ҳайдовчилари ёки бошқа турдаги ҳаракат катнашчилари томонидан барча турдаги транспорт воситалари ҳаракати ёки фойдаланиш хавфсизлигининг бузилиши натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир тан жароҳатлари етказишдан иборат.

3. ЖКнинг 268-моддаси диспозицияси бланкетли бўлиб, жиноят белгиларини аниқлаш учун транспорт воситалари

ҳаракати ёки шу транспорт воситаларидан фойдаланиш жойларида (261–263, 265 ва 266-моддаларида белгиланган шахслардан ташқари) йўловчилар, пиёдалар, ҳаракатнинг бошқа қатнашчилари ҳаракати қондаларини белгиловчи махсус қондаларга мурожаат қилиш зарур. Ушбу қондалар темир йўл, сув, автомобиль ёки бошқа турдаги транспорт воситаларининг идоравий норматив ҳужжатларида берилган.

4. Ҳаракат хавфсизлиги қондаларининг бузилиши ҳаракат қатнашчиларига тақдим этиладиган транспорт воситаларининг ҳаракати ва фойдаланиш хавфсизлигини таъминловчи талаблар бажарилмаганлигидан далолат беради.

Қондаларнинг бузилиши темир йўл ёки бошқа йўллари белгиланмаган жойларда кесиб ўтиш, тақиқловчи сигналлар остида йўловчининг ўзбошимчалик билан аэродромнинг учувқунув майдонига чиқиши, стоп-краннинг олиб ташланиши ҳамда шу йўл билан темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибининг тўхташи, транспортдаги ўзгалар учун кириш тақиқланган жойларга (масалан, учувчи кабинасига) киришда ифодаланиши мумкин.

Шарҳланаётган жиноятнинг аниқ ифодаланиши турлича бўлиши мумкин, шу туфайли уларнинг тулик рўйхатини беришнинг иложи йўқ. Қонунда белгиланган қондалар кўпинча йўллари белгиланмаган жойларда кесиб ўтувчи, ҳаракатланаётган транспортга яқин бўлган жойларда бирданига пайдо бўлувчи пиёдалар томонидан бузилади. Жиноят ишларини кўриб чиқишда ва тергов қилишда айбдор томонидан бузилган қондалар ва улар нималарда ифодаланишини аниқлаш лозим.

5. Жиноят баданга ўртача оғир ёки оғир тан жароҳатлари етказилиши пайтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади. Жиноятнинг юқорида келтирилган оқибатлари мавжуд бўлмаган тақдирда қилмиш маъмурий жавобгарлик тартибда кўрилади.

Жиноят объектив томонининг зарурий белгиси йўловчи, пиёда, велосипед, от-улов транспорти ҳайдовчиси томонидан йўл ҳаракати ёки ҳар қандай турдаги транспорт воситасидан фойдаланиш қондаларини бузишда ифодаланади.

6. Жиноят **субъектив томондан** айбнинг эҳтиётсизлик шакли билан тавсифланади. Шахс транспорт воситалари ҳаракати ва фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши натижасида ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишини кўра олади, лекин етарли асосларсиз уларнинг олди олинишига ишонади ёки ўзининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишини олдиндан кўра билиши лозим ҳамда мумкин бўлган бўлса-да, уларни кўра билмайди.

7. Жиноят кодекси 263, 267-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг **субъекти** ўн тўрт ёшга тўлган, ЖКнинг 260 – 262, 263¹, 264 – 266, 268, 269-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг субъекти эса, ўн олти ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

От-улов транспорти ҳайдовчисининг ҳаракатлари у томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилиши механик транспорт воситаси билан йўл-транспорт ҳодисасига олиб келган тақдирдагина шарҳланаётган модда билан квалификация қилиниши мумкин. Бошқа ҳолларда унинг жинойий жавобгарлиги истисно қилинади.

Агар транспорт воситалари ҳаракати ва фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши бир неча транспорт воситалари ҳайдовчилари ёки йўл ҳаракати бошқа қатнашчиларининг жинойий ҳаракатлари билан сабабий боғланишда бўлса, уларнинг барчаси Жиноят кодексининг муайян моддалари билан жавобгарликка тортилади.

8. «Ҳаракат қатнашчиси» атамасини кенг қамровда кўриб бўлмайди. Уларга ҳаракатни назорат қилувчи милиция ходимларини, «назорат қилувчи» тушунчасини ўз ичига олувчи бошқа шахсларни, йўл қурилиши (ўтиш қисмини таъмирлаш, белгилар қўйиш, қор тозалаш ва хоказолар) билан боғлиқ бўлган шахсларни киритиш мумкин эмас. Бу шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Йўл ҳаракати қоидаларига асосланган бўлса-да, мустақил характерга эга бўлган муайян идоравий йўриқномалар билан белгиланади.

9. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида** одам ўлимига сабаб бўлган транспортнинг хавфсиз ишлашини

таъминлашга доир қоидаларни бузиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

10. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида** одамларнинг ўлими, ҳалокат ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ушбу белгилар транспорт воситаларининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш учун жавобгарликни назарда тутувчи бошқа жиноятларнинг таҳлили жараёнида шарҳланган.

269-модда. Автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузиш

Автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузиш, яъни автомобиль йўлларида ва шу йўллар учун ажратилган минтақада тегишли рухсатсиз ер ости ва ер усти коммуникациялари ўтказиш, уларни таъмирлаш, бу ишларни бажаришнинг белгиланган шартлари ва муддатларига риоя қилмаслик, ўзбошимчалик билан арклар, тўсиқлар, шлагбаумлар ёки бошқа иншоотлар ўрнатиш, йўлларга материал ва бошқа нарсаларни уюб қўйиш, йўл устини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамларнинг ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, – беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **объекти** автотранспорт ва шаҳар электротранспортининг хавфсиз ишлашینی таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, шунингдек инсонлар ҳаёти, соғлиғи, уларнинг мулки хавфсизлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

2. Жиноятнинг **предмети** автомобиль йўллари, ер ости ва ер усти коммуникациялари ҳисобланади.

Автомобиль йўли – транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган, уларнинг белгиланган тезликда, оғирликда, ўлчамларда муттасил ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган муҳандислик иншоотлари мажмуаси, шунингдек ушбу мажмуани жойлаштириш учун берилган ер участкалари ва мажмуа устидаги белгиланган доирадаги бўшлиқ.

3. Жиноят **объектив томондан** автомобиль йўлларидадан фойдаланиш ва уларни кўриқлаш қоидаларини бузишда ифодаланади, яъни ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келган автомобиль йўлларида ва шу йўллар учун ажратилган минтақада ер ости ва ер усти коммуникацияларни тегишли руҳсатсиз таъмирлаш, бу ишларни бажаришнинг белгиланган шартлари ва муддатларига риоя қилмаслик, ўзбошимчалик билан арқлар, тўсиқлар, шлагбаумлар ёки бошқа иншоотларни ўрнатиш, йўлларга материал ва бошқа нарсаларни уюб қўйиш, йўл устини бузиш билан тавсифланади.

Автомобиль йўлларидадан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг **ЖК 269-моддасининг 1-қисми**да келтирилган рўйхати қатъийлиғини назарда тутиш керак.

4. Мазкур жиноят моддий таркибли жиноят бўлганлиғи учун баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

5. Жиноятнинг зарурий белгиси шарҳланаётган модда диспозициясида келтирилган муайян қилмишнинг содир

этилиши ва оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланиш ҳисобланади.

6. Жиноят **субъектив томондан** эгри қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилади.

7. Жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тулган ҳар қандай ақли расо шахс ҳисобланади.

8. **ЖК 269-моддасининг 2-қисмида** одам ўлишига сабаб бўлган автомобиль йўлларида фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қондаларини бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган.

9. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида** шу қилмиш одамлар ўлими ва бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлганлиги учун жавобгарликни белгилайди.

ХИХ БОБ. ГИЁВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШДАН ИБОРАТ ЖИНОЯТЛАР

270-модда. Тақиқланган экинларни етиштириш

Тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўртача катталиқдаги экин майдонида содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кузлаб;

в) катта экин майдонида содир этилган бўлса, –

беш йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шархланаётган жиноятнинг **объекти** наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан муомала қилишнинг асосий турларига ва авваламбор, таркибида муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида тақиқланган Гиёҳвандлик воситалари бўлган ўсимликларни экиш ёки етиштиришга бўлган давлат монополиясини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир. **Факультатив объект** сифатида аҳоли саломатлиги иштирок этиши мумкин.

2. ЖКнинг 270-моддасида келтирилган жиноятнинг предмети кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар бўлган экинлардир.

Каннабис – нашанинг гашиш олинадиган нави (жумладан, нашанинг Ҳиндистон, Жанубий Чуй, Краснодар ва бошқа турлари)га мансуб экиндир.

Таркибида гиёҳванд ёки психотроп моддалар бўлган бошқа ўсимликларга кока бутаси (ундан кокаин олинади) ва таркибида гиёҳванд ёки психотроп моддалари бўлган бошқа экинларни киритиш мумкин. Бу экинлар гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар концентрацияси куплиги билан фарқланиб, шу сабабли экинлар ёки уларнинг қисмлари гиёҳвандлик моддаларини

назорат қилиш давлат комиссияси белгилаган ҳолда гиёҳванд восита деб топилади. Бу экинларни етиштириш учун рухсат давлат корхоналарига илмий мақсадларда махсус ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонуннинг 21¹-моддаси (Таркибда гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларнинг саноат мақсадларида етиштирилиши ва муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари)да назарда тутилган ҳолларда юридик шахсларга саноат мақсадларда амалга оширилиши мумкин¹.

3. Ҳар бир ҳолатда экинларнинг таркибда Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари бўлган экинларга тегишлилигини аниқлашда судлар бу тоифадаги ишларни кўришда Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар рўйхатига амал қилиши, зарур ҳолларда Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш давлат комиссияси томонидан тасдиқланган услубларга мувофиқ олинган эксперт хулосасига асосланиши керак.

4. «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларга оид ишлар бўйича суд-кимёвий экспертиза ўтказиш айбдорликни исботлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кодексининг 173-моддасига мувофиқ, восита ёки моддани наркотик ёхуд психотроп деб эътироф этиш учун бундай экспертизалар қайд этилган туркумдаги барча ишлар бўйича ўтказилиши зарур.

Бу турдаги экспертизаларни ҳал этиши учун қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин: олинган восита ёки модда гиёҳвандлик, унинг аналоги, психотроп ҳисобланадими, агар ҳисобланса, унинг тури, актив моддасининг миқдори ва соф оғирлиги қанча; олинган объектда гиёҳвандлик воситаси, унинг аналоги, психотроп моддаси қолдиқлари (микроразралари) ёки

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813-1-сонли Қонуни 21-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил. 9-сон, 210-модда.

излари борми; муайян ер майдонидан олинган ўсимлик қайси турга мансуб ва у таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимлик ҳисобланадими; олинган воситалар ёки моддалар бир хил ҳисобланадими, улар тайёрлаш усули (технологияси), сақлаш шароити, фойдаланилган бошланғич хом ашёси, кукариб турган жойи бўйича келиб чиқиши жиҳатидан умумий манбага эгами»¹.

5. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга нисбатан муомалада бўлишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган. Бундай тартиб учта: тиббий, ижтимоий ва норматив мезонларнинг мажмуи хос бўлган восита ва моддаларга нисбатан амал қилиши лозим.

Тиббий мезон нуқтаи назаридан Гиёҳвандлик воситаларига келиб чиқиши табиий ёки сунъий бўлган, марказий асаб тизимига (МАТ) босинқиратувчи, қўзғатувчи ёки галлюциноген таъсир қилиб, рухий ва (ёки) жисмоний тобелигига сабаб бўладиган моддалар қиради.

Моддани гиёҳванд восита деб топиш учун тиббий мақсадларни қўзламаган ҳолда истеъмол қилиниши кўпайиб, кенг миқёсда тарқалганлиги ва бу соғлиқ учун хавф туғдириши муносабати билан улар билан муомалада бўлишнинг алоҳида ҳуқуқий тартибни ўрнатишни талаб қиладиган **ижтимоий мезонни** ҳам инobatга олиш зарур. Тиббий ва ижтимоий мезонлар бирлашиб, воситани Гиёҳвандлик ёки психотроп модда қаторига киритиш учун ва **норматив мезонни** ташкил қилувчи махсус норматив ҳужжатда мустаҳкамлаш учун замин яратади.

Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуни шундай ҳужжат ҳисобланиб, унинг 3-моддасида «Гиёҳвандлик воситалари», «психотроп моддалар», «прекурсорлар», шунингдек «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларининг аналоглари» ва «препаратлар» тушунчалари мустаҳкамлаб қўйилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 31-банд.

6. **Гиёҳвандлик (наркотик) воситалари** – Гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида Гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар¹.

7. **Психотроп моддалар** – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар².

8. **Прекурсорлар** – прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар.

9. **Препарат** – моддаларнинг ҳар қандай физик ҳолатдаги, таркибида битта ёки бир нечта Гиёҳвандлик воситалари ёхуд психотроп моддалар бўлган аралашмаси;

10. **Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари** – кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар.

11. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги 813–I-сонли «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар қуйидаги рўйхатларга киритилади:

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида тақиқланган Гиёҳвандлик воситалари рўйхати (I рўйхат);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган Гиёҳвандлик воситалари рўйхати (II рўйхат);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган психотроп моддалар рўйхати (III рўйхат);

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813–I-сонли Қонуни 3-модда// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 210-модда.

² Ўша жойда.

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган прекурсорлар рўйхати (IV рўйхат).

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади ва матбуотда эълон қилинади.

12. Мазкур рўйхатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш туғрисида»ги 330-сонли қарорининг 4–7-иловаларида берилган.

13. Бу классификацияга: амалдаги конвенцияларда фойдаланиладиган номлари ёки рўйхатга олинмаган халқаро номлар остидаги моддалар; уларнинг изомерлари, агар мазкур моддалар кимёвий формуласи доирасида ушбу изомерлар мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатда истисно қилинмаган бўлса; уларнинг мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолларда мазкур моддаларнинг мураккаб ва оддий эфирлари; мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатларда; қонунда назарда тутилганларидан ташқари, мазкур моддаларнинг препаратлари.

Классификация ўз ичига I, II, III ва IV жадвалларни қамраб олади.

I жадвалга тиббий мақсадда фойдаланишга мўлжалланмаган ва ўта хавфли бўлган (Гиёҳвандлик ва психотроп) ўсимлик ва моддалар қиради. Масалан, героин, каннабис, ЛСД, фақат гиёҳвандлар томонидан фойдаланиладиган бошқа моддалар. Ушбу гуруҳдаги моддаларни ўта хавфлилик ва қарамликни келтириб чиқариши бирлаштиради.

II жадвал ўта хавфли бўлган, лекин тиббиёт мақсадида фойдаланиш учун муайян қизиқиш ўйғотадиган (Гиёҳвандлик ва психотроп) ўсимлик ва моддаларни қамраб олади. Масалан, рақ билан касалланган шахсларда оғриқни оладиган жуда кучли анальгетик воситалар (морфин,

фортал, долозал, пальфиум ва х.к.). Шунингдек, уларга амфетамин ва айрим барбитуратлар киради. Бу моддалар ҳам, улар келтириб чиқарадиган қарамлик сабабли, хавfli хисобланади.

III жадвалга тиббий мақсадда фойдаланиш учун кизикиш уйғотадиган, муайян хавfliлик билан тавсифланадиган (Гиёҳвандлик ва психотроп) ўсимлик ва моддалар киради. Булар транквилизаторлар, антидепрессантлар, тез таъсир килувчи барбитуратлар ва қарамликни келитириб чиқаришда ўртача хавф туғдирадиган бошқа доривор моддалардир.

IV жадвалга прекурсорлар, яъни Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни тайёрлашда ишлатиладиган, 1988 йилги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш туғрисида»ги Конвенцияда ёки ушбу конвенция асосида классификация қилинган ҳамда Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни тайёрлаш ёки қайта ишлашда фойдаланиладиган бошқа кимёвий моддалар киради.

14. Шарҳланаётган жиноят **объектив томондан** тақиқланган экинларни экиш, етиштиришда ифодаланadi.

Экиш – таркибида Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар бўлган кукнор, мойли кукнор, каннабис ўсимлиги уруғини қонунга хилоф равишда сепиш ва ўстиришдир. «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар туғрисида»ги Қонунга кўра, таркибида Гиёҳвандлик воситалари бўлган ўсимликларни етиштириш давлат монополиясига кириб (7-модда), махсус ваколатли орган белгилаган тартибда бу фаолият илмий мақсадларда шуғулланишга лицензия бўлган тақдирда давлат корхоналарига рухсат этилади (21-модда).

15. **Тақиқланган экинларни етиштириш** деганда, тегишли рухсатсиз ҳар қандай ер майдонида, шунингдек, бўш ётган ерларда уруғни қадаш ва ўстириш тушунилади.

Таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни қонунга хилоф равишда етиштириш деганда, қонунчиликни бузган ҳолда бундай ўсимликларни экиш ва етиштириш учун махсус шаронт яратиш, шунингдек, уларни экиш ва етиштириш, етиштириш технологиясини такомиллаштириш, янги навла-

рени яратиш, ҳосилдорлигини ва мавжуд иқлим шароитига чидамлилигини ошириш фаолиятини тушуниш лозим¹.

Жинойт ўсимлик униб чиққан-чиқмаганлиги ёки ўсган-ўсмаганлигидан қатъи назар, экин экилган пайдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади².

Уруғлар сотиб олиш, уларни пишиш босқичигача ўсмайдиган даражада тупроқдан ташқарида ёки кам миқдордаги тупроқда ундириш (кўчат етиштириш)ни тақиқланган экинларни етиштиришга тайёргарлик кўриш ҳаракатлари сифатида кўриш мумкин.

16. **Тақиқланган экинларни етиштириш** деганда, экилган вақтдан бошлаб пишиш босқичигача бўлган давр ичида уларни парвариш қилишни (суғориш, чопик қилиш, ўғитлаш ва хоказоларни) тушуниш керак. Тақиқланган экинларни етиштиришни, уларни етиштириш технологиясининг ўсиши, янги навларини яратиш, улар ҳосилдорлигини ошириш, ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамлилигини ошириш кабиларни эътиборга олиб квалификация қилиш керак.

Тақиқланган экинларни етиштириш уларни ўзи ёки бошқа шахслар учун етиштирганлиги, пишиб етилганлиги, ҳосил йиғиб олиш вақтидан қатъи назар, **тугалланган** жиноят деб топилади.

17. Экиш ва парвариш қилиш билан бир қаторда етиштириш деганда таркибида Гиёҳвандлик воситалари бўлган экинларни етиштириш технологияларни такомиллаштириш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, ноқулай табиий шароитларга бардош беришини ошириш, янги навларини ишлаб чиқиш, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни парвариш қилишни тушуниш лозим.

18. Айбдорнинг ҳаракатларини шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилиш учун экин жойининг (дала ҳовли, корхона, ташкилот ерлари, хўжасиз ерлар), ўзи ёки бошқа шахсларнинг фойдаланиши учунлиги, шунингдек истеъмол

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 16-банд.

² Ўша манба, 19-банд.

учун тайёр бўлган Гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддаларнинг кейинги тақдирининг (хўжалик эҳтиёжлари учун тола, ёғ, уруғларнинг олиниши ва ҳ.к.) аҳамияти йўқ.

19. Олий суд Пленуми тушунтиришларига кўра, «...етиштирилиши тақиқланган ўсимликларни экиш деганда тегишли рухсатсиз ҳар қандай ер майдонига, шу жумладан, бўш ётган ерга ман этилган экин уруғини сепиш ва кўчатини ўтказишни англамоқ лозим. Ушбу жиноят ўсимлик униб чиққан-чиқмаганлиги ёки ўсган-ўсмаганлигидан қатъи назар, экин экилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Айбдорнинг ҳаракатлари экин майдони ўлчамидан келиб чиққан ҳолда Жиноят кодекси 270-моддасининг тегишли қисмлари билан квалификация қилинади, бунда ушбу модданинг 1-қисми билан квалификация қилиш учун экин майдонининг ўлчами 250 квадрат метргача бўлиши кўзда тутилади.

Шахс етиштирилиши тақиқланган ўсимликларни турли майдонларда ўстираётган бўлса, унинг ҳаракатларини квалификация қилишда жами экин майдонидан келиб чиқмоқ лозим.

Агар етиштирилиши тақиқланган экинларни экиш ёки етиштириш келгусида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ёки кўзламай тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, шунингдек, ўтказиш (сотиш) билан боғлиқ бўлса, бундай ҳаракатлар ЖК 270-моддаси ва ЖК тегишли моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши керак»¹.

20. Жиноят **субъектив томондан** қасддан содир этилади. Айбдор гиёҳвандлик моддалари бўлган экин ёки психотроп ўсимликларини қонунга хилоф равишда етиштираётганлигини билади ва мазкур ҳаракатни хоҳлайди.

Жиноятни мазкур модда бўйича квалификация қилиш учун тақиқланган экинларни етиштиришнинг мотиви ва мақсади аҳамиятга эга эмас.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 19-банд.

21. Мазкур қилмишни содир этиш чоғида ўн олти ёшга тулган ҳар қандай жисмоний шахслар жиноят субъекти бўлишлари мумкин.

22. ЖК 270-моддасининг 2-қисмида:

а) илгари Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўртача катталиқдаги экин майдонида содир этилган жиноятнинг квалификация қилинган турлари учун жавобгарлик назарда тутилади.

23. Тақиқланган экинларни етиштирган шахс илгари ЖК 127-моддасининг 2-қисмида ёки 3-қисми «а», «б», «в» бандларида, ЖКнинг 270–276-моддаларда белгиланган жиноятлардан бирини содир этган бўлса, судланганлик факти, илгари содир этилган жиноят муддатининг ўтиш вақти тугамаганлиги, қонунда белгиланган тартибда судланганлик бекор қилинмаган ва олиб ташланмаганлигидан қатъи назар, қилмиш шарҳланаётган модданинг 2-қисми «а» банди бўйича квалификация қилиниши керак.

(Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

24. **Ўртача ҳажмдаги майдонда тақиқланган экинларни етиштириш, экиш** деганда, 250 квадрат метрдан 1000 квадрат метргача майдонда мазкур экинлар уруғини қадаш ёки уларни ўстириш тушунилади. Бунда ер майдони ҳажми фактик фойдаланилган майдондан келиб чиқиб аниқланиши керак, яъни етиштирилиши тақиқланган экинлар уруғи ўсаётган майдоннинг ўзи тушунилади. Экинлар етиштирилаётган ер майдонига гиёхванд ўсимлиқлар ёки улар уруғлари мавжуд бўлмаган майдонларни қўшиш мумкин эмас, бу – қонунга зиддир. Шунинг учун етиштирилаётган ер майдонини аниқлашда экин амалда экилган умумий майдонни ҳисобга олиш керак.

25. Агар айбланувчи тақиқланган экинларни турли майдонларда етиштирган бўлса, тергов ва суд органлари таркибида наркотик модда бўлган ўсимликларни етиштириш мақсадини аниқлаши керак. Агар айбланувчи камида икки марта шу ўсимликларни турли вақт, турли майдонларда эккан ёки етиштирган бўлиб, яна жиноят содир этишга қасд қилган бўлса, унинг қилмиши ЖК 270-моддасининг 2-қисми «а» банди билан ёки шу модданинг тегишли банди ва қисми билан квалификация қилинади.

Экиш майдони ҳажмини аниқлашда нафақат охирги экин майдони ҳажми, балки бундан олдинги майдон ҳажмларини эътиборга олиш керак. Жиноят субъекти бир вақтда икки ёки ундан ортиқ майдонларда тақиқланган экинларни экиб, булар учун умумий қасдга эга бўлса, унинг қилмиши ЖК 270-моддасининг 2-қисми билан қўшимча квалификация қилинмайди, чунки у ягона давомий жиноятни ташкил этади ва унинг қилмишини экин майдони ўлчамидан келиб чиқиб квалификация қилиш лозим.

26. Агар экин майдонининг умумий катталиги 250 м²дан кам бўлса, айбланувчининг қилмиши шарҳланаётган модданинг 1-қисми бўйича квалификация қилинади.

27. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида:**

а) ута хавфли рецидивист томонидан;
б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб;
в) катта экин майдонида содир этилган жиноятнинг квалификация қилинган турлари учун жавобгарлик назарда тутилган.

28. Уюшган гуруҳ томонидан тақиқланган экинларни етиштириш жамият учун жиддий хавф туғдиради, чунки шахсга, жамиятга, давлатга зарар етказган ҳолда режалаштирилган қилмишни амалга ошириш имконини кенгайтиради.

Уюшган гуруҳ иштирокчилари вазифаларини тақсимлашлари ва тақиқланган экинларни етиштириш билан ҳар қайсиси бевосита шуғулланмаслиги, балки бу фаолият бошқа шахслар томонидан бажарилишини таъминлаши мумкин (масалан, ер майдонини қўриқлаш).

29. Жиноят кодекси Махсус қисмининг VIII бўлимига кўра, тақиқланган экинлар катта майдонларда етиштирилиши майдоннинг 1000 квадрат метр ва ундан катталигини билдиради.

◆◆◆◆◆

271-модда. Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш

Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда, ўғрилиқ ёки фирибгарлик йўли билан эгаллаш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан;

г) талончилик йўли билан;

д) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб;

е) тамагирлик йўли билан;

ж) кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

в) босқинчилик йўли билан содир этилган бўлса. –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ва прекурсорлар билан муомала қилиш борасидаги ижтимоий муносабатлардир. Мулкий манфаатлар, жиноят талончилик ёки босқинчилик билан содир этилганда жабрланувчининг жисмоний дахлсизлиги ва соғлиғи **қўшимча объект** ҳисобланади. Аҳоли саломатлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар **факультатив объект** сифатида намоён бўлиши мумкин.

2. Жиноятнинг **предметини** Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ташкил этади. Мазкур воситалар ва моддалар қонуний муомалада ҳам (таркибида Гиёҳвандлик воситалари бўлган доривор препаратлар), қўлбола усулда тайёрланган ва белгиланган нархга эга бўлмаслиги ҳам бўлиши мумкин.

(Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар тушунчалари тўғрисида батафсилроқ ЖКнинг 270-моддаси шарҳига қаранг).

3. Шарҳланаётган модданинг **объектив томонини** ЖК 271-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, яъни ўғрилик, фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш ташкил этади.

Қонунга хилоф равишда эгаллаш кўрсатилган жиноят предметларини қасдан, ҳақ тўламасдан ҳуқуққа хилоф равишда эгаллашни назарда тутаяди.

Жиноятни ЖКнинг 271-моддаси билан квалификация қилиш учун Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар – давлат ёки хусусий корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, алоҳида фуқароларга тегиш-лилигининг аҳамияти йўқ.

Қишлоқ хўжалик корхоналари майдонлари ёки фуқароларнинг ер участкаларидаги, ушбу экинлар қонунга хилоф етиштирилган тақдирда ҳам, таркибида Гиёҳвандлик воситаси бўлган ўсимликлар ёки уларнинг қисмларини (кўсақлари,

новдалари) экинларнинг амалдаги эгаларининг хабарисиз теришни ҳам қонунга хилоф деб топиш лозим.

4. Ўғрилик Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар қонунга хилоф равишда яширинча ўғирланиб, айбдор уларни тасарруф этиш ва улардан фойдаланиш вақтидан бошлаб **тугалланган** деб ҳисобланади.

Фирибгарлик айбдорнинг алдов йўли билан Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўз ихтиёрига олиш, ишончни сунистеъмом қилишда эса, унга топширилган гиёҳванд ёки психотроп моддаларни тасарруф этиш вақтидан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

Ўғрилик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш деганда, ҳуқуққа хилоф равишда яширинча давлат ёки жамоат ташкилотлари ёки уларга қонуний ёки ноқонуний эгалик қилиб турган хусусий шахслар мулкидан олиб, қайтармасликни тушуниш лозим.

Фирибгарлик билан қонунга хилоф равишда эгаллаш деганда, Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни алдов ёки ишончни сунистеъмом қилиш билан қўлга киритиш тушунилади.

4. ЖКнинг 271-моддаси 1-қисми **субъектив томондан** қасддан содир этилади. Айбдор қонунга хилоф равишда Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни эгаллашни англайди ва мазкур қилмишни хоҳлайди.

5. Жиноятнинг **субъекти** ун тўрт ёшга тўлган акли расо шахс ҳисобланади.

6. **ЖКнинг 271-моддаси 2-қисми**да Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда қуйидагича эгаллаш учун жавобгарлик белгиланган:

а) илгари Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан;

г) галончилик йўли билан;

д) мансаб мавқеини сунистеъмом қилиб;

е) тамагирлик йўли билан;

ж) куп микдорда содир этилган бўлса.

7. Шахс Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни сўнгги эгаллашидан аввал психотроп модда ёки Гиёҳвандлик воситаларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишини ташкил қилувчи жихатлардан бирини содир этган бўлса, бунинг учун судланган-судланмаганлигидан қатъи назар, айбдорнинг ҳаракатларини **ЖКнинг 271-моддаси 2-қисми «а» банди** бўйича квалификация қилиш лозим.

8. **ЖКнинг 271-моддаси 2-қисми «б» банди** Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш жинойтини содир этишда олдиндан тил бириктирган икки ёки ундан ортиқ шахс квалификация қилинади.

9. **Гиёҳвандлик воситалари**, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўзлаштириш деганда, шахсга сақлаш учун ишониб топширилган Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўз фойдасига ишлатиш учун сақлаб қолиши тушунилади.

Растрата қонунда кўрсатилган айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёридаги Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёхуд психотроп моддаларни унинг сотиш, истеъмол қилиш, совға қилиш, йўқотиш ёки бировларга беришида намоён бўлади.

10. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддаларни **талончилик йўли билан** қонунга хилоф равишда эгаллаш, жумладан, баданга енгил шикаст етказиш кўринишидаги зўрлик ишлатишсиз ёки ҳаёт учун хавфсиз зўрлик ишлатиш билан ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш тарзида тавсифланади.

11. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни **мансаб мавқеини суинистеъмол қилиш йўли билан** қонунга хилоф равишда эгаллаш ўз хизмат лавозимидан фойдаланиб, ўз мулкига ёхуд бошқалар мулкига айлантиришни билдиради.

12. Шарҳланаётган моддада **тамагирлик йўли билан** қонунга хилоф равишда эгаллик қилиш усули сифатида эгаллаш

Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни жабрланувчига ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан зўрлик ишлатиш билан, уларнинг мулкларига зарар етказиш ва нобуд қилиш ёки сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан таҳдид солиш ёхуд жабрланувчини мазкур моддаларни беришга мажбур қиладиган вазиятни яратиш тушунилади.

13. Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлишдаги кўп миқдор – тегишли давлат органи томонидан белгиланади.

14. **ЖК 271-моддасининг 3-қисмида** Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларга:

а) ўта хавfli рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатлари кўзлаб;

в) босқинчилик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаб олингани учун жавобгарлик белгиланган.

Шарҳланаётган жиноятнинг алоҳида квалификация қилиш белгиларининг дастлабки иккитасининг мазмуни ЖКнинг 270-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини таҳлил қилишда очиб берилган.

15. Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни **босқинчилик йўли билан** эгаллаш деганда, Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўғирлаш мақсадида ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli зўрлик ишлатиш ёки бундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган ҳужум тушунилади.

16. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, тамагирлик, босқинчилик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллашни ЖКнинг 271-моддаси ва бошқа тегишли моддалари билан, шунингдек, ўзганинг мулкани талон-торож қилишга оид ЖКнинг 271-моддаси санкциясидан оғирроқ бўлган бошқа тегишли моддалар билан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш керак.

Тергов органлари ва судлар Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан

мақсад нима эканлигини аниқлашлари зарур. Эгаллаш келгусида ўтказиш ёки сотиш учун амалга оширилганлиги аниқланган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш деб ҳам квалификация қилиниши керак¹.



272-модда. *(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги 832-1-сонли Қонуни билан чиқарилган – ЎР ОМА, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

273-модда. **Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш**

Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиш –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишлар озгинадан кўпроқ миқдорда содир этилган бўлса, –

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўррисида»ги 12-сонли қарори, 20-банд.

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

а) илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ жойларида;

г) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, студентлар ўқув, спорт ёки жамоат тадбирларини ўтказадиган бошқа жойларда содир этилган бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш ёки қайта ишлаш, шунингдек бундай воситаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангихоналар ташкил қилиш ёки сақлаш, шунингдек ушбу модданинг иккинчи ёки учинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

а) ўта хавfli рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга ҳилоф равишда сотиш –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ва прекурсорлар билан муомала қилишнинг белгиланган тартиби, шунингдек, аҳолининг соғлиғи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси 7-қисмига биноан, **гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши** деганда, Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек таркибида Гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштиришдир¹.

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи – бу халқаро-ҳуқуқий ва миллий давлат назорати ўрнатилган Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан ижтимоий хавfli ва қонунга ҳилоф равишда содир этиладиган қилмишларнинг йиғиндисидир.

2. Жиноятнинг **предметини** Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ва прекурсорлар ташкил этади. (*Жиноятнинг предмети тўғрисида батафсилроқ ЖКнинг 270-моддаси шарҳига қаранг*).

3. Жиноят **объектив томондан** Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг қонунга ҳилоф равишда муомаласида ифодаланади.

4. **Тайёрлаш** – Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмолга тайёр ҳолга келтирадиган, шунингдек, уларни қайта ишлаш ва бошқа ара-лашмалардан тозалашга қаратилган ҳаракатлардир.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813-1-сонли Қонуни, 3-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 210-модда.



Истеъмомлга тайёр бўлган ҳеч бўлмаганда бир дозадаги Гиёҳвандлик воситаси, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддасини тайёрлаган вақтдан бошлаб жиноят **тугалланган** ҳисобланади.

5. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда **олиш** деганда, уларни ҳар қандай усулда, жумладан, сотиб олиш, ҳадя ёки бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ёнқи қарэни узиш эвазига ўзаро ҳисобкитоб, шунингдек, бошқа товар ва ашёлар билан алмаштириш сифатида қабул қилиш, топиб олганда ўзлаштириш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар рўйхатига киритилган ёввойи ўсимликлар ёки уларнинг қисмларини териш, таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган экинлар йиғиштирилгандан сўнг кўриқланмай қолган майдонлардан уларнинг қолдиқларини териш ҳисобланиши лозим¹.

Гиёҳвандлик воситаси, уларнинг аналоглари ёки психотроп модда айбдорнинг эгалигига амалда ўтган вақтдан бошлаб жиноят **тугалланган** ҳисобланади.

6. **Сақлаш** деганда, шахснинг бундай восита ва моддаларга қонунга зид равишда эгалик қилиши (шу жумладан шахсан истеъмоли) билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий ер ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозим. Бунда шахс қанча вақт давомида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда сақлаганлиги аҳамият қасб этмайди².

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни сақлаш давомли жиноят бўлганлиги сабабли, жиноят тўхтатилган ёки айбдор айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиб келган вақтдан бошлаб жиноят **тугалланган** ҳисобланади. Бунда қонунга ҳилоф равишда сақлаш учун жавобгарлик, унинг давомийлигидан қатъи назар, келиб чиқади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 8-банд.

² Ўша манба, 6-банд.

7. **Қонунга хилоф равишда ташиш** деганда, уларни ҳар қандай транспорт туридан ёки ташиш воситаси сифатида қўлланилган қандайдир объектдан фойдаланган ҳолда бир жойдан бошқа жойга, шу жумладан, бир аҳоли пункти доирасида кўчириш, шунингдек, қайд этилган восита ва моддаларни бундай фаолият тури билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик шахсларнинг масъул шахслари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибни бузган ҳолда ташиш тушунилиши лозим¹.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ташишни уларни йўлов вақтида сақлашдан фарқлаш учун айбдор қасдининг йўналтирилганлиги, транспорт воситасидан фойдаланиш мақсади, миқдори, ҳажми ва Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналогларининг жойлашган жойини инобатга олиш лозим. Хусусан, шахс томонидан, шахсий истеъмол мақсадида Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналогларини йўлда сақлаш ҳолатларини ноқонуний ташиш деб топиш мумкин эмас.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш бошланган вақтдан эътиборан ташиш **тамом бўлган** ҳисобланади.

8. **Қонунга хилоф равишда жўнатиш** деганда, шахснинг почта алоқаси, хаво ёки бошқа транспорт туридан фойдаланиб, уларни почта жўнатмалари, посылкалар ёки юк (багаж) сифатида, шунингдек, ўзи бевосита иштирок этмаган ҳолда бошқа шахс орқали қонунчиликда белгиланган тартибни бузган ҳолда кўчиришга қасддан қаратилган ҳаракатлари тушунилиши лозим².

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ҳар қандай усулда жўнатган вақтдан бошлаб жўнатиш **тамом бўлган** ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 9-банд.

² Ўша манба, 10-банд.

9. **Гиёҳвандлик воситалари**, уларнинг аналоглари **ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш** деганда, уларни ҳақ эвазига ёки текинга ҳар хил усулда таркатиш (ўзгага бериш, ҳадя қилиш, бошқа шахсга инъекция юбориш, сотиш ва хоказолар) тушунилади¹.

Харидор билан муайян келишувнинг мавжуд бўлиши, Гиёҳвандлик воситаси, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддасининг анча миқдорда мавжуд бўлиши, уларни истеъмол қилмайдиган шахс томонидан тайёрланиши, қадоқланиши, олинishi, шахсда мазкур моддаларни ўтказишга қасди мавжудлигидан далолат беради.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар бошқа шахснинг эгалигига амалда ўтган вақтдан бошлаб **ўтказиш тугалланган** ҳисобланади.

Бир шахс томонидан бошқасига гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни инъекция (укол) қилиш, агар мазкур восита ёки модда истеъмолчининг ўзига тегишли бўлса ва инъекция унинг илтимосига кўра қилинган бўлса, қонунга хилоф равишда ўтказиш деб баҳоланиши мумкин эмас².

10. Агар айбдор томонидан била туриб Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ниқоби остида қандайдир бошқа моддалар ўтказилса, сотилса, бундай ҳаракатлар фирибгарлик сифатида ЖКнинг 168-моддаси билан, олувчининг ҳаракатлари эса Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни олишга суиқасд қилиш тариқасида ЖКнинг 25-моддаси 1-қисми ва 273-моддаси билан квалификация қилиниши керак.

11. Агар шахс ўтказилаётган воситалар ёки моддаларга нисбатан фактик хатога йўл қўйган бўлса, унинг ҳаракатлари Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларини ўтказишга суиқасд деб квалификация қилиниши

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга онд жиноят ишлари бўйича суд амалиёти туррисиди»ги 12-сонли қарори, 6-банд.

² Ўша жойда.

керак. Олувчилар ҳам, қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни олишга суиқасд қилиш учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

12. Бу жиноятларни квалификация қилишда ўтказилган (сотилган) Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг миқдоридан келиб чиқиш керак. **ЖК 273-моддасининг 1-қисми бўйича шахсни жинойий жавобгарликка тортишнинг зарурий шarti** ЖКнинг 273-модда 1-қисмида белгиланган қилмишни оз миқдорда содир этиш ҳисобланади.

Айбдор томонидан Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг фақат бир қисми сотилиб, қолгани аниқланган ва олиб қўйилган ҳолларда, бундай восита ёки моддаларнинг миқдори уларнинг умумий миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

13. Жиноят **субъектив томондан** қасдан содир этилади. Айбдор гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар тайёрлаётганлигини, сотиб олаётганлигини, сақлаётганлигини, ташиётганлигини ёки жўнатаётганлигини англайди ва шундай қилишни хоҳлайди.

Ўтказиш мақсади шарҳланаётган жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади ва унинг исботланмаганлиги қилмишни ЖКнинг 276-моддаси билан квалификация қилишни белгилаб беради.

14. Айбдорда қонунга хилоф равишда тайёрланган, олинган, сақланаётган Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсади борлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда (Жиноят кодекси 273-моддаси) судлар бу восита ёки моддалар ҳақиқатан ҳам ўтказиш учун тайёрланганлигини намоён этувчи далиллар мажмуига асосланмоқлари лозим. Масалан, Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни маълум ўлчамда қадоқланганлиги, ташиш ёки жўнатишда уларни махсус махфий жойга яширилганлиги, Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, айбдорнинг ўзи

банги эмаслиги тўғрисида экспертиза хулоса берганлиги ва ҳоказолар. Ишнинг аниқланган ҳақиқий ҳолатларига қараб айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25-моддаси ва 273-моддасининг 5-қисми билан квалификация қилиниши керак¹.

15. Жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс ҳисобланади.

16. **ЖК 273-моддасининг 2-қисмида** биринчи қисмда назарда тутилган қилмишлар озгинадан кўпроқ миқдорда содир этилгани учун жавобгарлик белгиланган. *(Озгинадан кўпроқ миқдорда тушунчаси мазмуни ЖКнинг 271-моддасига шарҳнинг 14-бандида баён қилинган).*

17. **ЖК 273-моддасининг 3-қисмида** 1 ёки 2-қисмда келтирилган қилмишларни:

а) илгари Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ўташ жойларида;

г) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, студентлар ўқув, спорт ва жамоат тадбирларини ўтказадиган бошқа жойларда содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Юқоридаги квалификация қилинадиган ҳолатларнинг мазмуни Жиноят кодексининг 127, 270, 271-моддаларида назарда тутилган жиноят таркибларини кўриб чиқишда шарҳланган.

18. **Шарҳланаётган модданинг 4-қисмида:**

– Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш ёки қайта ишлаш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 25-банд.

– Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун банғихона ташкил қилиш ёки сақлаш;

– иккинчи ва учинчи қисмда назарда тутилган қилмишлар:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини қўзлаб содир этилган ҳолатлар учун жавобгарлик белгиланган.

19. Биринчи ҳолатда, махсус махфий лабораторияларда, илмий-тадқиқот институтлари лабораторияларида, бошқа муассасаларда воситалар, асбоб-ускуналар, прекурсорлардан фойдаланган ҳолда Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш ёки қайта ишлаш тушунилади.

Қайта ишлаш деганда, бир ёки бир нечта Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалардан иборат қаттиқ ёки суюқ аралашмани бегона қўшимчалардан тозалаш ёхуд бундай қоришмаларда кўрсатилган восита ва муддатлар концентрациясини оширишни тушуниш лозим.

Шунингдек, айбдорнинг, истеъмол учун тайёр бўлган бир ёки бир қанча Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни олиш мақсадида, қаттиқ ёки суюқ қоришмада Гиёҳвандлик воситаси, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддасининг концентрациясини камайтиришга қаратилган ҳаракатлари ҳам қайта ишлаш деб баҳоланиши керак.

Амалиётнинг кўрсатишича, аксарият ҳолларда, ўсимлик хомашёси қайта ишланади. Мазкур хомашёни қайта ишлаш элаш, қуритиш, майдалаш, пресшлаш, буғлаш ва х.к.ларни камраб олиши мумкин.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш ёки қайта ишлашда ифодаланадиган жиноят истеъмолга тайёр бўлган Гиёҳвандлик воситаси, уларнинг

аналоглари ёки психотроп моддасинининг бир дозаси олинган вақтдан бошлаб **тамом бўлган** ҳисобланади.

20. **Бангихона** деганда Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатишга мулжалланган турар ва нотурар жойларни тушуниш керак.

Бангихонани ташкил қилиш деганда, уни тузишга қасддан қаратилган ҳаракатлар, масалан, турар-жой ёки нотурар-жой кидириш, сотиб олиш ёки ижарага олиш, уни таъмирлаш, ҳар хил ускуналар билан жиҳозлаш ишларини молиялаш ва кейинчалик бир неча шахс томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун фойдаланиш мақсадида содир этилган шунга ўхшаш ҳаракатлар тушунилиши лозим¹.

Шахснинг, бангихона тузилганидан сўнг уни мослаштириш ва ундан фойдаланишни таъминлашга қаратилган (таъмирлаш, тозалаш, жиҳозлаш ва ҳ.к.) ҳаракатлари бангихонани ташкил қилиш деб топилмайди.

Мазкур жиноят бангихона фаолият олиб борган-бормаганлигидан қатъи назар, уни ташкил қилишга қаратилган ҳаракатлар бевосита бошлангандан сўнг **туғалланган** ҳисобланади.

Бангихона сақлаш деганда, унинг ишлаб туришига қаратилган, яъни гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш учун ажратилган ва (ёки) мослаштирилган жойдан мақсадли фойдаланиш, бинодан фойдаланиш билан боғлиқ ҳаракатларни тўлаш бўйича қасддан содир этилган ҳаракатлар (ижара ҳақини тўлаш, мижозлар қатновини тартибга солиш, кўриклашни таъминлаш ва ҳ.к.) тушунилиши лозим².

Айбдорнинг ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бинолардаги жойларни мослаштириш бангихона сақлаш деб топилмаслиги лозим.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори. 26-банд.

² Ўша жойда.

Бангихонани сақлашга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар содир этилган вақтдан бошлаб бангихона сақлаш **туғалланган** деб топилади.

21. Ўта хавфли рецидивист ва уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб, деган белгилар ЖКнинг 270-моддасида назарда тутилган жиноятнинг шарҳида батафсил берилган.

22. **ЖКнинг 273-моддаси 4-қисми**да назарда тутилган жиноятнинг **субъектив томони** тўғри қасда ифодаланади. Айбдор Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда тайёрлаётган ёки қайта ишлаётганлигини ёхуд Гиёҳвандлик воситаси, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангихона ташкил қилаётганлигини ёки сақлаётганлигини англайди ва шуни истайди.

23. Айбдорнинг Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиши **ЖКнинг 273-модда 5-қисми** бўйича квалификация қилинади.

Сотиш деганда, Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ҳақ эвазига ўтказиш тушунилади. ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятнинг таркиби Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар кўп миқдорда қонунга хилоф равишда реализация қилинган ҳолларда вужудга келади.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда кўп миқдорда сотиш жинояти **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади.

24. **ЖКнинг 273-моддаси 6-қисми**да шарҳланаётган модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлик учун жазодан озод қилиш шarti мустаҳкамлаб қўйилган: ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади.

Кўрсатилган восита ва моддаларни **ихтиёрий равишда топшириш** деганда, амалда тасарруф қилиш имконияти

булган ҳолда, шахснинг ушбу моддаларни ўз ихтиёри билан ҳокимият вакилларига топшириши тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришига кўра: «Қонунга мувофиқ гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни ўз ихтиёри билан топширган шахс, агар топширилган восита ёки модда озгинадан кўпроқ миқдорни (ЖК 273-моддасининг олтинчи қисми) ёки кўп миқдорни (ЖК 276-моддасининг учинчи қисми) ташкил этмаса, суд томонидан жазодан озод қилинади»¹.

◆◆◆◆◆

274-модда. Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш

Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этиш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида;

в) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 28-банд.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **объекти** аҳолининг сихат-саломатлиги, жамоат хавфсизлиги соҳасида амал қиладиган ва кишиларнинг ақл-идрокига таъсир этадиган Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар билан муомала қилишнинг белгиланган тартибини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

2. Шарҳланаётган моддада жиноятнинг предмети мавжуд эмас, чунки жиноятнинг объекти сифатида намоён бўладиган ижтимоий муносабатлар таркибига Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари психотроп моддалар ва ақл-идроқка таъсир қиладиган бошқа моддалар кирмайди. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва қонунда кўрсатилган бошқа моддалар, бошқа шахсларни истеъмом қилишга жалб қилиш воситаси сифатида фойдаланилади.

3. Жиноятнинг **объектив томони** Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва ақл-идроқка таъсир қилувчи бошқа моддаларни истеъмом қилишга ҳар қандай усулда жалб қилишда ифодаланади.

Мазкур жиноятнинг объектив томони жинойи натижага – бошқа шахс томонидан Гиёҳвандлик воситаси, уларнинг аналоглари, психотроп ёки ақл-идроқка таъсир қилувчи бошқа моддаларни истеъмом қилишига эришишга қаратилган фаол хулқ-атворда (ҳаракат) ифодаланади.

4. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни **истеъмом қилишга жалб этиш** деганда, шахсда уларни истеъмом қилиш майлини уйғотишга қаратилган ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар (кўндириш, тавсия қилиш, маслаҳат бериш ва ш.ў.), шунингдек, таъсир ўтказилаётган шахс томонидан бундай восита ёки моддалар истеъмом қилиниши мақсадида алдаш, таҳдид қилиш, жисмоний зўрлик ишлатиш, озодлигини чеклаш ва ҳоказолар тушунилиши лозим. Жиноятни тугалланган деб топиш учун жалб этилаётган шахс гиёҳвандлик воситаси, психотроп ёки ақл-идроқка таъсир этувчи бошқа моддани ҳақиқатан ҳам истеъмом қилган

булиши талаб этилмайди. Бундай ҳолларда, айбдорнинг бошқа жиноят таркибини ташкил этувчи ҳаракатлари ЖК тегишли моддаси билан алоҳида квалификация қилинади¹.

Шу муносабат билан жалб этиш иккита асосий шаклда намоён бўлади: ишонтириш ва мажбурлаш. Ишонтириш ва мажбурлаш жалб этишнинг кўриниши бўла туриб, фойдаланилиши жиноят субъекти ўз ниятини – шахсни Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ва ақл-идрокка таъсир қилувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб қилишни амалга оширишга ҳаракат қиладиган усул, ҳаракат, методларда ифодаланади.

5. Ишонтириш йўли билан жалб қилиш рухий таъсирдан иборат бўлиб, бошқа шахсда Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва бошқа моддаларни таклиф, илтимос қилиш, маслаҳат, ваъдалар бериш, руҳлантириш, мазах қилиш, хушомад, мукофот ваъда қилиш (сотиб олиш) ва бошқа йўллар билан хошиш уйғотишдир.

6. Мажбурлаш йўли билан жалб қилиш рухий ёки жисмоний зўрлик ишлатиш бўлиб, у жабрланувчининг иродасини синдиришга йўналтирилгандир. Бундан мақсад – дўк-пўписа, кўркитув, алдов, эркини чеклаш, дўппослаш, калтаклаш, кийноққа солиш, ҳар хил даражадаги тан жароҳатлари етказиш ва бошқа зўрлик усуллари воситасида жабрланувчини қонунда кўзда тутилган моддаларни истеъмол қилишга мажбур этишдир.

7. Жисмоний зўрлик йўли билан жалб қилишда жабрланувчи баданига енгил ёки ўртача оғирликда шикаст етказилса, айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 274-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилинади. Бироқ жабрланувчига оғир шикаст етказилган тақдирда, айбдорнинг қилмиши жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 104-моддаси ва 274-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

8. Айбдорнинг бошқа шахсни Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки ақл-идрокка таъсир

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 29-банд.

қилувчи бошқа воситаларни истеъмол қилишга жалб этишга қаратилган, бевосита ишонтириш ёки мажбурлаш билан кечмаган ҳаракатлари жалб этиш деб квалификация қилинмайди (масалан, мазкур восита ва моддаларни бошқа шахслар олдида тайёрлаш, истеъмол қилиш, намонш қилиш ва ҳ.к.).

9. Жалб қилишнинг амалдаги давомийлиги турли омилларга боғлиқ: жалб қилиш шакллари, айбдор ишлатаётган усуллар; жалб этиш амалга оширилаётган шароитлар; айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатлар; жабрланувчининг Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки ақл-идроққа таъсир қилувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга мойиллиги ва бошқалар. Шу сабабли жалб этиш бир лаҳзалик акт бўлиши ҳам, нисбатан узок бўлган жараён бўлиши ҳам мумкин. Бирок, ҳуқуқий баҳо бериш учун бошида содир этилган, Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки бошқа моддаларни истеъмол қилишга бевосита қаратилган ишонтириш ёки мажбурлаш ҳаракатларининг юридик аҳамиятга эгаллигини инобатга олган ҳолда, уларнинг мавжудлиги шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли асос бўлади деб ҳисобласа бўлади.

10. Жиноят айбдор томонидан шахсни Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки инсоннинг ақл-идроқига таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилишга жалб этишга қаратилган ҳаракат содир этилган вақтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

11. Агар шахс кўрсатилган моддаларни истеъмол қилишга жалб қилиш билан бирга уларни ўтказган ёки уларни қонунга хилоф равишда эгаллаш ёхуд тайёрлаш, олиш, сақлаш, олиб ўтиш, жўнатишда ёрдам берган бўлса, унинг ҳаракатлари, ишнинг муайян ҳолатларига қараб, ЖКнинг 274 ва 271 ёки 273-моддалари мажмуи билан квалификация қилиниши лозим. Шахснинг, гиёҳванднинг илтимосига кўра, унга гиёҳванд моддаларни олишга ёрдам бериш ҳаракатлари жалб қилиш деб квалификация қилинмайди.

12. Ушбу моддада кўрсатилган ашёлар жиноят содир этиш **воситаси** ҳисобланади. (Гиёҳвандлик воситалари,

уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 270-моддаси шарҳига қаранг).

13. Жиноятнинг **субъектив томони** айбнинг тўғри қасд шаклида ифодаланади. Айбдор шахсни Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки инсоннинг ақл-идрокига таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилишга жалб этаётганлигини англайди ва шуни хоҳлайди.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади қилмишни ушбу модда билан квалификация қилишга таъсир қилмайди.

14. Ўн олти ёшга тулган ақли расо шахс жиноятнинг **субъекти** бўлади.

15. Вояга етган шахс вояга етмаган шахсни Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналоглари, психотроп ва ақл-идрокка таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб қилган ҳолатларда қилмиш ЖКнинг 127-моддаси бўйича квалификация қилинади.

16. Вояга етмаган шахснинг вояга етмаган шахсни Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ёки ақл-идрокка таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб қилишини ЖКнинг 274-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

17. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб қилишни ЖКнинг 273-моддасида жавобгарлик назарда тутилган бундай моддаларни ўтказишдан фарқлаш лозим. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни тарқатиш шакли сифатида ўтказиш, кўрсатилган восита ва моддаларни беғараз ёки ҳақ эвазига реализация қилишнинг ҳар қандай усулларини назарда тутати. Гиёҳвандлик воситаси, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддани сотиш, совға қилиш, қарзни қоплаш, қарзга бериш, алмаштириш ва ҳ.к.ларда ифодаланадиган оддий ўтказиш, ўз мазмунига кўра, айбдор бошқа шахсни Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларини истеъмол қилишга жалб этишда қўллайдиган усулларга мос келмайди, чунки охириги қилмиш Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни жалб қилишга қаратилган рухий таъсирни назарда тутиб, бундай хусусият ўтказишга тегишли

бўлмайди. Демак, ўтказиш жабрланувчини, унга ўтказилаётган Гиёҳвандлик воситаси, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддасини истеъмол қилишга ундаш мақсадида рухий таъсир қилиш билан боғлиқ бўлмаса, у фақат ЖКнинг 273-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини ҳосил қилади.

Мотив ва мақсад айбнинг мазмунини белгилаб беради. Ўтказувчи Гиёҳвандлик воситаси, унинг аналоглари ёки психотроп моддани реализация қилиш ва шу йўл билан моддий наф кўришни истайди, лекин шу йўл билан бошқа шахсни ушбу моддаларни истеъмол қилишга жалб этишни истамайди. Бироқ, жалб этиш ҳақ эвазига ўтказиш билан бирга келса, бу ҳол жиноятлар мажмуини ташкил қилади. Гиёҳвандлик воситасини, унинг аналогини бошқа шахсга зиёфат (ўтказиш) шаклида беғараз бериш ишонтириш ёки мажбурлаш (жалб этиш) билан бир вақтда амалга оширилганда ҳам қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

18. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни:

а) илгари Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида;

в) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутати.

19. Агар субъект илгари Жиноят кодекси Махсус қисмининг XIX бобида ёки ЖКнинг 127-моддасида назарда тутилган Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ўтказишдан иборат жиноятларнинг бирортасини содир этган бўлса, унинг ҳаракатлари, қилмиш учун судланган-судланмаганлигидан қатъи назар, **ЖК 274-моддаси 2-қисмининг «а» банди** бўйича квалификация қилинади.

20. Агар Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этадиган бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ўташ жойларида амалга оширилса, қилмиш **ЖК 274-моддаси 2-қисмининг «б» банди** бўйича квалификация қилинади.

21. Айбдорнинг икки ёки ундан ортиқ шахсларда Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш майлини уйғотишга қаратилган ҳаракатлари, бу ҳаракатлар бир неча шахсларга нисбатан бир вақтнинг ўзида ёки уларнинг ҳар бирига нисбатан турли вақтда содир этилганлигидан қатъи назар, ЖК 274-моддасининг 2-қисми «в» банди билан квалификация қилиниши керак¹.

◆◆◆◆◆

275-модда. Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Мазкур жиноятнинг **объекти** Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар билан муомалада бўлишнинг белгиланган қоидалари, аҳолининг соғлиғи, хавфсизлиги ҳисобланади.

2. Жиноятнинг **предмети** Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалардир.

3. Шархланаётган модданинг **объектив томони** Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 29-банд.

моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузиш билан тавсифланади.

4. Жиноий жавобгарлик тўғрисидаги масалани ҳал этишда норматив ҳужжатлардаги ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг қайси муайян қоидалари бузилганлиги, содир этилганлиги, айбдор қайси аниқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан мазкур қоидабузарликка йўл қўйганлигини белгилаш зарурлиги билан боғлиқ.

5. «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасига кўра, янги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқиш фақат давлат эҳтиёжлари учун буюртмага мувофиқ амалга оширилади ва бу иш давлат илмий-тадқиқот муассасаларига мазкур фаолият тури учун лицензияси бўлган тақдирда топширилади. Тиббий мақсадларда фойдаланиладиган янги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади¹.

Мазкур Қонуннинг 19-моддасига кўра, II рўйхатга киритилган гиёҳвандлик воситаларини қонунда белгиланган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари доирасида давлат корхоналари ва муассасалари томонидан, муайян гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун лицензиялари бўлган тақдирда, амалга оширилади.

III рўйхатга киритилган психотроп моддаларни қонунда белгиланган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш махсус ваколатли орган қарорига мувофиқ юридик шахслар томонидан, муайян психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун лицензиялари бўлган тақдирда, амалга оширилади.

IV рўйхатга киритилган прекурсорларни ушбу Қонунда белгиланган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813-1-сонли Қонуни, 18-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 210-модда.



Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари доирасида давлат корхоналари ва муассасалари томонидан, муайян прекурсорларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун лицензиялари бўлган тақдирда амалга оширилади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқариш ва тайёрлашни амалга оширувчи юридик шахслар қонунчиликка мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилади¹.

6. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш махсус ажратилган ва жиҳозланган жойларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда, юридик шахслар томонидан, мазкур фаолият тури учун лицензияси бўлган тақдирда амалга оширилади².

7. Қонуннинг 14-моддасига кўра, Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни бериш, реализация қилиш ва тақсимлаш махсус ваколатли орган белгилаган тартибда, юридик шахслар томонидан, муайян фаолият турлари учун лицензиялари бўлган тақдирда, амалга оширилади.

8. Қонуннинг 12-моддасига кўра, Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб киришга (олиб чиқишга) лицензия, шунингдек, олиб кириш (олиб чиқиш) ҳуқуқи тўғрисида махсус ваколатли орган томонидан бериладиган сертификат бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни махсус ваколатли орган руҳсатисиз Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказиш тақиқланади.

9. Қонуннинг 16, 17-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш махсус ваколатли орган

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813-1-сонли Қонуни. 19-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил, 9-сон, 210-модда.

² Ўша мавза. 13-модда.

белгилаган тартибда, юридик шахслар томонидан, муайян фаолият тури учун лицензияси бўлган тақдирда, амалга оширилади. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни почта жўнатмаларида, шу жумладан, халқаро почта жўнатмаларида жўнатиш тақиқланади, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10. Белгиланган қоидаларнинг бузилиши юқорида келтирилган норма ва қоидаларнинг амал қилмаслигида. шунингдек, Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалардан фойдаланиш ва уларни реализация қилиш устидан назорат амалга оширилмаганлигида ифодаланади.

11. Жиноятнинг **субъектив томони** айбнинг қасд ёки эҳтиётсизлик шакли билан тавсифланади. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

12. Жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тўлган, уларга топширилган иш юзасидан Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддаларнинг ишлаб чиқарилиши, сақланиши, чиқарилиши, ҳисоби, олиб ўтилиши, ташилиши, жўнатилиши қоидаларига амал қилиши шарт бўлган шахслар ҳисобланади.

276-модда. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) кўп миқдорда;

б) илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса, – уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар олиб сотилиши соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳамда аҳоли соғлиғи ва хавфсизлиги ҳисобланади.

2. Жиноятнинг **предмети** – Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалардир.

3. Жиноят **объектив томондан** қуйидаги қилмишлардан бирини содир этишда ифодаланади, яъни Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни:

– ишлаб чиқариш;

– сақлаш;

– эгаллаш;

– ташиш;

– жўнатиш. *(Бу тушунчалар тўғрисида ЖКнинг 273-моддаси шарҳига қаранг).*

4. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъектив томони** айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Шахс қонунга ҳилоф равишда Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни тайёрлаётганлигини, сотиб олаётганлигини, сақлаётганлигини ва бошқа ҳаракатлар содир этаётганлигини англайди ва мазкур қилмишларни хоҳлайди.

5. Ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс жиноятнинг субъекти бўлади.

6. ЖКнинг 276-моддаси 2-қисмида Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадисиз тайёрлаш, сақлаш, сотиб олиш, ташиш, жўнатиш:

а) кўп миқдорда;

б) илгари Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилганлиги учун жинойий жавобгарлик белгиланади.

7. «Кўп миқдор» (ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми «а» банди) ва «илгари Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс» (ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми «б» банди) тушунчалари мазмуни ЖКнинг 270 ва 271-моддасида назарда тутилган жиноятлар таркиби таҳлилида кўриб чиқилган.

8. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилиш тўғрисидаги норма ЖКнинг 276-моддаси 3-қисмида берилган.

XX боб. ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

277-модда. Безорилик

Безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса, —

базавий хисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Безорилик:

а) баданга уртача оғир шикаст етказиб;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан;

в) совуқ қурол ёки кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намойиш қилиб, уларни қўллаш билан қўрқитиб ёхуд қўллаб;

г) ўз мазмунига кўра умум эътироф этган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан;

д) ёш бола, қария, ногиронлиги бўлган шахс ёки ожиз аҳволдаги шахсларни хўрлаб;

е) кўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкани нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиб содир этилган бўлса, –

уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Безорилик:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) ўқотар қуролни намойиш қилиб, уни қўллаш билан қўрқитиб ёки қўллаб;

в) оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда;

г) жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноят **объекти** – жамоат тартиби, шахснинг жисмоний дахлсизлиги, соғлиги, шаъни, кадр-киммати, ўзганинг мулки хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар.

2. **Жамоат тартиби** деганда, жамиятдаги муносабатларни, хавфсизлик ва фуқаролар тинчлигини таъминловчи, ўзгалар мулкани сақлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, жамоат ва давлат ташкилотлари, корхоналар муассасалар, ташкилотларнинг бир меъёрда ишлашини таъминлашга қаратилган ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларига асосланувчи тартибни тушуниш лозим.

3. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми **объектив томондан** жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча миқдорда зарар етказишда ифодаланади.

4. **Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик** деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини (одамлараро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари, шаклланган ижтимоий турмуш тарзини) қўпол тарзда бузиш тушунилади¹.

5. **Жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик** мўлжалланмаган жойларда алкоголь ичимликларни ичиш, фуқароларга ҳақоратомуз муомала ва шилқимлик қилиш, уят сўзлар билан сўқиниш, жамоат жойларида очиқчасига ҳожат чиқариш, яланғоч ҳолда бўлиш, ҳайвонлар билан шафқатсиз муносабатда бўлиш, ўсимликларга зарар етказиш ва ҳоказоларда ифодаланади.

Қонун мазмунига кўра, айбдор ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини англаши керак. Бунда мазкур хатти-ҳаракатлар билан ва жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шарт. Сабабий боғланиш аниқланмаган ҳолда қилмиш шахсга ёки мулкка қарши қаратилган жиноят деб квалификация қилиниши керак².

Жамиятдаги юриш-туриш қоидаларининг бузилиш факти жиний жазоланадиган безорилик таркибини бермай, маъмурий ҳуқуқбузарликни келтириб чиқаради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 9-сонли қарори. 1-банд.

² Ўша манба, 1-банд, 3-хатбоши.



6. Судлар жиной жазоланадиган безориликни маъмурий жавобгарлик белгиланадиган майда безориликдан фарқлаши керак. Майда безорилик тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 183-моддасида келтирилган бўлиб, унинг мазмунига кўра, ушбу ҳуқуқбузарлик жамоат жойларида уятли сўзлар айтиш ёки шундай сўзлар билан сўкиниш, беҳаё қилиқлар кўрсатиш, одамларга нисбатан ҳақоратомуз шилкимлик қилиш ҳамда жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталигини бузиш каби жамиятда юриш-туриш қондаларини очикдан-очик менсимаслик ҳаракатларида ифодаланади. Бунда Жиноят кодекси 277-модда 1-қисмида кўзда тутилган жиной оқибатлар келиб чиқмаслиги керак. Гуруҳ томонидан содир этилган майда безориликни, агар уларнинг ҳаракатида ЖК 277-моддасининг 1-қисми белгилари мавжуд бўлмаса, ЖК 277-моддасининг «б» банди билан квалификация қилиш мумкин эмас.

Хавfli рецидивист томонидан содир этилган майда безорилик ҳам ўз-ўзидан жиной жавобгарликни келтириб чиқармайди. Агарда майда безорилик ҳаракатлари давом этиб, айбдорнинг кейинги ҳаракатлари шахсни уриш-дўппослаш, унга энгил тан жароҳати етказиш ёки мулкка анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш билан содир этилган бўлса, шахс маъмурий жавобгарликка тортилмасдан, фақат жиной жавобгарликка тортилади¹.

7. ЖК 277-модда 1-қисмида келтирилган қилмишни квалификация қилиш учун безорилик оқибатида жабрланувчига энгил шикаст етказилишининг ўзи етарли. Бунда тан жароҳати соғлигининг бузилишига олиб келганлиги аҳамиятга молик эмас.

Уриш-дўппослаш деганда, айбдор томонидан жамиятда юриш-туриш қондаларини қасддан бузиб, шахснинг баданига шикаст етказмаган ҳолда бир неча зарба бериш тушунилади².

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори, 1-банд, 2-хатбоши.

² Ўша манба, 1-банд.

Безориликни содир этишда баданга етказилган енгил шикаст сорликнинг бузилиши билан боғлиқ бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин.

(Мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 244-моддаси шарҳига қаранг).

8. Мазкур модданинг 1-қисмида назарда тутилган безорилик жинояти уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш, анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ бўлган жамиятда юриш-туриш қоидаларини бузиш вақтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

9. Безорилик **субъектив томондан** айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Мотив – безорилик ҳаракатлари бўлиб, субъект жиной қилмишнинг ўзидан, жамоат тартибининг бузилишидан роҳатланади, у жамоатчиликка, жамиятга зид ҳулқ-атворидан қониқиш ҳосил қилади.

Безорилик мотивининг моҳияти жиной қилмишнинг қандай предметга йўналтирилганлиги, қайси ижтимоий муносабатлар тизимида амалга оширилишидан қатъи назар, жамиятга бўлган ҳурматсизлик ва уни менсимасликда ифодаланади.

Жамиятга очикдан-очик ҳурматсизлик қилиш ижтимоий фикрга қарши қўйиш истаги у ёки бу шаклда бошқаларнинг кўз олдида жамоат тартибини менсимаслик, юклатилган жавобгарликка бефарқлик, маст ҳолда «жасорат» кўрсатиш, жабрланувчини қўрқитиш ёки камситиш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

10. Шарҳланаётган модданинг **1-қисмида** кўзда тутилган безориликнинг **субъекти** ўн олти ёшга тўлган, ақли расо шахсдир. Шарҳланаётган модданинг **2 ва 3-қисмларида** кўзда тутилган безориликнинг субъекти ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ҳам бўлади.

11. Шарҳланаётган модданинг **2-қисмида** безорилик қўйидагича содир этилганлиги учун жавобгарлик белгиланган:

а) баданга ўртача оғир шикаст етказиб;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан;

в) совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намоиш қилиб, уларни қўллаш билан кўрқитиб ёхуд қўллаб;

г) ўз мазмунига кўра умумэътироф этилган ахлоқ қоидаларини намоишкорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан;

д) ёш бола, қария, ногиронлиги бўлган шахс ёки ожиз аҳволдаги шахсларни ҳўрлаб;

е) кўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкини нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиб содир этилган бўлса.

12. Бир гуруҳ шахслар томонидан содир қилинадиган безорилик бирга ҳаракат қилаётган шахслар шарҳланаётган жиноятнинг объектив томонини бевосита содир этаётган иштирокчилигини ташкил этади, лекин иштирокчилик олдиндан тил бириктирмаган ҳолда содир этилади. Бундай ҳолларда иштирокчиларнинг безорилик содир этаётган бажарувчига кўшилиши кўзда тутилади.

13. Айбдор безориликни совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намоиш қилиб, уларни қўллаш билан кўрқитиб ёхуд қўллаб содир этса, унинг қилмишини ЖК 277-моддаси 2-қисми «в» банди бўйича квалификация қилиш лозим.

14. Совуқ қуроллар деганда шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши ишлатиш учун махсус мўлжалланган, суд-криминалистик экспертизаси хулосасига кўра совуқ қурол деб топилган предметларни тушуниш лозим. (*Совуқ қурол тушунчаси тўғрисида батафсил ЖКнинг 242-моддаси шарҳига қаранг*).

Шахснинг соғлиғига амалда шикаст етказиши мумкин бўлган бошқа нарсалар туркумига айбдор томонидан ўша мақсадларда безорилик ҳаракатлари давомида фойдаланилган ҳар қандай нарсалар киради.

Ҳаёт ёки соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган предметни **намоиш этиш** – безорилик ҳаракати жараёнида совуқ қурол ёки бошқа нарсаларни, уларни қўллаш таҳдиди



бор ёки йўқлигидан қатъи назар, жамоат олдидан кўрсатишдир. Бировнинг соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган совуқ қурол ёки бошқа нарсаларнинг безорилик хатти-ҳаракати жараёнида кўрсатилиши фактининг ўзиёқ жинойий қилмиш содир этилган деб ҳисоблаш учун етарлидир¹.

Совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни **қўллаш ёки қўллаш таҳдиди** деганда, айбдорнинг бошқа шахс ёки шахсларга совуқ қурол ёки объектив равишда соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган бошқа нарсаларни қўлламоқчи эканлигини айтиши ёки уларни намойиш қилиши тушунилади. Таҳдид қуролни ёки бошқа нарсаларни кўрсатиб ёки кўрсатмасдан ҳам содир этилиши мумкин. Ушбу шаклдаги безориликни тугалланган деб ҳисоблаш учун айбдор ўз хулқи орқали ўзидаги совуқ қурол ёки қурол ўрнидаги нарсаларни қўллашга тайёр эканлигини кўрсатганлигини аниқлаш етарлидир².

15. **Ўтакетган беҳаёлик** деганда, жамиятда қабул қилинган ахлоқ қоидаларини, умум тан олинган ҳурмат, одоб қоидаларини менсимаслик, жамоат жойларида шахвоний табиатга эга ҳаракатларни намойишкорона қилиш, ҳожат чиқариш, кекса, ногирон, ожиз инсонлар, аёлларни, тарихий обидаларни таҳқирлашни тушуниш керак.

Безорилик ҳаракатларини ЖК 277-моддаси 2-қисмининг «г» банди билан квалификация қилишда суд айбдорнинг айнан қайси ҳаракатлари ўтакетган беҳаёлик деб баҳоланаётганлигини ҳукмда кўрсатиши шарт.

Безорилик ҳаракатларини ўтакетган беҳаёлик билан содир этилган деб топиш масаласини хал этиш чоғида суд ишнинг муайян ҳолатлари мажмуидан келиб чиқиши ҳамда содир этилган жиноятнинг хусусияти, вақти, жойи ва шарт-шароитларини инобатга олиши лозим³.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори. 4-банд.

² Ўша жойда.

³ Ўша манба, 6-банд.

16. **Хурлаш** деганда, айбдорнинг жабрланувчи шахснинг шаъни ва кадр-кимматини камситишга қаратилган ҳар қандай жисмоний азоб бериш ёки уни қийнаш тушунилади.

Қонун моҳиятига қўра, **ёш болаларга** ун тўрт ёшга тўлмаган шахслар киради.

Қария деганда, 55 ёшдан ошган аёл ва 60 ёшдан ошган эркак тушунилади.

Ногиронлиги бўлган шахс — ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс тушунилади¹.

Ожиз аҳвол деганда, жабрланувчининг шундай аҳволи тушунилиши керакки, бундай пайтда у ўзининг физиологик, жисмоний ёки руҳий ҳолати (жисмоний нуқсони, руҳияти бузилганлиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳушлик ҳолати, алкоголь, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар таъсирида ўта мастлик ҳолати)га қўра ўзини ўзи ҳимоя қилиш, айбдорга фаол қаршилик кўрсатиш ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини тушуниш ёки ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятига эга бўлмайди.

Ожизлик, жабрланувчининг жисмоний ёки руҳий носоғломлиги туфайли жиноятчига қаршилик кўрсата олмаслигида, ўз ҳуқуқлари, манфаатлари ва кадр-кимматини ҳимоя эта олмаслигида, шунингдек, кутилаётган хавфдан сақлана олмаслигида намоён бўлади.

Жиноий ҳаракатни ушбу банд билан квалификация қилиш учун айбдор шахс жабрланувчининг ёш болалиги, қариялиги, ногиронлиги ёки ожиз аҳволда эканлигини англаб етган бўлиши талаб этилади.

17. Қўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкини нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда содир

¹ Қараи: Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги ЎРҚ–641-сонли Қонуни, 3-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.10.2020 й., 03/20/641/1389-сон.

этилган безорилик ЖК 277-моддаси 2-қисмининг «е» банди билан қамраб олинади ва шунинг учун ҳам ушбу ҳолатни ЖК 173-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди. Худди шунингдек, безорилик оқибаотида ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, қилмиш ЖК 277-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилинишининг ўзи kifоёдир.

18. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида, безорилик:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) ўқотар қуролни намойиш қилиб, уни қўллаш билан кўрқитиб ёки қўллаб;

в) оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда;

г) жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

19. Айбдорнинг ҳаракатини ЖК 277-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан квалификация қилиш учун унинг безорилик ҳаракатлари давомида ўқотар қуролни намойиш қилганлиги фактининг ўзи етарлидир. Иш бўйича айбдор томонидан ўқотар қуролни қўллашга таҳдид қилинганлиги ёки қўлланилганлиги ҳолатлари жазо тайинлашда эътиборга олиниши лозим.

Ўқотар қурол тушунчасига баҳо беришда судлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 3-сонли қарорининг 2-бандида берилган тушунтиришларга амал қилишлари керак.

Шу билан бирга судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, айбдорнинг ҳаракатини ЖК 277-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан квалификация қилиш учун қурол жиноят содир этиш пайтида отишга яроқли деб топилган бўлиши шарт. Башарти, яроқсиз бўлса, безорилик ЖК 277-моддаси 2-қисмининг «в» банди билан квалификация қилиниши лозим.

Безорилик жиноятини содир этишда ишлатилган ёки намоёиш этилган ўқотар қурол тегишли рухсатномасиз айбдорнинг эғалигида бўлган бўлса, қилмиш ЖК 248-моддаси билан ҳам қўшимча квалификация қилинади¹.

20. Оммавий тадбирлар пайтидаги безорилик, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариш таҳдиди билан хавфлидир.

Оммавий тадбир деганда, белгиланган тартибда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ташкил этилган расмий тадбир (байрам сайллари, намоёишлар, митинглар, мажлислар, сайловлар, халқ ҳашарлари ва ҳоказо) лар тушунилади².

21. **Ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш** – қасддан уриш, енгил ёки оғир тан жароҳати, жисмоний оғрик етказишда ифодаланадиган фаол ҳаракатлардир.

Жамоат тартибини қўриқлаш вазифасини бажарувчи ҳокимият вакили ёки жамоатчилик ёхуд безорилик ҳаракатига қаршилик қилган фуқаро баданига ўртача шикаст етказишни келтириб чиқарган қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ безорилик ҳаракатлари ЖК 277-моддаси 3-қисми «г» банди билан квалификация қилиниб, Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Агар безорилик ҳаракатларини тўхтатиш чорасини кўраётган шахсга қаршилик кўрсатиш пайтида ишлатилган зўрлик натижасида айбдор томонидан яна бошқа оғир жиноят содир этилган бўлса, бу ҳол безорилик жинояти таркиби билан қамраб олинмайди.

Безорилик ҳаракатлари тугагандан кейин, шу жумладан айбдор ушлангандан сўнг кўрсатилган қаршилик, безорилик жиноятининг аломатларига хос ҳолат деб ҳисобланмаслиги ва бундай ҳолда қилмиш жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори, 8-банд.

² Уша жойда.

Маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган майда безорилик давомида жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият ёки жамоатчилик вакилига ёхуд бундай ҳаракатларни тўхтатиш чорасини кўрган фуқарога нисбатан қаршилик кўрсатилса, бундай қилмиш ЖК 277-моддаси 3-қисмининг «г» банди билан квалификация қилиниши мумкин эмас. Бу ҳолда айбдорнинг ҳаракатлари, кўрсатилган қаршиликнинг хусусиятига қараб, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддалари билан квалификация қилинади¹.

22. Ҳокимият вакили, жамоат тартибини қўриқлаш вазифасини бажарувчи жамоатчилик вакили ёки шу қилмишга қаршилик қилувчи бошқа фуқарога қаршилик кўрсатиш жараёнида оғир тан жароҳати етса, айбдорнинг қилмиши жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 104-моддаси бўйича квалификация қилинади.

23. Тергов органлари шахсни айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорида, айблов ҳулосасида, суд эса ҳукмда қайси аломатларга кўра айбдорнинг қилмиши ЖК 277-моддасининг тегишли қисми ва бандлари билан квалификация қилинганлигини аниқ кўрсатиши шарт.

Агар суд, айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловни оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий ҳолатга кўра айблов ҳулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асослар мавжуд, деган фикрга келса, жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтаради. Бу ўринда шуни назарда тутиш керакки, суд айбдорнинг ҳаракатини мазкур модданинг муайян қисмидаги бир банддан ўша қисмдаги бошқа бандга қайта квалификация қилишга ҳақли эмас.

24. Агар Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян моддаларида (ЖКнинг 277-моддасидан ташқари) безорилик, ўша жиноятни квалификация қилувчи алоҳида белги



¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори. 10-банд.

сифатида назарда тутилган бўлса, бу ҳолат қилмишни ЖКнинг 277-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни истисно этади (масалан, ЖК 104-моддасининг 2-қисми «е» банди, 97-моддаси 2-қисмининг «л» банди)¹.

25. Судлар айбдор қасдининг моҳияти ва у нимага қаратилганлигидан, содир этилган ҳаракатнинг мотиви, мақсади ва муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда безориликни бошқа жиноятлардан фарқлай олишлари керак. Жумладан, оилада, уйда қариндош-уруғ, таниш-билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар, агар улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққан бўлса ёхуд жабрланувчининг ножоиз хатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса, шахсга қарши жиноят деб баҳоланиши ва Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозим. Башарти, шахс ўз хатти-ҳаракатлари билан айни вақтда жамоат тартибини бузаётганлигини ва жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик қилаётганлигини ҳам яққол англаган бўлса, қилмиш безорилик сифатида квалификация қилинади ва шахсга қарши жиноятларни назарда тутувчи моддалар билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди².

26. Безорилик жинояти аксарият ҳолларда мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёхуд кишининг ақл идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида содир қилинишини инobatга олган ҳолда, судлар, алкоголизмга, Гиёҳвандликка ёки захарвандликка (таксикоманияга) йўлиққан шахсларга нисбатан, бу ҳақда ишда тегишли тиббий хулоса мавжуд бўлганда, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини ҳукмда муҳокама қилишлари лозим³.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори, 12-банд.

² Ўша манба, 13-банд.

³ Ўша манба, 15-банд.

278-модда. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга ҳилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш –

етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, уни кўпайтириш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича давлат томонидан тартибга солиниши, қимор ўйинларининг салбий оқибатларининг олдини олиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар. **Факультатив объект** сифатида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий асослари, шунингдек жамиятнинг маънавий негизлари иштирок этиши мумкин.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг **объектив томони** қонунга хилоф равишда қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлашда ифодаланади.

3. ЖК Махсус қисми VIII бўлимига асосан **қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин** – ўйин ташкилотчиси (ўйин муассасаси) томонидан бир ёки ундан ортиқ иштирокчилар билан тасодифга (вокеага) ва (ёки) ўйин иштирокчисининг қобилияти, эпчиллиги ва бошқа сифатларига боғлиқ ютуқ тўғрисида тузилган, таваккалчиликка асосланган битимга мувофиқ ўйин ташкилотчилари ва иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари мажмуини назарда тутувчи ўйин, шу жумладан, тотализаторлар, казино, шунингдек, ўйин автоматларидан фойдаланиладиган ўйин.

4. Бундай ўйинларни **ташкил қилиш** бир ёки бир қанча шахсларнинг уларни ўтказиш учун зарур бўлган шароитларни яратишга қаратилган ҳаракатлар мажмуини ташкил қилади (қиморхона ходимларини танлаш, унинг ташкилий таркибини ишлаб чиқиш, тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиш нияти бўлса, устав ҳужжатларини тайёрлаш, молиявий масалаларни ҳал қилиш, қиморхонани ўйин ўтказиш учун махсус жиҳозлар билан таъминлаш, ходимларни махсус кўникмаларга ўргатиш ва ҳ.к.).

5. Қимор ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни **ўтказиш** – ўйин ўтказишнинг ноқонуний хоналари ёки қиморхоналардан белгиланган мақсадда фойдаланиш ёхуд ўйинчилар эҳтиёжларини бошқача шароитларда қондириш

(масалан, Интернетда, телекоммуникация тизимларида ва ҳ.к.) Таваккалчиликка асосланган ўйинларни ўтказиш ўйинга чипталар тарқатиш, ставкалар қабул қилиш, совринлар фондини ташкил қилиш ёки тақсимлаш ва ҳ.к. каби комплекс тадбирларни қамраб олиши мумкин.

6. Қилмишни **ЖКнинг 278-моддаси 1-қисми** билан квалификация қилиш учун қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ўтказиш ноқонуний бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 28 мартдаги ПҚ-608-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш, ноқонуний қимор ўйинларини ташкил этишга ҳамда уларга ўсмирлар ва ёшларни жалб этишга қўмақлашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш, қимор бизнесининг ривожланиши салбий оқибатларининг олдини олиш, ноқонуний қимор ўйинлари ташкилотчилари ва қатнашчиларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра 2007 йил 1 сентябрдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни (шу жумладан, тотализаторлар) ташкил этиш ва ўтказиш (тиражли, бир лахзали ва рақамли лотереялардан ташқари), қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар курсатиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига пул ютуғига эга бўлган ўйин автоматларини олиб кириш тақиқланган¹.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 августдаги «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 176-сон қарори, 1-банди // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 33–34-сон, 344-модда.



Шундай қилиб, лотереялардан бошқа, қуриб чиқилаётган ўйинларни ташкил қилиш ёки ўтказиш фактининг ўзи ноқонуний ҳисобланади. Лотереяларни ташкил қилиш ва ўтказиш, лицензиялаш тартиби бузилгандагина ноқонуний бўлади. Қонунга мувофиқ, биринчи навбатда, лотереяларни ўтказиш учун лицензия олиниши шарт бўлган рухсат бериш тартибига риоя қилинган бўлиши керак. Иккинчидан, лицензияловчи орган томонидан ўрнатилган, ўйинларни ўтказиш шартларига риоя қилинган бўлиши шарт.

7. **Қиморхона** деганда, пул ёки бошқа қимматликлар, мулкӣ ёки бошқа манфаатларга асосланган ҳар қандай ўйин ўтказишга мўлжалланган хона тушунилади.

Қиморхонанинг зарурий белгиси номаълум шахслар гуруҳи томонидан иштирок этиш, шунингдек, қиморхонанинг доимий ишлаб туриши ҳисобланади.

Қиморхона ташкил этиш деганда, қиморхона очиш ва уни ишлатишга йўналтирилган ҳар қандай ташкилий ҳаракатларни тушуниш керак. Бундай ҳаракатлар хона излаш, уни махсус жиҳозлаш (мебель, ўйин мосламалари билан), мижозларни излаш, унда хизмат кўрсатадиган шахсларни кидириш ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

Қиморхонани сақлаш деганда, қиморхона ишлаб туришини таъминлашни, уни доимий иш билан таъминлашни (таъмирлаш, кўрикчилар билан таъминлаш ва ҳоказоларни) тушуниш лозим.

8. ЖКнинг 278-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят, диспозицияда кўрсатилган ҳар қандай ҳаракатни содир этган пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

9. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъектив томони** айбнинг қасд шакли билан тавсифланади.

Жиноят содир этиш мотиви ва мақсади жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

10. Жиноятнинг **субъекти** фақат ун олти ёшга тулган, қиморхона ташкил этган ва уни таъминловчи шахслар бўлиши мумкин. Қиморхона мижозлари жиноят субъекти бўла олмайди.



11. **ЖК 278-моддасининг 2-қисмида** ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб.

12. **ЖК 278-моддасининг 3-қисмида** назарда тутилган жиноятнинг объектив томони, вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилганлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида яна шундай ҳаракат содир этишда ифодаланади.

13. **ЖК 278-моддасининг 3-қисмида жалб қилиш** деганда, вояга етмаган шахсни қимор ёки таваккалчиликка асосланган ўйинларда иштирок этишга ундашга қаратилган фаол ҳаракатлари тушунилади. Одатда, бундай вазиятда жалб этиш ишонтириш йўли билан амалга оширилиб, ўсмирда ўйинда иштирок этиш иштиёқини ўйғотиш ва кейинчалик ўйинга бўлган руҳий қарамликни келитириб чиқаришни кўзлайди.

Жалб этиш вояга етмаган шахсда ўйнаш истагини ўйғотишга ҳаракатлар бошланган вақтдан эътиборан ёки бу ҳаракатларни унинг ихтиёрига зид равишда содир этишга мажбурлаш вақтидан бошлаб **тамом бўлган** ҳисобланади. ЖК 278-моддасининг 3-қисми билан квалификация қилиш учун жабрланувчи илгари ҳам қимор ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этганлик фактининг аҳамияти йўқ.

Шунингдек, кўриб чиқиладиган норма маъмурий преюдицияга эга эканлигини ҳам назарда тутиш лозим, яъни шахс, аввал бир йил давомида айнан ўхшаш ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 191-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлсагина, у жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин.

14. **Субъектив томондан** вояга етмаган шахсни қимор ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор шахсни ўйнашга ундаётганлигини англайди ва истайди. Қилмишни квалификация қилиш учун мотив ва мақсаднинг аҳамияти йўқ.

15. **ЖКнинг 278-моддаси 4-қисмида** назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** қимор ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тизимларида хизматлар кўрсатиш, жумладан, Интернет тизими провайдерлари томонидан, тегишли дастурий таъминотларни тиражлаш, кўпайтириш, тарқатиш учун маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин, шундай ҳаракатларни содир этишда ифодаланади.

16. **Телекоммуникациялар тизими** ҳисоблаш техникаси ёрдамида руҳсат олинishi мумкин бўлган алоқа линиялари бўйича маълумотларни ўтказишга мўлжалланган технологик тизимдир.

ЖК 278-моддасининг 4-қисми маъносида телекоммуникация тизимларида хизматлар кўрсатиш деганда, қимор ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар тўғрисидаги маълумотларни фойдаланувчига етказиш бўйича (ахборот хизмати) ахборотлаш фаолияти, шунингдек электрон алоқа бўйича почта жўнатмалари ёки хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш, бериш ва етказишни (алоқа хизмати) тушуниш мумкин.

Интернет тармоғи ягона адрес ҳудуди ёрдамида қисмлари ўзаро мантиқий боғланган глобал ахборот тизими ҳисобланади. Интернет ўзаро борлиқ бўлган компьютер тизимларидан ташкил топган бўлиб, компьютерларга, электрон почтага, эълонлар тахтасига, маълумотлар базасига ва мунозара гуруҳларга масофадан туриб уланиш имкониятини беради.

Провайдер – бу ахборот технологиялари соҳасида хизмат кўрсатадиган шахс (фирма).

Интернет тармоғига кириш бўйича, хусусан, телекоммуникация операторлари орқали ва серверларни яратиш ва қўллаб туриш бўйича хизматлар кўрсатадиган юридик шахслар **Интернет провайдерлари** деб тан олинishi мумкин.

17. Дастурлардан фойдаланиш учун зарур бўлган маълумот ва дастурий ҳужжатларни қайта ишлаш тизими дастурларининг мажмуи **дастурий таъминотни** ташкил қилади. (*Дастурий таъминот тўғрисида батафсилроқ ЖКнинг 278³-моддаси шарҳига қаранг*).

Қимор ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш ёки ўтказиш учун дастурий таъминотни тиражлаштириш деганда маълумотлар блокининг илк бор битта нусхасида амалга оширилган ўзгартиришларни бошқа нусхаларга кўчириш технологиясини тушуниш лозим. Бунда базанинг барча қисмларида маълумотларни бир вақтда ўзгартиришни назарда тутувчи синхрон тиражлаш ва маълумотларни навбат билан ўзгартиришни назарда тутувчи асинхрон тиражлашни фарқлаш лозим.

Тиражлаш, кимор ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш ёки ўтказиш учун ҳеч бўлмаганда бир нусхадаги дастурий таъминот ўзгартирилган пайтдан бошлаб, **тамомланган** ҳисобланади.

Мазкур дастурий таъминотни **кўпайтириш** унинг нусхаларини кўпайтиришни назарда тутуди.

Кўпайтириш, тегишли дастурий таъминотнинг ҳеч бўлмаганда битта янги нусхаси яратилганда **туғалланган** ҳисобланади.

ЖК 278-моддасининг 4-қисми мазмунидаги **тарқатиш** номаўайян доирадаги шахсларга ҳар қандай моддий кўринишда ифодаланган дастурий таъминотдан фойдаланиш имкониятини яратишга қаратилган ҳаракатлардир. Бунда тарқатиш усуллари турлича бўлиши мумкин (тармоқдан фойдаланиш усули, сотиш, ҳадя қилиш, ижарага бериш, қарз эвазига бериш ва ҳ.к.) ва квалификацияга таъсир қилмайди.

Қимор ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказиш ёки ташкил қилишга қаратилган дастурий таъминотни тарқатиш, мазкур маълумот ҳеч бўлмаганда битта шахс томонидан олинган вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

18. ЖК 278-моддасининг 4-қисми конструкцияси ҳам маъмурий преюдицияга эга.

19. **Субъектив томонидан** ЖК 278-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

20. Мазкур жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ақли расо шахслар бўлиши мумкин.



XX¹ боб. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

Ш А Р Х

Илмий-техника тараққиётининг ривожланиши, ҳўжалик ва бошқарув фаолияти кенг миқёсда компьютерлаштирилиши компьютер ахборотининг мавжудлиги ва эмал қилиши, шунингдек, ЭҲМдан фойдаланиш соҳасида турли сунистеъмоллар вужудга келиши билан бирга юз бердики, бу жисмоний ва юридик шахслар, жамият ва давлатнинг маълумотларни автоматлаштирилган усулда қайта ишлаш борасидаги қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларининг бузилишига олиб келди. Айни ҳол ахборот технологиялари соҳасида юз бераётган жараёнларни жиноят-ҳуқуқий тартибга солишни талаб қилди. Бунинг натижаси ўлароқ, ЖКга компьютер жиноятлари учун жавобгарликни белгиловчи бутунлай янги боб киритилди¹.

278¹-модда. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш

Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, яъни белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан руҳсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланидиган манфаатларига ёхуд давлат ёки

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга ҳилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ўРК-137-сонли Қонуни, 1-модданинг 2-банди // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сон, 607-модда.

жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. **Ахборотлаштириш** – юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни¹.

2. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш жиноятининг **бевосита объекти** компьютер хавфсизлигини (компьютер ахборотининг дахлсизлигини), шунингдек, маълумотларни қайта ишлаш автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш тартибини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлардир. **Қўшимча бевосита объект** сифатида бу ерда фуқароларнинг шахсий ёки мулкӣ манфаатларини ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларини қўриқлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар амал қилади.

3. **Компьютер ахбороти** – бу ЭҲМ, ЭҲМ системаси ёки уларнинг тарморида мавжуд бўлган ва ЭҲМ ёрдамида қайта ишланиши мумкин бўлган у ёки бу фактлар, шахслар, воқеалар, жараёнлар ҳақидаги ахборот.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560-И-сон Қонуни, 3-модданинг 2-хатбошиси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 6-сон, 67-модда.

Ахборот – манбалар ва уларни тақдим этиш шаклидан катъи назар, шахслар, объектлар, фактлар, ходисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар¹ деб таърифланади.

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунда мазкур атама билан бир хил мазмунда бўлган бошқа тушунча – «**ахборот ресурси**» тушунчаси қўлланилади. У ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базасини англатади².

4. Ахборот (маълумотлар) хавфсизлиги деганда, куйидагилар тушунилади:

«1) Ахборот (маълумотлар)нинг ахборот эгасига зиён етказувчи тасодифий ёки қасддан содир этилган таъсирларга (тахдидларга) қаршилик кўрсатиш интеграл хоссаси. Ахборот (маълумотлар) хавфсизлиги махфийлик, яхлитлик ва очиқлик даражаси билан тавсифланади.

2) Ахборот (маълумотлар)нинг ахборот (маълумотлар) чиқиб кетиши, сохталаштирилиши, нусха кўчирилиши, модификациялаштирилиши, ошкор этилиши, бузилиши, тўсилишига олиб келувчи рухсатсиз тасодифий ёки қасддан содир этиладиган ҳаракатлардан химояланганлиги»³.

5. Компьютер ахбороти ўз идентификация атрибутларига эга бўлган алоҳида файл, дастур ёки маълумотлар базасида жамланади ва ЭҲМда, ундан алоҳида машина манбаларда, компьютер тизимлари ёки тармоқлар қурилмаларининг хотираларида сақланиши мумкин.

6. Машинадаги ахборот жисмлари – ахборотни электрон-хисоблаш техникаси воситаларида акс эттириш, сақлаш ва ўқишнинг имконини берувчи физик хоссаларга (шу жумладан, физик майдонларга) эга бўлган нарсалар ва қурилмалар (ё

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги 439-П-сонли Қонуни, 3-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 2-модда

² Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560-П-сон Қонуни, 3-модданинг 3-хатбошиси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 6-сон, 67-модда.

³ Қаранг: Тармоқ стандарти. «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ахборот хавфсизлиги. Атамалар ва уларнинг таърифлари». TS1 45.010:2002. – Т.: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги. – 2-б.

ЭҲМ таркибий қисми, ё унинг периферия қурилмаси элементи ҳисобланган магнит дисклар, магнит тасмаси, жамғарувчи юмшоқ магнит диск (дискета), компакт-диск ва бошқ.).

7. **ЭҲМ (электрон-ҳисоблаш машинаси)** – бу «символли ва образли ахборот устида дастур ва (ёки) фойдаланувчи буюрган операцияларни (ахборотни қайта ишлаш ва қурилмаларни бошқариш борасидаги ҳаракатлар кетма-кетлигини) бажариш, шу жумладан, уни киритиш-чиқариш, йўқ қилиш, нусха кўчириш, модификациялаштириш, ЭҲМ тармоғида ахборотни узатиш ва бошқа ахборот жараёнларини амалга оширишнинг имконини берувчи электрон қурилмалар мажмуи»¹.

ЭҲМ қаторига интеграциялаштирилган тизимлар (ноанъанавий мазмундаги компьютерлар – уяли телефон аппаратлари, пейжерлар, электрон назорат-касса машиналари, электрон банкоматлар ва пластик ҳисоб-китоб карточкалари билан ишловчи терминаллар)ни ҳам киритиш лозим.

Жумладан, уяли телефон тармоғига компьютер тармоғи сифатида қаралиши мумкин бўлиб, унинг таркибий қисмлари сифатида уяли телефон аппаратлари, базавий станциялар, коммутатор ва контролер амал қилади. Бунда микропроцессорли қурилма ҳисобланган уяли телефон аппарати симсиз тармоқнинг узоқдаги иш жойи сифатида, марказий контролер эса, файл ва коммуникацион сервер сифатида амал қилади. Бундай тармоқнинг иш тизими компьютер техникасига ва марказий компьютер (контролёр, коммутатор) ҳамда периферия қурилмалари (уяли телефон аппаратлари) ўртасида юзага келадиган ахборот алмашинувига асосланади.

Пейжинг тизимига ҳам айнан шундай тармоқ сифатида қаралиши мумкин, фарқи шундаки, пейжер узоқдаги терминал ҳисобланади². Шу сабабли уяли алоқа ва пейжинг

¹ Крылов В.В. Информационные компьютерные преступления. – М.: ИНФРА М-НОРМА, 1997. – 32-б.

² Преступления в сфере компьютерной информации: квалификация и доказывание: Учебное пособие / Под ред. Ю.В. Гаврилина. – М.: ЮИ МВД РФ, 2003. – 31-32-б.

тармоқларидаги ахборотга ЖК «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар» деб номланган ХХІ боби моддалари татбиқ этилади.

8. ЭХМ тизими (ҳисоблаш тизими, ахборот-ҳисоблаш тизими, компьютер тизими) – «периферия қурилмалари ва дастурий таъминотнинг предмет ёки функционал белгига кўра ҳосил бўладиган, ахборотни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва бериш жараёнларини автоматлаштириш учун мўлжалланган ва аниқ амалий (тор ихтисослаштирилган) вазифаларни ёки вазифалар спектрини мазкур тизим учун умумий бўлган ахборот ресурсларида ечиш мақсадида юксак даражада самарадорликка эришишга ёки ҳисоблаш техникаси воситаларининг ишончлилиқ даражаси, қуввати ва тез ишлаш қобилиятини оширишга қаратилган ЭХМ ёки ўзаро боғланган ва ўзаро таъсирга киришувчи процессорлар мажмуи»¹.

9. ЭХМ тармоғи (ҳисоблаш тармоғи, ахборот-ҳисоблаш тармоғи, компьютер тармоғи) қуйидагиларни англатади:

«1) Маълумотларни узатиш тармоқлари мажмуи, у билан боғланган ЭХМ ва бу боғланишни амалга ошириш учун зарур бўлган дастурий таъминот ва (ёки) техника воситаларининг ахборотни тақсимланган усулда қайта ишлашни ташкил этиш учун мўлжалланган.

2) Телекоммуникация ва маълумотларни узатиш воситалари ва (ёки) тизимларининг фойдаланувчиларга ўз ресурсларига узоқда туриб киришни ва бу ресурслардан коллектив фойдаланишни таъминловчи ўзаро боғланган ҳудудий тақсимланган маълумотларни қайта ишлаш тизимлари мажмуи»².

10. Ахборотлаштириш қоидаларини бузишнинг **предмети** ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари.

¹ Мазуров В.А. Компьютерные преступления: классификация и способы противодействия: Учебно-практическое пособие. – М.: «Палеотип», «Логос», 2002. – 59–60-б.

² Қаранг: Ўзбекистон давлат стандарти. «Ахборот технологиялари. Атамалар ва уларнинг таърифлари» О'з DS1 1047:2003. – 19-б.

ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимлари, белгиланган химоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш эса, алоҳида файл, дастур, маълумотлар базасида жамланган, интеллектуал мулк объекти сифатида қонун билан қуриқланидиган компьютер ахбороти.

11. **Ахборот тизими** – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари¹.

12. **Маълумотлар базаси** – «объектив шаклда ифодаланган ҳамда электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) ёрдамида топиш ва ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар (масалан: мақолалар, ҳисоб-китоблар) мажмуи»². Масалан, аҳоли учун маълумотлар базалари, қонунчилик ва норматив ҳужжатларнинг маълумотлар базалари, архивлар, музейлар, ўқув юртларининг маълумотлар базалари ва ҳ.к.

13. **Маълумотлар банки** – маълумотлар марказлаштирилган тартибда сақланидиган ва улардан коллектив тарзда фойдаланиладиган автоматлаштирилган ахборот тизими. Маълумотлар банки таркибига бир ёки бир неча маълумотлар базалари, маълумотлар базалари маълумотномаси, маълумотлар базаларини бошқариш тизими, шунингдек, сўровлар ва амалий дастурлар кутубхоналари киради³. Мисол тариқасида вазирликлар, идоралар, илмий-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560–II-сонли Қонуни, 3-модда, 6-қисм // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004 йил, 6-сон, 67-модда

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий химояси тўғрисида» 1060–XII-сонли Қонуни, 1-модда 1-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 136-модда.

³ Қаранг: Ўзбекистон давлат стандарти. «Ахборот технологиялари. Атамалар ва уларнинг таърифлари». O'z DSt 1047:2003. – 2-б.



тадқиқот муассасалари, кутубхоналарнинг маълумотлар банкларини келтириш мумкин.

14. Ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизими – компьютер ахборотига ишлов бериш ҳамда уни узатишни таъминловчи бир ёки бир неча компьютерлар, периферия қурилмаси ва дастурий воситалардан таркиб топган тизим.

Ўзбекистон Республикасида турли хил ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва маълумотлар банклари, маълумотларни қайта ишлаш ва узатиш тизимлари мавжуд, масалан:

1) 2019 йил 31 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–4502-сонли «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро аппарат-дастурий комплексини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 2020 йил 1 январдан бошлаб «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро аппарат-дастурий комплекси жорий этилган¹.

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сонли «Ўзбекистон Республикасининг интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали электрон давлат хизматларини такдим этиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»²ги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг (кейинги ўринларда «Ягона портал» деб номланган) янги версияси ишга туширилди.

15. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш объектив томондан белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4502-сонли қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 728-сонли қарори.

тизимларидан рухсат билан фойдаланиш натижасида фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишида акс этади.

16. Ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратувчи назарда тутган мақсадда фаолият кўрсатиши учун дастурий таъминотни ёзиш, аппарат воситаларини танлаш ва ўрнатишни англатади.

Ахборот тизимларини (АТ), маълумотлар базаларини ва маълумотлар банкларини, маълумотларга қайта ишлаш ва узатиш тизимларини, шу жумладан, мураккаб АТларни ишлаб чиқишни синчковлик билан кўриб чиқилган услубий ёндошувсиз амалга ошириш мумкин эмас. Қандай босқичлардан ўтиш керак, қандай усул ва воситаларни қўллаш керак, лойиҳанинг бориши ва иш сифатини назорат қилишни қандай ташкил қилиш керак — бу ва бошқа масалалар дастурий таъминот муҳандислик методологияси томонидан ҳал қилинади. Ҳозирги кунда АТни ривожлантириш бўйича бир қатор умумий методологиялар мавжуд. Улардаги асосий нарса бу тизимнинг ҳаётий циклининг барча босқичларида ягона иш интизоми, муҳим вазифаларни ҳисобга олиш ва уларнинг ечимини кузатиш, АТни таҳлил қилиш, лойиҳалаш ва амалга ошириш жараёнларини қўллаб-қувватлаш учун ишлаб чиқилган воситалардан фойдаланиш. Лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун лойиҳалаштириш объекти (АТ), аввало, етарли даражада тавсифланган бўлиши керак, тулик ва изчил функционал ва АТнинг моделлари курилиши керак.

АТни яратиш босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади: дастлабки босқич, талабларни йиғиш, лойиҳалаш, амалга ошириш, фойдаланиш учун ахборот тизимини тайёрлаш, тизимни эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва ривожлантириш.

Шу муносабат билан, ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва маълумотлар банклари, ахборотни қайта ишлаш ва

узатиш тизимларини яратиш дастурий таъминотни тайёрлаш, ишлаб чиқиш, ёзиш, ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва маълумотлар банклари, маълумотларни ишлаб чиқарувчи назаридаги мақсадлар учун қайта ишлаш ва узатиш тизимларининг ишлаши учун тегишли ускуналарни танлаш ва ўрнатишни ўз ичига олади¹.

17. **Кўриб чиқиладиган модданинг мазмунида жорий этиш** ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларидан уларнинг функционал вазифасига кўра амалда фойдаланилишига эришишни англатади.

18. Ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларидан **фойдаланиш** деганда, улардан амалда фойдаланиш жараёни тушунилиши лозим.

19. **Ахборот тизимларидан фойдаланиш** деганда, шахснинг ЭХМ қурилмалари билан ўзаро алоқага киришиши тушунилади. Бундай ўзаро алоқага киришиш аксарият ҳолларда компьютер ахборотига кириш мақсадида амалга оширилади. Бунинг натижасида шахс бу ахборотни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш (фойдаланиш, ўзгартириш, тўсиб қўйиш, нусха кўчириш, йўқ қилиш ва ш.к.) имкониятини қўлга киритади. Айни вақтда ахборот тизимларидан (ЭХМдан) рухсат билан фойдаланишни компьютер ахборотидан рухсат билан фойдаланишдан фарқлаш лозим. Ахборот тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган шахснинг унда сақланаётган муайян компьютер ахборотини олишга рухсати бўлмаслиги мумкин.

(Компьютер ахборотидан рухсат билан фойдаланиш ҳақида батафсилроқ 278²-модда шарҳига қаранг).

ЭХМ ёки машинанинг ахборот ташувчи предмет ёки ускуналарни эгаллаш, шунингдек, компьютер ахбороти билан машина манбаларига турли нурланишлар, механик таъсирлар, электромагнит тўлқинлар ва бошқа шунга ўхшаш

¹ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификациялиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси [Матн]: ўқув қўлланма / Г.Ф. Мусаев [ва бошқ.]. – Ташкент: Baktria press, 2020. – 50 б.

усуллар ёрдамида сиртдан таъсир кўрсатиш йўли билан манипуляция қилиш ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш, худди шунингдек компьютер ахборотидан рухсат билан фойдаланиш сифатида эътироф этилиши мумкин эмас.

20. Ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш – ахборот тизими мулкдори ёки қонуний эгаси томонидан рухсат этилган (маъқулланган) шахснинг ЭХМ қурилмалари билан ўзаро алоқаси.

Ўз навбатида, ахборот тизимларидан рухсатсиз фойдаланиш фойдаланувчи бундай ҳаракатларни бажариш ҳуқуқига эга эмаслигини англатадики, бу фойдаланишнинг қонунга хилофлигидан далолат беради.

21. Жумладан, ахборот тизимларидан фойдаланиш учун рухсат (фойдаланиш ҳуқуқи)га қуйидаги шахслар эга:

– маълумотлар базаларидан фойдаланиш ёки уларга ишлов бериш режимида бевосита ишлайдиган, компьютер тизими ёки тармоғи қурилмалари билан ўзаро алоқаси ваколатли шахс томонидан тартибга солинган ахборотдан фойдаланувчилар (ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фойдаланувчи ўзи ишлашни мўлжаллаётган ахборот майдони доирасида, албатта, рўйхатдан ўтишини назарда тутати);

– ўз фаолият турига кўра компьютер қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш билан мунтазам равишда шуғулланадиган шахслар (қурилмаларни соловчилар, маълумотларни киритиш операторлари, тармоқ маъмурлари, дастурчилар, системачи-муҳандислар, периферия қурилмаси ва алоқа воситалари мутахассислари ва ш.к.).

Шу билан бирга, ахборот тизимларига киришни компьютер маълумотларидан фойдаланишдан ажратиб кўрсатиш керак. Ахборот тизимига кириш ҳуқуқига эга бўлган шахс, унда сақланган компьютернинг аниқ маълумотларидан фойдалана олмайди.

Агар шахс (фойдаланувчи) ушбу ахборот тизими билан ушбу ахборотнинг қонуний эгаси (фойдаланувчиси)нинг розилиги билан ўзаро алоқа қила олса, ахборот тизимига киришга рухсат берилган ҳисобланади. Шу билан бирга,

рухсатсиз ўзаро алоқа шахснинг (фойдаланувчининг) бундай ҳаракатларга ҳуқуқи йўқлигини аңглатади, яъни бу киришнинг ноқонунийлигини аңглатади. Жиноят кодексининг 278¹ ва 278²-моддаларида назарда тутилган жиноятлар ўртасидаги фарқ айнан мана шунда, яъни киришни содир этган шахснинг қонуний ҳуқуқи бўлганлиги ёки бўлмаганлигида (ноқонуний, рухсатсиз)¹.

Кўрсатилган шахслар фақат ўз ваколатлари ёки вазифалари доирасидан четга чиққан ва фойдаланиш ўзларига рухсат этилмаган ЭХМ қурилмалари билан ўзаро алоқага киришиш имкониятини қўлга киритгандагина уларнинг ҳаракатлари ахборот тизимларидан рухсатсиз (ғайриқонуний, қонунга хилоф) фойдаланиш деб топилади.

Қоровуллар, фаррошлар, электриклар, курсерлар ва ЭХМ билан бевосита алоқага киришмайдиган, лекин у ўрнатилган хонага киришга рухсат этилган бошқа шахслар ЭХМ, ЭХМ тизими ва тармоғидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Ахборот тизимларидан ва компьютер ахборотидан рухсат билан фойдаланиш уни муҳофаза этиш чораларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Маълумотларга ва ахборот тизимларига кириш устидан самарали назоратни таъминлаш учун раҳбарият фойдаланувчиларнинг кириш ҳуқуқларини кўриб чиқилишини мунтазам равишда амалга ошириши керак. Бундай жараён қўйидагиларни таъминлаши керак:

а) фойдаланувчиларнинг ваколатларини доимий равишда кўриб чиқиш; 1–3 ойлик муддат тавсия этилади;

б) қисқа муддат ичида махсус имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқларини тақдим этишга берилган рухсатномани қайта кўриб чиқиш; тавсия этилган даври – 1 ой;

в) фойдаланувчи лар томонидан рухсатсиз имтиёزلарни олишига йўл қўймаслик учун вақти-вақти билан берилган имтиёزلарни текшириш².

¹ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси [Матн]: ўқув қўлланма / Г.Ф. Мусаев [ва бошқ.]. – Ташкент: Baktria press, 2020. – 54 б.

² Уша манба. – 53 б.

22. Ўзбекистон Республикаси «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддасига биноан: «Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан ғайриқонуний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорларига, эгаларига ёхуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлашлари шарт.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан мустақил белгиланади.

Давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади¹.

23. **Ахборотни (маълумотларни) ҳимоя қилиш** ахборот (маълумотлар) мулкдорининг манфаатларига зарар етказилишининг олдини олиш ёки қийинлаштиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий ва техник (дастурий-аппарат) тадбирлар мажмуидан иборат².

Ҳар қандай турдаги ахборотни муҳофаза этишнинг энг умумий белгилари:

– ахборотни муҳофаза қилишни ахборот мулкдори ёки у ваколат берган шахслар ташкил этади ва ўтказади;

– ахборотни муҳофаза қилиш оркали унинг мулкдори (эгаси) ўзининг ахборотга эгаллик қилиш ва уни тасарруф этишга бўлган ҳуқуқларини муҳофаза қилади, унинг қонунга ҳилоф қўлга киритилишига ва ундан ўз манфаатларига зид равишда фойдаланилишига йўл қўймасликка ҳаракат қилади;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида» 560–II-сон Қонуни, 20-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда.

² Қаранг: Тармоқ стандарти. «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ахборот хавфсизлиги. Атамалар ва уларнинг таърифлари». TS1 45.010:2002. – 3-б.

– ахборотни муҳофаза қилиш муҳофаза қилинаётган ахборотдан рухсат билан фойдаланиш имкониятини чеклаш бўйича унинг тарқатилишини чекловчи ва махфийлаштирилган ахборот ва унинг манбаларидан қонунга хилоф (рухсатсиз) фойдаланишни истисно этувчи ёки сезиларли даражада қийинлаштирувчи тадбирлар мажмуини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

24. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситалари мажмуи (ахборотни муҳофаза қилиш воситалари) қуйидагиларни ўз ичига олади: ахборотни муҳофаза қилишнинг аппарат, дастурий, техник (аппарат-дастурий), қонун йўли билан, ташкилий, физик воситаларини; ахборотдан рухсатсиз фойдаланилишидан муҳофаза қилиш воситаларини ва ҳ.к. Ахборотни муҳофаза қилиш усуллари ҳам ҳар хил бўлиши мумкин: криптографик усул, тўсиш, ниқоблаш, тартибга солиш, мажбурлаш, қўп даражали муҳофаза, рухсатсиз киришдан муҳофаза қилиш, шифрлаш, имитомуҳофаза, рухсат билан фойдаланишни бошқариш ва ҳ.к.

25. **Ахборотни (маълумотларни) ҳимоя қилиш тизими** – «ахборот (маълумотлар)ни тасодифий ёки қасддан бузиш, бузиб кўрсатиш ёки фойдаланишдан муҳофаза қилишни таъминловчи аппарат, дастурий ва криптографик воситалар ҳамда тадбирлар мажмуи»¹.

26. Ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш чоғида **белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаслик** фойдаланувчи компьютер ахбороти, ЭХМ, ЭХМ тизими ёки тармоғининг муҳофазаси (хавфсизлиги)ни таъминловчи муайян қоидаларга риоя этмаслиги ёки уларни тўғридан-тўғри четлаб ўтишидан иборат. Жумладан, бу ходим сертификатланмаган дастурий воситалардан фойдаланиши; фойдаланилаётган ахборот машина манбаларида зарар келтирадиган дастурлар бор-йўқлигини текшириш вазифа-

¹ Тармок стандарти. «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ахборот хавфсизлиги. Атамалар ва уларнинг таърифлари». ТSt 45.010:2002. – 21-б.

ларини бажармагани; ахборот тизимидан рухсатсиз фойдаланилишидан муҳофаза этиш тизимини тўсиб қўйиши; ҳисоблаш техникасининг муайян воситаси билан ишлов беришни амалга ошириш техник имконияти мавжуд бўлмаган маълумотларни киритиши; дастурий воситалар билан диалог қоидаларини, техник хизмат кўрсатиш муддатларини бузиши; пароллар ўрнатмаслик ва ҳоказоларда акс этиши мумкин.

Масалан, Фуқаро А., «ААБ» МЧЖ тизим маъмури бўлиб, у «Ягона идентификациялаш тизими» давлат ахборот тизимига техник кўмак бериш бўйича танловда ғолиб бўлган. Ахборотлаштириш қоидаларига риоя қилиш ва ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва маълумотлар банклари билан ишлашда тегишли ҳимоя чораларини кўриш зарурлигини билар экан, у иш компьютерини ишлатишда уйдан олиб келинган флешкадан троян вирусини ўз ичига олган зарар келтирувчи дастурларнинг мавжудлигини текширмасдан фойдаланган. Фуқаро А.нинг ҳаракатлари натижасида «Ягона идентификациялаш тизими» давлат ахборот тизими таъмирланмайдиган даражада ишдан чиқди ва катта зарар етказилди, Шунингдек, давлат ва жамоат манфаатларига жиддий путур етказилди¹.

Бунда ҳар бир муайян ҳолда айнан қандай зарурий муҳофаза чоралари кўрилмагани, ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс айнан қайси хавфсизлик қоидаларини бузгани, шунингдек, бу қоидабузарликлар билан кўриб чиқиладиган модда биринчи қисмининг диспозициясида баён этилган оқибатлар келиб чиқиши, яъни фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўрикландиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги аниқланиши лозим. Мазкур жиноий оқибатлар юз берган вақтдан эътиборан ахборотлаштириш қоидаларини бузиш **туғалланган** жиноят деб эътироф этилади.

¹ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси [Мағн]: ўхув қўлланма / Г.Ф. Мусаев [ва бошқ.]. – Ташкент: Baktria press, 2020. – 55-б.

27. ЖК Махсус қисми саккизинчи бўлими қондаларига биноан, **қўп миқдордаги зарар** деганда, «базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар» тушунилиши лозим. Бундай зарар, хусусан, ЭХМ воситаларини қимматга таъмирлаш зарурияти вужудга келишида намоён бўлиши мумкин.

Ахборотлаштириш қондаларининг бузилиши натижасида етказилган зарар миқдорини аниқлашда ахборот ресурсининг қийматигина эмас, балки шахснинг жинсий ҳаракатлари оқибатларини тугатишга тўғридан-тўғри ҳаражатлар ҳам ҳисобга олиниши лозим. Нима бўлганда ҳам зарар тури ва миқдори бундай вазиятларда ахборотлаштириш, иктисод ва бошқа соҳалардаги махсус билимлар ёрдамида ўтказиладиган комплекс экспертиза воситасида аниқланмоғи даркор.

Агар ахборотлаштириш қондаларини бузиш компьютер техникаси жиддий шикастланишига олиб келган ва шу тариқа унинг мулкдори ёки эгаси қўп миқдорда зарар кўришига сабаб бўлган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари фақат **ЖК 278¹-моддаси** билан квалификация қилинади ва ЖК 173-моддаси (Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш) билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Ушбу жиноятни содир этиш натижасида катта зарар турли йўллар билан, масалан, қимматли маълумотларнинг йўқолиши билан ифодаланиши мумкин. Ушбу концепция моҳиятига кўра баҳоланади, компьютер маълумотларининг аҳамиятига ва ахборот тизимининг эгасига (мулкдорга) етказилган зарар миқдорини аниқлаш, ахборотлаштириш қондаларини бузиш натижасида олинган барча маълумотларнинг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Умумий ҳолатлар маълумотлар мазмунидаги ўзгаришларга ва оммавий кириш сайтларига била туриб ёлгон маълумотларнинг киритилишига жиддий зарар деб баҳоланади. Бундай ҳолда, маълумотни сақлаш ва тарқатиш бўйича конституциявий ҳуқуқнинг бузилиши аниқланади ва бу жиддий зиён деб баҳоланади.

Жиддий зиённинг номоддий табиати фуқароларнинг, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг

бузилиши, уларнинг нормал фаолиятининг бузилиши, маънавий зарар, ишбилармонлик обрўсига зиён етказишни англатади¹.

28. Ахборотлаштириш қоидаларининг бузилиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига **жиддий зиён** етказилганлиги ёки етказилмаганлиги ҳар бир муайян ҳолда тергов ва суд органлари томонидан аниқланади. Мазкур тушунча нисбий хусусият касб этади, компьютер ахборотининг муҳимлик даражасига боғлиқ бўлади ва ахборотлаштириш қоидаларининг бузилиши натижасида ахборот тизимининг мулкдори (эгаси)га етказилган зиён ҳажмини аниқлаш олинган барча маълумотлар йиғиндисини ҳисобга олиб амалга оширилиши лозим. Мазкур вазиятда муҳим ахборотнинг йўқолиши, корхона, ташкилот иши, ишлаб чиқариш фаолияти тўхтаб қолиши ёки издан чиқиши, технологик жараёнларнинг бузилиши, шахсий, шифокорлик, адвокатлик сирига мансуб бўлган махфий маълумотларни ошкор этиш йўли билан шахсга маънавий зиён етказилиши жиддий зиён деб эътироф этилиши мумкин.

29. Шахснинг ахборотлаштириш қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлса-да, лекин қонунда кўрсатилган оқибатларга олиб келмаган ҳаракатлари муайян ҳолатларда тугалланмаган жиноятни ташкил этиши ва ЖК 25-моддасига ҳавола қилган ҳолда квалификация қилиниши мумкин.

30. **ЖК 278¹-моддасининг 1-қисмида** назарда тутилган жиноятнинг **субъектив томони** қуйидагилар билан ифодаланади:

– **қасддан**, башарти шахс ахборотлаштириш қоидаларини бузаётганини англаган, бунинг натижасида фойдаланувчига кўп миқдорда зарар етказилиши мумкинлиги ёки муқаррарлигига кўзи етган, бу оқибатларнинг юз беришини

¹ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси [Мати]: ўқув қўлланма / Г.Ф. Мусаев [ва бошк.]. – Ташкент: Baktria press. 2020. – 56 б

истаган (**тўғри қасд**) ёки уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган (**эгри қасд**) бўлса;

– **эҳтиётсизлик орқасидан**, башарти шахс ахборотлаштириш қоидаларини бузаётганини англаган, ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етган, лекин эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган (**ўз-ўзига ишониш**) ёки ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлган (**жиной бепарволик**) бўлса;

– **мураккаб айб** билан, башарти жинойи қилмиш, яъни ахборотлаштириш қоидаларини бузишга нисбатан қасд, қонунда назарда тутилган кўнгилсиз оқибатларга нисбатан эса, эҳтиётсизлик мавжуд бўлса.

Мотив ва **мақсад** кўриб чиқиладиган жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

31. 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс **ЖК 278¹-моддасининг 1-қисмида** назарда тутилган жиноят **субъекти** бўлиши мумкин. Қонун бу шахс компьютер технологиялари соҳасида мутахассис бўлиши ёки муайян фаолият билан қўлланишини талаб қилмайди, муҳими унинг ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланаётганлиги талаб этилади.

32. Агар ахборотлаштириш қоидаларини бузиш жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари **ЖК 278¹-моддасининг 2-қисми** билан квалификация қилинади.

ЖК Махсус қисмининг саккизинчи бўлими қоидаларига биноан, **жуда кўп миқдордаги зарар** деганда, «базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдордаги зарар» тушунилади.

278²-модда. Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш

Компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ШАРҲ

1. Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишнинг **бевосита объекти** компьютер ахбороти хавфсизлигини ва ЭҲМ, уларнинг тизимлари ёки тармоғи нормал ишлашини таъминлашга доир муносабатлардир. **Қўшимча объект** сифатида бу ерда фуқароларнинг шахсий ёки мулкый манфаатлари ёхуд давлат ёки жамоат манфаатлари амал қилиши мумкин.

2. ЖКнинг 278²-моддаси 1-қисмида тўғридан-тўғри кўрсатилганидек, жиноятнинг **предмети** компьютер ахбороти, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардир. («Компьютер ахбороти», «ахборот-ҳисоблаш тизими», «ахборот-ҳисоблаш тармоғи» тушунчаларининг мазмуни ҳақида ЖКнинг 278¹-моддаси шарҳига қаранг).

3. **Ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлар** – бу ички ва ташқи жамғаргичлар, компьютер хотираси, периферия қурилмалари хотирасидаги ахборот ҳамда алоқа каналлари орқали ўтувчи ахборотлардир.

4. **ЖКнинг 278²-моддасида** назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлган компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш билан тавсифланади.

5. **Компьютер ахборотидан фойдаланиш** деганда, унга киришнинг ҳар қандай шакли, тармоқдаги, тизимдаги ёки машина манбаларидаги маълумотлар билан шахснинг танишиши тушунилади.

Компьютер ахборотидан қонуний (рухсат билан) фойдаланиш ахборот тизими мулкдори ёки қонуний эгаси томонидан рухсат этилган (маъқулланган) фойдаланувчининг машина манбаи, ЭҲМ, ЭҲМ тизими ёки тармоғидаги ахборот билан танишишидир.

6. Кўриб чиқиладиган жиноят-ҳуқуқий нормага биноан айбдор шахсни жавобгарликка тортиш учун зарурий асослардан бири унинг ҳаракатлари қонунга хилоф эканлиги аниқланганидир.

Компьютер маълумотларига ғайриқонуний (ноқонуний, рухсатсиз) кириш – бу маълумотга эгаси ёки бошқа қонуний фойдаланувчисининг рухсатсиз кириш, шу жумладан, ушбу маълумотларни ишлатишга (йўқ қилиш,

блокировка қилиш, ўзгартириш ва х.к.) имкон берадиган даражада улар билан танишиш, бу ахборотнинг ўзи учун ҳам, эгаси ёки бошқа қонуний фойдаланувчининг манфаати учун ҳам хавф туғдиради¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралда имзоланган ПҚ-4188-сонли қарори билан тасдиқланган «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда ҳамкорлиги тўғрисида»ги Битимга (Ўзбекистон Республикаси учун 2020 йил 12 мартда кучга кирган) мувофиқ, **маълумотларга рухсатсиз кириш** – эгаси, мулкдори ва (ёки) Томонлар қонунчилиги томонидан белгиланган ҳуқуқ ва қондаларни бузган ҳолда химояланган маълумотларга кириш².

Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш деб, машина манбаларидаги ёки ЭҲМдаги маълумотлар билан шахснинг тегишли ҳуқуқсиз, яъни ахборот мулкдори (эгаси)нинг рухсатсиз ёки бундай рухсат мавжуд бўлганда, тизимда белгиланган рухсатни тартибга солиш қондаларини бузиб танишиши эътироф этилиши лозим.

Бошқача айтганда, қуйидаги ҳолатларда ахборотдан фойдаланиш қонунга хилоф (рухсатсиз) деб қаралади, агар шахс:

- муайян ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаса;
- бундай ҳуқуққа эга бўлса-да, лекин ундан белгиланган тартибга зид равишда фойдаланса.

Компьютер ахбороти мулкдори (эгаси) фойдаланувчининг ахборот олиш тартибини белгилаши (жойи, вақтини, мансабдор шахслар, зарур тартиб-таомиллар ва ҳоказоларни кўрсатиши) ҳамда фойдаланувчилар ахборот олиши учун шароитларни таъминлаши шарт.

¹ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси [Матн]: ўқув қўлланма / Г.Ф. Мусаев [ва бошқ.]. – Ташкент: Baktria press, 2020. – 57 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4188-сонли «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

Фойдаланишнинг фарқлаб қўйилиши қоидалари
 «рухсат субъектларининг рухсат объектларидан фойдаланиш ҳуқуқларини тартибга солувчи қоидалар мажмуи»¹.

«Бирон-бир ахборотдан рухсат билан фойдаланишни назорат қилишнинг ҳар қандай механизми, бу ерда гап жараёнлар таъсири устидан назорат ҳақида борадими ёки жисмоний шахсларнинг ҳаракатлари устидан назорат ҳақида борадими, бундан қатъи назар, бир қанча вазифаларни ечишни назарда тутати:

– кўриб чиқиладиган тизим, ахборот ёки ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига ким эга;

– мазкур шахс ресурсларнинг айнан қайси элементларига муурожаат этиши мумкин;

– мазкур шахс ўзи фойдаланиши мумкин бўлган объектга нисбатан қандай ҳаракатларни бажариши мумкин;

– шахс зарурий амалларни бажариши қай тарзда рухсат этилади;

– қандай ҳолатларда фойдаланишга рухсат берилиши мумкин»².

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги қуйидаги турдаги маълумотларни ҳимоя қилади: а) давлат сирлари сирасига кирувчи маълумотлар (Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги 848–XII-сонли Қонуни)³; б) фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита тааллуқли маълумотлар (шахсий ёки оилавий ҳаёт сирлари), Шунингдек, шахсий маълумотлар. Фуқаролар тўғрисидаги маълумотларнинг асосий элементлари: фамилияси, исми, жинси, туғилган санаси ва туғилган жойи, яшаш жойи, маълумоти ва оилавий ҳолати. Шахсий маълумотларнинг бошқа элементлари: ижтимоий ҳолати, сиёсий партияларга аъзолик, жисмоний ва руҳий

¹ Тармоқ стандарти. «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ахборот хавфсизлиги. Атамалар ва уларнинг тәърифлари». ТSt 45.010:2002. – 23-б.

² Мазуров В.А. Курсатилган асар. – 64-б.

³ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги 848–XII-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кеңашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 232-модда.

саломатлик, молиявий аҳвол, мулкка эгалик, судланганлик тўғрисидаги маълумотлар.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги УРҚ–547-сонли Қонунига мувофиқ, шахсга доир маълумотлар – муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот¹.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги 439–II-сонли Қонунга мувофиқ, жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, шунингдек, шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сузлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди². Ахборотни тўплашга, сақлашга, ундан фойдаланишга ва тарқатишга ахборотни ишлатувчи, бошқарувчи ёки унга эга бўлган шахснинг розилиги билан ёки уларсиз, лекин махсус ваколатли органлар томонидан ва муайян шартлар асосида (масалан, агар суд қарори бўлса) рухсат этилади³.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни II-моддасига кўра ахборот ресурслари улардан эркин фойдаланиш тоифалари бўйича ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларига ва эркин фойдаланиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига бўлинади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги УРҚ–547-сонли Қонуни, 4-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2019 й., 03/19/547/3363-сон.

² Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги 439–II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 2-модда.

³ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар) турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси [Матн]: ўқув қўлланма / Г.Ф.Мусаев [ва бошқ.]. – Ташкент: Baktria press, 2020. – 59 б

Чекланмаган доирадаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган ахборот ресурслари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларидир.

Давлат сирлари тўғрисидаги ахборотни ва махфий ахборотни ёки эркин фойдаланилиши ахборот ресурсларининг мулкдорлари томонидан чеклаб қўйилган ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари **эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига** кирadi¹.

Ахборот ресурсларидан ахборот олиш тартибини ахборот ресурсларининг мулкдори ёки эгаси қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этган ҳолда аниқлайди (Қонуннинг 12-моддаси 5-қисми). Бунда эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурслари учун ахборотни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, тарқатиш ва ундан фойдаланишнинг махсус тартиби белгиланади.

Юридик ва жисмоний шахслар қонуний асосларда ахборот ресурсларидан ўзлари олган ахборотдан ахборот манбаини, албатта, ҳавола этган ҳолда ҳосила ахборот яратиш учун фойдаланишлари мумкин (Қонуннинг 12-моддаси 4-қисми).

8. Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш доим айбдор томонидан фаол ҳаракатлар билан содир этилади. Бу жиноят ҳаракатсизлик йўли билан содир этилиши мумкин эмас. Бунда компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш усуллари ҳар хил бўлиши мумкин (бировнинг паролидан фойдаланиш, техника воситаларининг физик адресларини ўзгартириш, ўзини қонуний фойдаланувчи қилиб кўрсатиш, системани муҳофаза қилишнинг заиф бўғинларини топиш ва унга «бузиб» кириш, бировнинг ахборот тизимига «кодни тусмоллаб аниқлаш» йўли билан кириш, дастурий ва ахборот таъминотини модификациялаштириш ва ҳ.к.), лекин улар қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

9. Мазкур жиноятни содир этиш воситаси сифатида компьютер техникаси, яъни ҳар хил турдаги ЭҲМ, аппарат воситалари, периферия қурилмалари, шунингдек, ҳисоблаш

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560–II-сонли Қонуни, 11-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й. 36-сон, 452-модда.

техникасини ахборот тармоқларига бирлаштиришда фойдаланиладиган алоқа линиялари амал қилади¹.

10. Шунини қайд этиш лозимки, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш натижасида шахс, аввало, бу ахборот билан танишиш имкониятини қўлга киритади. Бундай танишиш, одатда, уни амалда чақириш ёки қўздан кечириш йўли билан амалга оширилади. Бунда машина манбада сақланаётган компьютер ахборотини қонунга хилоф равишда чақириш ёки қўздан кечириш ўз-ўзидан кўриб чиқиладиган жиноят таркибини ташкил этмайди, лекин ўзга қасддан жиноятни, масалан, жосуслик (ЖКнинг 160-моддаси), товламачилик (ЖКнинг 165-моддаси)ни содир этишга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда қилмишни **ЖКнинг 278²-моддаси** бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

11. **ЖКнинг 278²-моддаси**да назарда тутилган жиноятнинг иккинчи муқаррар белгиси – ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилиши, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилиши тарзидаги ижтимоий хавфли оқибатлар. Қурсатилган оқибатларнинг ҳеч бўлмаса биттаси юз берган пайтдан эътиборан кўриб чиқиладиган жиноят **туғалланган** деб эътироф этилади. Бунда **ЖКнинг 278²-моддаси 1-қисми** диспозициясида санаб ўтилган оқибатларнинг юз бериши ва компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишни амалга ошириш ўртасида тўғридан-тўғри сабабий боғланиш аниқланиши шарт.

12. Ахборотнинг **йўқ қилиб юборилиши** деганда, ахборотнинг машина манбаларидан тўлиқ ёки қисман чиқариб (ўчириб) ташланиши тушунилади. Яъни, **ахборотни йўқ қилиш** – уни қайта тикланиши мумкин бўлмаган ҳолатга келтириш ёки уни тиклаш имконияти сақланиб қолиб уни

¹ Қаранг: Уголовное право России. Общая и Особенная части. Учебник для высших учебных заведений / Под общ. ред. д.ю.н., проф. И.Г. Кадникова. – М.: «Книжный мир», 2007. – 662-б.

ўчириш (йўқ қилиш)¹дир. Бунда мазкур ахборот ўзининг асосий сифат белгилари йўқолиши натижасида бутунлай йўқ бўлиб кетади, у тикланиши ва вазифасига кўра қўлланилиши мумкин бўлмайди. Бунда қилмиш кўриб чиқиладиган норма билан квалификация қилиниши учун жабрланувчида айбдор йўқ қилиб юборган ахборотнинг нусхаси борлиги ёки йўқлиги аҳамиятга эга эмас. Ахборотни бошқа ЭҲМ ёки машина манбасига рухсатсиз ўтказиш ҳам, агар бу ҳаракатлар натижасида ахборот ресурси мулкдорнинг ёки ўзга қонуний фойдаланувчининг ихтиёридан чиққан бўлса, юқорида баён этилган тарзда квалификация қилиниши лозим.

13. Ахборотнинг **тўсиб қўйилиши** мазкур ахборот сақланиб қолгани ҳолда мулкдор (ахборот эгаси) ёки қонуний фойдаланувчи ундан бевосита вазифасига кўра вақтинчалик ёки доимий равишда фойдалана олмаслиги (компьютер ахбороти билан бирон-бир амални бажара олмаслиги)дир. **Ахборот (маълумотлар) узатишнинг тўсиб қўйилиши** тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, у ахборот хавфсизлиги соҳасидаги қоидабузарликлардан бири ҳисобланади ва ахборотни узатишнинг тўхтатилишида ёки шундай бир вақтга кечиктирилишида акс этадики, бу муддат мобайнида мазкур ахборот фойдаланувчи учун ўз қимматини йўқотади².

14. Ахборотнинг **модификациялаштирилиши** техника воситалари билан ишлов бериш чоғида унинг дастлабки мазмуни ёки манбалардаги ҳажми рухсатсиз ўзгартирилишида акс этади (маълумотлар базасининг адаптацияси билан боғлиқ ўзгаришлар бундан мустасно). Масалан, маълумотлар базаси файлларидаги ёзувларнинг ўчириб ташланиши ёки уларга ёзувларнинг қўшилиши, компьютер ахборотининг бир тилдан бошқа тилга ўгирилиши, маълумотлар базасининг қайта ташкил этилиши ва ҳ.к. (*Ахборотни модификациялаш-*

¹ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси [Матн]: ўқув қўлланма / Г.Ф. Мусаев [ва бошқ.] – Ташкент: Baktria press, 2020. – 61 б

² Қаранг: Тармок стандарти. «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ахборот хавфсизлиги. Атамалар ва уларнинг таърифлари». TS1 45.010:2002. – 12-б.

тириш ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 278¹-моддаси шарҳига қаранг).

Кўриб чиқиладиган модда мазмунида **нусаха кўчириш** тегишли ахборотни ёки унинг бир қисмини бир моддий жисмдан бошқа моддий жисмга асл нусхасига шикаст етказмасдан ва ундан кейинчалик бевосита вазифасига кўра фойдаланиш имкониятини сақлаган ҳолда ўтказишни англатади.

Ахборотнинг **қўлга киритилиши** – кенг тарқатиш учун мўлжалланмаган ахборотни қасддан руҳсатсиз эгаллаб олиш бўлиб, у техника воситалари ёрдамида бевосита компьютер тизимдан ёки ундан ташқарида, бундай ахборот акс эттирилган электромагнит нурланишларни олиш ҳисобига амалга оширилади¹.

Замонавий техника воситалари ахборотни компьютер тизимига бевосита уланмасдан олиш имконини беради: уни қўлга киритиш марказий процессор, дисплей, коммуникация каналлари, принтер ва ҳоказоларнинг нурланиши ҳисобига амалга оширилади. Буларнинг барчасини қўлга киритиладиган объектдан анча узоқда туриб амалга ошириш мумкин. Қўлга киритиш усуллари ҳар хил бўлиши мумкин: бевосита (фаол) қўлга киритиш; тезда қўлга киритиш; символларни қўлга киритиш; хабарларни қўлга киритиш; электромагнит (пассив) қўлга киритиш; аудио қўлга киритиш (ахборотни виброакустик каналлар орқали олиш); видео қўлга киритиш ва ҳ.к. Ахборотни қўлга киритиш ё тизимнинг ташқи коммуникация каналлари орқали тўғридан-тўғри, ё периферия қурилмалари линияларига бевосита уланиш йўли билан амалга оширилади. Бунда бевосита «эшитиб туриш» объектлари кабелли ва симли тизимлар, ер устидаги микротўлқинли тизимлар, йўлдош алоқа тизимлари, шунингдек, ҳукумат алоқаси махсус тизимлари ҳисобланади.

Электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилиши ЭҲМ ёки унинг қурилмалари

¹ Қараиғ: Преступления в сфере компьютерной информации: квалификация и доказывание: Учебное пособие / Под ред. Ю.В. Гаврилина. – М.: ЮИ МВД РФ. 2003. – 8-б.

билан ностандарт вазият юзага келишидан иборат бўлиб, бунда уларнинг нормал фаолият кўрсатишига вақтинчалик ёки турғун халақитлар (ишнинг секинлашуви ёки ишдан чиқариш) яратилади, лекин ЭХМ, ЭХМ тизими ёки уларнинг тармоқларининг моддий яхлитлигига дахл этилмайди. Масалан, ахборот қурилмасининг ишидаги носозликлар, ахборотни беришни рад этиш, бузиб кўрсатилган ахборотни бериш ва ҳ.к. Агар зикр этилган носозликлар билан бир қаторда компьютер қурилмасининг моддий буюм сифатидаги яхлитлигининг бузилиши ҳам юз берган бўлса, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 173-моддаси (Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш) билан квалификация қилинади.

15. ЖКнинг 278²-моддаси 1-қисми диспозициясида кўрсатилган оқибатларнинг ўзига хос хусусияти шу билан белгиланадики, шахс компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишга доир айтиб берилган ҳаракатларни содир этиши баъзан турли жинойи натижаларга олиб келади. Одатда, бу компьютер ахборотининг муҳофаза қилинишига, ҳисоблаш тизимининг ишончлилиқ даражасига, ҳисоблаш тизимининг бошқа тизимлар билан алоқасига ва бошқа шунга ўхшаш омилларга боғлиқ бўлади. Занжир реакция юз бериши, яъни бир жинойи натижа бошқа жинойи натижа келиб чиқишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш бошқа жиноятни қасддан содир этиш усули сифатида амал қилган, ЭХМдан эса, жинойи ниятни амалга ошириш қуроли сифатида фойдаланилган бўлса, қилмиш ЖКнинг тегишли моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим. Масалан, кўриб чиқилган оқибатлар компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишдан кейин амалга оширилган маъмур ахборотга ўзгача усулда қасддан таъсир кўрсатиш натижасида юз берган бўлса, қилмиш қонунда кўрсатилган белгилар мавжуд бўлган тақдирда ЖКнинг 278⁴-моддаси (Компьютер ахборотини модификациялаштириш) ёки ЖКнинг 278⁵-моддаси (Компьютер саботаж) бўйича квалификация қилиниши лозим.

16. **ЖКнинг 278²-моддасида** назарда тутилган **Жиноят субъектив томондан қасддан**, яъни **тўғри ёки эгри қасд** билан содир этилади. Айбдор компьютер ахборотидан бу ахборот мулкдори (эгаси)нинг рухсатсиз ёки рухсат билан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бузиб фойдаланаётганини англайди, ўз ҳаракатлари натижасида қонунда белгиланган ижтимоий хавфли оқибатлар юз беришига кўзи етади ва уларнинг юз беришини истайди ёки уларнинг юз беришига онгли равишда йўл кўяди. **Эҳтиётсизлик** айти холда шахснинг компьютер тизимида сақланаётган ахборотдан фойдаланишнинг қонунийлигига берган баҳосида, шунингдек, унинг мазкур ҳаракатлар натижасида юз берган ижтимоий хавфли оқибатларга бўлган муносабатида намоён бўлиши мумкин.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш ниятсиз компьютер ахборотидан рухсатсиз фойдаланиш жиноят таркибини ташкил этмайди. Масалан, бевосита фойдаланувчининг хатоси туфайли ахборотдан беихтиёр фойдаланиш ва ш.к.

Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишнинг **мотивлари** ва **мақсадлари** кўриб чиқиладиган жиноят таркибининг муқаррар белгилари ҳисобланмайди ва бинобарин, жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди, лекин айбдорга одилона жазо тайинлаш чоғида ҳисобга олиниши мумкин.

17. 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс **ЖКнинг 278²-моддасида** назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин. Бу бутунлай бегона шахс бўлиши ҳам, муайян тонфадаги ахборот билан ишлаш ҳуқуқига эга бўлмаган қонуний фойдаланувчининг ўзи бўлиши ҳам мумкин.

18. **ЖКнинг 278²-моддаси 2-қисмида** компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар назарда тутилган. Бундай ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш.

19. **Жиноят ЖКнинг 278²-моддаси 2-қисми «а» банди** бўйича квалификация қилиниши учун жиноят содир этган шахслар уни биргаликда содир этиш ҳақида олдиндан келишган бўлишлари лозим. Мисол учун, жиний гуруҳнинг бир иштирокчиси муҳофаза тизимини бузиб кириши ва шу тариқа компьютер ахборотидан фойдаланиш учун бевосита имконият яратиши, гуруҳнинг бошқа иштирокчиси эса, бу ахборот билан қонунда кўрсатилган ижтимоий хавfli оқибатлар юз беришига сабаб бўлган тегишли манипуляцияларни бажариши мумкин.

20. **ЖКнинг 278²-моддаси 2-қисми «в» банди** мазмунидаги **хизмат мавқеидан фойдаланиш** деганда, меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномасига биноан бажарувчи ишига кўра компьютер ахборотидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишини ёки ўз **хизмат мавқеига кўра бундай фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсларга таъсир** утказишини тушуниш лозим.

Шахс ўз **хизмат мавқеидан фойдаланар экан**, **хизмат бўйича ўзига берилган ҳуқуқлар ва бурчлардан амалда фойдаланади**, лекин бу ҳуқуқлар ва бурчларни амалга ошириш тартибини бузади, яъни ўзининг **хизмат ваколатлари доирасидан четга чиқади ва ўз ҳуқуқлари ва бурчлари татбиқ этилмайдиган ёки фойдаланиш учун ўзида рухсат бўлмаган компьютер ахборотини тасарруф этиш имкониятини қўлга киритади. (ЭҲМ, ЭҲМ тизими ёки уларнинг тармоқларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 278¹-моддаси шарҳига қаранг).**

21. Компьютер тизимидан фойдаланувчи ташкилотларнинг ходимлари ҳам, назорат қилувчи ташкилотларнинг ходимлари ҳам **ЖКнинг 278²-моддаси 2-қисми «в» банди**да назарда тутилган **Жиноятнинг субъекти** бўлиши мумкин. Агар **Жиноятнинг субъекти мансабдор шахс бўлса**, ишнинг ҳолатларини ҳисобга олиб қилмиш жиноятлар жами тариқасида **ЖКнинг 278²-моддаси ва 205-моддаси (Ҳокимият**

ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш) ёки 206-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш) билан квалификация қилиниши мумкин.

Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, шунингдек, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш жиноятини квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари биз юқорида бошқа жиноят таркибларининг таҳлилида кўриб чиққан жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар билан бир хилдир.

278³-модда. Компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш

Ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш –

Базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;
- г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини

кўзлаб содир этилган бўлса, –

Базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Мазкур жиноятнинг **бевосита объекти** компьютер ахборотининг хавфсизлигини ва ЭХМ, ЭХМ тизими ёки уларнинг тармоқлари нормал ишлашини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлардир. Қўшимча объект сифатида бу ерда фуқароларнинг шахсий ёки мулкый манфаатлари ёхуд давлат ёки жамоат манфаатлари амал қилиши мумкин.

2. Жиноятнинг **предмети** – ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситалари.

Дастурий ва аппарат воситалари компьютер техникаси воситаларига қиради.

3. **Дастурий восита** – бу «ахборотга ишлов бериш тизимининг фаолият кўрсатишига тааллуқли бўлган дастурлар, таомиллар, қоидалардан, шунингдек, агар назарда тутилган бўлса, уларга йўлдош ҳужжатлар ва маълумотлардан таркиб топган объект»¹.

Дастурий воситаларга қуйидагилар қиради:

– дастурий таъминот – бошқарувчи ва ишлов берувчи дастурларнинг қуйидагилардан иборат мажмуи: система дастурлари (операцион системалар, техник хизматлар кўрсатиш дастурлари), амалий дастурлар (муайян типдаги вазибаларни ечиш учун мўлжалланган дастурлар, масалан матн муҳаррирлари, антивирус дастурлари, маълумотлар базаларини бошқариш тизимлари ва ш.к.), шунингдек, инструментал дастурлар (дастурлаштириш тиллари – Turbo С, Microsoft Basic ва ҳоказолар ҳамда трансляторлар – алгоритмик ва символик тиллардан машина кодларига ўз-ўзидан ўгиришни таъминловчи дастурлар мажмуи)дан;

– ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчининг машинадаги ахбороти.

Дастурий воситалар ўзлари қандай жисмга ёзилганлигидан қатъи назар интеллектуал махсулот ҳисобланади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон давлат стандарти. «Ахборот технологиялари. Атамалар ва уларнинг таърифлари». О'з DS1 1047:2003. – 15-б.

4. Ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан конунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий воситалар, асосан, ахборотдан рухсатсиз фойдаланиш, нусха кўчириш, уни ўғирлаш ёки модификациялаштиришдан муҳофаза қилувчи тизимни бузиб кириш учун мўлжалланган дастурлардан иборат.

5. **Аппарат воситалари** – маълумотларга ишлов бериш учун қўлланиладиган техника воситалари. Уларга маълумотларга автоматлаштирилган усулда ишлов бериш учун мўлжалланган барча механик, электр ва электрон ускуналар (шахсий компьютер, периферия қурилмаси ва машина ахборотининг моддий манбалари) киради.

6. ЖК 278³-моддаси мазмунидаги **махсус аппарат воситалари** деганда, ахборотдан рухсатсиз фойдаланиш, нусха кўчириш, уни ўғирлаш ёки модификациялаштиришдан муҳофаза қилувчи тизимни бузиб кириш учун мўлжалланган механик, электромеханик, электрон, оптик, лазер, радио, радиотехник, радиолокацион ва бошқа қурилмалар, тизимлар ва иншоотлар тушунилади. (*«Конунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш» тушунчаси ҳақида ЖКнинг 278²-моддаси шарҳига қаранг. «Компьютер тизими» тушунчасининг мазмуни ЖКнинг 278¹-моддаси таҳлилида ёритилган*).

7. **Ҳимояланган компьютер тизими** – бу маълум бир операцион шароитларда, ўта муҳим маълумотларни ўз ичига олган ахборот маконининг бир қисмининг махфийлиги, яхлитлиги ва фойдалана олишини таъминлайдиган ва кўплаб таҳдидларга дучор бўлган шароитларда ишлашга имкон берадиган тизим. Компьютер тизимини химоя қилиш, аввало, ундаги маълумотларни химоя қилиш учун амалга оширилади¹.

Телекоммуникация тармоғи – бу маълумот узатишнинг бир ёки бир нечта турини – телефон, телеграф, факс орқали узатилишини ва бошқа турдаги хужжатли хабарлар-

¹ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси [Мати]: ўқув қўлланма / Г.Ф. Мусаев [ва бошқ.]. – Ташкент: Baktria press, 2020. – 64 б.

ни, телевизион ва радиоэшиттиришлар трансляциясини таъминловчи телекоммуникация воситаларининг бирикмаси¹.

Компьютер тизимини химоялаш, аввало, ундаги ахборотни муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилади. (*Ахборотни муҳофаза қилиш ҳақида батафсилроқ ЖК 278¹-моддаси шарҳига қаранг*).

8. ЖК 278²-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** химояланган компьютер тизимдан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатишда ақс этади. Жумладан:

а) махсус дастурий ёки аппарат (дастурий-аппарат) воситаларини ишлаб чиқариш. Бу химояланган компьютер тизимига ёки телекоммуникация тармоғига рухсатсиз киришни олиш учун махсус компьютер дастурларини, компьютерларни ва бошқа техник тизимларни, қурилмаларни яратиш, Шунингдек, стандарт қурилмаларни ўзгартириш, бунинг натижасида улардан компьютер тизимига ёки телекоммуникация тармоғига рухсатсиз киришда фойдаланиш мумкин. Бунда, химояланган компьютер тизимига ёки телекоммуникация тармоғига ноқонуний (рухсатсиз) кириш ҳуқуқини олиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ишлаб чиқариш, айбдор уларни ўтказиш мақсадини кўзлаган бўлсагина шарҳланаётган жиноят таркибини ташкил қилади.

б) махсус дастурий ёки техник воситаларни сотиш, алмашиш, ҳадя қилиш. Шунингдек, ушбу жиноят объектини бошқа шахсга ундан мақсадли равишда фойдаланиш имкониятини берадиган доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун ўтказиш ва тарқатиш. Шу билан бирга, ўтказиш ва тарқатиш ўртасида баъзи бир фарқлар мавжуд, хусусан, тарқатиш, номуайян доирадаги шахсларга шарҳланаётган норманинг диспозициясида кўрсатилган махсус дастурий воситаларга кириш учун шароит яратиш орқали улардан

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси 1999 йил 20 августдаги «Телекоммуникациялар турисид»ги 822-1-сонли Қонуни, 2-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 219-модда.

фойдаланиш имкониятига эга бўлиш ларини тушунмоқ керак (электрон почта глобал Интернет тармоғи орқали, компьютер тармоқларида алоқа линиялари орқали ва бошқалар)¹.

9. Ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни тайёрлаш шахс томонидан бу воситаларни яратишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларнинг амалга оширилишини англатади. Хусусан, махсус дастурий воситаларни тайёрлаш ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш учун мулжалланган компьютер дастурларини яратишда ифодаланади. Махсус аппарат воситаларини тайёрлаш эса, компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш учун имконият яратадиган турли техник тизимлар, асбоблар, қурилмаларни яратишдан иборат.

Ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини тайёрлаш (яратиш) кўриб чиқиладиган жиноят таркибини фақат айбдор уларни ўтказиш мақсадини кўзлаган ҳоллардагина ташкил этади.

10. ЖК 278³-моддаси мазмунидаги ўтказиш деганда, махсус аппарат воситаларини номуайян доирадаги шахслар фойдасига (жумладан, сотиш, ҳада қилиш, ижарага бериш, қарзга бериш йўли билан) бегоналаштиришнинг ҳар қандай шакли тушунилиши лозим.

11. Айни ҳолда тарқатиш деганда, номуайян доирадаги шахслар кўриб чиқиладиган норманинг диспозициясида тавсифланган махсус дастурий воситалардан фойдаланиш имкониятини қўлга киритиши учун шароит яратиш тушунилиши лозим. Дастурий воситаларни тарқатиш усуллари

¹ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси [Матн]: ўқув қўлланма / Г.Ф. Мусаев [ва бошқ.]. – Ташкент: Baktria press, 2020. – 66 б.

ҳар хил (электрон почта орқали бировга ўтказиш, компьютер тармоғи воситасида алоқа линияси орқали бировга ўтказиш ва ш.к.) бўлиши мумкин ва қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

12. Кўриб чиқиляётган жиноят конунда кўрсатилган, вазифасига кўра фойдаланиш учун тайёр бўлган махсус воситаларнинг ҳеч бўлмаса битта нусхаси тайёрланган (яратилган) пайтдан ёки бундай воситалардан ҳеч бўлмаса биттаси ўтказилган ёки тарқатилган пайтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади.

13. ЖК 278³-моддасида назарда тутилган жиноят **субъектив** томондан фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Айбдор ўзи махсус воситаларни компьютер тизимидан конунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун уларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаётганини англайди ёки мазкур воситаларни ўтказаяётгани ёки тарқатаётганини англайди ва шундай қилишни истайди. Ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан конунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситалари тайёрланганда махсус мақсад – кўрсатилган дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш ҳам аниқланиши лозим.

14. 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс мазкур жиноят **субъекти** бўлиши мумкин.

15. ЖК 278³-моддаси 2-қисмида:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) хизмат мавқендан фойдаланган ҳолда;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган ҳимояланган компьютер тизимидан конунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш учун жавобгарлик назарда тутилган. *(Мазкур белгиларнинг мазмуни ҳақида ЖК 278²-моддаси шарҳига қаранг).*

278¹-модда. Компьютер ахборотини модификациялаштириш

Компьютер ахборотини модификациялаштириш, яъни компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, –

бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Компьютер ахборотини модификациялаштиришнинг **бевосита объекти** компьютер ахборотининг хавфсизлигини ва ЭҲМ, ЭҲМ тизими ёки уларнинг тармоқлари нормал ишлашини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлардир. **Қўшимча бевосита объект** – фуқароларнинг шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқлари ва манфаатларини, шунингдек, давлат ва жамоат манфаатларини амалга оширишни кафолатловчи ижтимоий муносабатлар. («Компьютер ахбороти», «ЭҲМ», «ЭҲМ тизими», «ЭҲМ тармоқлари» тушунчаларининг мазмуни ҳақида ЖК 278¹-моддаси шарҳига қаранг).

2. Жиноятнинг **объектив томони** фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек, била туриб унга ёлғон ахборотни киритишдан иборат.

Компьютер тизими деганда компьютер тизими хотирасида сақладиган маълумот, компьютер ёки бошқа ахборот воситаларида компьютер тизимини идрок этадиган шаклда ёки алоқа каналлари орқали узатиладиган маълумотлар тушунилади¹.

3. Компьютер ахборотини **модификациялаштириш** – мазкур ахборотни қайта ишлаш, яъни компьютер тизимида сақланаётган ахборотга адаптация ҳисобланмаган ҳар қандай ўзгаришларни киритиш.

Қўриб чиқиладиган модда бўйича жиноий жавобгарлик келиб чиқиши учун компьютер ахборотини модификациялаштириш, яъни компьютер тизимида сақланаётган ахборотни ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек, била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш **қонунга хилоф равишда**, яъни шахс томонидан қонунда белгиланган ҳуқуқсиз ёки бу ахборотнинг мулкдори ёки қонуний эгасининг рухсатсиз амалга оширилган бўлиши лозим. Компьютер ахборотини қонуний модификациялаштириш, тегишли равишда, фақат бу ахборотга қонуний эгалик қилувчи шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Жумладан, шахс дастурлар ва маълумотлар базаларини қонуний модификациялаштиришни:

- очик-ойдин хатоларни тузатиш;
- дастурлар, маълумотлар базаларига улар фойдаланувчининг техника воситаларида фаолият кўрсатиши учун тузатишлар киритиш;

¹ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификациялиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси [Матн]: ўқув қўлланма / Г.Ф. Мусаев [ва бошк.]. – Ташкент: Baktria press, 2020. – 67 б.

– бошқа дастурлар билан ўзаро алоқа қилиш қобилиятига эришиш учун дастурни қисман декомпиляция қилиш тарзида амалга ошириши мумкин.

Ҳар қандай ҳолда амалга оширилган модификациялаштиришнинг қонунийлиги туғрисидаги масала Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлдаги «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар туғрисида»ги УРК–42-сонли Қонуни нормаларини ҳисобга олиб ҳал қилиниши лозим.

Жиноят ҳуқуқи фанида модификация деганда компьютер маълумотларига таъсир қилишнинг маълум усуллари тушунилиши мумкин. Масалан, асл маълумотни қисман алмаштириш (йўқ қилиш ва киритиш) ва (ёки) дастлабки маълумотларга янги маълумотларни қўшиш (киритиш).

Тергов амалиётида компьютер маълумотларини «модификациялаштириш» атамаси йўқ қилиш, блокировка қилиш, нухалаш каби оқибатларга олиб келмайдиган тушунча сифатида тан олинган. Натижада, компьютер маълумотлари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда «модификациялаштириш» тушунчаси компьютер маълумотларига ўзгартириш киритиш ва зарар етказиш, уларни ўчириш, Шунингдек, унга (ёки унинг параметрларига) била туриб ёлғон маълумотни киритиш кабиларни тушуниш тавсия этилади. Ушбу таърифдан хулоса келиб чиқадики, модификация нафақат маълумотнинг ўзида, балки унга автоматик равишда тизим томонидан ёки тизим фойдаланувчиси томонидан маълумотларни олувчининг манзили ҳақидаги тафсилотлар – буйруқлар билан тайинланган тизимда амалга оширилади¹.

5. Ахборотни ўзгартириш деганда, компьютер ахборотининг дастлабки ҳолатига унинг мазмунини ўзгартирмайдиган ҳар хил тузатишларнинг киритилиши (масалан, маълумотлар базасини реструктуризация қилиш ёки қайта ташкил этиш, унинг файлларидаги ёзувларни қўшиш, ЭҲМ

¹ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси [Матн]: ўқув қуланма / Г.Ф. Мусаев [ва бошқ.]. – Ташкент: Baktria press, 2020. – 68 б.

ёки маълумотлар базаси учун дастурни бир тилдан бошқа тилга ўгириш) тушунилиши лозим.

6. Ахборотга **шикаст етказиш** деб, уни техника воситалари билан ишлов бериш чоғида яроқсиз ҳолатга келтирилиши (агар уни тиклаш имконияти мавжуд бўлса) тушунилиши лозим.

7. Компьютер тизимида сақланаётган ахборотни **ўчириш** амалда уни йўқ қилиб юбориш ҳисобланади ва файлни ёки унинг бир қисмини мантиқий ва моддий жиҳатдан фойдаланиб бўлмайдиган ҳолатга келтирувчи операциядан иборат.

8. Кўриб чиқиляётган норма мазмунидаги **била туриб ёлғон ахборотни киритиш** компьютер тизимида сақланаётган ахборотга ҳақиқатга мос келмайдиган маълумотларни қўшиб қўйишдан иборат.

Шуни таъкидлаш керакки, бу қилмишни квалификациялаш учун компьютер маълумотларига қандай ўзгартириш киритилганлиги муҳим эмас. Асосийси, маълумот қонун билан ҳимояланганлигини ва ундаги компьютер маълумотларнинг эгаси ёки мулкдори руҳсатсиз ўзгартирилганлигини аниқлаш. Ахборотни модификациялашнинг қонунийлиги масаласи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан ҳал қилиниши керак. Ушбу маълумотларга қонуний эгаллик қилган шахслар томонидан дастурлар, маълумотлар базалари (ва шунга мос равишда маълумотлар)ни қонуний модификациялаш бўйича мисоллар: яққол хатоларни тузатишга тегишли модификациялашлар; фойдаланувчининг техник воситаларида ишлаши учун дастурларга, маълумотлар базаларига ўзгартиришлар киритиш шаклидаги модификациялаш; бошқа дастурлар билан ўзаро ишлаш қобилиятига эришиш учун дастурни қисман декомпиляция қилиш шаклида модификациялаш¹.

9. Компьютер ахборотини қонунга хилоф равишда модификациялаштириш **ЖКнинг 278⁴-моддаси 1-қисмида** кўрсатилган ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган, яъни фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган

¹ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификациялиниши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси [Матн]: ўқув қўлланма / Г.Ф. Мусаев [ва бошқ.]. – Ташкент: Baktria press, 2020. – 69 б.

манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилган вақтдан эътиборан тугалланган жиноят деб эътироф этилади.

10. Мазкур жиноят содир этилиши натижасида фукароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига **жиддий зиён** етказилиши муҳим ёки ҳатто ўта ноёб ахборотнинг йўқолишидан; муҳим техника воситалари ишдан чиқишидан (жумладан, авария, ҳалокат ва одамлар ўлимига сабаб бўлиши мумкин бўлган авианавигация техникаси ишдан чиқишидан); компьютер тармоғига бирлаштирилган ЭҲМ ўртасида алоқанинг қайта созлаш ёки узок вақт таъмирлашни талаб этувчи узилишидан ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин. *(Кўрсатилган ижтимоий хавфли оқибатларнинг тавсифи ва уларни квалификация қилиш хусусиятлари ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 278¹-моддаси шарҳига қаранг).*

11. **ЖК 278⁴-моддаси**да назарда тутилган жиноят **субъектив томондан** қасддан (**туғри ёки эгри қасд билан**), **эҳтиётсизлик орқасида** ёки **мураккаб айбли жиноят** тарзида содир этилиши мумкин. *(Мазкур айб шаклларининг ақл ва идрок омиллари мазмуни ҳақида ЖКнинг 278¹-моддаси таҳлилида айтиб ўтилган).*

Қилмишни квалификация қилишда унинг **мотиви** ва **мақсади** иккинчи даражали аҳамият касб этади.

12. 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс мазкур жиноят **субъекти** бўлиши мумкин.

13. **ЖК 278⁴-моддаси 2-қисмида**:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир

этилган компьютер ахборотини қонунга хилоф равишда модификациялаштириш учун жавобгарлик белгиланган. *(Мазкур жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни квалификация қилиш хусусиятлари ҳақида ЖКнинг 278¹-моддаси ва ЖКнинг 278²-моддаси шарҳига қаранг)*



278^б-модда. Компьютер саботаж

Ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш (компьютер саботаж) –

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Мазкур жиноятнинг **бевосита объекти**ни компьютер ахбороти ёки дастурларнинг, шунингдек, компьютер ускунасининг бутлигини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Бу ерда **қўшимча объект** сифатида фуқароларнинг шахсий ёки мулкӣ манфаатларини ёхуд давлат ва жамоат манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар амал қилиши мумкин.

2. **Компьютер саботаж** деб, компьютер ускунаси ёки компьютер тизимининг ишига уларнинг нормал фаолият кўрсатишига халақит бериш ниятида аралашишни эътироф этиш мумкин.

Ўзганинг компьютер ускунаси ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунаси, шунингдек, компьютер тизими жиноят **предмети** ҳисобланади.

Компьютер ускунаси – ахборотни ўзгартириш ва сақлаш учун мулжалланган ускуна. Бу турдаги ускунага қуйидагилар

киради: алоқа тизимлари ва воситалари ускунаси, ўлчаш ва бошқариш воситалари, ҳисоблаш техникаси воситалари (маълумотларга автоматлаштирилган усулда ишлов бериш учун аналогли ва аналогли-рақамли машиналар, электрон ҳисоблаш, электромеханик ва механик комплекслари ва машиналари, маълумотларни сақлаш, кидириш ва уларга ишлов бериш учун мўлжалланган, турли вазифаларни ечиш билан боғлиқ бўлган қурилмалар) ва ташкилий техника воситалари, ахборотни визуал ва акустик акс эттириш воситалари, ахборотни сақлаш воситалари, театр-сахна ускунаси ва ҳ.к. («Компьютер тизими» тушунчаси ҳақида ЖК 278¹-моддаси шарҳига қаранг).

3. Компьютер саботажининг **объектив томони** ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини ишдан чиқариш, шунингдек, компьютер тизимини бузишдан иборат.

Компьютер ускунасини ишдан чиқариш компьютер тизими, тармоғи, ЭХМ таркибидаги айрим элементларни уларнинг вазифасига мувофиқ ишлаб туришини жиддий қийинлаштирувчи тарзда яроқсиз ҳолатга келтиришни англатади.

Компьютер тизимини бузиш деганда, тизимнинг барча аппарат (техник) компонентлари ёки уларнинг айримлари йўқ қилиб юборилиши натижасида бу тизим ўз фаолиятини тўхтатиши тушунилиши лозим. Бунда қилмишни ЖК 173-моддаси (Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш) билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

«Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисида»ги Битимга мувофиқ, компьютер тизими – маълумотларни автоматлаштирилган равишда йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш ва қабул қилиш учун мўлжалланган аппарат ва дастурий таъминотлар мажмуи¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда ҳамкорлиги тўғрисида Битим) ПК–4188-сонли қарори.

Европа Кенгашига аъзо давлатлар Вазирлар Кўмитасининг 1989 йил 13 сентябрда қабул қилинган Компьютер билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги R 89 (9)-сонли тавсиясига¹ биноан, «компьютер саботажини – бу компьютер ёки телекоммуникация тизимининг ишлашига тўсқинлик қилиш ниятида компьютер маълумотлари ёки компьютер дастурларини киритиш, ўзгартириш, ўчириш ёки бостириш ёки компьютер тизимларига халақит бериш».

Компьютер саботажини қўйидагиларни ўз ичига олади:

1) Аппарат ускуналари ёрдамидаги саботаж: компьютер маълумотлари ёки дастурларини киритиш, ўзгартириш, ўчириш, бостириш; компьютер ёки телекоммуникация тизимининг ишлашига халақит бериш мақсадида компьютер тизимлари ишига аралашиниш;

2) Дастурий таъминот ёрдамидаги компьютер саботажини: буни амалга ошириш ҳуқуқсиз компьютер маълумотлари ёки дастурларини ўчириш, шикастлаш, бузиш ёки бостириш².

Компьютер саботажини амалга ошириш усули моддий (блокларни йўқ қилиб юбориш, дискеталар, магнит барабанлари, дисклар, тасмалар ва шу кабиларни яроқсиз ҳолга келтириш) ёки аппарат-дастурий (қурилмаларни мазкур ЭҲМ, унинг тизими ёки тармоғига мос келмайдиган бошқа қурилмалар билан алмаштириш; маълумотлар базаси устидан ўйин дастурларини ёзиш; файлларнинг номларини ўзгартириш ва ш.к.) бўлиши мумкин, лекин бу айбдорнинг ҳаракатларига юридик баҳо беришга таъсир кўрсатмайди.

4. Компьютер саботажини шахс кўриб чиқилаётган модда диспозициясида кўрсатилган ҳаракатларни бажарган, яъни ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасдан ишдан чиқарган ёхуд

¹ Recommendation № R (89) 9 of the Committee of Ministers of the Council of Europe to member States for the Computer-Related Crime and Final Report of the European Committee on Crime Problems. – Strasbourg, 1990.

² Учебное пособие «Международные основы и стандарты информационной безопасности финансово-экономических систем» под изд. Юлии Бекетновой, Григория Крылова, Светланы Марионовой. Издательство Litres, февраль 2020 г.

компьютер тизимини бузган вақтдан эътиборан тугалланган жиноят деб эътироф этилади.

5. **Субъектив томондан** мазкур жиноят тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Айбдор компьютер ускунасини ишдан чиқариш ёхуд компьютер тизимини бузишга қаратилган ҳаракатлари бажараётганини англайди ва бунни истайди.

Компьютер ахборотини йўқ қилиб юбориш, унга шикаст етказиш (худди шунингдек, уни тўсиб қўйиш)га келсак, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, мазкур ҳаракатлар қасддан (ва айниқса махсус мақсад билан) содир этилганда айнан компьютер саботажига киритилиши лозим. *(Бу ҳақда батафсилроқ ЖК 278¹-моддаси шарҳига қаранг).*

6. **ЖК 278⁵-моддаси 2-қисмида:**

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан содир этилган компьютер саботажига учун жавобгарлик назарда тутилган. *(Жавобгарликни оғирлаштирувчи мазкур белгиларнинг мазмуни ва уларни квалификация қилиш хусусиятлари ҳақида ЖК 278²-моддаси шарҳига қаранг).*

Масалан, 1999 йил сентябрь ойида Александрия шаҳри Федерал округ суди (Колумбия округи, Вашингтон штати, АҚШ) Америка Қўшма Штатлари Президентини қароргоҳининг (Оқ уй), АҚШ ахборот агентлиги, Буюк Британиядаги НАТО маҳаллий тармоқлари компьютерларига, шунингдек, турли давлатларнинг давлат органлари ва нодавлат ташкилотларига тегишли веб-сайтларига қарши компьютер жиноятларини олти ой давомида амалга ошириб келган Эрик Барнсга (Eric Burns)¹ ҳукм чиқарди. Бунинг учун у ўзи томонидан ишлаб чиқилган «Web-бандит» компьютер дастуридан фойдаланган, унинг ёрдамида жиноятга учраган компьютерларнинг дастурий таъминотини яроқсиз ҳолга келтирган, бу маълумотларнинг йўқолишига, унинг

¹ «WEB Bandit» hackers sentenced to 15 months imprisonment, 3 years of supervised release, for hacking USIA, NATO, WEB sites / Press Release For Immediate Release. – November 19, 1999. – U.S. Department of Justice, United States Attorney, Eastern District of Virginia. – 2 p.

модификацияланишига ва улардан мақсадли фойдалана олмасликка олиб келди. Дастурдаги ўзгаришлар натижасида, масалан, АҚШ Ахборот агентлигининг серверлари 8 кун ичида узилиб қолди, уларнинг манбалари дунёнинг турли мамлакатларидаги АҚШ элчихоналари ва консуллик ваколатхоналари томонидан ишлатилган. Буюк Британиядаги Интернет-провайдер компанияларининг серверлари вақтинча ишдан чиқарилди ва ўқув муассасаларининг катта миқдордаги электрон маълумотлар йўқолди. Суд маҳкумдан унинг етказган тўғридан-тўғри зарарни қоплаш учун 36 240 АҚШ долларини ундирди¹.

278^б-модда. Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш

Компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

¹ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси [Мати]: ўқув қўлланма / Г.Ф. Мусаев [ва бошқ.]. – Ташкент: Baktria press, 2020. – 77 б

икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ШАРҲ

1. Ушбу жиноятнинг **бевосита объекти** компьютер ахбороти хавфсизлигини ва ЭҲМ, ЭҲМ тизими ёки уларнинг тармоқлари нормал ишлашини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлардир. Бу ерда **қушимча объект** сифатида фуқароларнинг шахсий ёки мулкый манфаатлари ёхуд давлат ва жамоат манфаатлари ҳам амал қилиши мумкин.

Жиноятнинг **предмети** – зарар келтирувчи компьютер дастурлари, шунингдек, махсус вирус дастурлари, яъни бошқа компьютерларга зарар келтирувчи дастурлар.

Компьютер дастури (ЭҲМ учун дастур) – бу «муайян натижа олиш мақсадида ЭҲМ, ЭҲМ шохобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи»¹. Компьютер дастури деб, уни ишлаб чиқиш чоғида олинган тайёргарлик ҳужжатлари ҳамда у билан яратиладиган аудиовизуал тасвирлар ҳам эътироф этилади.

Шуни қайд этиш лозимки, **ЖК 278^о-моддаси** диспозициясида айнан **зарар келтирувчи** компьютер дастури (ЭҲМ дастури) назарда тутилади.

2. **Зарар келтирувчи компьютер дастурлари** – фойдаланувчи рухсат бермаган ҳаракатларни бажаришга ва шу тариқа компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборот мулкдори(эгаси)га уни йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш тарзида зиён етказишга, шунингдек, ўзга нохуш оқибатлар (ЭҲМ, ЭҲМ тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилиши)га сабаб бўлишга кодир бўлган, махсус яратилган дастурлар.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги 1060–XII-сонли Қонуни. 1-модда 2-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994 й., 5-сон, 136-модда.

«Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисида»ги Битимга мувофиқ, зарар келтирувчи дастур – рухсатсиз йўқ қилиниши, блокраниши, модификацияланиши ёки нусхаланиши, ахборотнинг (компьютер) тизимининг ишдан чиқишига олиб келадиган, махсус ўзгартиришлар киритилиб яратилган ёки мавжуд бўлган дастур¹.

Дастурнинг зарарлигини аниқлаш учун у компьютер тизимларида сақланаётган маълумотлар ёки дастурлар рухсатсиз тўсиб қўйилиши, улардан нусха кўчирилиши, уларнинг модификациялаштирилиши, йўқ қилиб юборилишига олиб келишга қодирлиги ёки кодир эмаслиги, яъни бу дастур ишининг хусусияти ҳақида ахборот мулкдори (эгаси) ёки ўзга ваколатли фойдаланувчини олдиндан хабардор этиш назарда тутилганлиги ёки назарда тутилмаганлиги, шунингдек, дастур ўз функцияларини бажаришига унинг рухсатини олиш назарда тутилганлиги ёки назарда тутилмаганлиги аниқланиши лозим. Агар бу талабларнинг ҳеч бўлмаса биттаси бузилса ҳам дастур файриконуний (зарар келтирувчи) деб топилиши лозим.

Зарар келтирувчи дастурлар тоифасига қуйидагилар киради: вирус дастурлари; электрон калитларнинг дастур-эмуляторлари; паролли муҳофазани бузувчи дастурлар; «мантикий бомбалар»; «троя оти», «қурт» ва бошқа дастурлар.

Ўз вақтида (2001 йил) компьютер ахборотини қўлга киритиш ва ўзганинг ЭҲМ устидан назорат ўрнатишга мўлжалланган «троя оти» дастури барча зарар келтирувчи дастурлар орасида, айниқса, кенг тарқалган эди. Мазкур дастур дастурий таъминот муаллифи томонидан назарда тутилмаган кўрсатмалар блокдан иборат бўлиб, улар ўз вазифасини бажариб бўлганидан сўнг ўз-ўзидан йўқ бўлади. Шундан сўнг мазкур дастурий модулларни топиш деярли мумкин эмас.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги Битим) ПҚ-4188-сонли қарори.

Троя дастурларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар компьютер тизимига чуқур киради, яхшилаб никобланади, шу боис уларни аниқлаш ва ўчириб ташлаш жуда қийин.

«**Мантиқий бомбалар**» ҳам анча кенг тарқалган зарар келтирувчи вируслардир. Улар касддан дастур коддини ўзгартиришдан иборат бўлиб, бунинг натижасида ЭХМ дастури ёки тизими олдиндан белгиланган шароитда, масалан, муайян вақтда тўлик ёки қисман ишдан чиқади.

«Мантиқий бомбалар»нинг компьютер вирусларидан фарқи шундаки, улар аввал бошдан дастурнинг бир қисми ҳисобланади ва бошқа дастурларга ўтмайди, компьютер вируслари эса, ҳаракатчан дастурлар бўлиб, ҳатто компьютер тармоқлари бўйлаб тарқалиши ҳам мумкин¹.

Вирус дастури – бошқа дастурларга ўз-ўзидан қўшилишга (яъни, уларни «зарарлаш»га) ва улар ишга туширилганда ваколатли фойдаланувчи учун номақбул бўлган турли амалларни бажариш, чунончи: файллар ва каталогларга шикаст етказиш йўли билан улардаги ахборотни йўқ қилиб юбориш, модификациялаштириш, тўсиб қўйиш; компьютер хотирасини кераксиз маълумотлар билан тўлдириш ёки ўчириш, унинг иши секинлашувига олиб келиш ва ҳоказоларга қодир бўлган зарар келтирувчи махсус дастур.

Вирус дастурлар, одатда, улар ўз-ўзидан нусха кўчириши ва никобланишини таъминловчи курсатмаларни ўз ичига олади. Муайян давр мобайнида вирус ўзини намоён этмаслиги мумкин, лекин кейинчалик компьютер «касалланади» ва сиртдан сабабсиз ишдан чиқади. Аксарият ҳолларда компьютер ишидаги носозликлар ахборот тўлик ёки қисман йўқ бўлиб кетиши билан бирга юз беради.

Расмий даражада рўйхатдан ўтказилган, компьютерни бутунлай яроқсиз ҳолатга келтиришга қодир бўлган компьютер вируслари орасида «Покистон вируси», «Рождество арчаси», «Моррис вируси», «I love you», «666» вирусларини қайд этиш мумкин. Ҳозирги вақтда ЭХМ учун

¹ Қаранг: Преступления в сфере компьютерной информации: квалификация и доказывание: Учебное пособие / Под ред. Ю.В. Гаврилина. – М.: ЮИ МВД РФ, 2003. – 39 б.

вируслар сони бир неча ўн мингтага етади ва уларнинг сони тинимсиз ўсиб бормокда.

3. **ЖКнинг 278^б-моддасида** назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини қўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек, махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатишда акс этади.

Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, худди шунингдек, **махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш** дастурий алгоритмини ёзишни, яъни мантикий кўрсатмалар кетма-кетлигини ва кейинчалик уни ЭХМ машина тилига ўтказишни назарда тутати.

Умуман олганда, ҳар қандай компьютер дастурини яратиш алгоритми ёзиш тилини танлаш, кейинчалик ЭХМ машина тилига ўтказиш, дастурни ростилаш ва сақлаб қўйишни ўз ичига олувчи изчил фаолиятдир. Зарар келтирувчи дастурларни яратиш вазифаси қўйилганда бу ҳаракатлар жиноят қонунига биноан жазога лойиқ деб топилиши мумкин.

Мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш безарар бўлган дастурни унга вирус киритиш орқали (унинг алгоритмини ўзгартириш, унинг айрим қисмларини олиб ташлаш ёки тўлдириш, уларни бошқа қисмлар билан алмаштириш йўли билан) модификациялаштириш бўлиб, бунинг натижасида дастур янги функцияларни орттиради ва компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборот рухсатсиз йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёки у қўлга киритилишига олиб келишга қодир бўлади.

(«Ахборотни йўқ қилиб юбориш», «ахборотнинг тўсиб қўйилиши», «ахборотни модификациялаштириш», «ахборотдан нусха кўчириш» ва «ахборотни қўлга киритиш» тушунчаларининг мазмуни ҳақида ушбу бобда кўриб чиқилган олдинги моддалар шарҳига қаранг).

Зарар келтирувчи дастур ёки махсус вирус дастуридан фойдаланиш деганда, Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуни I-моддасининг қоидаларини ҳисобга олганда, қуйидагилар тушунилиши лозим:

– тегишли дастурни босиб чиқариш, яъни унинг нусхаларини номуайян доирадаги шахсларга бериш (шу жумладан, ЭХМ хотирасида ёзиб қўйиш ва босма матни чиқариш йўли билан);

– ундан нусха олиш, яъни дастурнинг бир ёки бир неча нусхаларини ҳар қандай моддий шаклда тайёрлаш, шунингдек, уларни ЭХМ хотирасида ёзиб қўйиш;

– тарқатиш;

– дастурни ҳўжалик муомаласига (жумладан, модификациялаштирилган шаклда) киритиш юзасидан бошқа ҳаракатларни амалга ошириш. Бунда босиб чиқарилган тегишли дастур ҳақидаги хабарларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш зарар келтирувчи ёки махсус вирус дастуридан фойдаланиш деб эътироф этилмайди¹.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, айрим ҳолларда зарар келтирувчи дастурлардан рухсат билан фойдаланилади, яъни бунда тегишли зарар келтирувчи дастурнинг қўлланилишини ахборот ресурсининг мулкдори ёки бошқа қонуний эгаси маъқуллайди (янги дастурий таъминотни ишлаб чиқишда, вирусга қарши воситаларни яратиш борасидаги тадқиқот ишларини ўтказишда ва ш.к.).

Зарар келтирувчи ёки махсус вирус дастурини тарқатиш деганда, зарар келтирувчи дастурнинг ҳар қандай моддий шаклда, шу жумладан, тармоқлар воситасида ва бошқа усуллар ёрдамида, шунингдек, сотиш, прокатга бериш, ижарага топшириш, қарзга бериб туриш, жумладан, ушбу мақсадларнинг исталгани учун импорт қилиш йўли

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги 1060–XII-сонли Қонуни, I-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 136-модда.

билан олинган нусхаларидан фойдаланишни таъминлаш тушунилади¹. Қуриб чиқиладиган турдаги дастурларни тарқатиш бевосита улардан жабранувчининг компютерида, масалан, дискетадан ёки бошқа манбадан нусха кўчириш йўли билан, шунингдек, бевосита, қонуний фойдаланувчининг алоқа линияси бўйлаб компютер тармоғи орқали ёки электрон почта орқали узатиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

4. ЖКнинг 278^б-моддасида назарда тутилган жиноят мазкур норманинг диспозициясида белгиланган ҳаракатларнинг исталган бири амалга оширилган пайтдан эътиборан, компютер тизимида сақланаётган ёки узатиладиган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш тарзидаги оқибатлар юз берганлиги ёки бермаганлигидан қатъи назар, **туғалланган** деб эътироф этилади. Хусусан, вирус дастурлари бирламчи матнлари мавжудлигининг ўзидек қуриб чиқиладиган модда бўйича жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Шуни қайд этиш лозимки, «зарар келтирувчи дастурларни яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритишда ақс этган қилмиш у амалда ахборотнинг рухсатсиз йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёки унинг қўлга киритилиши хавфини вужудга келтирган ҳолдагина жиноят ҳисобланади. Ақс ҳолда, шахснинг зарар келтирувчи дастурларни яратиш, улардан фойдаланиш ёки уларни тарқатиш борасидаги ҳаракатлари жиноят сифатида қаралиши мумкин эмас. Масалан, монитор экранда штрих ҳосил қилиб, дарҳол ғойиб бўладиган анча зарарсиз дастур-вирусни яратган шахснинг ҳаракатлари жинойий бўлмайдиган»².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги 1060–XII-сонли Қонуни, 1-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 136-модда.

² Қаранг: Уголовное право России. Особенная часть. Учебник для высших учебных заведений / Под общ. ред. д.ю.н., проф. И.Г. Кадникова. – 664-б.

Шу сабабли, яратилган, тарқатилган ёки ишлатилган зарар келтирувчи дастур амалда ахборотнинг тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёки унинг қўлга киритилишига олиб келиши ва шу тариқа унинг эгасига хавф туғдириши мумкин бўлмаган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 36-моддасига биноан кам аҳамиятли деб баҳоланиши лозим.

Масалан, фуқаро Д., ахборот технологиялари соҳасида маълум касбий кўникмаларга эга бўлса-да, расмий равишда бирон бир ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланмайди. Дастурлашда яхши тажрибага эга бўлган таниши фуқаро Б. билан олдиндан тил бириктириб, интернет орқали «Джон» никига эга номаълум шахс билан танишган. Келгусида, уччаласи ҳам компьютер маълумотларини шифрлаш (блокировка қилиш, модификациялаш) ва маълумотларнинг тесқари декодланиши учун криптовалюта (Bitcoin) шаклида пул олиш йўли билан ноқонуний фойда олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун олдиндан тил бириктирган. Шундай қилиб, ушбу шахслар махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиб, улардан фойдаланган ҳолда, Миллий банкнинг серверига вирус ҳужумини уюштириб, банкнинг мингдан ортиқ фойдаланувчиларининг электрон ҳисобларидаги маълумотларни шифрлаган (блокировка қилган)¹.

5. Субъектив томондан мазкур жиноят фақат **тўғри қасд** билан содир этилиши мумкин. Шахс ўзи яратаётган дастурнинг зарар келтирувчи хоссаларини олдиндан биледи, мавжуд дастурларга бундай ўзгартиришларни онгли равишда киритади, махсус вирус дастурларини ишлаб чиқади, улардан фойдаланади ёки таркатади ва буни истайди. Кўрсатилган ҳаракатларни айбдор **ЖКнинг 278^б-моддаси** диспозициясида белгиланган **мақсад** – компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритишни кўзлаб амалга

¹ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини утказиш тактикаси [Матн]: ўқув қўлланма / Г.Ф. Мусаев [ва бошқ.]. – Ташкент: Baktria press, 2020. – 80 б.

оширади. Бу жиноятнинг **мотиви** қилмишни квалификация қилиш учун иккинчи даражали аҳамият касб этади.

6. **Субъект** – 16 ёшга тулган ақли расо жисмоний шахс. Одатда, бу кибернетика ва ахборот технологиялари соҳасида махсус билимларга эга бўлган шахс.

7. **ЖКнинг 278^б-моддаси 2-қисмида:**

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
 б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
 в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
 г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

(Жавобгарликни оғирлаштирувчи бу ҳолатларнинг мазмуни ва уларни квалификация қилиш хусусиятлари ҳақида ЖКнинг 278^г-моддаси ва ЖКнинг 278^д-моддаси шарҳига қаранг).

278^г-модда. Телекоммуникация тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш

Ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникация тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) хизмат мавқеидан фойдаланиб;
- г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Кўриб чиқиладиган модданинг **умумий объекти** телекоммуникациялар тармоғи соҳасида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига доир ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 8 февралдаги «Телекоммуникациялар тўғрисидаги» 822–1-сонли Қонунига мувофиқ **«телекоммуникация** – сигналлар, белгилар, матнлар, тасвирлар, товушлар ёки ахборотнинг бошқа турларини ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электорманит тизимларидан фойдаланган ҳолда узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш»¹.

Телекоммуникациялар тармоғи – бу узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи².

2. Шарҳланаётган модда **объектив томондан:**

1) ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда, телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникация тармоғидан конунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш орқали;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги 822–1-сонли Қонуни, 2-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 219-модда.

² Ўша жойда.

2) мазкур мақсадлар учун мулжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш орқали содир этилади (қаранг: батафсил ЖК 278³-моддаси шарҳи).

Даставвал, «кириш» тушунчасини «уланиш»дан фарқини кўриб чиқиш лозим. Телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш учун сиз ўзингизнинг терминал ускунагизни телекоммуникация тармоғига улашингиз кераклигини билиш жуда муҳимдир. Фуқароларнинг умумий телекоммуникация тармоқларига уланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Телекоммуникациялар тўғрисидаги» 822-1-сонли Қонунининг 23-моддасида белгиланган. Шу билан бир қаторда рухсатсиз (оператор ёки провайдерсиз) уланиш тақиқланган. МЖтКга кўра абонентлик қурилмасини рўйхатдан ўтказмай ёки рухсатсиз электр алоқа тармоқларига улаш абонентлик қурилмасини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади¹. «Уланиш»дан фарқли ўларок, «КИРИШ» бу электралоқа тармоғига аллақачон уланган фойдаланувчи томонидан телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш. Шундай қилиб, МЖтК 155²-моддаси, «Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш», телекоммуникация тармоғидан шахс бундай ҳуқуққа эга бўлмасдан («ўчирилган» ёки «блокланган») ёки ҳуқуқи чекланган бўлиб (кириш даражаси бўйича ҳуқуқлар) ноқонуний фойдаланишни англатади. Масалан, шахс бепул телефон хизматидан ёки Интернетдан фойдаланиш калитини бузиб телефон тармоғига ёки қўшнисининг Wi-Fi тармоғига ноқонуний уланди².

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 151-модда, 2-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон.

² Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси [Матн]: ўқув қўлланма / Г.Ф. Мусаев (ва бошқ.). – Ташкент: Baktria press, 2020. – 83 б.

Трафик – бу телекоммуникация тармоғи орқали узатиладиган хабарлар тўплами.

Халқаро трафикни ўтказиш – бу абонентлар (тармоқлар) ўртасида ахборотларни ўрнатиш, улаш ва узатиш жараёнидир.

Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш деганда, телекоммуникация тармоғи қонуний эгаси томонидан рухсат этилмаган (маъқулланмаган) ҳолда уни бузиш ёки унга ноқонуний улаш назарда тутилади.

Бошқача қилиб айтганда, қуйидаги ҳолларда телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш деб топилади, агарда шахс:

– телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаса;

– телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ҳуқуқига эга, бироқ ундан фойдаланиш билан боғлиқ ўрнатилган қоидаларга риоя этмаган ҳолда содир этилса.

Телекоммуникация тармоғидан ноқонуний фойдаланиш унинг содир этилиши усуллари (мобил алоқа абонент қурилмаси, абонент идентификация қурилмаси идентификацион кодининг ноқонуний ўзгартирилиши, мобил алоқа абонентининг идентификация картаси дубликати яратиш орқали абонент қурилмаси идентификацион кодини ўзгартириш учун дастурлар яратиш ва уларни фойдаланиш ва ҳоказо)дан қатъий назар жиноят квалификациясига таъсир этмайди.

Қуйидаги ҳолларда жиноят **туғалланган** деб ҳисобланади: **биринчидан**, етказилган зарар миқдоридан қатъий назар (бизнингча, зарар миқдорини инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди) ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланган пайтдан бошлаб, **иккинчидан**, мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки

аппарат воситаларини қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратган вақтидан бошлаб.

3. Субъектив томондан, телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш (бузиш) тўғри қасд билан содир этилади. Ўрнатилган химоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда, телекоммуникация тармоғидан фойдаланишни ва халқаро трафикни ўтказишни мақсад қилганлиги мазкур жиноятнинг зарурий белгиси бўлиб ҳисобланади.

4. 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс мазкур жиноят **субъекти** бўлиши мумкин.

5. ЖК 278⁷-моддаси 2-қисмида:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб (*батафсил ЖК 29-модда шарҳига қаранг*);

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан (*батафсил ЖК 32, 34-модда шарҳига қаранг*);

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда (*мазкур ҳолатда айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 205, 206-моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди*);

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган ўрнатилган химоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда, телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, шунингдек мазкур мақсадлар учун мулжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш учун жавобгарлик назарда тутилган.



Еттинчи бўлим. ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

XXI боб. БЎЙСУНИШ ВА ҲАРБИЙ ШАЪНГА РИОЯ ЭТИШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

ШАРҲ

1. Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари, бошқа ҳарбий тузилмалар давлат суверенитети ва мамлакат ҳудуди бутунлиги, аҳолининг тинч-осуда ҳаёти ва хавфсизлигини сақлаш учун ташкил этилган.

Қуроли Кучлар ва бошқа ҳарбий тузилмаларнинг асосий фаолияти, шунингдек, улар томонидан ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажариш ҳарбий хизматни ўташга аниқ ва қатъий риоя этилиши кафолати ҳисобланади.

2. Ҳарбий судлар, ҳарбий жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги, ҳарбий интизом ҳамда қўшиннинг ҳарбий тайёргарлигини сусайтириб, мамлакатнинг мудофаа қобилиятига зарар етказишида ифодаланишига эътибор қаратишлари лозим.

Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларининг бузилиши, ўз ваколатларини суистеъмол қилиш ёки ваколат доирасидан четга чиқиш ва х.к.лар ҳарбий хизматчилар орасида анча кенг тарқалган жиноятлардан ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчилар томонидан умумжиноят характеридаги бошқа бир қатор жиноятлар ҳам содир этиладики, оғир ва ўта оғир жиноятлар шулар жумласидандир.

3. **Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар (ҳарбий жиноятлар)** деганда, ЖКнинг еттинчи бўлимида назарда тутилган, чақирув бўйича (муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик чақирув резервидаги ёки муқобил хизмат) ёки контракт (шартнома) бўйича Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида, Ўзбекистон

Республикасининг бошқа ҳарбий тузилмаларида ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбийлар томонидан, шунингдек, захирадаги ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан улар ҳарбий йиғинларда иштирок этаётган чоғларида ўрнатилган тартибдаги ҳарбий хизматни ўташга қарши жиноятлар тушунилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари кўрсатилган:

- муддатли ҳарбий хизмат;
- сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат;
- контракт (шартнома) бўйича ҳарбий хизмат;
- Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

5. **Муддатли ҳарбий хизмат** – чақирилиш ёшидаги фуқароларнинг оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида, шунингдек муқаддам ҳарбий хизматни ўтамаган офицерларнинг қонунчиликда белгиланган муддат мобайнида Қуроли Кучлари сафидаги мажбурий хизматидир¹.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуроли Кучлари сафида навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафида олинадилар.

6. **Сафарбарлик чақируви резерви хизмати** – ҳарбий хизматга яроқли, шу жумладан чекловлар билан яроқли бўлган ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуроли Кучлари сафида навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафида олинадилар.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилади

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 436–II-сонли Қонуни, 5-модда, 1-қисм // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотиномаси, 2002 й., 12-сон, 217-модда.

ҳамда чақирилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисобварағига пул бадаллари киритилишини назарда тутди¹.

7. **Контракт (шартнома) бўйича ҳарбий хизмат** Қуролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар орқали давлат билан тузиладиган контрактга биноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат туридир².

8. **Резервчилар хизмати** ҳақиқий ҳарбий хизматни, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар жумласидан бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар учун Қуролли Кучларнинг қўшилмалари, қисмлари ва бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириш, шунингдек, уруш даври тақозо этадиган тузилмаларни кучайтириш мақсадида умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этиладиган ҳарбий хизмат туридир.

Резервчилар сифатида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматга мажбурлар тинчлик даврида, қонда тариқасида, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини сақлаб туриш, резервчиларнинг ҳарбий ҳисобдаги ихтисослик бўйича мажбуриятларни тинчлик ва уруш даврида бажариши учун зарур бўлган қўшқималарини сақлаб қолиш ва такомиллаштириш мақсадида ҳарбий қисмлар базасида ҳудудий принцип асосида ташкил этиладиган ҳарбий тайёргарлик бўйича ҳарбий йиғинларни ўташга жалб этилишлари мумкин³.

9. Ҳарбий жиноятларнинг **бевосита объектини** ҳарбий хизматни ўташнинг ўрнатилган тартибини таъминловчи, яъни шахсларнинг ҳарбий хизматни ўташ чоғидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини Ўзбекистон Республикаси Қуролли

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 436-II-сонли Қонуни, 6-модда 1-2-қисм // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 217-модда.

² Ўша манба, 7-модда, 1-қисм.

³ Ўша манба, 8-модда, 1-2-қисилар.

Кучларида конунчилик, умумҳарбий низомлар, бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда амалга ошириш бўйича ҳарбий хизматдаги ҳуқуқий муносабатларни ташкил этишни тартибга солиш билан боғлиқ муносабатлар ташкил қилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми таъкидлаганидек: **«Ҳарбий хизматни ўташ тартиби – кўшинлар ҳаёти ва жанговар фаолияти жараёнида юзага келадиган муносабатлар бўлиб, улар конунлар, ҳарбий қасамёд ва низомларда белгилаб қўйилган. Ушбу ҳужжатларда ҳарбий хизмат фуқаронинг конституциявий бурчи эканлиги, яккабошчилик ва ундан келиб чиқадиган тобе шахснинг бошлиққа сўзсиз итоат қилиши, ушбу муносабатлар субъектлари ҳуқуқ ва эркинликларининг аниқ белгилаб қўйилиши каби ҳарбий ташкилот тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилган»¹.**

11. Ҳарбий жиноятларнинг субъекти Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиясининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ички ишлар вазирлиги кўшинларининг ва конунчиликка мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳарбий тузилмаларнинг ҳарбий хизматчилари, шунингдек ўқув йиринларни ўтаётган ҳарбий хизматга мажбур шахслар бўлиши мумкин².

12. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига кўра, ҳарбий хизматчилар – ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслардир.

Ҳақиқий ҳарбий хизмат – чакирув ёки контракт бўйича оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизматдир.

13. **Ҳарбий хизматнинг бошланиши** фуқаро ҳарбий қисм шахсий таркиби рўйхатиغا киритилган кундан бошлаб

¹ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни куриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 1.1-банд.

² Ўша манба, 1.2-банд.

ҳисобланади, **ҳарбий хизматнинг тугалланиши** вақти эса, ҳарбий хизмат муддатининг тугалланишига тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари, Давлат чегарасини қўриқлаш кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги қошидаги ички ва қоровул қўшинлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ҳарбий қисм ва муассасалари таркибида ҳарбий йиғинларни ўтаётган шахслар – ҳарбий хизматчилар ҳисобландилар.

14. Ҳарбий хизматга мажбур шахслар – Қуроли Кучлар резерви ва захирасидаги шахслардир. Бу шахслар даврий равишда қонунда белгиланган ёшгача, ҳарбий хизматга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун 2 ой муддатгача ҳарбий йиғинларга чақириладилар. Йиғинлар даврида улар ҳарбий хизмат ўтайдилар, ҳарбий низомлар ва ҳарбий хизматга қарши жиноятлар юзасидан жиноий жавобгарлик уларга ҳам тааллуқлидир. Йиғинларнинг биринчи куни улар хизмат ўташларининг бошланиши ҳамда охириги кун – хизматнинг охириги куни ҳисобланади.

Бошқа фуқаролар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг фуқаролик ходимлари ҳам ҳарбий хизмат ўташ тартибига қарши жиноятларнинг субъектлари бўлмайдилар ҳамда ЖКнинг еттинчи бўлимида белгиланган қоидалар бўйича жиноий жавобгарликка тортилмайдилар. Ҳарбий жиноятларнинг объектив томонига ўхшаш жиноятлар содир этилган тақдирда ҳам, айбдор шахслар, агар уларнинг хатти-ҳаракатлари ушбу жиноятларнинг белгилари билан бир хил бўлганда, ЖКнинг бошқа моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ушбу қоида ҳарбий хизматга қарши ҳар қандай жиноятлар содир этишда шериклик қилган барча фуқароларга ҳам тааллуқлидир. Қонуний асосда ҳарбий хизматда бўлган шахсларгина бундай кўринишдаги жиноятларнинг ижрочиси ва бошқа шериклари сифатида тан олинишлари мумкин.

15. «Жиноят ишларининг ҳарбий судлар судловига тегиш-лилиги Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 45-моддаси ва Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомда белгиланган.

Жумладан, ҳарбий судлар судловига фавқулодда ҳолатларга кўра умумий судлар фаолият курсатмаётган жойлардаги барча жиноят ишлари, давлат сирларига дахлдор ишлар, шунингдек, ҳарбий хизмат даврида ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган, бироқ иш судда кўриладиган пайтга келиб ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар содир этган жиноятлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Шу муносабат билан судлар судловига тааллуқлилиқ ҳақидаги қонун талабларига қатъий риоя этишлари лозим¹.

279-модда. Бўйсунмаслик

Бўйсунмаслик, яъни буйрукни бажаришдан очикдан-очик бош тортиш, шунингдек, буйрукни бошқа тарзда қасдан бажармаслик –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса;

б) оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўрнатилган бўйсунуш тартиби жиноятнинг асосий бевосита **объекти** ҳисобланади. **Қўшимча бевосита объект**ни эса, инсонлар ҳаёти ва саломатлигининг хавфсизлиги, ўзгалар

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 1.3-банд.

мол-мулкининг сақланишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилади (*ЖКнинг 279-моддаси 2-қисми*).

2. Бўйсунуш тартиби ҳарбий низомлар билан тартибга солинади. Ҳарбий хизматда бошлиқ ва унга бўйсунувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларасоси «яккабошчилик» принцили ҳисобланиб, у командир (бошлиқ)нинг ўз қўл остидагиларни бошқаришда ягона масъуллигини ва бўйсунувчиларнинг командирнинг буйруғини сўзсиз бажаришини англатади.

3. **Объектив томондан** бўйсунмаслик, буйрукни бажаришдан очикдан-очик бош тортишда намоён бўлади, бу эса, буйрукни қасддан бажармаслик билан баробар.

4. **Буйрук** – қонун талабларига мувофиқ, бажарилиши мажбурий бўлган, командир (бошлиқ)нинг қўл остидагиларга қаратилган фармойиши.

5. **Бошлиқ** – қўл остида бошқа ҳарбий хизматчилар бўлган, уларга буйрук, фармойиш бериш ва унинг ижросини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳарбий хизматчи.

Ҳарбий хизматчи лавозими ёки ҳарбий унвони бўйича бошлиқ бўлиши мумкин. Ҳарбий лавозимлар ҳарбий низомлар ва бошқа ҳужжатларда белгиланган. Бу – бўлимлар, взводлар, роталар, батальон ва бошқа жанговар бўлинмалар командирлари, бўлимлар ва хизматлар, суткали наряднинг алоҳида турлари (қоровул, назорат-ўтказиш шохобчалари ва бошқ.) бошлиқларининг штат лавозимларидир.

Бошлиқ лавозими штатдан ташқари бўлиши ҳам мумкин. у маълум бир вақтга, маълум вазифани бажариш учун (масалан, отиш машқлари, хўжалиқ ишлари, ўқув машғулотлари ва бошқ.) ташкил этилиши мумкин. Ҳарбий хизматчи бошлиқ лавозимини доимий равишда ёки вақтинчалик эгаллаши мумкин. Бошлиқнинг вазифаларини, шунингдек унинг ўринбосари ёки махсус кўрсатма бўйича бошқа ҳарбий хизматчи бажариши мумкин.

Ҳарбий хизматчининг унвон бўйича бўйсунуши Қуролли Кучлар ички хизмат Низоми билан белгиланади. Унга мувофиқ, мисол учун офицер оддий аскар ва сержантлик таркибидаги барча шахслар учун бошлиқ ҳисобланади, сержант – ўзи билан бир ҳарбий қисмдаги оддий аскарлар учун бошлиқ ҳисобланади ва х.к.

6. **Бўйсунувчи** – жанговар ҳарбий қисм, бўлим, хизмат, наряд таркибига кирувчи, ўз бошлигининг буйруқларини сўзсиз бажаришга мажбур бўлган ҳарбий хизматчи ёки тегишли бошлиқ ҳарбий унвонига эга бўлган бошқа ҳарбий хизматчининг талабларини бажаришга мажбур бўлган, ҳарбий унвони бор ҳарбий хизматчи.

7. Буйруқ оғзаки ёки ёзма шаклда ёки техник воситалар орқали, алоҳида бир ёки бир неча ҳарбий хизматчига берилиши мумкин. У бўйсунувчи томонидан сўзсиз, аниқ ва ўз вақтида бажарилиши керак. Бунда буйруқ ваколатга эга бўлган бошлиқ томонидан қандай шаклда берилганлиги, унинг низом меъёрларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги, бўйсунувчининг ҳақиқатда уни бажариш имкониятига эга эканлиги ва нима сабабдан уни бажармаганлиги аниқланиши керак.

Шундай экан, хусусан, буйруқ фақатгина ижро этиш тартибиде, мансаб вазифалари юклатилган командирлар (бошлиқлар) томонидан берилиши мумкин. Бўйсунувчига хизматдан ташқари масала бўйича берилган фармойишни (ҳарбий манфаатлардан ташқари, шахсий манфаатларни кўзлаб) буйруқ деб қабул қилиниши мумкин эмас. Худди шунинг ўзи бошлиқнинг хизмат бўйича, Низомдан ташқари шаклда, бўйсунувчининг инсонийлик ғурурини камситувчи талабларига ҳам тааллуқлидир. Бошлиқнинг ғайриқонуний талабини бажармаган бўйсунувчи жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

8. **Буйруқни бажаришни очикдан-очик рад этиш** ҳарбий хизматчи буйруқни бажармаслигини очикдан-очик айтган вақтда, очикдан-очик буйруқни бажаришдан бош тортишни англатади. Бу сўз, имо-ишора, хатти-ҳаракатлар, менсимаслик кўринишида, бўйсунувчининг бошлиқ буйруғини бажариш нияти йўқлигидан далолат берувчи ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

9. **Буйруқни бошқа тарзда қасддан бажармаслик**, бу бўйсунувчи томонидан аввалига бошлиқ буйруғига очикдан-очик бўйсунмасликни билдирмай, гўё буйруқни қабул қилиб, сўнгра атайлаб ёки била туриб уни бажармаслик кўринишида амалга оширилиши мумкин.

Бундай ҳолатда, айбдор шахс олинган буйруқда ман этилган хатти-ҳаракатларни бажаради, буйруқда айтилган ҳаракатларни бажармайди ёки бўлмаса ўз иродасини бошлиқ иродасига қарши қўйиб, буйруқда кўрсатилган ҳаракат вақти, жойи ва мазмун-моҳиятини ўзбошимчалик билан ўзгартиради, ортга чекинади (қатъий белгиланган ҳаракатлиниш йўналишини, топшириқни бажариш учун керакли воситалар ҳисоб-китобини ўзгартиради ёки бошқа йўл билан буйруқни бажаришдан чекинади).

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг бу борада таъкидлашича, «**Ҳарбий хизмат вазифаларини ўташдан бош тортиш** – ҳарбий хизматчи томонидан очикдан-очик, ёлғон ишлатмасдан, оғзаки, ёзма ёки бошқа йўл билан ҳарбий хизматни ўташ ёки унинг баъзи мажбуриятларини бажаришни истамасликда ва амалда уларни бажармай қўйишда намоён бўлади.

Тобе шахснинг ўз қўмондонининг муайян топшириқларини бажаришдан бош тортиши (масалан, хизмат сафарига жўнаш, суткалик нарядга киришиш ва ҳоказо) ҳарбий хизматдан умуман бош тортиш сифатида кўрилиши мумкин эмас. Бундай ҳаракатлар бўйсунмаслик жинояти таркибини ташкил қилади, чунки бундай ҳолда қўмондон талаби буйруқ хусусиятига эга бўлиб, ҳаракат эса, ҳарбий хизматни ўташдан бош тортишга эмас, балки буйруқни очикдан-очик бажармасликка қаратилган»¹.

11. Жиноятни квалификация қилиш учун буйруқни бажармаслик сабаблари аҳамиятга эга эмас, бироқ бўйсунувчи ҳақиқатан ҳам, унга берилган буйруқни бажариш имкониятига эга бўлиши керак.

12. Ҳарбий низомлар, кўрсатмалар, қондаларда кўрсатилган, барча ҳарбий хизматчилар учун мажбурий, лекин умумий талабларни бажармаслик кўрсатмалар бериш ва машғулотлар чоғида барча тингловчиларга берилган умумий кўрсатмаларни бажармаслик билан баробардир, лекин уларга

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш буйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 2.8-банд.

буйруқни бажармаслик сифатида қараш мумкин эмас. Муайян шароитларда бундай умумий буйруқларни бажармаслик бир қатор бошқа жиноятларни, хусусан, қоровул хизматини ўташ қоидаларининг бузилиши (ЖКнинг 291-моддаси)ни келтириб чиқариши мумкин.

Агар ҳарбий хизматчи бирон-бир ҳаракатни бажариш учун буйруқ олиб, бошлиқ бошқа ҳарбий хизматчига эмас, айнан унга мурожаат қилганлигидан норозилик билдирса ёки кўрсатмани муҳокама қилса, бирон-бир баҳона билан уни бажаришдан қутулишга ҳаракат қилса, лекин буйруқ берилганда уни бажарса, бундай гап талашиш бўйсунмаслик саналмайди. Улар ҳарбий хизматчининг интизомий хатти-ҳаракати деб қабул қилиниши мумкин.

13. Бўйсунувчи белгиланган муддатда унга берилган буйруқни бажариш бўйича ҳеч қандай ҳаракатлар бажармаган вақтдан бошлаб, хизмат манфаатларига зарар етишмаслигидан қатъи назар, бўйсунмаслик **туғалланган** ҳисобланади.

14. Шарҳланаётган Жиноят **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади. Бунда айбдор қонуний, бажариши мажбурий бўлган бошлиқ буйруғини бажармаётганлигини ва буни истамаётганлигини англайди.

Шарҳланаётган жиноятни содир этишнинг мотив ва мақсади турлича бўлиши мумкин ва бу квалификацияга таъсир этмайди.

15. Фақатгина 18 ёшга тўлган ҳарбий хизматчи ёки ҳарбий йиринларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбур, буйруқ берган командирга (бошлиққа) бўйсунувчи шахсларгина Жиноятнинг **субъекти** бўлишлари мумкин.

16. ЖКнинг 279-моддаси 2-қисмига кўра, бўйсунмаслик қуйидагича тавсифланади:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган;

б) оғир оқибатларга олиб келган.

17. **Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўйсунмаслик** деганда, икки ёки ундан ортиқ ҳарбий хизматчилар томонидан бошлиқнинг берган буйруғига бўйсунмаслик тушунилади. Бир гуруҳ шахслар томонидан

содир этилган бўйсунмаслик деб ҳисоблаш учун, гуруҳнинг барча иштирокчилари ушбу жиноятни объектив томондан бажармасликда иштирок этишлари, яъни унинг шериклари бўлишлари лозим.

Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўйсунмасликда, гуруҳнинг айрим иштирокчилари алоҳида жинойи ҳаракатларда бевосита иштирок этимасликлари, қилмишни ЖКнинг 279-моддаси 2-қисми «а» бандига мувофиқ квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди, лекин жазо тайинлашда судлар томонидан ҳисобга олиниши лозим.

18. ЖКнинг 279-моддаси 2-қисми «б» бандида назарда тутилган оғир оқибатлар дейилганда, бажарилмаган талабларнинг аҳамиятидан келиб чиққан оқибатлар тушунилади. Бу ҳарбий операциянинг бажарилишини тўхтатиш, ҳарбий қисм ёки алоҳида бўлинманинг курашиш қобилиятининг пасайиши, ўртача оғирликдаги ёки ўта оғир тан жароҳати етказиш, бўлинма шахсий таркиби ҳаёти ёки соғлиғига ҳақиқий зарар етказиш хавфининг юзага келиши, йирик ҳажмдаги моддий зарар етказиш, бошқа бўйсунувчиларга таъсир кўрсатиш (оғир оқибат деганда, масалан, буйруқни бажаришдан бош тортиш, бошлиқнинг бошқа ҳарбий хизматчиларга ҳам тегишли бўлган буйруғини бажармаслик, агар бундай чақирув амалга оширилган бўлса) ва бошқалар бўлиши мумкин. Ҳар бир алоҳида ҳолатда, айбдор хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ оқибатлар оғирлиги, суд томонидан уларнинг қандай аҳамият касб этишига қараб баҳоланиши керак.

19. ЖКнинг 279-моддаси 3-қисмида жанговар вазиятда содир этилган бўйсунмаслик жинояти учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жанговар вазият деганда, қуролли тўқнашув ёки ҳарбий бўлинманинг душман билан шундай тўқнашуви хавфи билан тавсифланувчи тезкор вазият тушунилади. У уруш вақтида ҳам, тинчлик вақтида ҳам юзага келиши мумкин. Тинчлик вақтидаги жанговар вазият Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бутунлиги ва дахлсизлигига қарши йўналтирилган

нодавлат ҳарбий ташкилотларининг қуролли ҳаракатлари чоғида юзага келиши мумкин.

Масалан, бу чет давлат томонидан, ушбу давлатга тегишли бўлмаган бегона қуролланган бўлинмаларнинг, ҳудуднинг бирон-бир қисмида назорат ўрнатиш ёки сепаратизмга қумаклашиш мақсадида давлатга кириб келиши қуринишида бўлиши мумкин.

Жанговар вазиятда бўйсунмаслик, юзага келган оқибатларидан қатъи назар, ЖКнинг 279-моддаси 3-қисми билан жавобгарликка асос бўлади.

280-модда. Буйруқни бажармаслик

Буйруқни эҳтиётсизлик орқасида бажармаслик кўп миқдорда зарар етказилиши ёки оғир оқибатларга сабаб бўлса, — икки йилгача хизмат юзасидан чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, — беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўрнатилган бўйсунуш тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар жиноятнинг **асосий бевосита объекти** ҳисобланади. Инсонлар ҳаёти, саломатлиги, узгалар мол-мулки хавфсизлигини таъминловчи муносабатлар **қўшимча бевосита объект** ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** ЖКнинг 280-моддасида белгиланган жиноят оқибатида кўп миқдорда зарар ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган буйруқни бажармасликда намоён бўлади. (*«Буйруқ», «буйруқни бажариш» тушунчаси ЖКнинг 279-моддасини таҳлил қилиш чоғида ёритиб берилди*).

3. Ушбу жиноят кўп миқдордаги зарар ёки оғир оқибатлар келиб чиққан пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

4. **Кўп миқдордаги зарар** деганда, базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баробаридан 500 баробаригача бўлган зарар тушунилади.

5. ЖКнинг 280-моддаси 1-қисмида назарда тутилган оғир оқибатлар ЖКнинг 279-моддаси 2-қисмида назарда тутилган оқибатлар билан бир хилдир.

6. Бўйруқни бажармаслик жинояти **субъектив томондан** эҳтиётсизлик ёки хизматга совуққонлик билан ёндашиш натижасида содир этилади. Шундай экан, жинойи эҳтиётсизлик натижасида жиноят содир этилганда, айбдор бўйруқни бажармаётганлигини англамайди, лекин керакли даражада зийраклик ва юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни олдиндан кўра билганда, бунинг олдини олиши мумкин ва олдини олиши керак бўлади. Жинойи ўз-ўзига ишонил натижасида бўйруқни бажармаслик айбдор бўйруқда айтилганини бажармаган ва буни била туриб, асоссиз равишда ўз-ўзига ишонган ҳолда бўйруқ бажарилишига ишониб ҳаракат қилган тақдирда юзага келади. Бундай ҳолатда шуни ёдда тутиш лозимки, бўйсунувчи томонидан олдиндан маълум бўлган ғайриқонуний бўйруқ бажарилмаганда, уни жинойи жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Жиноят содир этилишининг мотиви ва мақсади уни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

7. Ҳар қандай 18 ёшга тулган ҳарбий хизматчи ёки ҳарбий йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбур бўлган шахс бўйруқни бажармаслик жиноятининг **субъекти** бўлиши мумкин.

8. ЖК 280-моддаси 2-қисмида жанговар вазиятда бўйруқни бажармаслик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган. (*«Жанговар вазият» тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг*).



281-модда. Бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш

Бошлиққа, шунингдек ҳарбий хизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажараётган бошқа шахсга қаршилик кўрсатиш ёки уни мазкур вазифаларни бузишга мажбур этиш –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) курул ишлатиб содир этилган бўлса;

в) оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Ўрнатилган бўйсунуш тартибларини, айнан, командир (бошлиқлар)нинг нормал хизмат фаолиятини, яккабошчилик принципи ва уларга юклатилган хизмат вазифаларини бажараётган ҳарбий хизматчилар обрўсини таъминловчи ижтимоий муносабатлар жиноятнинг **асосий бевосита объекти** ҳисобланади.

2. Бу жиноятда, бошлиқ, унвони бўйича юқори бўлган ҳарбий хизматчи ёки унга ҳарбий хизмат бўйича юклатилган вазифаларни бажараётган бошқа шахс – **жабрланувчи** ҳисобланади.

3. («Бошлиқ» тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг).

4. Олинган буйруқ ёки низом қоидаларига (қоровул, кўриқчи, патруль, кундузги кўриқловчи ва ҳ.к.) мувофиқ

равишда хизмат вазифаларини бажараётган ҳар қандай ҳарбий хизматчи (айбдорга нисбатан бошлиқ бўлиши шарт эмас) – ҳарбий хизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажараётган шахс ҳисобланади.

5. **Объектив томондан** жиноят бошлиққа, шунингдек, ҳарбий хизмат бўйича ўзига юклатилган вазифани бажараётган бошқа шахсга қаршилик кўрсатиш ёки уни ушбу вазифаларни бузишга мажбур этиш кўринишида намоён бўлади.

6. **Қаршилик кўрсатиш** деганда, бошлиқ ёки ҳарбий хизмат бўйича унга юклатилган хизмат вазифаларини бажараётган бошқа шахсга очикдан-очик фаол қаршилик кўрсатиш тушунилади. Айбдор қаршилик кўрсатиш чоғида ўзининг фаол хатти-ҳаракатлари билан ҳарбий хизматчилар томонидан кўрсатилган ҳарбий вазифаларни бажаришга монелик қилади ва уларни низом қоидалари ёки мавжуд буйруқ, кўрсатма ва фармойишларда талаб этиладиган вазифаларни бажариш имкониятидан маҳрум этишга ҳаракат қилади.

7. **Ҳарбий хизмат вазифалари** деганда, ўрнатилган кун тартибига мувофиқ хизмат вақти давомида ҳарбий қисм ҳудудида бўлишнинг ўзигина эмас, балки ҳарбий низом талаблари ёки бошлиқнинг тегишли буйруғига мувофиқ, хизмат манфаатларида бериладиган ҳамда ҳарбий хизматчи томонидан бажариладиган аниқ хизмат мажбуриятлари тушунилади.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўрнатилган бўйсунуш тартибига тажовуз қилиш очик, намоёйишқорона характер касб этади. Ҳарбий хизмат манфаатларига зид равишда содир этилади ҳамда жабрланувчининг шахсияти устидан зўрлик ишлатиш ёки шунга ўхшаш зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш хавфи кўринишида амалга оширилиши мумкин.

8. Бу ерда **зўрлик ишлатиш** деганда, жабрланувчига етказилган енгил, ўртача оғирликдаги тан жароҳатларини тушуниш лозим.

9. Қаршилик кўрсатиш бошлиқ ёки бошқа шахс томонидан ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чоғида амалга оширилиши мумкин.

Бошлиқ, ўз хизмат ваколатларини амалга ошираётган чоғида (ўз қўл остидагиларнинг хатти-ҳаракатларини бошқаради, ўқув машғулотлари ўтказади, унга бўйсунувчилар билан суҳбатлашади, уларни нарядга киришишга тайёрлайди ва ҳ.к.) ҳарбий хизмат вазифаларини бажараётган деб ҳисобланади. Алоҳида ҳолларда у кутилмаганда хизмат бўйича вазифаларни бажаришни бошлаши мумкин. Масалан, бошлиқ шахарда жамоат тартибини бузаётган ўз қўл остидаги бўйсунувчини учратиб қолиб, бундай ҳуқуқбузарликни бас қилишини талаб қилади.

Бошқа ҳарбий хизматчиларга (бошқа шахсларга), масалан, қоровул, патруль ёки ички наряд таркибида бирон-бир махсус вазифани бажараётган пайтда ҳарбий хизматчиларга қаршилик кўрсатиш ҳоллари ҳам учрайди.

Одатда, **қаршилик кўрсатиш** – бошлиқ ёки унга юклатилган ҳарбий вазифаларни бажараётган шахснинг йўл қўйилган ҳарбий интизомни (ваколатли командирнинг буйруғи билан патруль наряд томонидан жамоат жойида содир этилган ҳуқуқбузарлик содир этишни қўлга олишга ёки интизомий тартибда қамоққа олиш учун гаупвахтага келтириш, комендатурага олиб келишга монелик қилиш) бузганлик учун чора кўриш ҳаракатларига жавоби сифатида намоён бўлади.

10. **Мажбур қилиш** деганда, бошлиқ ёки ҳарбий хизмат вазифалари юклатилган ҳар қандай шахснинг хизмат манфаатларига зид равишда, ушбу вазифаларни бузишга қаратилган ҳаракатлари тушунилиши лозим. Мажбурлаш чоғида айбдор ўз манфаатларини кўзлаб, юқорида таъкидланган ҳарбий хизматчиларни ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар қилишга мажбурлашга (масалан, ғайриқонуний равишда қисқа муддатли таътил бериш, хизмат бўйича у ёки бу вазифаларни бажаришдан озод этиш ва ҳ.к.) ҳаракат қилади. Хусусан, айрим ҳарбий хизматчилар, масалан, хизматнинг охириги ойларида сержантларга нисбатан зўрлик ишлатиб ёки таҳдид қилиб, ёш солдатларга нисбатан хизмат шароитларини энгиллаштирадилар.

Қаршилик кўрсатишдан фарқли тарзда, айбдор ўз кучи билан бошлиққа ёки бошқа ҳарбий хизматчига хизмат

вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилганда, мажбур қилиш ушбу шахсларнинг ўзлари қондаларга қарши чиқишлари учун уларнинг идроки ва иродасига таъсир ўтказади.

11. Мажбур қилиш бошлиққа ва ўзига юклатилган ҳарбий вазифаларни бажарувчи шахсга нисбатан, шу билан бирга, келажакдаги хизмат вазифаларига (масалан, бошлиқни бўйсунувчини кўзда тутилаётган янги хизмат жойига ўтказишдан озод этишга мажбурлаш) нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, жабрланувчининг у ёки бу ишни қилишига аниқ талаб қўйилиши ёки маълум бир ҳаракатни бажаришдан бош тортиш – мажбурлашнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

12. Қаршилик кўрсатиш ёки мажбур қилиш жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш орқали ёки шундай зўрлик ишлатмасдан содир этилиши мумкин (масалан, ҳарбий хизматчининг патрулдан қочиши ёки айбдорнинг талабларини бажармаган ҳолда, бошлиқ нафсониятига тегадиган маълумотларни ошкор этиш). Агар қаршилик кўрсатиш чоғида баданга енгил, ўртача оғир шикаст етказилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини жиноятлар жами бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди. Баданга оғир шикаст етказилиши жиноятлар жами тариқасида ЖКнинг 281 ва 283-моддалари бўйича квалификация қилиниши лозим.

13. Жиноят таркиби мавжуд бўлиши учун, қаршилик кўрсатиш натижасида бошлиқ (бошқа шахс) хизмат бўйича ўзига юклатилган вазифаларни бажариш имкониятидан маҳрум бўлиши талаб этилмайди, мажбур қилинганда эса, ушбу вазифа (мажбурият)ларни бузиши керак. Ҳарбий хизмат бўйича вазифаларни бажаришга монелик қиладиган ҳаракатларни бажаришнинг ўзи ёки уларни бузишга мажбурлагандан бошлаб жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

14. **Субъектив томондан** ЖКнинг 281-моддасида назарда тутилган жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ўзининг қаршилик кўрсатиш ва мажбурлаш бўйича ҳаракатлари айнан бошлиқ ёки ҳарбий хизмат вазифаси юклатилган бошқа шахсга қарши қаратилганлигини англайди ва ушбу ҳаракатларни амалга оширишни истайди. Бунда, вазиятга кўра, агар айбдор жабрланувчининг ҳуқуқий мақомини

англай олмаган бўлса, у содир этган жиноят шарҳланаётган моддага асосан квалификация қилинмайди, асослар мавжуд бўлган тақдирда эса, ЖКнинг бошқа нормалари бўйича квалификация қилиниши лозим.

Жиноятни квалификация қилишда унинг мотиви ва мақсади аҳамият касб этмайди.

15. Ҳар қандай ҳарбий хизматчи, жумладан, жабрланувчига бўйсунмайдиган ҳарбий хизматчи ҳам жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

16. ЖКнинг 281-моддаси 2-қисмида куйидаги ҳолатларда бошлиққа қаршилик кўрсагиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш учун жавобгарлик белгилаб қўйилган:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган;
- б) қурол ишлатиб содир этилган;
- в) оғир оқибатларга сабаб бўлган.

17. (ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг)

18. ЖКнинг 281-моддаси 2-қисми «б» бандида назарда тутилган қурол тушунчаси остида штат армия қуроли (автомат, тўппонча, найза-пичоқ) ёки бошқа ўқотар ёки совук қурол (ов қуроли, финн пичоғи ва х.к.), яъни тирик нишонни яралашда махсус фойдаланилувчи предметлар тушунилади. Ўқотар ёки совук қурол бўлмаган, қурол сифатида фойдаланиладиган нарсалар (ошпичоқ, болта, ўклов ва х.к.) айбдорни ЖКнинг 281-моддаси 2-қисми «б» банди бўйича квалификация қилиш учун асос бўла олмайди. Шунингдек, бузилган қурол ёки сохта қурол қурол деб ҳисобланмайди.

19. Қурол ишлатиш ундан ўз мақсадида фойдаланишидир (ўқ отиш, пичоқ уриш ва х.к.). «Қуролдан унинг конструкцияси ва моҳиятидан келиб чиқадиган яқсон қилувчи восита сифатида эмас, балки фақат калтаклаш предмети сифатида фойдаланиш қуролни қўллаш ҳисобланмайди»¹.

20. («Оғир оқибатлар» тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг). Ушбу аломат кўрилаётган моддага нисбатан алоҳида хусусиятларга эга эмас.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 3.3-банд.

21. ЖКнинг 281-моддаси 3-қисмида шарҳланаётган жиноятни жанговар вазиятда содир учун жавобгарлик белгилаб қўйилган. (*ЖКнинг 279-моддаси 3-қисми шарҳига қаранг*).

22. Баъзан бошлиқ ёки бошқа ҳарбий хизматчига қаршилиқ кўрсатиш ҳарбий хизматчи томонидан безорлик ҳаракатлари билан тавсифланувчи зўрлик ишлатиб жамоат тартиб-қоидаларининг бузилиши ёки мол-мулкни йўқ қилиб юборилиши ва шу каби тартибсизлик кўринишидаги ҳаракатларда намоён бўлиши мумкин, қаршилиқ кўрсатиш эса, тартибсизлик ҳаракатларини тўхтатиш бўйича кўрилувчи чора-тадбирларга нисбатан жавоб сифатида намоён бўлади. Бундай ҳолатларда, ЖКнинг 281 ва 277-моддаларида кўзда тутилган икки жиноят, яъни ҳарбий ва умумжиноий жиноятларга ишора аниқ кўриниб туради.

282-модда. Бошлиқни қўрқитиш

Жанговар вазиятда бошлиқни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, бундай ҳаракат амалга оширилиши учун етарли асослар мавжуд бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Бошлиқнинг ҳаёти, соғлиғи, жисмоний дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар – мазкур жиноятнинг **бевосита объекти** ҳисобланади.

2. Ушбу жиноятда унвони бўйича юқори турувчи бошлиқ жабрланувчи ҳисобланади. (*Бошлиқ тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг*).

3. Жиноят **объектив томондан**, жанговар вазиятда бошлиқни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишда, бундай ҳаракат амалга оширилиши учун етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, содир этилишида намоён бўлади.

4. Шарҳланаётган модда мазмунида ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда, объектив ҳақиқатдаги (оғзаки, ёзма, қуролни намоён қилиш ва х.к.) шахсан бошлиққа ёки учинчи шахслар орқали уни ўлдириш ёки соғлиғига шикаст етказиш (баданга ҳар қандай оғирликдаги шикаст етказиш йўли билан) ёки унинг жисмоний дахлсизлигига куч ишлатиш (уриш, қийнаш характеридаги қилмишларни содир этиш) тушунилиши лозим.

5. («Жанговар вазият» тушунчаси ҳақида ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг).

6. Айбдорнинг бошлиққа нисбатан қўрқитиш ҳаракатлари ЖКнинг 112-моддаси (Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш) бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

Бошлиқни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш юз берса, бундай қўрқитишнинг амалга оширилиши учун етарли даражадиги асослар мавжуд бўлса-ю, ушбу ҳаракатлар жанговар вазиятда амалга оширилмаган бўлса, бизнинг фикримизча, бундай ҳолатда қилмиш ЖКнинг 112-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

7. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбланувчи жанговар вазиятда бошлиқни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитаётганлигини англайди ва ушбу ҳаракатларини амалга оширишни истайди. Жиноятнинг мотиви ва мақсади ҳар хил бўлиши мумкин ва улар жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

8. **Жиноятнинг субъекти** – унвони ёки лавозими бўйича бўйсунувда бўлган ҳарбий хизматчидир.

283-модда. Баданга шикаст етказиш

Бошлиқни дўппослаш, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш у ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ёки бажараётган вақтда содир этилган бўлса, –

уч йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Баданга оғир шикаст етказиш, шунингдек, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан;
- б) қурол ишлатиб содир этилган бўлса, –

уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

етти йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** бошлиқнинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги, унинг обрўйини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. ЖКнинг 283-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ёки бажараётган вақтда бошлиқни дўппослаш, унинг баданига енгил ёки урта оғир шикаст етказишда ифодаланади.

3. Юқоридаги зўравонлик ҳаракатларини ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажараётган бошлиққа нисбатан ёки уни ўз вазифаларини бажариш вақтида айбдор томоннинг қаршилиқ кўрсатмаган ҳолда ёки уни ўз хизмат вазифаларини бузишга мажбурлаган куч ишлатиш ҳолатлари шарҳланаётган модда бўйича жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Агарда бошлиққа нисбатан содир этилган зўравонлик унга қаршилиқ билан бирга амалга оширилса ёки уни ҳарбий хизмат вазифаларини бузишга мажбурлаган бўлса, бу ҳолда айбланувчининг ҳаракатлари ЖКнинг 281-моддаси билан квалификация қилинади ва ЖКнинг 283-моддаси билан қўшимча квалификация талаб этилмайди.

4. («Харбий хизмат мажбуриятлари» тушунчаси ҳақида ЖКнинг 281-моддаси шарҳига қаранг).

5. (Уриш, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш тушунчалари ҳақида ЖКнинг 105, 109, 110-моддалари шарҳига қаранг).

6. ЖКнинг 283-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортиш бошлиққа нисбатан зўравонлик ишлатиш ҳоллари унинг харбий хизмати бўйича вазифаларини бевосита бажараётган вақтда рўй берган (масалан, хизмат юзасидан қилган танбеҳига жавобан уни дўппослаш) ёки унинг олдинги хизмат фаолияти билан боғлиқ (масалан, жаримага тортгани учун, бўйсунувчиларга нисбатан умумий талабчанлик ва х.к. учун дўппосланиши) ҳолларда амалга оширилади. Шундай қилиб, айбланувчининг ҳаракатлари жабрланувчининг айнан хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлиши лозим.

7. Жиноят содир этилаётган вақтда бошлиқ бўлмаган, собиқ бошлиғига нисбатан хизмат фаолияти билан боғлиқ зўрлик ишлатиш ЖК 283-моддаси билан квалификация қилинмайди.

8. Шунинг назарда тутиш лозимки, бошлиқнинг хизмат юзасидан қонуний ҳаракати, хизмат манфаатлари, харбий ва низом талабларига мос ҳаракатларига жавобан содир этилган зўрлик учун бўйсунувчи ЖКнинг 283-моддасига мувофиқ, жиноий жавобгарликка тортилади. Агар бошлиққа нисбатан ишлатилган зўрлик унинг қонунга хилоф ҳаракатларига жавобан содир этилган бўлса, бўйсунувчи шарҳланаётган модда бўйича жавобгар бўлмайди. Бундай зўрлик ишнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб, зарурий мудофаа ёки шахснинг ҳаёти ёхуд соғлиғига қарши қаратилган жиноят деб баҳоланиши мумкин.

9. ЖКнинг 283-моддасида назарда тутилган қилмиш баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилган вақтдан **туғалланган** ҳисобланади.

10. **Субъектив томондан** қилмиш тўғри қасд билан содир қилинади, айбдор бошлиққа нисбатан зўрлик ишлатаётганини англайди ва унинг соғлиғига зарар етказишни истайди.

Жиноятнинг мотиви – бошлиқнинг хизмат фаолиятидан норозилик ёки ундан хизмат фаолияти билан боғлиқ уч олиш ҳисобланади.

11. «Ушбу жиноятларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, улар ҳарбий хизмат муносабатлари доирасида содир этилади. Агарда кўрсатилган жиноятлар шахсий муносабатлар доирасида содир этилса, бундай ҳаракатлар ҳарбий жиноят деб тан олинмайди ва шахсга қарши жиноят сифатида тавсифланиши керак»¹.

12. Жиноятнинг **субъекти** хизмат вазифаси ёки ҳарбий унвонига кўра бошлиққа доимий ёки вақтинча бўйсунётган ҳарбий хизматчи ҳисобланади.

13. Бир ҳарбий хизматчининг ўзига тобе бўлмаган, яъни тенг ёки ўзидан паст ёхуд ўзидан юқори ҳарбий унвонга эга бўлган бошқа ҳарбий хизматчининг баданига шикаст етказиши ЖКнинг 285-моддасига кўра ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш сифатида квалификация қилинади.

14. ЖКнинг 283-моддаси 2-қисмида баданга оғир шикаст етказиш, шунингдек, ушбу модданинг 1-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) қурол ишлатиб содир этилганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

15. *(Баданга оғир шикаст етказиш тушунчаси ҳақида ЖКнинг 104-моддаси шарҳига қаранг).*

16. ЖКнинг 283-моддаси 2-қисмининг оғирлаштирувчи ҳолатлари бошлиққа қаршилиқ кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилишнинг (ЖКнинг 281-моддаси) юқорида кўриб чиқилган оғирлаштирувчи ҳолатлари билан бир хил, уларни мазкур моддага нисбатан қўшимча тарзда кўриб чиқиш тақозо этилмайди.

17. Агарда бошлиқнинг баданига у ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни куриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори. 3.7-банд.

ёки бажараётган вақтда оғир шикаст етказиш натижасида унинг ўлими юзага келса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 283-моддаси 2-қисми ва ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми «д» банди бўйича квалификация қилиниши керак, чунки одамни ўлдириш ЖКнинг 283-моддаси 2-қисми мазмуни билан камраб олинмайди.

18. Бошлиқни кўриб чиқилаётган моддада кўрсатилган ҳолатларда қасддан ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «г» банди бўйича квалификация қилинади. Бу ҳолда жиноятнинг ЖКнинг 283-моддаси 2-қисми бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

19. Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, ЖКнинг 283-моддаси 3-қисми бўйича жавобгарлик юзага келади. (*Жанговар вазият тушунчаси ҳақида ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг*).



284-модда. Бўйсунувчининг ўз бошлиғини ёки бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини ҳақорат қилиши

Бўйсунувчининг ўз бошлиғини, шунингдек, бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини ҳақорат қилиши шундай ҳаракатлар учун интизомий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** – бошлиқ ва бўйсунувчининг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Бошлиқ ёки унга бўйсунувчи ушбу жиноятнинг жабрланувчиси ҳисобланади.

3. **Объектив томондан** жиноят бўйсунувчининг ўз бошлиғини ёки бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини шундай ҳаракатлар учун интизомий жазо қўлланганидан кейин ҳақоратлашидан иборат.

4. Биринчи бўлиб ҳақорат қилган шахс Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларининг Интизом низомига мувофиқ интизомий жазога тортилади.

5. **Ҳақорат қилиш** деганда, ҳарбий хизматчининг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан таҳқирлаш тушунилади.

6. Ҳақорат қилиш куч ишлатиш кўринишида амалга оширилгани каби, куч ишлатмаслик ҳаракатлари кўринишида бўлиши ҳам мумкин. Куч ишлатиш орқали ҳақоратлаш жисмоний оғрик ёки соғлиққа зарар етказиш эмас, балки ҳарбий хизматчининг шаъни ва кадр-қимматини ерга уриш орқали (масалан, жабрланувчидаги ҳарбий уст-бош кийимини ярқисиз ҳолга келтириш, погонларни узиб олиш, тарсаки уриш, қўл билан туртиш ва ш.к.) айнан маънавий (руҳий) зарар етказиш. Агар куч ишлатиш орқали ҳақоратлаш оқибатида енгил тан жароҳатлари етказилса, агар етарли асослар мавжуд бўлса, бундай ҳолатни ЖКнинг 284, 283 ёки 285-моддаларига мувофиқ равишда квалификация қилиш лозим.

Куч ишлатмай қилинган ҳақорат жабрланувчига фаол жисмоний таъсир кўрсатиш (масалан, сўзлар билан ҳақоратлаш, тупуриш, номуносиб тана ҳаракатлари, карикатура ва х.к.) билан боғлиқ эмас.

7. Агар айбдорнинг ҳаракатлари жабрланувчига маънавий зарар етказишга эмас, балки жисмоний зарар келтиришга қаратилган бўлса, бу ҳолат етарли асослар бўлган тақдирда, ЖКнинг 283 ёки 285-моддалари бўйича квалификацияланади.

8. Содир этилиш усулидан қатъи назар ҳақорат қилиш, жабрланувчининг шахсиятига салбий шаклда намоён бўлиши, унга нисбатан ҳурматсизликни ўзида акс эттириши ҳамда айнан ҳақоратлаш характериға эга бўлиши керак. У ёки бу ҳаракатлар ҳақоратлашга кириш-кирмаслиги баҳоланади ва ҳар бир алоҳида ҳолатда, ишнинг мазмун-моҳиятиға қараб суд томонидан ҳал этилади, жумладан, бундай ҳаракатлар қандай шаклда бўлганлиги ва жабрланувчи томонидан қандай қабул қилинганлиги инобатға олинади.

9. ЖКнинг 284-моддасида курсатилган жиноят таркиби мавжуд бўлиши учун, юзма-юз ёки учинчи шахслар иштирокида ҳақорат қилинган ёки қилинмаганлиги аҳамиятга эга эмас. Ҳарбий хизматчи ҳатто сиртдан – хатлар, мазмунига мос келувчи расмлар тарқатиш йўли билан ҳам ҳақоратланиши мумкин, лекин бундай ҳолларда, айбдорнинг айбини тан олиши, уларнинг мазмуни жабрланувчига маълум бўлиши юридик асосга эга бўлиши мумкин. Ушбу шарт мавжуд бўлган тақдирда, жинойи жазога тортилувчи ҳамкасблар билан ўзаро суҳбатда, жамоатчилик олдида сўзлаганда, жараёнда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳақорат қилинган бўлиши мумкин.

10. ЖК 284-моддасида назарда тутилган жиноят бошлиқнинг ўзига бўйсунувчи томонидан ёки бўйсунувчининг ўз бошлиғи томонидан ҳақоратланган вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

11. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ўз ҳаракатлари билан муайян ҳарбий хизматчининг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаётганлиги, камситаётганлигини англайди ва уни ҳақорат қилишни истайди. Буни англамаган ҳолларда эса, уни ҳарбий жиноят учун жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Ҳақорат қилиш мотиви ҳар хил бўлиши мумкин, лекин у ҳарбий хизмат хизматчилари билан боғлиқ бўлиши лозим.

12. Агар ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро шахсий муносабатларида ҳақорат қилишнинг сабаби жабрланувчининг ҳарбий хизматни бажариши билан боғлиқ бўлмаса ва айбдор ҳам ўз хизмат вазифасини ўтаётган бўлмаса, у ҳолда ҳақорат ҳарбий жиноят деб қаралиши мумкин эмас. Бундай қилмиш ЖКнинг 140-моддаси билан квалификация қилиниши лозим¹.

13. Жиноятнинг **субъекти** хизмат ёки ҳарбий унвони бўйича бошлиқ ёки бўйсунувчи бўлиши мумкин.

14. Бир ҳарбий хизматчининг бошқа ҳарбий хизматчи билан ўзаро бўйсунуш муносабатларида бўлмаганда

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 3.7-банд.

бир-бирини ҳақоратлаши ЖКнинг 140-моддаси бўйича квалификация қилинади. Агар бундай ҳолатда жабрланувчи дўппосланган бўлса ёки унга нисбатан бошқа куч ишлатиш ҳоллари бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 285-моддасига биноан ёки тегишлича шахсга қарши жиноятлар орқали квалификация қилиниши мумкин.

◆◆◆◆◆

285-модда. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш, яъни мунтазам ҳўрлаш, азоб бериш, сорлиқнинг бузилишига сабаб бўлган баданга енгил шикаст етказиш ёки ўртача оғир шикаст етказиш, қонунга ҳилоф равишда озодликдан маҳрум қилиш – икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) қурол ишлатиб содир этилган бўлса;

в) баданга оғир шикаст етказилишга сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамларнинг ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** – ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид қоидаларни тартибга солувчи умумҳарбий низомлар талабларига риоя этилишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. **Қўшимча бевосита объект** – ҳарбий хизматчининг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги хавфсизлигини, унинг шаъни, кадр-қимматини ҳурмат қилишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ва ҳ.к.

2. Айбдорга нисбатан бошлиқ бўлмаган ёки унга бўйсунмайдиган ҳарбий хизматчигина ушбу жиноятда жабрланувчи бўлиши мумкин. Қоида тариқасида, бу муддатли ҳарбий хизматчилар бўлади.

3. ЖКнинг 285-моддасида назарда тутилган жиноят **объектив томондан** бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш, яъни мунтазам ҳўрлаш, азоб бериш, соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлган баданга енгил шикаст етказиш ёки ўртача оғир шикаст етказиш, қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум қилишдан иборат.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларига мувофиқ, «ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш деганда, хизматдошларини ўзига бўйсундиришни таъминлаш, хизматни ўташ чоғида ўзи учун имтиёзли шароитлар яратиш мақсадида бир ҳарбий хизматчининг бошқасига нисбатан турли хил зўрликлар ишлатиши, унинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаши деб тушунилиши лозим.

Ушбу қоидалар хизмат мавқеи ва ҳарбий унвони тенг, шунингдек, катта ва кичик, лекин тобелик муносабатларида бўлмаган шахслар ўртасида бузилса, Жиноят кодексининг 285-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик вужудга келади»¹.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 3.1-банд.



Айбдор ва жабрланувчига тааллуқли бўлган ҳарбий хизматчилар тоифаси қилмишни квалификация қилиш чоғида аҳамият касб этмайди, шунингдек, улар чакирув бўйича ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилгани каби контракт (шартнома) асосида хизмат қилувчи, аммо бир-бирига тобелик муносабатида бўлмаган ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилиши мумкин.

5. **Хўрлаш** – жабрланувчига нисбатан унинг шаъни ва вурурини таҳқирлаш йўли орқали унинг шаънини ерга уриш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар.

Хусусан, хўрлаш зўрлик ишлатиш ва зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш орқали, ҳамкасбни хоналарни йиғиштиришга, бошқаларнинг ухлаш ўринларини йиғиштиришга, бошқаларнинг кирини ювишга, ашула ижро этишга мажбурлаш, ундан идишдаги озиқ-овқатини, ҳарбий уст-бош кийим-кечакларини, пул маблағларини олиб қўйишда ва ҳ.к. да намоён бўлади.

6. Агарда ўзаро муносабатларга онд устав қоидаларининг бузилишлари жарбланувчидан шахсий мулкани олиб қўйиш билан биргаликда содир этилса, бу ҳолда жиной ҳаракатлар ЖКга мувофиқ, ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ нормалар орқали қўшимча квалификация қилиниши лозим. Худди шу тарзда жинсий характердаги зўрлик ҳаракатлари ёки шундай ҳаракатларни қилишга мажбурлаш ҳам кўрилайётган модда доирасидан четга чиқиб, қўшимча тарзда ЖКнинг 119-моддаси (Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiий усулда қондириш) ёки ЖКнинг 120-моддаси (Бесоқолбозлик) билан квалификация қилиниши лозим.

7. **Мунтазам хўрлаш** деганда, ушбу ҳаракатларнинг уч ёки ундан ортиқ маротаба қилинганлиги тушунилиши лозим.

8. Азоб бериш ҳаракатлари жисмоний азобларни етказиш йўли орқали ёки узок муддатли ва изтиробли оғриқ етказиш орқали амалга оширилади. Қийнаш, уриш, чимчилаш, тишлаш, кўп миқдорда тирнаш, кўп миқдордаги, аммо катта ҳажмда бўлмаган ёки ўткир санчикли нарса орқали жароҳат етказиш, термик, кимёвий ва бошқа моддалар билан таъсир ўтказиш

ва ҳ.к. (*Баданга енгил шикаст етказиш, қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум қилиши тушунчалари ҳақида ЖКнинг 109 ва 138-моддалари шарҳларига қаранг*).

9. Кўриб чиқиладиган жиноят содир этилганда, айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари билан кўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

10. Шунинг назарда тутиш керакки, кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар агарда улар ҳарбий хизматчининг (жабрланувчи ёки айбланувчи) ўз хизмат вазифаларини ўташ ёки уларни ўташ билан боғлиқ, шунингдек, ушбу вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда, агарда ҳарбий жамоага очикдан-очик ҳурматсизлик, бўлинмада ички тартибни бузиш, шахсий таркибнинг одатдаги уйқу ёки дам олишини бузиш билан биргаликда содир этилса, ЖКнинг 285-моддаси билан квалификация қилинади.

11. Юқорида санаб ўтилган белгилар бирортасининг қилмишда мавжуд бўлиши, жиноятни шарҳланадиган модда билан квалификация қилишнинг зарурий белгиси ҳисобланади, жиноятнинг содир этилган жойи эса, ҳар хил бўлиши мумкин. Жиноят бевосита ҳарбий қисм жойлашган жойда бўлиши ёки унинг чегарасидан ташқари, казармада, даволаш муассасасида, хўжалик ишларини бажариш жойида, бўшаган вақтида, бўлинманинг таркибидаги хизмат сафарига ва шу каби жойларда содир этилиши мумкин.

12. ЖКнинг 285-моддасида назарда тутилган жиноят ҳўрлаш, азоб бериш, соғлиққа зарар етказиш ёки қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этиш ҳаракатлари содир этилган вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

13. **Субъектив томонидан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Жабрланувчи ўз ҳаракатлари билан умумий ҳарбий низом билан ўрнатилган муносабатлар тартибини бузаётганлигини англайди ва бунинг хоҳлайди.

Кўриб чиқиладиган жиноятнинг мотиви ҳар хил бўлиши мумкин. Кўпинча, бу безорилик ниятлари, унда айбланувчи ўзининг хаёлий устунлигини жабрланувчи устидан ўрнатишга қаратилган, унинг кадр-қимматини таҳқирлаш, ўзининг

ўрнига ишларни бажаришга, камситадиган хизматларни кўрсатишга мажбур қилиш ҳаракатларини амалга оширади. Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларининг бузилиши миллатчилик ва диний қарама-қаршилиқ асосида бўлиши мумкин, унда жабрланувчининг унинг миллий ёки диний ҳиссиётларини англаган ҳолда камситиш ҳаракатлари амалга оширилади.

Агарда ЖКнинг 285-моддаси диспозициясида кўрсатилган ҳаракатлар чуқур шахсий муносабатлар асосида (масалан рашк, ёқтирмаслик, тортишув асосида, агар ҳарбий хизматчиларда қариндошлиқ ёки никоҳ муносабатлари мавжуд бўлса) хизматдан ташқари вақтда ва бошқа ҳарбий хизматчилар йўқлиги пайтида содир этилса, ЖКнинг 285-моддаси бўйича квалификация қилинмайди, чунки бундай ҳаракатлар ҳарбий ҳуқуқ тартиботига таъсир ўтказмайди.

14. Жабрланувчи билан бўйсунуш муносабатларида бўлмаган ҳар қандай ҳарбий хизматчи жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

15. ЖКнинг 285-моддаси 2-қисмида қуйидаги ҳолатларда бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти учун жавобгарлик назарда тутилган:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан;
- б) қурол ишлатиб содир этилган бўлса;
- в) баданга оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса.

16. «Гуруҳ сифатидаги нонизом зўравонлик ҳаракатлари қасд умумийлиги билан бирлашган икки ёки ундан ортиқ ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилади ва уларнинг ҳар бири Жиноят кодексининг 285-моддасида кўрсатилган Жиноятнинг **субъекти** бўлади ва жиноятда шерик сифатида иштирок этади. Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноят олдиндан ўзаро тил бириктириб ёки бириктирмасдан содир этилиши мумкин. Сунги ҳолда ҳаракатларни Жиноят кодексининг 285-моддаси 2-қисми «а» банди билан тавсифлашнинг зарур шarti – ҳар бир айбдор ўз нонизом ҳаракатларини гуруҳ ичида, бирлашиб содир этаётганлигини англаб етганлигидир.

Қуrol тан жароҳатларини етказиш учун қўлланилиши, бошқа хил зўрлик пайтида эса, масалан, айбдор қуrol ишлатиш таҳдиди остида жабрланувчини ҳарбий хизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажаришга, ўзи учун турли хизматлар қилишга мажбурлаш, шунингдек, инсон шаънини камситадиган ҳатти-ҳаракатлар қилиш пайтида, руҳий таъсир ўтказиш учун қўлланилиши мумкин»¹.

17. «Бир-бирига тобелик муносабатларида бўлган ва бўлмаган шахслар томонидан зўрлик ҳаракатлари биргаликда содир этилган ҳоллар тавсифлаш учун бирмунча мураккаброк.

Масалан, ҳам айбдорга ва ҳам жабрланувчига бошлиқ бўлган сержант солдат томонидан содир этилган нонизом ҳаракатларга қўшилади ёки тобе шахс ўз бошлиғининг зўравонлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Бундай ҳолларда бошлиқнинг ўзига тобе шахс томонидан содир этилган нонизом зўравонлик ҳаракатларида иштирок этишини ҳарбий мансабдорлик жинойти сифатида Жинойт кодексининг 301-моддаси билан тавсифлаш лозим. Ижрочининг ҳаракатларини эса, Жинойт кодексининг 285-моддаси 1-қисми билан тавсифлаш лозим, чунки бошлиқ ушбу жинойтнинг субъекти эмас ва шерик сифатида тан олинмайди.

Агар бошлиқ томонидан хизмат мавқеи ўзи билан тенг шахсларга нисбатан содир этилган нонизом ҳаракатларга жабрланувчига ҳам, айбдорга ҳам тобе шахс келиб қўшилса, бошлиқнинг ҳаракатлари Жинойт кодексининг 285-моддаси билан, тобе шахснинг ҳаракатлари эса, жинойтга шерик сифатида Жинойт кодексининг 28, 285-моддалари билан тавсифланиши лозим»².

18. «Қуrol тан жароҳатларини етказиш учун қўлланилиши, бошқа хил зўрлик пайтида эса, масалан, айбдор қуrol ишлатиш таҳдиди остида жабрланувчини ҳарбий хизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажаришга, ўзи учун турли хизматлар қилишга мажбурлаш, шунингдек,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жинойтларга оид ишларни куриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 3.3-банд.

² Ўша манба, 3.1-банд.

инсон шаънини камситадиган хатти-харакатлар қилиш пайтида, рухий таъсир ўтказиш учун қўлланилиши мумкин.

Қуролдан унинг конструкцияси ва моҳиятидан келиб чиқадиган яқсон қилувчи восита сифатида эмас, балки фақат калтаклаш предмети сифатида фойдаланиш қуролни қўллаш ҳисобланмайди»¹.

19. ЖКнинг 285-моддаси 3-қисмида бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш одам ўлишига сабаб бўлган ҳолатлар учун жавобгарлик назарда тутилган.

«Одам ўлишига сабаб бўлган» деганда, эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш ёки уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ҳаракатлари тушунилади. Бунда ЖКнинг 102-моддаси (Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш) ёки 103-моддаси (Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш) билан квалификация этилмайди. Агарда бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузишда айбланувчи қасддан жабрланувчини ўлдирса, унинг қилмишини ЖКнинг 97-моддаси ва 285-моддаси 3-қисми «а» банди билан квалификация қилиш талаб этилади.

Амалиётда кўп ҳолларда жабрланувчининг вафоти юракнинг рефлектор тўхтаб қолиши ёки механик асфиксияси натижасида, юрак кафаси қисмига қўл билан зарба етказишда содир бўлади. Бундай ҳаракатлар, айбланувчининг жабрланувчи ўлимига қасдни тасдиқловчи ишонарли далиллар йўқ бўлган ҳолларда, бу бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш ва улар инсон ўлимига олиб келиш ҳолати этиб квалификацияланади.

20. Агарда жиноятнинг содир этилиши натижасида қуйидагилар келиб чиқса, ЖКнинг 285-моддаси 4-қисмига асосан жавобгарлик келиб чиқади:

- а) одамларнинг ўлимига;
- б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни қўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 3.3-банд.

21. Одамларнинг ўлими деб, икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳаётдан маҳрум бўлиши тушунилади.

22. ЖКнинг 285-моддаси 4-қисми «б» бандида кўрсатилган бошқа оғир оқибатлар деб, айбланувчининг низомдан ташқари ҳаракатлари билан сабабий боғланишда бўлган оқибатлар тушунилади, уларнинг оғирлиги суд томонидан унинг даражасига қараб баҳоланиши керак.

23. «Ҳарбий хизматчилар ўртасида ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларининг бузилиши, баъзи пайтларда, нафақат одамлар ўлимига, балки жанговар вазифанинг бажарилмай қолишига, ҳарбий техниканинг ишдан чиқишига ва бошқа оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай оқибатлар суд томонидан оғир деб топилган тақдирда айбдорнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 285-моддаси 4-қисми билан тавсифлашга асос бўла олади.

Нонизом зўравонлик ҳаракатлари оқибатида бир неча жабрланувчига Жиноят кодекси 285-моддасининг турли қисмларида кўзда тутилган зарар етказилган бўлса, бу ҳаракатлар Жиноят кодексининг 33-моддаси қондасига кўра квалификацияланади.

24. Ҳарбий хизматчилар ўртасида ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш айбдорлар ҳарбий хизматнинг махсус турлари бўйича мажбуриятларни бажараётган пайтда содир этилиши мумкин (қоровуллик, ички хизмат, ҳарбий навбатчилик ва хоказолар). Агар айбдор томонидан аини пайтда махсус хизмат қоидалари ҳам бузилса, бу ҳаракатлар Жиноят кодексининг 285-моддаси ва у ёки бу хизмат турини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар мажмуи билан тавсифланиши лозим.

Махсус хизмат турларини ўташ қоидаларини бузиш, фақат, ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш аини пайтда махсус хизмат турларини ўташ қоидаларининг ҳам бузилишига олиб келсагина алоҳида ҳуқуқий баҳоланиши мумкин (мисол учун, қисм ёки бўлинма ички нарядига кирувчи шахс томонидан)».

286-модда. Мародёрлик

Мародёрлик, яъни ҳалок бўлганларнинг ёки ярадорларнинг буюмларини жанговар вазиятда эгаллаш, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ШАРҲ

1. Мародёрликнинг бевосита **объекти** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ахлоқий меъёрлари ҳисобланади.

Бу жиноятнинг **предмети** яраланган ёки вафот этган шахсларнинг мулки ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** мародёрлик ҳалок бўлган ёки ярадорларнинг буюмларини жанговар вазиятда эгаллашда ифодаланади.

3. **Буюмларни эгаллаш** деганда, уларни тўлиқ ўз ихтиёрига ўтказиш тушунилади. ЖКнинг 286-моддаси мазмунида эгаллаш ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин, у махфий эгаллаш (ўғрилиқ) ёки зўрлик ишлатиб эгаллаш (талончилик, босқинчилик) бўлиши мумкин. Бу ҳолатларда яраланганларнинг ёки вафот этганларнинг буюмларини эгаллашнинг зарурий белгиси жиноятнинг жанговар вазиятда содир этилиши ҳисобланади. (ЖКнинг 279-моддасининг шарҳига қаранг).

4. Мародёрлик ҳалок бўлган ёки ярадорларнинг буюмларини эгаллаган вақтдан бошлаб **туғалланган** жиноят ҳисобланади.

5. Ушбу Жиноят **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади. Айбланувчи жанговар вазиятда ҳалок бўлган ёки ярадорларнинг буюмларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаганлигини англайди ва буни амалга оширишни хоҳлайди.

Жиноятнинг мотив ва мақсади турли бўлиши мумкин, лекин улар жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

6. Мародёрликнинг **субъекти** фақат ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин. Фуқаролар бундай вазиятларда «умумий» жиноятлар учун жавобгарликка тортилади.

XXII боб. ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ УТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

287-модда. Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш

Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисининг ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши, шунингдек, ҳарбий қисмдан қисқа муддатга рухсат берилганда, бошқа хизматга тайинланганда ёки бошқа хизмат жойига ўтказилганда, хизмат сафаридан, отпусказдан ёки даволаш муассасасидан узрли сабабларсиз бир кеча-кундуздан ортиқ, лекин ўн кеча-кундуздан кўп бўлмаган муддат давомида хизмат жойида ҳозир бўлмаслиги, шундай қилмишлар учун интизомий жазо чораси қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиси, офицерлар таркибидан бўлган шахс ёки ҳарбий хизматни контракт (шартнома) бўйича утаётган ҳарбий хизматчининг қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши, шунингдек узрли сабабларсиз белгиланган муддатдан ўн кеча-кундуздан ортиқ, лекин бир ойдан кўп бўлмаган муддат давомида хизмат жойига етиб келмаслиги —

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек, хизматга белгиланган муддатдан узрли сабабларсиз бир ойдан ортиқ вақт ичида етиб келмаслик ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан содир этилган бўлса, —

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, муддатидан қатъи назар, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Ўзбекистон Республикасини химоя қилиш — ҳар бир фуқаронинг бурчидир, деб белгиланган. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ тартиблари Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги¹, «Мудофаа тўғрисида»ги² Қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий низомлари асосида ўрнатилган.

2. Жиноятнинг **бевосита объекти** ҳар бир ҳарбий хизматчи белгиланган жойда хизматни ўташи ва ҳарбий хизмат давом этаётган бутун муддат давомида хизмат мажбуриятларини тула ҳажмда бажариши лозимлигини, Қуролли Кучларда ҳарбий хизматни ўташнинг қонунчиликда белгилаган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлардан иборат.

3. ЖКнинг 287-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисининг ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши, шунингдек, ҳарбий қисмдан қисқа муддатга рухсат берилганда, бошқа хизматга тайинланганда ёки бошқа хизмат жойига ўтказилганда, хизмат сафаридан, меҳнат таътилидан ёки даволаш муассасасидан

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 436-П-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 217-модда.

² Ўзбекистон Республикаси 2001 йил 11 майдаги «Мудофаа тўғрисида»ги 211-ХП-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 5-сон, 80-модда.



узрли сабабларсиз бир кеча-кундуздан ортик, лекин ўн кеча-кундуздан куп бўлмаган муддат давомида хизмат жойида хозир бўлмаслигида ифодаланади.

4. Чакирув бўйича ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисм ҳудудида жойлашган казармаларга ўрнашадилар. Ҳарбий хизматни ўташ бошқа жойларда бўлиши ҳам мумкин.

5. Ҳарбий қисм ҳудуди қоровул, наряд ёки бошқа усул билан қўриқланадиган, шу ҳарбий қисм ёки алоҳида бўлим учун қисм командири ёки юқори қўмондон буйруғи билан ўрнатилган алоҳида чегараланган жойда жойлашган казарма, лагер ёки кўчма ҳудуд ҳисобланади. Чегара қўшинларида ҳарбий қисм ҳудудига нафақат чегара отряди жойлашган ҳудуд, балки чегара заставаси жойланмаси ҳам ушбу отряднинг алоҳида жойлашган бўлими сифатида киради.

6. **Хизматни ўташ жойи** деб, тегишли қўмондонлик фармойиши ёки рухсати билан ҳар қандай хизмат мажбуриятларини амалда бажариш жойларини тушуниш лозим. Бу ҳўжалик ишларини бажариш жойи ёки қоровулда, нарядда; ҳарбий-тиббий муассасада стационар даволаниш даврида; вақтинча сафарга юборилган вақт қисмида; транспортда шахсий таркибни кўчиришда транспорт воситаларида (поезда, автомобиль эшелонларида, кемаларда) мажбуриятларни бажариш бўлиши мумкин.

7. Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини фақат тегишли ҳарбий бўлим командирининг (бошлиғининг) рухсати билан тарк этиш мумкин. Командирнинг рухсатисиз ҳарбий қисм ёки хизмат жойини, хизмат жойлашган жойни тарк этиш ҳарбий низом билан тақиқланади, акс ҳолда бу ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш бўлади.

8. Агар эркинлик бериш ҳуқуқига эга бўлмаган (масалан, взвод командирининг рухсати билан) бошлиқнинг рухсати билан қисмдан кетиш ҳолатларида, ҳарбий хизматчи олинган рухсатномасининг ваколатлилиги тўғрисида виждонан адашганлиги туфайли кўриб чиқиладиган жиноят таркиби вужудга келмайди. Бундай ҳолларда ўз хизмат ваколатларидан четга чиққан бошлиқ жавобгар бўлади.

9. Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисининг ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетишининг зарурий белгиси — бир суткадан ортиқ, аммо ўн суткадан кўп бўлмаган вақтда унинг ҳарбий қисмда ёки хизмат жойида бўлмаслигидир. Бу муддатни ҳарбий қисмни ёки хизмат жойини тарк этган вақтдан, токи шу шахснинг қисмга қайтиши ёки унинг ушланиш вақтигача ҳисоблаш лозим.

10. Қисмдан эркинликка чиққанда, бошқа жойга тайинланганда ёки ўтказилганда, сафардан, таътилдан ёки даволаш муассасасидан узрли сабабларсиз ўз муддатида хизматга келмаслик деб, ҳарбий хизматчи қисмдан ёки хизмат жойидан қонунга асосланган ҳолда чиқиб кетиб, ҳарбий хизматчига берилган чақирув қоғози, сафар гувоҳномаси, таътил чиптаси, чиқишга рухсат берувчи ҳужжат бўйича кўрсатилган кўмондон томонидан белгиланган муддатдан ортиқ вақт қисмдан ёки хизмат жойидан ташқарида бўлишига айтилади.

Қайтиб келмаслик учун узрли сабаблар ҳарбий хизматчининг касал бўлиши, яқин қариндошларининг ўлими, табиий офатлар ва улар билан борлиқ бўлган аҳоли пунктлари билан транспорт алоқаларининг узилиб қолиши, ҳарбий ҳолат ва бошқа ҳарбий хизматчини унинг хизмат жойига ўз вақтида қайтишига объектив тўсқинлик қилувчи бошқа вазиятлар ҳисобланади.

11. Ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш каби қайтиб келмаслик ҳам ҳарбий хизматчи қисмда 1 суткадан ортиқ, аммо 10 суткадан кўп бўлмаган вақтда йўқ бўлган бўлса, жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

12. Ушбу модданинг биринчи қисми маъмурий преюдицияга эга. Муддатли ҳарбий хизматчига ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетганлиги учун интизомий жазо чораси қўлланганидан сўнггина, унга нисбатан худди шундай қилмиш учун жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

13. Жиноят агар ҳарбий хизматчи қонунга ҳилоф равишда ҳарбий қисмдан ёки хизмат жойидан ташқарида бўлиб, 10 кун давомида хизматни ўташ жойига келмаса, жиноят **туғалланган** деб топилади.

Қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетишнинг давомийлиги қисмни (хизмат жойини) ўзбошимчалик билан ташлаб кетган ёки қисмга келиш вақти тугаганидан сўнг ва унинг қисмга (хизмат жойига) қайтган ёки ушланган вақтигача ҳисобланади. Бунда вақтни ҳисоблаш ЖПКнинг 314-моддасида белгиланган муддатларни ҳисоблаш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

14. **Субъектив томондан** жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилади. Агар, айбдор ҳарбий қисмни ёки хизмат жойини командирнинг руҳсатисиз тарқ этаётганини ёки қисм ҳудудига белгиланган муддатда қайтмаслигини англаса ва ушбу қилмишни содир этишни истаса, ушбу ҳарбий қисмни ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш қасддан қилинган деб топилади. Ўз муддатида хизматга етиб келмаслик ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик билан содир этилиши мумкин.

Жиноят мотиви квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас. «Қариндош ва танишларни бориб кўриш, хизмат хордиғини чиқариш, оилавий ва шахсий ишларни бажариш, вақтинчалик муаммоларни ҳал этиш истаги каби сабаблар қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ҳолларига хосдир»¹.

15. Агар ҳарбий қисмни ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ҳарбий хизматдан бўйин товлаш мақсадида содир этилса, қилмиш ЖКнинг 288-моддаси (Дезертирлик) билан квалификация қилинади².

16. ЖКнинг 287-моддаси 1-қисмида назарда тутилган Жиноятнинг **субъекти** бўлиб қонуннинг нормаларига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар, яъни аскарлар, матрослар, сержантлар ва муддатли хизмат старшиналари ҳисобланадилар.

ЖКнинг 287-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар захирадаги ва ҳарбий йиғинларга чақирилган фуқароларга ҳам татбиқ этилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 2.2-банд.

² Ўша манба, 2.3-банд.

17. ЖКнинг 287-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиси, офицерлар таркибидан бўлган шахс ёки ҳарбий хизматни контракт (шартнома) бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчининг қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши, шунингдек, узрли сабабларсиз белгиланган муддатдан ўн кеча-кундуздан ортиқ, лекин бир ойдан кўп бўлмаган муддат давомида хизмат жойига етиб келмаслигидан иборатдир.

18. Офицерлар таркибидан бўлган шахслар, контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар бундай хизматни ўтаётганда ҳарбий қисмда ёки бошқа хизмат жойида бўлишлари мумкин. Ҳарбий хизматни ўташдан бўш вақтларида бу тоифадаги ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисм ва хизмат жойидан ташқарида бўлишлари мумкин. Шу сабабли бу тоифадаги ҳарбий хизматчилар учун қисмни ва хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш деб, ҳарбий хизмат ўташи лозим бўлганда узрли сабабларсиз хизматга чиқмаслигини тушуниш лозим. Бундай вазиятларда, кўрсатилган тоифадаги ҳарбий хизматчиларга нисбатан бошлиқ томонидан казармада жойлашув ўрнатилганда, қисм ва хизмат жойи чегарасидан махсус рухсатномасиз кетиш ўз хоҳиши билан қисмни тарк этиш каби кўриб чиқилиши лозим.

19. Офицерлар таркибидан бўлган шахслар, контракт (шартнома) бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисм жойидан ташқарида яшаб туриб, узрли сабабларсиз хизматга чиқмаса ва бу билан хизмат мажбуриятларини ўташдан бўйин товласа, бу ҳолатлар ўз муддатида хизматга етиб келмаганлик сифатида кўриб чиқилиши лозим.

20. Айбдорнинг қилмиши, бу шахс аввал шу каби қилмиши учун интизомий жазо чораси қўлланганидан қатъи назар, ЖКнинг 287-моддаси 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

21. ЖКнинг 287-моддаси 2-қисмида назарда тутилган Жиноятнинг субъекти муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиси, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар, контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар бўлишлари мумкин.

Офицерлар таркибидан бўлган шахслар деб, хақиқий ҳарбий хизматда турган кичик, катта ва олий офицер таркибига айтилади.

Контракт бўйича хизмат қилувчилар деб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳарбий хизмат қилиш истагини билдирган ҳарбий хизматчиларга айтилади.

22. ЖКнинг 287-моддаси 2-қисмида кўрсатилган **субъектлар**: муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчилари томонидан, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар томонидан, контракт бўйича ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган қисми ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ҳамда уэрли сабабларсиз бир ойдан ортиқ муддат хизматга келмаслик учун ЖКнинг 287-моддаси 3-қисмида тегишли жавобгарлик назарда тутилган.

Бунда қисмда ёки хизмат жойида қонунга ҳилоф равишда йўқ бўлишнинг максимал давомийлиги квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас, бироқ жазо тайинлашда ҳисобга олиниши мумкин.

23. Агар Жиноятнинг **субъекти** ўзбошимчалик билан қисми ёки хизмат жойини ҳарбий хизматдан бўйин товлаш мақсадида ўн суткадан ортиқ ёки умуман мақсадсиз хизматдан бўйин товлаш мақсадида бир ойдан ортиқ давомийликда тарк этса, аммо бу муддатлар ўтмасидан олдин ушланган бўлса, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 287-моддаси 1, 2 ва 3-қисмларида назарда тутилган жиноятни содир этишга суиқасд деб топилади.

24. ЖКнинг 287-моддаси 4-қисми жанговар вазиятда содир этилган қисми ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетганлиги учун, давомийлигидан қатъи назар, жавобгарликни назарда тутади.

25. ЖКнинг 287-моддаси 4-қисмида кўзда тутилган жиноятнинг **субъекти** ҳарбий унвонидан, хизмат асосларидан (контракт ёки чақирув асосида) қатъи назар, ҳар қандай ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин.



288-модда. Дезертирлик

Дезертирлик, яъни ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек, шу мақсадда хизмат жойига етиб келмаслик –

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш офицерлар таркибидан бўлган шахс ёки ҳарбий хизматни контракт (шартнома) бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчи томонидан содир этилган бўлса, –

беш йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ушбу жиноятнинг **бевосита объекти** ҳарбий хизматни ўташнинг ўрнатилган тартиби ҳисобланади.

2. Дезертирликнинг **объектив томони** ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек, шу мақсадда хизмат жойига етиб келмасликда ифодаланади. (*«Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш» ва «хизмат жойига етиб келмаслик» тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 287-моддаси шарҳига қаранг*).

3. **Дезертирлик** деганда, ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисмни ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек, ўша мақсадда хизмат жойига етиб келмаслик тушунилади.

Дезертирликда ҳарбий хизматчи жойида йуқлигининг давомийлиги содир этилган жиноятнинг жамиятга хавфлилиги даражасини баҳолашда ва айбдорга жазо тайинлашда аҳамиятга эга бўлади¹.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 2.3-банд.



Агар дезертирлик содир этилганда хизмат жойидан ташқарида ўзбошимчалик билан бўлган вақти узоқ давом этмаса (муддатли ҳарбий хизматчилар учун – икки суткадан камроқ, контракт (шартнома) бўйича ҳарбий хизматчилар учун – ўн суткадан камроқ), бундай ҳаракатлар хизматга ўз хоҳиши билан қайтган шароитларда ёки иккита енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлигида ЖКнинг 288-моддаси белгиларининг формал таркибини ифодаловчи сифатида баҳоланиши ва ЖКнинг 36-моддасига мувофиқ, кам аҳамиятли қилмиш деб топилиши мумкин.

4. **Дезертирлик** давомли жиноят ҳисобланади. У айбдорнинг ўз хоҳишига кўра ҳаракатларини тўхтатиши (масалан, унинг айбини бўйнига олиб қисмга ёки ҳукумат идораларига келиши) ёки дезертирликнинг давом этишига тўсқинлик қилувчи шароитнинг рўй бергунига (масалан, айбдорнинг ушланиши ва ш.к.) қадар давом этиши мумкин.

5. Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ташлаб кетиб муддатида хизматга келмаган вақтдан бошлаб дезертирлик **туғалланган** жиноят деб топилади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, дезертирликдан ўз хоҳиши бўйича қайтиши фақат ҳарбий қисмни ёки хизмат жойини тарк этгунигача ёки хизматга келиш муддати тугагунигача мумкин бўлади. Дезертирлик содир этган ҳарбий хизматчининг айбини бўйнига олиб келиши жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрилиши лозим (ЖКнинг 55-моддаси «а» банди). Бундай вазиятларда ЖКнинг 66 ва 71-моддаларида кўрсатилган маълум шароитларнинг мавжудлигида ҳарбий хизматчи жавобгарликдан ёки жазодан озод этилиши мумкин.

6. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятнинг субъектив томонининг зарурий белгиси қисмни ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетишнинг мақсади ҳисобланади. Айбдор қисмни ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетишни ёки хизмат ўташ жойига ҳарбий хизмат қилишдан умуман бўйин товлаш мақсадида қайтмаётганлигини англайди ва бу ҳаракатларни содир этишни истайди.

Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш мақсадлари айбдорнинг қасдида намоён бўлади, яъни қонун томонидан ўрнатилган

ҳарбий хизмат давомида ҳарбий хизмат мажбуриятларини ўташдан бош тортишида ифодаланади. Ҳарбий хизматчида ҳарбий хизматдан бўйин товлаш бевосита қисмни ёки хизмат жойини тарк этишдан олдин ёки хизматга келмаганида ва қисмни ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш жараёни содир бўлганида пайдо бўлиши мумкин.

7. ЖКнинг 287-моддасида назарда тутилган жиноят ва дезертирликнинг объектив томонларини ўхшашликларида, бу жиноятлар таркибларини чегаралашни фақат содир этилган жиноятнинг охириги мақсади билан аниқланадиган айбдорнинг мақсад йўналиши бўйича – ҳарбий хизмат ўташдан бутунлай ёки маълум вақтга бош тортганлигидан ўтказиш лозим.

Ҳарбий хизмат ўташдан бутунлай бўйин товлаш мақсади тўғрисида қисмни ёки хизмат жойини ташлаб кетганидан сўнг ўтган вақтнинг давомийлиги ёки унга келмаганлиги гувоҳлик беради. Бундан ташқари, ҳарбий хизмат ўташдан бутунлай бўйин товлаш мақсадлари тўғрисида «айбдор томонидан сохта ҳужжатлар тўғрида олиш, фуқаровий кийимга қайта кийиниб олиш, ҳарбий кийимни йўқ қилиш, ишга жойлашишга ёки яшаш учун бошқа доимий манба топишга уриниш каби»¹ ҳолатлар ҳам гувоҳлик беради.

8. «Дезертирликни содир этган шахснинг асосий сабаб қилиб кўрсатадиган вазлари – ҳарбий хизмат қийинчиликлари ва маҳрумликларини бошдан кечиришни истамаслик, доимий равишдаги шахсий ва оилавий муаммоларни ҳал қилишга интилиш, ҳарбий хизматни ўташ даврида содир этган жинояти учун жавобгарликдан қочиш ва ҳоказолар бўлиши мумкин»². Дезертирликда мотив жиноятни квалификация қилишда таъсир кўрсатмайди.

9. ЖКнинг 288-моддаси 1-қисмида назарда тутилган Жиноятнинг **субъекти** муддатли хизматдаги оддий ҳарбий хизматчилар, яъни аскарлар, матрослар, сержантлар ва муддатли хизмат старшиналари ҳисобланадилар.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 2.3-банд.

² Уша жойда.

ЖКнинг 288-моддаси 1-қисми ҳаракатлари захирадаги ва ҳарбий йиғинларга чақирилган фуқароларга ҳам тарқалади.

10. Интизомий тартибга чақирилган, интизомий қисмга жўнатиш жазосига ҳукм қилинган ёки қамок кўринишидаги жазони ўтаётган (ЖКнинг 48-моддасига қаранг) ҳарбий хизматчининг гаупвахтадан қочиши, ҳарбий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади ва аниқ иш ҳолатларидан келиб чиқиб ЖКнинг 287 ва 288-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин.

11. Гаупвахтадан ёки унга нисбатан прокурор санкцияси ёки суд қарори бўйича қўриқлов остида сақлаш кўринишидаги чора танланган ҳарбий хизматчи томонидан тергов изоляторидан қочишни ЖКнинг 222-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

12. ЖКнинг 288-моддаси 2-қисмида офицерлар таркибидан бўлган шахслар, контракт (шартнома) бўйича хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчи томонидан содир этилган дезертирлик учун жавобгарлик белгиланган.

13. Контракт бўйича ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан дезертирлик ҳарбий хизматчи томонидан бир томонлама контрактни бузиш билан ифодаланади. Бу шундан келиб чиқадики, амал қилинаётган қонунчилик «контракт тузувчи»ни контрактни муддати тугамагунча ўз ташаббуси билан бузиши ҳуқуқини назарда тутмайди. Бундай бузиш фақат янги контракт тузилгандагина мумкин. Масалан, биринчи контракт уч йилга тузилган, у эса, уни бузиб, янги кўринишдаги контракт тузади — беш ёки ўн йилга.

14. Бундан ташқари, контракт бўйича ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун, давом этаётган жиноят сифатидаги дезертирлик контракт муддати тугаган вақтдан бошлаб **туғалланган** деб тан олинади.

289-модда. Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ташлаб кетиш

Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ўз хизмат вазифаларини охиригача бажармаган командир томонидан, шунингдек,

командирнинг тегишли фармойиши бўлмасдан кема командаси таркибидаги шахс томонидан ташлаб кетилиши –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** ҳалокат ёки аварияларда, ҳарбий кема «ҳалокатида» ҳарбий муносабатларнинг ўрнатилган тартиби ҳисобланади.

2. Жиноят **объектив томондан** ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ўз хизмат вазифаларини охиригача бажармаган командир томонидан, шунингдек, командирнинг тегишли фармойиши бўлмасдан, кема командаси таркибидаги шахс томонидан ташлаб кетилишида ифодаланади.

3. **Ҳарбий кема** деб, ҳарбий хизмат ўрнатилган вазирликка (идорага) тегишли ҳарбий қўмондон жавобгарлигида бўлган ҳар қандай ўзи юрар сув кемаси тушунилади.

4. Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ташлаб кетиш ҳам кирғоққа чиқиш йўли билан, ҳам бошқа кемага ўтиш ёки қутқарувчи сузувчи воситага ўтиш билан амалга оширилади. Ҳарбий хизматчининг ихтиёридан ташқари кема ҳалокатининг ташқи таъсирлари натижасида иложсиз борт ортида қолиши ушбу жиноят таркибини ҳосил қилмайди.

5. Ҳарбий кема командирининг ва команда аъзоларининг низомда белгиланган хизмат мажбуриятларидан келиб чиқиб, кема командири ва команда аъзолари ҳалокатларда, аварияларда ҳарбий кемани қутқариш учун барча имкониятларни қабул қилишлари зарур.

Командирда одамларни, мол-мулкни қутқаришни ташкил этиш бўйича бевосита мажбурият ётади. Қисман олганда, кема ҳалокати хавфи шаронтларида кема командири одамларни қутқариш учун уларни ташкилий эвакуация қилишни, биринчи навбатда, касалларни ва ярадорларни, болаларни, аёлларни,

фуқаро шахсларни ва фақат улардан сўнг, ҳарбий хизматчиларни ва экипаж аъзоларини таъминлашга мажбур. Мажбурий тадбирлар саноғига сирли ҳужжатларни, соқчилик ва навигация журналларини, хариталарни, пул маблағларини ва бошқа бойликларни сақлашни таъминлаш ҳам киради. Жанг ҳолатида ҳужжатларни, қуролларни ва моддий бойликларни қутқариш имконияти йўқ бўлганида, улар душман қўлига тушмаслиги учун кема билан йўқ қилинишини таъминлаши лозим.

Командир ҳарбий кемани қутқариш учун барча имкониятларни ишлатган вазиятларда, аммо уни қутқариш имконияти йўқлигида ҳарбий кемани тарк этиш лозим, деган ягона қарорга келса, у уни тарк этиш учун қарор қабул қилади. Командир ҳарбий кемани энг охирида тарк этади.

6. Ўз хизмат вазифаларини охиригача бажармаганлик деганда, Низомга мувофиқ ўз мажбуриятларини тўла бажармаганлик ёки тўла бўлмаган ҳажмда бажарганлик тушунилади.

Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани тарк этиш учун команда аъзоларининг жавобгарлиги кемани, мол-мулкни, ҳужжатларни қутқариш бўйича ҳарбий кема командирининг буйруқ ва фармойишларини бажармаган вазиятларда юзага келади. Кема командирининг командасисиз команда аъзоларидан ҳеч ким кемани тарк этиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Бундай команда (рухсат) шахсан, техник алоқа воситалари билан ёки бошқа ҳарбий хизматчилар орқали берилиши мумкин. Агар кема командири ҳалок бўлса ёки ўз қўл остидагиларига тегишли рухсат бериш имкониятидан маҳрум бўлса, команда томонидан ҳалок бўлаётган кемани тарк этиш жиноят таркибини вужудга келтирмайди.

7. ЖК 289-моддасининг зарурий белгиси ҳарбий кема ҳаётига хавф солаётган ҳолатнинг мавжудлигидан иборатдир. Бундай ҳолат пайдо бўлишининг сабаблари турлича (бортдаги ёнғин, минадаги портлаш, бошқа кема билан тўқнашув, табиий офат ва ҳ.к.) бўлиши мумкин ва кўриб чиқиладиган жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди. Ҳамда охир-оқибатда кема ҳалок бўлгани ёки йўқми, бу далил ҳам жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди.

8. Ҳалок бўлаётган ҳарбий кема командири ўз хизмат вазифаларини охиригача бажармай, амалда тарк этган вақтдан бошлаб ёки командирнинг рухсатисиз команда аъзолари томонидан кемани тарк этган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган деб топилади.

9. **Субъектив томондан** ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани тарк этиш тўғри қасддан содир этилади. Командир ўз вазифаларини бажармасдан ёки тўла ҳажмда бажармасдан кемани ташлаб кетаётганини англайди ва кемани ташлаб кетишни истайди. Агар айбнинг эҳтиётсизлиги аниқланса, жинойий жавобгарлик мустасно этилади.

Ҳарбий кеманинг команда аъзолари томонидан ташлаб кетилиши ҳам тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор, ҳарбий кема командирининг командаси йўқ бўлишига қарамасдан кемани ташлаб кетаётганини англайди ва шуни истайди. Эҳтиётсизлик шаклидаги айблар ҳам жинойий жавобгарликни истисно этади.

10. Жиноятнинг **субъекти** – командир ёки ҳарбий кема гуруҳ аъзоси. Ҳарбий кема гуруҳи ҳарбий хизматчилардан шакллантирилади, аммо унинг таркибига ўқув йиғинларини ўтаётган даврдаги ҳарбий хизматга мажбурлар ҳам киришлари мумкин.

11. ЖКнинг 289-моддаси 2-қисмида жанговар вазиятда содир этилган ҳарбий кемани ташлаб кетганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

290-модда. Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш

Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш, яъни ҳарбий хизматчининг ўз баданига бирон шикаст етказиш йўли билан, шунингдек, ўзини ёлғондан касалликка солиб, ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришдан бўйин товлаши ёки бу вазифаларни бажаришдан бош тортиши –

бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат жанговар вазиятда содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** ҳарбий хизмат ўташнинг ўрнатилган тартибларини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

2. ЖКнинг 290-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш, яъни ҳарбий хизматчининг ўз баданига бирон шикаст етказиш йўли билан, шунингдек, ўзини ёлғондан касалликка солиб, ҳужжатларни қалбақлаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришдан бўйин товлаши ёки бу вазифаларни бажаришдан бош тортиш билан бўйин товлашда ифодаланади.

3. Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан, яъни ҳарбий хизматчини ҳарбий хизматни ўташдан ўзининг бирон аъзосига қандайдир шикаст етказиш йўли билан бўйин товлаши, ҳарбий хизматчи томонидан аъзоларига, танаси тўқималарига шикаст етказиш билан соғлиғига зарар етказиши, шу билан барабар даволаш даврида ёки ҳамма вақт ҳарбий хизмат ўташига тўсқинлик қилувчи касалликнинг пайдо бўлиши ва ўткирлашуви учун шароит яратишдан иборатдир. Ўзига қандайдир шикаст етказиш усуллари турлича бўлиши мумкин, ammo бу жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас. Бу ҳар қандай қуролдан танага жароҳат етказиш (тўқималарга ўқотар қуролдан отиш, бармоқларни болта билан чопиш ва ҳ.к.), ҳақиқатда мавжуд касални медикаментлардан нотўғри фойдаланиш йўли билан чақириш, сунъий равишда ўзини касаллик ҳолатига келтириш (металл нарсаларни ютиш, тери остига заҳарли нарсаларни киритиш ва ҳ.к.) бўлиши мумкин. Бўйин товлаш таркиби учун

аъзони майиб қилиш қандай йўл билан содир этилганлиги аҳамиятсиз¹.

4. Таъкидлаш лозимки, аъзоларга шикаст етказишда айбдорнинг соғлиғига зарар етади. Бунда, ҳарбий хизматчининг соғлиғига зарар ўзи томонидан ёки унинг илтимосига кўра бошқа шахс томонидан етказилиши ҳолатлари қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

Агар ҳарбий хизматчига шикаст етказиш ўзи томонидан эмас, унинг илтимосига кўра бошқа шахс томонидан етказилган бўлса, унда бу шахс жиноятга шерик сифатида жинойий жавобгарликка тортилиши лозим, жиноятнинг ижрочиси бундай илтимос билан мурожаат қилган ҳарбий хизматчи ҳисобланади, чунки у ҳарбий хизмат бўйича вазифаларини бажаришдан бўйин товлаган.

Аъзоларига шикаст етказишда шикаст даражасини аниқлаш учун мажбурий суд-тиббий экспертиза ва ҳарбий-тиббий комиссиясининг ҳарбий хизматга лаёқатлилиги тўғрисидаги хулосаси талаб этилади.

Агар соғлиққа зарар етказиш айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларда содир бўлса, масалан, айбдор яроксиз воситаларни қўллаши муносабати билан ёки соғлиққа етказилган зарар ўз тавсифи билан ҳарбий хизмат бўйича у ёки бу вазифаларни бажаришдан озод этиш учун асос бўлмаса, айбдорнинг ҳаракати ушбу жиноятни содир этиш учун суиқасд деб тан олиниши мумкин.

5. **Ўзини ёлғондан касалликка солиш** остида ҳарбий хизмат ўташга мажбур бўлган шахсда ҳарбий хизмат ўташига тўсқинлик қилувчи қанақадир касалликнинг борлиги тўғрисида тиббий комиссияни алдаш (кўр, кар, рухий ҳолати бузилган ва ҳ.к. деб кўрсатиш), бошқа ҳар қандай усуллар билан адаштириш ёки мавжуд бўлган касаллик белгиларини онгли равишда ошириб кўрсатиш («касаллик аггравацияси» деб аталувчи) ётади. Бунда айбдор ўзини ҳам жисмоний,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори. 2.4-банд.

хам рухий ҳолати бузилган, неврологик касалликка чалинган қилиб кўрсатиши мумкин.

Виждонан, хизмат вазифаларини бажаришдан бўйин товлаш мақсадларисиз, мавжуд ёки тахмин этилаётган касалликка нисбатан адашиш жиноят таркибини ҳосил қилмайди.

6. Ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳарбий хизматдан бўйин товлаш усули сифатида ҳарбий хизмат бўйича вазифаларни бажаришдан конунга ҳилоф равишда озод бўлиш учун мазмунан қалбаки ҳужжатларни кўмондонликка тақдим этишда ифодаланади. Бундай ҳужжатлар туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома қалбаки туғилган санаси билан, муддатидан аввал захирага бўшаш мақсадида, иккинчи фарзанд туғилганлиги тўғрисидаги қалбаки гувоҳнома, соғлиғи тўғрисидаги қалбаки тиббий маълумотнома, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёлғон чакирув, оиладаги ўйлаб топилган бахтсизлик тўғрисидаги телеграмма ва ҳарбий хизматдан озод бўлиш учун асос бўладиган бошқа қалбакилаштирилган ҳар қандай ҳужжат бўлиши мумкин.

«Барча ҳолларда қалбакилаштиришнинг моҳияти шундаки, ҳужжатда кўрсатилган воқеа ва ҳодисалар амалда мавжуд бўлмасдан, уларга таянган ҳолда ҳарбий хизматчи ўзини вақтинча ёки доимий равишда ҳарбий хизмат мажбуриятларини ўташдан озод қилишни илтимос қилади»¹.

7. Қалбаки ҳужжат айбдор томонидан ёки унинг илтимосига кўра бошқа шахс томонидан тайёрланиши мумкин. Бунда охиргисининг ҳаракатида зарур белгилар мавжудлиги ЖКнинг 228-моддаси бўйича (Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) ҳамда ЖКнинг 28-моддаси тегишли қисмига таяниб 290-моддаси билан биргаликда квалификацияланиши лозим.

Агар қалбаки ҳужжат ҳарбий хизматчи ёки ҳарбий хизматга мажбур шахс томонидан тайёрланса, унда унинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни куриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 2.6-банд.

ҳаракатлари ЖКнинг 228-моддаси бўйича кўшимча квалификацияни талаб этмайди, чунки улар бўйин товлашнинг ушбу усули билан тула қамраб олинади¹.

8. Бўйин товлашнинг усули сифатида бошқа алдов ҳарбий хизматни ўташдан озод бўлиш мақсадида воқеа ёки ҳодисалар тўғрисида била туриб, ёлғон маълумот етказиш ёки мазкур ҳолатлар ҳақида хабар беришга бурчли бўла туриб, ўша мақсадда онгли равишда хабар бермасликдан иборат (масалан, захирага эртароқ бўшаш мақсадида олий маълумоти борлиги тўғрисида ёлғон маълумот бериш, худди шу мақсадда ўзининг ўрнига бошқа шахсни тиббий кўрикка юбориш)².

Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш мақсадида лавозимли шахсни сотиб олиш ҳолатлари бошқа алдов сифатида кўриб чиқилади. Агар бунда пора бериш (олиш) мавжуд бўлса, у ҳолда жавобгарлик содир этилган жиноятлар жами тарикасида белгиланади.

9. «**Ҳарбий хизмат вазифаларини ўташдан бош тортиш** – ҳарбий хизматчи томонидан очикдан-очик, ёлғон ишлатмасдан, оғзаки, ёзма ёки бошқа йўл билан ҳарбий хизматни ўташ ёки унинг баъзи мажбуриятларини бажаришни истамасликда ва амалда уларни бажармай қўйишда намоён бўлади»³.

Бош тортиш икки шаклда намоён бўлиши мумкин:

биринчидан, у очик аризада, уларни бажаришни кейинчалик амалда тўхтатиш билан, ҳарбий хизмат мажбуриятларини ўташни истамаслигини ифодалаш мумкин. Агар ҳарбий хизматни ўташни истамаслиги тўғрисидаги очик ариза уларнинг амалдаги бажарилмаслиги билан кузатилмаса, бундай ҳаракатлар кўриб чиқилаётган жиноят таркибини ташкил қилмайди;

иккинчидан, бош тортиш, бу тўғрида очик аризада кузатилмасдан, ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришни амалда тўхтатиш билан ифодаланиши мумкин.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 2.6-банд.

² Ўша манба, 2.7-банд.

³ Ўша манба, 2.8-банд.

10. Командирнинг аниқ талабини бажаришни истамаслик ёки амалда бажармаслик ҳарбий хизмат вазифаларини ўташдан бош тортиш бўлмайди (масалан, сафарга кетиш, суткали нарядга кириш ва х.к.). «Бундай ҳаракатлар бўйсунмаслик жинояти таркибини ташкил қилади, чунки бундай ҳолда қумондон талаби буйруқ хусусиятига эга бўлиб, ҳаракат эса, ҳарбий хизматни ўташдан бош тортишга эмас, балки буйруқни очикдан-очик бажармасликка қаратилган»¹.

11. Агар ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришдан бош тортиш айбдор томонидан, унга қонунчиликка ва Қуролли Кучларнинг Умумҳарбий Низомига мувофиқ махсус вазифалар юкланган даврда содир этилса (жанговар навбатчилик, суткали ёки гарнизон нарядида ва х.к.), тегишли жиноятларнинг белгилари мавжуд бўлганда жавобгарлик ЖКнинг 291–294-моддалари бўйича жиноятлар жами тариқасида белгиланади.

12. Ҳарбий хизматчининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ўзига қандайдир шикаст етказиши, касалликнинг симуляцияси, қалбаки ҳужжатларнинг тақдим этилиши ёки бошқа ёлрон далиллар жиноятни пайдо қилмайди, бу йўл билан ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришдан бўйин товлаш, яъни у ёки бу ҳарбий вазифаларни бажаришни амалда тўхтатишини пайдо қилади.

13. Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш аъзоларига шикаст етказиш ёки касалликни симуляция қилиш, ҳарбий хизмат ўташдан бўйин товлаш мақсадида ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳарбий хизмат ўташдан бош тортилган вақтдан бошлаб **туғалланган** деб топилади.

14. Жиноят **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ҳарбий хизматдан қонунга хилоф равишда озод этилишга етишмоқчилигини англайди ва шуни истайди. Жиноят мақсади – ҳарбий хизмат вазифаларини ўташдан бўйин товлаш.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни куриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 2.8-банд.

15. Жиноятнинг **субъекти** ҳарбий хизматни ўтаётган шахс ҳисобланади. Бу чақирув бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскар ва сержант (старшина) таркибидаги шахслар ҳамда ҳарбий унвонидан ва қўшин туридан катъи назар ҳарбий хизматни контракт (шартнома) бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчилар бўлишлари мумкин. Қўриб чиқиляётган жиноят субъектлари, ҳарбий йиғинга чақирилган, захирада бўлган фуқаролар ҳам бўлишлари мумкин.

16. ЖКнинг 290-моддасида назарда тутилган жиноят ушбу жиноят иштирокчилари деб топилган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматчи бўлмаган шахслар иштирокчилигида содир этилиши мумкин. (*ЖКнинг 28-моддаси шарҳига қаранг*).

17. ЖКнинг 290-моддаси 2-қисмида шарҳланаётган жиноятни жанговар вазиятда содир этганлик назарда тутилган. (*«Жанговар вазият» тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси таҳлилида айтилган эди*).

291-модда. Қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузиш

Қоровул (соқчилик) хизмати устав қоидаларини қоровул таркибига кирган шахс томонидан зарарли оқибатлар келтириб чиқарадиган тарзда бузиш, башарти, мазкур қоровул бундай оқибатларнинг олдини олиш учун тайинланган бўлса, –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) баданга оғир шикаст етказилишига;

б) одам ўлишига;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Ушбу жиноятнинг **асосий бевосита объекти** умумий тартибда ҳарбий хизматни ўташнинг таркибий қисми сифатида қоровул хизмати (вахтага оид) ўташнинг ўрнатилган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлардан иборатдир.

Бу тартибга қатъий риоя этиш қўриқлашга ишонилган объектнинг хавфсизлигини ва муҳофаза этилишини, ҳарбий хизматчилар орасида юқори ҳарбий тартибни ушлашни таъминлайди. Бундай тартиблар қоровул (соқчилик) хизмати ўтовчи шахслар алоҳида ҳуқуқий ҳолати, уларга махсус функцияларнинг, махсус ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг, қоровул (соқчилик) хизмати ўташнинг низом асосида чиқарилган ва такомиллаштирилган тегишли буйруқлар, фармойишлар билан аниқ тартибга солинганлиги билан тавсифланади.

Қоровул хизмати ўташ қоидаларини бузишнинг **қўшимча бевосита объекти** деб, қоровулга қўриқлашга топшириладиган маълум объектларнинг хавфсизлиги, жамият хавфсизлиги ва тартибларини (масалан, гаупвахтада сақланаётган шахсларни қўриқлашни) тушуниш лозим.

2. Жиноятнинг **объектив томони** зарарли оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш учун тайинланган қоровул таркибига кирган шахс томонидан қоровул (соқчилик) хизмати ўташнинг низом қоидаларини бузиши натижасида зарарли оқибатлар келиб чиқишида ифодаланади.

Қоровул хизмати ўзида қонунчилик ва Қуролли Кучлар Умумҳарбий Низомлари билан тартибга солинган ҳарбий ва давлат объектларини ҳамда гаупвахтада ва ҳарбий интизомий қисмида сақланаётган шахсларни қўриқлаш бўйича махсус хизматни ифодалайди. Қоровул хизмати ўташ жанговар вазифани бажариш ҳисобланади ва шахсий таркибдан барча Низом қоидаларига аниқ риоя этишни, юқори оғоҳликни, аниқ ечимни ҳамда ташаббусни талаб этади.

Қоровул хизмати қўриқлов остида сақланаётган ва жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган, қамоққа олинганларни қўриқлаш ва ташиш бўйича хизмат ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ички қўшин ҳарбий хизматчилари томонидан амалга оширилади.

Ҳарбий кемалардаги **соқчилик хизмати** қоровул хизматига тенглаштирилади. У кемадаги навбатчиликнинг алоҳида тури ҳисобланади ва жанговар техникани ва кеманинг ўзини қўриқлаш ҳамда унинг доимий жанговар ҳолатини таъминлаш вазифасига эгадир. Кема бўйича соқчилик (бутун кема бўйича) ва махсус соқчилик (кеманинг жанговар қисмлари ва хизматлари бўйича) фарқланади.

3. Қоровул (соқчилик) хизматини ўташ қоидалари қонунчиликда, Қуролли Кучлар Низомида, ИИБ меъёрий ҳужжатларида ва уларнинг бажарилиши бўйича чиқарилган турли буйруқлар, фармойишлар ва х.к.да белгиланган. Шу муносабат билан жиноят таркиби белгиларини аниқлаш шу вазиятда бузилган қоровул хизмати қоидаларининг мазмунига борлиқ бўлади.

Модданинг диспозицияси бланкетдир. Жиноий жавобгарлик юзага келиши учун Низомнинг қайси аниқ қоидалари, ёзма фармойишларнинг талаблари ва постлар табелларида ва йўриқномаларда кўрсатилган қоровул шахснинг алоҳида вазифалари бузилганлигини ҳар томонлама аниқлаш лозим.

4. **Қоровул (соқчилик) хизмати низом қоидаларининг бузилиши** ҳам ҳаракатда, ҳам ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин: постдан ўзбошимчалик билан кетиш, постдаги уйқу, эътиборсизлик, постда бегоналар бўлишига йўл қўйиш, қўриқланаётган объектдан мулкни ўғирлаш ва х.к. Гаупвахтада ва интизомий ҳарбий қисмда сақланаётган шахсларни қўриқлаш бўйича ҳамда қўриқлов остида сақланаётган ёки озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумларни қўриқлаш ва ташиш қоровул таркибидаги ҳарбий хизматчилар томонидан қоровул хизмати низом қоидаларининг бузилиши, қамоқдагиларга зўрлик ишла-тиш, уларнинг қадр-қимматини камситиш, улар ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини камситиш ва х.к. йўллар билан содир этилиши мумкин.

5. ЖК 291-моддаси бўйича жиноятларни тўғри квалификация қилиш учун қоровул хизматини ўташнинг бошланиш ва тамом бўлиш вақтини аниқ белгилаш зарур бўлади.

Қоровул таркибидаги шахснинг қоровул хизмати бўйича вазифаларини бажаришга киришиш вақти развод вақтида қоровул бўйича (қисм бўйича навбатчи) навбатчини кутиб олиш учун «йиғил» командаси берилган вақт ҳисобланади. Шу вақтдан бошлаб қоровуллар қоровул бўйича (қисм бўйича навбатчи) навбатчининг ҳукми остига ўтади.

Қоровул таркибидаги хизмат ўташнинг охириги вақти қоровул алмашган команда бошлиғи томонидан навбатчиликдан сўнг қисмга кетиш учун буйруқ берилган вақт ҳисобланади. Шу вақтда қоровул кўрсатилган шахснинг бошқарувидан чиқади.

Агар қоровул хизматини ўташ қондалари развод бошланиши олдидан ёки қоровул алмашганидан сўнг бузилса, унда ҳарбий хизматчи ЖКнинг 291-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Масалан, разводга боришдан бош тортиш ва қоровулликка киришмагани учун ҳарбий хизматчи ЖКнинг 279-моддаси бўйича буйруқка бўйсунмаганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

6. Қоровул хизматини ўташ қондаларининг бузилиши ва келиб чиққан зарарли оқибатлар орасидаги сабабий боғланиш кўриб чиқиладиган жиноят таркибининг зарурий белгиси ҳисобланади.

7. Кўриб чиқиладиган модда мазмунидаги **зарарли оқибатлар** – булар қоровул таркибида турган шахслар огоҳлантириши лозим бўлган вазифаларга кирган оқибатлардир. Бу, масалан, қўриқланаётган объектдан ҳарбий мулкни ўғирлаш, қамокка олинганнинг соқчилар назорати остида кузатиб бориладиган вақтда қочиши, патруль нарядининг ҳаракатсизлиги оқибаотида ҳарбий хизматчи томонидан жамоат тартибларининг қўпол равишда бузилиши ва х.к.лар қоровул қўриқладиган объектларга зарар сифатида, қамок остида сақланаётган шахсларга куч ишлатиш ёки бошқа ғайриқонуний чоралар билан таъсир этиш ҳамда қўриқлов остида ғайриқонуний тарзда қисқа вақтга озод этиш ҳолатлари сифатида кўриб чиқилиши лозим.

Зарарли оқибатларнинг келиб чиқиши кўринишидаги белгилар қоровул таркибига кирган ҳар бир шахсга нисбатан кўрилмоғи лозим. Агар, зарарли оқибатларнинг олдини олиш қоровул эмас, балки қайсидир кўриқчи ёки қоровул бошлиғининг мажбуриятига кирса, ҳамда айнан у томонидан қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузганлиги мавжуд бўлса, у ЖКнинг 291-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилиши лозим.

8. Агар шарҳланаётган жиноятнинг содир этилиши натижасида уларнинг олдини олиш қоровулнинг вазифасига кирмаган бошқа зарарли оқибатларга сабаб бўлган бўлса, унда қилмиш қоровул хизматини ўташ қоидаларининг бузилиши таркибини ҳосил қилмайди. Масалан, кўриқчи, постга яқинлашаётган бегона одамни сезиб, огоҳлантиришсиз қурол ишлатади ва тажовузкорни ўлдиради. У қоровул хизматини ўташ қоидаларининг бузилишига йўл қўйган бўлса-да, ЖКнинг 291-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби унинг ҳаракатларида мавжуд эмас, чунки зарар қоровул кўриқламаётган объектга етказилди. Бундай ҳолатда содир этилган қилмиш шахсга қарши жиноят сифатида квалификация қилинади.

9. Кўриқланаётган объектдаги муҳр ёки пломбани бузиш, қулфларни синдириш, кўриқланаётган объектга реал зарар етказмасдан уларга кўриқчи ёки бошқа шахснинг кириши зарарли оқибатлар деб топилмайди ва ЖКнинг 291-моддаси 1-қисми билан жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Бироқ, айрим вазиятларда кўриқчи олдини олиши лозим бўлган кўриқланаётган объектга бегона шахснинг киришининг ўзи зарарли оқибат деб кўриб чиқилиши лозим. Масалан, қоровул олдини олиши лозим бўлган кўриқланаётган махфий объектга бегона шахснинг киришининг ўзи зарарли оқибат деб қаралиши лозим.

Қоровул (соқчилик) хизмати низом қоидаларининг бузилиши фақат бир шароитда, агар бу қилмиш ушбу қоровул уларнинг олдини олиш учун тайинланган бўлса ва зарарли оқибатларни юзага келтирса **туғалланган** жиноят таркибини ҳосил қилади.

10. Агар қоровул (соқчилик) хизмати низом қоидаларининг бузилишидан зарарли оқибатлар келиб чиқмаса, унда ЖК 291-моддаси бўйича жавобгарлик истисно этилади. Қоровул (соқчилик) таркибидаги ҳарбий хизматчилар бундай бузилишлар учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом Низоми бўйича интизомий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

11. **Субъектив томондан** жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Айрим қонда бузишлар фақат қасддан содир этилиши мумкин (постдан кетиш, қуриқланаётган объектда ўғирлик содир этиш ва ҳ.к.). Бошқалари эса эҳтиётсизлик оқибатида содир этилади (қурол билан эҳтиётсиз муносабатда бўлиш, постда хизмат ўтаётганда етарли даражада огоҳ бўлмаслик ва ҳ.к.). Аммо ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган бузилишлар ҳам мавжуд (постдаги уйқу, патруль қилиш йўли билан хизмат ўташда қуриқчи йўналишининг бузилиши ва ҳ.к.). Оғир оқибатларга нисбатан айб кўпинча эҳтиётсизлик кўринишида ифодаланади, аммо қасддан ҳам содир этилиши мумкин.

Жиноятнинг мотив ва мақсади турлича бўлади ва қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

12. ЖКнинг 291-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти**, фақат қоровул ёки соқчилик (қоровул бошлиғи, разводчи, қуриқчи, қоровул ва бошқалар) таркибидаги шахслар бўлишлари мумкин. Қоровул (соқчилик) хизматини (масалан, гарнизон коменданти, гарнизон гаупвахтаси бошлиғи) ташкил этишга ва ҳолатига жавобгар бўлган, аммо қоровул (соқчилик) таркибига кирмайдиган лавозимли шахслар кўриб чиқиладиган жиноятнинг субъектлари бўла олмайдилар. Бу шахслар томонидан қоровул (соқчилик) хизмати низом қоидаларининг бузилиши тегишли белгилари етарли бўлганида ҳарбий мансабдорлик жинояти сифатида квалификация қилиниши мумкин.

13. Қонунчилик ва Қуролли Кучларнинг Умумҳарбий Низоми ҳарбий қасамёд қабул қилмаганларни ҳарбий хизмат қоровулига тайинлашни тақиқлайди, қасамёд қабул қилиш – шахснинг кўриб чиқиладиган жиноят субъекти деб топилиши учун зарурий шартдир.

Жиноятнинг бажарувчиси қоровул хизмати ўташ низом қоидаларининг бузилишида ифодаланаётган, қоровул хизмати ўтаётган шахс бўлади, уларнинг иштирокчилари эса, қоровул таркибига кирмаган ҳам ҳарбий хизматчилар, ҳам фуқаро шахслар бўлишлари мумкин.

14. Қоровул таркибига қирувчи шахслар, қуриб чиқиладиган жиноят қамраб олмайдиган бошқа жиноятларни содир этишлари мумкин, улардан бири қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузиш билан биргаликда квалификация қилинади, бошқаси эса, қўшимча квалификация қилишни талаб этади. Қоровул томонидан унга қуриқлаш учун топширилган мулкни талон-торож қилиш, ўзганинг мулкни талон-торож қилиш ҳамда қоровул хизмати ўташнинг қоидаларини бузиш деб топилади ва жиноятлар жами бўйича квалификация қилинади.

Шу билан бир вақтда, қоровул томонидан атрофдагилар учун юқори хавф турғирувчи қурол, моддалар ва нарсалар билан муомалада бўлиш қоидаларининг бузилиши фақат ЖК 297-моддаси бўйича квалификация қилинади (атрофдагилар учун юқори хавф турғирувчи қурол, моддалар ва нарсалар билан муносабатда бўлиш қоидаларининг бузилиши), агар бунда қуриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминловчи қоровул хизматини ўташ қоидалари амалда бузилмаган бўлса (масалан, қуриқчи қурол билан ўйнаб, ундан ўқ узиб, унга қуриқлаш учун топширилган ёқилғи-мойлаш материаллари омборини йўққа чиқарса), агар бу қоидалар бузилган бўлса, бунда қилмиш бир вақтнинг ўзида қоровул хизматини ўташ қоидаларининг бузилишига олиб келади, қилмишнинг тегишли белгилари мавжуд бўлганда ЖК 296-моддаси бўйича квалификация қилинади.

Қуриқчи (қоровул) томонидан қуриқланаётган объект-нигина эмас, балки жойлашган ҳарбий қисмни ташлаб кетиш ҳам жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши лозим: агар тегишли зарар етказилган бўлса, ҳарбий хизматдан бўйин товлашнинг тегишли тури (масалан, дезертирлик) ва қоровуллик хизмати қоидаларининг бузилиши.

15. ЖКнинг 291-моддаси 2-қисмида қуйидаги оқибатларга олиб келган қоровуллик хизматини ўташ қоидаларининг бузилиши учун жавобгарлик назарда тутилган:

- а) баданга оғир шикаст етказилиши;
- б) одам ўлиши;
- в) бошқа оғир оқибатлар.

16. *(Баданга оғир шикаст етказиш тушунчаси ҳақида ЖКнинг 104-моддаси шарҳига қаранг).*

17. *(Одам ўлими тушунчаси ҳақида ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).*

Оғир оқибатлар мавжудлиги тўғрисидаги масала (ЖК 291-моддаси 2-қисми «в» банди) баҳолаш тавсифига эга бўлиб, оқибатларнинг оғир деб топилиши ҳуқуқбузарликнинг аниқ ҳолатларига боғлиқ ва махсус хизматни ўташга қарши бошқа жиноятлардаги каби тегишли белгилар билан амалга оширилади.

18. Қоровул (соқчилик) хизматини ўташнинг низом қоидалари бузилишининг **бошқа оғир оқибатларига** бир неча шахсларга ўрта ва оғир тан жароҳатлари етказиш, бир неча кишининг ҳалок бўлиши, қўриқланаётган объектга кўп ва жуда кўп миқдорда зарар етказиш, объектнинг жанговар тайёргарлигини бузиш ёки эълон қилинганда уни таъминламаслик, тайинланган жойга қўшинни ўз вақтида ҳаракатлантмаслик, қисмлар бошқарувининг ташкил этилишини бузиш, қўриқланаётган объектдан қурол, ўқ-дори ва бошқа ҳарбий мулкни ўғирлаш, жанговар техникани ишдан чиқариш, ҳарбий қисм байроғини йўқотиш, камалган шахснинг қамоқдан қочиши ва ҳ.к. киради.

19. Қоровул (соқчилик) таркибидаги шахс томонидан қўриқланаётган объектдан қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини талон-торож қилиш ЖК 291-моддаси 2-қисми «в» банди ва 247-моддаси бўйича жиноятлар жами тарихида квалификация қилиниши лозим.

Қоровул (соқчилик) хизматининг низом қоидалари бузилиши ғайриқонуний бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қурол турларини эгаллаб олиш билан кузатилса, бундай ҳолларда жиноятлар ЖК 291-моддаси 2-қисми «в»

банди ва 255¹-моддаси бўйича жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиниши лозим (Бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш). *(Бактериологик, кимёвий ва бошқа оммавий қирғин қурол турлари тўғрисида кенгроқ ЖКнинг 255-моддаси шарҳига қаранг).*

ЖК 291-моддаси 3-қисмида жанговар вазиятда содир этилган қоровул хизматини ўташ қондаларининг бузилиши учун жавобгарлик назарда тутилган. *(Жанговар вазият тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг).*

292-модда. Ички хизматни ўташ ёки гарнизонда патруллик қилиш қондаларини бузиш

Ички хизмат устави қондаларини, шунингдек, гарнизонда патруллик қилиш қондаларини зарарли оқибатлар келтириб чиқарадиган тарзда бузиш, тегишли хизмат бундай оқибатларнинг олдини олиш учун тайинланган бўлса, –

ички йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ички хизмат Низоми билан ўрнатилган ички хизматни ўташнинг ва гарнизонда патруллик қилишнинг тартибларини таъминловчи жимой муносабатлардир. Ўрнатилган қондаларни бузиш ҳарбий хизматчилар орасида ёки улар иштирокида тартибсизликлар пайдо бўлиши, ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларнинг жанговар қобилиятини пасайтириб, қурол ва ўқ-дориларнинг ўғирланишига шароит яратади, ҳарбий

хизматчилар орасида низомга хилоф ўзаро муносабатларнинг ва х.к. пайдо бўлиши хавфини турдиради. Шу муносабат билан кўриб чиқиладиган жиноятнинг **қўшимча бевосита объекти** жамоат тартибини, ҳарбий мулкнинг сақланишини ва х.к.ни таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

2. ЖКнинг 292-моддасида назарда тутилган жиноят **объектив томондан** ички хизмат низоми қоидаларини, шунингдек, гарнизонда патруллик қилиш қоидаларини зарарли оқибатлар келтириб чиқарадиган тарзда бузишда ифодаланади.

3. **Ички хизмат низоми қоидалари** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ички хизмати Низоми билан белгиланади, унга мувофиқ, ички тартибни, бино ва қисм (булинма) мулкни кўриқлашни таъминлаш учун ҳамда бошқа ички хизмат вазифаларини бажариш учун ҳарбий хизматчилардан суткалик наряд тайинланади (қоровул ва соқчиликдан ташқари). Қисм бўйича навбатчидан, унинг ёрдамчисидан, булинма бўйича навбатчидан, кунлик навбатчидан ва бошқа ҳарбий хизматчилардан таркиб топган бу наряд, ички тартиб-қоидаларининг бажарилишини таъминлайди, қисмнинг назорат-ўтказув пунктини бошқаради, шахсий таркибни, қуролни, ўқ-дориларни, ҳарбий қисм биноси ва мулкни кўриқлайди ҳамда ички хизмат бўйича бошқа вазифаларни бажаради.

4. **Ички хизмат ўташнинг низом қоидаларини бузиш** рота бўйича навбатчи томонидан казармадаги уришишга тўсқинлик қилмаганида, кундалик навбатчининг ўз постидан ўзбошимчалик билан кетишида, булинмада содир этилган жиноят тўғрисидаги ахборотни қисм командиридан яширишда ва шунга ўхшаш бузилишларда, хизмат биносидаги ёнғинни ўчиришни ташкил этишда қисм бўйича навбатчининг ҳаракатсизлигида ва бошқаларда ифодаланади.

5. Қоровул (соқчилик) таркибидаги ҳарбий хизматчининг хизматни ўташ бўйича устав қоидаларини бузишини ЖКнинг 291-моддаси бўйича квалификацияланади.

6. Ушбу модда бланкет диспозицияли. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ички хизмат Низомининг қайси моддаси бузилганлиги зарарли оқибатлар юзага келганлиги ва улар ўртасидаги сабабий боғланиш аниқланиши лозим.

7. **Ички хизмат қондаларининг бузилиши**, агар бунинг натижасида уларнинг олдини олиш айбдорнинг вазифасига кирган бўлиб, зарарли оқибатларга олиб келган бўлса, жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

8. Бундай **зарарли оқибатлар** қаторига қуйидагилар киритилади: кун тартибини ёки ҳарбий тадбирларни бузиш; ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қондаларини бузиш; бўлинмадаги ҳарбий хизматчига оғир ёки ўртача оғир тан жароҳати етказиш; бўлинма шахсий таркибидан кимнингдир ҳарбий хизмат ўташдан бўйин товлаши ёки ўқ-дориларни, қурулларни ёки катта миқдордаги бошқа ҳарбий мулкни ўғирлаш ва ҳ.к.

9. Ички хизматни ўташ қондаларини бузиш содир этилса, аммо зарарли оқибатлар юзага келмаса, айбдор ички хизмат Низомига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортилади.

10. **Патруллик қилиш** ҳар бир гарнизонда гарнизон бошлигининг буйруғи билан ҳарбий хизматчилар томонидан кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида, вокзалларда, бекатларда ва ҳ.к.ларда ҳарбий интизомга риоя қилиш ва тартибини сақлашни назорат қилиш учун ташкил этилади.

11. **Гарнизонда патруллик қилишнинг низом қондалари** Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларининг гарнизон ва қоровул хизмати Низомида белгиланган ва у патруль бошлиғи ва бир неча патруллик килувчидан таркиб топган патруллик қилиш наряди таркибидаги ҳарбий хизматчилар учун мажбурий ҳисобланади. Гарнизон патрулларидан ташқари аҳоли пунктида патруллик қилиш учун ҳарбий комендатурада транспорт воситасига эга бўлган захира патрули бўлиши лозим.

12. **Гарнизонда патруллик қилиш устави қондаларини бузиш** аҳоли пунктларида безорилик ҳолатларининг олдини олиш бўйича чоралар кўрмасликда, шахсларни асоссиз ушлашда, қурулни қонунга хилоф равишда ишлатишда, спиртли ичимликлар ичишда, патруллик қилиш жадвалини бажармасликда ва ҳ.к.ларда ифодаланиши мумкин.

13. Агар патрулнинг олдини олиш учун ҳаракат қилаётган оқибат келиб чиқса, патруллик қилишнинг устав қондаларини бузиш жинояти **туғалланган** деб топилади.

14. Бундай зарарли оқибатларга куйидагилар киради: ҳарбий хизматчилар орасидаги муштлашув, ҳарбий хизматчилар ва фукаровий аҳоли ўртасидаги низолар, улар томонидан содир этилган ўғирликлар ва бошқа жиноятлар, ушланган шахс соғлиғига асоссиз оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш ва ҳ.к. Соғлиққа зарар етказиш шахсга қарши жиноятлар тўғрисидаги моддалар бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этади. Келиб чиққан оқибат ва йўл қўйилган коида бузилишлар орасидаги сабабий боғланишни аниқлаш зарур. Бу алоқа патруллик қилаётганда олдини олишнинг объектив имконияти мавжудлигини ва бошқа оқибатларни кўзда тутади.

15. Ички хизмат ўташ ва гарнизонда патруллик қилиш устав коидаларини бузиб, ҳарбий мулкни талон-торож қилган ва ҳарбий хизмат ўташдан бўйин товлаган ёки бошқа жиноятлар содир этган шахснинг қилмиши жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиниши лозим.

16. ЖКнинг 292-моддасида назарда тутилган Жиноят **субъектив томондан тўғри** ва **эгри** қасд билан содир этилади, аммо айбдорнинг қилмиши оқибатларига муносабати **эҳтиётсизликдан** ҳам бўлиши мумкин.

Квалификация учун мотив ва мақсад аҳамиятга эга эмас.

17. Куриб чиқиляётган жиноятнинг **субъекти** қисмининг суткалик наряд таркибига кирувчи ёки патрул наряди таркибига кирувчи ҳарбий хизматчи ҳисобланади. Бу қисм бўйича навбатчи ва унинг ёрдамчиси, навбатчи ва бўлинма бўйича кундалик навбатчи, назорат-ўтказиш ва назорат-техник пунктлари бўйича навбатчилар, ошхонадаги навбатчи ва ишчилар ва ҳ.к. жавобгарликка тортиладилар.

Коровул (соқчилик) таркибига кирувчи шахслар ушбу жиноятнинг субъектлари бўлмайдилар, чунки коровул хизматини ўташ устав коидаларини бузганлик учун улар ЖКнинг 291-моддаси махсус моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Шунингдек, ишга нарядга тайинланган ҳарбий хизматчилар ушбу жиноятнинг субъектлари деб тан олинмайдилар.



293-модда. Жанговар навбатчиликни ўташ қоидаларини бузиш

Жанговар навбатчиликни ўташ (жанговар хизмат) қоидаларини бузиш қўриқланаётган объектларга зарар етказилишига ёки жанговар топшириқ бажарилмай қолишига сабаб бўлса, —

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш Ўзбекистон Республикасига тўсатдан қилинган ҳужумни ўз вақтида пайқамаганлик ёки даф этмаганликда ифодаланса, шунингдек, оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. **Жиноятнинг асосий бевосита объекти** — Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ички хизмат Низоми билан ва ҳар бир қўшин учун қўлланиладиган қўмондонлик меъёрий ҳужжатлари билан ўрнатилган жанговар навбатчиликни ўташ тартибларини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир. Ушбу жиноятнинг **қўшимча бевосита объекти** Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини, чегаралари дахлсизлигини, суверенитетини ва манфаатларини ҳамда одамлар ҳаёти, соғлиғи ва ҳ.к.ларни таъминловчи ижтимоий муносабатлар бўлиши мумкин.

2. ЖКнинг 293-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** қўриқланаётган объектга зарар етказувчи ёки жанговар вазифанинг бажарилмай қолишига олиб келувчи жанговар навбатчиликни (жанговар хизматни) ўташ қоидаларини бузишда ифодаланади.

3. Жанговар навбатчилик (жанговар хизмат) таркибига жанговар бўлинма (расчёт), кема ва учувчи аппаратлар экипажлари, бошқарув пунктларининг, жанговар таъминлаш ва хизмат кўрсатиш кучларининг навбатчи сменалари киради.

Жанговар навбатчиликни бевосита ташкил этиш учун ҳарбий қисм командири жавобгардир.

Жанговар навбатчилик стратегик аҳамиятга эга бўлган ракета қўшинларида, ҳаво мудофаасига қарши қўшинларда, бошқа турдаги қўшинларда ташкил этилади. Турли қўшинлардаги жанговар навбатчилик (жанговар хизмат) ўташ тартиблари Ўзбекистон Республикаси тегишли турдаги Куролли Кучларининг Бош қўмондонларининг буйруқлари билан ўрнатилади.

4. **Жанговар навбатчилик (жанговар хизмат) ўташ қоидаларининг бузилиши** Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ички хизмат Низомида баён этилган меъёрларни ҳамда тегишли буйруқлар, йўриқномалар билан ўрнатилган тартибда белгиланган махсус функцияларини, навбатчи кучлар ва воситалар таркибидаги ҳарбий хизматчилар учун бошқа меъёрий идоравий ҳужжатлар билан белгиланган вазифаларни бажармасликдан ёки лозим даражада бажармаганликдан ташкил топган. Бундай қоида бузиш жанговар постдан кетиш билан, постда ухлаб қолиш, навбатчиликда спиртли ичимликлар ичиш, жанговар навбатчилик ўтаётган жойга бегоналар киришига йўл қўйиш, техник воситаларни бузиш, махсус мосламалардан фойдаланиш қоидаларини бажармаслик, асбоблар кўрсаткичларини назорат қилмаслик, олинган буйруқларни бажармаслик ва бошқаларда ифодаланиши мумкин. Бунда қоида бузиш жанговар навбатчилик ўтаётган вақтда содир бўлиши лозим, айбдор жанговар постда бўлганми ёки дам олаётган сменадами, бу квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

5. Кўриб чиқиладиган модда бланкет диспозициялидир. Ҳар бир аниқ ҳолатни ЖКнинг 293-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилишда жанговар навбатчилик (жанговар хизмат) ўташнинг қайси қоида бузилганлигини, қўриқланаётган объектга зарар етказилганлигини ёки жанговар вазифа бажарилмаганлигини ва улар орасидаги сабабий боғланишни аниқлаш зарур.

Кўрсатилган зарар етказилиши тўғрисидаги масала баҳолаш тавсифига эга ва ҳар бир алоҳида вазиятда ҳарбий хизматчи жанговар навбатчилик (жанговар хизмат) ўтаётганда Ўзбекистон

Республикасига тўсатдан қилинган ҳужумни ўз вақтида пайқаш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжалланган вазифалар хусусиятларини ҳисобга олиб ҳал қилинади.

6. Қўриқланаётган объектларга зарар етказиш ёки жанговар топширикни бажармаслик навбатчилик кучлари ва воситалари бошқаруви пункти билан алоқани йўқотишда, чет эл учувчи аппарати ёки сув кемаси билан давлат чегаралари кесиб ўтилганлиги тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида бермаслик, бўлинманинг олдига қўйилган вазифаларни тўла ҳажмда бажариш қобилиятининг реал пасайиши ва ҳ.к.да ифодаланади.

Агар жанговар навбатчилик (жанговар хизмат) ўташ қоидаларининг бузилиши ёки жанговар вазифани бажармаслик қўриқланаётган объектга зарар келтирмаса, айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилади.

7. Жанговар навбатчилик (жанговар хизмат) ўташ қоидаларининг бузилишида ҳарбий хизматга нисбатан бошқа мустақил жиноят содир этилса, қилмиш бу жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилишни талаб этади. Масалан, агар навбатчи смена таркибидаги ҳарбий хизматчи ўғирлаш мақсадида радиоаппаратурадан айрим қисмларни ечиб олса, қилмиш ЖКнинг 293 ва 296-моддалари бўйича квалификация қилиниши лозим (ҳарбий мулкни йўқ қилиш ёки зарар етказиш).

8. ЖКнинг 293-моддаси 2-қисмида жанговар навбатчилик (жанговар хизмат) ўташ қоидаларини бузиш учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасига тўсатдан қилинган ҳужумни ўз вақтида пайқамаслик ёки даф этмаслик оғир оқибатлар келтиришида ифодаланган.

9. ЖКнинг 293-моддаси 2-қисми мазмунидаги оғир оқибатлар бевосита давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича жанговар навбатчилик вазифалари билан боғлиқ бўлмоғи лозим. Уларнинг мавжудлиги тўғрисидаги масала содир этилган жиноятнинг аниқ ҳолатларини ҳисобга олиш билан ҳал қилинади.

Бундай оқибатлар остида республика хавфсизлигига сезиларли етказилган зарарни тушуниш лозим: ҳудуд бўйича республика объектлари бўйича оловли зарбалар бериш, давлат

худудига чет эл жанговар самолётларини ва кемаларининг кириб бориши, жанговар техниканинг йўқотилиши, навбатчи кучлар ва воситалар таркибидан одамларнинг ҳалок бўлиши ва х.к.

10. Қонунда кўрсатилган жанговар навбатчилик ўташ қоидалари бузилиши натижасидаги оқибатлар келиб чиққан вақтдан жиноят **туғалланган** деб топилади.

11. ЖКнинг 293-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъектив томони** жанговар навбатчилик ўташ қоидалари бузилишига нисбатан тўғри ёки эгри қасднинг мавжудлиги билан тавсифланади, йўл қўйилган қоида бузишлар оқибатларига нисбатан айб эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади.

Мотив ва мақсад ҳар хил бўлиши мумкин, аммо жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

12. Жиноятнинг **субъекти** навбатчи кучлар таркибидаги ҳарбий хизматчи бўлади.

Агар ҳарбий хизматчи қонунга ҳилоф равишда ҳарбий хизматга чакирилган бўлса ёки зарур шартларни бузган ҳолда навбатчи кучлар таркибига тайинланган бўлса (ҳарбий қасамёд қабул қилишдан олдин, касаллик вақтида, ушбу ҳарбий хизматчи содир этган жиноят бўйича тергов ўтказилаётган вақтда ва х.к.), бундай вазиятларда, қилмиш учун жавобгарлик, бундай ҳарбий хизматчини жанговар навбатчилик (жанговар хизмат) ўташга жалб этиш тўғрисида гайриқонуний қарор қабул қилган бошлик (командир) зиммасига юкланади.

294-модда. Чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиш

Чегарачилар наряди таркибида бўлган шахснинг чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиши чегаранинг дахлсизлигига зарар етказиши мумкин бўлса, –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) қонунга хилоф равишда чегарадан ўтишга;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги 820–I-сонли Қонунига кўра Давлат чегарасини қуриқлаш ўзига:

– ҳар қандай жой бўйича ўтган чегарани гайриқонуний ўзгартиришга уринишни йўқотиш, Ўзбекистон ҳудудига кўшин гуруҳлари ва бандаларининг қуролли бостириб киришини даф этиш;

– чегарада қуролли ва бошқа провокацияни йўққа чиқариш;

– кўрсатилган тажовуздан аҳолини, барча турдаги мол-мулкни химоя этиш;

– чегарани кесиб ўтишнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик;

– чегара орқали портловчи, заҳарловчи, радиоактив, наркотик воситалар, қуроллар, ўқ дорилар ва Ўзбекистонга олиб кирилиши ва олиб чиқилиши тақиқланган бошқа нарсалар ҳамда контрабанда предметлари олиб ўтилишининг олдини олиш;

– чегара орқали мамлакатимизнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатларига, давлат хавфсизлигига, жамоат тартибига, аҳоли саломатлигига ва ахлоқига ва ҳ.к.ларга зарар етказувчи маълумотларга эга бўлган тақиқланган нашрларни, видео ва товуш ёзиш аппаратларини олиб ўтишнинг олдини олишни қамраб олади.

2. Жиноятнинг **бевосита объекти** ўрнатилган чегара хизматини ўташ тартибларини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

3. Жиноятнинг **объектив томони** чегаранинг дахлсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган, чегара наряди



таркибига кирадиган шахс томонидан чегара хизматини ўташ тартибларининг бузилишида ифодаланади.

Чегара хизматини ўташнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунида ҳамда давлат чегараларини қўриқлаш йўриқномаларида ўрнатилган қоида ва тартибларида ва Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари бошқармаси кўмондонининг айрим буйруқларида чегара наряди таркибидаги шахсларнинг аниқ вазифалари белгиланган.

Модда бланкет диспозицияли ҳисобланиб, ҳар бир аниқ вазиятда чегара хизматини ўташнинг қайси қоидалари бузилганлигини ва улар Ўзбекистон Республикаси чегараларининг дахлсизлигига зарар етказилишига олиб келиши мумкинлигини аниқлаш лозим.

4. Чегара хизматини ўташ қоидаларининг бузилиши давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган, қонун билан ва бошқа кўрсатилган меъёрий ҳужжатлар билан ўрнатилган чегара хизматини ўташ қоидаларини бажармасликда ёки етарли даражада бажармаганликда ифодаланади.

Кўрсатилган қоидаларнинг бузилиши постдан ўзбошимчалик билан кетиш, постда ухлаб қолиш, чегара наряди таркибидалиги вақтида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, давлат чегара бузилиши белгиларини ўз вақтида пайқамаслик, бегона шахсларни чегаранинг қўриқланаётган майдони орқали ўтказиб юбориш ва бошқаларда ифодаланади.

5. Жиноят чегара дахлсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган, чегара хизматини ўташ қоидалари бузилган вақтдан бошлаб **туғалланган** деб топилади.

6. ЖКнинг 294-моддасида назарда тутилган Жиноят **субъектив томондан** тўғри ёки эгри қасд билан содир этилади, йўл қўйилган қоида бузишлар оқибатларига нисбатан айб эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади. Мотив ва мақсад ҳар хил бўлиши мумкин, аммо жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

7. Жиноятнинг **субъекти** фақат чегара наряди таркибига кирган ёки чегара хизматида бошқа вазифаларни бажарадиган ҳарбий хизматчи, шунингдек, чегара қўшинларини

Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини қуриқлаш бўйича хизмат вазифаларини ўрнатилган тегишли меъёрий ҳужжатлар билан бажараётган ҳар қандай ҳарбий хизматчиси бўлиши мумкин.

8. ЖКнинг 294-моддаси 2-қисмида қуйидаги ҳолатларда чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиш учун жавобгарлик назарда тутилган:

- а) қонунга хилоф равишда чегарадан ўтиш;
- б) бошқа оғир оқибатларга олиб келувчи қилмиш.

9. Қонунга хилоф равишда чегарадан ўтиш – бу Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ҳар қандай йўналишда қонунда ўрнатилган тартибни бузиш билан ўтиш (ваколатли ҳукумат идораларининг рўхсатсиз, нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар билан ва х.к.).

10. ЖКнинг 294-моддаси 2-қисми «б» бандида назарда тутилган бошқа оғир оқибатлар мазмуни остида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қуролланган босқинчи банда тўдалари, диверсантларнинг кириб келиши ёки давлат чегаралари орқали қуроллар, Гиёҳвандлик моддалари, бошқа контрабанда предметларининг олиб ўтилиши, одамларнинг ҳалокати, чегара бузувчилар томонидан чегара ҳудуди аҳолисига ҳужум қилиш ва бошқаларни тушуниш лозим.

XXIII бoб. ҲАРБИЙ МУЛКНИ САҚЛАШ ЁКИ УНДАН Фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар

295-модда. Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, йўқотиш ёки ишдан чиқариш

Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, яъни муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисининг шахсан ўзи фойдаланиши учун берилган ҳарбий аслаҳа-анжомларни сотиши, фойдаланиш учун бировга бериши ёки гаровга қўйиши –

бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмларини сақлаш қондаларини бузиш натижасида уларни йўқотиш ёки ишдан чиқариш, —

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** ҳарбий низомлар, йўриқномалар, буйруқлар билан ўрнатилган ҳарбий мулкдан фойдаланиш ва сақлаш тартибларига риоя этилишини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир. Бу тартибга риоя қилиш қуроллардан, жанговар ва бошқа техникадан, таъминот воситаларидан, ҳарбий уст-бош кийимлардан ва бошқа мулкдан тўғри фойдаланиш ва уларни тежашни таъминлайди.

Ҳарбий мулк ҳарбий хизматчига шахсий ёки хизматда фойдаланиши учун берилади. Шахсий фойдаланишга кийим-бош ва аслаҳа-анжомлар, хизмат учун — қуроллар, ўқ-дорилар, ҳаракатланиш воситаси ва ҳ.к. берилади.

2. Қўриб чиқилаётган жиноятнинг **предмети**га ҳарбий хизматчига шахсий фойдаланиши учун берилган ҳарбий аслаҳа-анжомлар (ЖКнинг 295-моддаси 1-қисми) ҳамда унга хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган қурол, ўқ-дорилар, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмлари (ЖКнинг 295-моддасининг 2-қисми) киради.

3. Ҳарбий хизматчига шахсий фойдаланиш учун берилган экипировка (бронжилет, противогоаз ва ҳ.к.), асбоблар (сапёр кураги, дозиметр ва ҳ.к.) ва бошқалар **ҳарбий аслаҳа-анжомлар** ҳисобланади.

Ҳарбий уст-бош кийимлар ва аслаҳа-анжомлар офицерлар таркибидаги шахсларга ва ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчиларга шахсий мулк қилиб берилади, уларнинг бундай буюмларни кимгадир бериши, йўқотиши ёки бузиб қўйиши эса, жавобгарликни истисно қилади.

Муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар ҳамда офицерларга ва ҳарбий хизматни контракт (шартнома) бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчиларга ҳарбий қисмнинг мулки бўлган инвентарь буюмлар ҳам берилиши мумкин. Уларни тасарруф этиш, беҳудага сарф этиш мумкин бўлмай, давлат мулкани ўғирлаш таркибини вужудга келтиради.

4. **Қурол** деганда, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмларида (ҳарбий муассасаларида) қуролланишда, сақлашда ёки ҳарбий қисмда фойдаланишда турган, ўқ-дориларни қўллаш йўли билан жонли ёки бошқа нишонни нобуд этишга мўлжалланган жанговар техник қурилмани тушуниш лозим. Бу винтовка, пистолет, карабин, автомат, бошқа ўқ отувчи қурол, миномёт, огнемёт, гранатамёт, артиллерия тизими, ракета учириш қурилмаси ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Совуқ қурол, шунингдек, ўзи ясаган ўқ отиш қуроли ёки жанговар мўлжалга эга бўлмаган қурол (сигнал ёки қурилиш пистолети, симли-стволли ов қуроли) ушбу жиноятнинг **предмети** ҳисобланмайди.

Айрим турдаги қуроллар фақат маълум техник қурилмаларга ўрнатиш учун махсус мўлжалланган бўлиши мумкин (самолётлар, вертолётлар, танклар). Уларга авиация пушқалари, танк пулемётлари ва ҳ.к.лар ҳам киради, қатор вазиятларда бундай турдаги қуроллар фақат ёрдамчи қурилмалардан фойдаланиб ҳаракатга келтирилиши мумкин, улар ўз ҳолича қурол ҳисобланмайди (авиация пушқалари учун электрик ва пневматик приводлар). (*Қурол тушунчаси тўғрисида кенгроқ ЖКнинг 247-моддаси шарҳига қаранг*).

5. **Ўқ-дорилар** деганда, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмларида (ҳарбий муассасаларида) қуролланишда, сақлашда ва фойдаланишда бўлган жангга мўлжалланган техник буюмлар, жонли нишонни йўқотиш учун бевосита муносабат учун мўлжалланган портловчи моддалар

аслахалари ёки ўқ-дориларни ҳаракатга келтирувчи, отувчи, артиллерия, ракетали, тегишли турдаги ўқ отиш қуроли ёки бошқа қурилмалар тушунилади. Булар: жанговар ўқлар, артиллерия ва реактив снарядлар, миномётларга миналар, гранатамётларга гранаталар ва бошқалар. Ўқ-дорилар бир марталик ҳаракати билан тавсифланади, чунки бир марта фойдаланганда (тула ёки қисман) парчаланади.

ЖКнинг 295-моддаси 2-қисми мазмунида ўқ-қуролларини тан олиниши учун техник созлиги эмас, буюмнинг конструктив мўлжалланганлиги ва йўқотиш таъсирининг амалдаги хусусиятлари аҳамиятга эга. жонли ёки бошқа нишонни йўқотишга мўлжалланмаган сигнал ва имитация воситалари ўқ-дориларга кирмайди.

6. Ҳаракат қилиш воситалари куриб чиқиладиган модда мазмунида – бу ҳарбий қисм (ҳарбий муассаса) ҳисобида турган ҳарбий техникага кирмайдиган транспорт воситалари (автомобиль, дарё транспорти ва х.к.).

7. Техника таъминоти буюмларига ҳар хил турдаги ёритгичлар, техник эҳтиёж учун мўлжалланган ускуналар (транспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлари, ёқилғи-мойлаш материаллари, электрон-ҳисоблаш машиналари учун қисмлар ва х.к.) киради.

8. ЖКнинг 295-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, яъни муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисининг шахсан ўзи фойдаланиши учун берилган ҳарбий аслаҳа-анжомларни сотиши, фойдаланиш учун бировга бериши ёки гаровга қўйишидан иборат.

9. Беҳудага сарфлашнинг зарурий белгиси – муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларига шахсий фойдаланишга берилган ҳарбий аслаҳа-анжом буюмларини бошқа шахснинг ноқонуний эгаллик қилишига утишидир. Бу ҳолат конунда кўрсатилганидек, беҳудага сарфлаш, сотиш, фойдаланишга топшириш ёки бошқа шахсга гаровга бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

10. Ҳарбий аслаҳа-анжомни сотиш уни бошқа шахсларга ҳақ эвазига топширишда, яъни қандайдир

моддий манфаат эвазига ёки бошқа буюмларга алмаштиришда ифодаланади.

Ҳарбий аслаҳа-анжомни сотиш ҳарбий аслаҳа-анжомни бошқа шахсга амалда ўтган вақтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

11. **Ҳарбий аслаҳа-анжомни фойдаланиш учун бировга бериш** уни бошқа шахсларга текинга (масалан, хадя қилиш) бериш асосида ифодаланади. Бунда жиноятнинг предмети топширилган вақт аҳамиятга эга бўлмайди (доимий ёки вақтинча фойдаланиш).

Ҳарбий аслаҳа-анжомни бировга бериш ҳарбий аслаҳа-анжомни бошқа шахсга амалда ўтган вақтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

12. **Ҳарбий аслаҳа-анжомни гаровга қўйиш** – бу пул ёки мулкий зиённи қоплаш учун вақтинчалик топшириш. Ҳарбий аслаҳа-анжомни беҳудага сарфлашнинг бу усули гаровни расмийлаштирган вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

13. Беҳудага сарфлашда ҳарбий мулк ҳамма вақт давлат мулки бўлиб қолади ва шунинг учун ҳам у ҳар қандай вазиятда ғайриқонуний эгаликдан олиб қўйилиши лозим, қайтариш имконияти бўлмаган ҳолларда эса, айбдордан унинг икки барабар қиймати ундирилади.

14. ЖКнинг 295-моддаси 1-қисми бўйича Жиноят **субъектив томондан** турри касд шаклида содир этилади. Айбдор унга шахсан фойдаланиш учун берилган мулкни сотаётганини, гаровга топшираётганини ёки бошқа шахсга фойдаланиш учун бераётганлигини англайди. Жиноятнинг мотиви ва мақсади қоидага кўра ғаразли, аммо бу квалификация учун аҳамиятга эга эмас.

15. Ушбу жиноятнинг **субъекти** фақат муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиси бўлади.

16. ЖКнинг 295-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** сақлаш қоидаларининг бузилиши натижасида хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган қурол, ўқ-дорилар, ҳаракатланувчи воситаларнинг, техник таъминот предметларининг йуқолишида ифодаланади.

17. **Ишониб топширилган мулк** деганда, ҳарбий хизматчига хизматда фойдаланиш учун ўрнатилган тартибда топширилган ҳарбий мулк тушунилади.

18. Ишониб топширилган қурол, ўқ-дорилар, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмларини эҳтиётлаш қондаларининг бузилиши оқибатида ҳарбий хизматчи эғалигидан чиқиб кетишини йўқотиш деб тушуниш зарур ва бундай ҳолда, ҳарбий қисм (ҳарбий муассаса) вақтинча ёки бутунлай йўқолган ҳарбий мулкдан фойдаланиш ва тасарруф этиш имкониятидан маҳрум этилади.

Бу предметларни йўқотганлиги боис ҳарбий хизматчини жавобгарликка тортиш учун ҳарбий мулкни сақлашнинг қайси қондаси бузилганлигини аниқлаш зарур. Бу қондалар умумқушин низомлари, буйруқлари, йуриқномалари, кўрсатмалари ва бошқа сақлаш, қўриқлаш, фойдаланиш, ушбу турдаги ҳарбий мулкнинг сақланишини таъминловчи ва турган жойи бўйича ҳарбий қисм (ҳарбий муассаса) ҳудудидан чиқиб кетиш имкониятининг олдини олиб ташиш тўғрисидаги идоравий меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Йўқотиш ҳарбий хизматчининг ихтиёридан ташқарида содир бўлади – предмет йўқотилган, унутиб қолдирилган, ҳарбий хизматчи томонидан қаровсиз қолдирилганда бегоналар томонидан ўғирланган ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Кўрсатилган предметлар ҳарбий хизматчининг эғалигидан чиқиб кетган вақтдан бошлаб йўқотиш **туғалланган** деб ҳисобланади.

19. ЖКнинг 295-моддаси 2-қисми мазмунида ишдан чиқариш деганда, қуролни, ўқ-дориларни, ҳаракатланиш воситаларини, техника таъминоти буюмларини улардан мақсадли фойдаланиш учун қисман ёки тўла яроқсизликка келтириш тушунилади.

Кўрсатилган предметларни ишдан чиқариш уларни қисман ёки тўла яроқсиз ҳолатга келтирилган вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

20. ЖКнинг 295-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъектив томони** қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилади. Кўрсатилган предметларни ишдан чиқариш

қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилади. Йўқотиш фақат эҳтиётсизликдандир.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади турлича бўлиши мумкин ва қилмишни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

21. Ушбу жиноятнинг **субъекти** қурол, ўқ-дорилар, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмлари хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган ҳарбий хизматчи бўлади.

22. ЖКнинг 295-моддаси 3-қисмида жавобгарлик эҳтиёт қилиш қондаларининг бузилиши оқибатида хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган қурол, ўқ-дорилар, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмларини беҳуда сарфлаш, йўқотиш ёки ишдан чиқариш жанговар ҳолатда содир этилганлик учун назарда тутилган.

296-модда. Ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш

Қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, ҳарбий техника ёки бошқа ҳарбий мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўрнатилган ҳарбий мулкни сақлаш қондалари ҳисобланади.

ЖКнинг 295-моддасидан фаркли равишда ЖКнинг 296-моддасида нафақат шахсий ва хизматда фойдаланиш учун берилган предметларни, балки ҳар қандай ҳарбий мулкни асраш назарда тутилади. Қурол, ўқ-дорилар, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа ҳарбий мулк давлат мулки ҳисобланади, шунинг учун уларни қасддан нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш билан бир вақтда айбдор давлат мулкига тажовуз қилган бўлади.

2. Жиноятнинг **предмети** ҳар қандай жанговар мулк бўлиши мумкин: қурол, ўқ-дорилар, ҳаракат қилиш воситалари, ҳарбий техника ва бошқа ҳарбий мулклар. («Қурол», «ўқ-дорилар», «ҳаракат қилиш воситалари» тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 295-моддаси шарҳига қаранг).

3. Ҳарбий техника ўз ичига жанговар ҳаракатлар олиб бориш учун, шахсий таркибни уларни бошқаришга ўргатиш учун, кўшинни кундалик фаолиятини таъминлаш учун турли техник воситаларни олади. Жумладан, ҳарбий техника предметларига: жанговар техника (самолётлар, вертолётлар, танклар, бронетранспортёрлар, артиллерия қуроллари, ракета комплекслари, жанговар воситаларни бошқариш тизимлари ва х.к.), ҳарбий қисмнинг муҳандислик воситалари, тренажёрлар ва бошқа ўқитиш техник воситалари, алоқа аппаратуралари, тунги кўриш асбоблари ва х.к. киради. Кўрсатилган хусусиятларга эга бўлмаган ҳарбий қисмнинг бошқа мулклари (булинма казармаларидаги телевизор ва х.к.) ҳарбий техника предметлари ҳисобланмайди.

4. Кўриб чиқиладиган модда нуқтаи назаридан, бошқа ҳарбий мулк деганда, ҳарбий қисмнинг (ҳарбий муассасанинг) ҳисобида бўлган ва ҳўжалик-маиший мақсадларда хизмат қиладиган мулк (юмшоқ ва қаттиқ инвентарь), шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг маиший ҳаётини яхшилаш мақсадида кўмондонлик ташаббуси билан ташкил этилган ёрдамчи ҳўжалик тушунилади.

5. Жиноят **объектив томондан** қурол, ўқ-дорилар, ҳаракат қилиш воситалари, ҳарбий техника ва бошқа ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказишда ифодаланadi.

6. Кўрсатилган мулкларни **нобуд қилиш** деб, уни ҳам жанговар, ҳам техник ёки ҳўжалик муносабатларда яроқсиз ҳолга келтириш тушунилади, бунда у оддий сошлаш

воситалари билан тикланиши ва ўз хусусиятига мувофиқ ишлатилиши мумкин бўлмаган ҳолатни тушунмоқ зарур. Бу нафақат уни жисмоний йўқотишда (портлатиш, ёқиб юбориш ва ҳ.к.), балки предметни тўғридан-тўғри ўз хусусияти бўйича ишлатиш имкониятидан маҳрум этишга йўналтирилган ҳаракатларни содир этишда (масалан, предметни курукликка чиқаришга техник имкониятлар йўқлиги ёки иқтисодий мақсадга мувофиқ эмаслигида уни сувга чуқртириб юбориш) ифодаланади.

7. Шикаст етказиш мулкни шундай ҳолатга келтиришда ифодаланадики, бунда уни тиклашга ва хусусиятига кўра фойдаланиш имконияти мавжуд бўлади. Шикаст етказилганда предметлар ўзининг жанговар, техник ва ҳужалик қийматини қисман йўқотади.

Нобуд қилиш ва шикаст етказиш усуллари жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

8. Жиноят ҳарбий мулкни амалда нобуд қилинган ёки шикаст етказилган вақтидан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади. Агар айбдор бу мулкни нобуд этишга шайланган бўлса, аммо унга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича фақат унга шикаст етказса, қилмишни нобуд қилишга суиқасд қилиш деб эмас, келиб чиққан оқибатлари бўйича ҳарбий мулкка шикаст етказиш сифатида квалификация қилиш лозим, чунки шарҳланаётган модданинг диспозицияси икки қилмишни тенг маънода бирлаштиради.

9. Ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш аτροφдагилар учун хавфли усулда содир этилса (ўт қўйиш, чуқртириб юбориш ва ҳ.к.) ЖКнинг 296-моддаси билан камраб олинади ва ЖКнинг 173-моддаси бўйича қўшимча квалификацияни талаб этмайди (Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш).

Қасддан ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш баъзан шикаст етказилган мулкнинг қандайдир қисмини талон-торож қилиш билан кузатилади. Бундай қилмишлар бегонанинг мулкни уғирлаш ва бу мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш каби жиноятлар жами бўйича квалификацияланади.

10. ЖКнинг 296-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъектив томони тўғри ёки эгри қасд билан содир этилади. Бунда мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш мақсади қўйилади ва онгли равишда бундай оқибатларга йўл қўйиб берилади.

Агар айбдор ҳарбий мулкни нобуд қилаётганини фараз қилса-ю, аммо амалда у бундай бўлмаса, қилмиш ҳарбий мулкни **нобуд қилишга суиқасд қилиш** сифатида баҳоланиши лозим.

Жиноятнинг сабабларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Агар ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш Ўзбекистон Республикасини кучсизлантириш мақсадида содир этилса, қилмиш давлатга қарши жиноят бўлмиш – **қўпоровчилик** сифатида баҳоланади (ЖКнинг 161-моддаси).

11. Кўриб чиқиладиган жиноятнинг **субъекти** ҳар қандай ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин.

12. ЖКнинг 296-моддаси 2-қисмида ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш оғир оқибатларга олиб келгандагина жавобгарлик назарда тутилган.

Оғир оқибатлар деганда, эҳтиётсизликдан оғир тан жароҳатлари етказиш, ўлим ёки ҳалокатлар, бир неча дона қурол ёки жанговар техникани нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш, муҳим аҳамиятга эга хизмат вазифаси бажарилишига тўсқинлик қилиш, катта моддий зарар етказиш ва ҳ.к.лар тушунилади.

13. ЖКнинг 296-моддаси 3-қисмида жанговар ҳолатда содир этилган ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш учун жавобгарлик назарда тутилган.



297-модда. Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-яроғ, шунингдек модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш

Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-яроғ, шунингдек, ўқ-дори, портловчи, радиоактив ёки бошқа модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир шикаст етказилишига;

б) оғир шикаст етказилишига;

в) одам ўлишига сабаб бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

саккиз йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол ва бошқа буюмлар билан муомала қилишнинг қонун билан ўрнатилган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир. **Қўшимча бевосита объект** – фуқаролар соғлиғи, ҳаёти дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

2. Жиноятнинг **предмети** атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив ва бошқа моддалар, буюмлар ҳисобланади.

Шуни назарда тутиш лозимки, ҳамма курсатилган қурилмалар ва предметлар заводда тайёрланган, ҳарбий мақсадга мўлжалланган ва қуролланишда, сақлашда ёки ҳарбий қисмда (ҳарбий муассасада) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ёки бундай шаклланмаларнинг мавжудлиги назарда тутилган ҳарбийлаштирилган вазирликлар, идораларда фойдаланишда турган бўлиши лозим. Турли хил қўлда ясалган қурилма ёки буюмлар ҳамда ҳужалик, спорт, имитацияга мўлжалланган қурилма ва буюмлар, ҳатто улар вайрон қилувчи хусусиятларига эга бўлса-да ва атрофдагиларга ҳавф солса-да ушбу жиноятнинг предмети бўлмайди. («Қуроллар», «ўқ-дорилар» тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 295-моддаси шарҳига қаранг).

«Жиноят кодексининг 297-моддаси диспозицияси фақат уқотар қуролни (пистолет, автомат, гарнатомёт, артиллерия ёки ракета қурол-яроқлари) ўз ичига олади, совуқ қурол бу гуруҳга кирмайди»¹.

3. Портловчи моддалар ташки таъсир (уриш, ёқиш, зарба, ўз-ўзидан ёниш) оқибатида тез кимёвий ўзгаришларга кирувчи модда ва буюмлар бўлиб, бу кимёвий ўзгаришлар натижасида улоқтириш ёки вайрон қилиш кучига эга бўлган кўп миқдорда иссиқлик ва қизиган газ пайдо бўлади ва ажралиб чиқади². Портловчи моддаларга порох, тротил ва унинг қоришмаси, пластид ҳамда иницировкачи моддалар деб аталувчи, асосий портловчи моддани ҳаракатга келтириш учун хизмат қиладиган моддалар (тетразен, гумбурловчи симоб ва бошқалар) киради. Жанговар ва йўқотишга мўлжалланмаган пиротехник таркиблар (улар билан, масалан, сигнал ва ёритувчи ракеталар тулдирилади) портловчи моддаларга кирмайди.

4. Радиоактив моддалар ўз-ўзидан парчаланиши ва корпускуляр ёки электр магнит нурланиши орқали тирик мавжудотларга зарар келтириш хусусиятига эга ядро

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 5.1.1-банд.

² Ўша манба, 5.1.2-банд.

куролини ҳамда турли техник назорат ва тадқиқотга мўлжалланган воситаларни тўлдириш учун фойдаланилади. Бундай моддаларга қурол учун плутоний, стронций, кобальт, тўйдирилган уран, радий ва бошқалар киради¹.

5. Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган бошқа модда ва буюмларга физик, кимёвий ёки биологик кўрсаткичлари бўйича инсон организмига зарарли таъсир кўрсатувчи ҳар қандай моддалар, предметлар, техник қурилмаларни емириш хусусиятларига қура қуроллар, ўқ-дорилар, портловчилар ёки радиоактив моддалар билан тенглаштирилади. Булар: юқори захарли моддалар сақланадиган сиқимлар, биологик препаратлар, радиоактив ёки захарловчи моддалардан бўшаган идишлар, юқори ўтказгичли электр тизимлари ва ҳ.к.

6. ЖКнинг 297-моддасида назарда тутилган жиноят **объектив томондан** атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган, ўртача оғир тан жароҳатларини келтириб чиқарувчи қурол билан ҳамда ўқ-дори, портловчи, радиоактив ёки бошқа моддалар ва буюмлар билан муомалада бўлиш қондаларини бузишда ифодаланadi.

7. Модданинг диспозицияси бланкет тавсифга эга. Ушбу модда бўйича шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳар бир алоҳида вазиятда кўрсатилган предмет билан муомала қилишнинг қайси қондаси ва бу қонданинг қайси банди бузилганлигини аниқлаш лозим. Кўрсатилган қондалар ички хизмат Низомида, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизон ва қоровул хизмати Низомида ҳамда бошқа махсус меъёрий ҳужжатларда (ўқтирмаларда, йуриқномаларда, идоровий буйруқларда ва бошқаларда) баён этилиб, уларда қурол билан, тегишли модда ва предметлар билан муомалада бўлишнинг хавфсиз шартларини таъминловчи қондалар рўйхати ифодаланган.

8. **Қурол-яроқ билан муомалада бўлиш қондалари** – бу қуролдан фойдаланиш жараёнида атрофдагиларнинг хавф-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни қуриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 5.1.3-банд.

сизлигини таъминловчи усул ва ҳаракатларнинг кетма-кетлиги йиғиндисидир. Масалан, олдиндан сақлаш механизmidан фойдаланиш қондалари, нишонга олиш, ўклаш, ўқни чиқариш ва х.к.

Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган бошқа модда ва буюмлар билан муомала қилиш қондалари уларда фойдаланиш тартибларини ҳам ўз ичига олади. Яъни, миналарни ўрнатишда, портлатиш ишларини амалга оширишда, электр қурилмалари билан ишлашда ва х.к.ларда хавфсизлик қондалари мавжуд. Шу билан бирга атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган моддалар ва предметлар билан муомала қилиш тартиби, улардан фойдаланиш қондаларинигина эмас, балки уларни сақлаш ва ташиш қондаларини ҳам ўз ичига олади.

9. Атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив ва бошқа моддалар ва буюмлар билан муомалада бўлиш қондаларини бузиш шу билан тавсифланадики, улар билан муомала қилишда ҳарбий хизматчи мажбурий усулларни бажармайди ёки кўрсатилган предметлар билан муомала қилишда ўрнатилган кетма-кетликка риоя қилмайди ҳамда уларни сақлаш хавфсизлиги қондаларини бузади, бу эса, ўз навбатида, одамларнинг ҳалок бўлишига ва жароҳатланишига, ҳарбий техниканинг нобуд бўлишига, ҳарбий тадбирларнинг тўхташига ва бошқа оғир оқибатларга олиб келади.

Портловчи моддалар омборида ҳарорат режимига риоя қилмаслик, газ ёки ёқилғи-мой материаллари сиқимлари яқинида олов ёқиш, радиоактив ва захарли моддалар билан ишлаганда ҳимоянинг йўқлиги ва х.к.ларни муомала қилиш қондаларини бузиш деб тан олиш мумкин.

10. Атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган қуроллар, моддалар ва предметлар билан муомала қондаларини бузишни ва бу предметлардан мўлжалланмаган жойда фойдаланишни фарқлаш зарур – охиригиси ўзида таҳлил қилинаётган жиноят таркиби белгиларини ифодаламайди. Кўрсатилган предметлардан мўлжалланмаган жойда фойдаланиш, атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган

бу қуроллар, моддалар ва предметлардан жонли кучларни нишонга олиш мақсадида эмас, балки бошқа мақсадларда, масалан қовлаш учун, ишни енгиллаштирувчи восита сифатида ва ҳ.к.да фойдаланиш фараз қилинади. Зарур белгилар мавжудлигида бу қилмишлар, қуролни бепарво сақлаш ёки шахсга қарши жиноят учун жавобгарликни назарда тутган ЖКнинг тегишли моддалари бўйича квалификация қилиниши мумкин.

11. Агар қоровул қоровул хизмати вазифаларини ўташдан чалғиб қурол билан муомалада бўлиш қоидаларини бузса ва натижада уларнинг олдини олиш учун қоровул тайинланган зарарли оқибатлар келиб чиқса, унда қилмиш ЖКнинг 297 ва 291-моддалари билан жиноятлар жами тарикасида квалификация қилинади.

12. Қўриб чиқиладиган жиноят қонунда кўрсатилган оқибатлар, жумладан, ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари келиб чиққан вақтдан бошлаб **туғалланган** деб ҳисобланади (ЖКнинг 297-моддаси 1-қисми).

Назарда тутиш лозимки, ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиш бу жиноят таркиби билан қамраб олинади ва шахсга қарши жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар бўйича қўшимча квалификацияни талаб этмайди.

13. Жиноятнинг зарурий белгиси – атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган қуроллар, моддалар ва предметлар билан муомала қилиш қоидаларини бузиш ва бу қоидаларнинг бузилиши билан келиб чиққан жамиятга хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий борланишдир.

14. **Субъектив томондан** қурол билан ва бошқа моддалар, предметлар билан муомала қилиш қоидаларини бузиш қасддан ҳам, эҳтиётсизликдан ҳам содир этилади. Ҳамма вазиятларда келиб чиққан оқибатларга айбдор фақат жиний ўз-ўзига ишониш ва бепарволик қўринишидаги эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлади. Агар ҳарбий хизматчи ушбу жиноятни содир этишда зарарли оқибатларига қасддан муносабатда бўлса, унда қилмишни шахсга қарши ва мулкка қарши жиноятлар тўғрисидаги

тегишли моддалар бўйича келиб чиққан оқибатларига кўра кўшимча квалификациялаш лозим бўлади (мулкка зарар етказиш «бошқа оғир оқибатлар» белгиси билан камраб олинади – ЖКнинг 297-моддаси 3-қисми «б» банди).

Жиноятнинг мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилиш учун ахамиятга эга эмас.

15. ЖКнинг 297-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган қурол, моддалар ва предметлардан ўз хизмат фаолияти бўйича фойдаланувчи ёки уларни сақлашни, ташишни ёки етказиб беришни таъминловчи ёки улар ёнига киришга ва улар билан муомала қилдиларини бузадиган ҳарбий хизматчи бўлади. Бу ҳарбий хизматчи оддий аскар ва сержант, шу билан барабар старшина таркиби, офицерлар, ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳарбий хизматга мажбурлар, ўқув ва текширув йиғинларига чақирилганлар бўлиши мумкин.

Агар кўриб чиқилаётган жиноят атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган моддалар ва предметларга эгалик қилиш учун қонуний асослари бўлмаган шахслар томонидан содир этилса, улар ЖК бошқа моддалари бўйича жавобгарликка тортилишлари лозим.

16. Агар қўмондонлик таркибидаги лавозимли ҳарбий хизматчи шахс атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган қўрсатилган модда ва предметлар билан муомала қилишнинг етарли хавфсизлигини таъминламаса ёки улар билан муомала қилишнинг ўрнатилган қоидаларига риоя қилишни назорат қилиш бўйича вазифаларини етарли даражада бажармаса, улар хизматга совуққонлик билан қараганликлари учун жавобгарликка тортилиши лозим (ЖКнинг 302-моддаси).

17. ЖКнинг 297-моддаси бўйича квалификация қилинадиган қилмишлардан, қоровул, чегара ва бошқа махсус хизмат ўтаётган шахслар томонидан тегишли низомларнинг талабларини бузиш билан инсон қурбонларига ва бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ўқотар қуролларни қўллаш ҳолатлари фарқланиши лозим. Бундай ҳолатлар ўзида қоровул ёки бошқа махсус хизмат

ўтаётганда қурол қўллаш низом қоидаларини бузишни ифодалайди ва алоҳида қисмнинг тегишли моддалари бўйича квалификация қилиниши лозим.

ЖКнинг 297-моддасида гап ўз ҳолича атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган қуроллар, портловчи, радиоактив ва бошқа моддалар ва предметлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш ҳақида кетаяпти.

18. ЖКнинг 297-моддаси 2-қисмида қўйидагиларга олиб келган, атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган қуроллар ҳамда моддалар ва предметлар билан муомала қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган:

а) икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир шикаст етказилишига;

б) оғир шикаст етказилишига;

в) одам ўлишига.

(Баданга ўртача оғир, оғир шикаст етказиш тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 104 ҳамда 105-моддалари шарҳига қаранг; одам ўлими тушунчаси ҳақида ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).

19. ЖКнинг 297-моддаси 3-қисмида қўйидагиларга олиб келган ўша қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилган:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса.

20. **Бошқа оғир оқибатлар** деганда, экологик ҳалокатларни, одамларнинг оммавий касалланишини, бир неча шахсларнинг баданига оғир шикаст етказилиши, катта миқдорларда моддий ва моддий бўлмаган зарар етказишнинг турли шакллари ва ҳ.к.ларни тушуниш лозим.

Моддий зарар ҳарбий мулкни, муҳандислик иншоотларини, фуқаролар қурилишларини ва ҳ.к.ларни нобуд қилиш ва унга шикаст етказишда ифодаланиши мумкин. Моддий бўлмаган тавсифдаги зарар муҳим ҳарбий вазифани, жанговар, ўқув-жанговар вазифаларини ёки бошқа тадбирларни бузиш билан ифодаланади.



298-модда. Машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Жанговар, махсус ёки транспорт машиналарини бошқариш ёхуд улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, –

уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. **Жиноятнинг асосий бевосита объекти** қонун билан ўрнатилган жанговар техникани, махсус ва транспорт машиналарини бошқариш ва фойдаланиш тартибларини таъминловчи ижтимоий муносабатлардан иборат. **Қўшимча бевосита объект** – одамларнинг ҳаёти ва саломатлиги.

2. **Жиноятнинг предмети** – жанговар, махсус ва транспорт машиналари. Бундай машиналар дейилганда, ҳар қандай автоном двигателга эга бўлган ва одам бошқарадиган курукликда филдиракда ёки гусеницада ўзи ҳаракатланадиган ҳарбий-транспорт воситаси тушунилади.

3. **Жанговар машиналар** – бу машиналар, жанговар вазифани бажариш учун мўлжалланган ва жонли кучларни, душман ҳарбий техникасини ва бошқа объектларни (танклар, бронетранспортёрлар, ўзи юрар артиллерия ва ракета қурилмалари, артиллерия тизимларига кўмаклашиш учун мўлжалланган машиналар ва ўтти бошқариш анжомлари ўрнатилган тиркагич ва бошқа шундай ҳарбий-техник воситалар) нишонга олиш учун жиҳозланган.

4. **Махсус машиналар** – бу жанговар машиналар қаторига кирмайдиган, ҳарбий қисмларни ва бўлинмаларни муҳандислик-техник таъминлашда махсус функцияларни бажариш учун мўлжалланган машиналар. Турли муҳандислик машиналари (ҳандак (траншея) қазувчилар, бульдозерлар, ковлагичлар ва ҳ.к.), санитар транспорти, ҳаракатланувчи таъмирлаш устахоналари, лабораториялар ва ҳ.к. махсус ҳисобланади.

5. Транспорт машиналари шахсий таркибни, қуролларни, ўқ-дориларни, ҳарбий техник мулкни ташиш учун мўлжалланган ҳамда кундалик ҳужалик, маданий-маиший, тиббий ва ҳарбий қисмга бошқа хизмат кўрсатувчи (енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, санитар транспорти ва бошқалар) машиналардир¹. Бундай машиналарга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг рельсли транспорти – тепловоз, темир йўл дрежиналари ва бошқалар ҳам киради.

6. **Жиноят объектив томондан** баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етишига олиб келган жанговар, махсус ва транспорт машинасини бошқариш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

7. «Жанговар, махсус ёки транспорт машиналаридан белгиланган мақсадда фойдаланиш Ички хизмат Низоми, Йўл ҳаракати қоидалари ва бошқа ҳуқуқий актларда белгиланган тартибга қатъий риоя қилишни назарда тутати»².

8. Модданинг диспозицияси – бланкет. Шахсни жинойий жавобгарликка тортиш учун машиналарни бошқариш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг қайси пункти бузилганлигини, бу бузилишлар ва улар оқибатида келиб чиққан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши орасида сабабий борланиш мавжудлигини аниқлаш лозим (ЖКнинг 298-моддаси 1-қисм).

9. **Бошқариш** деганда, ҳаракатланувчи машинани бевосита бошқариш жараёни тушунилади. Бошқаришнинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 5.2-банд.

² Уша жойда.

бошланиш вақти машинанинг юриш қисми (ғилдирак, гусеница) ҳаракатланаётган вақтдан бошланади, тугаган вақти – ҳаракатнинг тўхтатилишидир. Ҳаракатнинг бошидан то охиригача ҳайдовчи ўрнатилган бошқарув қоидаларига риоя этиши лозим.

Бошқариш қоидаларини бузиш ҳарбий хизматчилар учун мажбурий бўлган ҳаракат қилиш ёки ҳаракат қилмаслик йўли билан ҳарбий-транспорт воситаларининг ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш меъёрларини бажармасликдан иборат. Ҳаракат тезлигини ошириш, қувиб ўтиш қоидаларини бузиш, узоқни кўриш чироғини яқинига алмаштирмаслик ва х.к.лар шулар жумласидандир.

10. **Ҳарбий машиналардан фойдаланиш** деганда, улардан мўлжалга мувофиқ фойдаланиш ва зарур техник хизматни кўрсатиш тушунилади. Машиналардан фойдаланиш деганда, агрегатлар, тизим ва механизмларни нормал ишлашини таъминловчи техника меъёрларига ва қоидаларига риоя этган ҳолда ишлатиш ҳамда ҳар қандай шароитларда хавфсизлик талабларини бажариш тушунилади.

Фойдаланиш қоидаларини бузиш – мўлжалланганига ва техник имкониятларига ҳамда техник хизматига мувофиқ машинани ишлатиш қоидаларини бузиш: рейсга техник носоз машинани чиқариш, ҳуқуқи бўлмаган шахснинг машинани бошқаришига йўл қўйиш, ҳайдовчининг нотўғри ҳаракатларини олдини олмаслик (масалан, машинада бошлиқ вазифасини бажараётган шахс томонидан) ва х.к.ни ифодалайди.

11. «Жиноят кодексининг 298-моддаси назарда тутган жиноятнинг муқаррар аломати – йўл қўйилган қонунбузарликлар натижасида одамларнинг ҳалок бўлиши уларга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш каби муайян зарарнинг келиб чиқишидир. Ҳаёт ва соғлиққа зарар етказиш ушбу жиноят таркиби билан қамраб олинган ва у шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддалар билан қўшимча тавсифлашни талаб қилмайди»¹.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 5.2.1-банд.

12. Жиноят қонунда кўрсатилган оқибатлар, жумладан, баданга оғир ёки ўртача оғир шикастлар етказилган вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади (ЖКнинг 298-моддаси 1-қисми). (*Баданга ўртача оғир, оғир шикаст етказиш тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 104 ҳамда 105-моддалари шарҳига қаранг*).

13. Кўриб чиқилаётган Жиноят **субъектив томондан** қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилади. Келиб чиққан оқибатларга айбдор фақат эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлади. Айбдор ўз қилмиши жамият учун хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини кўра билади, аммо унга етарлича асосланмасдан, ўзининг енгилтаклиги бўйича, улар ҳақиқатан келиб чиқмаслигига ёки олдини олишига умид қилади (жиноий ўз-ўзига ишониш). Айбдор бундай оқибатларнинг келиб чиқиш имкониятини кўра олмайди, аммо иш ҳолатлари бўйича у уларни олдиндан кўриши лозим эди (жиноий бепарволик).

Агар ҳарбий хизматчи ушбу жиноятни содир этганда зарарли оқибатларига қасддан муносабатда бўлса, унда қилмишни оқибатларидан келиб чиқиб шахсга қарши ва мулкка қарши жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган ЖКнинг тегишли моддалари бўйича квалификация қилиш лозим.

Жиноятни содир этиш мотивлари ва мақсади уни квалификациялаш учун аҳамиятга эга бўлмайди.

14. Жиноятнинг **субъекти** жанговар, махсус ёки транспорт машинасидан фойдаланиш учун масъул бўлган ёки уни бевосита бошқарадиган ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин.

«Қондабузарни бошқариш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликка тортишда унинг штат бўйича ҳайдовчи бўлиш-бўлмаслигининг ва машинани бошқара олиш-олмаслигининг аҳамияти йўқ»¹.

Ҳарбий машиналардан фойдаланиш қоидаларини бузиш **субъекти** фақат ушбу қоидаларга риоя қилиш мажбурияти махсус юклатилган ҳарбий хизматчигина бўлиши мумкин: ҳайдовчилар хизмати бўйича бўйсунадиган бошлиқлар, машина

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни куриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 5.2.3-банд.

бўйича катталар, назорат-ўтказиш пункти (КПП) бўйича навбатчилар ва хоказо. У, шунингдек, маълум фойдаланиш қоидаларига риоя қилишга мажбур бўлган машина ҳайдовчиси ҳам бўлиши мумкин.

Машина бўйича масъул ҳарбийнинг вазифаларини бузиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари бошқа жиноят таркибларини ҳам юзага келтириши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

«Инструктор назорати остида ўқув машинасида бошқаришни ўрганаётган ҳарбий хизматчини Жиноят кодексининг 298-моддасида назарда тутилган жиноят учун жавобгарликка тортиб бўлмайди. Бундай ҳолда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш инструкторга юклатилган бўлиб, айнан у бошқариш қоидаларини бузганлик учун жавобгардир»¹.

15. Машинанинг техник ҳолатини назорат қилиш мажбуриятлари юклатилмаган ҳарбий хизматчилар ҳам ушбу жиноятнинг субъектлари бўлмайди. Масалан, суткалик наряд шахслари, хусусан, фақат ҳайдовчида ҳарбий қисмдан ташқарига чиқиш учун тегишли ҳужжатнинг бор-йўқлигини текширишга мажбур бўлган назорат-ўтказиш пунктининг навбатчилари.

16. ЖКнинг 298-моддасида кўрсатилган жиноят ҳарбий хизматчи томонидан жанговар, махсус ёки транспорт машинасида содир этилади. Ҳарбий хизматчи томонидан жанговар, махсус ёки транспорт машинаси бўлмаган машинани бошқариш қоидаларини бузиш, худди фуқаровий шахс томонидан жанговар, махсус ёки транспорт машинасини бошқариш қоидаларини бузиш каби ЖК 266-моддасининг аломатларига мос келади (Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш).

17. ЖКнинг 298-моддаси 2-қисмида машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган:

а) одам ўлимига сабаб бўлса.

18. *(Одам ўлими тушунчаси ҳақида ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).*

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 5.2.3-банд.

19. Ҳарбий машинани бошқариш қондаларини бузишни ҳамда ушбу ходисанинг натижасида ҳаёти хавф остида қолган ва ўзини ўзи химоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмасликни биргаликда содир этган шахснинг ҳаракатларини ЖКнинг 298-моддаси билан биргаликда ЖК 117-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилиниши лозим¹.

Агар жабрланувчига машинани бошқариш қондаларини бузиш оқибатида ҳаёт учун хавfli бўлмаган енгил тан жароҳатлари етказилган бўлса ёки унинг ўлими бевосита воқеа пайтида юз бергани очик-ойдин бўлса ёки айбдор шахснинг жабрланувчига ёрдам кўрсатиши мажбурий бўлса-да, унинг ўз ҳаёти ёки соғлиғи учун очик хавф юзага келган бўлса, яъни унинг ёрдам кўрсатиш имконияти бўлмаса, шахс ЖКнинг 117-моддаси бўйича жавобгарликдан озод этилади.

20. Бошқариш қондаларини бузишнинг махсус квалификация қилинган таркиби шарҳланаётган модданинг **3-қисми**да назарда тутилган ва шундай оқибатларни махсус квалификация белгилари сифатида ўз ичига олади:

- а) одамлар ўлимига;
- б) ҳалокатга;
- в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса. (*ЖКнинг 260-моддаси шарҳига қаранг*).

21. «Бошқа оқибатлар»га анча миқдордаги моддий ёки моддий бўлмаган зарар киради. Моддий зарар автомашина, муҳандислик қурилмалари ва бошқа биноларни йўқ қилиш ёки шикаст етказишда, чорва молларининг нобуд бўлиши ва хоказоларда ифодаланиши мумкин. Моддий бўлмаган оғир оқибатлар муҳим ҳарбий топшириқлар, жанговар, ҳарбий-ўқув вазифалари ёки бошқа тадбирларнинг барбод бўлишида ифодаланиши мумкин².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 5.2.2-банд.

² Уша манба, 5.2.1-банд.

299-модда. Учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузиш

Учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини, шунингдек, учиш аппаратларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳалокат юз беришига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. **Жиноятнинг асосий бевосита объекти** Қуролли Кучларда ўрнатилган учиш ёки учишга тайёргарлик кўришнинг тартибига ҳамда ҳарбий учиш аппаратларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар бўлади. **Қўшимча бевосита объект** – фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, Қуролли Кучлар мулкнинг хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

2. Ушбу жиноятнинг **предмети** учиш аппаратлари ҳисобланади. Учиш аппаратларига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига тегишли бўлган самолётлар, вертолётлар, планерлар ва уларнинг мақсадидан қатъи назар, бошқа инсон томонидан бошқариладиган учиш аппаратлари (жанговар, разведка, транспорт учиш аппаратлари), шунингдек, учувчисиз учадиган самолётлар ва планерлар кирази.

3. **Объектив томондан** ЖКнинг 299-моддасида кўзда тутилган жиноят ҳалокат юз беришига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини, шунингдек, учиш аппаратларидан фойдаланиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

4. Ушбу модда бланкет диспозицияли. Ҳар бир алоҳида ҳолатда учиш қоидаларининг, шунингдек, учиш аппаратларидан фойдаланиш қоидаларининг қайси банди бузилганлиги ҳамда ушбу бузиш ва ҳалокат ёки бошқа оғир оқибатлар шаклидаги юз берган оқибатлар ўртасида сабабий боғланишни аниқлаш лозим.

Учишларни бажариш тартиби, шунингдек, ҳарбий учиш аппаратларидан фойдаланишнинг қоидалари ҳам умумфуқаровий, ҳам махсус ҳарбий қўлланувчи турли меъерий ҳужжатлар (бошқариш техникаси, ҳарбий авиация хизматларининг муҳандислик-авиация, штурманлик, навигация, метеорологик ва бошқа турлари масалалари бўйича буйруқлар, қўлланмалар, йўриқномалар) билан батафсил белгилаб берилган.

5. **Учиш** деб, двигателларни учиб кетиш учун ишга туширишдан бошлаб, қўнишдан кейин двигателларни тўхтатиш билан тугалланадиган вақт даври ҳисобланади.

6. Шунинг учун ушбу жиноят учун жавобгарлик фақат учиш аппаратини ҳавода бошқариш вақтида ёки кўтарилиш-қўниш йўлагигадаги ҳаракат чоғида – кўтарилиш ёки қўнгандан сўнг двигатель тўхташигача бўлган вақтда учиш аппаратини бошқариш қоидаларини бузиш, шунингдек, машинани ва экипажни учиш олдидан тайёрлаш қоидаларини бузгандагина юзага келиши мумкин. Машинанинг ҳавога кўтарилиши ёки қўниши билан боғлиқ бўлмаган ҳодисалар ушбу модда билан жавобгарликка тортишга асос бўла олмайди ва бошқа жиноят таркибини ташкил этиши мумкин.

7. Учиш қоидаларини бузиш учувчи томонидан учиш аппаратининг учиб кетиши, учиши ва қўниши пайтида учишни бошқаришнинг белгиланган қоидаларини бажармаслик ёки тегишлича бажармаслигидир. Учиш қоидаларини бузиш учишни бошқариш техникасида, ориентирларни ёки йўл бошқарувини йўқотиб қўйишда, пикедан чиқишнинг кечикишида, жойига етмай ёки ундан ошиб кетиб ерга қўнишда, охиригача чиқарилмаган шасси билан ерга қўнишда, қўниш учун пасайиш тезлигидан ортиқ тезлик билан ҳаракатланишда ва ҳоказолардаги хатолар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузиш экипаж аъзоларининг учишга тайёргарлик кўриш ва учишга йўл қўйилиши қоидаларини бажармаслик ёки машинанинг ўзини учишга тайёрлашнинг қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлади (касал учувчининг учиши, тиббий кўрикдан ўтмаслик, учиш аппаратига ишлатишга яроқсиз бўлган ёнилғи ёки фойдаланиш

суюкликларини қуйиш, учиш аппаратига тегишлича бўлмаган техник хизмат кўрсатилиши, айрим тугунлар ва агрегатларни сифатсиз таъмирлаш ва хоказо)¹.

8. Учиш аппаратидан фойдаланиш деб, ундан мақсадига кўра фойдаланиш тушунилади. Фойдаланиш тушунчаси билан, шунингдек, учиш аппаратларининг авариясиз ишлаб туришини таъминлайдиган тизимлар ва агрегатлардан мақсадига кўра фойдаланиш ҳам қамраб олинади.

Учиш аппаратидан фойдаланиш – унинг учиши ёки учишга тайёргарлик тушунчасига қараганда кенгрок тушунчадир. Агар учиш жараёни ундан фойдаланишдан ажралмас бўлса, у ҳолда ундан фойдаланиш ҳам учиш даврида, ҳам ундан ташқарида содир бўлиши мумкин (масалан, самолётнинг ангарда туриш даврида, вертолётнинг учишдан кейинги хизмат кўрсатиш даврида ва хоказо).

Фойдаланиш қондаларини бузиш, масалан, керакли қўшимча тайёргарликдан ўтмаган шахсларнинг бошқаришга қўйилишини, учиш аппаратидан мақсадсиз фойдаланишни, самолётда юкни нотўғри жойлаштириш, учиш хавфсизлигини таъминлайдиган тугунлар ва механизмларга техник хизмат кўрсатиш талабларидан чекиниш ва учиш аппаратларидан фойдаланишнинг хавфсиз шароитларини таъминлайдиган ундан фойдаланиш тартибининг бошқа бузилишларини ўз ичига олади.

9. Жиноят ҳалокат ёки бошқа оғир оқибатлар шаклидаги оқибатлар юзага келган пайтидан бошлаб тугалланган деб ҳисобланади.

10. Ҳалокат деганда, ҳаракатланаётган учиш аппаратининг унда учаётган экипаж аъзоларидан, кўчирилаётган бўлинма шахсий таркибидан ёки ҳаво кемасида бўлган бошқа шахслардан бирортасининг ҳалок бўлишига сабаб бўлган бузилиши ёки шикастланиши тушунилади.

11. Бошқа оғир оқибатларга қўидагилар кириши мумкин: ҳаво кемасида бўлган шахсларнинг баданига оғир

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш буйича суд амалиёти турисида»ги 23-сонли қарори, 5.3.2-банд.

шикаст етказилиши; учиш аппаратининг ерга қулаб тушиши ёки мажбуран қўниши натижасида ердаги одамларнинг ҳалок бўлиши ёки уларнинг баданига оғир шикаст етказилиши; авария, яъни самолётга унинг тўла яроқсиз ҳолга келишига сабаб бўлган даражада шикаст етказилиши; машиналарнинг уларни таъмирлаш учун анчагина моддий харажатлар талаб қиладиган даражада бузилиши; ҳаво кемасининг ҳалокати, қулаши ёки мажбуран қўниши чоғида давлат, шунингдек, ҳарбий мулкнинг ёки шахсий мулкнинг нобуд бўлиши ёки уларга катта миқдорда зарар етказилиши¹.

12. Тергов ва суд органлари ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу воқеа ва юз берган оқибатлар ўртасидаги сабаб-оқибат боғланиши мавжудлигини аниқлаши лозим, акс ҳолда содир этилган қилмишда ушбу жиноят таркибининг мавжудлигини таъкидлаш мумкин эмас.

13. Жиноятнинг **субъектив томони** эҳтиётсизлик шаклидаги айб билан ифодаланади. Учиш ёки учишга тайёргарлик қўриш қоидаларини бузишга йўл қўйган шахс оғир оқибатлар юз бериши мумкинлигини олдиндан кўра олади, лекин асоссиз ҳолда ушбу оқибатлар юз бермайди, деб ҳисоблайди ёки уларни олдиндан кўра олиши лозим ва мумкин эди.

Содир этилган қилмишни ЖКнинг ушбу моддаси бўйича квалификация қилиш учун жиноятни содир этиш мотиви аҳамиятга эга эмас.

14. ЖКнинг 299-моддасида назарда тутилган «жиноятнинг **субъекти** – зиммасига учиш ёки учишга тайёргарлик қўришни таъминлашга оид махсус вазифа юклатилган ҳарбий хизматчилар бўлишлари мумкин. Учиш раҳбари, ҳаво кемасининг қўмондони, учувчи, борт муҳандиси, штурман ва бошқалар ҳам жавобгарликка тортилишлари мумкин»².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни қўриш бўйича суд амалиёти туғрисида»ги 23-сонли қарори, 5.3.1-банд.

² Ўша манба, 5.3.3-банд.

300-модда. Кемани бошқариш қоидаларини бузиш

Кемани бошқариш қоидаларини бузиш кеманинг ҳалокатга учрашига ёки унга жиддий шикаст етказилишига, одамлар ҳалок бўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. **Жиноятнинг асосий бевосита объекти** Куролли Кучларда ўрнатилган кемани бошқаришнинг тартибини ҳамда ҳарбий кемалардан фойдаланиш қоидаларини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар бўлади. **Қўшимча бевосита объект** – фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, Куролли Кучлар мулкининг хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

2. Ушбу жиноятнинг **предмети** фақат ҳарбий кемалар, яъни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Денгиз флоти кема таркибининг кемалари бўлиши мумкин. Булар жанговар ва қоровул кемалари, махсус мақсадли сузиш воситалари, катерлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

3. **Объектив томондан** ЖКнинг 300-моддасида кўзда тутилган жиноят кеманинг ҳалокатга учрашига ёки жиддий шикастланишига, одамлар ҳалок бўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган кемани бошқариш қоидаларини бузишда ифодаланади.

4. Ушбу модда бланкет диспозициялидир. Жинойий жавобгарлик келиб чиқиши учун кемани бошқариш қоидаларининг бузилишини ҳамда ушбу қоида бузиш билан кеманинг ҳалокатга учраши ёки жиддий шикастланиши, одамлар ҳалок бўлиши ёки бошқа оғир оқибатлар ўртасида сабабий борланишни аниқлаш лозим.

5. **Кемани бошқариш** кемани сузиш пайтида бевосита бошқаришни, кеманинг курси ва тезлигини

аниқлаш, унинг манзилини аниқлаш, маневрларни амалга ошириш, буксирга олиш, тўқнашишнинг олдини олиш чораларини кўриш, об-ҳаво ўзгариши ҳолатида хавфсизлик чораларини кўриш ва ҳоказо, яъни Кема низоми, махсус кўлланмалар, йуриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган сув кемасини бошқаришнинг маълум қоидаларини ўз ичига олади.

Кемани бошқариш қоидаларини бузиш, масалан, кема бошлиғининг чуқурликларни мунтазам ўлчаб бориш ёхуд дарёнинг тор жойида ёки қирғоққа яқин жойда сузиш тезлигини камайтириш чораларини кўрмасликда ифодаланиши мумкин.

6. Фақат қонунда белгиланган оғир оқибатларга, яъни кеманинг ҳалокатга учраши, унинг жиддий шикастланиши, одамлар ҳалок бўлиши ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган кема бошқариш қоидаларининг бузилишлари жинойий жавобгарликка сабаб бўлади.

Кеманинг ҳалокатга учраши деб, унинг тўлиқ бузилиши ёки чўктирилиши тушунилади. Кемани тиклаш мумкин бўлмаган ҳолда у ҳалокатга учраган деб тан олинади.

Кемага жиддий шикаст етказилиши деб, кемага капитал таъмирлашни талаб этувчи шикастлар етказилиши тушунилади.

Одамлар ҳалок бўлиши деб, кема командаси икки ва ундан ортиқ аъзосининг улими тушунилади.

Бошқа оғир оқибатларга қуйидагилар киради: икки ёки ундан ортиқ команда аъзоларига ёки кема йўловчиларига оғир ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳатларининг етказилиши, ҳарбий топшириқнинг бузилиши, экологик ҳалокат, ўсимликлар, ҳайвонларнинг оммавий ҳалокати ва бошқалар.

Кемани бошқариш қоидаларининг бузилиши кеманинг ҳалокатга учраши ёки жиддий шикастланиши, одамлар ҳалок бўлиши ёки бошқа оғир оқибатлар юзага келган пайтидан бошлаб **туғалланган** жиноят деб ҳисобланади.

7. Тергов ва суд органлари ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу воқеа ва юз берган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш

мавжудлигини аниқлаши лозим, акс ҳолда содир этилган қилмишда ушбу жиноят таркибининг борлигини таъкидлаш мумкин эмас.

8. **Субъектив томондан** кемани бошқариш қоидаларини бузиш ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик билан бўлиши мумкин. Лекин юз берган оқибатларга нисбатан Жиноятнинг субъектининг айби доимо эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади (жиноий ўз-ўзига ишониш ёки жиноий бепарволик). Акс ҳолда айбдор шахснинг ЖК бошқа моддалари билан жавобгарлиги (давлатга хоинлик қилиш, мулкни қасдда, нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш ва бошқалар) масаласи кўйилиши мумкин.

9. Жиноятнинг **субъекти** кемани бошқариш қоидаларини бузган ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин. Бу кеманинг раҳбари, кема раҳбарининг ёрдамчиси, кемани бошқариш, жумладан маневр қилиш вазифаларини бажараётган штурман ва соқчиликдаги зобит бўлиши мумкин.

XXIV боб. ҲАРБИЙ МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ

301-модда. Ҳокимиятни сунистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги

Бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз ҳокимият ёки хизмат мавқеини сунистеъмол қилиши, ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиши, шунингдек, ҳокимият ҳаракатсизлиги Қуролли Кучларнинг манфаатларига, ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланидиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, —

уч йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиб, содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, —

ун беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** Қуролли Кучларда ўрнатилган ҳарбий бошқарув органларининг нормал иш фаолиятини, уларнинг обрўсини, ҳарбий бошлиқлар ва мансабдор шахсларнинг хизмат ваколатларини амалга оширишнинг белгиланган тартибини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар. **Қўшимча бевосита объект** — фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ўзгалар мулкининг дахлсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

2. Мазкур жиноят **объектив томондан** бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз ҳокимият ёки хизмат мавқеини сунистеъмол қилиши, ҳокимият ёки хизмат ваколоти доирасидан четга чиқиши, шунингдек, ҳокимият ҳаракатсизлиги Қуролли Кучларнинг манфаатларига, ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида ифодаланади.

3. «**Ҳокимиятни ёки хизмат мавқеини сунистеъмол қилиш** — бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг қасддан ўз хизмат мавқеидан ҳарбий хизмат манфаатларига зид мақсадларда фойдаланишидир.

Ҳокимиятни ёки хизмат мавқеини сунистеъмол қилиш мансабдор шахс томонидан унинг ўз ваколатларини бузишида ифодаланиши мумкин, аммо бу ҳаракатлар айбдор зиммасига хизмат юзасидан юклатилган у ёки бу муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ барча ҳолларда ҳам шахс мазкур хатти-ҳаракатларни, фақат ўзи эгаллаб турган хизмат мавқеига кўра содир этган бўлиши ва бу хатти-ҳаракатлар ўз моҳиятига кўра хизмат бурчига зид бўлиши шарт.

Хизмат манфаатларига хилоф равишда содир этилган деб, хизмат зарурати такозо этмаган, хизмат бурчи ва мансаб мажбуриятларини бузадиган, қонунлар, ҳарбий низомлар ва кўмондонлик буйруқларига зид бўлган хатти-ҳаракатлар тушунилиши лозим. Бунда хизмат бўйича юклатилган мажбуриятларнинг мансабдор шахс томонидан бузилишини, унга берилган ҳуқуқларнинг сунистеъмол қилинишини, ўз фаолиятида қонун талабларидан четга чиқилишини мақсадга мувофиқлик ёки хизмат зарурати туфайли қилинган деб оқлаб бўлмайди.

4. Ҳокимият ёки хизмат ваколатидан ташқарига чиқиш, мансабни сунистеъмол қилишдан фарқли равишда, кўмондон ёки бошқа мансабдор шахснинг ўзига берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасидан қасддан, очиқчасига четга чиқадиган ҳаракатларни содир этишида ифодаланади. Ҳокимият ёки хизмат ваколатидан ташқарига чиқиш жумласига мансабдор шахс хизмат юзасидан фақат муайян, айтилган вақтда мавжуд бўлмаган ҳоллардагина, содир этишга ҳақли бўлган ёки юқори лавозимда турган ёхуд махсус ваколатли шахс содир этиши лозим бўлган ҳаракатлар ҳам қиради.

5. Шахснинг хизмат мавқеи доирасидан четга чиқишда айбдорлиги масаласини ҳал этиш чоғида ҳар доим унинг ваколат доирасини аниқлаб олиш муҳимдир. Ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари қонунлар, низомлар, низомлар ва кўмондонлик буйруқларида аниқ белгилаб қўйилган. Айтилган пайтда шуни эътиборга олиш керакки, мансабдор шахс томонидан қурол ва бошқа жисмоний зўрлик ишлатилиши, агар бу ҳаракатлар унинг томонидан

ўз хизмат мажбуриятларини бажариши ва хизмат юзасидан жабрланувчига нисбатан мавжуд ваколатлар доирасидан четга чиқиши билан боғлиқ бўлган ҳоллардагина ҳокимиятни суиистеъмол қилиш деб баҳоланиши мумкин. Жабрланувчи айбдорга тобе ёки айбдор ҳокимият вакили бўлганлиги боис унга қарам бўлган ҳолларда муайян ваколатлар мавжуд бўлиши мумкин. Акс ҳолда, шахсга қарши жиноят учун Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жавобгарлик юзага келиши мумкин.

6. Ҳокимият ҳаракатсизлиги бошлиқ ўз ҳарбий хизмат мажбуриятларига кўра содир қилиши лозим бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаганлигида ифодаланади.

Ҳарбий низомлар ҳар бир бошлиқ ўзига берилган ҳокимиятдан ҳарбий хизмат манфаатлари, унга ишониб топширилган қисм (булинма)нинг жанговар салоҳиятини ошириш, тартиб ва интизомга қатъий амал қилиш йўлида тулик фойдаланиши кераклигини талаб этади. Бошлиқнинг жиной ҳаракатсизлиги, муайян шароитда ижтимоий хавfli оқибатларнинг олдини олиш учун қўллаши лозим бўлган чораларни қўлламаслиги ҳарбий хизматга катта зиён етказиши мумкин.

Агар булинма қўмондони ўзига тобе шахс булинма мулкни ташиш пайтида жанговар ўқларни ўғирлаб, бегона шахсга сотаётганлигини кўра туриб, бунинг олдини олмаса, бу қўмондон жиной ҳаракатсизлик учун жавобгарликка тортилиши керак.

Бошлиқнинг тобе шахсларга нисбатан уларнинг низомга зид ҳаракатларига барҳам бериш учун чора кўрмаслиги ҳам ҳокимият ҳаракатсизлиги деб баҳоланиши лозим.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги қасддан қилинадиган хатти-ҳаракат бўлиб, у айнан шу билан хизматга совуққонлик билан қарашдан фарқ қилади. Ҳокимият ҳаракатсизлиги ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилишдан шуниси билан фарқ қиладики, бу жиноят бошлиқ фақат ҳокимият ваколати доирасида ва фақат хизмат вазифасига кўра қилиши шарт бўлган ҳаракатни содир этмаслиги шаклида бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳолда бажарилмай қолган ҳаракатларни содир этиш мазкур мансабдор шахснинг

ваколатига кириш-кирмаслиги ва бунинг учун унда етарли имконият бўлган-бўлмаганлиги аниқланиши зарур»¹.

7. Жиноят Қуролли Кучларнинг манфаатларига, ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши шаклидаги жиноий оқибатлар юз берган пайтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади. Ҳокимиятни сунистеъмом қилиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги ҳамда юз берган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш жиноят объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Мансабдорлик жиноятини тавсифлайдиган зарарли оқибат сифатида жиддий зарар, ўз хусусияти ва кўламига кўра кўп миқдорни ташкил этади. Жиддий зарар Қуролли Кучлар, алоҳида хизматчилар ва бошқа шахсларга етказилиши ва турлича, ҳам моддий, ҳам моддий бўлмаган муайян тусда намоён бўлиши мумкин. Жиноят **тугалланган** деб тан олинishi учун зарар амалда етказилган бўлиши шарт.

Жиддий зарар сифатида, жумладан, содир этилган жиноят туфайли бўлинмада (қисмда) ҳарбий интизомга путур етиши, жанговар топшириқнинг, ўқув отишмаларининг, ишларнинг барбод бўлиши, ҳарбий мулкка зиён етказиш ёки уни йўқ қилиш, жиддий моддий зарар етказиш, ҳарбий хизматчилар ва бошқа шахсларнинг шахсий ёки мулкий ҳуқуқларининг бузилиши кабилар тан олинади.

Жиддий зарар тушунчаси ўз ичига ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти учун хос бўлган жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ҳам олади. Қасддан одам ўлдириш ёки қасддан баданга оғир шикаст етказиш сифатида етказилган зарар ҳокимият ёки хизмат ваколатидан четга чиқиш жинояти аломатларидан ташқарига чиқади ва оғирроқ жиноят сифатида мустақил тавсифлашни такозо этади².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни куриш бўйича суд амалиёти туррисида»ги 23-сонли қарори. 4.4-банд.

² Ўша манба, 4.5-банд.

8. **Субъектив томондан** ҳокимият ёки хизмат мавқеини суниестъмомл қилиш, ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш, шунингдек, ҳокимият ҳаракатсизлиги – қасддан содир этиладиган жиноятлардир. Айбдор шахс унинг хизмат ваколатларидан фойдаланиб содир этган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳарбий хизмат манфаатларига зид келишини англаб етади ва айнан шундай иш тутишни истайди ёки ўз ҳаракатларининг шундай турда эканлигига бепарво қарайди.

Айбдор шахснинг жиноят оқибатларига – қонунга кўра жиноят таркибининг зарурий белгиларидан бири бўлган жиддий зиёнга муносабати ҳам қасд қилиш, ҳам эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши мумкин.

Жиноятни содир этиш мотиви ва мақсади уни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга бўлмайди.

9. ЖКнинг 301-моддасида кўзда тутилган жиноятнинг **субъекти** мансабдор шахс бўлган ҳарбий хизматчи.

Ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг субъектлари ҳарбий бошлиқлар ва бошқа мансабдор шахслар бўлиши мумкин. Ички хизмат Низомига мувофиқ бошлиқ хизмат мавқеи (лавозими)га ва ҳарбий унвонига кўра бўлиши мумкин. Ҳарбий мансабдор шахсларнинг намунавий рўйхатлари Ички хизмат Низомида, Интизом Низомида, Гарнизон ва қоровул хизмати Низомида ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган.

Бошқа ҳарбий хизматчилар ҳам, агар улар бошлиқ бўлмай туриб, муайян ташкилий-фармойиш бериш ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган лавозимларни доимий ёки вақтинча эгаллаб турса ёки бу вазифаларни қўмондонликнинг махсус фармойиши бўйича бажарса, мансабдор шахс бўлиши мумкин. Ушбу вазифаларни бажариш учун ҳарбий хизматчиларга юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар содир эта олиши билан боғлиқ тегишли ваколатлар бериледи. Ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг ижрочилари фақат бошлиқлар ва мансабдор шахслар, иштирокчилари эса, бошқа шахслар ҳам бўлиши мумкин.

10. Ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уни содир этишдан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатлар, баъзан, айбдор

томонидан бевосита эмас, балки хизмат бўйича унга тобе шахслардан фойдаланиш, уларга ноқонуний буйруқ бериш орқали етказилиши мумкин. Бундай буйруқни қасддан берган мансабдор шахс ноқонуний буйруқни ижро этиш натижасида келиб чиққан оқибатлар учун жавоб беради. Бундай ҳолда унинг хатти-ҳаракати шахсан ўзи содир этгани сингари мансабдорлик жинояти сифатида, агар оқибатларнинг ўзи мустақил жиноятни ташкил этса, қилмишлар мажмуи билан тавсифланиши лозим.

Мансабдор шахснинг нотўғри ҳаракатлари билан у содир этган жиноят оқибатлари ўртасида сабабий боғланиш борлиги аниқланган бўлиши керак»¹.

11. Агар ҳокимият ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш, шунингдек, ҳокимият ҳаракатсизлиги ўртача оғирликдаги ёки оғир тан жароҳатларини етказиш билан бирга содир этилган бўлса, айбдор шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 301-моддаси 2-қисми билан квалификация қилинади.

12. ЖКнинг 301-моддаси 3-қисмида:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган қилмишлар учун жавобгарлик кузда тутилган.

13. ЖКнинг 301-моддаси 3-қисми «б» банди маъносидаги бошқа оғир оқибатлар деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши, одамлар ўлими, ҳалокатлар ва бошқалар тушунилиши лозим.

14. Ҳокимият ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, жанговар вазиятда содир этилган ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш, шунингдек, ҳокимият ҳаракатсизлиги мансабдор шахс бўлган ҳарбий хизматчининг ЖКнинг 301-моддаси 4-қисми бўйича жавобгарликка тортилишига олиб келади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни куриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 4.1-банд.

302-модда. Хизматга совуққонлик билан қараш

Бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахнинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

уч йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ШАРҲ

1. Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** мансабдор шахс бўлган ҳарбий хизматчининг ўзига юклатилган вазифаларини бажаришининг белгиланган тартибини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар бўлади. **Кўшимча бевосита объект** бу ерда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ўзгалар мулкининг дахлсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

2. ЖКнинг 302-моддасида кўзда тутилган жиноятнинг **объектив томони** бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахнинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлишида ифодаланади.

Хизматга совуққонлик билан қараш мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигидан иборат.

«Мажбуриятларни лозим даражада бажармаслик уларнинг юзаки, иштиёқсиз, эътиборсизлик билан, уйламасдан ва керакли ғайрат, ташаббуссиз бажарилишида намоён

бўлади. Бу кўринишдаги совуққонлик ҳарбий мансабдор шахснинг унга ишониб топширилган ҳарбий мулкка лоқайд муносабатда бўлиши оқибатида мазкур мулкнинг нобуд бўлиши ёки унга шикаст етиши, моддий бойликлардан фойдаланишда ҳисоб-китоб ва назоратнинг етарлича бўлмаганлиги ёки уларни сақлаш ёмон ташкил этилганлиги сабабли талон-торож ёки камомад келиб чиқиши, қўмондон бўлинмада ҳарбий тартиб ўрнатиш учун тегишли чоратадбирлар кўрмаганлиги туфайли тобе шахслар томонидан интизомнинг қўпол бузилиши ёки қўмондонлик берган топшириқларнинг бажарилиши барбод бўлиши кабиларда намоён бўлади.

Совуққонлик мансабдорлик жинояти сифатида, мансабдор шахс томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳаракатлар унинг хизмат ваколатига тегишли бўлишини, лавозими бўйича унинг зиммасига юклатилган мажбуриятлар доирасига кирган бўлишини тақозо этади.

Мансабдор шахс у ёки бу мажбуриятларни ўз хизмат бурчи туфайли бажариши нафақат шарт бўлган, балки уни лозим даражада бажариши мумкин ва бунинг учун реал имкониятга эга бўлган ҳолдагина, совуққонлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Агар мансабдор шахс ўз хизмат вазифаларини лозим даражада амалга ошириш учун етарли имкониятга эга бўлмаган шароитга тушиб қолган бўлса, совуққонлик учун жавобгарлик истисно этилади¹.

3. Кўриб чиқиладиган мазкур жиноят кўп миқдорда зарар ёки бошқа оғир оқибатлар юз берган пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади. Хизматга совуққонлик билан қараш ҳамда юз берган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш жиноят объектив томонининг зарурий белгиси бўлади.

Фуқароларнинг соғлиғига зарар етказилиши шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, 4.6-банд.

ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноятлар жами тариқасида жавобгарликка тортилади.

4. **Субъектив томондан** жиноят эҳтиётсизликнинг жиноий ўз-ўзига ишониш ёки жиноий бепарволик шаклида содир этилади.

5. Жиноятнинг **субъекти** мансабдор шахс бўлган харбий хизматчи бўлади.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА
ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИЛГАН ҚОНУНЛАР
РЎЙХАТИ**

(20.07.2018 – 01.03.2023)

Т/р	Қабул қилинган санаси	Рақами	Киритилган ўзгариш ва қушимчалар сонин (банд)	Кучга кириш санаси	Эълон қилинган расмий манбаси
1.	20.07.2018	ЎРҚ-485	3	21.07.2018	ЎР ҚХТ, 2018 й. № 29, 591-м.
2.	22.10.2018	ЎРҚ-503	24	23.10.2018	ЎР ҚХТ, 2018 й. № 43, 841-м.
3.	09.01.2019	ЎРҚ-514	3	10.01.2019	ЎР ҚХТ, 2019 й., № 1-2, 3-м.
4.	15.01.2019	ЎРҚ-516	2	16.01.2019	ЎР ҚХТ, 2019 й., № 3, 37-м.
5.	04.03.2019	ЎРҚ-526	2	06.06.2019	ЎР ҚХТ, 2019 й., № 10, 171-м.
6.	02.05.2019	ЎРҚ-534	3	04.11.2019.	ЎР ҚХТ, 2019 й., № 18, 347-м.
7.	23.05.2019	ЎРҚ-542	3	24.05.2019	ЎР ҚХТ, 2019 й., № 21, 385-м.
8.	28.05.2019	ЎРҚ-543	4	29.05.2019	ЎР ҚХТ, 2019 й. № 22, 403-м.
9.	08.07.2019	ЎРҚ-548	2	09.07.2019	ЎР ҚХТ, 2019 й. № 28, 500-м.
10.	30.08.2019	ЎРҚ-560	2	31.08.2019	ЎР ҚХТ, 2019 й. № 36, 652-м.
11.	12.09.2019	ЎРҚ-567	13	13.09.2019	ЎР ҚХТ, 2019 й. № 37, 671-м.
12.	05.11.2019	ЎРҚ-579	1	06.11.2019	ЎР ҚХТ, 2019 й. № 45, 844-м.
13.	03.12.2019	ЎРҚ-586	6	04.12.2019	ЎР ҚХТ, 2019 й. № 49, 890-м.
14.	22.01.2020	ЎРҚ-603	1	23.01.2020	ҚХММБ, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон

15.	26.03.2020	ЎРҚ-613	2	26.03.2020	КХММБ. 26.03.2020 й.. 03/20/613/ 0362-сон
16.	21.07.2020	ЎРҚ-629	3	22.07.2020	КХММБ. 22.07.2020 й.. 03/20/629/ 1087-сон
17.	05.10.2020	ЎРҚ-640	1	05.10.2020	КХММБ. 05.10.2020 й.. 03/20/640/ 1348-сон
18.	05.11.2020	ЎРҚ-645	2	06.11.2020	КХММБ. 06.11.2020 й.. 03/20/645/ 1469-сон
19.	03.12.2020	ЎРҚ-653	1	04.12.2020	КХММБ. 04.12.2020 й.. 03/20/653/ 1592-сон
20.	25.12.2020	ЎРҚ-658	6	26.12.2020	КХММБ. 26.12.2020 й.. 03/20/658/ 1670-сон
21.	14.01.2021	ЎРҚ-667	1	15.01.2021	КХММБ. 15.01.2021 й.. 03/21/667/ 0035-сон
22.	12.02.2021	ЎРҚ-673	5	13.02.2021	КХММБ. 13.02.2021 й.. 03/21/673/ 0112-сон
23.	18.02.2021	ЎРҚ-675	1	18.02.2021	КХММБ. 18.02.2021 й.. 03/21/675/ 0126-сон
24.	30.03.2021	ЎРҚ-679	2	30.03.2021	КХММБ. 30.03.2021 й.. 03/21/679/ 0256-сон
25.	21.04.2021	ЎРҚ-683	15	21.04.2021	КХММБ. 21.04.2021 й.. 03/21/683/ 0375-сон
26.	16.08.2021	ЎРҚ-708	3	17.08.2021	КММБ. 17.08.2021 й.. 03/21/708/ 0799-сон
27.	25.08.2021	ЎРҚ-711	4	26.08.2021	КММБ. 26.08.2021 й.. 03/21/711/ 0825-сон

28.	04.10.2021	УРҚ-719	1	05.10.2021	ҚММБ, 05.10.2021 й., 03/21/719/ 0929-сон
29.	12.10.2021	ЎРҚ-721	1	12.10.2021	ҚММБ, 12.10.2021 й., 03/21/721/ 0952-сон
30.	29.10.2021	ЎРҚ-726	1	30.10.2021	ҚММБ, 30.10.2021 й., 03/21/726/ 1001-сон
31.	07.12.2021	ЎРҚ-735	6	07.12.2021	ҚММБ, 07.12.2021 й., 03/21/735/ 1141-сон
32.	15.02.2022	УРҚ-754	1	16.02.2022	ҚММБ, 16.02.2022 й., 03/22/754/ 0134-сон
33.	11.03.2022	УРҚ-758	2	12.03.2022	ҚММБ, 12.03.2022 й., 03/22/758/ 0207-сон
34.	14.03.2022	ЎРҚ-759	1	14.03.2022	ҚММБ, 14.03.2022 й., 03/22/759/ 0213-сон
35.	11.04.2022	ЎРҚ-762	2	12.04.2022	ҚММБ, 12.04.2022 й., 03/22/762/ 0290-сон
36.	17.05.2022	ЎРҚ-770	3	18.05.2022	ҚММБ, 18.05.2022 й., 03/22/770/ 0424-сон
36.	31.05.2022	ЎРҚ-772	4	02.09.2022	ҚММБ, 01.06.2022 й., 03/22/772/ 0460-сон
37.	23.06.2022	ЎРҚ-780	7	24.06.2022	ҚММБ, 24.06.2022 й., 03/22/780/ 0560-сон
38.	19.10.2022	ЎРҚ-794	2	19.10.2022	ҚММБ, 19.10.2022 й., 03/22/794/ 0939-сон

РУСТАМБАЕВ

Мирзаюсуп Хакимович,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган юрист,
юридик фанлар доктори,
профессор

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА
ШАРҲЛАР**

**Махсус қисм
(193–302-моддалар)**

*Тўлдирилган ва
қайта ишланган
тўртинчи нашр*

Ўзбек тилида

«Yuridik adabiyotlar publish» МЧЖ.

Нашр. лиц. АА № 0042, 27.01.2020.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Муқимий кўчаси, 100/25.

Телефонлар: +99899 554-70-70,
+99893 554-63-70.

Расмий веб-сайт: www.kodeks24.uz

Электрон манзил: info@kodeks24.uz

Босишга рухсат этилди 25.03.2023 й.

Қороз бичими 60x90 ¹/₁₆.

«Antiqua» гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди.

Босма табоғи 47,0.

Нашриёт ҳисоб табоғи 42,0.

Адади 500 нусха. 009/03-буюртма.

«MasterBooks» МЧЖ босмахонасида
чоп этилди. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Хуштепа кўчаси, 22-а.

ISBN 978-9943-8523-7-2



9 789943 852372



**Yuridik
Adabiyotlar
Publish**



<https://t.me/yuridikadabiyotlar>

MasterBooks

